

Сабзавотчилик қишлоқ хўжалигининг энг қадимги тармоқларидан биридир. Қарам, бодринг, пиёз сингари экинлар етиширила бошлаганига 4 минг йилдан ошиб кетган. Сабзи, лавлаги, шолғом ва саримсоқ каби ўсимликларнинг маданий экин қаторига кирганига 2 минг йилча бўлди. Урта Осиёда қовун эрамиздан илгари ҳам етиширилар эди.

Сабзавот деҳқончилик қилинадиган шимолий зоналардан тортиб, токи тропик зоналаргача бўлган ҳамма жойда экиб ўстирилади. Сабзавот бунчалик кенг тарқалганилгининг боиси шундаки, у ниҳоятда лаззатли озиқ-овқат сифатида, шунингдек, витаминалар манбаи сифатида қадрланади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгарп Россияда сабзавотчилик ва картошкачилик қишлоқ хўжалигининг энг қолоқ тармоқлари эди. Сабзавот экинларининг ассортименти, яъни ҳар хил турлари ва навлари ҳаддан ташқари кам эди. Сабзавотчилик асосан истеъмол аҳамиятига эга бўлиб, майда деҳқон хўжаликарининг томорқа ерларида — полизларда жамланган эди. Жами сабзавот маҳсулотининг 15% часини берадиган шаҳар атрофи товар сабзавотчилиги эса сабзавоткор қулоқлар қўлида эди. Бу хўжаликларда сабзавотчиликдаги ҳамма ишлар фақат қўй меҳнати билан бажарилар ва мавсумий ишчиларни шафқатсиз эксплуатация қилишга асосланган эди.

Халқ селекцияси методлари асосида сабзавот-полиэ экинларининг кўпгина қимматли навлари яратилган бўлса-да, аммо уруғчилик яхши ривожланмаган эди.

Сабзавотчиликнинг умуман кам ривожланганилгига қарамай, айрим ихтисослашган районлarda картошка ва сабзавот етиширишининг ўзига хос ва жуда юксак техникаси мавжуд эди. Москва, Ростов (Ярославль облости), Арзамас (Горький облости), Нежин, Пенза (Бессоновка қишлоғи) ва бошқа районлар Россияда сабзавотчиликнинг кўҳна ва юксак ривожланган ўчоқларп ҳисобланарди.

Революциядан олдинги даврда мамлакатимиизда сабзавотчиликни ривожлантиришга рус сабзавоткор олимлари катта ҳисса қўшдилар. Узи ўқиб-ўрганиб етишган атоқли сабзавотшунос олим Е. А. Грачев (1826—1877) сабзавот экинларининг кўпгина қимматли навларини яратган. Петров Урмончилик ва деҳқончилик академияси (ҳозирги К. А. Тимирязев номли Москва

Қишлоқ хұжалик академияси)нинг ўқитувчиси Р. И. Шредер (1822—1903) ўзининг «Русский огород, питомник и плодовый сад» деган катта асарида (1877) рус сабзавотчилари тажрибасини умумлаштириди. Гори-Горецкий деҳқончилик билим юрти (хөзирги Белоруссия Қишлоқ хұжалик академияси)нинг профессори М. В. Ритов (1846—1920) бир қанча құмматли құлланмалар Ѽзган, у ҳақында мамлакатимизда илмий сабзавотчиликнинг асосчиси ҳисобланади. Сабзавот экинларындағы соңғы жылдарда мамлакатимизда сабзавотчилардың өмірінде көп өзгөрілік болған. Н. И. Кичунов (1863—1942) қам илмий сабзавотчилик тарихида катта үрін тулады.

Совет ҳоқимияти йилларыда мамлакатимизда сабзавот ва картошка майдонлары жуда көнгайды, уларнинг ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили ошди. 1913 йилдан 1970 йилга қадар СССР-да сабзавот экинлари майдони 648 минг га дан 1499 минг га га, ҳосилдорлиги 84 ү дан 135 ү га ва ялпи ҳосили 5,5 млн т дан 20,3 млн т га күпайды. Айни шу даврда картошка әкиладиган майдон 4209 минг га дан 8064 минг га гача, гектаридан олинган ҳосил 76 ү дан 120 ү гача ва ялпи ҳосили 31,9 млн. т дан 96,5 млн. т гача күпайды. Полиз экинлари майдони 276 минг га дан 404 минг га гача көнгайды, полиз экинлари ҳосилдорлиги 1970 йилда гектаридан 68 ү ни ташкил қылды.

Картошка ва сабзавот экинлари майдони ҳамда ҳосилдорлиги ортиши билан бир вақтда улар Совет Иттилоғи территориясыда әкиладиган жойлар ҳам ўзгарди. Уралда, Сибирда ва Үзөң Шарқда сабзавот экинлари майдони айниқса көнгайды. Сабза-зотчилик шимолга қараб жуда катта масофага силжиди ва ҳозирги вақтда Қутб доирасидан нарида, доимо музлаб ётадиган районларда ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Үрта Осиё республикаларида картошка әкиладиган майдонлар жуда көнгайды.

Сабзавотчилик ташкилдің жиһатдан мустаҳкамланған. Майда деҳқон хұжаликларидаги полизлар үрнида умумлаштирилген, илмий асосда ташкил этилған, комплекс механизация құлланыладиган йирик сабзавотчилик вужуда келди. Парник-теплица хұжалиғи ривож топди, сабзавот экинлари уруғчилиги вужуда келди ва ташкилдің жиһатдан мустаҳкамланған, озиқ-овқат саноатининг янги тармоғи — сабзавот маҳсулотларини заводларда консервалаш вужуда келди.

Мамлакатда картошкачилик, сабзавотчилик ва полизчилик соңғы жылдарда иш олиб борувлы илмий-тадқиқот мұассасалари тармоғи ташкил этилди. Шулар ичиде Картошка хұжалиғи илмий-тадқиқот институти, Сабзавот хұжалиғи илмий-тадқиқот институти ва уларнинг станциялари ҳамда таяңч пункtlари, Н. И. Вавилов номидаги Бутуниттифоқ ўсимликшонослик институти, Бутуниттифоқ сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти (себебі Грибовский сабзавот селекция-тажриба станциясы), Астрахандаги Бутуниттифоқ сугориладиган

сабзавотчилик ва полизчилик илмий-тадқиқот институти ва бошқалар етакчи муассасалар ҳисобланади.

150 дан ортиқ турли хил илмий-тадқиқот институтлари, тажриба станциялари, кафедра, лаборатория ва конструкторлик бюро-ларида сабзавот экинлари устида илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда.

СССРда сабзавотчиликни илмий асосда ривожлантиришга К. А. Тимирязев номидаги Москва Қишлоқ ҳўжалик академиясининг профессори В. И. Эдельштейн (1881—1964) катта ҳисса қўшди. У аслида совет илмий сабзавотчилик мактабининг асосчисидир.

Қарийб 30 йил мобайнида (1937—1966) Грибовский селекция станциясига бошчилик қилган академик Е. И. Ушакованинг сабзавот экинлари селекциясини ривожлантиришда катта хизмати бор. Шу давр ичida бу станцияда хилма-хил сабзавот экинларининг 200 дан ортиқ янги нави яратилиб, ишлаб чиқаришга тақдим этилди.

Картошка селекцияси соҳасида юз берган «революция» бу ўсимликнинг ёввойи ва ярим ёввойи формаларининг жаҳонда энг катта коллекциясини тўплаган ва ўрганиб чиқсан ВАСХНИЛ академиги С. М. Букасовнинг номи билан боғлиқдир. Бу «революция» ёввойи ва маданий картошка ўсимлигини чатиштириш йўли билан таркибида оқсиллар, углеводлар, витаминлар кўп, касалликларга ва совуққа чидамли ҳамда ҳўжалик жиҳатдан қимматли бошқа белгиларга эга бўлган дурагайлар яратишга имкон берди.

Профессор А. Г. Лорх картошкачилик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг энг кўзга кўринган ташкилотчиларидан биридир. У ўзининг серҳоснл Лорх нави билан ҳам машҳур, ҳозирги вақтда СССРдаги барча сархил картошка экин майдонининг ярмидан кўпрогига шу нав экилади.

Ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифаси — Коммунистик партияянинг халқ турмушининг моддий ва маданий даржасини юксалтиришга қаратилган йўлини ижтимоий ишлаб чиқаришни муттасил ва пропорционал ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқ ҳўжалигининг барча бўғинларида иш сифатини бутун чоралар билан яхшилаш асосида изчиллик билан амалга оширишдан иборат.

Совет Иттилоғи Коммунистик партияянинг XXV съездида тасдиқланган «1976—1980 йилларда СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да бу мухим вазифани бажариш учун қуидагилар кўзда тутилган:

қишлоқ ҳўжалик маҳсулоти етиштиришнинг ўртacha йиллик ҳажми аввалги беш йилликка нисбатан 14—17% кўпайтирилади; қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши изчиллик билан муттасил интенсивлаштирилади ва унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади; ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механи-

зациялаш ва автоматлаштириш, қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва ерларни мелиорациялаш кенгайтирилади; фан-техника ва илғор тажриба ютуқларини жорий этиш тезлаштирилади; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш формаларни такомиллаштирилади; хўжаликларо коопeraçãoциялаш, аграр-саюат бирлашмалари ва корхоналарини тузиш негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ихтисослаштириш ва концентрациялаш амалга оширилади.

Беш йиллик мобайнида колхоз ва совхозлардаги меҳнат унумдорлигишинг ўртача йиллик даражаси 27—30% оширилади.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг сифатини янада оширишга алоҳида эътибор берилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва хом ашёни етиштиришда, шунингдек, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш вақтида исрофгарчилликнинг олдини олиш чоралари кўрилади.

«1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да сабзавотчилик соҳасида қўйи-дагилар кўзда тутилади:

- картошка ва сабзавот экинлари маҳсулоти етиштириши кўпайтириш;
- сабзавот маҳсулотлари ассортиментини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш;
- сугориладиган ерларда шаҳар аҳолиси ва саноат марказларини сабзавот маҳсулотлари ҳамда эртаги картошка билан таъминлаш мақсадида гарантияланган ҳосил етиштириладиган зоналар ташкил қилиш;
- аҳоли талабини қондирадиган даражада помидор, бодринг, пиёз, саримсоқ ва кўкат экинлар етиштириши таъминлаш;
- ихтисослаштирилган сабзавотчилик хўжаликлари ва теплица комбинатлари ташкил этишни давом эттириш;
- ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва комплекс механизацияни жорий қилиш асосида сабзавотчиликда меҳнат сарфларини камайтириш.

ЎРТА ОСИЁДА САБЗАВОТЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ

Ўрта Осиёда сабзавотчилик, асосан, текисликлар ва тоғ этакларидағи суғориладиган районларда жамланған. Бу ерларда совуқсиз давр шимолда 150—160 кун ва жанубда 280—290 кун давом этади. Совуқсиз кунларнинг узоқ давом этиши, ёзда температуранинг юқори бўлиши бирга қўшилиб, бу ерларда помидор ва батат сингари иссиқсевар сабзавот экинларини ўстириш ҳамда йилига икки марта ҳосил олиш имконини беради.

Очиқ ҳаволи кунларнинг кўп бўлиши Ўрта Осиё иқлимининг ўзига хос хусусиятидир. Қуёш нур сочиб тураладиган соатлар йигидиси жиҳатидан (йилига 2500—3000 соат) Ўрта Осиё Москва атрофи районларида (1600 соат чамаси) қарийб икки ҳисса устун туради. Қиши даврида қуёш нурининг мўл-кўл бўлиши қишида, эрта кўкламда теплица ва парникларда кўчат ҳамда сабзавот ўстириш, шунингдек, очик ерларда эртаги сабзавот етиштириш имконини беради.

Қуёшдан келиб тураладиган иссиқлик энергияси миқдори жиҳатидан Ўрта Осиё Совет Иттифоқининг бошқа районларидан анча юқори туради. Буни қўйидаги рақамларда кўриш мумкин:

Қўза:пши пунктни	Ленинград	Свердловск	Саратов	Одесса	Ўрта Осиё
Қуёш радиацияси (йилига ккал/см ²)	76	89	107	112	130—150

Ўрта Осиё иқлим шароитининг қулайлиги, сунъий суғориш имконостини ва тупроғининг анчагина унумдорлиги бу ерда хилма-хил сабзавот экинлари ўстириш ва улардан мўл-кўл ҳосил олиш имконини беради. Ўрта Осиёнинг жанубида эса карам, ппёз, плдизмева ўсимликлар каби совуқбардош экинларни қишида ҳам очик ерда ўстириш мумкин.

Бироқ сабзавот етиштиришда Ўрта Осиё иқлимининг бальзи ноқулай хусусиятларини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Аввало, ёзда температуранинг жуда юқори бўлиши, яъни +47° га қадар кўтарилиши (Термиз) ана шундай ноқулайликлар жумласига киради. Температуранинг юқори бўлиши картошка тугунаклари ҳосил бўлишини ва карам бошлари ўралишини тўхтатиб қўяди, сабзавот экинларида гул ва тугунчаларнинг кўплаб

тўкилишига, помидор меваларини офтоб уриши ва ҳ. к. га сабаб бўлади.

Қиши ойларидаги температура режими ҳам ҳамиша қулай бўлавермайди. Қишида илиқ кунлар кетидан ҳаво бирданига кескин совиб кетади ва ҳарорат -15 — 20° га қадар, ҳатто ундан ҳам пасайиб кетиши мумкин. Температура режимининг беқарорлиги, қор қоплами юпқа бўлиши ва бунинг устига узоқ сақланиб турмаслиги Урта Осиёда, айниқса, унинг марказий ҳамда шимолий районларида кузда ва кеч кузда (қишки) сабзавот экиб ўстириш имкониятини ниҳоятда чеклаб қўяди.

Кўклам охирида бўлиб турадиган қора совуқлар сабзавотчиликка кўпинча катта зиён етказади, чунки бундай совуқлар эндиғина кўклаган ёш сабзавот ниҳолларини ва далага ўтқазилган кўчатларни уриб кетади.

Кузда қора совуқнинг барвақт бошланиши ҳам иқлимининг ноқулай хусусиятларидан бири бўлиб, бундай совуқ таъсирида помидор, бодринг, полиз экинлари ва баъзан картошканинг ўсиши ҳамда ҳосил бериши кўпинча барвақт тўхтаб қолади.

Урта Осиё иқлимининг яна бир хусусияти унинг ниҳоятда қурғоқчил эканлигидир. Суғориладиган районларда йиллик ёғинлар миқдори 100 *мм* дан 300—400 *мм* гача боради. Ёгинларининг асосий қисми қиши ва эрта кўкламда тушади. Шунинг учун бу ерда сабзавот экинларини фақат сунъий суғориш йўли билан ўстириш мумкин, баъзи тоғ этаги районларидағина қовун, тарвуз каби қурғоқчиликка ниҳоятда чидамли ўсимликлар суғорилмай етиштирилади.

Ҳавонинг қуруқлиги ҳам кўпигина сабзавот экинлари ҳосилига салбий таъсир кўрсатади. Бундай таъсир оқибатида бодринг, помидор ва бошқа сабзавот экинларининг ғунча ва ёш тугунчалари тўкилиб кетади. Қурғоқчилик билан бир вақтда гармсель, яъни қуруқ, иссиқ шамоллар эсиб турадиган кезларда қуруқ ҳавонинг салбий таъсири янада кучаяди.

Урта Осиёдаги суғориладиган районларнинг тупроғида озиқли элементлар сероб, шу билан бирга жуда яхши нитрификацияланыш (азот тўплаш) хусусиятига эга, бу эса тупроқнинг унумдорлиги юқори бўлишини таъминлайди. Аммо бу ерларнинг тупроғида гумус (чиринди) кам. Кўпигина тупроқ турларининг физикавий хоссаси ёмон, қатқалоқланиш ва шўрланишга мойиллиги уларнинг камчилигин ҳисобланади. Шунинг учун бу ерларга сабзавот экишдан олдин ва уларнинг ўсув (вегетация) даврида тупроқни ниҳоятда сифатли ишлаш, шўрланган ерларда эса шўр ювиш ва бошқа мелиоратив тадбирларни ўтказиш талаб этилади.

Урта Осиёнинг тоғли районларида совуқсиз давр текислик районларидагига нисбатан анча кам давом этади, ёзда температура бирмунча паст ва ёғингарчилик анча кам бўлади. Шунинг учун бу районлarda ҳам сабзавот экинлари ва картошка ўстиришда суғориш талаб этилади.

Үрта Осиёда деҳқончиликнинг юқори чегараси жойнинг географик кенглигига, тушадиган ёғинлар миқдорига, ёнбагирларнинг жойланиши (экспозицияси)га, жойнинг рельефи ва бошқа факторларга қараб белгиланади. Деҳқончиликнинг ана шу юқори чегараси шимолдан жанубга қараб кўтарила бориб, Помирда энг катта баландликка етади, бу ерда деңгиз сатҳидан 3800 м га қадар баландликда редиска, пиёз, турп, хитой карами ва нўхат етиширилади, картошка ва сабзи эса 3400 м га қадар баландликда ўсади (Баҳриддинов, 1968).

Үрта Осиёда сугорилмайдиган сабзавотчилик унчалик кенг тарқалмаган. Амударё этакларидаги сувлоқ қайир ерларда ва бошқа районларда полиз экинлари ҳамда қисман сабзавот экинлари юза жойлашган сизот сувлардан фойдаланиб, сугорилмай етиширилади. Узбекистон ССРнинг Самарқанд области ва Тожикистон ССРнинг Ленинобод областидаги тоғ этаги районларида ва баъзи бошқа жойларда қовун, тарвуз лалми ерларда муваффақиятли етиширилмоқда. Орол деңгизи бўйларидаги чала чўл зонасида хўраки ва ҳашаки тарвуз суғормасдан экиб ўстирилади.

Үрта Осиёнинг қумли чўлларидаги ҳам, гарчи кичик кўламда бўлсада, қадимдан буён полиз экинлари етишириб келинади. Қумли жойларда ўсимликлар атмосфера ёғинлари ҳамда сув буғларининг тупроқ ичидаги конденсацияланиши натижасида ҳосил бўладиган ички намлик ҳисобига сув билан таъминланади. Чўл яловвларни хўжалик жиҳатдан ўзлашириш ва уларга сув чиқариш юзасидан олиб борилаётган катта ишлар туфайли қумли чўлларда сугориладиган (обикор) сабзавотчилик ҳам ривожлана бошлади, бунда экинларни сугориш учун ер ости сувларидан фодаланилади.

Үрта Осиёда сабзавот ва полиз экинлари жуда қадим замонлардан буён етишириб келинади. Бу ерда қовун қарниб 2000 йилдан буён маълум, деб ҳисоблайдилар. Кўп асрлик ҳалқ селекцияси натижасида қовуннинг жуда кўп, дуиёда энг яхши навлари яратилган бўлиб, улар қадим замонлардан буён қўшини мамлакатларга чиқарип келинган.

Үрта Осиёда тарвуз, ошқовоқ, бодринг, пиёз, сабзи, аччиқ қалампир, турп ва бошқа экинлар жуда қадим замонлардан бери экиб ўстирилади. Мазкур экинларнинг жуда кўп хилмачил маҳаллий навлари ҳосилдорлиги ва маҳсулотининг сифати жиҳатидан аксари ҳолларда Европада етиширилган энг яхши навлардан устун туради.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Үрта Осиёга Россиянинг Европа қисмидан картошка, помидор, карам, чучук қалампир келтирилган, шунингдек, мұхажир тунгонлар Хитойдан редиска, турп ва баъзи полиз экинларининг хитой навларини олиб келганилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари бу экинлар ўстириладиган майдонлар жуда кичкина бўлиб, асосан йирик шаҳарлар ва ишчи посёлкалари атрофида жойлашган эди.

Совет ҳокимияти йилларида, айниқса колхоз түзуми ғалаба қылганидан кейин, картошка, карам, помидор экиб ўстириш тез ривожлана бошлади ва Ўрта Осиё республикаларининг энг узоқ районларига етиб борди. Экин майдонлари анча кенгайди. Тахминий маълумотларга кўра, 1913 йилда Ўрта Осиёда 60 минг га га яқин майдонда сабзавот ва картошка етиштирилар эди, 1970 йилга келиб бу кўрсаткич 150 минг га дан ҳам ошиб кетди.

Сабзавот экинлари ўстириш агротехникаси ҳам ўзгарди. Бундан бирмунча вақт муқаддам, 20—30-йилларда полларда ёки жўякларда (кенг пуштали айланма ёки тўғри эгатларда) сабзавот етиштиришда нуқул қўл меҳнатидан фойдаланилар эди. Ҳозирги вақтда йирик массивларга сабзавот экиш ва экинларни парваришлаш ишлари механизмлар ёрдамида бажарилмоқда, минерал ўғитлар ҳамда энг такомиллашган суғориш усуллари (ер тагидан фильтрлантриб ва ёмғирлатиб суғориши) қўлланилмоқда. «Сортсемовошч»нинг республика конторалари бошчилик қиласиган сабзавот уруғчилиги системаси ташкил қилинди. Сабзавоткор колхоз ва совхозлар сабзавот экинларини нуқул сархил уруглардан экишга ўтиб олди.

Йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида шаҳар аҳолисини янги сабзавот ва картошка билан таъминлайдиган сабзавот-картошкачилик зоналари ташкил қилинган. Сабзавотни қайта ишлайдиган қудратли консерва саноати вужудга келтирилди. Тошкент, Янгийўл (Тошкент облости), Андижон, Самарқанд, Ленинобод ва бошқа шаҳарларда йирик консерва заводлари ишлаб турибди.

Сабзавотчиликнинг ривожланишига илмий-тадқиқот муассасалари ҳар томонлама ёрдам берди. Таниқли олим ва Ўрта Осиё деҳқончилигининг билимдони, Туркистон Қишлоқ хўжалик тажриба станциясига (ҳозирги Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти) бошчилик қиласиган ҳамда сабзавот навларини ва уларни ўстиришининг маҳаллий усулларини ўрганиш борасида кўп ишларни амалга оширган Р. Р. Шредер Ўрта Осиёда картошка ва сабзавот экинлари соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларига асос солди.

Ҳозирги вақтда илмий-тадқиқот муассасаларининг кенг тармоқларида сабзавот-полиз экинлари ва картошка ўсимликлари биологияси, агротехникаси ва селекциясини ўрганиш борасида системали иш олиб борилмоқда. Ўзбекистонда 1933 йили Ўзбекистон Сабзавот-картошка экинлари тажриба станцияси (ҳозирги Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти) ташкил қилинган эди, бу станция картошка, полиз ва сабзавот экинларининг илмий жиҳатдан асосланган агротехникасини ишлаб чиқди ҳамда сабзавот экинларининг бир қатор яхшиланган ва янги навларини яратди. Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг Ўрта Осиё станцияси ҳам Ўзбекистонда жойлашган бўлиб, таниқли совет полизшунос оли-

ми К. И. Пангало күп йиллар давомида шу станцияда ишлади. У бутун дунёдаги қовун навлари коллекцияси (400 дан ортиқ намунаси)ни түпләди ва ўрганди, Урта Осиёдаги полиз экинлари навларининг биринчи классификациясини ишлаб чиқди ва уларни биринчи марта батафсил таърифлаб берди.

Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг сабзавотчилик кафедрасида ҳам картошкачилик ва сабзавотчилик соҳасида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кирғизистонда сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини Дәхқончилик илмий-тадқиқот институтининг Кирғизистон Мевачилик-сабзавотчилик тажриба станцияси, Тоҷикистонда — Тоҷикистон Қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институти ҳамда Ленинободдаги Мічурин номли Боғдорчилик зонал институти; Туркманистонда — Туркманистон Дәхқончилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Туркманистон полизчилик тажриба станцияси олиб бормоқда. Қозогистон Қартошкачилик ва сабзавотчилик хўжалиги илмий-тадқиқот институти ҳамда Қозогистон Қишлоқ хўжалик институтининг сабзавотчилик кафедраси сабзавот ва картошка экинлари соҳасида катта иш олиб бормоқда.

Сабзавот экинлари ва картошка навларини ўрганиш ҳамда танлаш мақсадида барча республикаларда Давлат нав сиша什 тармоқлари ташкил қилинган ва улар ишлаб турибди.

Кейнги йилларда сабзавот-полиз экинлари ва картошка экин майдонлари анча кенгайди, уларнинг ҳосилдорлиги ошди.

Сабзавот етиширишнинг прогрессив методлари: кўчат ўтқазишнинг янги усуслари, чиринди тувакчаларда кўчат ўстириш ишлаб чиқаришга жорий қилинди, уруғ экишда, кўчат ўтқазиш ҳамда картошка ва сабзавот экинларини парваришилашда механизмлардан кенг кўламда фойдаланилмоқда, теплица ва парниклар қурилиши авж олдириб юборилди. Ихтисослаштирилган сабзавот-картошкачилик совхозлари ташкил қилиниши экинлар ҳосилдорлигини янада ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун шарт-шароит яратди.

Урта Осиёда сабзавот ва картошка экин майдонлари асосан Тошкент, Самарқанд, Фрунзе, Душанбе, Ашхобод ва бошқа шаҳарлар атрофида марказлаштирилмоқда, картошка эса баъзи тоғли районларда ҳам экилади.

Ўзбекистоннинг Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд областларида, Фарғона водийсида ва Хоразм воҳасида, шунингдек, Тоҷикистоннинг Ленинобод области ва Ҳисор водийсида, Жанубий Қирғизистонда, Туркманистоннинг Ашхобод обlastida ва Қозогистон ССРнинг Қизилурда обlastida полиз экинлари жуда күп экилади.

Марғилон шаҳри яқинида жойлашган (Фарғона облости) Олтиариқ райони Ўзбекистоннинг энг қадимий сабзавотчилик макони бўлиб, у ерда Қора бодринг, Оқтумшуқ ва ўта эртапишар чиллаки бодринг каби энг яхши маҳаллий бодринг навла-

ри қадим замонлардан бүён етиштириб келинади. Олтиариқ машхур Марғилон турпи, Марғилон пиёзи ва бошқа сабзавот навларининг ҳам ватани ҳисобланади. Наманган атрофида ва Андижон обласидаги Маробод қишлоғида азалдан аччиқ гармдори етиштирилади.

Үрта Осиё республикаларида сабзавотчиликнинг ҳозирги ҳолатини сабзавот ва картошка экин майдонлари тўғрисидаги қўйидаги маълумотлардан (1974 й.) яққол кўриш мумкин, минг га ҳисобида:

	Ўзбекистон ССР	Қирғизистон ССР	Тоҷикистон ССР	Туркменистон ССР
Картошка	26	27	9	2
Сабзавот	73	14	13	13

Үрта Осиёдаги энг шимолий республика бўлмиш Қирғизистонда экин майдонининг катталиги жиҳатидан картошка биринчи ўринда, сабзавот экинлари иккинчи ўринда ва полиз экинлари учинчи ўринда туради. Ўзбекистонда эса, аксинча, полиз ва сабзавот экинлари катта майдонларни эгаллайди, картошка камроқ экилади. Туркменистонда картошка жуда кам экилади. Ўзбекистон, Тоҷикистон ва Туркменистондаги полиз экинлари майдонида асосий ўринни қовун эгаллайди, тарвуз эса қовундан кўра камроқ ва қовоқ энг кам экилади. Қирғизистонда, айниқса, унинг шимолий қисмida тарвуз кўпроқ етиштирилади, чунки тарвуз ўсимлиги қовунчалик иссиқсевар эмас.

Сабзавот экинлари орасида (1969 йилги маълумотларга кўра) помидор ва пиёз энг катта майдонни, карам, бодринг, сабзи камроқ майдоннй эгаллайди, бақлажон, қалампир, турли кўкатлар ва бошқа ўсимликлар жуда кам ўстирилади; буни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин (% ҳисобида):

	Карам	Бодринг	Помидор	Лавлаги	Сабзи	Пиёз	Бошқа ўсимликлар
Ўзбекистон ССР	13,9	8,4	33,1	4,9	10,3	21,9	7,5
Қирғизистон ССР	18,2	15,3	36,2	1,8	3,2	17,5	7,7
Тоҷикистон ССР	10,7	13,0	41,3	2,8	6,2	20,6	5,4
Туркменистон ССР	18,0	15,1	22,2	6,1	10,9	23,7	4,0

Үрта Осиё республикаларида картошка ва сабзавот экинларининг ўртача ҳосилдорлиги унчалик юқори эмас ва 1971—1974 йиллар мобайнида гектаридан олинган ҳосил қуйидагича бўлди, %:

	Ўзбекистон ССР	Қирғизистон ССР	Тоҷикистон ССР	Туркменистон ССР
Картошка	83	113	105	71
Сабзавот	162	192	163	142

Картошка ва сабзавот етиштириш учун кўплаб меҳнат сарфланиши ва бу экинларнинг кам ҳосиллиги уларнинг таннархини юқори бўлишига олиб келади. Шунинг учун Ўрта Осиё республикаларида ва умуман Совет Иттилоғида сабзавотчилик соҳасидаги асосий вазифа сабзавот экинлари ҳосилдорлигини кескин ошириш ва айни вақтда маҳсулот таннархини камайтиришдан иборат. Узбекистон ва бошқа Ўрта Осиё республикаларида илғор сабзавоткор колхоз ва совхозларнинг иш тажрибаси бу вазифани бажариш мумкин эканлигидан далолат беради, зеро мазкур хўжаликлар ана шу республикалардаги ўртача даражадан икки-уч ҳисса ортиқ ҳосил олмоқдалар.

Масалан, Тожикистон ССР Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе обод совхозида 1974 йилда ҳар гектар помидордан ўрта ҳисобда 340 ц, Файзобод районидаги «Коммунизм» колхозида 45 га майдоннинг ҳар гектаридан 504 ц ҳосил олинди. Самарқанд область Самарқанд қишлоқ районидаги Энгельс номли колхозда 1974 йили 420 гектар ерга помидор экиб, ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 525 ц, шу райондаги «Москва» колхозида 360 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 450 ц. Тошкент обlastидаги «Бўйсув» совхозида 60 гектар ерга помидор экиб гектаридан 510 ц ҳосил етиштирилди. Қирғизистон ССР Сўкулук районидаги «Победа», «Рассвет», Шапопов номли колхознинг илғор бригадаларида 1974 йили гектаридан олинган помидор ҳосили 400—500 ц ни ташкил этди.

Туркманистондаги илғор сабзавоткор хўжаликлар, жумладан Ашхобод районидаги «Совет Туркменистони», Ленин номли, шунингдек, Кўктепа районидаги «Большевик», Комсомол номли ва бошқа колхозлар гектаридан 300—400 ц атрофида, айrim ҳолларда 600—700 ц, Ўроэмуродов бригадасида эса ҳатто (1969) 928 ц га етказиб помидор ҳосили етиштирилди.

Қозоғистон ССР, Олмаота обlastидаги «Луч Востока», Мичурин номли ва бошқа сабзавоткор колхозларда ҳам помидордан дурустгина — гектаридан 350—400 ц гача ҳосил олинмоқда.

Туркманистоннинг Ашхобод районидаги «Совет Туркменистони», «Победа», «Ленинград» колхозлари помидор экилган майдоннинг ҳар гектаридан 500 ц, бодрингдан эса 400 ц дан ошириб ҳосил олмоқдалар.

Илғор колхоз ва совхозларда сабзавот-полиз экинлари ва картошкадан мўл ҳосил олинаётганлиги яқин йиллар ичida Ўрта Осиёдаги барча колхоз ва совхозларда сабзавот ҳосилдорлигини кескин ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун реал имконият мавжуд эканлигидан далолат беради.

Ўрта Осиё республикаларида картошка ва сабзавот етиштиришини кўпайтириш ҳамда уларнинг таннархини камайтириш вазифаси деҳқончиликни кенг миёсда химиялэштириш, суғорила-диган деҳқончиликни бутун чоралар билан ривожлантириш ва комплекс механизацияни жорий қилиш негизида қишлоқ хўжа-

лик ишлаб чиқаришини интенсивлаш йўли билан ҳал қилиниши керак.

Шунинг учун ҳозирги вақтда қўл меҳнатисиз сабзавот етиширишга асосланган агротехника системасини ишлаб чиқиш ва колхоз ҳамда совхозлар практикасига жорий қилиш энг муҳим вазифадир. Кўчат ўтқазишнинг янги прогрессив усуслари, экинларни механизмлар ёрдамида парваришлаш ва гербицидлардан кенг фойдаланиш ушбу системанинг таркибий қисмлари бўлмоғи керак. Экинларни механизмлар ёрдамида парвариглашга ўтиш сабзавот экинларининг механизациялашган замонавий йирик сабзавотчилик талабларига жавоб берадиган янги навларини яратиш вазифасини ўртага қўймоқда. Сабзавот ва полиз экинларининг янги навлари серҳосил, касалликларга ҳамда ноқулай иқлим шароитларига чидамли бўлишидан ташқари, механизмлар ёрдамида парвариглаш ва йигиб-териб олиш учун қўлай бўлиши керак.

Сабзавот экинлари ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитлардан фойдаланиш жуда катта аҳамиятга эга. Гўнг ва чириндилардан ташқари, кўкат ўғитлар ҳам тупроқдаги органик моддалар запасини тўлдирувчи манба хизматини ўташи керак. Сабзавот экинлари етиширишда кўкат ўғитлар қўлланиш самарали эканлиги Ўзбекистонда ва Ўрта Осиё республикаларида, шунингдек қишида оралиқ экинлар ўстирувчи бошқа хўжаликларда олиб борилган жуда кўп тажрибаларда исботланган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалигини илмий жиҳатдан асосланган тарзда жойлаштириш ва ҳар бир зонада, ҳар бир колхоз ва совхозда тармоқлар экономикасини мақсадга мувофиқ равишда ривожлантириш интенсивлашнинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда Тошкент шаҳри атрофидаги Тошкент, Калинин ва Оржоникидзе районлари, шунингдек, Самарқанд обlastida-ги Самарқанд райони ҳамда бошқа областлардаги сабзавот картошкачилик колхоз ва совхозлари сабзавотчилик бўйича ихтисослашган. Ихтисослашган сабзавотчилик районлари, шунингдек, сабзавоткор колхоз ҳамда совхозлар картошка ва сабзавот етиширувчи асосий базадир. 1968 йилда республикадаги жами сабзавот экинларининг 46,2% и ва картошка экин майдонининг 44,2% и ихтисослаштирилган сабзавотчилик хўжаликларида марказлаштирилган эди. Ихтисослаштирилган хўжаликларда картошка ва сабзавот экинлари ҳосилдорлиги ҳамма жойда ҳам ихтисослаштирилмаган хўжаликлардагидан анча юқори бўлди (1974), га/ц:

	<i>Картошка</i>	<i>Сабзавот</i>	<i>Полиз экинлари</i>
Ихтисослаштирилган сабзавот- кор хўжаликлар Ўзбекистон ССР бўйича ўрта ҳисобда	158	230	240
	84	170	155

Сабзавотчиликни мұваффақиятли ривожлантиришда сабзавот әкінларини уларнинг биологик хусусиятларига ва экономика талабларига мувоғиқ түғри жойлаштириш катта аҳамиятта әзге. Үрта Осиёдаги тоғли ва тоғ этаги районларидан картошқа ўстириш ва лалми ерларда полиз әкінлари етишириш учун кенг фойдаланиш, айниқса, катта аҳамияттасын касб этади.

Үрта Осиё Республикаларидан деярли ҳамма жойда сабзавот әкінларидан йилига иккى марта ҳосил олиш мүмкін. Шунинг учун эртаги сабзавот ҳосили йиғиштириб олинғандай кейин бүшаган ерларга такрорий сабзавот әкишни кенг қўлланиш сабзавотчилик маҳсулотларини қўпайтиришнинг жуда катта резервидир. Сабзавот алмашлаб әкишнинг түғри системасини жорий қилиш ҳам сабзавот әкінлари ҳосилдорлигини оширишнинг шу вақтга қадар фойдаланилмаётган резерви ҳисобланади.

Үрта Осиёнинг жанубида кузги (қиши) сабзавотчилик ва совуққа чидамли сабзавот әкінларини кеч кузда әкиш кенг ривож топиши керак. Қулай иқлим шароитларидан эртаги сабзавот навларини ўстириш ҳамда Үрта Осиё, Қозогистон ва Сибирнинг шимолий районларини, шунингдек, СССР Европа қисмидаги марказий ҳамда шимолий районларини таъминлаш мақсадида қарам ва томатдош ўсимликларнинг арzon кўчкатларини очиқ ерда ўстириш учун фойдаланиш мүмкін.

Үрта Осиёда полиз әкінлари, айниқса, қовун етишириш янада ривожлантирилиши керак, зеро қовун турларининг мислесиз лаззатлилнги, узоққа жўнатиш учун қулайлиги ва узоқ сақланиш хусусияти (қишик навлар) уларни чет элга экспорт қилиш масаласини ўртага қўйиш имконини беради.

Сабзавоткор колхоз ва совхозларда гулкарам, кольраби, кўкнўхат (рус нўхат), сарсабилсизон ловия, ловия, ширинжўхори ва турли кўкатлар каби қимматли сабзавот әкінлари ўстиришни расм қилиш ва улар етишириладиган майдонларни кенгайтириш йўли билан сабзавот әкінлари хилини қўпайтиш лозим.

Унчалик сифатли бўлмаган (саралашмаган) уруғлиқ ўринига районлаштирилган энг яхши навдор ургуларни әкиш сабзавот полиз әкинлари ва картошкадан юқори ҳосил олишнинг мудҳим шартидир. Үрта Осиё Республикаларидан бу борада катта ишлар қилинди. Аммо картошқа әкин майдонларининг ярмисига ҳаузуга қадар сархиллашмаган камҳосил уруғлар экилмоқда.

Навлараро чатиштириш йўли билан яратилган дурагай ургуларни әкиш сабзавот әкінлари ҳосилдорлигини оширишнинг истиқболли усулидир. Яқин йиллар ичидаги усул, айниқса, помидор ва полиз әкінлари ўстиришда кенг қўлланилиши керак, зеро у мазкур әкінларга татбиқан етарли даражада ишлаб чиқилган.

Сабзавот истеъмол қилишдаги мавсумийликка чек қўйиш учун теплица ва парникларни кўпроқ қуриш, уларни иситиш

үчун қуёш нурлари энергиясидан, Урта Осиёнинг кўпгина раёнларида мўл-кўл учрайдиган ер ости иссиқ сувларидан, табиий газдан ҳамда саноат корхоналарининг ишлатиб бўлинган иссиқлиги (иссиқ сув, буг, тутун газларидан) фойдаланиш зарур.

Сабзавотчиликда ёруғлик ўтказадиган шафдоф синтетик плёнкалардан (далада ўстириладиган экинлар устига ёпиш учун) фойдаланиш ҳамда теплица ва парниклар қуриш эртаги сабзавот етиштиришда фоят катта аҳамиятга эга.

САБЗАВОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ИШЛАТИЛИШИ

САБЗАВОТЛАРНИ ГРУППАЛАРГА АЖРАТИШ

Меваси серсув ва этли қисми овқатга ишлатиладиган бир йиллик ёки кўп йиллик ўтчил ўсимликлар сабзавот деб аталади. Илгари сабзавот экинлари асосан томорқаларда — сабзазорларда ўстирилар эди. Сабзавот экинлари, сабзавотчилик деган номлар ҳам шундан келиб чиқкан.

Сабзавот сўзини кенг маънода оладиган бўлсак, полиз экинлари деб аталувчи қовуң, тарвуз ва қовоқлар ҳам сабзазор экинлари групласига киради. Бу экинлар сабзавот экинларидан шу билан фарқ қиласиди, улар полиз деб аталмиш маҳсус дала участкаларида ўстирилар эди.

Үрта Осиёда сабзавот алмашлаб экиш системасига киравчи картошка ҳам ишлатилиши, ўстириш ва сақлаш усулалири жиҳатидан сабзавот экинларига жуда яқин туради.

Үн хил ботаникавий оиласага мансуб бўлган 90 дан ортиқ ўсимлик турлари сабзавот сифатида ишлатилади. Помидор, бақлажон, қалампир, картошка ва бошқалар томатдошлар оиласига мансуб; карам, шолғом, турп, редиска, хрен ўсимликлари крестгулдошлар оиласига; сабзи, укроп, петрушка, сельдерей ва бошқа ўсимликлар — соябонгулдошлар оиласига; тарвуз, қовуң, қовоқ, бодринг — қовоқдошлар оиласига; лавлаги ва исмалоқ (шпинат) — шўрадошлар оиласига; пиёз ва саримсоқ эса — пиёзгулдошлар оиласига киради.

Сабзавот экинларининг баъзилари (тарвуз, қовуң, бодринг, помидор ва бошқалар) бир йиллик, бошқа бир хиллари эса (сабзи, лавлаги, карам ва бошқалар) икки йиллик ўсимликлардир.

Қандай органлари овқатга ишлатилишига қараб сабзавот экинлари қўйидаги хилларга бўлинади: *меваси ейиладиган сабзавотлар* (помидор, қовуң, бодринг ва бошқалар), *илдизмевалар* (сабзи, лавлаги), *пиёзли сабзавотлар, тугунак мевалар* (картошка), *баргли сабзавотлар* (салат, исмалоқ, карам) ва *илдизпояли ўсимликлар* (хрен).

Сабзавот ўсимликларини ишлаб чиқариш белгиларига, ўстириш усувларининг ўхшашлигига қараб группаларга ажратган ҳолда ўрганиш бирмунча қулай бўлади. Бундай ҳолда улар қўйидаги грушаларга бўлинади:

тугунак мевалар — картошка;

полиз экинлари — тарвуз, қовун, ошқовоқ;
 бодринг ва сабзавот қовоқлар — кабачкалар, патиссонлар;
 карам ўсимликлари — бошли карам, гулкарам ва бошқалар;
 илдизмевалар — сабзи, лавлаги, шолғом, турп ва бошқалар;
 томатдош сабзавотлар — помидор, бақлажон, қалампир;
 пиёзли ўсимликлар — пиёз, саримсоқ;
 кўкат экинлар — салат, исмалоқ, укроп ва бошқалар;
 дуккакли экинлар — нўхат, ловия;
 қўп йиллик ва кам тарқалган сабзавот экинлари.

САБЗАВОТЛАРНИНГ ХИМИЯВИЙ ТАРКИБИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СИФАТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Сабзавот экинларининг химиявий хусусияти шундан иборатки, улар таркибда сув кўп, озиқ моддалари (оқсили, ёғ ва углеводлар) эса кам бўлади. Кўпчилик сабзавотларнинг калорияси юқори эмас, аммо улар одам организми учун зарур бўлган витаминалар, минерал тузлар ва ферментларга foят бой (1-жадвал).

1- жадвал

**Янги сабзавотнинг химиявий таркиби ва калорияси
(еъимли қисмининг вазнига нисбатан % ҳисобида)**

Ўсимликлар	Сув	Оқсил-лар	Углеводлар		Клет-чатка	Кул	100 г маҳсу-лот ка-лории-си	Еъимли қисми, маҳсу-лотга нисба-тан, %
			умумий-миқдо-ри	шу жумла-дан, шакар				
Тарвуз	89,5	0,5	9,2	8,0	0,5	0,3	49	52
Бақлажон	92,5	1,0	4,5	3,2	1,5	0,5	23	95
Сабзайот-нўхат	81,0	6,5	11,0	4,2	1,0	0,5	72	90
Қовун	89,0	0,6	9,0	7,0	0,8	0,6	39	64
Оддий карам	90,0	1,8	5,4	2,0	1,6	1,2	30	80
Картошка	75,0	2,0	21,0	1,5	1,0	1,0	94	75
Чучукбош пиёз	86,0	0,3	12,5	11,2	0,7	0,5	52	84
Сабзи	88,5	1,5	8,0	6,5	1,2	0,8	39	80
Бодринг	95,0	0,8	3,0	1,5	0,7	0,5	16	95
Чучук қизил қалам- пир	91,0	1,3	5,7	4,2	1,1	0,6	29	75
Редиска	93,5	1,2	4,1	1,5	0,5	0,7	22	75
Турп	88,6	1,9	7,0	1,5	1,5	1,0	36	70
Шоғтром	90,5	1,5	5,9	3,0	1,4	0,7	30	75
Салат	95,0	1,5	2,2	0,1	0,5	0,8	15	72
Лавлаги	86,0	1,3	10,8	8,0	0,9	1,0	59	80
Помидор	93,5	0,6	4,2	3,5	0,8	0,4	22	85
Ошқовоқ	92,0	0,5	6,2	5,0	0,7	0,6	27	70
Укроп	84,7	2,5	7,5	—	3,5	1,8	41	74
Қўзоқли ловия	90,0	4,0	4,3	1,0	1,0	0,7	34	90
Саримсоқ	70,0	6,5	21,2	—	0,8	1,5	114	78
Исмалоқ	91,1	2,9	2,3	0,1	1,0	2,6	21	74
Шовул	88,5	2,6	5,3	2,3	1,6	1,4	34	76

Сабзавот маҳсулотларп қуруқ моддасининг асосий қисмини углеводлар — крахмал, шакар, клетчатка ҳамда пектинли моддалар ташкил этади.

Крахмал запас озиқ модда хизматини ўтайди ва картошка тугунакларида анчагина миқдорда (25% га қадар) тўплана-ди, шунингдек, дуккакли сабзавотларда, сабзида, кечки (қишки) нав қовунларда ва бошқа ўсимликларда ҳам бўлади. Крахмал сувда эримайди ва одам организми уни амилаза (диастаза) ферменти таъсирида парчаланиб шакарга (мальтоза ва ундан кейин глюкозага) айланган ҳолатдагина ўзлашира олади. Кечки (қишки) қовун навлари ва баъзи сабзавот турлари сақлаб қўйилганда шираси ортиб қолишининг сабаби ҳам улар таркибидаги крахмалнинг шакарга айланишидадир.

Шакар. Қовун, сабзи, нўхат, пиёз ва лавлагида саха-роза; карам, бодринг, ошқовоқ ва тарвузда глюкоза кўп бўлади.

Клетчатка (целлюлоза)ни одам организми жуда суст ўзлаширади. Бироқ клетчатка ичакларни қитиқлантириши ва перистальтикасинн кучайтириши туфайли овқат яхши ҳазм бўлишинга ёрдам беради.

Пектинли моддалар полисахаридлар группасига киради ва ўсимлик ҳужайралари деворида бўлади. Бу моддалар ҳужайраларни метинлаширади ва шу туфайли ўсимлик тўқималарига мустаҳкамлик бахш этади. Етилмаган мева ва сабзавот экинларида пектинли моддалар эримайдиган пропектин ҳолатида бўлади, мевалар пишиб етилгандан кейин эса ферментлар таъсирида у сувда эрийдиган пектинга айланади. Натижада ҳужайралар ўртасидаги боғланиш бўшашади ва мевалар юмшаб қолади.

Азотли моддалар асосан оқсиллардан иборат. Сабзавотда азотли моддалар жуда кам — 0,4—2,5% атрофида бўлади. Саримсоқ ва дуккакли сабзавот ўсимликлари бундан мустаснодир, зоро дуккакли ўсимликларнинг кўк мевалари (қўзоклари) таркибида 6—7% га қадар азотли моддалар бўлади. Бошқа сабзавот ўсимликларидан исмалоқ азотли моддаларга айниқса бой.

Глюкозидлар — таркибида азот сақловчи моддалар бор, таъми ачиқ ва кўпинча заҳарли хоссаларга эга. Булар орасида соланин моддаси энг кўп тарқалган бўлиб, картошкада ва бошқа томатдош ўсимликларда тўпландади.

Ефлар — сабзавотлар таркибида жуда кам миқдорда (0,1—0,4%), асосан уларнинг уруғларида бўлади. Қовоқдошларга мансуб ўсимлик уруғи ёғларга айниқса бой.

Органик кислоталар. Сабзавот маҳсулотлари таркибида лимон кислота, олма кислота, оксалат (шавель) кислота ва баъзи бошқа хил кислоталар бўлади. Кислоталар сабзавот маҳсулотларининг таъм сифатларини яхшилайди ва овқатнинг яхши ўзлаширилишига ёрдам беради. Бироқ, отқулоқ, ровоч

ўсимлиги ва баъзи бошқа сабзавот таркибида учрайдиган оксалат кислотани ортиқча истеъмол қилиш заарлиди.

Пигментлар. Сабзавот ўсимлнкларида фоят хилма-хил бўёвчи моддалар — пигментлар учрайди. Барглар ва етилмаган меваларнинг яшил ранги *хлорофиллга*; сабзи ва ошқовоқнинг тўқ сариқ ва қизил ранги — *каротинга* (провитамин А) ҳамда унинг оксидланиш маҳсали бўлмиш *ксантофиллга* боғлиқ; по-мидор меваларининг қизил ранги *ликопин* пигментига; қалампирларнинг сариқ ранги *каспенин* пигментига боғлиқ бўлиб, унинг ўзи ҳам каротиннинг оксидланиш маҳсулидир. Антоцианлар деган умумий ном билан аталувчи бир группа бўёвчи моддалар сабзавот маҳсулотларига кўк, бинафша ва қизғиш бинафша ранг беради. Пиёзнинг сиртқи қобиқларига ранг бериб турувчи бўёвчи моддалар *кверцетин* деб аталади.

Юқори температура ёки оксидланиш таъсирида бўёвчи моддалар парчаланади ва сабзавот асли рангини йўқотади (масалан, қуритилганда, қайнатилганда).

Эфир мойлар кўпчилик сабзавот маҳсулотлари (пиёз, саримсоқ, укроп, сельдерей, петрушка)да бўлиб, аксари ҳолларда у ҳимоя ролини ўйнайди. Таркибида эфир мойлар бўлган сабзавотлар, одатда, овқатни хуштаъм қиласидиган зиравор сифатида ишлатилади. Булар овқат мазасини яхшилаши билан бирга организмда ошқозон ширасини ажратиб чиқариш хусусиятига эга, бу эса овқат ҳазм бўлишини кучайтиради. Янги сабзавотдан тайёрланган салатлар ҳамда тузланган ва мариновка қилинган (сиркаланган) сабзавот маҳсулотлари ҳам худди шундай аҳамиятга эга.

Баъзи сабзавотлардаги, айниқса, пиёз ва саримсоқдаги эфир мойлар жуда кучли фитонцид хоссасига эга. Улар касал туғдирувчи микроорганизмларни ўлдиради ва одамни кўпгина юқумли касалликлардан ҳимоя қиласиди.

Витаминалар. Сабзавот маҳсулотларининг қиймати ва инсон овқатланишидаги бебаҳо аҳамияти уларнинг таркибида одам организмининг нормал ривожланиши ва ҳаракат қилиши учун зарур бўлган витаминалар, ферментлар ва минерал тузлар кўп миқдорда мавжуд эканлигидадир.

Химиявий таркиби турлича бўлган органик бирикмалар бўлмиш витаминалар, айниқса, катта аҳамиятга эга. Улар организмда катализаторлар хизматини ўтайди ва шу туфайли моддалар алмашинувида муҳим роль ўйнайди. Овқатда витаминалар бўлмаслиги ёки етишмаслиги организмда моддалар алмашинуви бузилишига ва кўпчиликка аён бўлган *авитаминоз* билан касаланишга олиб келади.

Витамин С ёки аскорбин кислота ($C_6H_8O_6$) организмни цинга ва кам қонликдан муҳофаза қиласиди, ички секреция безларининг нормал фаолияти учун зарур бўлган оксидланиш процессларини ва углеводлар алмашинувини кучайтиради, атеросклероз ривожланишини тўхтатади. Сабзавот ҳамда мева-

лар, айниқса, янгилигіча истеъмол қилинадиган сабзавот ва мевалар витамин С нисг асосий манбай ҳисобланади. Сабзавот ҳамда мевалар қайнатилғанда ёки пазандаликнинг бошқа усуллари билан пиширилғанда витамин С анчагина парчаланади. Шунингдек, сабзавотларни сақлаш вақтида ҳам таркибидаги витамин С миқдори жуда камайиб кетади.

Витамин А ($C_{20}H_{29}OH$). Овқатда бу витамин етишмаслиги ўсишни секинлаشتыради, кўзниңг касалланишига («шапкўрликка») олиб келади. Органиям баъзи бир тери касалликлари юқишига мойиллашиб қолади. Сабзи, ошқовоқ, исмалоқ, петрушкада кўп бўладиган каротин провитамин А хизматини ўтайди. Одам организмидаги каротин парчаланиб, икки молекула витамин А ҳосил қиласи ($C_{40}H_{56} + 2H_2O = 2C_{20}H_{29}OH$).

Сабзавот маҳсулотлари қайнатилғанда ва ачитилғанда каротин деярли парчаланмайди, аммо улар қуритилғанда жуда кўп каротин нобуд бўлади.

Витамин В₁ ёки тиамин ($C_{12}H_{18}ON_4SCl_2$) углеводларнинг чала ёниши натижасида ҳосил бўладиган маҳсулларнинг — пироузум кислотанинг организмдан чиқариб юборилишига ёрдам беради. Бу кислотанинг организмда кўплаб тўпланиши ўта толиқувчанликка ва бери-бери касаллиги авж олишига олиб келади. Витамин В₁ юрак-қон томир ва нерв системаларининг нормал ишлаши учун ҳам зарур. Бу витамин гулкарамда, дуккакли ўсимликларда, картошкада, исмалоқ ва бошқа сабзавот экинларида бўлади.

Витамин В₂ ёки рибофлавин ($C_{17}H_{20}N_4O_6$) — организмда углеводлар, оқсил ва ёёлар алмашинувида қатнашадиган ферментлар таркибида киради. Бу витаминнинг етишмаслиги ўсишнинг сусайишига, кўзниңг хидалашувига, тери касалликларига, нерв хасталикларига сабаб бўлади. Ачитқи, гўшт, сабзавот ўсимликларидан эса — кўк нўхат, ловия, исмалоқ ва бошқалар витамин В₂ манбай ҳисобланади.

Витамин РР ёки никотин кислота ($C_6H_5O_2N$) — организмда кечадиган оксидланиш-қайтарилиш процессларида актив қатнашади. Организмда бу витамин етишмаслиги пеллагра касаллигини келтириб чиқаради. Никотин кислота картошка, гулкарам, кўк нўхат, қалампир, бақлажон ва бошқа сабзавотлар таркибида бўлади.

Сабзавот ўсимликларининг тури, нави, ёши ҳамда ўстириш шаронтига қараб, улар таркибидаги витаминлар миқдори кескин даражада ўзгариб туради. Масалан, қизил сабзи навларида ва тўқ сариқ этли қовоқ навларида, шу экинларнинг оч сариқ навларидагига нисбатан витаминын кўпроқ бўлади. Етилиб пишиган қалампир ва помидор мевалари етилмаган меваларга нисбатан витамин Сга бой. Салат, карам ва пиёзниңг сиртқи баргларида витамин С ички баргларидагига нисбатан кўпроқдир. Далада ўстирилган помидор таркибида теплицада ўсан помидордагига нисбатан каротин кўп. Азотли ўғитлар исмалоқ барг-

ларида каротинни кўпайтиради, калийли ўғитлар эса камайтиради.

2- жадвалда сабзавот экинлари таркибидаги витаминлар миқдорига оид қиёсий маълумотлар келтирилган.

2- жадвал

Сабзавот ва картошка таркибидаги витаминлар

Экин турлари	100 г хом сабзавот таркибида, мг			
	витамин С (аскорбин кислота)	пировитамин А (каротин)	витамин В ₁ (тимин)	витамин В ₂ (рибофлавин)
Тарвуз (эти)	8	1,00	0,03	—
Бақлажон	4	асари	0,03	0,01
Қовун	25	—	—	—
Оддий қарам	45	0,04	0,15	0,05
Қартошка	10	0	0,12	0,01
Кабачик	10	—	—	—
Бош пиёз	6	0	0,10	0,02
Сарик сабзи	5	1,55	0,14	0,02
Бодринг	8	0,08	0,05	0,04
Чучук қалампир	200	4,60	0,06	0,01
Петрушка (барги)	14	10,00	0,01	0,05
Пастернак (барги)	40	7,20	0,11	0,06
Турп	15	асари	0,10	—
Редиска	30	асари	0,10	—
Шолғом	14	0,04	—	—
Ровоч (каламчаси)	12	0,12	—	—
Салат	10	0,90	0,08	0,06
Сельдерей (илдизмеваси)	16	0,08	0,06	0,03
Лавлаги	8	0	асари	—
Помидор	30	1,40	0,10	0,04
Ошковоқ	4	5,00	—	0,06
Укроп	135	6,50	0,14	0,04
Исламоқ	28	4,00	0,08	0,22
Шовул	26	2,50	0,19	—
Саримсоқ	10	—	0,19	—

Қатта ёшдаги кишиларнинг энг муҳим витаминларга бўлган суткалик эҳтиёжи қуийдагича, мг:

C	A	B ₁	B ₂	PP
70—120	1—2	2—3	2,5—3,5	15—25

СССР нинг тури таркибидаги витаминларни билан озиқланишида турли сабзавот экинларининг аҳамияти бир хил эмас. Иттилоғнинг марказий ва шимолий районларида картошка, қарам ва пиёз; сабзавот экинлари фойят хилма-хил бўлган жанубий районларда эса помидор ва полиз экинлари витамин С берадиган асосий манба ҳисобланади.

Эрта кўкламда, яъни асосий сабзавот экинлари фарқ пишгунча овқат рационига киритиладиган кўкат ўсимликлар (барра лиёз, редиска, петрушка, исмалоқ ва бошқалар) витамин етказиб берувчи қимматли манбадир.

Одам организмининг нормал ривожланиши ва ишлаб туриши учун баъзи бир минерал бирикмалар, чупончи, темир, фосфор, калий, кальций, патрий, магний тузлари, йод ва бошқа элементлар зарур, ана шу бирикмаларни етказиб берувчи асосий манба сабзавот ва мевалардир.

Исмалоқ, салат, петрушка (барги), помидор ва бодринг темир моддасига айниқса бой. Баргарам ва гулкарам, исмалоқ, сельдерей баргиде кальций; пастернак, каррам, кўк нўхат, пиёс ва бошқа ўсимликларда фосфор кўп.

Минерал тузларнинг муҳим аҳамияти шундаки, улар ҳайвонот маҳсулотларидан тайёрланган овқатларни истеъмол қилиш натижасида организмда тўпландиган кислоталарни нейтраллаштиради.

Янги (хўл) сабзавотда ёғлар, оқсиллар ва углеводларни парчаловчи, бинобарин, овқат ҳазм қилиш процессига ёрдамлашувчи баъзи бир хил ферментлар ҳам бор.

Бундан ташқари, сабзавот маҳсулотлари овқат ҳазм қилиш безларининг секретор (секрет ажратиш) фаолиятини кучайтиради, бу эса, ўз навбатида, истеъмол қилинган овқатнинг яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради.

Умуман маҳсулот истеъмол қилишнинг йиллик нормаси, шунингдек, айрим маҳсулот турларини истеъмол қилиш нормаси районнинг географик шароитига ҳамда қайси хил овқат маҳсулотларини истеъмол қилишга одатланганлигига қараб ниҳоят даражада ўзгариб туради.

1913 йилда Россияда аҳоли жон бошига сабзавот ва полиз мевалари истеъмол қилиш йилига 40 кг ни, картошка 114 кг ни ташкил қилган эди. Ҳозирги вақтда картошка, айниқса, сабзавот истеъмол қилиш анча кўпайди ва умуман СССР бўйича сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари истеъмол қилиш йилига 76 кг, картошка эса 131 кг га етди.

СССР Медицина фанлари академиясининг Овқатланиш институти келгусида сабзавот ва полиз маҳсулотлари истеъмол қилишини умуман СССР бўйича йилига 146 кг га етказишини ва картошка истеъмол қилишини йилига 97 кг гача камайтиришни тавсия этмоқда. Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг маҷаллий хусусиятларини ҳисобга олиб, бу республикаларда сабзавот ва полиз маҳсулотлари истеъмол қилиш нормасини 164 кг гача ошириш, картошка истеъмол қилиш нормасини эса 55 кг даражасида сақлаб туриш тавсия этилади, Қирғизистонда мазкур кўрсаткичлар йилига 142 ва 62 кг бўлиши керак.

Ўз-ўзидан равшанки, СССРнинг турли зоналарида хилмажил сабзавот турларини истеъмол қилиш структураси бир хилда эмаслиги табиийдир. СССР Медицина фанлари академиясининг

маълумотларига кўра, бу структура қўйидаги миқдорлар доира-
сида ўзгариши керак (йилига кг ҳисобида):

Полиз экиплари	20	Қабачки ва баклажон	2—5
Оддий карам	32—50	Чучук қалампир	1—3
Гулкарарм ва бошқа хил карамлар	3—5	Сабзи	6—10
Помидор	25—32	Бодринг	10—13
Лавлаги	5—10	Қўк нўхат	5—8
Пиёз	6—10	Бошқа сабзавотлар	3—7

Янгилигига (ҳўл мева ҳолида) истеъмол қилинадиган сабза-
вотлар энг катта овқатлик қимматига эга.

Бироқ, сабзавотлар таркибида сув кўп бўлиши ва эрувчан
углеводлар борлиги уларда чиритувчи микроорганизмлар учриб
ривожланишига имкон туддиради. Шунинг учун кўпчилик саб-
завот турлари олис жойларга ташишга ва узоқ сақлашга яра-
майди, шу сабабли уларни консервалашга тўғри келади.

Консервалашнинг энг оддий усули қуритишдир. Қуритилган-
да сабзавот таркибидаги сувнинг кўп қисми буғланиб кетади,
сабзавот вазни 7—10 баравар камаяди, узоқ турадиган ва олис
ерларга ташишга чидамили бўлиб қолади.

Сабзавотларни консервалашнинг яна бир кенг тарқалган
усули — а читиш ва тузлаш дидир. Ачитиш ва тузлашда со-
дир бўладиган сут кислота, спиртили бижгиш натижасида сут
кислота ва этил спирти тўпланади. Сут кислота чиритувчи мик-
роорганизмларнинг ҳаётий фаолиятини сўндирувчи асосий кон-
серваловчи модда хизматини ўтайди, бижгиш жараённида ҳосил
бўладиган спирт эса кислоталар билан биргаликда таъсир этиб,
ачитилган сабзавотнинг яхши таъмли ва хушбўй ҳидли бўлиши-
ни таъминловчи мураккаб эфирлар ҳосил қиласи.

Мариновка қилиш (сиркалеш) — 0,6—1,8% ли сирка
кислотанинг консерваловчи таъсирига асосланган усулдир. Бод-
ринг, помидор, лавлаги, пиёз, қизилбошкарам ва гулкарарм каби
сабзавот турлари мариновка қилинади (сиркаланиди).

Сабзавотларни заводларда қайта ишлашда қопқоғи герме-
тик ёпиладиган идишларга жойлаш ва кетидан 100—120° темпе-
ратурада стерииллаб консервалаш усули қўлланилади.

Кўпгина сабзавот маҳсулотлари фақат овқат сифатида эмас,
балки доривор сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Улар юрак-
қон томир системасининг, овқат ҳазм қилиш трактининг турли
касалликларини, кўз касалликлари ва ҳ. к. ни даволашда вита-
мин манбай сифатида қўлланилади.

Янги картошка тугунклари, оқбошли карам ва турп сувидан
ошқозон яраси ва бошқа хил ошқозон-ичак касалликларини да-
волашда фойдаланилади. Сабзи, укроп, пастернак уруғларидан


юрак-қон томир касалликларини даволашда қўлланадигац пре-
паратлар, янги пиёз ва саримсоқдан эса антисептик хоссаларга
эга бўлгани препаратлар тайёрланади. Ошқовоқ уруғининг қай-
натмаси гижжа туширувчи (ҳайдовчи) восита хизматини ўтай-
ди, қовоқ ва бодринг эти эса яллиғланишга қарши дориворлик
хоссасига эга. Ўзбекистонда тарвуз ва, айниқса, қовун ҳалқ ме-
дицинасида қадимдан буён кам қонликка, юрак ва жигар касал-
ликларига қарши доривор сифатида ишлатиб келинади.

ҮСИМЛИКЛАРНИНГ ТАШҚИ МУҲИТ ШАРОИТИ-ГА ТАЛАБЧАНЛИГИ

Иссиқлик, ёргулук, намлик, ҳаво ва озиқ моддалар ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлигини белгиловчи асосий факторлардир. Буларнинг ҳаммаси ҳам баб-баравар зарур ва тенги йўқ факторлар бўлиб, доимо мудайян нисбатда бўлиши керак. Үсимликнинг ривожланишини белгиловчи бирор фактор миқдорининг ўзгариши муқаррар суратда бошқа факторларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Үсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқариш, сабзавот экинларидан мўл-кўл ҳосил олиш учун ўсимликларнинг ташқи муҳит шароитларига талабчанлигини билиш, бу шароитларни керакли йўналишда ўзгартира олиш лозим.

Иссиқликка талаби. Иссиқлик — ўсимликлар яшашининг зарурий шартидир. Үсимликларда борадиган фотосинтез ва нафас олиш интенсивлиги, ўсимликнинг илдиз орқали озиқланиши, ўсиши ва ривожланиши ҳаво температурасига боғлиқ.

Температура 25—35° га қадар кўтарилиганда фотосинтез процесси кучаяди, температура янада кўтарила берса, фотосинтез сусая бошлайди ва 40—50° га етганда бутунлай тўхтайди.



1-расм. Фотосинтезнинг температура, ёргулук ва ҳаводаги CO_2 концентрациясига боғлиқлиги. Ордината ўқлари бўйлаб картошка баргларидан борадиган фотосинтез интенсивлиги кўрсатилган:

1 — ёргулук сусет ва ҳавода CO_2 миқдори кам бўлганда; 2 — 1/25 хисса тўла кундузги ёргулук ва CO_2 0,003 % бўлганда; 3 — тўла кундузги ёргулук ва CO_2 0,003 % бўлганда; 4 — тўла кундузги ёргулук ва CO_2 1,22 % бўлганда.

Фотосинтез учун энг кепакли қуляй температура хилма-хил қўшимча факторларга ва биринчи навбатда ёргулук интенсивлигига ҳамда ҳаводаги CO_2 концентрациясига боғлиқ. Ёргулук интенсивлиги ва CO_2 миқдори ошса, фотосинтез процессининг оптималь температураси кўтарилади. Ёргулук жуда кам ва CO_2 концентрацияси паст бўлганда картошканинг фотосинтез оптимуми 10° атрофига бўлади, ҳаво тўла ёритилган ва унданги CO_2 миқдори нормал даражада (0,03%) бўлганда фотосинтез оптимуми 20° чамасида, ёргулук тўлиқ ва CO_2 миқдори кўпайганда (1, 22%) эса мазкур оптимум 30° га яқин бўлади (1-расм).

Үсимликларнинг пафас олиши учун керакли оптимал температура (оптимум) $30 - 40^{\circ}$ га тенг. Температура бундан юқори бўлганда нафас олиш интенсивлиги пасаяди, 50° дан юқори температурада эса ўсимликлар нобуд бўлиши сабабли нафас олиш ҳам тўхтайди. Паст температура ўсимликларнинг нафас олишини кескин даражада сусайтириб юборади, аммо совуққа чидамли ўсимликлар температура ҳатто — 10° га ва ундан пастроққа тушганда ҳам нафас ола беради. Фақат ўсимлик тўқималари музлаб қолган тақдирдагина нафас олиш батамом тўхтайди.

Ўсимликларда органик моддалар тўпланиши ёки уларнинг ўсиши асосан фотосинтез билан пафас олиш ўртасидаги нисбатга боғлиқ, чунки фотосинтез натижасида органик моддалар тўпланиади, нафас олиш процессида эса ана шу тўпланган моддалар сарфланади. Бу процесслар температурага ниҳоят даражада боғлиқ, шу сабабли ўсимликларнинг ўсиши ва ҳосилдорлиги ҳам температура шароитига боғлиқ.

Бироқ, ўсиш учун керакли температура оптимуми ассимиляция (фотосинтез) учун зарур бўлгац оптимал температурага ҳамма вақт мос кела бермайди. Температура кўтарилиган сайин нафас олиш процесси фотосинтезга нисбатан анча кўпроқ тезлашади. Шу сабабли, температуранинг кўтарила бориши натижасида, ниҳоят, шундай пайт келадики, унда ассимиляция натижасида тўпланадиган органик моддалар миқдори билан шу моддаларнинг нафас олиш учун сарфланадиган миқдори тенглашади, ундан кейин эса, температура янада кўтарилиган сайин органик моддалар сарфи унинг тўпланишидан ортиб кетиши мумкин, патижада ўсимлик нобуд бўла бошлади.

Органик моддалар жадал суратда тўпланиши ва ўспмликнинг яхши ўсиши учун кундузги температура тунги температурадап юқори бўлиши керак. Кундуз куни ассимилятлар (органик моддалар) тўпланиди ва улар нафас олиш учун қисман сарфланиб туради. Кечаси ассимиляция процесси тўхтайди, аммо кундузи тўпланган органик моддаларнинг нафас олиш учун сарфланиши давом эта беради. Тунги паст температуралар таъсирида нафас олиш энергияси қисқаради, органик моддалар камроқ нобуд бўлади, бинобарин, улар кўпроқ тўпланиб, ўспмликлар яхши ўса бошлади. Қузатишларнинг кўрсатишича, масалан, помидор экинчи температура ўзгариб тургандағига, яъни кундузи 26° ва кечаси $17 - 19^{\circ}$ бўлгандағига нисбатан бутун сутка давомида 26° бўлиб турган температурада ёмонроқ ўsar экан.

Кундузи ёруғлик етарли бўлмаслиги (ҳавонинг булут бўлиши) ҳам нафас олишга органик моддалар ортиқча сарфланишидан сақланиш учун температура паст бўлишини талаб этади. Табиий шароитда қоронғи тушиши ёки ҳавопинг булутланиши билан бир вақтда, одатда, температура ҳам пасаяди, бу эса ўсимликларнинг эҳтиёжига мувоғиқ бўлиб тушади. Теплинца ва парникларда эса тунги пайтларда температурани сунъий йўл билан кундузгидан пастроқ қилиб турилади.

'Ўсимликлар ривожланишининг турли фазаларида уларнинг температурага эҳтиёжи турлича бўлади. Кўпчилик сабзавот экинлари уруғининг бўрта ва уна бошлиши учун 15—20° температура зарур, ваҳоланки, пиёс, илдизмевалар, карам каби кўпгина сабзавот уруғлари 3—5° температурада ёк уна бошлайди.

Уруғ униб чиққандан кейин температура пастроқ бўлиши керак, чунки бу даврда уруғдаги озиқ моддалар деярли батамом сарфлашган бўлади, ҳали жуда нимжон илдиз системаси эса жадал ўсаётган ўсимликлар учун зарур миқдорда сув ва минерал тузларнинг келиб туришини таъминлай олмайди. Уруғ униб чиқётган даврда температура пасайса, ўсимликларнинг ер усти қисмининг ўсиши секинлашади, аммо бирмунча пастроқ температурани талаб қилувчи илдизлар эса ҳамон шиддат билан ўса беради.

Яхши ривожлашган илдиз системаси вужудга келгандан кейин ер усти органларининг ўсиши тезлашиши ва органик моддалар тўпланиши учун температура оптималь даражагача кўтарилиши керак. Бу даврда температуранинг паст бўлиши ўсимликлар ривожланишини жуда сусайтириб қўяди.

Гуллаш ва мева туғиш даврида ўсимликларнинг иссиқликка эҳтиёжи янада ортади. Бироқ температуранинг ҳаддан ташқари юқори бўлиши ва айни вақтда ҳаводаги нисбий намликнинг кам бўлиши кўпгина сабзавот ўсимликларида чангларнинг ҳаёт фаолиятини издан чиқаради, натижада ўсимликтин гули тўкилиб кетади.

Картошка ва кўпчилик икки йиллик сабзавот экинлари тунак, илдиз мевалар ҳосил қилиш, карам бош ўраш даврида температура пастроқ (-18 — 20°) бўлишини хоҳлайди, чунки юқори температурада ўсимлик маҳсулдор органларининг ўсиши сустлашиб кетади, айрим ҳолларда эса бутунлай тўхтаб қолади.

Икки йиллик сабзавот ўсимликларининг маҳсулдор қисмлари ва картошка тугунаклари пишиб етиладиган даврнинг охира, айниқса, уларни қишида сақлаш даврида, органик моддалар нафас олишга камроқ сарфлашиши учун температура минимал даражада бўлиши керак.

Тупроқ температураси ҳам ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига катта таъсири кўрсатади. Ўсув даврида тупроқнинг совиши илдизларнинг сув сўришини сусайтиради, баъзан эса, ҳатто тўхтатиб қўяди. Натижада ўсимликка тупроқдан кирадиган сув миқдори билан барглар орқали буғланадиган сув миқдори ўртасида катта тафовут вужудга қелиб, ўсимликлар сўлий бошлайди ва ўсишдан тўхтайди.

Илдизлар ўсимликтин ер усти қисмига нисбатан пастроқ температурада ўсади, шунинг учун эрта кўкламда экилган ўсимликларнинг илдиз системаси ер усти қисмига нисбатан тезроқ ўсади. Бироқ илдизлар манфий температуранардан поя ва баргарларга нисбатан кучлироқ таъсиранади. Масалан, карамининг

куртак ва барглари -3° , -5° температурадан ҳеч қапча зарарланмайды, илдизлари эса нобуд бўлади (Эдельштейн, 1962).

Тупроқнинг музлаши кўпинча илдизларининг механик шикастланишига (ёрилиб кетишига) ёки тупроқдан туртиб чиқиб туришига олиб келади.

Тупроқнинг ҳаддан ташқари қизиб кетпши ҳам ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Тупроқ температурасининг юқори бўлиши ўсимликларнинг ҳаёт фоалиятини бузади, баъзан эса тупроққа тегиб турган меваларининг (масалан, помидор ерда ётиб ўсанда) куйнишига сабаб бўлади.

Сабзавот экинлари ўстиришда кўпинча ерга яқин ҳаво қатламишининг температураси гоҳ паст, гоҳо юқори бўлиб турадики, бу ўсимликлар учун ноқулайдир. Паст температураларда моддалар алмасицувининг издан чиқиши ва физиологик процесслар (фотосинтез, нафас олиш ва бошқалар)нинг бузилиши натижасида иссиқсевар жануб ўсимликлари нобуд бўлади.

Ўсимликларнинг совуқ уришидан нобуд бўлиши янада кўпроқ учраб туради. Манфий температуралар таъсирида ўсимлик ҳужайраларига шимилиб ўтувчи сув музлаб қолади ва ҳужайра оралиқларида муз кристаллари ҳосил бўлиб, улар ҳужайралардаги сувни ўзига торта бошлайди. Ҳужайра ичидаги моддаларнинг сувсизланиши натижасида оқсиллар коогуляцияланади (ивиб қолади), бу эса ўсимликни ҳалокатга олиб келади. Баъзан, ҳужайра оралиқларида муз тўпланиши ва унинг ҳужайраларга таъсиридан ҳужайра қобиқлари ёрилиб кетади.

Аммо, агар ўсимлик қаттиқ музламаган ва ҳужайралар оралигига кўп муз тўпламаган бўлса, температуранинг аста-секин қўтарилиши ва музнинг секин эриши натижасида ҳосил бўладиган сув ҳужайраларга сўрилиб улгурмай, буғланиб кетади, натижада ўсимликлар плазмаси сувсизланади ва улар нобуд бўлади.

Н. А. Максимовнинг маълумотларига кўра, ўсимликларнинг совуққа чидамлилигининг ҳар хиллиги ҳужайра ширасининг концентрацияси юқори ёки паст эканига, жумладан таркибидаги шакар миқдорига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўсимликларнинг ҳужайра ширасида тўпланувчи шакар осмотик босимни оширади, бу эса сувнинг ҳужайралар оралиғига ўтишини қийинлаштиради. Бундан ташқари, шакар оқсил моддаларни пвиб қолишдан маълум даражада ҳимоя қиласи. Ҳужайра ширасидаги ёғ моддалари ҳам ҳимоя ролини ўйнайди.

Ўсимлик тўқималарида эркин сув бўлиши уларнинг совуққа чидамлилигига жуда катта таъсир этади. Ҳужайраларда сув қанча кам бўлса, температура пасайганда ҳужайралар оралигига сув шунча кам ўтади ва ўсимлик совуққа шунча чидамли бўлади. Маълумки, қуруқ уруғлар $— 100^{\circ}$ дан $— 200^{\circ}$ гача совуққа бардош беради, ҳолбуки, ивитилган (бўртгани) ва айниқса уна бошлаган уруғлар салгина манфий температурада ёки нобуд бўй-

лади. Үсимликларниң ўсаётган ва серсув түқималари пишиб етилгаш, кам сув түқималариға нисбатан совуққа камроқ чидайды. Тишим ҳолатида бұлған вегетатив органлар эса ўсаётган органларға нисбатан совуққа күпроқ чидамли бўлади.

Үсимликларниң паст температурага бардоши ва қаттиқ совуқларга чидамлиларини ошириш учун улар паст (аммо 0° дан юқори) температурауда чиниқтирилади. Бунинг натижасида үсимликларниң ўсиши секинлашади, пафас олиш учун шакар сарфланиши камаяди ва у түқималарда тўплана бошлайди. Үсимликларда фотосинтез процессида вужудга келадиган крахмал паст температурада шакарга ва ҳимояловчи ёғ моддалари га айланади. Бундан ташқари, чиниқтириш туфайли плазма оқсилларининг ўзи ҳам ўзгарамади — уларниң сувни ушлаб қолиш ва ивимаслик хусусияти кучаяди.

Ерга калийли ва фосфорли ўғитлар солиши ҳам үсимликларниң совуққа чидамлиларини ошишига ёрдам беради, зеро бу ўғитлар ҳужайра шираси концентрациясини оширади, шунингдек, кам сув бериб суғориш режимини қўлланиш ҳам шунга ёрдам беради, чунки бунда үсимлик түқималаридаги сув миқдори бирмунча камаяди.

50° дан юқори температурада оқсил ивиб қолади ва үсимликлар побуд бўлади. Қўпгина үсимликлар 40—45° температурада ёк аста-секин нобуд бўла бошлайди, бунга баъзи бир биохимиявий процесслар бузилиб, пләзманни заҳарлайдиган заҳарли моддалар (токсинлар) ҳосил бўлиши сабаб бўлса керак. Шу билан бирга қўйидаги яна бир ҳолат ҳам муайян роль ўйнаса керак: юқори температура таъсирида плазманинг сиртқи қатламидаги оқсил-липоид комплекси парчаланади, натижада ҳужайралар осмотик хоссасини йўқотиб, нобуд бўлади. Үсимликларниң сувни шиддатли равишда буғлантириши (транспирация) уларни ортиқча қизиб кетишдан ҳимоя қиласи, чунки бунда баргларниң қизиши ва ҳужайра ширасида туз тўпланиши камаяди, бу эса оқсилнинг ивишига олиб келувчи температурани оширади.

Иссиққа талабчанлигига қараб группалаш. Сабзавот үсимликларининг иссиққа талабчанлиги ҳар хил бўлиб, уларниң бу хусусияти келиб чиқишига қараб аниқланади. Сабзавот үсимликлари иссиққа талабчанлигига қараб бешта груплага ажратилади (Эдельштейн, 1962).

Биринчи груплага энг совуқбардош ва қишига чидамли кўп йиллик үсимликлар — ровоч, қушкўнмас, саримсоқ пиёзпинг баъзи турлари, шовул ва бошқалар киради.

Йккинчи груплага совуққа чидамли икки йиллик үсимликлар — илдизмевалар, писэз, карам ва кўкат экшилар (исмалоқ, салат) киради. Бу груплага кирувчи үсимликлар температуранинг узоқ вақт — 1—2° бўлиб туришига ва қисқа муддатли —3—5° ва айрим ҳолларда ҳатто —7—10° гача совуққа бемалол бардош беради. Совуққа чидамли үсимликларниң уруги 3—5°

иссиқ бўлиши билан уна бошлайди. Ер усти органларининг ўсиши учун 17—20° ли температура оптимал ҳисобланади.

Ўчинчи группага *совуққа ярим чидамли* экин сифатида картошка ўсимлиги киради, унинг ер усти қисми иссиққа муносабати жиҳатидан иссиқсевар ўсимликларга яқин туради. Бироқ туганак тугиш жараёни мўътадил, яъни 15—17° температурада, айниқса шиддатли боради.

Тўртинчи группага помидор, бодриңг, қалампир ва бақлажон каби *иссиқсевар* ўсимликлар киради. Уларнинг ўсиши учун 20—30° температура оптимал ҳисобланади. 40° ли температурада ассимилляциядан келадиган кирим нафас олиш учун сарфланадиган чиқимдан камайиб кетади. Демак, бу ўсимликлар иссиқлини кўп талаб қилгани билан иссиққа чидамли эмас. Температура 10° дан пасайиши биланоқ бу группага кирувчи ўсимликлар иссиқлик етишмаслигидан қаттиқ қийнала бошлайди, 3—5° температурада эса, секин-аста нобуд бўлади. Салгина (0,5—1°) совуқ тушиши билан бу экинларни совуқ уриб кетади. Бироқ помидор ва бошқа иссиқсевар ўсимликларнинг айрим навлари совуққа апча чидамлилиги билан фарқ қиласди.

Бешинчи группага тарвуз, қовун, ошқовоқ, маккажӯхори, ловия каби *иссиқсевар* ўсимликлар киради. Булар олдинги группадаги экинлардан иссиққа ниҳоятда чидамлилиги билан фарқ қиласди. Температура 30° га етганда бу ўсимликларда ассимилляция энг юқори (максимум) даражага етади ва 40° да ҳам у апча шиддатли давом эта беради.

Ўсимликларни ноқулай температура шароитидан ҳимоя қилиш. Ўсимликларнинг иссиққа талабчанлиги улар ўстириладиган районларга маълум даражада боғлиқ. Мамлакатимизда марказий ва шимолий районларда иссиқни кўп талаб қилмайдиган, совуқбардош сабзавот ўсимликлари кўпчиликни ташкил қиласди. Жанубий районларда эса асосан иссиқсевар жануб ўсимликлари тарқалган. Бироқ, ҳозирги вақтда сабзавот ўсимликларини қаерда ўстириш масаласи энди уларнинг географик келиб чиқиш белгисига қараб ҳал қилишмайди.

Фан ва практикада ўсимликларни ноқулай температура шароитидан ҳимоя қилиш усуслари ишлаб чиқилган бўлиб, улар сабзавот экинларини ғоят хилма-хил иқлим шароитида ўстириш имконини беради. Бунга эса, бир томондан ўсимликлар табиатини, яъни уларнинг иссиққа талабчалигини ўзгартириш йўли билан, иккинчи томондан, ноқулай температура шароитидан ҳимоя қилишнинг турли воситаларини қўлланиш йўли билан эришилади.

Масалан, селекционерлар дуррагайлаш методлари ёрдамида картошканинг совуққа чидамли навларини яратмоқдалар. Гребово селекция станциясида совуққа кўпроқ чидамли помидор навлари етиштирилди. Шу станцияда олиб борилган ишлар туфайли совуқ урмайдиган, температуранинг қисқа муддат даво-

миди — 3° гача пасайишига чидайдиган помидор навларини яратиш мумкин эканлиги амалда исботланди.

С. П. Лебедева (1948) қовунни ошқовоқ илдизларига пайвандлаш ва парваришлиш йўли билан унинг совуққа чидамлигини оширишга муваффақ бўлди.

Селекцион танлаш йўли билан ўсимликларнинг иссиққа чидамлигини ҳам ошириш мумкин. Масалан, шу йўл билан етиштирилган жашубга хос карам навлари (Ликуришка, Тошкент 10) шимол навларига қараганда иссиққа яхши чидамли экани маълум.

Ўсимликларнинг температурага талабчанлиги ўстириш шароитига қараб ўзгариши ҳам мумкин. Масалан, салгина музлатилган помидор уруғлари одатдаги помидор уруғларига нисбатан анча паст температурада уна бошлади. Маълумки, уруғи бевосита далага экиб ўстирилган помидор кўчат қилиб ўстирилган помидор экинига нисбатан совуққа чидамлироқ бўлади. Совуқ температуралар таъсир эттирилган (чиниқтирилган) кўчат чиниқтирилмаган кўчатга қараганда совуққа кўпроқ чидамли экани билан ажralиб туради.

Ўсимликларни ноқулай — жуда юқори ёки, аксинча, паст температуралардан ҳимоя қилишга, аввало, уруғдан экиш ва кўчат қилиб ўтказиш муддатларини тўғри танлаш йўли билан эришилади. Йиссиқни кўп талаб қилмайдиган совуқбардош ўсимликлар эрта кўкламда экилади, совуқ урмайдиган ўсимликлар эса, ҳатто кузда ҳам экила беради, аммо иссиқсевар ўсимликларни фагат қора совуқлар ўтиб кетгандан кейин, қизиган тупроққа экиш мумкин.

Жанубда юқори температурадан қийналиб, яхши авж ололмайдиган ўсимликларнинг ўсуви даври ёзги юқори температурали кунлар бошланмасдан олдинроқ тугалланишини мўлжаллаб, кўкламда, иложи борича эртароқ, ёки, аксинча, мева туғиш даврини ҳаво анча салқин бўладиган — куз ойларига суриш мақсадида, ёзинг иккинчи ярмида экилади.

Тупроқнинг устки қатламлари температурасига тупроқдаги шарт-шароит ҳам катта таъсир кўрсатади. Маълумки, структуралари тупроқлар структурасиз тупроқларга нисбатан баҳорда тезроқ илийди, чириндига (гумусга) бой бўлган қора тупроқлар эса оч тусли тупроқлардан кўра кучлироқ қизийди. Торфли тупроқлар температураси қумли ва қумоқ тупроқлар температурасидан қишида бирмунча юқори, ёзда эса апчагина (3—6°) паст бўлади (2- расм).

Ўсимликларниг даладаги температура режимини хилма-хил агротехника усуллари ёрдамида ўзгартириш мумкин. Маълумки, тепаликларниг жанубга қараган ён багри шимолий томоғига илсбатан кучлироқ қизийди ва шундай ерлардаги ўсимликлар совуқдан камроқ қийналади: марза (пушта)лар текис ерларга нисбатан ҳамда марзаларнинг жанубий ён багри шимолий ён бағрига нисбатан кўпроқ қизийди. Шунинг учун иссиқсевар ўсим-

ликларнинг уруғ ва қўчатлари эрта кўкламда жанубий ён бағирларга ва марзаларнинг жанубий ён томонига экилгани маъқул. Юқори температуralардан қийналадиган ўсимликлар эса, аксинча, шимолий ён бағирларга экиласди.

Ихота дарахтзорлари барпо қилиш ҳамда тўсиқ бўладиган экинлар экиш ўсимликларни соvuқ ва иссиқ шамоллардан, шунингдек, қора совуқлардан ҳимоя қилувчи энг яхши восита ҳисобланади. Кузда экилган ёки қўчат қилиб ўтқазилган экинларни қишки совуқлардан сақлаш учун устига чиринди ёки тупроқ сочиб қўйилиади.


Тупроқ бетини гўнг, сомон, торф, қофоз, синтетик плёнка ва бошқа нарсалар билан мульчалаш (устини қоплаш) ҳам тупроқ температурасига сезиларли таъсир кўрсатади. Қорамтири тусли мульча тупроқ температурасини оширади ва шу сабабли у эрта кўкламда экин экишда ҳамда иссиқсевар ўсимликларни ўстиришда қўлланилади. Оч тусли мульча (сомон ва бошқалар), аксинча, тупроқни ортиқча қизиб кетишдан сақлайди, шунинг учун ундан юқори температуralарда авж ололмайдиган ўсимликларни ўстиришда фойдаланиш мумкин.

Тупроқ бетини қорамтири туслага ва оқقا бўяш йўли билан ҳам тупроқ температурасини ўзгартириш мумкин.

Ўсимлик туплари атрофидаги тупроқ ва ҳаво температурасига қўчат қалинлиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Туплар қалин (зич) бўлса, тупроққа соя солиб температурани пасайтиради, ўсимлик тулларининг сийрак бўлиши эса тупроқнинг кўпроқ қизишига имкон туғдиради.

Сабзавот экинларини тез-тез — ҳар 4—6 кунда суфориб туриш тупроқ температурасини анчагина ($3-3,5^{\circ}$) пасайтиради ва ҳавонинг намлигини оширади. Тошкент Қишлоқ хўжалик институти сабзавотчилик кафедрасида олиб борилган тажрибаларнинг кўрсатишича, ўсимликларни қалин жойлаштириш билан бирга тез-тез суфориб туриш тупроқ температурасини (*10 см* чуқурлиқда) $5-6^{\circ}$ пасайтиради. Бироқ суфориш айни вақтда температурани оширувчи восита хизматини ҳам ўтаиди ва ундан кўпинча ўсимликларни кузги қора совуқлардан ҳимоя қилишда фойдаланилади.

Киши ва кўклам даврида сабзавот экинлари теплица ва парникларда ўстириллади, қўчатлар далага ўтқазилгандан кейин эса



2-расм. Торфли тупроқ (1) ва минерал тупроқ (2) даги ўртача ойлик температура (Д. Г. Головко).

уларни қоғоз қалпоқчалар, сопол тувакчалар, ёруғ ўтказадиган шаффоф плёнкалар ва бошқа нарсалар ёпиш, шунингдек, туташиш ва ёмғирлатиш йўли билан совуқ температуралардан ҳимоя қилинади.

Шамол. Ҳавонинг енгилгина ҳаракатланиши аксари ҳолларда сабзавот ўсимликларининг ривожланиши ва ҳосилига фойдали таъсир кўрсатади. Шамол ҳавони аралаштириб туриши туфайли ер бетидаги температурани тенглаштиради; шамол чангланувчи ўсимликларнинг яхши чангланишига ёрдам беради; тупроқни тезроқ қуритади, бу эса сабзавот экинларини эрта кўкламда уруғдан экиш ва кўчат қилиб ўтқазища жуда катта аҳамиятга эга.

Бироқ шамол, айниқса у соатига 4—6 км дан ортиқ тезликда эсганда, экинларга зарарли таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Чунки ўсимликларнинг нафас олиш жараёнида ҳосил бўлган карбонат ангидридни даладан учирив кетади; ўсимликлар транспирациясини (сувни буғлантиришни) ҳамда тупроқ бетидаги намнинг буғланишини кучайтиради, бу эса ёзинг иссиқ кунларида ўсимликларда сув танқислигига ва фотосинтезнинг секинлашиб қолишига олиб келади. Ўрта Осиёning кўпгина районлари учун характерли бўлган ёзги иссиқ шамоллар гул ва тугунчаларни тўкиб юборади, кучли шамоллар эса ўсимликларнинг механик шикастланишига сабаб бўлади.

Ловия, бодринг, ошқовоқ ўсимликлари шамолдан, айниқса, қаттиқ заарланади. Гулкарам, нўхат, помидор, редиска ўсимликлари бу жиҳатдан оралиқ ўринда туради. (Биелка, 1969)

Ҳавонинг ифлосланиши. Катта шаҳар ва саноат марказлари атрофидаги ҳавонинг ифлосланиши сабзавот экинларининг ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсир этувчи янги факторга айланиб бормоқда. Ҳавони ифлослантирувчи моддалар — қурум, кул, олtingугурт ва фтор бирикмалари, сульфат кислота, карбон (II)-оксид ва бошқалардан иборат.

Барг томирлари оралиғида оқишиш ва қўнғир тусли доғлар пайдо бўлиши, барглар рангизланиб, четлари қуриб қолиши ҳамда уларнинг тўкила бошлиши ўсимликлар заҳарланганлигини кўрсатувчи аломатлардир. Баъзи бир ўсимликлар, масалан, ловия ҳавонинг ифлосланишидан, айниқса, кучли таъсирланади ва шунинг учун бундай ўсимликлар ҳавонинг қанчалик ифлосланганлигини аниқлашда ўзига хос индикатор хизматини ўташи мумкин (Биелка, 1969).

Сабзавот экинларининг ёруғликка муносабати. Ёруғлик — ўсимликларнинг яшаши учун энг муҳим шарт-шароитdir. У фотосинтез процесси учун энергия манбай хизматини ўтайди, ўсимликларнинг ўсишига, анатомик тузилишига, сувни буғлантиришига ва минерал озиқланишига катта таъсир кўрсатади.

Б. С. Мошков олиб борган тадқиқотлар (1953) шуни кўрсатадики, филогенези турлича ёруғлик шароитида кечган ўсимликлар ёруғликнинг таркибий қисмларидан турлича таъсирланар

экан. Уларнинг баъзилари кўк-бинафша нурлар таъсирида яхши ўсиб ривожланса, бошқа бир хиллари қизил ёки сариқ-яшил нур таъсирида яхши ўсади ва ривожланади.

Қуёш ёғдусининг спектрал таркиби Қуёшнинг уфқдаги ҳолатига қараб кучли даражада ўзгаради. Қишида ёруғлик таркибида қизил нурлар ёздагига нисбатан кўпроқ, кўк-бинафша пурлар эса, камроқ бўлади. Эрталабки ва кечки ёруғлик кундузги ёруғликка нисбатан қизил нурлар билан кўпроқ ва кўк-бинафша нурлар билан камроқ тўйинади.

Тўғри тушган ёруғлик билан ёйилиб тушган (диффуз) ёргуларининг сифат таркиби ҳам бир хил эмас. Қисқа тўлқинли кўк-бинафша нурлар атмосферада узун тўлқинли қизил нурларга нисбатан кучлироқ ютилади. Атмосфера сув буғлари (булутлар), чанг ва тутун билан қанча кўп тўйинган бўлса, шурлар шунча кўп ютилади. Ёйилиб тушган ёруғликда қизил нурлар анча кўп, шунинг учун ўсимликлар уни яхши ўзлаштиради. Шу сабабли, шимолий кенгликларда ўсимликларнинг ўсув даври қисқа бўлишига қарамай, у жойларда ёйилиб тушувчи ёруғликнинг кўп бўлиши фотосинтезнинг унумли ўтиши учун етарлиди.

Ультрабинафша нурлар ассимиляция процессига таъсир кўрсатмайди-ю, аммо витамин Снинг синтезланишига ёрдам беради. Ойна ультрабинафша нурларни тутиб қолади. Шунинг учун ҳам теплица ва парникларда етиширилган сабзавот экинларида витамин С далада ўстирилган ўсимликлардагига нисбатан камроқ бўлади.

Қуёш радиацияси интенсивлиги (кучи) фотосинтезга, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига жуда катта таъсир этади. Қиши ойларда радиация ёздагига нисбатан анча кучсиз бўлади. Шу сабабли, шимолий районларда иссиқсевар ўсимликлар (бодринг) ни теплицаларда ўстириш учун қўшимча равнша ёритиш талаб қилинади.

Жанубий ён бағирларга шимолий ён бағирларга нисбатан қўёш нурлари кўпроқ тушади. Шунинг учун ҳимояланган (усти ёпиқ) ер иншоотлари (теплица ва парниклар) қуриш учун жануб томонга қараган ён бағирлар ташланади ва ёруғлик кўпроқ тушиши учун уларнинг томлари жануб томонга нишаб қилинади.

Агар ўсимликлар ҳаддан ташқари қалин бўлса, бир-бирига соя солиб, ёруғлик етишмаслигидан қаттиқ қийналади. Пастки баргларга юқоридагиларга нисбатан ёруғлик кам тушади, шунинг учун улар ёруғлик етишмаслиги орқасида бевақт нобуд бўлади. Бироқ ёруғликнинг ҳаддан ташқари кучли бўлиши баргларнинг ўта қизиб кетишига олиб келади. Натижада фотосинтез интенсивлиги пасаяди, нафас олиш эса кучаяди, бунинг оқибатида ўсимликлар ассимиляциядан келувчи энергиядан кўра кўпроқ энергия сарфлай бошлайди. Шунинг учун жанубий районларда ўсимликларнинг яшил барглари ёзда ҳаво булут кунларда ҳаво очиқ кунлардагига нисбатан кўпроқ яхшироқ ривожланади.

Қүёш радиациясینинг кучи сутка давомида анча ўзгаради ва тушки соатларда максимал даражага етади.

Ёруғликнинг кучайишига қараб фотосинтез интенсивлиги ҳам ўзгаради. Мўътадил иқлимли жойларда фотосинтез максимуми, одатда, қүёш радиацияси максимумига мос бўлиб тушади ва бундай пайт тушки соатларга тўғри келади. Жанубда кун энг қизиган соатларда фотосинтез интенсивлиги камаяди ва сутка давомида органик моддалар тўпланиш жараёнининг бориши иккита баланд нуқтали эгри чизиқ кўринишига эга бўлиб, максимум нуқталари эрталабки ва тушдан кейинги соатларга тўғри келади.

Маданий ўсимликлар филогенези ҳамда экологик типлар ва маҳаллий навлар шаклланиши жараёнида ёруғликнинг ҳар хил интенсивлиқда бўлишига мувофиқлашган формалар вужудга келган. Сабзавот ўсимликларидан полиз экинлари, томатдошлилар, дуккакдошлар ва маккажўхори интенсив ёруғликка энг кўп, пиёзчали ўсимликлар, карамлар ва илдизмева экинлар (лавлаги, сабзи) — камроқ эҳтиёж сезади. Баргли сабзавот ўсимликлари — салат, исмалоқ, ровоч ва бошқалар бу жиҳатдан охириг ўринда туради.

Бироқ сабзавот ўсимликларини, ёруғликка муносабатига қараб, бу тарзда группалаштириш шартли характерга эга, чунки ҳар бир тур ичиде сояпарварлиги ёки, аксинча, ёруғсеварлиги билан ажралиб турувчи навлар бор. Масалан, теплицаларда ўстириладиган сояпарвар бодринг навлари (Клин, Телеграф ва бошқалар) ҳаммага маълумдир.

Ёруғсевар ўсимликларда фотосинтез процесси ёруғлик интенсивлигининг ортишига пропорционал равишда орта боради ва ёруғлик тўғри туша бошлаган пайтда максимум даражага етади, сояпарвар ўсимликларда эса ёруғлик ўртacha даражада бўлганда фотосинтез максимум даражага етади.

Ёруғлик ўсимликларнинг ўсишига ҳам муайян таъсир кўрсатади. Баъзи ўсимликлар қоронғида ҳам ўсиши мумкин, аммо бундай ўсимликлар яшил рангини йўқотади, пояси жуда нозик ва жуда бўйчан бўлиб кетади, барглари эса чала ривожланади. Ёруғлик етишмаган жойда ўсан ўсимликлар этиолирланган ўсимлик деб аталади.

Қоронғилик ўсишни тезлаштиради, ёруғлик эса, аксинча, сенинглиштиради. Шунинг учун кучли даражада ёритилган жойда ўсан ўсимликларнинг бўғим оралиқлари калта ва сояроқ жойда ўсан, масалан, ҳаддан ташқари қалиплашиб кетгани ёки ёруғлик старли бўлмаган парникларда ўсан ўсимликларга нисбатан бўйи ҳам пастроқ бўлади. Ёруғлик илдиз системасининг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Соя жойда ўсан ўсимликларининг илдиз системаси ёруғликда ўсан ўсимликларининг илдиз системасига нисбатан ҳамиша заифроқ бўлади, шунинг учун ҳам ўсимликларни минерал тузлар билан яхши таъмилай олмайди. Этиолирланган ўсимликлар механик тўқималари ва ҳу-

жайра деворлари кам ривожланганлиги билан ажралиб туради. Бундай ўсимликлар ётиб қолишга мойил бўлади.

Сабзавотчиликда ўсимликларни нозик консистенцияли (кўришишли) ва таъмини лаззатли қилиш учун уларни (гулкарам, порей-пиёз, сарсабил ва бошқалар) ёруғликсиз ўстириш («оқ тус бериш») усули ҳам қўлланилади.

Қишида теплицаларда ёруғлик етишмайди, унинг ўринин тўлдириш учун сунъий равишда ёритилади. К. А. Тимирязев электр нури таъсири билан Қуёш нурлари таъсири ўртасида сифат жиҳатидан катта фарқ йўқ, деб кўрсатган эди. Помидор ва бошқа ўсимликларни фақат электр ёруғлигига ўстирган Б. С. Мошков бу фикрни батамом исботлади. Сунъий ёритиш йўли билан ўстрилган помидор мевалари қуёш нури билан ёритиладиган одатдаги теплицалардагига писбатан анча эрта пишди.

Кун узунлигининг таъсири. Ўсимликларнинг ёруғлик ва қоронфиликка талабчанлиги филогенез жараёнидан келиб чиққан бўлиб, турли хил ўсимликларда у турличадир.

Мўътадил иқлимли минтақада ўсимликларнинг гуллаши ва ҳосил бериши учун узун кунли ёз даври энг яхши фасл ҳисобланади. Шунинг учун мўътадил иқлимли шароитда ўсуви ўсимликларда узоқ муддат давомида ёруғда бўлиш эҳтиёжи вужудга келган ва уларнинг гуллаши ҳамда мева туга бошлиши учун зарурый шарт бўлиб қолган.

Жанубий кенгликларда ўсимликлар ёзда қурғоқчилик ва юқори температурадан қийналади. Бу жойларда кунлар анча қисқа бўладиган баҳор ва куз фасллари ўсимликларнинг гуллаши ва мева тугиши учун энг қулай даврдир. Жануб ўсимликларининг гуллай бошлиши учун уларда узоқ вақт давомида қоронфилик таъсирида бўлиш эҳтиёжи вужудга келганлигининг сабаби ҳам ана шундадир. Бундай ўсимликлар қисқа кун ўсимлиги деб аталади.

Узун кун ўсимликлари эса кундузги ёруғлик узоқ давом этадиган шароитда тезроқ ривожланади ва эртароқ гуллайди, шу билан бирга, улар узлуксиз ёруғликда бўлса, бу процесслар, айниқса тезлашади. Узун кун ўсимликлари бўлмиш илдиз мевали экинлар, лиёз, карам шимолда (узун кун шароитида) жанубдагига қараганда тезроқ ўсади ва ривожланади. Шунинг учун ҳам Заполяръеда совуқсиз давр қисқа бўлишига қарамай, илдизмева ўсимликлар ва карам тўла пишиб кўпинча мўл ҳосил беради.

Қисқа кун ўсимликлари эса шимолда, аксинча, жуда секин ривожланади ва ўсуви даври жуда узайиб кетади. Шу сабабли, кун узунлиги сунъий равишда қисқартирилса, уларнинг ривожланishi тезлашади, ҳосилдорлиги ҳам ошади. Масалан, Москва атрофи шароитида кун узунлиги 12 соатгача қисқартирилганда бодринг ҳосили 129,5 ц/га ошган (Эдельштейн, 1962).

Кун узунлигини ўзгартириш йўли билан ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқариш: вегетатив органлари ўсиши-

ни кучайтириш ёки сусайтириш, гуллаши ва мева туга бошлashingи тезлаштириш ёки секинлаштириш мумкин.

Бетараф (нейтрал) деб аталувчи баязи ўсимликларга кун узунлигининг ўзгариши жуда кам таъсир этади ёки мутлақо таъсир этмайди.

Картошка, карам, сабзи, пиёз, саримсоқ, редиска, салат, ис-
малоқ, укроп ва бошқалар узун кун ўсимликлари, бодринг, по-
мидор, ловия, маккажӯхори эса қисқа кун ўсимликлари жумла-
сига киради. Бундай группалаштириш нисбий характерга эга,
чунки бир тур ичидаги келиб чиқиши ҳар хил бўлган навлар кун
узунлигидан турлича таъсирланади.

Ерга яқин ҳаво қатламлари таркибидаги карбонат **ангидрид**
миқдори ҳам фотосинтез интенсивлигига ниҳоятда катта таъсир
кўрсатади. Одатда, ҳаво таркибидаги 0,03% карбонат ангидрид
бўлади. Жуда кўп тадқиқотларнинг кўрсатишича, карбонат ан-
гидрид миқдори ошган сайин фотосинтез интенсивлиги бевосита
орта боради ва CO_2 миқдори 1% чамасида бўлганда фотосин-
тез интенсивлиги максимум даражага етади. CO_2 миқдори яна-
да орта борса, фотосинтез сусая бошлайди ва ўсимликларда за-
ҳарланиш белгилари пайдо бўлади.

Турлича концентрациядаги CO_2 нинг фотосинтезга қандай
таъсир кўрсатиши ёруғлик интенсивлигига кўп жиҳатдан боғ-
лиқ. Йнсолияция қанча юқори бўлса, ўсимликлар юқори концен-
трацияли (кўп миқдордаги) CO_2 дан шунча яхши фойдаланади
ва, аксинча, ўсимликлар карбонат ангидрид билан қанчалик ях-
ши таъминланса ва ҳавода унинг миқдори қанча кўп бўлса,
ўсимликларнинг ҳаводан озиқланиши шунчалик маҳсулдор бў-
лади.

Ўсимликлар таркибидаги қуруқ моддаларнинг кўпайиши кў-
пинча фотосинтез интенсивлигининг ортиши билан белгиланади.
Шунинг учун ер бетига яқин ҳаво қатламларида карбонат ангид-
рид миқдорини сунъий йўл билан кўпайтиришнинг амалий аҳа-
мияти катта.

Парниклардаги ҳаво гўнгнинг чириб парчаланиши натижасида
карбонат ангидрид билан бойийди, печлар билан иситиладиган
теплицаларда эса теплица ичига чириб турадиган газлар
ҳисобига карбонат ангидрид билан тўйинади.

Дала шароитида ерга гўнг ёки бошқа хил органик ўғитлар
солиши йўли билан ер бетига яқин ҳаво қатламларидаги CO_2 кон-
центрациясини ошириш мумкин. Бу ўғитлар тупроқда чириганда
карбонат ангидрид ажralиб чиқади ёки шу мақсадда гўнгни
мульча тарзида қўлланилса ҳам бўлади. Ўсимликларга CO_2
билан тўйинган сувни ёмғирлатиб сочиш ҳам яхши натижа бера-
ради.

Намга муносабати. Кўпчилик сабзавот ўсимликлари тупроқ-
даги намга талабчанлиги билан бошқалардан фарқ қиласи.
Бунинг сабаби, бир жиҳатдан, маэкур ўсимликлар таркибидаги сув-
нинг кўп бўлишида (75—95%), кўплаб сувни буғлантириб юбо-

ришида ҳамда кўпчилик ўсимликларда юза жойлашган илдиз системаси кам ривожланганинигидадир.


Сабзавот ўсимликларининг намга муносабатини кўриб чиқаётганда ўсимликларнинг тупроқдан ўзлаштириб оладиган сув миқдори билан уларнинг тупроқдаги нам миқдорига талабчалигини фарқ қилиш керак (Эдельштейн, 1962).

Бодринг билан қарам сувни кўп талаб қиласидан ва тупроқнинг сернам бўлишини талаб этадиган ўсимликлар жумласига киради. Бу ўсимликларнинг илдиз системаси юзада жойлашган, йирик барглари эса сувни кўп буғлантиради.

Полиз экинлари (тарвуз, қовун) ҳам кўп сув талаб қиласиди-ю, лекин тупроқда нам кўп бўлишига унчалик талабчан эмас, чунки буларнинг кучли ривожланган илдиз системаси тупроқнинг анча чуқур қатламигача таралиб, шу ердаги намдан фойдаланиди.

Пиёз эса полиз экинларининг акси ўлароқ сувни кам талаб қиласиди ва уни тежаб сарфлайди-ю, аммо илдизлари кам шохлашлиги ва уларнинг юза жойлашганлиги сабабли тупроқда нам кўп бўлишини талаб этади (3-расм).

Турли ривожланиш даврларида ўсимликларнинг тупроқдаги намликка талабчанилиги турлича бўлади. Барча сабзавот экинлари ҳам уруғлар уна бошлаган даврда тупроқда нам кўп бўлишига эҳтиёж сезади. Бунинг сабаби шундаки, кўпчилик сабзавот ўсимликларининг уруғи жуда майда бўлгани учун юза эки-



3-расм. Ўсимликларнинг илдиз системаси (Е. Г. Петров).

лади. Шунга кўра, уруғни қийғос ундириб олиш ва майсаларнинг тўла қімматли бўлиши учун тупроқнинг устки қаватлари сернам бўлиб туриши зарур.

Кўчатлар ўтқазилгандан кейин ҳам тупроқ ғоят сернам бўлиши көрак, чунки уларни кўчириб олаётганда илдизчаларнинг бир қисми узилиб қолади, қолган майда илдизчалар эса ўсимликларни етарли миқдорда сув билан таъминлай олмайди.

Майсалар кўрингандан ва кўчатлар тутиб кетгандан кейин, ассимиляция аппарати вужудга кела бошлаган даврда ўсимликларнинг тупроқдаги намлика бўлган талаби бирмунча камаяди. Бироқ бу даврда ҳам тупроқда нам етишмаслигига йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу ҳол ёш ўсимликларнинг физиологик жиҳатдан қарий бошлишига сабаб бўлади. Ўсимликлар қурғоқчиликка мувофиқлаша бошлайди, бунинг орқасида барглари ва бошқа органларининг шакли, катталиги, анатомик тузилиши ўзгаради ва *ксероморф структура* деб аталувчи тузилиш касб этади. Бундай ўсимликлар ҳатто қурғоқчилик ўтиб кетгандан кейин ҳам тез ўсолмайдиган бўлиб қолади ва ҳосилдорлиги кескин камайиб кетади.

Гуллаш ва мева туғиши даври бошлангач, ўсимликларнинг намга эҳтиёжи яна ортади, чунки бу даврда ўсимликларда қуруқ моддалар тўпланиши шиддатли боради. Мана шу даврда нам етишмаса, гул ва тугунчалар тўкила бошлайди, илдизмевалар, картошка туганаклари ва карам бошлари жуда секин ўсади, буларнинг ҳаммаси ҳосилдорлик камайиб кетишига олиб келади. Салат ва гулкарам ўсимликларига нам етишмаса, улар вақтидан бурун эркаклаб кетиши мумкин.

Ҳосил пишадиган даврда сабзавот экинлари намни унчалик кўп талаб қилмайди. Бу даврда тупроқда нам кўп бўлса, сабзавот мевалари таркибида сув кўпаяди, бу эса уларнинг сифатини бузади (ёрилиб кетади, шираси, крахмал камаяди ва ҳ. к.) ва узоқ сақлашга яроқсиз бўлиб қолади.

Илдиз системасининг ривожланиш характеристига, барг сатҳининг катталигига, ўсиш суръати ва бошқа биологик хусусиятларига қараб, сабзавот ўсимликлари қўйидаги группаларга бўлинади:

ўта намталаб ўсимликлар — карам, бодринг, редиска ва бошқалар;

намталаб ўсимликлар — помидор, бақлажон, қалампир, пиёз;

камроқ намталаб ўсимликлар — илдизмевалар, дукқакдошлар маккажӯхори, ошқовоқ;

қурғоқчиликка чидамили ўсимликлар — тарвуз, қовун.

Ўсимликларни бу тарзда группаларга ажратиш шартли характеристерга эга, чунки ўсимликларнинг навига ва қўлланилайдиган агротехника усулларига қараб уларнинг сувга талабчанлиги кескин даражада ўзгариши мумкин.

Тез ўсадиган, эртапишар сабзавот ўсимликлари қечпишар ўсимликларга қараганда сувга кўпроқ муҳтоҷ бўлади. Кўчат қи-

либ ўтқазилган карам ёки помидор экинлари бевосита уруғдан далаға экиб ўстирилган экинларга нисбатан тупроқда күпроқ нам бўлишини талаб этади. Бунинг боиси шундаки, кўчатлар кўчириб олингандан бош (ўқ) илдизи узилиб қолади, натижада уларда юза жойлашган илдиз системаси вужудга келади. Уруғдан экилгаңда эса, илдизлар анча чуқурликка таралади ва ўсимликни сув билан яхши таъминлайди.

Ўсимликлар қалин жойлашганда, шунингдек, улар яхши ўғитланган унумдор тупроқларда ўстирилганда ҳам намни кўп талаб қиласди.

Тупроқдаги озиқ моддаларга муносабати. Сабзавот экинларин унумдор тупроқни хоҳлайди. Уларнинг ҳозирги экологик тип ва навлари асрлар давомида сабзазорлар шароитида вужудга келтирилган ва ҳар йили ўғитлаб туриладиган унумдор томорқа ерларда етиштириб келинган. Ташки мухит таъсирида тупроқнинг устки қаватларидаги озиқ моддалардан фойдаланишга мослашган ва аксари илдиз системаси суст ривожланган ҳамда юзага жойлашган ўсимлик формалари вужудга келган.

Сабзавот ўсимликлари тупроқдан кўп миқдорда озиқ моддалар олади (3-жадвал).

3- жадвал

Сабзавот экинлари ҳосили учун тупроқдан сарфланган озиқ моддалар миқдори (Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти маълумотларидан)

Экинлар	Ҳосили, га/ц	Ҳосил учун сарф моддалар, га/кг		Бўлган озиқ
		азот	фосфор	
Карам	459—625	126—212	44—84	
Картошка	169—316	79—178	32—52	
Қовун	348—422	112—163	35—50	
Бодринг	380—488	94—128	30—53	
Сабзи	161—199	48—70	19—25	

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўсимликлар ердан азотни, айниқса кўп, фосфорни эса бирмунча камроқ олади. Бироқ улар калийни азотдан ҳам кўра кўпроқ олади (Эдельштейн, 1962):

Экинлар	Карам	Помидор	Бодринг	Сабзи	Пиёз	Редиска
Ҳосили, га/ц	500	400	300	300	300	100
K_2O нинг сўриб олинниши, га/кг	225	144	78	150	120	51

Аммо ердан сўриб олинган озиқ моддаларнинг умумий миқдори тўғрисидаги рақамлар ўсимликларнинг тупроқ унумдорлигига бўлган талабини тўла акс эттиrolмайди. Ўсимликларнинг

озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини тўғри баҳолаш учун улар тупроқдан сўриб оладиган озиқ элементларнинг фақат умумий миқдорини эмас, балки суткалик ўртача миқдорини ҳам ҳисобга олиш керак. Сабзавот ўсимликлари тупроқдан сўриб оладиган асосий озиқ моддалар (РК)нинг умумий ва суткалик ўртacha миқдорини ифодаловчи рақамлар 4- жадвалда келтирилган.

4. жадвал

Сабзавот экинлари тупроқдан сўриб оладиган озиқ моддаларнинг умумий ва ўртача суткалик миқдори (П. П. Кюз ва В. А. Бризгалов маълумотлари асосида)

Экинлар	Ҳосили, га/ч	Бутун ўсув даврида сўриб олинган моддаларнинг умумий миқдори, га/кг	Ўсув даври, кун	Сўриб олинган моддаларнинг ўртача суткалик миқдори, га/кг
Эртаги карам	400	418	130	3,2
Помидор	400	263	150	1,8
Бодринг	300	170	100	1,7
Пиёз	300	247	100	2,5
Салат	250	218	60	3,6
Редиска	150	183	45	4,1
Исмалоқ	200	330	40	8,2

4- жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, салат, рефиска, исмалоқ каби кўкат ўсимликлар тупроқдан озиқ моддаларни энг кўп сўриб олади.

Кўкат ўсимликларнинг озиқ моддаларга умумий эҳтиёжи унча катта эмас, аммо ўсимликлар бу моддаларни тупроқдан жуда қисқа муддат (30—60 кун) ичida олади. Шунинг учун кўкат ўсимликларнинг ҳаммаси ҳам тупроқнинг унумдор бўлишини ва албатта, ўғит солинишини талаб этади. Сабзавот экинларининг эртапишар навлари худди шу сабабга кўра кечпишар экинларга нисбатан тупроқда озиқ моддалар кўпроқ бўлишини талаб қиласи.

Ўсимликларнинг тупроқдаги озиқ моддаларга бўлган талаби уларнинг сўриш кучига ҳам боғлиқ. Илдиз системаси кам ривожланган ва юза жойлашган ўсимликлар, масалан, бодринг, пиёз тупроқдан озиқ моддаларни кам сўриб олишига қарамай, ушбу моддалар тупроқда жуда кўп бўлишини талаб этади ва ерга албатта, ўғит солинишига муҳтож бўлади.

Сабзавот экинларининг илдизлари турли хил озиқ элементларни бир хилда ўзлаштирунади. Сабзавот ўсимликлари аввало, калийдан, ундан кейин азотдан ва энг охирида фосфордан яхши фойдаланади. Помидор, бақлажон, редиска, шолғом, пиёз ва салат ўсимликлари фосфорни айниқса ёмон ўзлаштиради. Лавлаги, ундан кейин сабзи ва карам фосфордан бошқа ўсимликларга

нисбатан яхшироқ фойдаланади. Азотни эса карам айниңса яхши ўзлаштиради.

Ўсимликларнинг турли озиқ моддаларни ўзлаштириш хусусияти уларнинг ёшига қараб турлича бўлади. Уларнинг кўпчилиги, айниңса помидор майсалари униб чиққандан кейинги 30—40 кун мобайнида фосфорни ёмон ўзлаштиради. Ўсимликлар ғунчалай бошлаган даврда уларнинг фосфорни ўзлаштириш қобилияти кескин ошади. Сабзавот ўсимликлари ривожланишининг илк босқичларида фосфорни ёмон ўзлаштириши фосфорли ўғитларни ерга уруғ ташлаш билан бир вақтда чуқурча (ханжуварларга) ёки қаторларга солиб кетиш ҳамда фосфор билан кўчкат ўстириш вақтида озиқлантириш мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради.

Сабзавот экинлари тупроқдан озиқ моддаларни бутун ўсув даври давомида олиб туради, аммо мева тугиши шиддатли бораётган даврда бу процесс айниңса кучаяди. Шунинг учун экишдан олдин ерга ўғит солишдан ташқари, экинлар ўсув даврида ҳам озиқлантириб турилиши керак.

Турли хил озиқ элементлар ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига турлича таъсир кўрсатади.

Азот вегетатив органлар (поя ва барглар)нинг ўсишига ёрдам беради. Қарам, салат, исмалоқ каби ва бошқа барги учун ўстириладиган сабзавот ўсимликлари азотга айниңса кўп муҳтож бўлади. Аммо азотнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши сабзавот ўсимликларининг палаги ғовлаб кетиб, гуллаши ва мева тугиши секинлашувига олиб келади, натижада ҳосил камайиб кетади. Азотнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши сабзавот сифатига ҳам салбий таъсир этади. Қарам тез ва кучли ўсиб, қарам бошлари ёрилиб кетади, картошка тугунакларининг ичи ҳовол бўлиб қолади ҳамда ундаги крахмал миқдори ва қовуннинг ширадорлиги камаяди, илдизмевалар, картошка, пиёз ва бошқа сабзавот маҳсулотлари узоқ сақлашга яроқсиз бўлиб қолади. Масалан, Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институтида олиб борилган тажрибаларга доимо азот билан озиқлантирилган Шакарпалак қовун навининг ширадорлиги (таркибида шакар миқдори) 1% дан ортиқ камайганлиги қайд қилинди:

Ўғим ва норма, га/кг	Умумий шакар	Сахароза
$N_{80}+P_{80}$	9,08	5,46
N_{80}	7,91	4,36

Фосфор ўсимликларнинг палаги ўсишини сусайтиради, уруғи, туганклари, пиёз бошлари, илдизмевалари тез пишиб етилишига ёрдам беради, мевалар таркибида қуруқ моддаларни кўпайтиради, крахмал ва шакар миқдорини оширади. Помидор, бақлажон каби сабзавотлар, шунингдек, шолғом, редис-

ка ва салат фосфорга айниңса талабчан бўлади. Уруғлик учун ўстириладиган барча икки йиллик сабзавот ўсимликлари ҳам фосфор билан кўпроқ озиқлантиришни талаб этади.

Сабзавот экинлари калийни жуда кўп ўзлаштиради. Калий кул таркибига киради ва ўсимликларда углеводлар ҳосил бўлиши ҳамда тўпланишида муҳим роль ўйнайди. Ўсимликларни калий билан яхши озиқлантириш механик элементлар (луб) ҳосил бўлишига ёрдам беради ва пояларнинг мустаҳкамлигини оширади. Башарти калий етишмаса, ўсимликлар азот ва фосфорни ёмон ўзлаштиради, уларнинг вирусли ва замбуруғли касалликларга чидамлилиги пасаяди. Картошка ва илдизмевалар (лавлаги, сабзи) тупроқда айниңса калий кўп бўлишини талаб этади.

Сабзавот ўсимликларининг озиқланишида молибден, марганец, бор, мис, рух, кобальт каби микроэлементлар ҳам катта аҳамиятга эга. Бироқ тупроқда уларнинг етишмаслиги азот, фосфор ва калий танқислигига қараганда кам кузатилади.

ПАРНИК-ТЕПЛИЦА ХЎЖАЛИГИ

ПАРНИК-ТЕПЛИЦА ХЎЖАЛИГИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Сабзавотчиликда йилнинг об-ҳаво шароити ноқулай даврларида ўсимлик ўстиришга мослаштирилган ер участкалари ва маҳсус иншоотлар парник-теплица хўжалиги деб аталади. Ўсимликларнинг иссиқлик, ёруғлик ва бошқа ўсиш факторларига бўлган биологик талабига мувофиқ парник-теплица хўжалигига сунъий микроқлим вужудга келтирилади ёки табиий микроқлим яхшиланади. Парник-теплица иншооти қанчалик мукаммал қурилган бўлса, унда йилнинг соvuқ фаслида ўсимлик ўстириш имконияти шунча кўп бўлади.

Парник-теплица хўжалиги асосан қуйидаги мақсадларга ҳизмат қиласди: 1) далада эртаги сабзавот етишириш учун юқори сифатли кўчатлар тайёрлаш; 2) далада ўстириш, омборлардан олиш ёкп энг жанубий районлардан ташиб келтириш имконияти бўлмаган фаслларда янги сервิตамин сабзавот етишириш.

Мана шу вазифаларнинг қайсан бирни етакчи ўринда туришига қараб, парник-теплица хўжалиги кўчатчилик, кўчат-сабзавотчилик ёки доимо сабзавотчилик йўналишида ихтисослашган бўлиши мумкин. Умуман олганда парник-теплица хўжалиги ёрдамида сабзавотчиликнинг асосий вазифаларидан бирни — аҳолининг йил бўйи янги сабзавот билан таъминлаш графигини тартибга солиш масаласи ҳал қилинади. Шунинг учун мамлакатимизда парник-теплица хўжалигини кенгайтиришга катта аҳамият берилмоқда.

Урушдан кейинги йилларда парник-теплица хўжалиги анча ривож топди; бу соҳада техникикай реконструкциялаш, майдада ҳунармандчилик асосидаги иншоотлар ўрнига механизациялашган ва автоматлаштирилган йирик «сабзавот фабрикалари» барпо қилиш жараёни бормоқда. Агар бундан 20 йил илгари Совет Иттилоқида 140 та теплица ва 13 млн парник роми мавжуд бўлган бўлса, Ўрта Осиё Республикаларининг ўзидағина 1970 йилда 35 га ойнавонли қишик теплица, 25 га плёнкали теплица ва 934 минг дона парник роми бор эди. Устига плёнка ёпиб иситиладиган ерлар айниҳса кенг ривож топди; бундай ер майдонлари Иттилоқимизда 1973 йилда тахминан 3000 га ни ташкил қиласди. Бироқ парник-теплица иншоотлари шу чоққача етарли бўлмай келди ва шу сабабли кўчат ҳамда эртаги сабзавотга бўлган талаб тўла қондирилгани йўқ.

Шунинг учун партия ва ҳукуматимиз ўнинчи беш йилликда парник-теплица хўжалиги ва плёнка остида сабзавот етиширишини янада ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда.

СССРдаги парник-теплицаларда сабзавот етиширишнинг ўртача йиллик миқдори 1972 йилда аҳоли жон бошига атиги 1,5 кг га етди, келгусида эса буни 9,5 кг га етказиши вазифаси кўйилмоқда.

Ўнинчи беш йиллик топшириқларига мувофиқ ойнавонли теплицалар майдони 1976 йилда 3500 га гача, плёнка ёпилган теплицалар эса 8500 га гача етказилиши керак, парник-теплица хўжалигининг умумий ер майдони эса 3 баравардан зиёд ортади.

Мавсумдан ташқари ва эртаги сабзавот етишириш бўйича географик меҳнат тақсимотида мамлакатнинг жанубий районлари, шу жумладан, Ўрта Осиё республикалари катта роль ўйнайди. Жанубда қиши даврида сабзавот етишириш мамлакатнинг шимолий зоналаридагига нисбатан арzonга тушади. Москва атрофи зонасида сабзавот ўстириладиган иншоотларни иситиш учун кетадиган сарфлар сабзавот таннархининг 50% ини ташкил этади. Декабрь ойида теплицага тушадиган фотосинтетик актив радиациянинг (ФАР) умумий миқдори Москвада 90 ккал/м² ни, Тошкентда 387 ккал/м² ни, Душанбада 407 ва Термизда 474 ккал/м² ни ташкил қиласди. Ўрта миintaқада бир қанча экинлар қишида сунъий равишда қўшимча ёритилмаган жойда мутлақо нормал ўсолмайди. Ҳисобларнинг кўрсатишича, бодринг ва помидорни қиши даврида фақат жанубдаги теплицаларда ўстириб, шимолий зоналардаги истеъмолчиларга транспортда етказиб бериш иқтисодий жиҳатдан фойдалари ўзиб кетиши ва эртаги товар сабзавот етишириладиган асосий манбалардан бирига айланиши керак.

ПАРНИК-ТЕПЛИЦА ИНШООТЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Парник-теплица хўжалигига атроф муҳитдагидан бошқача микроиқлим вужудга келтирувчи асосий фактор қуёш нурларининг энергия оқимиmdir. Бу оқим катталиги гоят ўзгарувчан бўлиб, йил фаслларига ва сутканинг турли вакъларига, жойнинг географик кенглигига, атмосферанинг ҳолатига (ҳаво булут, очиқ бўлишига) боғлиқ. Парник ва теплицаларда сабзавот ўсимликлари ўстириш имконияти, аввало, мазкур жойда ва айни вақтда Қўёшнинг энергия оқими етарли ёки етарли эмаслигига қараб аниқланади. Агар қуёш энергияси етарли миқдорда бўлса, жойни сунъий иситиш ёки сунъий ёритиш масаласи пайдо бўлади. Бу эса, юқорида айтиб ўтилганидек, сабзавот таннархининг кескин ортиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳар қандай парник-теплица иншооти тўғри ва ёйилиб тушувчи қуёш нурларидан бирига айланиши керак.

рини энг кўп тутиб қолиш ва улардан фойдаланишини таъминлайдиган бўлиши керак.

Бунга эса ёруғлик ўтказувчи шаффоф тўсиқ қурилмалари (том ва деворлар) ёрдамида эришилади, бундай қурилмалар қўёш нурларини ичкарига ўтказадиган, аммо иссиқликни ташқарига чиқармайдиган бўлиши лозим. Шаффоф юзаларни ёрглий тушадиган томонга тўғрилаб қуриш, уни керакли даражада қия (нишаб) қилиш, тўсиқдаги ёруғлик ўтказмайдиган юзаларни камайтириш ва ёруғликни яхши ўтказадиган сифатли шаффоф материалларни (плёнка ойна) танлаш йўли билан қўёш нурларидан энг кўп (максимал) фойдаланишга эришилади.

Ҳар бир қизиган жисм атрофдаги бўшлиққа ўзидан иссиқлик тарқатади; худди шу сингари ҳар бир парник-теплица иншооти ҳам тўпланган иссиқликни йўқотади. Бундай йўқотиш кечалари айниқса катта миқдорга етади. Қуёш нурларидан тўпланган ва сунъий иситиш йўли билан вужудга келтирилган иссиқликни исроф қилмай сақлаб туриш керак, чунки, бир томондан, қиши даврида иситиш жуда қимматга тушса, иккинчи томондан, иссиқликнинг кўплаб йўқотилиши бекарор, ўсимликлар учун ноқулай иссиқлик режимини вужудга келтиради. Шунинг учун парник-теплица иншоотлари конструкцияси *фойдали майдон бирлиги* ҳисобига энг кам иссиқлик чиқарнишини таъминлайдиган бўлиши зарур.

Иссиқлик турли йўллар билан, чунончи, ойна ва плёнка орқали атмосферага тарқалиши, ташқи совуқ ҳавога тегиб совиши, иссиқ ҳавонинг ташқарига сизиб чиқиши каби сабабларга кўра исроф бўлади. Йирик иншоотларда ҳажм бирлигига майда иншоотлардагига нисбатан камроқ юза тўгри келади, шунинг учун йирик иншоотларда иссиқлик режими анча барқарор ва иссиқлик ҳам бирмунча камроқ исроф бўлади. Иншоот габаритлари катталикларини тўғри танлаш ҳам иссиқлик исроф бўлишини камайтиришда муҳим роль ўйнайди. Иссиқлик исроф бўлишини максимал даражагача камайтириш учун иссиқни кам ўтказадиган қурилиш материалларидан фойдаланиш, тўсиқларни тешиктирқишиз ва шундай тешик-тирқишлар пайдо бўлмайдиган қилиб рационал қуриш, иншоотларни асосий шамолларга нисбатан тўғри жойлаштириш, иситувчи мосламалар қуриш каби тадбирлар кўзда тутилиши керак.

У ёки бу конструкцияни танлаб олаётганда қурилиш ечими-нинг иқтисодий томони, капитал маблағ сарфлаш ва фойдаланиш харажатлари миқдори ҳам ҳисобга олиниши лозим. Иншоотнинг ўзи ва қисмларининг қанча вақт хизмат қила олиши конструкцияларда қўлланиладиган материалларнинг хоссаларига, уларнинг узоққа чидаши ва шу кабиларга қараб белгиланади. Бу эса парник-теплица иншоотининг дастлабки қиймати билан бирга қўшилиб, *амортизация ажратмалари* миқдорини ва ҳар йилги ремонт учун кетадиган сарфлар миқдорини белгилайди ҳамда ана шу сарфлар орқали сабзавот таннархи ташкил топи-

шига таъсир этади. Юқорида тилга олинган катталиклар ўзаро тўғридан-тўғри боғлиқ эмас: чунончи иншоотларни қуриш қиймати ошгани билан амортизация ажратмалари ҳамма вақт ҳам орта бермайди, арzon ва оддий иншоот ҳамиша ҳам энг тежамли ва энг рентабель бўлавермайди. Қейинги вақтларда парник-теплицаларда, айниқса теплицаларда, бир қатор такомиллаштирилган усуллар (масалан, тупроқ тагидан сугориш усули қўлланмоқда, бу эса капитал маблағ сарфлашнинг ўсишига олиб келади. Аммо такомиллашган усуллар қўл меҳнати сарфини анча қисқартириш ва шу туфайли сабзавот етиштириш таннархини камайтириш имконини беради. Иирик, яхши ускуналанган замонавий парник-теплица иншоотларида сабзавот етиштириш айниқса фойдалидир. Бундай иншоотларда майсаларнинг ўсиши ва ривожланиши учун энг қулай режим вужудга келтирилиши натижасида мўл-қўл ҳосил олинмоқда, бу жойларда ишлаб чиқариш процесслари максимал даражада механизациялашган ва автоматлаштирилган.

Хозирги вақтда СССРдаги сабзавоткор хўжаликларда ҳар хил типдаги парник-теплица иншоотлари ўзлаштирилган ва қўлланмоқда, улар бутун йил бўйи ёки муайян мавсумларда сабзавот ва кўчат етиштиришга мўлжалланган. У ёки бу типдаги иншоотнинг тузилиши ва имкониятларига, мазкур иншоотларда сабзавот экинлари ўстириш технологияси қай даражада ўзлаштирилганлигига қараб хўжаликлар турлича натижаларга эришмоқдалар. Маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш муддатлари катта аҳамиятга эга, чунки қиши ва кўкламнинг турли даврларида сабзавот маҳсулотлари нарҳида кескин фарқ бўлади. Масалан, қишики теплицаларда ишлаб чиқариш чиқимлари катта бўлади-ю, аммо майдон бирлигидан кўп маҳсулот олиниши ва ушбу маҳсулотнинг сотилиш нархи анча баланд бўлиши ҳисобига чиқимлар ортиғи билан қопланади.

Хўжалик ҳар бир алоҳида ҳолатда ўёки бу типдаги иншоотни танлар экан, юқорида айтиб ўтилган мулоҳазаларни ҳисобга олиши, ўёки бу мавсумда муайян сабзавот турини етиштириш учун керакли шароитни ҳар томонлама анализ қилиб кўриши керак. Бу жиҳатдан ҳар бири бир неча гектар майдонга эга бўлган йирик теплица комбинатлари афзал ҳисобланади.

ИСИТИЛАДИГАН ЕР

Ўстириладиган ўсимликлар иоқулай об-ҳаво шароитларидан (қора совуқлар ёки паст даражали мусбат температуралардан) энг оддий иншоотлар ёки методлар ёрдамида ҳимоя қилинадиган ер участкалари *иситиладиган ер* деб аталади.

Иситиладиган ер учун катта миқдорда капитал маблағлар талаб қилинмайди, аммо бундай ерда сабзавот маҳсулотини очиқ ердагидан 2—3 ҳафта эртароқ етиштириш мумкин. Бундай маҳсулот парникларда етиштирилган маҳсулотдан бир ярим — икки

баравар ва теплицалардагидан икки-уч баравар арzonга гушади. Бундан ташқари, иситиладиган ерда очиқ ерларга күчиріб ұтқашиб учун жуда күп миқдорда күчат үстриләди. Ана шуларнинг ҳаммаси сабзавоткор хўжаликларда иситиладиган ер иншоотлари анчагина ривож топишига олиб келмоқда.

Участка танлаш. Маълумки, кечаси совуқ ҳаво пастликларга қараб оқади, шунинг учун пастликлар билан рельефнинг тепа қисмлари ўртасидаги температура/фарқи 5—6° га етиши ва ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин. Жанубга қараган қияликларни Қуёш шимолий қияликларга нисбатан яхши иситади. Шунинг учун иситиладиган ер участкаси қиялиги 15° дан ошмайдиган жанубий(жануби-шарқий ёки жануби-гарбий) ён бағирларга жойлаштириләди. Сизот сувлар сатҳи ер бетидан камидан 170 см чуқурликда бўлиши керак. Ер участкаси асоснй шамоллардан дарахтзорлар ёки девор билан яхши иҳота қилинган бўлиши лозим. Айрим пушталар ёки күчатхоналар атрофи тахта ёки пастаккина қамиш деворлар билан тўсисб қўйилади. Қулай иссиқлик шароити яратиш учун баъзан нишаби нотекис пушталар ёки баланд эгатлардан фойдаланилади, ўсимликлар жанубга қараган анча ётиқроқ нишаб томонга жойлаштириләди, жойнинг шимолга қараган нишабини эса тор ва тик қилинади ва у ўсимликларни бамисоли пана қилиб туради. Баъзан, ўсимликлар траншеяларга жойлаштириләди, зеро бундай траншеялар ичидаги қулай микропиқлим вужудга келтириш ва қўшимча харажатсиз эртаги маҳсулот етишириш мумкин.

Қора совуқларга қарши кураш мақсадида иситиладиган ер участкасидаги ўсимликлар атрофидан тутун ҳосил қилувчи шашкалар, ҳўл ҳазон, ҳас-ҳашак, чўп аралаш похол ва шу кабилар тутатилади.

Қора совуқларга қарши курашнинг яна бир самарали усули майсаларга ёмғирлатиб сув сепии ёки сугоришдир. Бунда сув буғланиб, туман ҳосил қиласи ва у иссиқлик нурларини деярли ўтказмайди, томчи ҳолидаги сув эса совиши натижасида ўзидан иссиқлик чиқаради, бунинг орқасида ўсимлик ҳамда тупроқдаги иссиқлик камроқ йўқолади. Ушбу тадбирларнинг иккаласи ҳам фақат шамолсиз пайтдагина яхши самара беради.

Ўсимликларнинг устини паналаш йўли билан уларни тунги совуқлардан янада яхшироқ ҳимоя қилишга эришиләди. Айрим кунлари қора совуқлар бўлиб турадиган жуда эрта муддатларда үстрилган иссиқсевар экинларнинг майсаларини ва ёш ўсимликларини биттама-битта ҳимоя қилиш учун шаффоф плёнкадан ёки парофин шимдирилган қофоздан ясалган, баландлиги 20—30 см келадиган қалпоқчалар, сопол цилиндрлар (сопол қувур бўлаклари) ҳамда устига ойна қопланган (тагсиз) ёғоч яшиклар ва бошқалардан фойдаланилади. Ёш ўсимликлар устига қисқа муддат давомида ёруғлик ўтказмайдиган яшиклар, туваклар ва шу кабилар ёпиб қўйилади.

Ўсимликларни совуқдан группалаб ҳимоя қилиш учун тахта

шчитлар, бордонлар, чипта ҳамда махсус матлардан ($2 \times 1,5 \text{ м}$) фойдаланилади. Матлар похол, қиёқ ёки майда қамишдан калон ердамида түқилади. Улар күл станогида ёки электр мотордан куч олиб ишлайдиган мат түқиш машинасида тайёрланади.

Хар хил усулда паналаш ўсимликлар орасидаги ҳаво температурасига қандай таъсир этишини қуийдаги рақамларда яқын күриш мумкин:

Паналаш усули	Усти ёпил- маган	Устига қо- ғоз ташлан- ган	Устига чип- та ташлан- ган	Усти мат- лар билан- ёпилган
Ўсимликлар орасидаги температура, $^{\circ}\text{C}$	—3	0	1	5

Агар ўсимликлар юзароқ траншеяларга ёки күчатхоналарга — узунлиги ҳар хил, эни $1,5—2 \text{ м}$ ва чуқурлиги $15—25 \text{ см}$ бўлган чуқурларга экилган бўлса, уларни паналаш осон бўлади. Ҳаво совуқ ҳамда булатли бўлган кечалари ва кундуз кунлари күчатхоналар устига (чуқурларга кўндаланг ташланган тўсиқлар устига) матлар ёпиб қўйилади.

Кейинги йилларда иситиладиган ердаги ўсимликларни группалаб папалаш учун ёруғлик ўтказувчи шаффоф плёнкалар кенг қўлланимомда. Плёнка ойнага қараганда анча енгил (20 таром устини қоплайдиган ва икки томонга қия қилиб ишланган плёнкали кўчма ёпқичнинг вазни 80 кг дан ошмайди, 20 дона парник роми эса $420—440 \text{ кг}$ келади). Плёнка ёпилган пана жойлар енгил конструкцияли бўлгани туфайли уларни ясаш учун материал кам кетади. Плёнкалар эгилувчан ва эластик, улар ҳар хил шаклдаги конструкцияларда қўлланилаверади. Айрим плёнка полотноларини бир-бирига ёпишириб ёки пайвандлаб, бутун иншоот устини тешик-туйнуксиз яхлит плёнка чодири билан ёпиш ҳам мумкин. Бунда иншоот усти герметик бекилади ва иссиқлик сизиб чиқиб истроф бўлмайди. Плёнкаларни рулон шаклида ўраб йиғишириб олиш ва яна қайтадан ёпиб қўйиш жуда осон. Синтетик материал ойнага қараганда анча арzon туради: ўртача қалинликдаги 1 м^2 плёнканинг нархи 10 т чамасида, 1 м^2 3 мм ли ойна эса $1 \text{ с} 80 \text{ т}$ туради. Ана шуларнинг ҳаммаси устига плёнка ёпилган оддий ва арzonга тушадиган иситиладиган иншоотлар қуриш имконини беради.


Бироқ плёнкалар узоқча чидамайди. Улътрабинафша нурлар, ташки юқори температура ва ҳаводаги кислород таъсирида улар тез эскириб, ёруғлик ўтказувчанилиги ва механик пишиқлиги камайиб кетади. Полиамиц плёнка (перфоль) 2—3 ойга, полиэтилен плёнка эса кўпи билан бир мавсумга чидайди. Ўрта Осиёнинг иссиқ ва совуқ қурғоқ иқлимида плёнка янада тезроқ эскиради. Шу сабабли, илиқ кунлар келиши билан плёнкалар дарҳол йиғишириб олиниб, қоронғи, салқин бинода сақланади.

Плёнканинг ойнадан яна бир фарқи шундаки, уни ромларга бир йўла маҳкамлаб (тортиб) қўйиб бўлмайди, чунки плёнка 1,5—2% дан (полиэтилен) 10—20% гача (перфоль) киришади. Плёнка ёпилган пана жойлар, одатда, яхлит қалпоқ шаклида қилиниб, четларини тупроқ билан бостириб қўйилади. Шунинг учун плёнкалардан асосан иситиладиган ер иншоотларида ҳамда кўкламги теплицаларда фойдаланилади.

Полиэтилен плёнка энг кўп тарқалган (қалинлиги 50—250 мк, полотно эни 140—300 см). У сув ва газни ўтказмайди, сувни шиммайди, тупроқда чиримайди, механикавий пишиқлиги даряли камаймайди, кислота ва ишқорларга чидамли. Бироқ сувуқда ва ёзги иссиқ пайтларда ҳам механикавий хоссаси сақланниб қолади. Паст температураларда салгина буришади (сикилади), юқори температурада чўзилади, аммо чўзишлиши ва қайтмас киришуви 1,5—2% дан ошмайди. Бироқ 2—3 ой хизмат қилиб «эскирган» плёнканинг бу кўрсаткичлари кескин ўзгариши мумкин.

Урта Осиёда ярим доира (ишком) шаклидаги, чодирсимон ва қисмларга ажратиладиган кўчма плёнкали пана жойлар қенг тарқалган (4-расм).

Ярим доира ёки ишком шаклидаги тўсиқлар сим ёйлардан иборат бўлиб, уларнинг учлари ўсимлик қаторларига кўндаланг йўналишда ерга тиқиб қўйилади. Симнинг кесмаси 4—8 мм. Ёйлар узунлиги (140—300 см) битта пана жой остидаги ўсимлик қаторлари сонига (2—3), қатор оралари кенглигига ҳамда плёнканнинг энига боғлиқ. Ёйлар бир-бираидан 70—150 см ораликла ўрнатилиб, устидан каноп тортилади, каноп учлари эса мазкур пана жойнинг икки бошида қозиқларга боғлаб қўйилади. Ани шу каркас устига плёнка ёпилади ва унинг четлари тупроқ билан бостириб қўйилади. Икки бош томонда плёнканн марказга қараб бурма тарзida йиғиширилади ва уни ҳам тупроқ билан бостириб қўйилади. Пана жойларнинг бош томонларини ёпишга ҳаддан ташқари кўп плёнка сарфламаслик учун бу жойлар узунлиги камида 25 м бўлиши лозим. 1 га майдонга 5—6 минг дона



4-расм. Тоннель (ишком) типидаги (а) ва чодир типидаги (б) плёнкали пана жойлар (кесмаси).

1 — ёй; 2 — ўрта хари; 3 — стропила тиргаклари; 4 — плёнка.

бй, 1200—1300 кг сим, 250—300 дона ғүлача қозиқ, 20 кг каноп ва 600—1700 кг плёнка керак бўлади.

Участка кўчат ўтқазишга одатдаги усулда тайёрланади ва кўчатлар ўтқазилгач, ёйлар ўрнатиб чиқилади, уларни каноп билан тортиб, маҳкамланади, устига плёнка ёпилади ва унинг четлари тупроқ билан бостириб қўйилади. Үсимликларга ишлов бериш пайтида шамол урадиган томондаги плёнка четларини тупроқдан бўшатиб, сал кўтариб қўйилади. Барқарор илиқ обҳаволи күшлар бошлилангач, плёнкани бутунлай йиғишириб олиб, ювилади, қуритилади ва тахланган ҳолда сақланади, ёйлар ҳам йиғиширилиб, тозаланади, яна қайта ишлатиш учун бўяб қўйилади. Шундан кейин участкадан очиқ ер каби фойдалана берилади.

Қисмларга ажратиладиган кўчма пана жойлар — икки томонга қия қилиб ишланган ёғоч каркаслардан иборат бўлиб, тепасида узун хариси бор, плёнка ана шу харига маҳкамлаб қўйилади. Плёнканинг пастки учи узун ғалтак (бобина)га биритириб қўйилади, шунинг учун уни очганда плёнкани ғалтакка ўраб кўтариб қўйиш мумкин. Ёпиқ ҳолатда эса ғалтак плёнкани пастга тортиб, унинг зич ёпишиб туришини таъминлайди. 1963 йилда Сабзавот хўжалиги илмий-тадқиқот институти УРП-20 типидаги йиғишириладиган-кўчма плёнкали парникларни тақдим этди (Гипронисельпром 810-2 типовой проект). Бундай парниклар алоҳида-алоҳида каркаслардан иборат бўлиб ($1,6 \times 6$ м), уларнинг тўмтоқ учларини бир-бирига тираб ўрнатилади ва плёнка учларини улар устидан ошириб туташтирилади-да, устидан оғир буюм (накладка) бостириб қўйилади. Ҳар бир каркас иккита ёндор (тахта), учта стропила, битта хари ҳамда иккита ғалтакдан иборат. Парникнинг икки бош томони сурилма шчиллар билан беркитиб қўйилади. Бундай конструкцияли паналаш ишшоотини участкада тезгина йиғиш, айрим секцияларга ажратиб кўчириб юриш ва иш тугагандан кейин қисмларга ажратиб, сақлаш учун омборга топшириш мумкин.

Участкада ишларни механизациялаш осон бўлиши учун каркаслар шимолдан жанубга йўналган икки қаторли лента шаклида ўрнатилади, лентадаги йўлакнинг энини 60—70 см, ленталар оралиғини эса 3 м ёки машиналар габарнтига қараб ундан ҳам каттароқ қилинади. Ҳар 4—6 та каркасадан кейин (24—30 дан кейин) эни 50—80 см келадиган йўлкалар, участка четларидан эса машиналар қатнайдиган йўллар қолдирилиши керак.

Пана жойларни қуриш ва улар ичидаги ўсимликларни парваришилаш ишлари механизациялаштирилган. Ушбу конструкция жуда содда ва арzonга тушади. Камчилиги шундан иборатки, каркаслар бир-бирига туташтирилган жойларига плёнка учларини жисп ёпишириб бўлмайди, бу эса ичкарига шамол уриб, иссиқ ҳавони сўриб кетишига чек қўйишга имкон бермайди. Шунинг учун кучли шамоллар эсадиган районларда бу конструкция унча қўл келмайди.

Плёнка ёпилган пана жойлар ичида ташқаридаги иқлимдан фарқ қиладиган ва ўсимликлар учун қулай микроқлим вужудга келтирилади. Бундай микроқлим мұл-күл ҳосил олиш имконини беради ва бу ҳосилнинг катта қисми истеъмолчиларга ертап муддатларда етиб боради (5- жадвал).

5- жадвал

**Плёнка ёпилган пана жойларнинг сабзавот өкинлари ҳосилига таъсири
(Ўзбекистон Сабзавот-полиз өкинлари ва картошкачилик ИТИ ҳамда
Тоҷикистон қишлоқ хўжалик ИТИ маълумотлари асосида)**

Экинлар турни ва наим	Очиқ жойда		Плёнка тагида	
	ҳосил. га/ц			
	умумий	эртаги	умумий	эртаги
Помидор Талалихин 186	254,4	146,2	314,8	200,3
Бодринг, Маргилон 822	89,2	36,5	120,2	97,8

Плёнка ёпилган ишкомсимон пана жойлардан кўчат етиширишда (парниклар ўрнида) фойдаланиш ҳам мумкин. Масалан, Наманган районидаги Тельман номли колхозда март ойининг ўрталарида ишком шаклида плёнка ёпилган пана жойга кўчириб ўтказилган помидор кўчатлари худди парникларда ўстирилган кўчатлар каби мұл-күл (гектарндан 438 ва 426 ц) эртаги ҳосил берди. Маэкур пана жойларга чиринди ва чим тупроқдан иборат озиқли тупроқ аралашмаси сочиленган эди.

Урта Осиёнинг водий районларида иситиладиган ер иншоотларига мартнинг иккинчи-учинчи ўн кунлигида ёки апрелнинг бошларидан экин (уроф) экиш ёки кўчат ўтказиш мумкин. Башарти бундан эртароқ экиладиган бўлса, сунъий равишда иситиш талаб этилади.

Иситиладиган ер, одатда, тупроқ тагидан иситилади. Бунинг учун унча чуқур бўлмаган (25 см гача) чуқур (котлован)ларга қизиган гўнг солиб, устидан тупроқ бостирилади ва жойнинг тепаси ёпилади. Шунинг учун чуқурлар катталиги қўлланиладиган паналагичлар (ёпқичлар) катталигига мос бўлиши керак.

Сабзавотчилика техника воситаснда (буф ёки сув билан) иситиладиган ерлар катта истиқболга эга.

Сув билан иситилганда бир-биридан 100—110 см оралиқда, 30—35 см чуқурликда жойлашган асбест цемент қувурлар орқали оқиб ўтадиган илик (35—50°) сув атрофидаги тупроқни иситади. Бунинг учун қозонхоналар, саноат корхоналаридаги совитиш қурилмаларидан чиқадиган сувлардан ёки табиий иссиқ сув манбаларидан фойдаланилади.

ПАРНИКЛАР

Парниклар устига ойнали ромлар ёпилган экин ўстирилдиган хоналардан иборат бўлиб, ичида асосан кўчат ва эртаги сабзавотлар етиширилади. Парникдаги тупроқ сатҳидан ромлар-

гача бўлган оралиқ кичик (20—30 см) бўлгани учун ишловчи киши доимо парниқдан ташқарида бўлади. Шунга кўра ҳаво унчалик совуқ бўлмаган пайтлардагина парникларда ишлаш мумкин. Парниклар худди шу жиҳати билан теплицалардан фарқ қиласи, чунки теплицаларда одам экин ўстириладиган хота ичида туриб ишлайди.


Парниклар томи бир томонга ва икки томонга нишабли, ер устида ёки чуқурларда (хандақларда) жойлашган, биологик ёқилғи, қуёш нури билан ёки техникавий усулда иситиладиган бўлиши мумкин.

ССЕРда бир томонга нишаб томли *рус парниги*, яъни биологик энергия билан иситиладиган чуқур парник кўп тарқалган. Бундай парник қизиган гўнг ёки бошқа хил биологик ёқилғи билан тўлдириб қўйиладиган хандақ, кесаки ва ромдан иборат. Хандақнинг энини ромларнинг бўйига қараб белгиланади, чунки ромлар парник устига кўндалангига жойлаштирилади. Хандақнинг узунлиги эса парниқдаги ромлар сонига боғлиқ. Парник нечоғлик катта (узун) бўлса, иссиқни шунча яхши сақлайди. Аммо ҳаддан ташқари катта парниклар ишларни ташкил қилиш учун бир оз ноқулайдир. 20 дона парник ромига мўлжалланган 21,2 м узунликдаги хандақ энг қулай ҳисобланади. Хандақнинг чуқурлиги, парниклардан фойдаланиш муддатига боғлиқ. Қишида фойдаланишга (урӯғ экиб ўстиришга) мўлжалланган, иссиқ деб аталувчи парникларни 70—80 см, баҳорги, ийм иссиқ парникларни 50—60 см ва, ниҳоят, кеч баҳорда фойдаланишга ёки совуққа чидамли сабзвот экинлар ўстиришга мўлжалланган совуқ ёки гўнгиз парникларни 25—30 см чуқурлиқда қилинади.

Хандақлар узунасига фарбдан шарққа томон йўналишда ковланади. Парник кесакиси ромларни ўрнатишга хизмат қиласи ҳамда хандақ деворларининг устки қисмини ўпирилиш ва нурашдан сақлайди.

Кесаки ийкита бўйлама — шимолий ва жанубий ёндор ҳамда икки бош томондаги кўндаланг *дастакдан* иборат. Кесакилар тахта, хода, гишт, цемент ва бошқа материаллардан қилинади. Қуёш нурлари парникини яхши иситадиган бўлиши учун кесакининг шимол томони жанубий томонидан 10—12 см баландроқ бўлиши керак. Шундай қилинганда ромлар жануб томонга нишаб бўлиб чиқади (5-расм). Ромларнинг одатдаги катталиги 160×106 см бўлиб, мамлакатининг жанубий районларида 213×106 см қилинади, чунки бу районларда ромларнинг қални қор остида эглилб қолиш хавфи йўқ. Икки томонга нишаб парникларда катта ромлар ишлатилмайди.

Парник роми унинг тўрт атрофини қуршаган тўртта четки бруслар ҳамда *шпрслар* деб аталувчи уч дона бўйлама брусларни иборат. Устки бўйлама ва кўндаланг бруслар ҳамда шпрсларнинг четлари салгина ўйиқли (пазли) бўлиб, ойна ана шу пазларга жойлаштирилади. Пастки брусада ёмғир суви тўпланиб



5-расм. Рус парнигининг кўндаланг кесмаси.

қолмаслиги учун паз қилинмайди. Ойна пластинкалари (тхаталари) черепица сингари бирининг учи иккинчисининг тагига бостириб жойлаштирилади ва сим шпилька ёки металл қисқичлар билан маҳкамалаб қўйилади, чокларига эса алифмой (17%) ва бўрдан (83%) тайёрланган замазка ёки битум мастикаси (60% № 3 битум эмульсияси +40% қум) суртиб жипслаштирилади. Ромнинг ойнаси тез-тез синиб турадиган пастки ва устки қисмларига ўрта қисмидагига нисбатан энсизроқ ойналар солинади.

Баъзан яхшиланган типдаги, шпрессз, яхлит тавақали (150x 80 см) ромлар ишлатилади ва бундай ромларга юқори сифатли қалин ойналар солинади.

Парниклар 500 ромдан ташкил топган (ҳар бирида 20 тадан ром бўлган 25 парникдан иборат) кварталлар шаклида жойлаштирилади. Ҳар бир квартал атрофига эни 10 м ва 15 м келадиган йўллар қурилади. Тор йўлкалардан парник тупроғини, кенг йўллардан эса гўнг сақлаш учун фойдаланилади. Қенг ва тор йўллар бирин-кетин (навбатлаштириб) жойлаштирилади. Кварталлар оралигига (парниклар бўйлаб) 5—8 м кенгликда транспорт қатнайдигап йўллар қурилади. Парниклар ўртасида оралиқ (йўлкалар) 70—90 см га тенг. Парникларни лентасимон шаклда жойлаштириш қулайдир. Бунда ҳар жуфт парник ўртасида 2—5 м кенглигига арава йўли қолдирилади.

Г. О. Земан таклиф этган қуёш нури билан иссиёдиган (гўнгиз) парникининг деворлари гишт ёки бетондан ишланади. Тупроқ сатҳидан ойнасигача бўлган баландлиги 35—40 см. Ромларига юқори сифатли йирик ойналар солинади.

Қуёш иссиқлигини исроф қилмай сақлаб туриш учун ромлар бир-бирига тифиз жипслаб ўрнатилади ва доимо тоза сақланади. Қуёш нури билан иссиёдиган парникни мумкин қадар камроқ, фақат ташки ҳаво температураси парникдаги температурадан юқори бўлган пайтлардагина шамоллатилади. Бундай парниклардаги ўсимликлар гўнг солинган парниклардаги ўсимликларга нисбатан камроқ сугорилади, чунки уларнинг тупроғи камроқ қурийди.

Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ да биологик ёқилгили парник билан қўёш нуридан исийдиган парник йўлкалар тагига жойлаштирилган 8—10 дона ҳаво йўли орқали жуфт-жуфт қилиб туташтирилди. Бундай парникларниңг бирин биологик ёқилги билан тўлдирилиб, устидан унумдор тупроқ солинади. Иккинчи парникни эса, ўтган йилги чиринди тупроқдан тозаламай туриб чопиб чиқилади, бунда унумдор тупроқ билан парник ойнаси ўртасидаги оралик 30 см бўлиши керак. Келгуси йили мазкур парниклар ўрни алмаштирилади. Биологик ёқилгили парник чиқарадиган иссиқлик ҳаво йўллари орқали ўтиб бориб, иккинчи парникдаги офтоб иссиғига қўшимча бўлади Қўёш парникларида кечаси температура 4—5° га кўтарилади, шу туфайли улардан анча эртароқ, биологик ёқилгили парниклар билан баравар фойдаланиш мумкин.

Сув билан иситиладиган парник ҳам биологик ёқилгили парник каби тузилган, аммо бунда 45—50° ва ундан юқори дараҷагача иситилган сув иссиқлик манбаи хизматини ўтайди. Участкага сув металл ёки асбест цемент магистрал қувурлар орқали келади, шундан кейин у парниклар бўйлаб ўтқазилган иситувчи асбест цемент қувурлар (диаметри 5—7 см) бўйлаб оқизиб қўйилади, мазкур қувурлар 50 см чуқурликка қум тўшама устига ётқизилган бўлади. Парниклардаги ҳавони иситиш учун уларнинг шимолий ва жанубий деворлари бўйлаб иситувчи металл қувурлар ётқизилади.


Ҳар бир жуфт иситиш қувуридаги сув бир-бирига қарама-қарши йўналишда оқиб туради, шунинг учун жуфт қувурнинг исталган жойида ўртача температура доимий бўлади. Шу йўл билан парникларни бўйига қараб бир текис иситишга эришилади.

Парниклардаги ҳаво ва тупроқ температураси ҳар бир кварталда қурилган мустақил бошқариш узеллари ёрдамида ростлаб туриласди.

Электр билан иситиладиган парникда иситиш элементлари қум ёстиғи устига ҳамда ромлар тагидаги деворларга жойлаштирилган.

Бир томонга нишаб чуқур парник СССРнинг қиши қаттиқ бўладиган ўрта ва шимолий минтақалари шароитига мослаштирилган. Бу жойларда об-ҳаво кўпинча булутли бўлиб, изгирин шамол эсиб туради ва кўплаб қор ёғади. Бундай парникда ёруғ этишмайди ва у бир томондан тушади, ҳавонинг намлиги эса, аксари ҳолларда, ортиқча бўлади, парникдаги ҳавонинг ҳажми кичик бўлгани учун температураси кескин ўзгариб туради. Бу хил парникда помидор, гулкарам ва бошқа йирик сабзавот эквишлири ўстириш қийин.

Икки томонга нишаб парник ҳам чуқур рус парнигидан иборат. Ромларнинг бир томони, худди бир томонлама нишаб парникдаги каби, парник ёндорига, иккинчи томони эса парникнинг ўрта чизиги бўйлаб ўрнатилган узун харига (бругса) тираглиб



6-расм. Трубалар билан иситиладиган парник кесмаси (В. И. Эдельштейн).

1 — күм; 2 — ҳавони иситадиган труба; 3 — шлак изоляция; 4 — тупроқни иситадиган труба.

туради. Шу тариқа парник икки томонга нишаб бўлиб чиқади. Урта хари эса устунчаларга тиради туради ва стропиллалар билан маҳкамалаб қўйилади. Агар стропиллаларни кўп қилинса, устунчалар ишлатилмаса ҳам бўлади. Парник еридан ҳариснгача баландлиги 60 см, эни эса бир томонлама нишаб парникнидан қарийб икки баравар катта. Икки томонга нишаб парникда ҳаво кўп бўлади, икки томондан ёруғ тушади ва ичи бир текис ёруғ бўлиб туради. Мана шундай яхши шароит кўчатнинг яхши ўсишини ва ҳосилдорлик юқори бўлишини таъминлайди (6-расм).

Бир томонга нишаб парникларнинг ҳам, икки томонга нишаб парникларнинг ҳам камчиллиги шундаки, биологик ёқилги, ком-постлар ҳамда парник тупрогини жамғарниш ва тайёрлаш, уларни уйиб қўйиши ва уюмларни бузиш, чиринди элаш ва шу каби бошқа сермеҳнат ишларни механизациялаштириш қийин ва уларни бажариш учун қўшимча ишчи кучи талаб этилади.

Хандақларни тозалаш, уларни биологик ёқилги ва тупроқ билан тўлдириш ишларни $T=16$ маркали ўзиорар шассидан фойдаланиш негизида механизациялаш мумкин, бундай шассилар из кенгайтиргичлар ёрдамида парникларда ишилашга мослаштирилади. Лозим бўлган пайтларда шассига юқ ортиш машиналари (грейферли ёки элеваторли машиналар) осиб ўринатилади ёки фақат уларнинг платформасидан фойдаланилади.

Қувурлардан пайвандлаб ясалган алоҳида бўлтаклардан ташкил топғаи кўчма йўлда ҳаракатланувчи бир ёки икки изли вагонеткалар парникларда энг оддий «кичик» механизация воситаси ҳисобланади. Бундай ағдарма вагонеткалар ёрдамида хандақларни тозалаш ва уларни биологик ёқилги ҳамда тупроқ билан тўлдириш осонлашади.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги илмий-талқиқот институти (БҚҲМИТИ) ва Сабзавотчилик хўжалиги илмий-тадқиқот институти парникларни тозалаш, уларни биологик ёқилги ҳамда тупроқ билан тўлдириш ишларини механизациялашга мўлжаллангап маҳсус машиналар комплектини ишлаб чиқди. Бу комплект парникларни тозалайдиган агрегат ($AOP = 30$)

ҳамда элеватор типидаги ўзиюрар юк ортиш машинасидан ($\text{ППС} = 1,62$) дан иборат.

Парникларда уруғ әкиш ишлари махсус парник сеялкалари (қаторлаб ва доналаб экадиган) ёрдамида бажарилади. Бундай сеялкалар әкиш ишлари юқори сифатли бўлишини таъминлайди.

Аммо парниклар устига ромлар ёпилгандан кейин улар ичидаги қилинадиган барча ишлар қўлда бажарилади. Бунда парникларни шамоллатиш ҳамда парник ичидаги ишлар учун ромларни кўтариб олиш ва қайтадан жойига қўйиш энг сермеҳнат иш ҳисобланади. Икки томонга нишаб парникларда бу иш айниқса оғир, чунки бундай парникда ишловчи киши ромнинг фақат бир томонига яқин бора олади. Бу ҳолат биринчидан парникни очиш ва ёпиш ишларини механизациялаш йўлларини излашга унади. СССРда ва чет элда парниклардаги барча процессларни улар устидаги ромни қўй билан олиб қўймай туриб бажара оладиган механизмлар — комбайнлар конструкциялари аллақачон ишлаб чиқилган. Сабзавотчилик хўжалиги ИТИ да В. С. Мкртчьян ана шундай комбайнни ва шу комбайнга мувофиқ келадиган парник конструкциясини ишлаб чиқди.

ТЕПЛИЦАЛАР

Теплицаларнинг парниклардан конструктив фарқи шундаки, ишловчиларга қулай бўлсин учун улар анча баланд қурилади, шу сабабли, ҳар қандай об-ҳавода ҳам ишлайвериш мумкин. Теплицалар энг такомиллашган экин ўстириш хоналариdir, улар ичидаги исталган жойда, исталган пайтда керакли микроқлимни вужудга келтириш ва ҳар қандай экинни ўстириш мумкин.

Теплица типлари. Мамлакатимизда ва чет элларда теплицаларнинг гоятхилма-хил типлари вужудга келтирилган, улар фойдаланиш муддатлари ва давомлилигига қараб қишики ҳамда баҳореи; вазифаснга қараб — кўчат ўстириладиган ва сабзавот етиштириладиган; ўсимлнкларни ўстириш технологиясига қараб — тупроқли ва гидропон; ички жиҳозларига қараб — стеллажли ва тупроқли типларга бўлинади. Конструктив ечими жиҳатидан эса, теплицалар нур ўтказувчи нишаб томонлари миқдорига қараб, бир томонлама нишаб, икки томонлама нишаб ва кўп томонлама нишаб (блокли) типларга бўлинади.

Қишики теплицалар йилбўйи фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, уларда сабзавотлар, баҳорги теплицалар, парниклар, исптиладиган ерларда ўстириш учун кўчатлар етиштирилади. Бундай теплицалар конструкцияси мустаҳкам бўлади — одатда, у металл ёки темир-бетондан ишланади, чунки у қишида ёғадиган қалин қор ва совуқ шамолларга чидамли бўлиши керақ. Кучли иситиш системаси йилнинг энг совуқ фаслида ҳам теплица ичидаги температурани белгиланган даражада сақлаб туришини таъминлайди. Асосий конструкцияларининг амортизация муд-

дати катта (20—25 йил). Қишида сабзавот етиширишга мүлжалланған теплицалар аксари икки томонға нишаб, тупроқ — грунтли бўлади. Улар фонарсимон ва ангарсимон типда қилиб қурилади.

Фонарсимон теплицалар копструкциясининг жўнлиги ва ички тирговучлари борлиги билан характерланади. Бундай теплицалар фақат кичик хўжаликлар учун яроқли, чунки ичидаги ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш қийин, шунга кўра деярли барча ишларни қўлда бажаришга тўғри келади.


Ангар типидаги теплицаларда ички тирговучлар (устунлар) бўлмайди, шу туфайли ичидаги қилинадиган ишларни кенг кўламда механизациялаш мумкин. Бундай теплицанинг иккита томонға нишаб (ёки юмалоқ) томи ён деворлар устига тиради. Ангар типидаги теплицалар ҳар квадрат метр ерга энг катта ҳажм тўғри келиши ва иссиқликнинг энг кам исроф бўлиши билан характерланади, бу хил теплицаларнинг тўсиқ коэффициенти¹ бошқа хил теплицаларнига нисбатан энг кичикдир.

Бироқ томининг конструкцияси мураккаб бўлгани ва теплица эни катталашган сайин унинг тобора мураккаблашуви ҳамда вазии оғирлашуви сабабли бундай теплицани қуриш бошқа теплицалардан 15—20% қимматроққа тушади, бунинг устига ойна солишдаги андаккина нуқсон ҳам кўплаб иссиқликнинг исроф бўлишига олиб келади ва ремонт ишларини қийинлаштиради. Шунинг учун ангар типидаги теплицалар афзал эканига қарамай, улар анча кам, кўпчилиги гулчиллик учун мўлжаллаб қурилади.

Блокли теплицалар — ён чизиқлари бамисоли бир-бирiga туташиб кетган бир нечта (блок қилинган) икки томонға нишаб теплицадан иборат. Блокдаги звенолар сони жуда кўп бўлиши мумкин, ҳар бир звенопинг узунлиги ҳам ҳеч нарса билан чекланмайди. Шунинг учун бир том тагидаги блокли теплицалар майдони бир неча гектарга бориши мумкин. Тўсиқ коэффициенти кичик бўлгани ҳолда катта ҳажмга эга бўлган бундай теплицалар иссиқлик ва ёруғлик режими жуда яхши бўлишини таъминлайди. Бироқ улар ичидаги устунлар йирик габаритли механизмлардан фойдаланишини қийинлаштиради, звенолар ораглигидаги цовлар эса ўсимликлар устига бирмуича соя солиб туради (7-расм).

Ҳозирги вақтда СССРда ва чет элларда бажарадиган вазифасига, ишлатиладиган материалига, иситилиш турига ва ш. к. га қараб хилма-хил модификациядаги блокли типдаги теплицалар кўплаб қурилмоқда.


¹ Тўсиқ коэффициенти ёки солиштирма юза деб, юзани тўсиб турувчи сатҳ (том, девор ва ш. к.) катталигининг ўсимлик ўстириладиган хонанинг инвентарь майдонига, яъни полнинг ички горизонтал майдонига нисбатига эйтилади.



7- расм. Блокли теплица.

Теплицалар ички түзилишига қараб *стеллажли* ва *тупроқлы* (ўсимликлар ерда ўстириладигай) типларга бўлинади.

Стеллажли теплицаларда ўсимликлар ёғоч ёки темир-бетон токчаларда, яъни устига тупроқ ётқизилган стеллажларда ўстирилади (стеллаж баландлиги 0,8 м, эни 0,7—1,6 м, йўлаклар эни 0,6—0,7 м; 8- расм). Камбар стеллажлар помидор, бодринг ўстириш учун, сербар стеллажлар эса — кўчат ва қўкатлар ўстириш учун қулай. Бир томонга пишаб теплицаларда стеллажлар пиллапоя шаклида жойлаштирилади, шундай қилинганда



8- расм. Стеллажли теплицада бодринг ўстириш.

үсімліклар бир-біріні сояламайдыган бўлади ва бино ичи кубатурасидан яхши фойдаланилади.

Печь билан иситиладыган теплицаларда стеллажлар тагига мұрынлар (күндаланған йұналған тутун қувурлары) жойлаштириләди. Бұш жойлардан *стеллаж өсти* әкінлари деб аталуви сабзашоғт үсімлікларини палак оттириш учун фойдаланилади. Стеллажларда тупроқ ҳажми чекланған бўлади, шу боисдан үсімлікларпі сув ва минерал озиқ билан оптималь миқдорда таъминлашучи суғориш ва озиқлаптиришни тупроқли (ер) теплицалардагига нисбатан анча пухта ўтказиш талаб этилади.

Стеллажда әкин ўстириш үсімлікларнинг температура, сув ҳамда озиқ режимини яхши бошқариш. ва әнг әртаги ҳосил етиштириш имконини беради. Аммо бунда стеллажлар қуриш ва уларни ремонт қилиш учун құшымча чиқим талаб қилинади, теплицадаги ишларпін механизациялаш учуп ҳеч қаңдай имконият бўлмайди.

Ер (тупроқли) теплицаларда үсімліклар бевосита ерда ўстирилиб, тупроқ тагидан (биологик ёки техникавий усулда) иситилади ёки бутунлай иситилмайди. Үсімлікларни шу тахлитда жойлаштириш уларга механизмлар ёрдамида ишлов бериш ва парваришлишни кенг құлланиш имконини беради. Шуннинг учун әкінларга механизмлар ёрдамида ишлов бериш мумкин бўлган йирик теплицаларда үсімліклар кўпинча ерда, кичик теплицаларда эса — стеллажларда ўстирилади.

Теплицаларнинг сабзавот ва кўчат ўстириледиган типларга бўлинини шартлайды, чунки янги сабзавот етиштиришга мўлжалланған теплицаларда кўчат ҳам ўстирила беради. Бироқ теплицаларда сабзавот ўстиришни катта ҳажмда йўлга қўйиш учун кўчат тайёрлашга мўлжалланған маҳсус қишик кўчат (кўнайтириш) теплицалари бўлгани маъқул. Бундай теплицалар одатда кичкина қилиб қурилади ва уларнинг майдони сабзавот теплицалари умумий майдонининг 10—15% ни ташкил қилиши керак. Кўчат теплицаларида стеллажлар қурилади, стеллажлардаги үсімліклар ёруғликка яқинроқ туради, шу туфайли улар яхшироқ ривожланади.

Тупроқ ишлатмай сабзавот етиштиришга мўлжалланған гидропон теплицаларпи ҳам алоҳида түпга ажратиш қабул қилинган. Гидропон теплицаларда тупроқ бўлмайди. Улар теплица полига ўрнатплган ёкн 70—80 см баланд кўтарилиган сув ўтказмас стеллажлар билан жиҳозланади ва мазкур стеллажлар ичи нейтрал субстрат (шагал, қум, керамзит ва бошқалар) билан тўлдирилади. Маҳсус автомат қурилмалар ёрдамида стеллажларга озиқли эритма юбориб турилади; ушбу эритманинг таркиби үсімлікларпинг нормал озиқланиши ва сув ичишини таъминлади. Бундай теплицаларда микроклимати, шунингдек, бошқа барча процессларни бошқариш батамом автоматлаштирилган.

Гидропон теплицалар қуриш катта капитал маблағлар та-

лаб қиласы, шунинг учун бундай теплица одатда оддий типдаги иншоотлар учун тупроқ жамғарыш катта қийинчиликлар билан боғлиқ бўлган жойлардагина қурилади.

Урта Осиё республикаларида қишик теплицалардан теплица комбинати (Гипросельхоз типовой лойиҳаси № 1004=А) энг кўп тарқалган бўлиб, бундай комбинат ҳар бири $332,4 \text{ м}^2$ бўлган учта ёки ундан кўпроқ теплица (секция), қозонхона, ёрдамчи ишлар бажариладиган ва теплица секцияларини бирлаштириб турадиган коридордан ташкил топган. Теплицаларда стеллажлар қуриш ёки ўсимликларни стеллажсиз, ерда ўстирпш мумкин. Барча теплицалар бир марказдан, сув билан иситилиади. Иситиш асбоблари — силлиқ пўлат қувурлардан иборат бўлиб, улар ойна том остига ва гиштни цоколь ёнига (бўйламасига), шунингдек, стеллажлар тагига ва тупроқ ичига ётқизилган.

Хозирги вақтда сабзавот теплица комбинатлари (СТК) қурилиши блок типидаги жуда катта ҳажмли теплицаларни қўлланишга асосланиб планлаштирилмоқда, бундай теплицалар металл каркасли, қалин ва йирик ойналар солинган, иссиқлик ва намлик режимларини автомат равишда ростлаб туриш учун керакли барча ускуналар билан жиҳозланган. Бундай теплицалар каркаси (баъзан, улар голланд теплицалари деб аталади) бир қатор устунлар, ригелея ва тиргаклардан, пўлатдан букиб ишланган новлар ҳамда кесмаси «Т» шаклидаги шпрослардан иборат. Ушбу деталларнинг ҳаммаси заводда тайёрланиб, сиртига рух югирилилади ва қурилиш майдончасида ийғилиб, болтлар билан маҳкамланади. Энг катта монтаж элементининг оғирлиги 22 кг.

Теплица комбинатининг бир ячейкасини ташкил этувчи ҳар бир блок типидаги ер теплица эни $6,4 \text{ м}$ ёки $3,2 \text{ м}$ бўлган звеношардан ташкил топади («Гипрониссельпром типовой лойиҳали», № 810=45, 810=59 ва 810=73). Томини кўтариб турувчи тиргак — устунлари бир-биридан 3 м оралиқда қатор қилиб ўрнатилган. Теплица полидан ўрта харисигача баландлиги $3,3$ — 4 м , томининг новигача бўлгани баландлиги $2,5 \text{ м}$. Теплица ичидаги йирик механизмлар ва транспорт ҳаракати учун сирти қаттиқ қопламали, эни $2,5$ — 3 м келадиган йўллар қурилган, теплицаларнинг бош томонларига дарвозалар ўрнатилган.

1 ва 3 га майдонга эга бўлгани теплицалар — ҳар бири 6 га ли блокларга бирлаштирилади. Улар ўртасида ёрдамчи ва маинший хоналар: маҳсулот сараланадиган ва идишларга жойланадиган, ёрдамчи материаллар сақлаиадиган ва ишчилар дам оладиган хоналар блоки жойлашгани бўлиб, мазкур хоналарни умумий коридор бир-бирига туташтириб туради. Бундай блоклар бир нечта бўлиши мумкин ва бундай ҳолда комбинатининг умумий қуввати 12, 18 ёки 24 га ни ташкил қиласи.

Турли ёрдамчи бино ва иншоотлар: қозонхона, заҳарли химикат эритмалари тайёрланадиган пункт, соя тушириш системасининг эрит-

ма-насос узели, ичимлик сув ва суғориш суви насос станциялари, компостлар тайёрланадиган ва сақланадиган майдончалар, гүнгүхона, шунингдек, омборлар, маъмурий бино, ошхона ва бошқа хизмат бўлимлари алоҳида жойлаштирилади. Бундай теплица бутун бир «сабзавот фабрикаси» бўлиб, унда 6 га майдонда 200 дан ортиқ ишчи ва инженер-техник ходимлар ишлайди. 6 га дан кичик ҳажмли теплица комбинатлари қуриш иқтисодий жиҳатдан номақбул ҳисобланади. Бундай комбинатларнинг оптималь катталиги 12—30 га деб топилган. Ёмбинат кўлами 6 га дан 24 га гача катталаштирилганда ҳар 1 m^2 ҳисобига капитал маблаг сарфланиши 15% камаяди; маҳсулот етишириш учун кетадиган меҳнат сарфи ва маҳсулот таннархи ҳам шунча камаяди.

Баҳорги теплицалар одатда анча енгил конструкцияли ҳамда ўсимликлар аксари ерда ўстириладиган қилиб қурилади ва бундай теплицаларга кучли вентиляция (шамоллатиш) системаси ўрнатилади. Уларда иситиш ускуналари қишики теплицалардагидан кўра камроқ бўлади. Баҳорги теплицалар кўпинча биологик энергия ёки қуёш энергияси билан иситиладиган қилиб қурилади, шу билан бирга авария рўй берганда ишга солинадиган эҳтиёт иситиш асбоблари билан таъминланган. Бундай теплицаларнинг нишаб томлари қишики теплицаларнидан кўра камроқ ($20—25^\circ$) қия қилинади ва уларнинг қурилиши одатда арzonроққа тушади. Баҳорги теплицалар кўклам даврида сабзавот етиширишга мўлжалланади. Агар улар марказлаштирилган тартибда сув билан иситиладиган бўлса, бундай теплицалардан февралдан бошлаб, башарти биологик ёқилги (ёки қуёш нури) билан иситиладиган бўлса, бир ой кейинроқ иссиқ-севар ўсимликлар ўстириш учун фойдаланиш мумкни. Ўрта Осиёда бундай теплицалар қуришда ҳамиша шуни назарда тутиш керакки, бу хил теплицаларда ўстирилган помидор ва бодринг ҳосили очиқ ерда ўстирилгандағидан 2—4 ҳафта эртароқ етилади.

Устига плёнка ёпилган кичик габаритли, енгил йигма теплицалар баҳорда фойдаланиш учун катта аҳамиятга эга. Бунинг учун кичик габаритли ишкомсимон пана жой типида қилиб қурилган ёғоч, полимер, ёки металл трубалардан иборат каркас устига бир-бирига елимлаб ёпиштирилган яхлит плёнка ёпилади. Плёнкани шамол кўтариб кетмаслиги учун, баъзан унинг устига арқон ёки капрондан тўқилган сийрак тўр тортиб қўйилади.

Ҳаво таянчли ёки пулфлама теплицалар қурилишида плёнкаларнинг эгилувчалик, енгиллик ва эластиклик каби хоссаларидан тўла фойдаланилади. Бундай теплицалар мутлақо каркассиз бўлиб, уни тўхтовсиз ишлаб турадиган дам берувчи вентилятор ёрдамида ҳосил қилинадиган ҳаво босими кўтариб туради. 1965 йилда Латвия ССРдаги «Карли» совхозида қурилган ана шундай теплица ўзини тўла-тўкис оқлади. 1000 m^2 майдон-

га эга бўлган теплицада 0,25—0,30 квт қувватли вентилятор ёрдамида доимий босим сақлаб турилади. Юпқа (0,1—0,2 мм) полиэтилен плёнка шамол кучига бардош беролмайди, шунинг учун унинг устидан сим ёки арқондан тўқилган тўр тортиб қўйилади.

Плёнкали теплицаларнинг арzonга тушиши — уларнинг асосий афзалигидир. Теплицанинг катталиги ва конструкцияси қандай эканига қараб, унинг ҳар 1 м² саҳни 1,5—5 сўмга тушади, пуфлама теплицаларнинг 1 м² саҳни эса, мавсумда сарфланадиган электр энергиянинг қийматини ҳам қўшиб ҳисоблаганида 42 тийинга тушади. Ойнавондан теплицаларнинг қиймати эса ускуналаридан ташқари, 1 м² юзаси камида 9—12 сўмга тўғри келади. Шунинг учун плёнкали теплицалар узоқча чидамаслиги ва ҳар йили плёнкани алмаштириш ҳамда ремонт учун бўладиган чиқимларга қарамай, бари бир улар батамом ўзини қоплади.

ПАРНИК ВА ТЕПЛИЦАЛАРНИ ИСИТИШ УСУЛЛАРИ

Экин ўстириладиган иншоотлардаги иссиқлик режими одагда уларни сунъий иситиш йўли билан бошқарилади. Бунинг учун хилма-хил иссиқлик манбаларидан фойдаланилади:

1) қуёш радиацияси иссиғи — гелиоиситиш;

2) турли органик материаллар (гўнг, уй ахлати ва бошқалар)нинг чиришидан ажralиб чиқадиган иссиқ — биологик усулда иситиш;

3) бирор турдаги ёқилгини (кўмир, нефть) ёқишдан чиқадиган иссиқ ёки элекгр иситкич асбоблар иссиғи — техникавий усулда иситиш.

Иситиш учун бўладиган чиқимлар сарфланадиган иссиқлик миқдори ва унинг қийматига бевосита боғлиқ. Ўсимликлар ўстириладиган иншоотларда исроф бўладиган иссиқлик миқдори W қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W = S \cdot H(T_{и\chi} - T_{таш}) K.$$

Исроф бўлган иссиқликнинг килокалориялар билан ифодаланувчи миқдори (W ккал) иссиқлик тарқатувчи майдон юзасига (S м²), совиш давомийлигига (H соат), хона ичидағи температура билан ташқаридаги температура фарқига ($T_{и\chi}$ — $T_{таш}$ ҳамда иссиқлик ўтказиш коэффициенти K га пропорционалdir.

Иссиқлик ўтказиш коэффициенти K — ички ва ташқи температуралар фарқи 1°C га тенг бўлган шароитда иссиқлик тарқатувчи (берувчи) 1 м² юзадан 1 соатда ўтказиб юборилган иссиқлик миқдоридан иборат. Турли материаллар учун бу коэффициент қуйидаги миқдорларга тенг (ккал);

25 см қалинликдаги ғишт девор	1,7
» » бетон девор	2,4
» » шлак-бетон девор	1,0
25 мм қалынликдаги таhta девор	1,9
18 см қалинликдаги ёғоч девор	0,4
3 см қалинликдаги ойна девор	4,8
Бир қават ойна қоплама (тәм)	5,3
Иккى » » »	3,2
Тунука	6,0

Ұсимвлик ўстириладиган хонанинг поли (түпроқ) орқалы иссиқлик амалда жуда кам исроф бўлади. Асосий исрофгарчиллик ер усти қисмида бўлади. Хонадаги иссиқликнинг умумий йўқотилишини ҳисоблаётганда шамол таъсиридан ҳам 5—10% қўшилади. Матлар ёки бошқа хил қопламалар иссиқлик исроф бўлишини 40—50% камайтиради. Устига матлар ёпиб қўйилган рус парниги иссиқликни (1 м^2 фойдали майдон ҳисобига) эса энг кўп йўқотади, енгил типдаги баҳорги теплицалар эса энг кўп йўқотади (6-жадвал).

6-жадвал.

Ҳар хил типдаги ёпиқ экинзорларнинг энергетик тежамлилиги (Е. Д. Корольков маълумотларидан)

Ёпиқ экинзор типлари	Иссиқлік исроф бўлиш коэффициенти	Тўсиқ коэффициенти	1 м^2 юза ҳисобига иссиқлик исроф бўлиши
Матлар ёпилган рус парниги . . .	3,5	1,00	3,5
Матсиз, ёпилмаган »	8,0	1,00	8,0
Ўсимлик кўпайтириладиган теплица:	6,0	1,76	10,8
Ромлари олиб қўйиладиган баҳорги блокли теплица	8,0	1,35	10,8
Киши блокли теплица	6,0	1,35	8,2
Ангар типидаги теплица	6,0	1,23	7,4

Теплица ва парникларнинг мусбат ёки манғий иссиқлик баланси кирим қисми (қуёш ва сунъий иситиш манбалари иссиқлиги) билан чиқим қисми, яъни жами йўқотилган иссиқлик миқдорида ташкил топади. Ташки ҳаво температураси қанча паст ва ишшоотни қуришда шлатилган материалларнинг иссиқлик бериш коэффициенти қанча катта бўлса, жами йўқотилган иссиқлик миқдори шунча кўп бўлади. Шунинг учун ҳар бир теплица ёки парник конструкциясида, аввало, Ўрта Осиё республикаларида айниқса сероб бўлгай, текин қуёш иссиқлигидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш кўзда тутилиши керак.

Гелиоситиш. Қуёш н’рэзи экин ўстириладиган хона ичида киргач, түпроқча, ўсимликларга, деворларга, хонанинг бошқа қисмларига тушади ва уларни қиздириб, иссиқлик нурларига айланади, энди бу нурлар ташқарига чиқолмайди. Бу процесс шунга олиб келадики, ўсимликлар ўстириладиган ҳар қандай (иситилмайдиган) хона ичидаги температура атроф муҳит тем-

пературасидан юқори бўлади. Бу ҳодиса *парник* ёки *теплица* эфекти деб аталади. Экип ўстириладиган хонанинг иссиқлик режими, ушинг иссиқлик баланси, иситиш зарурлиги ва қанча ёқилги сарфланиши парник эфектининг қай даражада намоён бўлишига боғлиқ.

Радиация шиддати мавсумга, сутканинг турли пайтларига, атмосферанинг ҳолатига, жойнинг географик кенглигига қараб кескин даражада ўзгаради. Қишида бир ойлик радиация йигиндиси жанубий районларда шимолий районлардагидан 5—10 бравар ортиқ бўлади, ёзда эса бу тафовут йўқолади.

Қуёш нурлари энергияси ер сатҳига тўғри ва ёйилиб (тарқалиб) тушувчи қуёш радиацияси шаклида етиб келади. Қуёш радиацияси эса ҳимояланган ерда ўстириладиган ўсимликлар учун катта аҳамиятга эга. Самарқанд учун қилинган ҳисобларнинг кўрсатишича (Боев, 1935), 22 декабрда теплицанинг 1 м^2 ерига тўғри тушувчи қуёш радиациясидап ҳаво 0,2 даражада булатут бўлганда — 470 ккал, булатлик даражаси 0,9 бўлганда эса — ёйилиб тушган радиациядан 250 ккал қуёш энергияси кирап экан. Уртacha булатлик даражаси 0,56 бўлганда ўша теплицанинг ўзида 1 м^2 тупроқка тўғри тушувчи нурлардан кирадиган радиация миқдори 220 ккал ва ёйилиб тушувчи нурлардан кирадиган радиация миқдори 230 ккални ташкил қиласди.

Қуёш радиациясини максимал даражада кўпайтириш учун ёруғлик ўтказувчи шаффоф қоплама қуёш нурларини энг кўп ўтказадиган, иссиқлик нурларини эса мумкин қадар ўтказмайдиган материаллардан ишланган бўлиши керак. Ойна ана шундай хоссаларга эга бўлган асосий материал бўлиб келди ва ҳамон шундай материал бўлиб қолмоқда. Яхши сифатли бемск ойнаси ўзнга тушадиган ёруғликнинг 80—90% ини, 3—5 мм қалинликдаги ним оқ ойна эса 70—80% ини ўтказади. Инфрақизил иссиқлик нурларини ойна деярли ўтказмайди, шу билан бирга, у ультрабинафша нурларни ҳам кам (8%) ўтказади. Синтетик плёнкалар спектранинг кўзга кўринадиган қисмини ойнага нисбатан камроқ ўтказади, аммо ультрабинафша нурларни ўтказишда улар ойнадан анча афзаллик қиласди. Бироқ, полиэтилен плёнка иссиқлик нурларини 80—85%, полиамид плёнка эса 10% ўтказади. Шунинг учун ёруғлик ўтказувчи турли қопламалар тагида ҳар хил иссиқлик режимин вужудга келади.

Бинобарин, қоплама ўринида ишлатиладиган материалларни оптик хоссалари экин ўстириладиган хоналардаги режимга ва уларда сабзвот экинлари ўстириши патижаларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Ёлиқ экинзорлар устига ёпиладиган ёруғлик ўтказгич материалларни танлашда уларнилг оптик хоссаларигина эмас, балкин механикавий жиҳатдан мустаҳкамлиги, эгилувчалиги ва, энг муҳими, узоққа чидамлилиги ҳам ҳисобга олинади. Синтетик плёнкалар, гарчи яхши оптик хоссаларга эга бўлса-да, тез «эскириб», ёруғликни камроқ ўтказадиган (хирароқ) бўлиб қола-

ди. Утказилган ўлчашлар (Рожанская, 1959) шуни кўрсатдик, полиэтилен плёнканинг дастлаб 78—85% га тенг бўлган шаффоғлиги икки ойдан кейин 64—67% га тушиб қолди, полиамид плёнканинг ёргулук ўтказувчалиги эса худди шу муддат ичнада 85—90% дан 80% га камайди.

Плёнкалар ифлосланиши орқасида уларниң ёргулук ўтказувчалиги жуда пасайиб кетади. Бир ой ишлатилиб, қалин чанг босган ва ювилмаган плёнка қуёш нурларини ойнадаи кўра ёмонроқ ўтказади. Полиэтилен плёнка мусбат электр зарядига эга, шунинг учун манфий зарядли чаңг зарралари унинг сиртига қаттиқ ёпишиб қолади ва кетказиб бўлмайдиган чанг қоплами ҳосил қиласди. Полиамид плёнка манфий зарядли бўлгани учун уни камроқ чаңг босади.

Демак, ёргулукни ўтказувчи шаффоғ қоплама ўз вазифасини бажариш учун унинг доимо тоза бўлишини кузатиб туриш лозим. Теплица-парникларниң ойналари вақт-вақтида кир ювиши воситалари ёки суперфосфат ва хлорид кислота қўшилган (10 қисм сувга бир қисм миқдорида) сув билан ювиб турилади. Соатига 55 м² юзани юва оладиган ШГ-45 типидаги гидрочўтка ойналарни ювиши осонлаштиради.

Ёпиқ экинзорларниң ёритилиш даражаси ёргулук ўтказувчи нишаб қопламалар қандай жойлаштирилганига ва уларниң оғиши бурчагига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бир томонлама нишаб хоналарниң нишаби жануб ёки жапуби-шарқ томонига қаратиб, икки томонлама (аңгар ва блок типидаги) хоналар эса кўпинча шарқ ва гарб томонларга қаратиб қурилади.

Ойна сиртига 90° ли бурчак остида тушувчи қуёш нурлари ундан айниқса тўла ўтади. Бизнинг кенгликларимизда қишида қўёшниң уфқдан баландлиги 30° дан ошмайди. Ёргулук ўтказувчи қопламалар сиртига қуёш нурлариниң 90° ли бурчак ҳосил қилиб тушишини таъминлаш учун ёпиқ экинзорлар томони 60° чамасида қия қилишга тўғри келади. Бу эса тўсиқ коэффициенти катталашувинга, яъни бинолар конструкцияси ёмонлашувига ва материаллар ортиқча сарфлапшига олиб келади. Шунинг учун техниковий мулоҳазаларга кўра, нишаб томларниң оғиши бурчагини 25—40° дан оширмасликка тўғри келади.

Ёпиқ экинзорлар ичининг ёритилиш даражасини ошириш учун қопламанинг шаффоғ бўлмаган қисмлари проценти камайтирилади, шпростлар ўртасидаги оралик ва ойна пластинкалари катталаштирилади.

Ўрта Осиёда ёгду ва иссиқнинг кўплиги, булутли күплар кам бўлиши фақат офтоб билан иситиладиган ёпиқ экинзорлар қуриш имконини беради.

Ўзбекистон гидрометеорология институти гелиотеплица ва гелиопарниклар конструкциясини тақдим этди. Булар оддий теплица ва парниклардан ойналари қўш қаватлиги билан фарқ қиласди ва уларда иссиқликнинг исроф бўлиши кескин камаяди. Шу мақсадда ўртада 2 см чамасида оралик қолдирилиб, икки

қават ойна солинади. Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ да 1000 м^2 майдонга эга бўлган тупроқ-грунтли гелиотеплица сипаб кўрилди ва бундай теплицали қишида иситмасдан фақат кўкат ўсимликлар ўстириш, февралнинг охиirlаридан бошлаб эса помидор ҳам ўстириш мумкин экани маълум бўлди, шунда помидор ҳосили апрелнинг охири — майнинг бошларида етила бошлади.

Мичурин номидаги Тожикистон боғдорчилик ИТИ қуёш нури билан иситиладиган гўнгисиз чуқур парник лойиҳасини тақдим этди. Бу хилдаги қуёш парникларида ҳавонинг ҳажми катта бўлгани туфайли (тупроқдан ойнагача бўлган оралик 40 см) уларда иссиқлик яхши тўпланади (аккумуляцияланади), натижада кечаси улар одатдаги парниклардан кўра камроқ совийди.

Бу хил парниклarda эрта кўкламда карам кўчати ва кўкатларни, март ойидан бошлаб эса янада иссиқсеварроқ ўсимликларни ҳам bemalol ўстириш мумкин.

Қозогистон Қишлоқ хўжалик институтиниг сабзвавотчилик кафедраси тақдим этган ерни чуқур ўйиб ишланадиган, нишаби бир томонлама плёнкали гелиотеплица конструкцияси Қозогистоннинг жануби-шарқий қисми учун иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Бундай теплицаларда иссиқлик жуда кам пероф бўлиши туфайли улар эрта кўкламда фақат қуёш нури билан иситилади ва биологик ёқилги парниклар ўриига совуққа чидамли сабзвавот кўчатлари ўстириш учун фойдаланилади.

Биологик усулда иситиш. Бундай усулда иситиш учун гўнг, уй-рўзгор ахлати каби биологик ёқилғилар иссиқлик майдан хизматини ўтайди. Микроорганизмларнинг, асосан, аэроб бактерияларнинг фаолияти натижасида биологик ёқилги парчалана бошлайди ва ани шу жараён давомида иссиқлик ажралиб чиқади.

Гўнгниг аэроб парчаланиш процесси шиддатли кечади ва $2,2-3$ ойда тугалланади, шу давр мобайнида температура $70-72^\circ\text{ га}$ қадар кўтарилади. Бундан юқори температура бактерияларга ҳалокатли таъсир этади. Шу сабабли, 75° дан юқори температурада қизиган гўнгда бактериялар миқдори кескин камайиб, сиртида оқ ғубор — мөгор замбуруғлари — мицелийлари пайдо бўлади. Жуда қизиб кетган «оқиши» гўнг ёки «куюнди» иссиқлик чиқариш хоссасини йўқотади ва биологик ёқилғи сифатида фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолади.

Гўнгниг анаэроб (кислородсиз) чириш процесси секин кечиб, бир неча ой давом этади ва бу жараёнда унинг температураси салгинча кўтарилади, холос.

Бўш (говак) жойланган гўнг ичига ҳаво осонгина кириб, аэроб бижгиш процесси содир бўлади ва бунда кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқади.

Зинч жойланган гўнгда анаэроб бижгиш процесслари кўпроқ содир бўлади ва парчаланиш жараённида температура унчалик кўтарилмайди (9-расм).

Бинобарип, биологик ёқилғи иситувчи материал ролини ўйнаши учун у парчалаңаётганды орасыга ҳаво бемалоғириб туриши керак, буига эса биологик ёқилғини бўш жойлаштириб, сомон ва қипиқ аралаштириш йўлл билап эришилади. Таркибида азотли моддалар кўп бўлган биологик ёқилғи айниқса юқори температура ҳосил қиласди. Шунинг учун биологик ёқилғи устига сийдик, шалтоқ қуйилади ёки серазот материаллар аралаштирилади.


Биологик ёқилғининг ёпиш температураси унинг таркибидаги нам миқдорига ҳам боғлиқ. 70% чамасидаги намлик аэроб бактериялар ривожланиши учун айниқса қулайдир. Агар намлик уйдан кўп бўлса, ҳаво етишмаслиги сезила бошлайди, натижада анаэроб шароит вужудга келади. Бундан ташқари, гўнг таркибида нам кўп бўлса, иссиқликининг талай қисми шу намни буглатиришга сарф бўлади. Шунинг учун сернам биологик ёқилғини намни кам биологик ёқилғи билаи аралаштирилади. Нами кам биологик ёқилғи эса сунъий равишда намланади.

Бактериялар фаолияти муваффақиятли боринши учун нейтрал ёки кучсиз ишқорий мухит (pH_{7-8}) бўлиши керак. Биологик ўғит тайёрлашда буни ҳам ҳисобга олиш лозим.


Биологик ёқилғи қўлланилганда иситиш системаси қуриш талаб қилинмайди. Бундай ёқилғи парчалашганида парник-теплица тупроғи, чирици-стаканчалар тайёрлаш учун ёки ўғит сифатида ишлатиладиган чирици ҳосил бўлади. Биологик ёқилғининг парчаланиш жараёнида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига фойдали таъсир этадиган карбонат ажралиб чиқади.

Биологик ёқилғининг камчилиги шундаки, унда температурани бир меъёрда сақлаб туриш мумкин эмас, уни жамгариш ва иш жойига ташинш учун анчагина чиқим бўлади. Бундан ташқари, биологик ёқилғининг ёниш эрги чизиги шу процесснинг бошланиш пайтида максимум даражага етади, сўнгра температура кескин пасайиб кетади, шу туфайли бундай ёқилғини кузқиши даврида қўлланиш қийии. Намлиги 75% 1 кг гўнг 800 ккал иссиқлик ҳосил қила олади, гўнг иссиқлигининг фойдали иш коэффициенти 25% га тенг.

Биологик ёқилғи сифатида уй ҳайвонлари гўнги энг кўп қўлланилади. Шулар ичидаги энг яхшиси от гўнги ҳисобланади. У ўр-



9. рисм. Ғовак қилиб (1) ва зінчлаб (2) жойланган гўнг орасида температуранинг кўтарилиши; 3- ташқи ҳаво температураси (В. А. Бризгалов)



10-расм. Түрлі хил биологик ёқилғиар чириганды температуранинг күтарилиши:

1 — от гүнги; 2 — күй қын; 3 — мол гүнги;
4 — хазон,

ги анча қуруқ эканлиги ва таркибида азот күпроқ (0,7% чамасида) бўлиши билан ажралиб туради. От гүнгига нисбатан сал секироқ қизийди (10-расм). Уни парникларга жойлашдан олдин устига сув сепилади ёки бошқа сернамроқ биологик ёқилғи билан аралаштирилади.

Чўчқа гүнги химиявий таркиби ва иссиқлик ҳосил қилиш қобилияти жиҳатидан мол гүнгидан ёмонроқ. Уни от гүнги, қипик, торф билан аралаштириб ишлатилади.

Шаҳар чеккаларидаги ахлатхоналарга ташланадиган *үйрўзгор ахлати* ҳам яхши биологик ёқилғи хизматини ўтайди. Иссиқлик ҳосил қилиш қобилияти жиҳатидан у от гүнгидан қозишмайди, аммо қаттиқ музлаб ёпишиб қолади ва секин қизийди. Шунинг учун ахлатга от гүнги қўшиб ишлатилади.

Биологик ёқилғи сифатида бошқа материаллардан ҳам фойдаланилади.

Сунъий гўнг похол, сомон, тўпон, қипик ёки таркибида клегчатка сақловчи бошқа хил материаллардан тайёрланади. Бунинг учун улар ивитилиб фосфорли ва азотли ўғитлар қўшилади.

Торф зичлашиб қолган ва нам мол гүнги ёки чўчқа тезаги и юмшатувчи материал сифатида қўлланилади.

Пўстлоқ чиқиндилари (ошлайдиган пўстлоқлар) — кўнчилик саноати чиқиндилари, таркибидаги ошловчи моддалар ажра-

тача (70—75%) намлиги, таркибида азот кўплиги (0,05—0,06%) билан ажралиб туради. Бўш жойланган, похол аралаш гўнг тез қизийди ва 7—10-кунга бориб температураси 65—70° гача кўтарилади. Шундан кейин гўнг температураси 30—35° гача пасаяди ва 50—70 кун мёбайнида шу даражада сақчаниб туради.

Қорамол гўнгидаги 80% чамасида пам бўлади, лекин таркибида азот камроқ (0,3—0,4%). Бундай гўнг жуда секин қизийди ва максимал температураси 40°га етади. Мол гўнгининг қуруқ ўзи биологик ёқилғи бўлишга учалик ярамайди. Шунинг учун унга қуруқ қипик, торф, тўпон, шоли қипики, ёзга чаноклари қўшинлади ёки уни от гўнги билан аралаштириб ишлатилади.

Майдага моллар ва қуён гўнгидаги қуруқ эканлиги ва таркибида азот кўпроқ (0,7% чамасида) бўлиши билан ажралиб туради. От гўнгига нисбатан сал секироқ қизийди (10-расм). Уни парникларга жойлашдан олдин устига сув сепилади ёки бошқа сернамроқ биологик ёқилғи билан аралаштириб ишлатилади.

тиб олинған турли дараҳт пўстлоқлари (тол, дуб ва бошқалар) дан иборат. Пўстлоқ чиқиндиси секин қизийди, шунинг учун фақат гўнгга қўшиладиган аралашма сифатида ишлатилади.

Парникларни иситиш учун ҳазон, каноп тўзғоғи (янчилган чаноқлари) ҳамда пилла қурти гумбакларидан мупаффақиятли фойдаланиш мумкин. Бунинг учун уларга от гўшиги аралаштирилиши керак.

Янчилиб, гўиг аралаштирилган ғўза чапоқлари ҳам яхши биологик ёқилғи хизматини ўтайди.

Гўнг жамғаришга кузда киришилади, уни парниклар ёнига бўйи 1,5—2 м ва эни 4—10 м келадиган қилиб үйиб қўйилади. Гўнг ичига ҳаво киришини қийинлаштириш ва унинг баравақт чирий бошлинига йўл қўймаслик учуп оғир ғалтак машиналар ёки юқ машиналар ёрдамнда қаттиқ шиббаланади. Қишки парникларнинг ҳар бир ромига 1,5 м³ ва баҳорги парникларнинг ҳар бир ромига 1 м³ дан тўғри келадиган миқдорда гўнг жамғарилади.

Парникларга босишдан бир ярим-икки ҳафта олдинроқ гўнг уюмини ағдариб, қоришириб қўйилади. Юмшатилган гўнг (ёки бошқа хил биологик ёқилғи) тез қизий бошлайди. Унинг температураси 40—45° га етгач парникларни тўлдиришга киришилади.

Агар гўнг ағдариб қўйилгандан кейин қизимаса, унинг уюмiga қиздирилган тошлар, сўндирилмаган оҳак ёки яхши қизиган от гўнги солиб, сунъий равишда қиздирилади. Шу мақсадда кўчма печлар, тутун карнайлари (мўрилари)дан ҳам фойдаланип мумкин, уларни қиздирилиши лозим бўлган гўнг орасига тахлаб қўйилади. Парникларга жойланаётган биологик ёқилғи яхши аралаштирилган, бир текис шиббаланган бўлишига эътибор берилади. Акс ҳолда, биологик ёқилғининг нотекис қизиши ва ҳар хил чўкиши (ўтириши) орқасида парникдаги ўсимликлар бир текис ривожланмаслиги мумкин.

Парникларга биологик ёқилғи тўлдирилгандан кейин, совиб қолган гўнгнинг қайтадаи қизий бошлиши учун парник усти ром ва матлар билан ёпиб қўйилади.

Биологик ёқилғи зичлашиб — ўтириб бўлгандан кейин 3—4 кун ўтказиб парникка янги гўнг солинади ва устидан тупроқ бостприлади. Сўпgra парник устига яна ром ва матлар ёпиб қўйилади, тупроқ қизигандан кейин уруғ экиш ёки кўчат ўтказшига киришилади.

 **Печь (мўри)** билан иситиш. Бундай иситиш системаси ўтхона (печь) ва теплица ичида жойлашган, гиштдан ишланган горизонтал тутуп йўли (мўри)дан иборат. Мўрининг охири вертикал тутун қувури билан тугалланади. Теплица мўри деворларини қиздириб ўтвучи тутун — куонди гази билан исайди. Мўри тутунни яхши тортадиган бўлиши учун узунилиги 12—14 м дал ошмаслиги ва пеҷдан тутун қувурига қараб секин-аста кўтарила бориши керак.

Битта печь 30—40 м² майдонни исита олади. Мўри кўпроқ иссиқлик берадиган бўлиши учун уни олдинга (девордан камидан 30 см нарига) сурилган ғишталар — шанецлар устига ўрнатилади. Мўрилар ишлашга халақит бермайдиган ва ўсимликлар устига соя солмайдиган қилиб жойлаштирилади. Стелажли теплицаларда улар стеллажлар тагига жойлаштирилади.

Печларда ўтин, мазут, табиий газ ёқилади. Қўмир эса бу мақсад учун унчалик ярамайди. 40—45% намликтаги 1 кг ўтинганинг иссиқлик ҳосил қилиш қобилияти 2000—2500 ккал/м³ га, мазутники 9000—10850 ккал/кг га, табиий газники 6500—9000 ккал/м³ га, мўри билан иситишнинг фойдали иш коэффициенти 25—30% га тенг.

Мўри билан иситишнинг камчилиги шундаки, унда ёқилғи кўп сарфланади ва иситиш системасидан фойдаланиш учун анчагина меҳнат ҳам сарфланади. Газ ишлатилганда бу чиқимлар кескин камаяди. Мўри билан иситишнинг яна бир салбий томони шундаки, мўрп бошидан охирига қадар (бипобарин, теплицадаги ҳаво ҳам) бир текис исимайди; қўмир ёққанда бу нотекислик янада кучаяди. Бундай иситиш системаси тузилиши жиҳатдан содда бўлгани учун кичикроқ теплицаларда кўп қўлланилади.

Марказлаштирилган тартибда сув билан иситиш системаси катта теплицаларда, баъзан, парникларда ҳам ўриатилади. Марказлаштирилган тартибда сув билан иситиш системаси қуидаги таркибий қисмлардан иборат: 1) қозонхона қурилмаси (2—4 дона қозоп); 2) магистрал иситиш қувурлари: бу қувурлар орқали теплицага иссиқ сув келиб туради ва яна қозонларга қайтиб боради; 3) иситиш асбоблари (металл ёки асбест-цемент қувурлар, радиаторлар, калориферлар); булар деворлар ёнига ўрнатилади ёки стеллажлар тагига ва шифтга осиб қўйилади. Тупроқни иситиш учун асбест-цемент ёки сиртига бетон қопланган металл қувурлар ишлатилади (бетон металлни коррозиядан сақлайди). Қувурлар ичida сув табиий равишда (ўз-ўзидан) оқиб келадиган ва сунъий усулда айланниб турадиган бўлиши мумкин. Табиий равишда айланниб туриш иссиқ сув билан совиган сувнинг солиштирма оғирлиги ўртасидаги тафовут ҳисобига вужудга келади ва бу усул кичик теплицаларда қўлланилади. Йирик иншоатларда насос қурилмаси ёрдамида сувни сунъий (мажбурий) равишда ҳаракатлантириш системаси қурилади.

Қишки теплицаларни иситиш учун сув температураси 80—100° атрофида, баҳорги теплицаларни ва эртаги парникларни иситиш учун 60—70°, кечки парникларни иситиш учун 40—50° бўлгани маъқул.

Агар оқиб келадиган сувнинг дастлабки температураси юқори бўлса, теплица ва парникларнинг майдон бирлиги ҳисобига иситиш асбоблари камроқ талаб қилинади. Ҳисобларнинг

күрсатишича, сувнинг температураси $90-100^{\circ}$ бўлганда иситиш асбоблари сув температураси 40° бўлгандагидан 5—7 бара-вар камроқ талаб қилинади.

Теплицадаги сув температураси айрим иситиш асбоблари ёки бутун-бутун секцияларни улаш ёхуд узиб қўйиш йўли билан ростлаб турилади.

Марказлаштирилган тартибда сув билан иситишда ёқилғи ва ишчи кучи тежалади, теплицаларнинг температураси бир меъёрда бўлади ва осонгина ростлаб турилади, шу билан бирга улар ёнғин жиҳатидан ҳам хавфсиздир. Марказлаштирилган тартибда сув билан иситиш системасининг қозонхонасида иситиладиган ёқилғи (кўмир, мазут, газ ва ш. к.) нинг иссиқлик ҳосил қилиш қобилиятидан тўла — 70—80% фойдаланилади, ҳолбуки печь билан иситишда ундан атиги 25—30% фойдаланилади. Иссиқлик билан таъминлаш чиқимлари 2—2,5 баравар камаяди.

Саноат корхоналарининг ишлатилиб бўлган иссиқлиги. Иссиқлик билан ишловчи электр станциялар яқинида жойлашган хўжаликлар бу станциялардан $80-90^{\circ}$ ва ундан ҳам иссиқроқ сув олиб туриши мумкин. ТЭЦ ва ГРЭС лардан ҳавога чиқувчи газларниң температураси юқори ($180-250^{\circ}$) бўлади. Бу иссиқлик экин ўстириладиган бинолар ичии иситиш маёнбай хизматини ўташи мумкин. Соатига 200 т буг бера оладиган қозонда ўрнатилгап паст босим экопомайзери (тутун газлари иссиқлигидан фойдаланиш имконини берадиган асбоб) $300-10000 \text{ m}^2$ майдонли теплица-парник хўжалигини иситиш учун етарли миқдорда иссиқлик етказиб бера олади. Саноат корхоналарида чиқиб кетадиган иссиқликниң ҳаммасидан (иссиқ сув, буг, иссиқ ҳаводан) парник-теплица иншоотларини иситиш учун фойдаланиш мумкин.

Парник-теплица иншоотларини иситиш учун **термал (иссиқ) чашмалар сувидан** ҳам фойдаланилади. Ўзбекистонда Тошкент областининг Оржоникидзе районидаги сабзавоткор «Қизил Ўзбекистон» колхозининг теплицалари табиий иссиқ сув билан иситилади.

Теплицалар, шунингдек, илиқ (30° дан паст температурали) сув билан ҳам иситилади. Бундай сув ойна қоплама юзаси бўйлаб юпқа (2—4 мм) қатлам қилиб оқизиб қўйилади. Сув қатлами ойнани парда шаклида тўсиб туради ва унинг ташқи ҳаво таъсирида совишига йўл қўймайди. Иссиқликни изоляциялаш йўли билан иситиладиган теплицалар гидротеплицалар деб аталади.

Бевосита теплица ичидаги газ ёқиш (агар унда ўсимликлар учун заарли аралашмалар бўлмаса) парник-теплица иншоотларини иситишнинг энг арzon усули ҳисобланади. Бунда газнинг иссиқлик ҳосил қилиш қобилиятидан тўла фойдаланилади, табиий газ қозонхонада ёқилганда эса ундан атиги 65—70% фойдаланилади.

Электр билан иситиш. Кейинги йилларда мамлакатимизда құдратли электр стапциялари ишга туширилди, қишлоқ құжалық объектлари учун электр энергия нарын арзоналаштирилди. Шу сабабли парник-теплицаларни иситишда электр энергияси кенг құллапила бошланди. Бу усулнинг афзаллиги системанинг доимийлігіда бўлиб, бу ҳол температурани тез ва осонгина ростлаш, иситиш асбобларини автомат равишда улаш ва узид қўйиш имконини беради; бундан ташқари, ускуналар доимо ишга шай, оддий ва қиммат ҳам эмас. Теплицанинг 1 м^2 майдонига тўғри келадиган ускуналар қиймати марказлаштирилган тартибда сув билан иситишда 16 сўм 85 т турса, электр билан иситишда 1 сўмга ҳам етмайди.

Ёпиқ экинзор биноларини қисқа муддат давомида иситиш лозим бўлган кезларда электр айниқса қўл келади. Ўрта Осиёда эса бундай ҳолат тез учраб туради. Биологик ёқилғини электр иситиш билан алмаштириш парникларда айниқса катта самара келтиради. Молдавияда битта ромни биологик ёқилғи билан иситиш 2 сўм 40 т га , электр билан иситиш эса 1 сўм 40 т га — 1 сўм 70 т га тушади. Қўл меҳнати сарфлаш қарийб тўрт баравар камаяди.

Иситиш элементларининг конструкциясига қараб электр билан иситишнинг бир неча хил усули фарқ қилинади.

1. Котлован (хандақ) тубидаги қум қатлами ичига бир неча қатор қилиб ётқизилган ва кучланишни пасайтириб берувчи трансформатордан 50 в кучланишли ток келиб турадиган $4\text{--}7 \text{ мм}$ диаметрли изоляцияланмаган пўлат сим билан иситиш.

2. Найчалар ичига жойланган, изоляцияланмаган пўлат сим билан иситиш; иситиш элементи — $2,2\text{--}3 \text{ мм}$ диаметрли рух юритилган симдан иборат бўлиб, бу сим тупроқни иситиш учун $100\text{--}150 \text{ мм}$ диаметрли ва ҳавони иситиш учун $50\text{--}75 \text{ мм}$ диаметрли асбест-цемент ёки сопол қувурлар ичидан тортиб ўтқазилади.

3. Пластмасса билан изоляцияланган қиздирувчи маҳсус сим билан иситиш. Бундай сим тупроқ ичига секцияли тарзда жойлаштирилиб, механикавий шикастланишдан ҳимоя қилиш учун металл тўр ёки цемент тўсқич ёниб қўйилади. Ҳавони иситиш учун симни деворлар бўйлаб осма қилиб тортилади.

4. Электр калориферлар ёрдамида иситиш. Ичига спираллар жойлаштирилган камерада искан ҳавони вентилятор гупроқ ичига ётқизилган қувурлар (ҳаво йўллари) бўйлаб ўтказиб туради. Худди шундай трубалар орқали иссиқ ҳаво ёпиқ экинзорининг бошқа пукталарига ҳам етиб боради. Калориферлар теплицалар ичига ёки қўшимча қурилган маҳсус хонага (парникларга) ўрнатилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ундан фойдаланиш осон ва ёпиқ экинзорлар ичидан ишлаш батамом ҳавфсиз бўлади. Плёнка қопланган теплицаларда калорифер ёрдамида иситиш авария пайтида ёрдами чи усул сифатида қўл-

ланилади. Бунда теплица томи тагига вақтинга осиб қўйилган полиэтилен шланглар орқали иссиқ ҳаво юбориб туроради.

Авария пайтида қўлланиладиган (эҳтиёт) иситиш усули ҳа-по кескин совиб кетган ёки иситиш қурилмаларидан иссиқлик келиши узилиб қолган пайтларда температурани тез кўтариш имконини берали. Бунинг учун электрокалориферлардан ташқари мувакқат печлар, кўчма иситгичлар, газ ёки суюқ ёнилғи билан ишлайдиган алангали калориферлардан ҳам фойдаланилади.

Ёпиқ экинзорларни иситиш учун кетадиган сарфлар ёпиқ ерда сабзавот етишириш учун қилинадиган жами ҳаражатларнинг ярмисига етади. Иситиш қиймати ёпиқ экинзор тишига (унинг иссиқлик беришига), ёки кўчат ўстириш вақтига ҳамда турли манбалардан олинадиган иссиқлик бирлиги қўйматига боғлиқ (7- жадвал).

7- жадвал

Турли манбалардан олинадиган иссиқлик бирлиги қиймати
(Сабзавотчилик хўжалиги ИГИ маълумотларидан)

Иссиқлик манбалари	1 мега-	
	калориянинг сўм	%
Махаллӣ қозонхона		
кўмир ёқандада	6,0	100
газ ёқандада	2,5	40
ТЭЦлар (СССР нинг турли област- ларидан)	1,7—4,5	36—75
Саноатнинг чиқинди иссиқлиги . . .	0,8—1,5	15—25
Электр энергия (1 тийин, кат-соат)	11,0	185
Оловли калорифер		
суюқ ёқилғи билан ишлаганда . . .	4,0	67
газ билан ишлаганда	0,9—1,5	15—25
Ет ости иссиқ сувлари	0,8—2,0	13—35
Биологик ёқилғи (от гўнги) . . .	3,4	53

Сабзавот экинларининг иссиқликка талабчанлиги ҳар хил бўлиб, у ўсимликнинг ўсув фазаларига қараб ўзгариб туроради.

Кўпчилик сабзавот ўсимликларининг уруғи униб чиқиши даврида юқори температураларга муҳтоҷ бўлади. Бу даврда иссиқлик стишимаса, униши процесси секинлашади, шихолларнинг ҳаёт фаолияти сусаяди ва уларнинг замбуруғ касалликларнга чалишиши кучаяди. Шунинг учун экишдан токи ииҳоллар униб чиққунча ўтадиган даврда парник ва теплицаларда температура юқори бўлиб туриши зарур.

Ниҳоллар кўрингандан кейин температура юқори бўлиб турса, уларнинг ер усти қисми жадал ўса бошлайди, аммо бунинг эвазига илдиз системаси яхши ривожланмай қолади. Экма ниҳоллар говлаб кетиб, поя ва чала ривожланган илдиз системаси ҳосил қиласиди. Шу сабабли, майсалар униб чиққач, температура бир неча кунгача кескин пасайтириб қўйилади.

Ассимиляция аппарати вужудга келадиган даврда температура юқори бўлиши керак, лекин тунги пайтларда ва ҳаво булат кунларда у пасайиб қолади. Температура ўзгариб турадиган мана шундай шароитда куни бўйи тўпландигап ассимиляция маҳсуллари нафас олиш учун тўла сарфланиб улгурмайди ва ортиқча қисми ўсимликларда тўплана бошлади, бу эса уларнинг ўсиши ҳамда ривожланишини тезлаштиради.

Ўсимликларнинг репродукция органлари, яъни гул ва мевалари пайдо бўладиган даврда ҳам температура юқори бўлиши шарт, зеро у пластик моддалар вужудга келиши ва пишиб етилишига ёрдам беради (8- жадвал).

8- жадвал

Сабзавот экинлари ҳаётининг турли даврларида парник ва теплицалардаги тахминий температура режими

(Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва карташкачилик ИТИ маълумотлари), С°

Экин турлари	Даврлар							
	Уруғ униб чиқиши ва кўчачтларни ўтқазиш	Нижоллар пайдо бўлиши	Кўчат ўстириши		Кўчат ўтқазилгандан кейин			
			офтобли кунда	булутли кунда	тунда	офтобли кунда	булутли кунда	тунда
Бодринг	25—28	14—16	22—25	18—22	12—15	25—28	20—22	15—20
Помидор	23—25	12—15	20—25	15—18	10—12	25—28	15—20	12—18
Бақлажон								
Қалампир	25—28	14—16	22—25	18—20	12—15	25—30	20—23	18—20
Қарам	18—20	6—8	14—18	12—14	8—10	18—22	12—16	10—12
Редиска	15—18	5—6	—	—	—	15—18	10—12	6—8
Қўят								
Сабзавотлар	15—20	6—8	—	—	—	20—25	16—18	10—14

Кўчат ўстиришда, уни кўчириб ўтқазишдан бир неча кун олдин, ўсимликларни чиниқтириш ва дала шароитига мослаштириш мақсадида, температура пасайтирилиб, аста-секин ташқи температурага тенглаштирилади.

Парник-теплица ўсимликларининг тупроқ температурасига бўлган талаби ҳам худди шунга ўхшашdir, аммо у ўрта ҳисобда ҳаво температурасидан бир оз паст бўлиши керакки, бу майсаларпинг табиий (дала) шароитдаги ўсиш вазиятига тўғри келади. Помидор, бодринг, барра пиёз ўстиришда бу температура 2—3° юқорироқ бўлиши мумкин, аммо қарам ва илдизмеваларга бундай температура жуда ёмон таъсир этади.

Парник-теплица иншоотларида температура ҳаво ва тупроқни сунъий равишда иситиш, парник ромлари ҳамда теплицалардаги форточкаларни очиб-ёпиб қўйиш, совуқ кунларда ром-

лар устига матлар, бордонлар ёпиш йўли билан ростлаб турилади.

Кеч кўклам ва ёзда кўпинча теплицаларда ҳавонинг ортиқча исиб кетишига қарши курашишга тўғри келади, чунки бундай ҳолат ўсимликларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Температура 30° дан ошиб кетса, помидорнинг гули тўкила бошлиди, бодринг пайкалида эса ўргимчаккана авж олиши учун қулай шароит вужудга келади. Ҳавонинг ортиқча исиб кетишига йўл қўймаслик учун барқарор иссиқ об-ҳаволи кунлар келиши билан шамоллатиш (вентиляция) кучайтирилади ва теплица ичига қуёш нури тушиб туриши камайтирилади, бундага учуп теплицалар томига бўр эритмаси ёки бўёқ суртиб чиқлади, матлар, бордон ва чийпардалар ёнилади. Бироқ ана шу тадбирларнинг ҳаммаси фотосинтетик актив радиацияни (ФАР) анчагина сусайтиради, бу эса ҳосилинг камайшига олиб келади. Том қопламасили оқартириш учун ойна қоплама устига доимий системадан юпқа қилиб ($0,1$ — 2 mm) сув оқизиб қўйилса ёки теплица томига водопровод сувини махсус мосламалардан ёмғирлатиб сочиб қўйилса, теплица ичидаги ҳаво 6 — 10° пасаяди-ю, аммо унга тушиб турадиган ФАР камаймайди.

ПАРНИК-ТЕПЛИЦАЛАРДАГИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ОЗИКЛАНИШИ

Теплица па парникларда сабзавот экинлари сунъий тайёрланган тупроқда ўстирилади. Парниклар ва стеллажли теплицаларда тупроқ ҳар йили алмаштириб турилади. Ер теплицаларга эса ҳар йили органик ва минерал ўйтлар солипадп, ернинг устки қавати (0 — 10 cm) икки йилда бир марта алмаштириб турилади.

Теплица ва парниклар учун тайёрланадиган тупроқ унумдор, механикавий ғарби ёнгил, ҳаво ҳамда сувни яхши ўтказадиган бўлиши керак. Бундай тупроқларнинг нам шимиш қобилияти катта, тупроқ эритмасининг реакцияси нейтрал ёки нейтралга яқин, касаллик тарқатувчи замбуруғлар ва зааркунандалардан ҳоли бўлиши лозим.

Парник тупроғи парник чириндиси, чимзор ва дала тупроғиши ўстириладиган ўсимликлар талабига мувофиқ муайян нисбатларда аралаштириб тайёрланади.

Парник чириндиси парникларни иситиш учун фойдаланилигай гўнгнинг чириб парчаланиши натижасида ҳосил бўлади. Бундай чиринди таркибида озиқ моддалар кўп бўлиши (N — $1,2$ — $1,7\%$; P_2O_5 — $1,3$ — $2,4\%$; K_2O — $1,0$ — $1,7\%$), физикавий хоссалари яхши, пам сигими юқорилиги билан ажralиб туради ва одатда бошқа хил тупроқлар билан аралаштириб ишлатилади.

Хазон чириндиси баргларнинг чириб парчаланиши натижасида ҳосил бўлади, таркибида озиқ моддалар кўп ва физикавий хоссалари яхшилиги билан ажralиб туради. Бундай чиринди-

дан оғир тупроқтарни енгиллаштирадыган аралашма сифагида фойдаланилади.

Чим тупроқ күп йиллик ўтларнинг чириб парчаланиши патижасида ҳосил бўлади. Бунинг учун тахлаб қўйилган чимни гўнг билап қатма-қат қилиб жойлаштириб чиқилади ёки устидан суюқ органик ўғит сепилиб, вақт-вақтида ағдариб, қориштириб турилади. Чимнинг тўла парчаланиш жараёни бир йилда тугалланади. Чим тупроқнинг физик-химиявий хоссалари унча яхши эмаслиги сабабли уни одатда чиринди билан аралаштириб ишлатилади.

Дала тупроғи бедапоялардан ёки яхши гўнгланган бошқа участкалардан олипади ва унчалик унумдор бўлмагани учун енгилроқ ва унумдорроқ тупроқлар билан аралаштирилади.

Компостлар — гўнг ва турли чиқиндилар аралашмасидан (сабзавот, ўт-ўлан поялари ва барглари, сомон, уй-рўзғор суприндилари ва ҳ. к.) иборат бўлиб, торф, фекалий ва суперфосфат ҳам (компостлаштириладиган жами масса оғирлигига нисбатан 1—2%) қўшилади. Компостлар ёзда юзароқ (1 m гача чуқур) хандақларга бостирилади ва вақт-вақтида устига сув қўйиб қориштириб турилади. Таркиби ва физикавий хоссалари жиҳатидан компостлар чириндига яқин туради, улар чим тупроқ ёки дала тупроги билан аралаштириб ишлатилади.

Қум — оғир қумоқ тупроқнинг ҳаво ва сув сингидирувчанигини яхшилаш учун унга 10—15% қум қўшилади.

Парник тупроғи ҳосил қилиш учун мўлжалланган материаллар аввал катта кўзли (цилиндр шаклидаги, иккى элакли С—Q12 маркали ва бошқа) ғалвиридан ўтказилади, сўнgra тегишли нисбатда (стеллажли теплицапинг ҳар 1 m^2 га $0,2\text{--}0,3\text{ m}^3$ ёки ҳар бир парник ромига $0,3\text{--}0,4\text{ m}^3$ дан тўғри келадиган миқдорда) аралаштирилади.

Парник-теплица тупроғини алмаштириш — жуда қимматга тушадиган ва сермеҳнат иш. Шунинг учун тупроқдаги касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар ва зааркунандаларни йўқотиш мақсадида кўпинча уши алмаштириш ўрнига тупроқ юзаси 40% ли формалин эритмаси (40 л сувга 1 л) билан дезинфекция қилинади ёки тупроққа (1 m^2 га 100—200 г) хлорпикрин солинади.

Тупроқни термик усулда юқумсизлантириш учун табиий соvuқ воситасида музлатилади ёки паст босимли буғда қиздирилади. Бунинг учун теплица тупроғи ичига 15—20 см чуқурликка жойлаштирилган сертешик қувур орқали 40—60 минут давомида буғ юборилади.

Ўрта Осиёда тупроқни қуёш нурлари билан қиздириш усули ҳам қўлланилади. Бунинг учун июль ёки августда тупроқ аввал намланади, юмшатилади, сўнgra 10—15 кунгача устига парник ромлари ёниб қўйилади.

Тупроқни биологик дезинфекциялаш яхши, аммо сермеҳнат усул. Бунинг учун теплица ва парникларнинг эски тупроғини

бир жойга уйиб, орасынга қатма-қат қилиб янги гүнг жойланады ва устидан фекалий ёки шалтоқ сепилади. Бундай тупроқ юқум-сизлантириш мақсадида иккى-үч йил шу ҳолда сақлаңыз, яна қайтадан ишлатылышта яроқлы бўлиб қолади.

Ер теплицаларда сабзавот ўстиришда субстрат ўришида баъзан похол тойлари ишлатылади. Уларнинг одатдаги катталиги $90 \times 60 \times 40$ см, оғирлиги 25 кг. Бундай тойлар чуқурлиги 20—25 см ва эни бўйига (90 см) ёки похол тойининг энига тенг (60 см) бўлган ариқчаларга жойлаштирилиб, оралиғида 50 см кенгликда йўлакчалар қолдирилади.

Тойлар жойлангандан кейин 2—3 кунгача устига, токи батамом ивигунча, қайноқ (60 — 80°) сув қўйиб турилади. Уларни ивитиш билан бир вақтда сиртига (1 дона тойга 300 г ҳисобидан) оҳак, минерал ўғит — аммиак селитраси (400—500 г), қўш суперфосфат (150—160 г), калий сульфат (240 г) ва магний сульфат (100 г), шунингдек, микроэлементлар солинади.

Ивитиш ва минерал ўғитлар таъсирида тойлар ичидағи температура 8 — 10 кунда 45 — 60° гача кўтарилади, шундан кейин аста пасая бошлайди. 15 — 20 кундан сўнг тойларнинг ҳарорати 28 — 30° га пасайгач, устига 10 — 12 см қалинликда тупроқ ётқизилиб, кўчат экиласди. Ўсимликларни шундан кейинги парваришилаш мўл-кўл суғориш ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришдап иборат.

Парпик-теплицаларда унумдор тупроқ аралашмаларидан фойдаланиш мазкур ерларга ўғит солиш заруриятини истишо этмайди, зоро, ўсимликлар ўсиб, ривожланган сайин ўғитларга бўлгани эҳтиёжи орта боради. Шунинг учун теплица ва парникларда ўсимликлар озиқлантириб турилади. Ёш кўчатлар минерал ўғитлар эритмаси билан (1 л сувда 4—5 г эритилган), етук ўсимликлар эса кучлироқ концентрацияли (1 л сувда 8—10 г) эритма билан сугорилади.

Озиқлантириш учун органик ўғитлар: парранда тезаги, мол гўнги ва шалтоқ ҳам ишлатылади. Парранда тезаги билан мол гўнги бочкаларда тайёрланадиган ивитма тарзида солинади. Бундай ивитма тайёрлаш учун бочкалар учдан бир ҳажмигача тезак билан тўлдирилиб, устидан, токи бочка тўлгунча сув қўйилади. Парранда тезаги ивитмасини ишлатишдан бир кун олдин, мол гўнги ивитмасини эса өрга солинадиган куни тайёрланади. Кўчатларни озиқлантиришда парранда тезагига 15 — 20 ҳисса, етук ўсимликларни озиқлантиришда эса 10 — 12 ҳисса сув қўйинб суюлтирилади. Мол гўнги ивитмаси 3—5 баравар ва шал тоқ 2—4 баравар суюлтириб ишлатилади. Мол гўнги ва шалтоқ таркибида фосфор кам бўлади, шунга кўра уларнинг суюлтирилган эритмасига, ҳар белагига 20—30 г ҳисобида суперфосфат қўшилиши керак.

Минерал ва органик ўғитлар билан озиқлантириш навбатнавбат ўтказилади. Шундай қилинганда нуқул органик ёки минерал ўғит қўлланилгандағидан кўра яхшироқ катижаларга


эришилади. Ўсимликларинг илдиз системаси ва ер усти қисмими күйдириб юбормаслик учун ўғитлар нам тупроққа солинади, сүнгра баргларга сачраган ўғит қолдиқларини тоза сув селиб ювиб юборилади.

Парник-теплицаларда ўстирилган сабзавот экинларини барг орқали минерал ўғит ва микроэлементлар эритмаси билан озиқлантириш ҳам уларнинг ўсиши ва ҳосилдорлигига фойдали таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИнинг маълумотларига кўра, бодринг палагига фосфорли ва калийли ўғитлар эритмаси пуркаш эвазига 12—20% қўшимча ҳосил олинади.


ГИДРОПОНИКА

Гидропоника — ўсимликларни тупроқсиз, сунъий озиқли мұхитда ўстириш демакadir. Бу истиқболли усул теплицалар тупроғини алмаштириш ва дезинфекциялаш, органик ўғит солиш, тупроқ бостириш каби сермеҳнат ишлардан кутулыш имконини беради ҳамдеги автоматикани қўлланиш учун кенг имконият яратади. Бундан ташқари, касаллик ва заараркунандаларга қарши кураш осонлашади, ўсимликларнинг сув ва озиқ режимини тўла-тўқис бошқариш имконияти вужудга келади.

Ўсимликларни тупроқсиз ўстиришнинг бир неча хил усули бор. Шулардан энг жўни шағалда ўстиришидир (11-расм). Бунда стеллаж ёки тагликлардан фойдаланилади ва тупроқ ўрнига ғовак инерт материал (күм, чақиртош, шағал ва бошқалар) ишлатилилади ҳамда улар хилманихил ўғит эритмалари билан муттасил намалаб турилади. Ўсимликларни бевосита ўғит эритмасида ўстириш анча мураккаб усул бўлиб, бундай эритма герметик жипслаштирилган темир-бетон новларга солиб қўйилади ёки уни горизон-



11-расм. Шағалда ўстирилган экин.



12-расм. Сувда ўстирилган экин.

тал ҳолатда ётқизилган ва тешикчаларига күчат ўтқазилган құвурлар орқали оқизиб қўйилади (12-расм).

Озиқли эритма таркибида ўсимликлар талаб қиласидан зарурий минерал озиқ элементларининг ҳаммаси — макроэлементлар ҳам, микроэлементлар ҳам мавжуд бўлиши керак, шу билан бирга мазкур элементлар миқдори ва нисбати турли ўсиш босқичларида, йилнинг тури фаслларида ўсимликлар сўриб оладиган шу элементларнинг ҳақиқий миқдорига тўғри келадиган бўлиши шарт. Озиқли эритманинг оптимал кислоталик даражаси (pH) уларнинг яроқлилигини белгилайдиган ҳал қилувчи кўрсаткичлардан биридир. Бу кўрсаткич бутун ўсув даври мобайнида доимий —5,5—6,5 атрофида бўлиши керак.

Озиқли эритмадаги тузлар концентрацияси ўсимликлар учун заҳарли таъсири бўлмаслиги ва 2—2,5 л/г дан ошмаслиги лозим.

Совет Иттифоқида тупроқсиз сабзавот етиштириш учун асоси профессор В. А. Чесноков ва Е. Н. Базирина ишлаб чиққан, қўйидаги тузлардан ташкил топган озиқли эритма қўлланилди (1000 л сувга г ҳисобида):

Макроэлементлар

калийлы селитра KNO_3	500
суперфосфат $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$	550
магний ульфат MgSO_4	300
аммиакли селитра NH_4NO_3	200

Микроэлементлар

темир хлорид $\text{FeCl}_3 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$	6,0
борат кислота H_3BO_4	1,4
марганец сульфат $\text{MnSO}_4 \cdot \text{SH}_2\text{O}$	1,0
мис сульфат $\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$	0,1
рух сульфат $\text{ZnSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$	0,1
аммоний молибдат $(\text{NH}_4)_2\text{MoO}_4$	0,1
кобальт нитрат $\text{Co}(\text{NO}_3)_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$	0,1

Ишлаб чиқариш шароитида озиқли эритма тайёрлаш учун одатта водопровод суви ишлатилади. Сувнинг шўрлиги, таркибида ўсимликлар учун зарарли моддалар (хлор) бор-йўқлиги текшириб кўрилган бўлиши керак. Сувда аксари магний тузлари ва микроэлементлар (хлор) кўп бўлади. Бундай ҳолларда анализда аниқланган тузларнинг эритмадаги дозаси камайтирилади.

Озиқли эритмадан фойдаланиш жараёнида минерал озиқ элементларини ўсимликлар синдириши ва сувнинг буғланиши натижасида эритманинг таркиби ўзгаради, шу билан бирга, кундалик сув сарфи миқдори мева туғиш даврида ҳар туп ўсимлик ҳисобига 0,4—0,5 л га етиши мумкин. Шунинг учун ўсимликларни тупроқсиз ўстиришда озиқли эритма таркиби мунтазам текшириб турилиши зарур.

Ҳар куни pH аниқлаб турилади ва эритма таркибидаги асосий озиқ элементлар миқдори ҳафтада 1—2 марта химиявий анализ қилинади. Қилинган анализлар асосида эритма таркиби тўғрилаб турилади, 3—4 ҳафтадан кейин эса уни янги тайёрланган эритма билан алмаштирилади. Гидропон қурилмаларда тупроқ ўрнида ҳар хил инерт материаллардан — шағал, йирик қўум, керамзит, вермикулит, торф, тўпон, шоли қипиғи, ёғоч қипқлари, похол ва сертешик синтетик материаллардан фойдаланиш мумкин. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам субстрат сертешик, ҳаво ва сувни яхши сингдирадиган, сув сифими катта, шунингдек, химиявий реакцияси нейтрал бўлиши керак.

Субстрат танлашда унинг физик-химиявий хоссалари, жамғариш осонлиги, қиймати ва узоққа чидамлилиги ҳисобга олинишви дозим. Шағал, чагиртош, вермикулит каби субстратлардан 10—15 йил ва ундан ҳам узоқроқ фойдаланиш мумкин, торф, шоли қипиғи эса 1—2 йилдан узоққа чидамайди.

Гидропон усулдан сабзавот етиштириш аксари қишики теплицаларда қўлланилади. Аммо жанубда, айниқса тогли ёки чўл районларда очиқ ерда гидропон қурилмалар қуриш (очиқ ер гидропоникаси) ҳам маълум даражада аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

ПАРНИК-ТЕПЛИЦАЛАРДА НАМЛИК ВА ГАЗ РЕЖИМИ

Парник ва теплицаларда, айниқса, тупроқ қатлами юққа бўлган стеллажли теплицаларда, тупроқдаги нам ҳаддан ташқари тез буғланади. Шунинг учун теплица ва парникларда тупроқ ҳамда ҳаво намлиги истиғодада ростлаб туриш биринчи даржали аҳамиятга эга.

Тупроқнинг нисбий намлиги тўла нам сифимининг тахминан 70% атрофида бўлиши ва ўсимликларнинг турига, ёшига ҳамда ривожланиш фазасига қараб (60% дан 80—90% гача ўзгариб туриши мумкин).

Редиска, барра пиёз, сельдерей, карам күчати ва мева тушиш даврига кирган бодринг экини намни айниңса кўп талаб қиласди.

Томатдошларга мансуб сабзавот экинлари ҳамда ҳали ҳосилга кирмаган бодринг ўсимлиги намга камроқ мухтож бўлади. Пикировка қилинган ёки кўчириб ўтқазилган, ҳали яхши илдиз отмаган ёш экма ниҳоллар ва кўчатлар айниңса намсевар бўлади.

Ҳавонинг нисбий намлиги тахминан қўйидагича бўлиши керак, %:

бодринг	85—95
гулкарар, салат, исмалоқ	85—80
ва сельдерей	60—70
карам кўчати	70—80
полиз экинлари	60—65
помидор, қалампир, бақлажон	

Тупроқ ва ҳаво намлигини ростлаб туриш йўли билан ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқариш мумкин. Тупроқда мўътадил даражада нам бўлиши мева тугишининг жадаллашувига ёрдам беради-ю, аммо гуллаш ва вегетатив органлар ўсишини секинлаштириб қўяди. Тупроқ ва ҳавонинг юқори даражада нам бўлиши ўсимликларнинг вегетатив органлари ўшишини кучайтиради, гуллаш ва мева тугишини сусайтириб қўяди. Ҳавонинг ҳаддан ташқари нам бўлиши замбуруғ касалликлари авж олишига ёрдам беради. Ҳавоси сув буғлари билан тўйинган теплица ва парниклардаги температура пасайиши натижасида ҳосил бўладиган томчи (шудринг) ҳолидаги нам айниңса зарарлидир.

Парник-теплицалардаги экинларни камроқ, аммо илдизлар таралган тупроқ қавати батамом намланадиган даражада мириқтириб сугорилгани маъқул. Сугориш нормаси — қишида 1 m^2 га 5 л чамасида, офтобли кунлар бошлангандан кейин эса 15—20 л. Сугориш суви тоза ва илиқ бўлиши керак. Қишида, эрта кўкламда сугориш сувини теплица ва парниклардаги ҳавонинг температурасига қадар илтилади. Парник ва кичикроқ теплицаларда экинлар шланглардан оқизиб ёки лейкалардан сочиб сугорилади. Кеч кўклам, шунингдек, ёзда парник ва кўчатхоналардаги экинлар сувни оқизиб қуиб, ер теплицаларда эса эгатлаб сугорилади.

Баъзан, 30—40 см чуқурликка ётқизилган сопол ёки асбест цемент қувурлар ёрдамида тупроқ остидан сугориш усули ҳам қўлланилади. Тупроқ остидан сугоришнинг афзаллиги шундаки, у ҳавонинг намлигини оширмай туриб, тупроқни сернам ҳолатда сақлаш имконини беради.

Теплица ва парниклардаги ўсимликларни парваришлашнинг яна бир усули *димлашдир*. Бунинг учун ҳаво температураси намлиги баравар оширилади. Димлаш усули ўсимликларнинг илдизлари ва вегетатив органлари ўсишини тезлаштириш мақ-

садида құлланилади. Ниҳоллар пикоровка қилинган, күчтілар күчириб ўтқазилғандан кейин, шунингдек, бодринг тупларини яшартиришда, вегетатив массаны тез ўстириб юбориш мақсадида теплица ва парниклар димланади. Бу тадбир иккі сугориши оралиғида, булутсиз, офтобли кунда ўтқазилади. Ұсимликлар одатдаги нормада — 1 м² га 1,5—2 л сув қуйиб сугорилади, сүнгра қизиб ётгап мүрилар устига сув пуркаб, ром ва форточкалар ёпиб қўйилади, натижада тупроқ сатҳида буғланиб кўтариувчи нам парник-теплица ичидаги ҳавони сув буғи билан тўйинтиради.

Парник-теплица иншоотларида ҳаво-газ режими вентиляция ва сунъий равишида газ юбориш йўли билан ростлаб турилади.

Теплица ва парникларда мўл-кўл сабзавот ҳосили етиштиришда ұсимликларни карбонат ангидрид билан озиқлантириш катта аҳамиятга эга. Кўпчилик сабзавот экинлари ҳаводаги карбонат ангидрид миқдори 0,3—0,4% бўлганда, бодринг эса бу миқдор 0,7% ни ташкил қиласанда энг юқори ҳосил беради, ҳолбуки атмосфера ҳавосида 0,03% чамасида карбонат ангидрид бўлади.

Биологик ёқилғи билан иситиладиган парник ва теплицаларда гўйгингин чириб парчалапиши натижасида кўп миқдорда карбонат ангидрид ажралиб чиқади. Техникавий усулда (сувбуғ, электр ва бошқалар срдамида) иситилганда эса ҳаводаги карбонат ангидрид миқдорини сунъий равишида кўпайтиришига тўғри келади. Бунинг учун стеллажлардаги тупроқ остига гўнг солинади, органик ўғитлар билан озиқлатириш қўлланилади, писта кўмир ёки ўтин ёқилади, шунингдек, баллонларда келтириладиган суюқ ёки қаттиқ (1 м³ теплица майдонига 10 г ҳисобида) карбонат ангидрид ишлатилади.

Завод ва фабрикалар яқинида жойлашган катта теплица хўжаликларида саноат корхоналаридан чиқадиган тутун-куюнди газлар таркибидаги карбонат ангидридан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай газлар махсус фильтрларда тозаланиб, қувурлар орқали теплицаларга юбориб турилади.

Намлиқ, карбонат ангидрид ва иссиқлик миқдори ортиб кетса, парник-теплица ичи шамоллатилади. Шамоллатиш айни вақтда уч факторга: ҳавонинг температурасига, намлигига ва газ таркибига таъсир этади, шунинг учун ундан шундай фойдаланиш керакки, у факторлардан бирини ўзгартирсин-у, аммо бошқаларининг кераксиз ўзгаришига сабаб бўлмасин. Шамоллатишдан мутлақо фойдаланмаслик асло мумкин эмас, чунки шамоллатиб турилмайдиган парник ва теплицалардаги ұсимликлар тез-тез касалга чалинади.

Парникларни шамоллатиш учун ромлар кўтариб ёки олиб қўйилади. Ҳаво совуқ пайтларда ромнинг бир четини сал кўтариб, 4 см қалинликдаги ясси таглик қистириб қўйиш ёки ҳатто ромни тезгина очиб, яна жойига ёпиб қўйиш ҳам кифоя қила-

ди. Қуёш яхши иситадиган пайтларда шамолининг йўналишини ҳисобга олиб, ромларниң бир томони тўлқинсимон (паст-баланд) тарзда ёки ёнламасига кўтариб қўйилади. Ташқи ҳаво температураси ўсимликлар учун оптималь даражага етгандан кейин ромлар дастлаб кундуз кунлари, кейинчалик эса кечаси-лари ҳам бутунлай олиб қўйилади.

Теплицаларда шамол кирадиган туйнуклар (форточкалар) юқорида, ўрта харни ёнида ён деворларидага жойлашади. Теплицалар лойиҳалаштирилаётганда туйнуклар сони ва уларниң қандай жойлаштирилиши албатта ҳисобга олиниди. Бинонинг ўртача ҳажми қанча кичик бўлса, шамоллатиш системаси шунча кучли бўлиши керак. Катта теплицадан ортиқча иссиқликни чиқариб юбориш учун бир соатда 20—25 ҳажм ҳавони янгилаш талаб қилинади. Буниш учун шамол кирадиган туйнуклар юза-си бутун теплица ички юзасининг 5—8% га тенг бўлиши керак.

Ташқи температура паст бўлганда фақат юқоридаги форточкалар очиб қўйилади. Агар бу кифоя қилмаса, эшиклар, ундан кейин ён фортокалар ҳам очилади. Ҳозирги катта-катта теплицаларда шамол киришини бошқариш механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган. Ҳаво температураси ва намлигини маҳсус асбоблар кузатиб туради, шамол ҳосил қиласидиган аппарат (вентилятор)ни улаш ва ўчириб қўйишни ҳам шу асбобларнинг ўзи бажаради. Устига плёнка ёпилган теплица ва парникларга алоҳида эътибор билан қараш талаб этилади, чунки уларниң ичи тез қизиб кетади ва газларни ўтказмайди. Шунинг учун шамоллатиб турилмайдиган плёнкали теплица-парникларда ортиқча намиқиш юз бериши ёки ортиқча карбонат ангидрид ва бошқа газлар тўпланиб қолиши мумкин.

Ўрта Осиёдаги парник-теплицалар баҳорда ҳаво очиқ бўлган кундузги пайтларда кўпинча жуда қизиб кетади. Агар бундай пайтда улар бирданига қаттиқ шамоллатилса (ромлар олиб қўйилса ва барча фортокалар очиб юборилса), хона ичидаги ҳавонинг намлиги кескин пасайиб кетиб, ўсимликлар сўлиб қолиши мумкин, бу эса уларниң ўсиши ва маҳсулдорлигига, албатта, таъсир этади. Ҳаво намлиги ўзгаришидан бодринг экини айниқса тез таъсирланади. Бундай пайтларда соя тушириш усулини қўлланишга тўғри келади. Бунинг учун парникларни, икки томонлама нишаб теплицаларниң фарбга қия томони борат эритмаси билан оқлаб қўйилади, соя соладиган материаллар (чипта, бўйра, қамиш ва ш. к.) ёпилади.

ПАРНИК ВА ТЕПЛИЦАЛАРДА САБЗАВОТ ҚУЧАТЛАРИ ЕТИШТИРИШ

ҚУЧАТ ЕТИШТИРИШ УСУЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Кўчат етишиши ўсулининг моҳияти шундаки, ўсимликлар ҳаётининг дастлабки даврида, токи 4—6 та ва ундан кўпроқ барг чиқаргунча, парникларда, кўчатхоналарда ёки ўсимликлар

кўпайтириладиган теплицаларда ўстирилиб, шундан кейин доимий очиқ жойга ёки ҳосил етиштириладиган теплицаларга кўчириб ўтқазилади. Кўчириб ўтқазишга мўлжалланган ўсимликлар кўчат деб аталади. Сабзавотчиликда кўчат қилиш усули кенг қўлланилади. СССРда сабзавот экинлари билан банд бўлган майдоннинг қарийб ярмисига кўчат ўтқазилади. Бу усул уруғни одатдагича далага экишга нисбатан бир қанча афзаликларга эга. Аввало, у анча эртаги ҳосил етиштириш имконини беради, чунки парник теплицаларда кўчатларни қишида ва эрта кўкламда баҳорги дала ишлари бошланмасдан анча илгари ўстириш мумкин. Кўчат қилиб ўтқазилган ўсимликлар ривожланишда кўкламда бевосита далага экилган экинлардан 30—40 кун ўзиб кетади. Мана шу ўзиб кетишида ўсув даври узоқ давом этадиган иссиқсевар ўсимликлар (масалан, помидор) ни мўътадил иқлимли шароитда ҳам ўстириш имкони вужудга келади, ҳолбуки бундай жойларда улар уруғдан экилса, етилмай қолади ва жуда кам ҳосил беради.

Парниклар ёки кўчатхоналардаги кичик майдонларда кўкат етиштириш экма ниҳолларни, ҳали ўзини ўнглаб олмаган нимжон ёш ўсимликларни касаллик ва зааркунандалардан ҳимоя қилишини яхши ташкил қилиш имконини беради.

Бундан ташқари, кўчатдан ўстирилганда уруғлик анчагина (5—6 баравар) тежалади, майсаларни яганалашга ҳожат қолмайди, қатқалоқ ва бегона ўтларга қарши кураш осонлашиади.

Бироқ у ёки бу экинни кўчатдан ўстириш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлса, яъни эртаги маҳсулотнинг қиймати қилинган ишлаб чиқариш чиқимларини тўла қоплай олсагина бу усулни қўлланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун ёмон кўчат ўстирган ва уни далага кўчириб ўтқазилгандан кўра, уруғнинг ўзини тупроққа эка қолган минг чандон афзалроқдир.

Сабзавотчилик практикасида кўчат икки хил усулда: бевосита парник ёки кўчатхона тупроғида ҳамда чиринди стаканчалар ва озиқли кубикчаларда етиштирилади.

БЕВОСИТА ПАРНИКЛАРДА КЎЧАТ ЕТИШТИРИШ

Кўчат етиштириш учун икки қисм парник чириндиси ёки яхши чириган компост ҳамда бир қисм унумдор дала тупроғи ёхуд чимзор тупроғидан иборат серунум тупроқ тайёрланади. Уруғ экиладиган парникларга 10—12 см қалинликда тупроқ солинади, бу ҳар бир парник ромига салкам 0,2 м³ ёки 0,25 т дан тўғри келади.

Узбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ ўтказган тажрибалар шуни кўрсатадики, 10 см қалинликда солинган шоли қипиғи сабзавот кўчатлари ўстиришда субстрат хизматини ўташи мумкин экан. Бунда кўчатлар минерал ўғитлар эритмаси билан сугориб турилади.

Уруғ илиқ ёки ним илиқ парникларга, кўчатлар далага ўтқазиладиган муддатдан тахминан 60—70 кун олдинроқ экилади.

Эртаги карам уруғи декабрь-январь ойларидан, ўртаги карам — март-апрелнинг бошларида; эртаги помидор уруғи февралнинг бошларида; кечки помидор, бақлажон ва қалампир уруғлари — февралнинг иккинчи ярми — марта инг бошида; бодринг уруғи эса марта инг иккинчи ярмида сепилади. Уруғлар ивитилмасдан, баъзан ивитеб экиласди.

Қасаллик қўзғатувчи микроорганизмларни йўқотиш учун экишдан олдин 1 кг уруғлик 3 г препарат ҳисобидан гранозан (НИУИФ—2) ёки 1 кг уруғлик 4—8 г препарат ҳисобидан ТМТД (тетраметилтиурамдисульфид) билан дориланди. Помидор уруғлари бактериал ракка қарши, албатта, дорила-ниши шарт.


Уруғни сочма усулда ёки қаторлаб экиш мумкин. Сочма қи-либ экилганда уруғни хаскашлар ёрдамида тупроққа кўмиб ке-тилади ёки устига чиринди сепилади.

Қаторлаб экиш учун эгат очадиган планкали маркер ёки қаторлаб экадиган парник сеялкасидан фойдаланилади. Карам ва помидор уруғлари ҳар бир парник роми остига 15—20 г ёки 1 га майдонга етарли кўчат олиш учун 300—400 г бақлажон уруғи ҳар бир ром тагига 20—25 г ёки гектарига 600 г ва қа-лампир уруғи ҳар 1 ром тагига 30—35 г ёки гектарига 800—1000 г миқдорида сарфланади. Уруғлар йирик-майдалигига қа-раб 3—4 мм дан 10 мм гача чуқурликка кўмилади.

Уруғ экиб бўлингандан кейин юқори температурали шароит (бодринг ва помидор ўсимликлари учун 25—30° ва карам ҳамда кўкат сабзавотлар учун 15—20°) вужудга келтириш мақсадида парниклар усти ром ва матлар билан ёпиб қўйилади.


Майсалар кўриниши билан матлар олиб қўйилади ва пар-никларни 4—5 кунгача шамоллатиб турилади, шу йўл билан температурани томатдош ҳамда қовоқдош ўсимликлар учун 10—15° гача, карам ҳамда кўкат сабзавотлар учун 6—8° гача пасайтирилади. Матлар ўз вақтида олин-маса, ниҳоллар бўйига ўсиб кетиб, кўчат сифати кескин даражада пасаяди.

Уруғ экилгандан кейин икки-уч ҳафта ўтиб, майсаларда дастлабки чинбарг ҳосил бўлган пайтда уларни пикировка қилишга киришилади. Пикировка деб экма ни-ҳолларни кўчириб олиб, каттароқ озиқланиш майдонига ўтқазишга айтила-ди (13- расм).




13-расм. Помидор кўчатларини пикировка қилиш:
1 — пикировка қилинмасдан олдин; 2 — пикировка қилингандан кейин.

Пикировка қилинмаган



14 күнда 21 күнда

Пикировка қиплінган



21 күнда 27 күнда

14-расм. Пикировка қилишнинг қарам күчатлари илдиз системасыга таъсири:

Күчатларни күчириб ўтқазиш шунинг учун зарурки, уруғ жуда қалин сепилганилиги сабабли ниҳоллар жуда сиқилишиб қолади ва бир-бирини эзіб қўяди. Ниҳоллар одатта ним илиқ ва ҳатто совуқ парникларга күчириб ўтқазилади. Уруғни иссиқ парникларга қалин қилиб экиш ва кейинчалик ниҳолларни ним илиқ ёки совуқ парникларга сийрак қилиб күчириб ўтқазиш эрта муддатда экиш афзаллигини сақлаб қолиши билан бирга биологик ёқилғини анча тежааш имконини ҳам беради.

Пикировка қилинганда ниҳолнинг ўқ илдизчаси узилиб чиқади, шунинг учун пикировка қилинган күчатнинг илдиз системаси калтароқ, аммо атрофга қараб яхши ривожланган бўлиб ўсади (14-расм).

Пикировка қилаётганда энг бақувват ва соғлом ўсимликлар танлаб олинади. Күчириб ўтқазилган ўсимлик илдизининг бир қисми узилиб қолганлиги сабабли уларнинг ўсиши сустлашади. Күчатнинг ёши қанча катта бўлса, унинг ўсиши шунча кўп секинлашади.

Пикировка қилинган парниклардаги ўсимликлар токи далаға күчириб ўтқазилгунча ўсиб тура беради, бундай парникдаги тупроқ қавати уруғ экиладиган парникларнидан қалироқ — 13—18 см (ҳар бир парник роми тагига 0.35 м^3 ёки 0.4 т тўғри келадиган) бўлиши керак.

Пикировка қилишдан олдин парник тупроғи текисланиб, планкали маркер ёрдамида нишон солиб чиқилади, экиш қозиқчаси ёрдамида чукӯрчалар очиб, ниҳол уруғ барглари бўғзигача тупроққа кўмилади. Агар ниҳолнинг илдизчаси жуда катта бўлиб, ўтқазилаётгапда букилиб қоладиган бўлса, учи чиллип ташланади.

Пикировка қилиш қалинлиги ўсимликнинг тўрига боғлиқ. Қарам ва қалампир ниҳоллари 4×4 ёки $5 \times 5 \text{ см}$ қалинликда, бақлажон $5 \times 5 \text{ см}$, помидор 6×6 , $7 \times 7 \text{ см}$ қалинликда ёки ўтқазилаётган күчатнинг ёшига қараб, ундан ҳам сийракроқ қилинади. Күчатнинг ёши қанча катта бўлса, озиқланиш майдони ҳам шунга яраша кенгроқ қолдирилади.

Катта озиқланиш майдонида ўстирилган күчтөр, далага экилгандың үкөрү ҳосил беради. Аммо бунда олинадиган қүштимча ҳосил бу усулда күчтөр ўстириш учун кетадиган ортиқча харажатларни ҳамиша ҳам қолпайвермайды (9-жадвал).

9- жадвал.

**Озиқланиш майдонининг Маён 12 — 20/4 нав помидор ўстириши
рентабеллигига таъсири**

(Тоҷикистон Қишлоқ хўжалик ИТИ маълумотларидан)

Кўчатнинг озиқланиш майдони, см	Ҳосил, га/ц		1 га ҳисобига олинган соғ даромад	Рентабеллик даражаси, %
	умумий	шу жумладан 1/VII гача		
6×6	445	85	3464	335
8×8	454	97	3364	270
10×10	511	120	3588	200

Пикировка қилиб бўлингандан кейин парникдаги кўчатлар қондириб сугорилади ва улар яхши тутиб олиши учун бир-икки кунгача ромлар усти матлар билан соя қилиб қўйилади. Кўчатлар ўз вақтида пикировка қилинса, яхши тутиб кетади.

Ўрта Осиёда кечки қарам, баъзан эса, бақлажон, қалампир ва кечки помидор кўчатлари ҳам пикировка қилинмасдан ўстирилади. Бу ҳолда кўчатлар оралигини 3—5 см қолдириб яганаланди ва ораларига чирицили тупроқ сочиб чиқилади.

Пикировка (ёки ягане) қилингандан кейин кўчатларни парваришлаш ишлари — сугориш, температурани керакли даражада сақлаб туришдан иборат (кундуз куни парниклар шамоллатиб турилади, кечаси ва изғирин турган пайтларда устига матлар ёпиб қўйилади).

Иссиқсевар ўсимликлар (бодринг, томатдошлар) кўчати кундузи 18—25° ва кечаси 10—15°, қарам кўчати анча пастроқ: кундузи 12—18° ва кечаси 8—10° температурада ўстирилади.

Пикировка қилингандап 8—10 кун ўтгач, ниҳоллар яхши тутиб кетгандан кейин кўчатлар биринчи марта ва улар далага кўчириб ўтқазилишидан 1—1,5 ҳафта олдинроқ — иккинчи марта органик ёки минерал ўғит эритмалари билан озиқлантирилади. Қарам кўчатларини озиқлантириш учун бир чеклак сувга 15—20 г аммиакли селитра, томатдош ўсимликлар кўчати учун 10—15 г селитра ва 30—40 г суперфосфат қўшилади.

Зарур бўлган ҳолларда парниклар ўтоқ қилиниб, бегона ўтлар йўқотилади ва тупроқ қатқалоги юмшатилади.

Яхши парвариш қилинган кўчат паст бўйли, бақувват, пояси ўғон ва бўғим оралиги калта бўлади (15-расм). Бўйига ўсиб кетган, пояси ингичка ва бўғим оралиги узун кўчатларни ўтқазиш ноқулай бўладп, улар яхши тутмайди ва кам ҳосил беради.



15-расм. Бўйига ўсиб кетган (чапда) ва тўғири ўстирилган (нормал) помидор кўчатлари.

Шунинг учун парваришлаш системаси юқори сифатли, чиниқсан, далада бўладиган ҳар қандай қийинчиликларга мосланган кўчат етиширишга қартилмоғи лозим. Кўчатларни кўчириб ўтқазишдан олдин одатда тавсия қилинадиган 8—10 кунлик чиниқтириш етарли эмас; кўчат бутун ўстириш даврида чиниқтириш борилиши зарур. Кўпгина олимларнинг тадқиқотлари, биздаги ҳамда чет элдаги илғор тажриба ютуқлари ана шундан далолат беради. Кўчатлар мўътадил температураларда, камроқ суғорилиб ва оширилган дозада

фосфор-калий ўғитлари билан озиқлантириб ўстирилса, ўсимликлар бақувват, чидамли ва серҳосил бўлиб етишади. Олмаота яқинида (Қозоғистон ҚҲИ) олиб борилган тажрибалардан биррида тупроққа ўтқазишдан олдин атиги 12 кун давомида чиниқтирилган кўчатларнинг 80,8% ини салгина (3°) совуқ ҳам уриб кетди, пикировка қилишдан олдин плёнка ёпилган теплицада чиниқтирилган ва далага ўтқазишдан олдинги чиниқтиришдан ҳам ўтган кўчатларнинг 35,8% ини совуқ урди, юқоридаги чиниқтиришлардан ташқари, экишдан олдин уруққа ҳар хил температуралар таъсир эттирилган кўчатларнинг эса атиги 30,2% ини совуқ урди.

Кўчатлар далага кўчириб ўтқазишга тайёр ёки тайёр эмаслиги уларнинг ривожланишига, яъни барглари сонига қараб аниқланади. Қарам, қалампир ва бақлажон кўчатлари одатда 4—5 та барг чиқарган пайтида, помидор кўчатлари эса камида 6—7 та барг чиқарган вақтида кўчириб ўтқазилади.

Парниклардан кўчатлар авайлаб, илдизларини шикастлантиримай танлаб кўчириб олинади. Кўчиришдан олдин кўчатлар қондириб сугорилади ва парникдан илдизларига ёпишиб турган лойи — нам тупроги билан бирга кўчирилади. Агар кўчатлар парникдан лойисиз чиқса, дарҳол мол тезаги аралаштирилган суюқ лойга ботириб олинади, бу уларни тез қуриб қолишдан асрайди.

Кўчатлар кўчирилганда илдизларнинг бир қисми узилиб қолмай иложи йўқ, натижада ўсимликларнинг сўрувчи қисми (илдизлари) билан буғлантирувчи қисми (барглари) ўртасидағи нормал нисбат бузилади. Ана шу нисбатни тиклаш учун баъзан кўчатнинг пастки барглари юлиб ташланади. Ўтқазилганда қайрилиб қоладиган даражада узун бўлган илдизлар чил-

пиб, қисқартирилди. Ўтқазилган күчат илдизлари билан тупроқ ўртасида боғланиш ҳосил қилиш учун күчат атрофидаги илдизни салгина босиб кўйилади. Шундай қилинмаса, күчат жуда секин тутади, баъзан эса тутмай ҳам қолади.

Далага ўтқазилган күчатлар яхши тутиб кетиши учун дарҳол сугорилади, сўнгра хато жойларига қайтадан күчат ўтқазилади, ёз давомида эса бир неча марта сув берилади.

ТУВАКЧА ВА ҚУБИКЛАРДА КҮЧАТ ЎСТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Кўчириб ўтқазилганда илдиз системаси қаттиқ шикастланган ўсимлик касалланади, ривожланишдан орқада қолади, баъзан эса нобуд бўлади ҳам. Кўчат илдизларини яхши асраш учун улар қоғоз ёки плёнка стаканчаларда, сопол тувакчаларда, торф-чиринди ёки чириндили тупроқ кубикларида ўстирилади.

Қоғоз стаканчалар икки қаватланган газета қоғози ёки ўров қоғоздан ясалади, бунда қолип ўрнида металл цилиндр ёки бутилкадан фойдаланилади. Стаканчалар тупроқ билан тўлдирилиб, парник ичига териб кўйилади.

Сопол тувакчалардан асосан теплицалар учун бодринг ва помидор кўчатлари етиштиришда фойдаланилади.

Озиқли кубиклар (тувакчалар) парник-теплица хўжалигида айниқса кенг қўлланилади. Саноатда кубиклар тайёрлаш процессини тўла механизациялаш имконини берадиган юқори унумли машина ва станоклар ишлаб чиқарилмоқда. Сабзавот кўчатларни чиринди кубикларда ўстирилганда ҳосил анча ошади ва сабзавот янада эртароқ пишиб етилади.

Кўчатни далага кубик билан бирга кўчириб ўтқазилади, шу сабабли илдизлари шикастланмайди, ўсимлик касалланмайди. Бу усул кўчатни одатдаги усулда ўстирилгандагига нисбатан анча катта ёшда кўчириб ўтқазиш имконини беради. Кўчат билан бирга ўтқазиладиган кубиклар ўсимликлар учун қўшимча озиқ манбаи бўлади. Натижада бундай кўчатлар анча (2—3 ҳафта) эртароқ етилади ва мўл-кўл ҳосил беради.

Жанубий Қозоғистонда Г. Т. Қаплина (1972) томонидан олиб борилган кўп йиллик тажриба якунларига қараганда, одатдаги (тувакчасиз) усулда ва тувакчаларда ўстирилган кўчатлардан экилган помидор ҳосили қуйидагича бўлган, га/ц:

Кўчат ўстириш усуllibari

тувакчасиз ўстирилган- да	тувакчалар- да ўстирилган- да
20/VII даги олинган ҳосил Ялпи ҳосил	542,0 544,9
	(575,0 631,9)

Кубиклар ўстириладиган ўсимликлар учун яхши озиқли мұхит хизматини ўтайдыган, етарлы даражада пишиқ, айни вақтда ўсимлик илдизларини, шунингдек, ұаво ва намликни яхши ўтказадиган бўлиши керак.

Урта Осиёда кубиклар чириган гүнг, компост, чим тупроқ аралашмаси ва минерал ўғит, мол гүнги, қипиқ, шоли қипиғи, сомон, торф кукуни ёки саксовул кукуни қўшиб тайёрланади. Қирғизистон ва Қозоғистонда улар 20—25% чиринди, гүнг ёки чим тупроқ ҳамда 5% мол гүнги қўшилган торфдан ясалади.

Ўзбекистонда компост қилинган гүнг, чиринди, торф ва бошқа органик моддаларга 10—15% ғоваклаштиручи материал қўшиб тайёрланган кубиклардан фойдаланиш яхши натижалар бермоқда. Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошка-чилик ИТИ тажрибаларида компостлаштирилган аралашма сабзавот ҳосилига қандай таъсир кўрсатишини характерловчи қўйидаги маълумотлар олинди, га/ц:

<i>Кубиклар</i>	<i>Қарам</i>	<i>Помидор</i>
компост аралаштирилган ясалган	323	441
компост аралаштирилган ясалган	440	540

Озиқли аралашмаларга ҳамма вақт қўйидаги миқдорда азотли ва фосфорли ўғитлар қўшилади. 1 м³ аралашмага кг ҳисобида:

<i>Экин</i>	<i>Аммиакли селитра</i>	<i>Суперфосфат</i>
<u>Қарам</u>	2,0	1,7
<u>Помидор</u>	1,5	3,0
<u>Бодринг</u>	0,8	1,0

Кубикларни ясашга кириштірілген олдин озиқли аралашмани яхшилаб қориштирилади, ғалвирдан ўтказилади ва намланади (60—70%). Аралашма яхши намланмаса, кубиклар қолиплананётгандан уваланиб, сочилиб кета беради, башарти жуда ортиқча намлаб юборилса, кубиклар эзилиб, ғижимланиб қолади ва шаклини йўқотади.

Чиринди-гүнгли кубикларни олдинроқ, ёзда тайёрлаб, қуритиб қўйиш ва бостирмалар тагида ёки усти сомон билан сувалган уюмларда сақлаш мумкин. Қуритилиб, қайтадан намланган кубиклар янги тайёрланган кубиклардан кўра яхшироқ бўлади.

Кубиклар тўрт ёки олти қиррали шаклда қилинади. Олти қиррали кубиклар афзалроқ ҳисобланади, чунки уларнинг четлари ясси (тўмтоқ)роқ бўлгани учун камроқ синади.

Кубикларнинг одатдаги катталиги — 6×6×6 см, аммо помидор ва бодринг ҳамда бошқа қовоқдош ўсимликлар учун

$8 \times 8 \times 8$ см катталикда қилинади. Агар етук күчатлар олиш, шунингдек, бир тувакчада иккитадан ўсимлик ўстириш мўлжалланса, кубикларни $10 \times 10 \times 10$ см гача катталаштирилади.

Кубиклар қўл қолипчалари ва ҳар хил стапоклар ёрдамида тайёрланади. Ўрта Осиёда бир соатда 5—7 минг дона $6 \times 6 \times 6$ см ёки $8 \times 8 \times 8$ см катталикдаги кубик тайёрлай оладиган ИГ—9 М станоги айниқса кенг тарқалган. Бу станок 4,5 квт қувватли мотордан ёки тракторнинг қувват олиш ўқидан куч олиб ҳаракатланади. Станок озиқли аралашма солинадиган дозатор, қориширгич, қолиплаш аппарати ва транспортёрдан иборат. Станокда 5—6 киши ишлайди.

ПАМ—6—22 маркали кўчма қўл станоги кубикларни бевосита парникларнинг ўзида штамповка қилиш учун хизмат қиласди. Озиқли аралашмали парникка жойлаб қўйилади-да, $6 \times 6 \times 6$ см катталикдаги кубиклар ясалади. Бундай аппаратда соатига 900 донага қадар кубик тайёрлаш мумкин. РГС—25 маркали қўл станогида соатига 3000 дона гача кубик ясалади.

Кубиклар парникдаги қизинган гўнг устига солинган 5×6 см қалинликдаги тупроқ устига териб қўйилади. Чуқурчаларни чиринди билан тўлдирилади. Қарам ва томатдош ўсимликлар уруғи одатда парник тупроғига экилиб, сўнгра кубикчаларга кўчирилади (пикировка қилинади).

Пикировка қилишга учча чидамли бўлмаган бодрилг ва полиз экинлари уруғини, бальзан эса қарам ва помидорни ҳам бевосита кубикларга экиласди. Бунипг учун ҳар бир тувакчага 2—3 дона упдирилган уруғ экилиб, кейинчалик яганалаш вақтида бир ёки икки туп ўсимлик қолдирилади.

Кубикларда ўстирилган кўчатни шундан кейинги парваришлаш бевосита парникларда ўстирилган кўчатни парваришлашдан фарқ қilmайди.

Кубиклардаги қарам кўчати беш-олти ва ҳатто етти дона барг чиқарган пайтида (16- расм), помидор кўчатлари эса гунчалай бошлагаида ерга ўтқазилади. Кўчат кўп қаторли катаклар билан жиҳозланган автомашина ёки автокачкаларда ташилади, яшиклар транспортларга уч-беш қават қилиб тахланади.

ЕРДА ЎСТИРИЛГАН ЖАНУБ КЎЧАТИ

Кейинги йилларда мамлакатнинг жанубий районларида сабзавот экинлари кўчати очиқ



16-расм. Чирипди кубикда ўстирилган қарам кўчати, далага ўтказиш олдиндан.

ерда ўстирилиб, шимолроқ районларга жўнатилмоқда. Асосий сабзавоткор районларда парниклар ва биологик ёқилғи етиш маслиги, маҳаллий кўчатнинг таннархи қимматга тушиши (минг донаси 10—15 сўм) шуни тақозо этмоқда.

Грузия, Қрим, Озарбайжон ва Узбекистонда бошқа ёқса жўнатиладиган помидор кўчатларини очиқ ерда ўстириш юзасидан ишлаб чиқариш-тажриба ишлари олиб борилди.

Кримда Маяк 12/20—4 нав помидор кўчати мартнинг ўрталарида устига плёнка ёпилган ва ёпилмаган ток пушталарига экиб ўстирилди. Ана шу кўчатлар Харьков атрофига олиб бориб ўстирилганда йириклиги ва пишиб етилиш муддати жиҳатдан маҳаллий кўчатларницидан қолишмайдиган ҳосил берди. Очиқ ерда ўстирилган кўчатнинг таннархи, автотранспортда етказиб бериш ҳақини ҳам қўшиб ҳисобланганда, мингтаси 3 сўм 20 т га тўғри келди, маҳаллий кўчат таннархи эса 12 сўм 50 т га тушди.

Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг ўқув-тажриба хўжалигида Сибирь эртапишар 1450 нав помидор кўчати етиширилди. Унинг уруғи 9 апрелда очиқ ерга экилиб, пикировка қилинмай ўстирилди. 5 июнда саватларга жойланган кўчатлар самолётда Омскка етказилди ва эртасига Сибирь Қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтининг ишлаб чиқариш участкасига ўтқазилди. Айни вақтда шу навнинг ўзи, худди шу муддатда, ўша ернинг ўзида парникларга экилиб (озиқланиш майдони 8×8 см) ўстирилган эди. Тошкентдан олиб борилган кўчат гектаридан 417 ү (шу жумладан 158 ү нимраиг етилган) ҳосил берди, маҳаллий кўчатнинг ҳосили эса шунга мувофиқ 342 ва 101 ү ни ташкил қилди. Тошкент кўчатининг таннархи (транспорт харажати ва саватлар қиймати билан бирга) минг донаси 16 сўм 40 т га, парникларда ўстирилган маҳаллий кўчат таннархи эса 26 сўмга тўғри келди. Ундан кейинги йилларда ҳам шунга ўхшаш натижалар олинди.

Узбекистоннинг жануби (Термиз ва Жарқўрғон районлари) да помидор уруғи февралнинг боши ёки ўрталарида очиқ ерга экилади ва апрелнинг учинчи ўн кунлигига, яъни Тошкент областида кўчат ўтқазиш учун қулай муддатда кўчатлар тайёр бўлади. Жарқўрғон районидаги «Ленин ўйли» совхозида уруғлар СОН—2,8 сеялкада экилади. Очиқ ерда ўстирилган кўчатлар икки марта ўтоқ ва икки марта ягана қилинади, икки марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилади, олдиндан олинган эгатлар бўйлаб икки марта (талабига қараб) сугорилади. Ана шундай кўчатлар Тошкент областида гектаридан 410 ү ҳосил берди ва минг донаси 1 сўм 40 т — 2 сўмга, парникларда етиширилган маҳаллий кўчатларнинг минг донаси эса 9—12 сўмга тушди.

Келтирилган мисоллар жанубда мамлакатнинг шимолий районлари учун очиқ ерда кўчат ўстириш, шубҳасиз, катта истиқболга эга эканлигидан далолат беради.

ПАРНИК-ТЕПЛИЦЛАРДА САБЗАВОТ ЎСТИРИШ

ПЛЁНКА ТАГИДА ЭРТАГИ САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ

Ўрта Осиёда ва Қозоғистоннинг жанубида кейинги вақтларда устига плёнка ёпилган ерларда эртаги сабзавот етиштириш кенг тарқалмоқда. Парниклар атрофидаги эртаги сабзавот етиштиришга мўлжалланган маҳсус участкаларда ҳам, сабзавотчилик бригадаларининг одатдаги дала участкаларида ҳам сабзавот экинлари плёнка тагида ўстирилади.

Бундан мақсад фақат мўл ҳосил етиштириш эмас, шу билан бирга мумкин қадар эртаги ҳосил етиштириш бўлгани учун, плёнка ёпилган участкаларга энг эртапишар экинлар: бодрингнинг — Узбекистон 740, Дуррагай 220, Успех 221, Урожайний 86 навлари; помидорнинг — Талалихин 186, Белий налив, эртаги Молдавский ва бошқа навлари; карамнинг — Биринчи номер, кузда эса, Дербент навлари; картошканинг — эртаги Приекульский, Седов навлари экилади.

Плёнка тагида эртаги сабзавот етиштириш учун мўлжалланган ерлар текис, жануб ёки жануби-ғарб томонга бир оз нишаброқ, зарарли шамоллардан яхши тўсилган, сувга сероб ва унумдор бўлиши керак.

Тупроқ куздаёт сабзавот кўчатлари ўтқазишга тайёрлаб қўйилади. Эгатлар ҳам кузда олинади, шундай қилинса, кўкламда уруғ сочиш ва кўчат ўтқазиш ишларини мумкин қадар қисқа муддатларда тугаллаш имкони яратилади. Плёнка ёпилган участкаларда одатда бир йилда 2—3 марта ҳосил етиштирилади. Шунинг учун бундай ерларга органик ва минерал ўғитлар аксари оширилган нормаларда солинади.

Плёнка ёпилган ерга уруғ сепиш ва кўчат ўтқазиш очиқ ердагидан кўра анча эртароқ бошланади. Помидор ва бодринг сингари иссиқсевар ўсимлик кўчатлари мартдаёт, карам ва картошка февралнинг ўрталарида, совуққа чидамли карам навлари эса (Дербент ва бошқа навлар) ҳатто куздан бошлаб ўтқазилади. Ўрта Осиёнинг кўпчилик районларида кўкат сабзавотларни (редиска, укроп, барра пиёз ва бошқалар) плёнка тагида бутун қиши бўйи ўстиравериш мумкин.

Жуда эртаги ҳосил етиштириш учун помидор, карам ва бодрингнинг тувакчаларда ўстирилган кўчатлари ўтқазилгани маъқул, уруғдан экиш учун эса фақат калибрланган йирик уруғлар ишлатилади. Бодринг уруғини экишдан олдин сувда ёки ўсиш стимуляторлари эритмасида ($0,01\%$ ли никотин кислота ва бошқалар) ивитилади. Плёнка тагида ўстириладиган сабзавот экинларини экиш ва кўчатини ўтқазиш схемалари очиқ ерда ўстиргандагидан фарқ қилмайди, аммо баъзан ўсимликларни парваришлаш қулай бўлишини кўзлаб, қўшқаторлаб экилади ва устига сербар (икки энли) плёнка ёпиб қўйилади.

Уруғ экилиб ёки кўчатлар ўтқазилиб бўлиши биланоқ участка тепасини ишком ёки чодир шаклида пана қилинади ва ўсим-

ликларнинг нормал ўсиб, ривожланиши учун барқарор об-ҳаво шароити бошланиши билан улар йиғишириб олинади.

Плёнка тагида ўстирилган ўсимликларни парваришлаш ички температура 25—30° дан ошиб кетишига йўл қўймаслик учун пана жой ичини шамоллатиб туришдан иборат. Помидор етиштиришда плёнкалар ёпилган жой ичи айниқса яхшилаб шамоллатилиши, бодринг ҳамда карам ўстиришда эса камроқ шамоллатилиши керак.

ПАРНИКЛАРДА САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ

Экин обороти. Ҳар хил типдаги (иссиқ, илиқ, совуқ) парник ва кўчатхоналардан самарали фойдаланиш учун парникларда алмашлаб экши — экин обороти (ёки ром обороти) схемалари тузиб чиқилади.

Қишида парникларда кўкат ўстириш, гулкарар етиштириш; кеч қиши ва эрта баҳорда карам, помидор ва бошқа хил томатдош сабзавот кўчати, кеч кўклам ва ёзда гулкарар ва карам, бодринг, помидор ва бошқа хил сабзавот етиштириш мумкин. Мисол тариқасида Ўзбекистон учун тавсия этиладиган парник экин обороти схемаларидан баъзиларини келтириб ўтамиз (10-жадвал).

10- жадвал

Экин оборотининг тахминий схемалари

Экин	Иш процесси	Ишларнинг бошланиши ва тугаллаш муддати
Кўкат сабзавот ёки гулкарар	I схема Уруғ сочиш, илдизмеваларини ўтқазиш ва кўкат ўстириш; гулкарарни етилтириш Кўнатини пикровка қилиш ва ўстириш Кўнатини пикровка қилиш ва ўстириш Кўчаг ўтқази! ва сабзавот етиштириш	I. X — I. II
Эртаги карам		I. II — 10. III
Помидор		10. III — 20. IV
Эртаги сабзавот		20. IV — I. VIII.
Пиёз	II схема Уруғ сочиш ёки нўш пиёз экши ва барра пиёз ўстириш Кўчат ўтқазиш ва карам ўстириш	I. VIII — 15. II 15. II — 15. V
Оддий карам ёки гулкарар		
Эртаги карам	III схема Уруғ сочиш, пикровка қилиш ва кўчат ўстириш Кўчат ўтқазиш ва сабзавот етиштириш	15. XII — 15. III 15. III — I. VIII
Эртаги сабзавот (бодринг, помидор)		

Экин обороти схемалари парник ромларининг неча марта айланишига ва ҳар бир парник роми ҳисобига қанча асосий ҳамда қўшимча маҳсулот олинишига қараб баҳоланади.

БОДРИНГ

Бодринг — асосий парник экини. Уни одатда илиқ ёки ним илиқ парникларда ўстирилади. Узбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИИда яратилган Узбекистон 740 ва Тошкент 86 навлари шу мақсад учун энг яхши ҳисобланади.

Тувакчали кўчатлари теплицаларда ёки илиқ парникларда кўпайтирилади. Майсалар 3—5 та чин барг чиқарган пайтида — мартнинг биринчи ёки иккинчи ярмида парникларга ўтқазилиди.

Гўнг босилган парникнинг қоқ ўртасида чуқурлиги 12—15 см ва эни 35—40 см келадиган ариқча олинади, унга 25 см қалинликда чим тупроқ аралаштирилган (1 : 1 нисбатда) чиринди солинади. Парникнинг қолган юзасига 10—12 см қалинликда парник тупроғи ётқизилади.

Тайёр парникка кўчатлар учлари жануб ва шимол томонга ётқизиброқ икки қатор қилиб, шахмат тартибида ўтқазилиди. Ҳар бир парник роми тагига 6—8 дона кўчат жойлаштирилади.

Бодринг кўчатлари парникларга ўтқазиб бўлингандан кейин чуқурчаларга сув қўйилади, ҳаво очиқ пайтларда эса ромлар устига мат тўсиб, салгина сояланади. Кейинчалик фақат кечаси мат ёпилади ва айрим ҳоллардагина (қаттиқ совуқ бўлганда, қор ёққанда) кундузи ҳам матлар ёпиғлиқ туради.

Бодринг етишириладиган бутун давр мобайнида парниклар температураси кундузи 25—28°, кечаси 15—20°, ҳаво намлиги эса 85—95% атрофида сақлаб турилади.

Парниклар, айниқса дастлабки даврда, эҳтиётлик билан шамоллатиб турилади, чунки бодринг кўчатлари температуранинг кескин ўзгаришини кўтара олмайди. Уларни мароми билан шамоллатиш ҳаво намлиги меъёрида бўлишини ҳамда ўсимликлар ривожланишига ва ургочи гуллар ҳосил бўлишига фойдали таъсир кўрсатувчи карбонат ангидридни юқори даражада сақлаб туришга ёрдам беради.

Кўчат ўтқазилгандан 8—10 кун ўтгач, тупроқ салгина юмшатиб қўйилади, кейинчалик, ўтларни йўқотиш ва суғориш эгатлари олиш учун чопиқ қилинади.

Бодринг гулга киргунча ҳар 3—5 кунда чуқурчаларга сув қўйиб (ҳар бир ромга бир лейкадан) суғорилади, ҳаво салқин пайтларда эса илиқ сув сепилади. Кейинчалик майсалар чопиқ пайтида олинган эгатлар орқали суғорилади.

Ўсимликларни димлаш парникда бодринг ўстиришнинг самарали усули бўлиб, бу тадбир кўчатлар дастлабки ўсиш даврида икки марта ўтказилади.

Бодринг гуллари барвақт, яъни об-ҳаво унча исиб кетмасдан ва ҳашаротлар пайдо бўлмасдан олдинроқ, сунъий равишда чанглантирилади.

Парник бодрингги минерал ва органик ўғитлардан яхши баҳра олади. Қўчатлар ўтқазилгандан бир ярим — икки ҳафта ўтгач майсаларни озиқлантиришга киришилади ва ҳар 8—10 кунда тақрорлаб турилади, бунда 10 л сувга 15—30 г аммиакли селитра ва 30—60 г суперфосфат аралаштирилади. Ўсимликнинг вегестатив органлари яхши авж олмаса, азотли ўғит миқдори бир оз оширилади. Башарти ўсимликлар яхши ўсса-ю, аммо ҳосил туғиши суст бўлса, фосфор билан озиқлантириш кучайтирилади.

Секин ўсадиган навларнинг (Ўзбекистон 740, Неросими) ҳосилсиз новдалари, эски ёки касал теккан барглари юлиб ташланади ёки чилпиб қўйилади. Тез ўсадиган (қалинпалак) Клин нав бодрингни кўчатлик пайтидаёт иккинчи барги юқорироғидан чилпиб ташланади. Кейинчалик ён новдаларини ҳам иккичу бўғим қолдириб чилпиб турилади.

Парник бодрингги кўчат ўтқазилгандан кейин 35—45 кун ичida ҳосилга киради ва бу давр 50—70 кун давом этади.

Ҳосилдорлиги ҳар бир парник роми ҳисобига 8—14 кг ни ташкил қиласи.

ПОМИДОР

Парникларда ўстириш учун Перемога 165, Маяк 12/20—4, Майкоп урожайний каби помидор навлари тавсия этилади. Бу навларнинг ҳаммаси ҳам нисбатан эртапишар ва тури ғуж бўлиб ўсади, шунинг учун уларни қалинроқ қилиб ўтқазиш мумкин.

Помидор уруғи январнинг иккинчи ярмида теплицадаги яшикларга сепилади, униб чиққан ниҳоллар 8—10 см диаметрли сопол тувакчаларга ёки чиринди кубикчаларга олиб ўтқазилади. Орадан 50—60 кун ўтгач, мартнинг иккинчи ярмида, яъни кўчатлар 5—6 тадан чинбарг чиқарган пайтида ним илик парникларга ўтқазилади.

Парниклардаги гўнг устига 18—20 см қалинликда тупроқ солинади, бу тупроқ 1:1 нисбатда қориширилган чиринди ва чим тупроқ аралашмасидан тайёрланиши керак. Ҳар 1 м² юзага 40—50 г ҳисобидан суперфосфат қўшилади. Кейинчалик ўсимликлар тагига оз-оздан тупроқ сола бориб, унинг қалиплиги 25 см га етказилади.

Кўчатлар уч қатор ўтқазилади, қатордаги туплар оралиги, ўсимликларнинг навига ва шакл бериш усулига қараб, 25—40 см бўлади. Шундай қалинликда ўтқазилганда ҳар бир парник роми тагига 9—12 туп ўсимлик жойлашади. Кўчат қия қилиб ўтқазилиб, поясининг бир қисми (баргларигача) тупроққа кўмилади. Ҳаво исиши билан парник ромлари олиб қўйилади ва ўсимликларни қозиқлар ёки сўриларга кўтариб боғланади.

Парниклардаги температура кундузи ҳаво очық пайтларда $25-28^{\circ}$, ҳаво булут пайтларда $15-20^{\circ}$ ва кечаси $12-18^{\circ}$, ҳавонинг намлиги эса $60-65\%$ бўлиши лозим. Ўсимликлар ҳар 5—6 кунда бир марта, ҳар бир парник ромига 20 л ҳисобидан сугориб туриласди, ҳаво илий бошлагандан кейин эса кўчатлар эгатлар орқали сугориласди. Гуллаш даврида ўсимликлар суюқ минерал ва органик ўғитлар билан ҳар 10—15 кунда бир марта озиқлаптириб туриласди.

Эртаги ва мўл ҳосил етиштириш учун ўсимликларнинг ён шохлари олиб ташланаб, бир, икки ёки уч пояли туп шакли берилади. Қолдирилган ҳар бир пояни ҳам 3—5-гул шодалари юқорисидан чилпиб ташланади. Шунда кичик ҳажмли ихчам туп ҳосил бўлади.

Помидор ҳосили қанча барвақт етиштирилмоқчи ва туплар қанча зич ўтқазилган бўлса, тупларда шунча кам поя қолдирилади ва улар шунча пастроқдан чилпиб ташланади.

Гулларнинг тўклишишин камайтириш ва меваларнинг ўсишини тезлаштириш учун гул шодалари устига ўстирувчи моддалар пуркалади.

Ўсимлик туплари атрофидаги тупроқ вақт-вақтида үмшатиб туриласди ва салгина чопиб қўйилади.

Ҳар бир парник роми ҳисобига етиштириладиган ўртача ҳосил 10—12 кг ни ташкил қиласди.

ГУЛКАРАМ

Гулкарамнинг эртаги Грибовский, Отечественная ва Снежинка навлари энг яхши навлар ҳисобланади. Гулкарам урги илиқ парникларга декабрнинг бошларида тувакчаларга экилади. Февралнинг бошларида 3—5 та барг чиқарган кўчатлар икки томонлама нишаб томли ним илиқ ёки совуқ парникларга 3—4 қатор қилиб ўтқазилади. Қатордаги ўсимликлар оралиғи 25—30 см дан қилинади.

Февралда ўтқазилган карам ҳосили одатда апрелда — майнинг бошларида йиғиб олинади. Ҳар бир парник роми ҳисобига 4—6 кг ҳосил тўғри келади, ҳар бош карамнинг ўртача вазни 400—500 г.

КУКАТ САБЗАВОТЛАР

Редиска Ўрта Осиёда йилнинг бутун совуқ даври мобайнида парникларда ўстирилади. Бироқ куз ва қишида илдизмевалар жуда кеч етилади ва ҳосилдорлиги пасайиб кетади. Парникларга экиш учун редисканинг қуйндаги: эртапишар навларидан — Сакса; ўртапишарларидан — Нимоқ — нимқизил; Пушти — оқтумшуқ; ўртача кечпишарларидан Сумалак ва Тошкент оқ редискаси каби навлар тавсия этилади.

Редиска — ним илиқ ёки совуқ парникларга ёхуд күчтегендеги сепилади. Тенг баравар аралаштирилган чиринди ва чим тупроқдан иборат аралашма редиска етишириш учун энг яхши тупроқ ҳисобланади. Тупроқ қаватининг қалинлиги юмалоқ илдизмевали навлар учун 12—13 см, узунчиқ илдизмевали навлар учун эса 16—18 см бўлиши керак. Редиска уруғи парник сеялкаси ёрдамида ёки қўлда 1,5 см чуқурликка сепилади. Экиш нормаси, урганинг йириклигига қараб, ҳар бир ром остига 4—7 г. Биринчи барги пайдо бўлиши биланоқ ниҳоллар ягана қилиниб, навига қараб, ҳар 3—5 см оралиқда биттадан ўсимлик қолдирилади.

Оптималь температура 15—18°. Ниҳоллар пайдо бўлаётган даврда, ўсимликлар ғовлаб кетмаслиги учун, температура 5—6° га туширилади. Парниклар ҳатто совуқ пайтларда ҳам шамоллатиб турилади. Редиска нам тупроқни хоҳлайди, айниқса илдизмевалар ҳосил қилаётган даврида тупроқ сернам бўлиши, шу пайтда уни тез-тез ва қондириб суғориб туриш керак.

Редиска нави ва экиш муддатига қараб майсалар кўрингандан кейин 20—40 кун ўтгач ёки ундан кечроқ пишади. Ҳосил-төрлиги ҳар бир парник роми ҳисобига 5—8 кг.

Салат, исмалоқ, укроп иссиққа талабчан эмас (кундузи 15—20° ва кечаси 6—8°), ўсув даври қисқа (25—40 кун). Қишида ёруғлик етишмаслиги сабабли бу давр анча узоққа чўзилади. Қўкат сабзапотлар озиқ моддаларга ва тупроқнинг физиқавий хоссаларига ниҳоятда талабчан. Шунинг учун бу экинлар ўстириладиган тупроқ унумдор бўлиши керак (бир қисм чим тупроқ, икки қисм чиринди ва 10—15% қум). Салат парникларга (битта ром тагига 1,5 кг ҳисобида) уруғдан экилади ёки кўчати ўтқазилади. Исмалоқ билан укроп уруғи ивтилиб (ҳар бир ром тагига 30—40 г) экилади.

Кайта кўклайдиган кўкат экинларнинг ер усти массаси илдизмеваларида (петрушка, сельдерей), пиёзчаларида (барра пиёз) ёки илдизпояларида (шовул) тўплланган озиқ моддалар ҳисобига ўсади. Бундай ўсимликлар ҳам уруғдан экиладиган ўсимликлардан фарқли ўлароқ, иссиққа талабчан эмас, етарли ёруғлик бўлган жойда яхши ўсади.

Парникларда петрушка билан сельдерей оғирлиги 20—30 г келадиган илдизлардан ўстирилади, уларнинг озиқланиш майдони 7—10×5—7 см бўлиши керак. Битта парник роми остига 8—12 кг петрушка ва 13—15 кг сельдерей илдизи кетади. Пиёзнинг майда бошчалари (нўшлари) экилади. Майда-йириклигига қараб, ҳар бир ром остига 10—16 кг нўш пиёз кетади.

Пиёз билан петрушка уруғдан экилса ҳам бўлади, аммо бунда уларнинг ўсув даври жуда чўзилиб кетади. Сельдерейни парникларга кўпинча 3—4 та барг чиқарган пайтида кўчат қилиб ўтқазилади.

Парник ва кўчатхоналарда ўстирилган кўкат сабзвотларни парваришлаш керакли температурани сақлаб туриш, ягана-

лаш ва суғоришдан иборат. Ҳар бир парник роми ҳисобига құйидаги миқдорда күк масса ҳосили олинади: барра пиёз 15—20 кг, салат 4—6 кг, петрушка 8—10 кг, укроп 3—4 кг, исмалоқ 4—6 кг, сельдерей 5—8 кг.

Күкат әқинларни узоқ сақлаб бўлмайди, шунинг учун улар йиғиштириб олиниши биланоқ реализация қилинади.

САБЗАВОТНИ АСРАБ ЕТИЛТИРИШ

Куз-қиши даврида кўпинча сабзавот әқинларини асраб етилтириш, қўшимча ўстириш ва уларни сақлаш учун парниклардан фойдаланилади. Кузда ҳали тўла етилмаган ҳолида йиғиштириб олинган помидор, қовоқ каби сабзавот меваларини теплица ва парникларга териб қўйиб етилтирилади. Бу жойлардаги юқори температура ва қуруқ ҳаво меваларнинг тез етилишига ёрдам беради.

Барглардан озиқ моддалар оқиб келиши ҳисобига сабзавотнинг маҳсулдор органи (масалан, гулкарам боши)ни катталаштириш қўшимча етилтириш деб аталади. Бу усул очиқ ердан баъзи бир хил янги сабзавот (асосан гулкарам) олиб туриш муддатини узайтириш имконини беради. Карамдан ташқари, порей-пиёз, петрушка, сельдерей ва ромен салат ҳам қўшимча ўстирилади.

Гулкарамнинг Юмaloқ бош ва Эртапишар деб аталувчи сербарг навлари қўшимча ўстириш учун энг яхши ҳисобланади. Қўшимча равишда ўстиришга мўлжалланган гулкарам кўчати ёз охирида, август ойида ерга ўтқазилади. Кузги қора совуқлар бошлангунча бундай карам тупбарг ҳосил қиласди ва майдада (диаметри 3—5 см келадиган) бошчалар ўрайди. Кузда, қаттиқ совуқлар бошланиши олдидан бундай карамни илдизи билан кўчириб олиб, гўнгдан тозаланган парник ва кўчатхоналар тубига кўмилади. Бунда яхши ривожланган сербарг ўсимликлар бошчаси юқорига қилиб — вертикал ҳолатда қўйилади ва устига тупроқ тортиб, бириичи баргларига қадар кўмилади.

Битта парник роми остига 45—70 туп ўсимлик жойлаштирилади. Ўсимликларнинг қўшимча ўсиши қоронғида кечади. Бунинг учун парниклар (кўчатхоналар) устига тахта тўсиқ ёки ромлар ва матлар ёпиб қўйилади, қаттиқ совуқ пайтларда эса устига похол ёпиб ёки тупроқ тортиб, иситилади.

Оптимал температура 0—4°, ҳавонинг нисбий намлиги 85—90% бўлиши керак. Ўрта Осиёда сабзавот әқинлари қўшимча ўстириладиган даврда температура амалда анча юқори бўлади. Қўшимча ўстириш даври карам бошларининг дастлабки катталигига ва температура шароитига қараб, 1,5—3 ой ва ундан ҳам узоқроқ давом этади. Шу давр ичига карам бошлари уч-тўрт баравар катталашади ва январь ойида вазни 250—300 га етади. Битта парник роми ҳисобига 15—20 кг маҳсулот олинади.

Брюссель карами, савой карами ва бошқа карам турларини ҳам худди гулкарам каби қўшимча ўстириб етилтириш мумкин.

Битта парник роми остига 400—500 туп порей-пиёз, 300—350 та петрушка илдизи, 150—180 туп сельдерей кўмиш мумкин. Қўшимча ўстирилгандан кейин ҳар бир ром ҳисобига 15—18 кг порей-пиёз, 10 кг чамасида петрушка, 12—13 кг сельдерей олинади.

ТЕПЛИЦАЛАРДА САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ

Урта Осиёда теплицаларда асосан помидор ва бодринг етиширилади. Куз-қиши даврида теплица майдонининг катта қисми помидорга, куз-кўклам даврида эса бодрингга ажратилади. Бошқа сабзавот экинлари кичикроқ майдонларда, ёки асосий экинлар орасида (зичлашириш тартибида) етиштирилади.

Стеллажли теплицаларда касаллик ва зараркунаидаларга қарши курашиш мақсадида тупроқ ҳар йили янгилиниб турилади. Бу иш асосий экин — бодринг экиладиган пайтга мўлжаллаб ўтказилади. Ер теплицаларда ҳам худди шу мақсадда бодринг ва помидор экинлари навбатма-навбат (йил оралатиб) экилади.

БОДРИНГ

Теплицаларда бодринг етишириш учун жуда сояпарвар ва теплица шароитига мувофиқлашган навлар танлаб олинади. Урта Осиёда куз-қиши даврида ўстириш учун Тепличний гибрид 40 (F_1) нави, қиши-кўклам даврида ўстириш учун эса, Многоплодний ВДНХ ва Одностебельний 33 навлари районлаштирилган.

Теплицаларга дурагай уруғлар экилса, бодринг ҳосилдорлиги анча (40% га қадар ва ундан ҳам кўпроқ) ошади. Ўзбекстонда Клин навини Астрахань нави билан ва Телеграф навини Астрахань нави билан чатиштириш натижасида яратилган дурагай уруғларни экиш яхши натижка беради.

Уруғ экиш ва кўчат ўтқазиш муддатлари теплицалар типига қараб белгиланади. Қишики теплицаларга уруғ экиш учун декабрнинг охири, кўчат ўтқазиш учун эса январнинг иккинчи ярми — февралнинг бошлари энг қулай муддат ҳисобланади.

Баҳорги (биологик ёқилғили) теплицаларга кўчатни фақат мартнинг бошларида ўтқазиш мумкин. Шунга кўра, уруғлар парникларга январнинг иккинчи ярмида экилади.

Уруғни экишда аввал 12 соат сувда ивитиб ва ундириб кейин сепилади. Уруғлар теплицалардаги экин кўпайтирилдиган яшикларга экилади. Ниҳоллар кўклагандан кейин кичик ҳажмли сопол ёки стеллажларга ўрнатилган 8—10 см диаметрли гўнг-тупроқ тувакчаларга пикировка қилинади. Уруғни бсвонита тувакчаларга экса ҳам бўлади.

Күчтатларни парваришлаш тегишли температура ($20-25^{\circ}$) ва намлики сақлаб туришдан иборат. 3—4 та барг чиқарган, яхши ривожланган 40—45 кунлик күчат ўтқазишга тайёр ҳисобланади.

Теплицалардаги бодринг күчати ўтқазиладиган тупроқ енгил, аммо унумдор бўлиши керак. Бунинг учун ер теплицаларга ҳар йили 1 м^2 га 25 кг ҳисобидан гўнг ёки компост, стеллажли теплицаларга эса чиринди билан чим тупроқ ёки юқори сифатли дала тупроғи аралашмаси солинади. Күчат ўтқазишдан олдин 1 т аралашмага 4—5 кг ҳисобидан суперфосфат қўшилади. Стеллажлардаги тупроқ қавати 15 см чамасида бўлиб, кейинчалик устига қўшимча тупроқ сепилиб, 20—22 см га етказилади.

Кўчат мумкин қадар чуқур ўтқазилиб, поясининг пастки қисмидаги баргларига қадар кўмилади. Ер теплицаларда ўсимлик қаторлари звенонинг бўйига қараб $90\times60\text{ см}$ оралиқда жойлаштирилади, қатордаги ўсимликлар ораси эса $40-50\text{ см}$ бўлиши керак. Стеллажларда ўсимликлар ораси 30 см дан қилинб, икки-учта бўйлама (узунасига кетган) қаторларга жойлаштирилади.

Теплицаларда температура қўёшли кунларда $25-28^{\circ}$, бутутли кунларда $20-22^{\circ}$ ва кечаси $15-20^{\circ}$ атрофида сақлаб турилади. Ўсимликларнинг қизиб кетишига йўл қўймаслик учун қўкламда теплицалардаги ойналарни борат эритмаси билан оқлаб қўйилади.

Теплица ичидаги ҳавонинг оптимал намлиги 85—95% бўлиши лозим. Бундай юқори даражадаги намлики яратиш учун теплицалар мароми билан шамоллатилади, сугорилади, фақат тупроқ ва ўсимликларга эмас, балки теплица поли ва деворларига ҳам сув пуркаб турилади.

Бодринг тез-тез, 2—3 кунда бир марта (совуқ кунларда илик сув билан) сугориб турилади. Май ойида стеллажли теплицаларда бодринг қар куни, ер теплицаларда камроқ — 4—5 кунда бир марта сугорилади. Стеллажларда ўстирилганда тупроқни ишлаш уни салгина юмшатишдан, кейинчалик эса ўсимлик илдизлари ёнига тупроқ сепишда, ер теплицаларда тупроқни ишлаш, кетмон чопиқ қилиш ва ўсимлик туплари бўззига тупроқ ўюб қўйишдан иборат. Кўчат ўстириш даврида майсалар икки марта озиқлантирилади. Биринчи озиқ майсалар дастлабки чинбарг чиқарган пайтда — суперфосфат қўшилган мол гўнги ивитмаси ва иккинчи озиқ майсаларда учинчи чинбарг пайдо бўлган пайтда — минерал ўғитлар эритмаси берилади.

Ўсимликлар доимий жойга ўтқазилгандан кейин яна бир неча марта (ҳар 7—10 кунда) органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Бунинг учун ўсув даврининг бошларида ўғитларнинг кучсиз эритмаси (15 г амиакли селитра, 20—30 г суперфосфат ва калий хлорид) ишлатилади. Ҳосил ёппасига териладиган даврда эритма концентрацияси оширилади, бунда

10 л сувда 30 г га қадар аммиакли селитра, 40 г суперфосфат ва 20 г калий хлорид эритилади. 1—1,5 m^2 ерга 10 л эритма сарфланади.

Бодринг етиширишда, айниңса, гидропоника усулида ўстиришда ўсимликларни карбонат ангидрид билан озиқлантириб туриш зарур, бунда теплица ҳавосида унинг концентрацияси 0,4—0,5% га етказилиши лозим.

Бодринг палаги сўрига (шпалерларга) кўтариб ўстирилади. Ер теплицаларда бундай сўрилар тиккасига тортилган канопдан қилинади. Ўсимликлар ўса борган сайин бош поясини канопга (2—3 та барг оралатиб) боғлаб борилаверади. Стеллажли теплицаларда вертикал сўри ёки стеллажлар орасидаги йўлак томонга қия қилинган чодир шаклидаги сўридан фойдаланилади. Палак учини чиллиб туриш йўли билан ўсиши ростлаб турилади. Клин типидаги кўп шохлайдиган бодринг навлари кўчатлик пайтида ёк иккинчи чин барг юқорисидан биринчи марта чиллиб қўйилади. Бош поянинг давоми бўлган асосий поводанинг бўйи сўрининг энг юқоридаги симига етганда ўсимликлар иккинчи марта чиллилади. Биринчи ва иккинчи тартибдаги новдалар иккинчи барг юқорисидан, учинчи тартибдаги новдалар эса, биринчи барг юқорисидан чиллилади.


Многоплодний ва Одностебельний — 33 павларининг палаги унча узун ўсмайди, ён новдалари ҳам кўп эмас. Шунинг учун уларнинг бош пояси чилпилмасдан, балки фақат ён новдаларининг учлари иккинчи барг юқорисидан олиб ташланади.

Кичик теплицаларда бодринг қиши ва эрта кўкламда сунъий равишда, қўлда чанглантирилади (17-расм). Узид олинган эркак гулнинг гултојиси юлиб ташланади-да, ургочи гул ичига киритиб, чангчиларнинг уруғига тегизилади. Битта эркак гул билан икки-уч дона ургочи гул чанглантирилади. Эрталаб соат 9 дан кундузи соат 12 гача бўлган вақт чанглантириш учун энг қулаи ҳисобланади. Сунъий чанглантириш жуда сермеҳнат иш. Шунинг учун катта теплицалардаги бодринг гулларини чанглантириш пайтида уларга асалари қутилари (1000 m^2 га бир асалари оиласи) жойлаштирилади.

Стеллажларда ўстирилган ўсимликларнинг пастки қисмлари ҳосил туғиб бўлган ва барглари қурий бошлаган пайтда баъзан уларни яшартириш чораси қўлланилади. Бунинг учун ўсимликлар сўридаш туширилиб, пастки барглари юлиб ташланади, яланғочланиб қолган пояларни ерга ётқизиб, устига тупроқ тортилади ва фақат поя уни очиқ қолдирилиб, сўрига боғлаб қўйилади.

Теплицаларда дастлабки бодринг ҳосили ҳар 3—4 кунда бир марта, экин ёппасига ҳосилга кирган даврда эса ҳар куни терилади. Ҳар квадрат метр жойдан 20—25 кг гача ҳосил олиш мумкин.

Теплицаларда куз-қиши даврида ҳам бодринг етишириш мумкин. Бироқ бу даврда ўсимликлар ёруғлик етишмаслигидан



17-раси. Бодринг гулларини құлда чаңглантириш:
1 — ургочи гул, 2 — әрқак гулі 8 — гулбарглары юлиб ташлаған
әрқак гул.

қийналади, шунинг учун теплицаларни сунъий өритиш самара-
ли бўлиши мумкин.

Куз-қиши даврида бодринг етиштириш учун кўчатлар усти
очиқ кўчатхоналарда сопол ёки чиринди тувакчаларда ўстири-
либ, сентябрда теплицага ўтқазилади. Куз яхши келган йил-
ларда бодринг октябрнинг иккинчи ярмидәёқ ҳосилга киради,
аммо декабрда ёқ ўсимликларнинг ривожланиши ва ҳосил туғи-
ши тўхтайди. Бундан ташқари, бу даврда ўсимликлар кўпичча
замбуруғли касалликлардан ёппасига нобуд бўлади. Шу сабаб-
ли бодринг ҳосили кам бўлади — одатда 1 m^2 майдон ҳисоби-
га 3—4 кг ни ташкил қиласи, лекин 7—8 кг га етиши ҳам мум-
кин.

Теплицаларда ўстирилган бодринг касаллик ва за-
раркунадалардан қаттиқ зарарланади. Энг кўп тар-
қалган касалликлардан бири ун-шудрингдир. • Бодринг кўчати
доимий жойга ўтқазилгандан кейин бир неча кун оралатиб
тупроқ бетига олтингугурт кукуни чанглаш бу касалликка қар-

ши курашда энг самарали тадбирлардан ҳисобланади. Бундай дорилаш ҳар 7—10 кунда такрорланиб, мавсумда икки — уч марта ўтказилади.

Ўсимлик битларига қарши бодринг палаги устига совун қўшилган анабазин-сульфат эритмаси пуркалади (бир челак сувга 15—20 г заҳарли модда ва 40 г совун қўшилади).

Теплицаларда ўстирилган бодрийни қаттиқ заарлайдиган ўргимчакканага қарши ўсимликларга икки-уч марта НИУИФ—100 эритмаси (10 л сувга 2—3 г) пуркаш энг яхши кураш чораларидан ҳисобланади.

ПОМИДОР

Теплицаларда помидор қиши-кўклам ва куз-қиши муддатларда етиштирилади.

Киши-кўклам даврида помидор етиштириш Киши-кўклам даврида помидор етиштиришдан асосий мақсад мумкин қадар эртаги ҳосил олишидир. Талалихин, Темно-красний, Майкоп урожайний каби навлар айни шу даврда ўстиришга энг қулай навлар ҳисобланади; Перемога 156 нави қиши-кўкламда ўстириш учун районлаштирилган.


Киши-кўклам даврида помидор техника воситалари билан иситиладиган қишики ёки биологик ёқилғи билан иситиладиган баҳорги теплицаларда ўстирилади. Қишида помидор уруғи кўчатлар кўпайтириладиган теплицаларга, февралнинг бошларида кўчириб ўтқазишни мўлжаллаб, декабрнинг бошларида сепилади. Баҳорги теплицаларга фақат мартнинг бошларида кўчат ўтқазиш мумкин бўлганлиги учун, уруғ январнинг бошларида экиласди.

Экишдан олдин уруғ гранозан (НИУИФ-2) билан дориленниб, сўнгра кўчат етиштириладиган теплицалардаги стеллажларга ўрнатилган яшикларга сепилади. Уруғ экиласдиган тупроқ парник чириндисига 2:1 нисбатда чим тупроқ аралаштириб тайёрланади. 1 т аралашмага 7 кг ҳисобидан суперфосфат кўшилади.

Уруғ экилгандан 20—25 кун ўтгач, ниҳолларни теплица стеллажларига 5×5 см дан қилиб пикировка қилинади. Иккинчи учинчи барглар пайдо бўлгандан кейин 10×10 см катталиқдаги сопол ёки чиринди тувакчаларга иккинчи марта пикировка қилинади.

Кўчатлар доимий жойга ўтқазилгунча уларни парваришлаш температурани керакли даражада (кундузи 22—25°, кечаси 10—12°) ва ҳаво намлигини пастроқ (60—65%) сақлаб туришдан иборат. Шунга кўра помидор кўчатлари нисбатан камроқ — 5—7 кунда бир марта сугорилади.

Помидор кўчатларини ер теплицаларга ўтқазишдан олдин тупроқни қайта чопиб, ҳар 1 м² га 10—25 кг ҳисобида чиринди,



18-расм. Ер теплицага иккى қагорлаб ўтқазилған бодринг күчатлари.

комност ёки гүнг солинади, уларга 1 м^2 га 100 г ҳисобида суперфосфат ҳам қўшилади.

Стеллажли теплицалардаги помидор күчати ўтқазиладиган тупроқни дала тупроги ёки чим тупроққа 1:1 ишебатда чиринди аралаштириб тайёрланади. Кўчат ўтқазишдан олдин ерни чопаётганда 1 м^2 га 50—100 г ҳисобида суперфосфат солинади.

Кўчатлар ғунчалай бошлаган пайтида бир томонга қияроқ қилиб ўтқазилади. Стеллажли теплицаларда ўсимликлар ораси паст бўйли павлар учун 30 см, тути сершох, кучли ўсадиган навлар учун 40 см чамасида бўлиши керак. Ер теплицаларда ўсимлик қатор оралари 60—70 см ва қатордаги ўсимликлар ораси 30—40 см қилинади. Кўчатлар кўпинча иккى қатор қилиб ўтқазилади. Шунда илдиз системаси ривожланиши учун яхшироқ шароит вужудга келади (18-расм).

Помидор кўчатлари дастлаб ҳар 7—10 кунда бир марта, куплар исий бошлагандан кейин эса тез-тез сугориб турилади.

Теплицалар ичига газ киритпб, ҳаво таркибидаги карбонат анигидрид миқдорини 0,3—0,35% га етказиш (ҳажм ҳисобида) яхши патижка беради.

Ер теплицаларда помидорни парваришлаш ўсимликларни чопиқ қилиш ва бўғзини кўмиб қўйишдан иборат. Стеллажли теплицалар тупроги бир-икки марта юмшатилади ва икки-уч марта янги тупроқ солинади.

Ҳаво очиқ пайтларда температура кундузи $25-28^{\circ}$, кечаси $15-18^{\circ}$ атрофида сақлаб турлади. Ҳаво намлиги $60-65\%$ бўлиши керак. Намлик бундан юқори бўлса, гули кўп тўкилади, ўсимликлар замбуруғ касалликларига кўпроқ чалинади.

Ўсув даври мобайнида помидор экини бир неча марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Озиқлантиришни қўйида-ги тартибда ўтқазиш тавсия этилади (10 л сувга ϱ ҳисобида):

<i>Ўсув даври</i>	<i>Аммиакли селитра</i>	<i>Суперфосфат</i>	<i>Калий хлорид</i>
Ўсимликлар илдиз отгандан кейин	10—15	30—50	10—15
2—3 та гул шодасида тугунчалар пайдо бўлганда	15—10	40—60	25
Мева тувиш даврида	30—40	30—40	20—30

Кўчат ўстириш даврида стеллажнинг 1 m^2 га 10 л ва кўчат доимий жойга ўтқазилгандан кейин ҳар туп ўсимликка 1 л ҳисобидан иш эритмаси сарфланади. Стеллажларда ўстирилган ўсимликлар $10-12$, ерда ўстирилган ўсимликлар $12-15$ кунда бир марта озиқлантирилади. Экинни кучсиз ($0,05-0,1\%$ ли) калий перманганат эритмаси билан сугориш помидорнинг замбуруғ — *стрик* касаллигига қарши профилактик кураш чораси сифатида яхши самара беради. Айни вақтда калий перманганат микроўғит хизматини ҳам ўтайди. Бошқа микроэлементлар — борат кислота, мис сульфат солиши ҳам яхши натижга беради.

Теплицаларда помидор сим ва канопдан қилинган тик сўриларга кўтариб ёки ёғоч қозиқларга боғлаб ўстирилади.

Ўсимликларга одатда бир-уч шохли шакл берилади ва бўйини муайян баландликдан оширилмайди. Кучли ўсадиган (Уральский многоплодный нави ва бошқа) навларда битта поя қолдирилиб, ён шохлари (бачкилари) $3-5\text{ см}$ га етганда юлиб ташланади. Поянинг учи эса, одатда, $5-8$ -гулшодаси юқори-сидан юлиб ташланади. Гулшодаси қанча кам қолдирилса, ҳосили шунча барвақт этилади. Гулшодаси бир-бирига яқин жойлашадиган, кучсиз ўсадиган эртапишар навлар $2-3$ шохли шакл бериб ўстирилади (19-расм).

Шамол бўлмаслиги, баъзан эса ҳавонинг намлиги ҳам гулларнинг чангланишини қийинластиради. Шунинг учун помидор гулга кирган даврда теплица ичида ҳаво ҳаракатини вужудга келтириш учун вентиляцияни кучайтириш ва ўсимликлар поясига ёки сўрининг симига вақт-вақтида таёқча билан салуриб, ўсимликларни силкитиб туриш тавсия этилади.

Гулшодаларига физиологик актив моддалар (ўсиш стимуляторлари) пуркаш кенг қўлланилади. Стимуляторлар сифатида $0,005\%$ концентрацияли 2,4-ТУ (трихлорфеноксисирка кислота) ёки $0,001\%$ концентрацияли 2,4-ДУ (2,4 дихлорфеноксисирка кислота) препаратлари ишлатилади.




19-расм. Бир пояли (*юкорида*) ва икки пояли шакл берib ўстирилган помидор тушлари.

Усиш стимуляторлари пуркаш натижасида гул ва тугунчалар кам тўклилади, меваларнинг ўсиши ва етилиши тезлашади, ҳажми катталашади (20-расм), натижада ҳосилдорлик анчагина (20—30% га қадар ва ундан ҳам кўпроқ) ошади. Усиш стимуляторлари таъсирида помидор тугунчалари уругланмай ўсиши ва уругсиз (партенокарпик) мевалар бериши мумкин. Гулшодалар эрта кўкламда, фунчаларнинг асосий кўпчилиги очилган пайтда стимуляторлар билан икки-уч марта дориланди. Кейинчалик, обҳаво шароити яхшилаигач, мева тугиш нормаллашади ва ўстирувчи моддалар билан дорилашга эҳтиёж қолмайди.

2,4-ДУ препаратини пуркашдан олдин новда учларининг усти ёниб кўйилади, чунки дори барг пластинкалари шаклини ўзгартириб юборади.

Теплицаларда помидор етиштиришда кўпинча



20-расм. 2,4-ДУ препаратиниг помидор мевалари ўсишига таъсири (чада стимуляторлар билан дориланган гул шодаларидан етилган мевалар, ўнгда — контроль).

меваларни этилен ёрдамида қизартириб етилтириш усули қўлланилади. Бунда помидор мевалари одатдаги усуллардагига қаранганди икки баравар тезроқ этилади.

Қиши-қўклам даврида ўстирилган помидор ҳар 1 м² жойдан 12 кг атрофида ҳосил беради.

Куз-қиши даврида помидор етиштириш. Теплицага августда ўтқазилган ўсимликлар келгуси йил июлга қадар ўсиб, ҳосил бераверади. Қишки совуқлар бошлангунча уларда кўплаб йирик мевалар пайдо бўлади. Улар ноябрининг биринчи ярмида етила бошлайди, бироқ қўёш нури камайган сайн бу процесс секинлаша боради. Куз-қиши даврида етиштирилладиган помидорнинг асосий ҳосили декабрь-январь ойларида пишади. Аммо бу даврда қўёш нури камайиб кетганлиги сабабли ўсимликларнинг ўсиши ва мева туғиши тўхтаб қолади. Февралда, ёруғлик кўпая бошлагач, ўсимликлар яна гуллаб, мева туғишга киришади, бу ҳосил марта инг иккинчи ярмида етила бошлайди, апрелда эса ёппасига пишиб этилади. Мева туғиш июлга қадар, яъни далада помидор мевалари пишгунча давом этади.

Куз-қиши даврида етиштириш учун Уральский мпогонлодний, Майкоп урожайнин 2090 каби помидор навлари районлаштирилган, аммо бошқа навлар, айниқса Волгоград 5/95 навини ҳам bemalol экавериш мумкин. Бу пав помидорнинг ўсув даври узоқ давом этиши, илдиз системаси кучли ривожланиши ва жуда серҳосиллиги теплицаларда узоқ муддат давомида ўстириш имконини беради.

Помидор уруғи июлда, бевосита гўнг-чиринди ёки сопол тувакчаларга экилади, бу тувакчалар айни даврда бўш ётган ромсиз парникларда туради. Биринчи яганалашда ҳар бир тувакчада иккитадан, кейинчалик эса биттадан ўсимлик қолдирилади. Патак илдизлари кучли авж оладиган Волгоград 5/95 навининг кўчатлари тувакчасиз ўстирилса ҳам бўлади.

Кўчатлар августда теплицага ўтқазилади. Ер теплицаларда ўсимлик қаторларини кўндалангига — шарқдан ғарбга қараб жойлаштирилгани маъқул. Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ олиб борган тажрибаларнинг кўрсатишича, қаторлари шарқдан ғарбга қаратилганда ўсимликларга ёруғ яхши тушади, уларни парваришлаш осон бўлади ва ҳосилдорлиги ошади. Кўчатлар суфориб қўйилган эгатларга экилади ва тутиб кетгунча 1—2 марта сув берилади. Ўсимликларга бир-икки пояли шакл берилади ва бош поясининг уни чилпиб ташланмайди. Куз-қиши даврида ўстирилладиган помидорни парваришлашдаги бошқа ишлар умуман теплицаларда қабул қилинган усулдан фарқ қилмайди.

Куз ҳавоси бошланиб, теплица ичидаги ҳаво намлиги ошган — ўсимликларда 3—5 та гулшода пайдо бўлган пайтдан бошлаб уларга ўстирувчи модда пуркашга киришилади.

Ўсимликлар кўкламда қайта ўса бошлашидан олдин уларни ёшартириш тадбирларини кўриш тавсия этилади. Бунинг

учун поянинг мева туғиб бўлган қисмидаги барглари қирқиб ташланади ва ўсимликни юмшатиб қўйилган тупроқ устига ётқизиб туриб, поясининг пастки қисми устига янги нам тупроқ тортилади. Ёшартириш одатда ўсимликларнинг шундан кейинги ўсишини яхшилайди, помидор теришиши давомийлигини узайтиради ва ҳосилдорликни оширади.

Куз-қиши даврида ҳар m^2 жойдан 4—6 кг атрофида ҳосил олиш мумкин. Ҳудди шу экиннинг ўзидан кўклам-ёз даврида ҳам шунча ҳосил олинади. Куз-қиши даврида ўсимликлар баргларнинг қўнғир додгланиши касаллигидан қаттиқ заарланади. Қасаллик авж олишига ноқулай об-ҳаво шароити, теплицалардаги ҳаво намлигининг ортиб кетиши сабаб бўлади. Қураш чораси тупроқ ва теплица ичини аэрозоль препаратлар билан яхшилаб дезинфекциялашдан иборат. Димлаш йўли билан тупроқ дезинфекция қилинади. Ўсимликларга бордо суюқлиги пуркаш профилактика тадбирлари жумласига киради. Ўсимликларга кўчатлик чоғида бир марта ва доимий жойга ўтқазилгандан кейин 2—3 марта препарат пуркалади. Ҳавонинг намлиги ортиб кетишига йўл қўймаслик учун куз ҳавоси бошлиниши билан, декабрь-январь ойларида сугоришни тўхтатиб тупроқ мульчаланади, теплицаларни шамоллатиш кучайтирилади.

Қўнғир додгланиш касаллиги авж олишига юқори температура ҳам сабабчи бўлади. Шунинг учун декабрь-январь ойларида теплица ичидаги ҳаво температураси $8-10^\circ$ га қадар пасайтирилади. Февралдан бошлаб ҳаво температураси ва намлиги аста-секин оширила боради, ўсимликлар органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилади.

Куз-қиши даврида помидор етиштиришни баъзан февралда тугаллаб, теплицани кўкламги бодринг учун бўшатиб берилади. Етилмаган мевали ўсимликлар илдизи билан сугуриб олиниб, етилтириш учун илиқ хоналар ичига осиб қўйилади.

ПАРНИК ОЛДИ УЧАСТКАЛАРИ

Парник ва теплицалар яқинида жойлашган ерларда эртаги сабзавот етиштириш учун хизмат қиласидиган жойлар парник олди участкалари деб аталади. Бу участкаларга ҳар йили кўп миқдорда минерал ва органик ўғитлар (гўнг, чиринди, компост ва бошқалар) солинади. Шунинг учун бундай участкаларнинг тупроғи ниҳоятда унумдор бўлади. Парник олди участкаларининг бир қисмини иситиш қувурлари ётқизиш ҳамда тупроқни иситиш учун саноат корхоналарининг ишлатилиб бўлган иссиқлигини қўлланиш йўли билан илитма тупроқли экинзорлар ташкил қилиш учун фойдаланилади. Парник олди участкаларида хилма-хил сабзавот етиштирилади ва экинлар ўз биологик хусусиятларига мувофиқ навбатланиб туриласди. Парник олди

участкасининг бир қисми шовул, ровоч, шеролчин каби кўп ишллик сабзавот экинлари учун ажратилади.

Энг эртапишар навлар танлаб экиласди ва мумкин қадар барвақт ҳосил олишни таъминлайдиган агротехника тадбирлари кенг қўлланилади. Уруғларни жуда барвақт экиш имкониятига эга бўлиш учун уларни ивитиш ва чиниқтириш; чиринди кубикларда кўчат ўстириш ва уни ерга ўтқазишдан олдин яхшилаб чиниқтириш; ўта барвақт (дала шароитидагидан бир ярим-икки ҳафта эртароқ) экиш; ўсимликларни цеплуюид қалпоқчалар, матлар, нур ўтказувчи плёнка ва бошқалар ёрдамида қора совуқлардан муҳофаза қилиш ана шундай тадбирлар жумласига киради. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши парник олди участкаларидан мўл ва далага экилгандагига нисбатан анча эртаги ҳосил олиш имконини беради.

Ўзекистон ССР ва Қозоғистон ССР даги сабзавоткор хўжаликларда парник олди участкалари 8—12 га атрофида бўлиши тавсия этилади.


ОЧИҚ ЕРДА САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ

ЭКИНЛАРНИ ЖОИЛАШТИРИШ

Сабзавот ўсимликларининг ҳосилдорлигига ва маҳсулот сифатига тупроқ-иқлим шароити катта таъсир кўрсатади. Сабзавот экинлари органик моддаларга бой, нам ва салқин бўладиган қайир ерларда яхши ўсади. Ўрга Осиёда сабзавот экинлари (карам, бодринг, томатдош ва кўкат ўсимликлар) дарёларнинг қуий террасаларидағи ўтлоқ, ботқоқ-ўтлоқ ва экинзорларга айлангирилган торфли-богқоқ тупроқларда мўл ҳосил беради. Бу ерлар бўз тупроқларга нисбатан чиринди ва азотга бой. Улар сернам ва кўп ҳолларда сизог суви юза жойлашиши билан характерланади. Шунинг учун бу хилдаги тупроқлар температураси бўз тупроқларникига нисбатан пастроқ бўлади (21-расм). Пиёз ва илдиэмевали ўсимликлар ўстириш учун юқори террасаларнинг енгил соэ тупроқли ерлари бирмунча қулай. Лавлаги нисбатан оғир тупроқли ерлarda яхши ўсади.

Полиз экинлари юқори террасалардаги бўз тупроқларни хоҳлайди. Бу ерда улар фузариоз сўлиш касаллиги билан кам зарарланади ва сершира мевалар беради. Хораэм, Қорақалпостон ва Ўрта Осиёнинг бошқа бир қанча районларида қувуннинг маҳаллий навлари муваффақият билан етиштирilmоқда. Сизот сувларининг сатҳи юқори бўлганлигидан бу ердаги экинлар сугорилмай (лалми полизчилик) ўстирилмоқда. Полиз экинлари янгидан ўзлаштирилган бўз ерларда, шу жумладан, Мирзачўлда касаллик ва заараркунандалар билан кам зарарланади ҳамда мўл ҳосил беради.

Картошка ўсимлиги учун тоғли районларнинг тупроқ-иқлим шароити ниҳоянда қулай, чунки бу ерлардан кам айнийдиган, серҳосил, соғлом уруғлил олиш мумкин.



21-расм. Сизот сувларининг чуқур (1) ва юза — 0,6 м (2) туришига қараб (ниъъ ойида), 10 см чукурликда гудроқ температураси.


Сабзавот экинлари (лавлаги бундан мустасно) шўрга чидамсизлиги билан фарқ қиласди. Тошкент қишлоқ хўжалиги институти сабзавотчилик кафедраси (1971, Зуев) маълумотларига кўра, сабзавотлар шўрга чидамлилигининг (хлорга нисбатан) агрономик нормаси илдиз системаси таралган тупроқ қатламида қуидагича: лавлаги учун 0,030—0,035; карам учун 0,027—0,030; редискага 0,017—0,020; картошка, пиёз, исмалоқ, укроп учун 0,015—0,020; қовунга 0,015—0,017 ва сабзи учун 0,010—0,015. Шунинг учун шўрланган ерларда сабзавот етишириш учун, аввало, агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда тупроқнинг юқори қатламида заарали тузларнинг тўпланишини сусайтирувчи мелиоратив тадбирлар (мульчалаш, тез-тез суфориш ва ҳ. к.) ўтказилиши керак, шундагина мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин.

Тоғолди зонасидаги паст-баланд ерларда ва тоғли районларда сабзавот экинлари учун жой танлашда рельефнинг хусусиятлари ҳисобга олинади. Жанубий ёнбағирлар қўёш нури таъсирида шимолий томонларга нисбатан яхшироқ қизайди, шарқий ва фарбий ёнбағирлар оралиқ ҳолатни эгаллайди (22-расм). Шунинг учун иссиқлик етарли бўлмаган шароитда ўсадиган эртаги сабзавотлар биринчи навбатда жанубий ёнбағирларга жойлаштирилади. Ёзда экиладиган, айниқса, юқори температурадан қийналадиган карам, картошка каби экинлар шимолий ёки фарбий ёнбағирларга экилади.

АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Сабзавоткор хўжаликларда сабзавот-полиз экинлари ва картошкадан юқори ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири алмашлаб экишни тўғри ташкил этишdir. Сабзавот экинлари экишда уларнинг тури ва салмоғи хўжаликларнинг тупроқ-иқлим шароитлари, сув билан қай дараражада таъминланганлиги, маҳсулот турининг миқдорини белгилаб берадиган план топшириқлари, хўжаликни ихтисослаштириш ва қайси тур экинларни экиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги каби масалаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Консерва заводларини маҳсулот билан таъминловчи сабзавотчилик колхоз ва совхозларида жорий қилинган алмашлаб



22-расм. Нишиби жанубга (1) ва шимолга қараган картошка экилган ерларнинг 10 см чуқурликдаги температураси (Тошкент ҚҲИ Ўқув-тажриба хўжалиги).

екишда помидор, бақлажон, қалампир каби сабзавотлар экишга катта ўрин берилади. Шаҳар атрофидаги хўжаликларда эса асосан помидор, бодринг каби экинлар экиш кўзда тутилади.

Шаҳарлардан узоқда жойлашган колхоз ва совхозларда узоқ жойларга ташишга қулай бўлган сабзавотлар — сабзи, лавлаги, пиёз, полиз экинлари, картошка экиласди. Шаҳар атрофидаги колхоз ва совхозларда одатда сабзавотчилик маҳсулдор чорвачилик билан бирга қўшиб олиб борилади. Бунинг учуп маҳсус майдонларда ем-хашак экинлари ўстирилади. Ўрта Осиёда бундай экинлар қаторига биринчи навбатда силос ва дон учун экиласдиган маккажӯхори киради. Шўрлатишга майил бўлган районларда эса у оқжӯхори ва қанд лавлаги билан алмаштирилади.

Ўрта Осиёда сабзавот ва сабзавот-ем-хашак алмашлаб экишдаги кўлгина схемаларда беда асосий компонент ҳисобланади. Беда тупроқни органик ўғит ва азотга бойитувчи, алмашлаб экиш учун энг яхши экиндир. Сизот сувларини пасайтирувчи ва тупроқнинг юқори қатламларида шўрланишнинг олдини олувчи мелиоратив экин сифатида ҳам беданинг аҳамияти катта. Ердан унумли фойдаланиш ва гектаридан олинадиган ҳосилни ошириш учун бедага арпа қўшиб экиш тавсия этилади.

Сизот сувлари юза жойлашган ерларда беда / намиқишидан қаттиқ заарланади. Шунинг учун бундай ерларда уни қизил се барга (*Trifolium pratense L.*) ёки берсим (*Trifolium alexandrinum L.*) билан алмаштирилади.

Сабзавот алмашлаб экишда ем-хашак ва кўкат ўғит сифатида фойдаланиладиган шабдар (*Trifolium resupinatum L.*), шунингдек дуккакли — дон экинларидан кўк нўхат, мош, соя, ловия каби экинларни киритиш катта истиқболга эга. Дон учун мош сабзавот экинлари йиғиб олингандан кейин, такрорий экин сифатида, ловия ва соя ёлғиз ўзи ёки озиқлик қимматини яхшилаш мақсадида силосбоп маккажӯхорига қўшиб экиласди. Кўк нўхат куз-қишида молларга бериш учун кўкат озиқ, шунингдек дон ёки кўкат ўғит сифатида ўстирилади. Кўк нўхатдан бўшаган ерлар такрорий экинлар учун ажратилади. Сабзавоткор колхоз ва совхозларда маккажӯхори ва бошқа чопиқ қилинадиган озиқбоп экинлар, одатда, сабзавот, ем-хашак ёки маҳсус ем-хашак экинлари алмашлаб экиш даласига экиласди.

Битта хўжаликда бир неча ихтисослаштирилган алмашлаб экиш бригадаси (сабзавот, сабзавот-ем-хашак ва ем-хашак алмашлаб экиш бригадалари) бўлиши экин майдонларининг зарур структурасини ташкил қилишга имкон беради. Сабзавот экинларини алмашлаб экиш даласига жойлаштиришда турли экинларнинг олдин экилган экинларга, органик ва минерал ўғитларга, бегона ўтларга, касаллик ҳамда зараркунандаларга муносабати ҳисобга олинади.

Карам, дуккакли сабзавотлар, бодринг, икки йиллик уругли экинлар, шунингдек, пиёз ва илдизмевалар картошка учун энг яхши олдинги экин бўла олади. Томатдошларга оид сабзавотлар, карам, дуккаклилар илдизмевалар ва пиёздан кейин экилса, мўл ҳосил беради, бунда карам, картошка, помидор ва ва илдизмевалилар каби экинлар бегона ўтлардан тозаловчи карам, картошка, бодрингдан кейин экилган маъқул. Пэлиз экинлари ва бодринг бедадан, шунингдек дон-дуккакли сабзавотлар, карам, илдизмева ва пиёздан кейин экилса, юқори ҳосил беради.

Қозогистон картошкачилик ва сабзавотчилик республика тажриба станциясининг маълумотларига қараганда, баъзи сабзавот экинлари (сабзи, картошка, кўк нўхат) етиштиришда симқурт зааркунандаси тўпланади. Карам, бодринг ва айниқса маккажўхори ўстирганда эса бу зааркунанданинг сони камаяди.

Шу станциянинг маълумотига кўра. кўк нўхат экилган далаларда ўсимлик яшил массасининг тез ўсиши туфайли бегона ўтлар сезиларли даражада камаяди. Бундай ерларга узоқ муддат пиёз ва сабзи экиш мумкин, чунки бу экинларнинг қатор оралари мунтазам равишда юмшатиб турилади.

Алмашлаб экишда экинларни навбатлаб экиш тартиби ўғитлаш системаси билан яқиндан боғланган бўлиши керак. Органик ўғитлар (гўнг, компост) биринчи навбатда полиз экинларига, бодринг, карам ва кўкат ўсимликлар (салат, исмалоқ) га солинади. Чунки бу экинлар тупроқда органик моддаларнинг кўп бўлишига айниқса катта эҳтиёж сезади. Агар алмашлаб экишда помидор ёки картошка етакчи ўринда турса, у ҳолда шу экинларга ҳам органик ўғитлар солинади.

Илдизмевалар ва пиёз одатда гўнг солингандан кейин 2—3 йил ўтгач экилади, чунки гўнг солинган йили экиш илдизмеваларнинг сифатига таъсир этади (ёрилиб кетади, меваси нотекис бўлиб болалаб кетади) ва лиёзининг етилишини кечиктиради.

Беда алмашлаб экишда органик ўғитлар бедапоя ҳайдаб ташлангандан кейин учинчи йили солинса, мақсадга мувофиқ келади, чунки бу вақтга келиб бедапояда тўпланган гумус — чиринди деярли тўла минераллашади.

Минерал ўғитлар алмашлаб экиш даласининг ҳаммасига тақсимланади, лекин азот, фосфор ва калий орасидаги нисбат ср шароитига, тупроқ таркибидағи гумус миқдорига ҳамда ўғит солинаётган ўсимлик турига қараб ўзгаради.

Органик ўғитларни ҳар икки-уч йилда минерал ўғитлар билан навбатлаб солиш мақсадга мувофиқдир.

Сабзавотлар алмашлаб экишда кўкат ўғитларни қўлланиш пиҳоятда катта аҳамият касб этади. Кўкат ўғит сифатида биринчи навбатда совуққа чидамли хашаки кўк нўхат, шабдар, ви-

кадан фойдаланиш тавсия этилади. Бу экинлар куз-қиши-баҳорги ёки қиши-баҳорги давларда экилади.

Такрорий экин. Сабзавотчилик маҳсулотлари кўпайтиришнинг муҳим резервларидан бирни сабзавот экинларини такрорий экишни кенг кўлланишдир.

К. А. Тимириязев ўтлоқлар, далалар ёки ўрмонларда фойдаланилмаган ҳар бир қуёш ёғудуси абадий йўқотилган бойликлар, деган эди. Сабзавот экинларини такрорий экишни ташкил қилиш қуёш энергисидан фойдаланишнинг энг муҳим воситасидир.

Ўзбекистон ва Урта Осиё республикаларидаги илғор колхоз ва совхозлар бир йилда икки марта сабзавот етишириш имкониятидан кенг фойдаланиб, биринчи экиндан ҳам, такрорий экиндан ҳам мўл ҳосил олмоқдалар. Масалан, 1970 йилда Тошкент области колхозларида биринчи ва такрорий экинлардан қўйидагича ҳосил олинган.

Масалан, Қўйишибов юмли колхозда биринчи экин сифатида сабзи экиб, гектаридан 259 ү ўрнига (такрорий) бодринг экиб. гектаридан 100 ү ҳосил олинди. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида эса биринчи экин сифатида, карам экиб, гектаридан 240 ү, ўрнига сабзи сепиб, гектаридан 225 ү ҳосил етиширилди. Шунингдек биринчи экин — картошкадан 65 ү, такрорий экин — карамдан 330 ү ҳосил олинган.

Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ биринчи (эртаги) ва такрорий экинларни қўйидаги тартибда экишни тавсия қиласди (11- жадвал).

Ёзги муддатларда экиладиган сабзавотларни буғдој ёки арпа ҳосили йигиб олингандан кейин ҳам ўстириш мумкин, эртаги сабзавотлардан бўшаган ерлар эса дои учун экиладиган мош, шунингдек, кўкат учун кузда экиладиган экинлар ва пнёз учун ажратилади. Сабзавот экинларни алмашлаб экишда дои учун маккажўхори ва оқжўхори, кечки навлари эса силос учун биринчи, шунингдек, такрорий экин сифатида экилади.

Тошкент Қишлоқ хўжалиги институти ўқув-тажриба хўжалигининг тажрибалари шуни кўрсатади, эртаги сабзавотлар ва картошкадан кейин яомидорнинг ўртапишар, шунингдек тез пишар навларини июнь ойида такрорий экин сифатида экиб, гектаридан 250—300 ү гача ҳосил олиш мумкин. Помидор кўчатлари очиқ ердаги кўчатзорларда кам меҳнат сарфланган ҳолда етиширилади.

Бир йилда икки марта ҳосил биринчи экин ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олиш ва такрорий экинни тезда экиш, ўсимликлар ўсишини тезлаштиришга ёрдам берадиган агротехника усусларини қўлланишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Уруғларни экиш олдидан ундириш, гўнг чиринди-тувакчаларда етиширилган сабзавот кўчатларини ўтказиш; ўта эртаги қилиб февраль ойида, айрим ҳолларда куз-қишида экиш, шунингдек, кузда тайёрланган эгатларга баҳорда экиш ҳамда ёруғлик ўтказувчи

Узбекистонда эртаги сабзавот экинлари ва картошка ҳосилини йигиб-териб олингандан кейин ўнинг тақорорий экинлар экиб фойдаланиш имкониятлари

Эртаги экин	Экиш муддатлари	Йигиб-териб олиш муддатлари	Тақорорий экин	Экиш муддатлари
Картошка . .	25. II — 10. III гача	I. VII	Карам, бодринг, дон учун дуккаклилар, август пиёзи, сабзавот илдизмевалар, дон учун маккажӯхори, мош	25. VI
Ўртаги карам . .	10 — 25 III гача	25. VII	Август пиёзи, турп, шолғом, силос учун маккажӯхори, кўкат ўғит учун дуккакли-дон экинлари	25. VII
Эртаги карам . .	25. II — 5 III гача	25. VI	Картошка, илдизмевали сабзавотлар, бодринг, маккажӯхори, дон учун дуккакли-дон экинлари, август пиёзи	25 — 10. VII
Сабзи, лавла- ги	5. III. гача	25. VI	Лавлаги, сабзи, карам, уруғлик учун картошка, дон учун маккажӯхори ва дуккакли-дон экинлари, бодринг	25. VI — 10. VII
Сабзи (жану- бий районларда)	20. II — I. III гача	25. VI	Полиз экинларининг кечки навлари, лавлаги, маккажӯхори, дон учун дуккакли-дон экинлари, картошка, карам	25. VI — 5. VII
Бодринг . .	15 — 25 VI гача	25. VI	Силос учун маккажӯхори, кўкат ўғит учун дуккакли-дон экинлари, август пнёзи, шолғом, турп	25. VII
Картошка, ре- диска, нўш пиёз (жанубий район- ларда)	25. II — 5. III гача	25. VI	Полиз экинлари (кечпишар навлари), карам, картошка, дон учун маккажӯхори ва дуккакли-дон экинлари, илдизмевали сабзавотлар	25. VI — 10. VII
Икки йиллик уруглик сабза- вотлар	1 — 10 III гача	10—20. VII	Картошка, илдизмевали сабзавотлар, август пиёзи, маккажӯхори, дуккакли-дон экинлари	10 — 20 VII
Шунинг ўзи . .	25. II — 5. III гача	1 — 5. VII	Полиз экинлари (кечпишар навлари), карам, пленизмевалилар, картошка, дон учун маккажӯхори	25. VI — 10 VII

шаффоф полиэтилен плёнкалардан фойдаланиш мана шундай усулларга киради. Экин қаторларига ёки уялар (ҳанжуворлар) га солинган фосфор ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини тезлаштиради.

Суғорладиган ерлардан йилига икки-уч марта ҳосил олиш учун бу ишларни тўғри ташкил этиш ниҳоятда муҳимдир. Биринчи ҳосилни иложи борича қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш керак. Биринчи экин ҳосили ва анғиз қолдиқлари йиғиб олиниши биланоқ ерларга ҳайдов олди суви берилади, ер етилиши билан сифатли қилиб ҳайдалади ва бир йўла борона бошлиб, кетма-кет такрорий экин кўчати ёки уруғи экилади. Ҳосил йиғим-терими билан ҳайдаш олдидан бериладиган сув орасидаги муддатни қисқартириш мақсадида далани биринчи экин ҳосилини йиғиштириб олиш олдидан сугориш лозим. Шунингдек, ўғитлар биринчи экинга ҳам, такрорий экинга ҳам берилishi зарур.

Сабзавот алмашлаб экишда оралиқ экинлардан фойдаланиш амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Оралиқ экинлар деб, кўпчилик ҳолларда куз-қиши даврида бўш ётадиган ерларга экиладиган экинларга айтилади. Урта Осиёда оралиқ экин сифатида кеч кузда экиш учун кузги жавдар, кузги арпа, райграс, кузги вика, кузги кўк нўхат, шабдар, берсим, кузги сурепка, раВас, хартол кабилар тавсия қилинади. Булар ёлғиз ўзи, яхшиси фалласимон ёки дуккакли экинларга аралаштириб экилгани маъқул. Хартол (горчица) ва жавдарнинг афзалллик томони шундаки, бу экинлар серҳосил, уруғи майдада бўлганлиги учун уларнинг кўпайтириш коэффициенти жуда юқори.

Оралиқ экинлар экиннинг энг қулади муддати август, сентябрь охири ҳисобланади. Экиш нормаси — хартол ва раВас уруғи гектарига 16—18 кг, жавдар — 100—120 кг, кузги кўк нўхат — 150 кг гача, шабдар ёки берсим — 20 кг. Агар аралаштириб экиладиган бўлса, компонент экинларнинг экиш нормаси ярмигача камайтирилади. Фалласимон ва крестгулдошларга мансуб оралиқ экинлар баҳорда, февраль охири, мартнинг бошларида гектарига 50—100 кг азот ва 20—30 кг фосфор ҳисобидан ўғитланади. Дуккакли оралиқ экинларга эса гектарига 40—50 кг дан азот ва фосфор солинади. Қўкат озиқ ёки кўкат ўғит учун экилган фалласимон экинларнинг кўк массаси ўсимликларнинг най чиқариш фазасида ва бошоқлашга қадар, яъни апрелда ўриб олинади. Крестгулдошлар ва дуккакли оралиқ экинлар ғунчалаб гуллай бошлаган даврда, яъни апрелнинг бошларида кўк массаси учун ўриб олинади ёки кўкат ўғит сифатида ҳайдаб юборилади.

Қўкат озиқ ёки силос учун экилган оралиқ экинлар ҳосили КИР-1,5 маркали ўриб майдалайдиган машинада ёки силос комбайнларида ўрилади. Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган кўпгина тажрибалар ва кузатишлардан маълум бўлишича оралиқ экинлар ўстирилган далаларда асосий экинга тушади-

ган замбуруғ ва бактериал (фузариоз ва бошқа) касаллуклар анча камаяди ва әкінлар ҳосилдорлиги бирмунча ортади.

Қиши-баҳор пайтларда оралиқ әкінлардан кенг фойдаланыш сабзавотчилик колхоз ва совхозларида ем-хашак ресурсларици анча оширишга, шунингдек, ёзда ем-хашак (силосбоп ва бошқа) әкінлари билан банд бұлған ерларнинг бир қисмини сабзавот әкінлари әкиш учун бұшатишга имкон беради.

Алмашлаб әкиш системалари. Урта Осиё республикаларининг сабзавотчилик хұжаликларида сабзавот ва ем-хашак әкінлари ни (асосан, беда) бир-бирига құшиб олиб бориладиган алмашлаб әкиш схемаси қабул қилинган.

Ўзбекистондаги сабзавотчилик йұналишидаги хұжаликлар учун 8 далали алмашлаб әкиш схемаси тавсия этилади. Бунда әкінлар қүйидеги тартибда навбатланады: 1- далага бедага арпа құшиб әкілади; 2—3- далага беда; 4- далага ўрта муддатларда әкіладиган сабзавотлар; 5- далага әртаги илдизмевали сабзавотлар ва кечки такрорий сабзавотлар; 6- далага картошка; 7- далага әртаги сабзавотлар ва кечки (такрорий) сабзавотлар; 8- далага әртаги картошка ва кечки (такрорий) сабзавотлар әкілади.

Картошка әкишга ихтисосластирилген хұжаликлар учун қүйидеги схема тавсия этилади. Бунда 1- далага бедага арпа құшиб әкілади; 2—3- далага беда; 4- далага кечки картошка; 5- далага әртаги картошка ва кечки (такрорий) карам; 6- далага полиз әкінлари ва күзги оралиқ әкінлар (жавдар, күк нұхат ва бошқалар); 7- далага кечки картошка; 8- далага әртаги сабзавотлар ва кечки (такрорий) сабзавотлар әкілади.

Полизчилик яхши ривожланған хұжаликларда 8 далали алмашлаб әкишнинг 3 даласига полиз әкінларини, яъни 1- далага бедага арпа құшиб әкілади; 2—3- далага беда; 4- далага полиз әкінлари (қовун); 5- далага полиз әкінлари (қовун) ва күккөт озиқ учун күзги оралиқ әкінлар; 6- далага әртаги сабзавотлар ва кечки (такрорий) картошка; 7- далага сабзавотлар (пиёз); 8- далага полиз әкінлари (тарвуз) ва күккөт озиқ учун күзги оралиқ әкінлар әкиш мүмкін. Жамбул обласстининг «Бурненский» 10- илғор картошкачилик совхозларида 7 далали алмашлаб әкиш схемаси қабул қилинған. Бунда уч йиллик бедапоя ўрнига (1—3-дала) бедапоя бузилгандан кейин биринчи ва иккинчи йили (4 ва 5- дала) картошка, кейин (6- дала) сабзавот ва маккажүхори ва (7- далага) бедага ғалла әкінлари құшиб әкілади.

Қирғизистондаги сабзавот-консерва саноатига хизмат қи-лувчи ихтисосластирилген хұжаликларда 8 далали алмашлаб әкиш тавсия қилинган; бунда 1, 2, 3- далага ғалла әкінлари ўтлар билан бирга, 4- далага томатдошларга мансуб сабзавотлар (помидор, қалампир, бақлажон), 5- далага бодринг, патти-сон ва кабачки, 6- далага помидор, 7- далага пиёз, саримсоқ. Илдизмевалар ва карам, 8- далага помидор әкиш тавсия этилади.

Қозогистоннинг Олмаота колхоз ва совхозларининг шаҳар атрофи зонаси учун қўйидаги 6 ва 8 далали сабзавот-алмашлаб экиши схемаси тавсия қилинали. 6 далали алмашлаб экишида; 1- далага томатдош сабзавотлар, 2- далага бодринг, 3- далага кечки карам, 4- далага хашаки дуккаклилар, 5- далага картошка, помидор, 6- далага пиёз ва илдизмевалар; 8 далали алмашлаб экишда: 1—2- далага ўтлар, 3- далага помидор, 4- далага бодринг, 5- далага карам, 6- далага помидор, 7- далага пиёз ва илдизмевалар, 8- далага донли экинлар ўтларга қўшиб экилади.


Бедани судан ўти билан бирга қўшиб экиши амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга, чунки беда биринчи йил кам ҳосил беради. Уни судан ўтига аралаштириб экилганда эса кўплаб кўк масса ҳосили беради. Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг 1968—1970 йиллар давомида олиб борган тажрибаларида беда ёлғиз ўзи экилганда гектаридан 122 ц, судан ўти билан бирга экилганда эса 314 ц, шу жумладан бедадан 74 ц ва судан ўтидан 240 ц ҳосил олинди. Судан ўти биринчи йили бедани эзиб қўяди, у жуда кам ҳосил беради, лекин, иккинчи, учинчи йили беда нормал ривожланади. Ҳар иккала экинни аралаштириб экишда экиши нормаси гектарига: судан ўти 14—15 кг ва беда 16 кг бўлгани маъқул.

Экинларни зичлаштириб экиш. Бир майдонда бир неча хил ўсимликларни аралаш ўстириш экинларни зичлаштириши дейлади. Сабзавотчилик ривожланган Болгария ва бошқа мамлакатларда экинларни зичлаштириб экиш усулидан кенг фойдаланилади. Турли ўсимликлар ҳаётининг турли даврида озиқ моддаларига, ёруғликка бир хилда эҳтиёж сезмайди. Шунга кўра, зичлаштириб экиш учун шундай ўсимликлар танланиши керакки, улар бир далада бирга ўсаётганда бир-бирига учалик халақит бермасин.

Урта Осиёда баъзан полиз экинлари маккажўхори билан зичлаштирилади. Картошка, карам, помидор экинлари тез ўсувчи кўкат ўсимликлар билан зичлаштирилади. Бунда кўкат ўсимликлар ҳосили асосий экинларнинг мева туга бошлаш даври бошлангунча йиғиб олинади. Маккажўхори орасига дуккакли ўсимликлар, асосан, ловия экилади. Одатда, полиз экинлари, помидор, бодринг каби пуштаси кенг (2—3 м) экинлар пуштасининг ўртасига ўсув даври қисқа тезлишар ўсимликлар экиш мумкин, чунки асосий экинлар ўсув даврининг ярмигача пушталар бўш ётади.

Зичлаштириб экиш усулидан самарали фойдаланиш учун экинлар юқори агротехника асосида парвариш қилиниши ва тупроқ унўмдор бўлиши керак.

Экинларни зичлаштириб экишнинг камчиликлари шундаки, бундай лалаларда уругни механизмлар ёрдамида экиш ва ўсимликларни парвариш қилиш бирмунча қийинчиликлар туғдирали. Шуниш учун экинларни зичлаштириб экиш бизда кенг авж



23-расм. Августда картошка әкилган ердаги ишота сифатида ўстирилган маккажүхорининг 10 см чуқурликдеги тупроқ температурасыга таъсири (Тошкент ҚХИ Ұқув-тажриба хұжалиғи):

1 — ишоталанмаган ерда; 2 — ишоталанған (қатор оралатып маккажүхори әкилған) ерда.

учун фойдаланилади. Тұсиқбоп үсімліклар сифатида күпинча маккажүхори ёки кунгабоқарнинг баланд бўлиб ўсадиган навлари ўстирилади. Тұсиқбоп үсімліклар қарам ёки картошкадан 15—20 кун илгари әкилади, шунда асосий әкінлар әкилгунга қадар улар яхши ўсіб ривожланиб олади. Тұсиқбоп әкінлар сабзавотларни механизмлар ёрдамида әкиш, уларни парвариши қилиш ва ҳосилни йиғиб олиш ишларини қийинлаштиради, шунинг учун улардан кам фойдаланилади.

ЕРНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Сабзавотлар әкиладиган ерларни экишга тайёрлаш, асосан, күзги шудгорлашдан иборат, бунда ер чимқирқарли плуг билан 28—30 см чуқурликда ҳайдалади.

Бироқ янги ўзлаштирилган ерларда ҳайдов қатламини астасекин чуқурлаштириб бориши лозим. Оч тусли бўз тупроқларда ерлар ўзлаштирилган йилли 20—22 см чуқурликда ҳайдалади, сўнг ҳар 1—2 йилда ҳайдаш чуқурлиги 2—3 см дан ошириб борилади ва шу тартибда 26—28 см гача етказилади.

Ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларда берч қатлами ҳар йили 2—3 см қўшиб ҳайдалади ва ҳайдаш чуқурлиги 27—30 см га етказилади. Чиринидига бой типик ва тўқ тусли бўз тупроқ ерларин оч тусли бўз тупроқларга қараганда ҳеч қандай тайёр гарликсиз бир йўла чуқур ҳайдаш мумкин.

олмади ва кўпинча бу усулдан парникларда сабзавотлар етиширишда фойдаланилади.

Тұсиқбоп әкінлар. Бир неча қатор сабзавот пайкали орасига бир-икки қатордан қилиб әкилган баланд бўйли үсімліклар тұсиқбоп әкінлар дейилади.

Тұсиқбоп әкінлар баҳорда пайкаллардаги әкінларни совуқ шамолдан ва қора совуқдан ҳимоя қиласы. Ёзда эса асосий әкінларни гармсeldан ҳимоя қиласы ва температурани бирмунча пасайтириш имконини беради (23-расм). Қишида далада қолдирилган тұсиқбоп үсімліклар қорни яхши тутиб қолади. Ўрта Осиё сабзавотчилигиде тұсиқбоп әкінлардан баъзан қарам, картошка ва шулар сингари иссиққа чидамсиз үсімлікларни ёзги юқори температурадан ҳимоя қилиш

СоюзНИХИ ва бошқа илмий-текшириш муассасаларининг тажрибалари Урта Осиё шароитида ерларни бирмунча чуқур (40 см гача) юмшатиш яхши самара беришини кўрсатди, лекин амалда ерларни 30 см дан чуқур ҳайдаш камдан-кам ҳолларда қўлланилади. Урта Осиёда баҳорги экиш олдидан ерни экишга тайёрлаш системаси, биринчидан, баҳорги ҳайдаш олдидан тупроқ ҳолатига, иккинчидан, сабзавот экинлари уруғили экиш ва кўчатини ўтқазиш муддатига қараб белгиланади.

Эрта кўкламда сабзавотлар экиладиган ерлар кузда шудгорланиб, экиш олдидан, яъни февраль охири — март бошларида бир йўла икки қатор чизел-борона босилади.

Ерни ёртаги экинлар экишга тайёрлашпинг энг яхши усули куздаёқ эгат (пушта)лар олиб қўйишидир. Эгатларни барвақт олиб қўйиш экинларни жуда эрта муддатларда экишга ва эрта ҳамда мўл ҳосил олишга имкон беради. Бундай ҳолларда ер куздан бошлаб бороналанади ва кетма-кет эгатлар олинади, эрта баҳорда пушталарга уруғ экилади ёки кўчат ўтқазилади.

Кеч кўкламда (апрель ва май бошларида) сабзавот экиладиган ерлар эрта баҳорда экин экиш олдидан бороналанади ёки 20—22 см чуқурликда ағдармасдан қайта ҳайдалиб, кейин борона босилади.

Ёзда (июнь-июль ойларида) сабзавот экиладиган далалар эрта кўкламда бороналанади ҳамда ёғингарчиликдан кейин ҳосил бўлган қатқалоқ ва бегона ўтларни ўқотиш мақсадида 1—2 марта (апрель-майда) ёппасига культивация қилинади. Сўнгра уруғ экиш ёки кўчат ўтқазиш олдидан 20—22 см чуқурликда қайта ҳайдалиди ва бир йўла бороналанади. Агар ер қақраб қолган бўлса, ҳайдашдан олдии суфорилади.

Ёзда такрорий экинлар экиладиган ерлар ёртаги сабзавотлар йигишириб олингандан сўнг суфорилади, ҳайдалиди ва бороналанади.

Сабзавотчилик колхозларида баъзан ерлар икки марта ҳайдалиди бу фақат фойдасизигина эмас, ҳатто заарлидир, чунки бунда ердан нам кўтарилиб, тупроқ қурийди ва кукунлашади, натижада ҳосилдорлик пасайиб кетади.

Уруғи юза экиладиган (сабзи, пиёз каби) майда уруғли экинлар хоҳ баҳорда, хоҳ ёзда экилмасин, тупроқни тобига келтириш учун бороналашдан ташқари, албатта, мола ҳам босиш зарур.

Бегона ўт босадиган участкаларда ерни экишга тайёрлаш системасига бегона ўтлар уруғини ёппасига унишини тезлаштириш мақсадида сугоришни ҳам киритиш керак. Ўтлар ёппасига униб чиққандан кейин улар бороналаш ёки далани юмшатиш йўли билан йўқотилади. Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институти тажрибаларида сабзи экиладиган ерлар бегона ўтлар уруғини ёппасига ундириш мақсадида сугорилиб ва ўтлар униб чиққандан кейин борона босилганда, бегона ўтлар анча камайганлиги ва

хосилдорлик ортганлиги кузатилди. Буни қүйидаги маълумотлардан кўриш мумкин.

Тажриба варианти	1м^3 ердаги бегона ўтлар сони Суфорилган- дан кейин	Экинларни ўтоқ қилиши олдидан	Гектаидан олинган сабзи ҳосили, ц
Контроль	0	1397	115,6
Ўт үруғларини ундириш учун суфорилган ва бороналанган ер	903	160	158,0

Бегона ўтлар уруғининг ёппасига унишини тезлаштириш учун ерлар, одатда, баҳор-ёз пайтларида, кечки экинлар эса экиш олдидан суфорилади.

Шўрланган ерларга сабзавот экиладиган бўлса, уларнинг шўри, албатта, ювилиши керак. Бунинг учун ерларнинг текислик даражасига қараб, 0,1 дан 0,25 га гача катталикда пол олинниб, уларга сув бостирилади. Бир оз шўрланган ерларда ёгатларга сув қўйиб ювилади.

Шўр ювиш шудгорлашдан олдин ёки кейин ўтказилади, шудгор қилингандан кейин ювилгани яхшироқ фойда беради. Шўри ювилган ерлар жуда зичлашиб кетади, шунинг учун уни қайта ҳайдаш ёки чизеллаш лозим. Шунга кўра, эрта баҳорда сабзавот экишни кечиктирмаслик мақсадида шўр ерлар шудгорлашдан олдин ювилгани маъқул. Ёзда экин экиладиган ерлар шўри кузги шудгорлашдан кейин ювилиб, баҳорда ёки ёзда 20—22 см чуқурликда қайта ҳайдалади.

ЎҒИТЛАШ

Сабзавот экинлари ҳосилини оширишда ўғитлар ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Суфориладиган ерларда сабзавот етиштиришда экинларни ўғитлаш, айниқса самарали бўлади.

Ўрта Осиё тупроқларида азот ҳамда ўсимлик ўзлаштирадиган фосфор кислота нисбатан кам, аммо калий билан яхши таъминланган. Шу боисдан сабзавот ўсимликлари биринчи навбатда, азотли ва фосфорли ўғитларга эҳтиёж сезади.

Одатда, фақат азотли ўғитлар билан ўғитлаш фосфорли ўғитлар билан ўғитлашга қараганда бирмунча яхши самара беради. Қирғизистон ва Қозоғистоннинг тогли районларидағи чириндиға бой ерлар, шунингдек кўп йиллик ўтлардан бўшаган ерлар бундан истиносидпр. Бундай ерларлаги барча сабзавот экинлари ва картошкани биринчи навбатда фосфорли ўғит билан ўғитлаш керак.

Ўрта Осиё ерларида калийли ўғитлар кўпинча унчалик яхши самара бермайди. Йекин, сурункасига мўл ҳосил бериб келётганд унумдор ва сувни яхши ўтказадиган ерларни калий билан ўғитлаш зарур.

Сабзавот экинлари ва картошкадан мұл ҳосил олиш учун ерга минерал ўғитлардан ташқари органик ўғитлар ҳам солиши керак. Бундаң ўғитларга күкат ва полиз экинлари, карам ва помидорларнинг эҳтиёжи айниқса катта. Аммо органик ўғитлар билан минерал ўғитлар биргаликда қўлланилса, экинлар ҳосилига ҳосил қўшилади. Буни Узбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачалик ИТИ маълумотларидан кўриш мумкин (ҳосили, га/ц).

Экинлар	Ўғит солин- маганди	Ҳар га ерга 40 т дин гўнгэ солин- ганди	NPK солинганди	Ҳар га ерга 10 т гўнгэ + NPK солинганди
Карам . . .	241	473	464	515
Помидор . . .	337	423	446	433
Қовун . . .	166	242	195	246

Сабзавот ўсимликлари ердан озиқ моддаларни бутун ўсув даври давомида олиб туради, лекин мева тугиш вақтида улар бу ўғитларга айниқса талабчан бўлади. Демак, ўғитларни фатат экишдан олдин эмас, балки ўсув даврида ҳам қўшимча озиқ тариқасида бериш зарур.

Озиқлантириш усулини аниқлашда ўсимликларнинг биологик хусусиятларидан ташқари, ўғит сифатида ерга солинадиган озиқ моддаларнинг ўзгариш характеристикини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Азот. Азотли ўғитлар таркибидаги азот Урта Осиё шароитида тезда нитрат шаклга, нитратлар эса дарҳол бошқа бирнкамаларга айланади. Нитрат ҳолдаги азот қиши-баҳорда ёғинлар таъсирида, ёзда эса ерни суғориш натижасида ювилиб, тупроқнинг анча чуқур қатламларига тушиб кетади ва ўсимликлар жуда кам фойдаланадиган ҳолга келиб қолади. Ёзда, бир суғориш билан иккинчи суғориш орасидаги муддатларда, тупроқдаги сув буғланиши натижасида нитратлар сув билан бирга ернинг юқори қатламларига, эгат пушталарига чиқиб қолади, бундай ҳолларда ҳам ўсимликлар ундан тўла фойдалана олмайди. Шунга кўра, кўпгина сабзавот экинлари ривожланишининг дастлабки босқичларида, масалан, кўчатлар ўтқазилгандай ёки пиёз, сабзи каби секин унадиган ўсимликлар уруғи ҳалилдан кейин, уларни тез-тез суғориб туриш керак. Агар бу экинлар экиладиган ерга уруғ экиш ёки кўчат ўтқазишдан олдин азотли ўғитлар солинса, нитрат ҳолидаги азот ювилиб, тупроқнинг ёш ўсимликлар илдизи ета олмайдиган чуқур қатламларига тушиб кетиши, сизот сувлари юза жойлашган ерларда эса батамом йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шунинг учун азотли ўғитлар йиллик нормасининг энг кўпи (60—75%) ўсимликлар ўсув даврида қўшимча озиқ тариқасида, 25—40% эса ерни экиш олдидан ҳайдаш ёки бороналаш вақтида солинади. Ҳар бир озиқлантиришда гектарига 30—50 кг ҳисобидан азот

берилади. Помидор, карам ва шуларга ўхшаш кўчат қилиб ўстириладиган экинлар кўчати тутиб олгандан кейин, картошка, илдиэмевалар, пиёз тўла кўкариб чиққандан ёки полиз ўсимликлар дастлабки чин барг чиқаргандан кейин биринчи марта азотли ўғитлар билан озиқлантирилди.

Усимликлар хосил органлари пайдо бўла бошлиган даврда азотли ўғитлар билан иккинчи марта озиқлантирилиши керак.

Агар карам ва помидор экилган ерларни катта норма билан ўғитлаш зарурияти туғилса, бундай ҳолларда ўсимликлар ёппасига мева тугаётган даврда учинчи марта озиқлантирилди.

Езда, азотнинг тўпроқ бетига кўтарилиб чиқишини камайтириш учун, сугоришлар ўртасида, экин қатор ораларини культивация қилиш, қатордаги туплар орасини чопиш йўли билан тўпроқни доим юмшоқ ҳолда сақлашга тўғри келади.

Ерга солинган фосфор сувда эримайдиган ҳолатга ўтиб, тушган жойида ўрнашиб қолади. Шунга кўра, суперфосфат ерни ҳайдаш вақтида солинса, ундан ўсимликлар қатор ораларига солинганига қараганда яхши фойдаланади, чунки суперфосфат қатор ораларига солинганида етарлича чуқурликка кўмилмай қолади. Лекин ўсимликларни ривожланишининг дастлабки даврида фосфор билан таъминлаш учун экин экиш вақтида ҳам суперфосфат солиш тавсия қилинади. Одатда, суперфосфат йиллик нормасининг кўп (60—75%) қисми кузги шудгорлаш ёки ёзги экинларни экиш олдидан ер ҳайдаш вақтида ва 15—25% и уруғ экиш ёкни кўчат ўтқазиш билан бир йўла уяларга ёки қаторларга солинади. Агар фосфорли ўғитлар катта нормада бериладиган бўлса, унинг бир қисмини озиқлантириш вақтида, азотли ўғитлар билан бирга бериш ҳам мумкин.

Ўсимликларнинг фосфордан фойдаланиш коэффициенти жуда паст (15—20%). Лекин гранулланган суперфосфатни организм ўғитларга қўшиб, унинг коэффициентини анча оширса бўлади.

Ерга солинган калий ҳам, худди фосфор сингари, сувда тез эримайдиган бирикмага айланади. Калийли ўғитлар ерга солиниши биланоқ калийнинг кўп қисми (80% га яқини) тўпроқнинг ютувчи комплексига киради, сўнгра алмашинадиган калий ҳолида аста-секин ўсимликлар томонидан ўзлаштирила бошлияди. Шунинг учун калийли ўғитларнинг асосий қисми шудгорлаш ёки экиш олдидан ҳайдаш пайтида ва бир қисми экинларни биринчи озиқлантиришда солинади.

Үрта Осиё тўпроқлари таркибидаги чиринди (гумус) ва азот миқдорига қараб бир-биридан кескин фарқ қиласди. Ўғитларнинг йиллик нормаларида озиқ моддалар нисбатини аниқлашда бу фарқни ҳисобга олиш зарур. Чиринди ва азотга бой ўтлоқ тўпроқларга фосфорли ўғитлар кўпроқ солиниши керак.

Кўп йиллик ўт экиси тўпроқда чиринди ва азотнинг кўпайишига ёрдам беради, лекин тезда бошқа бирикмаларга айланадиган фосфор ва калий запасларини анча камайтиради. Шу-

нинг учун бедапоя бузилгандан кейин биринчи йили азотли ўғитлардан фойдаланмасдан ҳам сабзавот-полиз экинлари ва картошкадан юқори ҳосил олиш мумкин, лекин фосфорли ўғитлар солиниши шарт. Маълум вақт ўтиши билан бузилган беда-ноядаги чиринди моддалар, ўсимлик тўплаган азот камайиб боради ва сабзавот экинларининг азотга бўлган талаби тобора ошиб боради. Зеро, бузилган бедапояларда ўғитларнинг йиллик нормасида азот билан фосфор ўртасидаги нисбат азотни кўпайтириш ҳисобига аста-секин ўзгартириб борилиши лозим. Бу нисбат ерга солинадиган ўғитларнинг миқдорига қараб ҳам ўзгариши керак. Ўғитлар нормаси камроқ бўлганда азот билан фосфор нисбатини 1:1 атрофида олингани маъқул. Агар экинлар катта норма билан ўғитланадиган бўлса, ўсимликларнинг вегетатив массаси ҳаддан ташқари ўсиб кетиб, ҳосилга зарар етказмаслиги учун ўғитлар ўртасидаги нисбат фосфорни кўпайтириш ҳисобига ўзгартирилиши лозим.

Юқорида кўрсатилган факторларга қараб NPK ўртасидаги нисбатни тахминан қўйидагича белгилаш тавсия этилади (12-жадвал).

12-жадвал

Минерал ўғитларнинг йиллик нормасида NPK нинг нисбати

Агротехника фони	Тупроқ хили		
	Бўз ва оч тусли ўтлоқ тупроқлар	Корматир ўтлоқ ва ўтлоқ-боткоқ тупроқлар	Шагал қатдамли бўз ва ўтлоқ тупроқлар
Бедапоя бузилгандан кейин биринчи ва иккинчи йили	1:2:1	1:2:1	1:1,5:1
Эскидан ҳайдалиб келинаётган ерлар, агротехника даражаси ва ўғитлар нормаси ўтча бўлганда	1:1:0	1:1,5:0	1:0,7:0,5
Шу ернинг ўзи, лекин агротехника даражаси ва ўғитлар нормаси юқори бўлганда	1:1,5:0,5	1:2:0,75	1:1:0,75

Минерал ўғитлар нормаси тупроқ хоссаси ва агротехника фонини ҳисобга олган ҳолда етиширилиши мумкин бўлган ҳосил миқдорига қараб аниқланади. Қўлланиладиган агротехника даражаси қанча юқори ва ўғитлардан фойдаланиш шароити бирмунча қулай бўлса, ўғитлар нормаси шунча юқори бўлиши керак.

Эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларга мўлжалланган ҳосилга қараб, ўғитлардан фойдаланиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, тахминан, қўйидаги миқдорда азот солиш тавсия этилади, га/кг:

Сабзавотлар	150—200 50—75 Картошка	250—300 90—120 75—100	400—500 150—200 150—200
-------------	------------------------------	-----------------------------	-------------------------------

Фосфор ва калий нормаси NPK нинг юқорида кўрсатилган ўзаро нисбатига қараб белгиланади.

Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан биргаликда солинганда азотнинг йиллик нормаси тегишли даражада камайтирилади, фосфорнинг йиллик нормаси эса ерга солинаётган минерал ва органик формадаги ялпи азот миқдорига қараб аниқланади.

Гўнг — асосий органик ўғит, бироқ у одатда етарли миқдорда тўпламмайди, тўпланганларнинг кўп қисми парникларни иситиш ва чиринди тувакчалар ясаш учун ишлатилади. Шунга кўра органик ўғитларнинг бошқа ҳамма ресурсларидан ҳам фойдаланиш керак.

Гўнг-тупроқдан тайёрланган компост ҳам дурустгина органик ўғит ҳисобланади. Шунингдек, ўсимликларнинг ҳар хил қолдиқлари (палак ва бошқалар) ва уй-рўзгор чиқиндиларининг чириши натижасида ҳосил бўлган чириндилардан ҳам компост сифатида фойдаланиш мумкин.

Фекалий — кучли ва тез таъсир қилувчи ўғит. Ўзбекистон Санитария, гигиена ва касалликларнинг олдини олиш илмий-текшириш институтининг тажрибалари фекалий ўғитлар сабзавот экинлари ҳосилдорлигини анча оширишини кўрсатди. Буни қўйидаги маълумотлардан кўриш мумкин, % ҳисобида:

Фекалий солиш нормаси, га/т	Картошка	Помидор	Каран	Бақлажон
100	20	39	40	52
250	40	80	60	68

Фекалийдан фойдаланишнинг энг яхши усули «сугориш далалари» ташкил этиш, яъни экинларни шаҳар канализация системасидан келадиган сув билан сугоришdir. Ўрта Осиёда фекалийдан бошқача усулда ҳам фойдаланилади. Шаҳар атрофидаги баъзи сабзавотчилик колхозлари шаҳар ассенизация транспортидан фойдаланиб қиши вақтида фекалийларни далага чиқариб, махсус чуқурларга тўқадилар, баҳорги ҳайдаш вақтида эса улар ерга солинади.

Баъзан, ўсимликлар ўсув даврида фекалий аралаш сув («шарбат») билан сугорилади. Бунинг учун сув фекалий билан тўлдирилган чуқурлар орқали оқизилади. Сабзавот экинлари ни шарбат суви билан сугориш, ҳосилдорликни бирмунча оширади. Бироқ, бу усул санитария-гигиена қоидаларига хилоф бўлганлигидан ундан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Фекалий ўғнитидан фойдаланишнинг энг яхши усули *фекалий-тупроқ* компостлари тайёрлашдир. Фекалий 1 м чуқурлик даги ўраларга тўкилиб, 10 ой сақланиб компостлаштирилганда у батамом минераллашиб, юмшоқ ва таркибида касаллик туғдирувчи микроорганизмлардан холи бир хил масса ҳосил бўлади.

Фекалийдан тайёрланган компостларнинг сабзавот экинлари ҳосилига қандай таъсир этиши Қозогистон Сабзавот-картошка-чилик станцияси маълумотларидан ҳам яққол кўриниб турибдн, га/ц:

Экинлар	Ўғитланмаганда	Минерал ўғитлар тўлиқ солинганда	Шаҳар чиқинчиларидан тайёрланган компост солинганда	Фекалий компости солинганда
Помидор . . .	113	139	162	166
Бодринг . . .	300	350	377	388

Сабзавот экинлари экиладиган ерларнинг ҳар гектарига 40—50 т дан органик ўғитлар (гўнг, компостлар) соликиши лозим. Бироқ кўпинча органик ўғитлар минерал ўғитларга аралаштириб берилади. Бундай ҳолларда ҳар га ерга 15—20 т дан ўғит солинади.

Сабзавот экинлари экиладиган ерларга органик ўғитлар, одатда, шудгорлаш вақтида солишниб, ҳайдов чуқурлигига кўмилади. Сабзавотлар ёзда экиладиган ёки кўчати ўтқазиладиган далаларга органик ўғитларни баҳорда ҳам солиш мумкин.

Органик ўғитларни уруғ тушадиган ёки кўчат ўтқазиладиган қатор ва уларга солиш ҳам яхши самара беради. Шундай қилинганда органик ўғитлар ўсимлик илдизларига яқинлашади, натижада уларнинг ўғитлардан фойдаланиш коэффициенти кескин ортади. Бу эса органик ўғитлар солиш нормасини учтўрт ҳисса камайтиришга имкон туғдиради. Бунда ҳар га ерга 8—10 т дан 15 т гача органик ўғит суперфосфат билан аралаштириб солинади.

Ўғитларнинг экиш жойига қараб картошка ҳосилига қандай таъсир этишини Қозогистон Қишлоқ хўжалиги институти ўқув-тажриба хўжалигига ўтказилган тажриба маълумотларидан яққол кўриш мумкин:

Тажриба вариантылари	Ўғитланмаганда	Гектарига 30 кг дан суперфосфат (P_2O_5) солинганда	Гектарига 10 т дан чиринди солинганда	Гектарига 10 т дан чиринди ва 30 кг дан суперфосфат (P_2O_5) солинганда
Ҳосил, га/ц	153	173	205	239

Урта Осиё сабзавочилигида парранда тезаги ва ипак қурти ахлатлари каби маҳаллий ўғитлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу хилдаги ўғитлар таркибида 3—5% гача азот, 0,6—1,0% гача фосфор бор. Улар экиш жойига қараб, ҳар га ерга 8—10 ц дан солинади ёки ўсув даврида қўшимча озиқ сифатида берилади.

Шулха ва ғўзапоя кули фосфор-калийли ўғит ҳисобланаб, уларнинг таркибида 8—9% фосфор бор. Бу хилдаги кул, одатда, кузги шудгорлаш вақтида ҳар га ерга 6—7 ц дан солинади.

Урта Осиёнинг айрим жойларида, масалан, Туркманистонда ва Ўзбекистоннинг жанубида, жумладан, қўрғон тупроғи (таркибида 0,8—1,0% дан кўпроқ азот бўлади), пахса девор тупроғи, кўл ва ариқ лойқаси (таркибида 0,2—0,3% азот бўлади) дан ўғит сифатида фойдаланилади. Бу хилдаги ўғитлардан ҳар га ерга 50—100 г ва ундан ҳам кўпроқ солинади.

Туркманистон ва Урта Осиёнинг бошқа районларида механик таркиби жиҳатдан оғир бўлган тақир ерларда тупроқнинг ҳаво ва сув режимини яхшилаш мақсадида уларга қум аралаштирилади.

Урта Осиё сабзавотчилигида сидератлар — кўкат ўғитлардан фойдаланишнинг истиқболи катта. Сабзавот алмашлаб экишда сидерат ўсимликлар сифатида дуккакли-дон экинлари — мош ва ловия (бурчоқ) дан муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам жуда кўп кўк масса ҳосил қиласи, шунинг учун ҳам булар энг яхши сидерат экинлари ҳисобланади. Бироқ бу иссиқсевар ўсимликларни фақат баҳорда ёки ёзда экиш мумкин, шунга кўра, сабзавот экинлари майдонини қисқартириш шарти билан булар алмашлаб экишга киритилади. Шунинг учун совуққа чидамли экинлар — кўк нўхатнинг қишига чидамли навлари, шабдар ва кузги вика ўсимликларидан сабзавотчиликда кўкат ўғит сифатида фойдаланиш ижобий натижга беради. Кўкпоя олиш мақсадида бу экинларни кеч кузда, қиши ва эрта баҳорда, яъни сабзавот алмашлаб экиш далаларининг кўлчилиги бўш ётган вақтда ўстириш мумкин.

Ўзбекистон ва Тожикистонда ўтказилган тажрибалар кузги кўк нўхатнинг ҳайдалиб тупроққа қориштириб юбориладиган кўк пояси ҳар га ерда 200—250 кг азот, 50—60 кг фосфор ва кўп миқдорда органик модда тўплашини кўрсатди. Бундай ерларга экилган сабзавотлар ҳосилдорлиги кескин ортади.

Ер экиндан қачон бўшашига қараб, қишки сидератлар кузда — август, сентябрь, октябрь ойларида ёки эрта баҳорда дон ёки сабзавот сеялкаларида экилади. Кўпроқ кўкпоя етишириш учун сидерат экинлар суперфосфат билан ўғитланади.

Сидерат экинлар гуллаган даврда — апрель-майда ер ҳайдалиб, поялари тупроққа қориштириб юборилади.

Сабзавот экинлари ҳосилини ошишида бактериал ўғитлар ҳам яхши самара беради. Бундай ўғитга нитрагин киради, у

бирор дуккакли ўсимликлар учуп хос тугунақ бактериялардир; азотбактерин таркибида ҳаводаги азотни ўзлаштириб тупроқни азотга бойитиш хусусиятига эга бўлган азотабактер микроблари бор; фосфорбактерин ўсимликларнинг тупроқдаги фосфор билан озиқланишини яхшилашга ёрдам берадиган бактериал ўғит.

Бактериал ўғитлар суюқ препарат ҳолида ишлаб чиқарилади ва ярим литрли шиша идишларга солиб маҳкамлаб қўйилади. Бир га ерга экиладиган уруғни ярим литрдаги препарат билан ишлаш (ҳўллаш) кифоя.

Бор, марганец, кобальт, мис, рух ва молибден каби микроэлементлар сабзавот экинлари ва картошка ҳосилига фойдали таъсир этади.

Қозоғистон Сабзавот картошкачилик станциясининг тўқ тусли каштан тупроқларда ва Тошкент Қишлоқ хўжалиги институти сабзавотчилик кафедрасининг типик кул ранг тупроқларда ўтказилган тажрибаларида помидор уруғи ва картошка тугунакларини микроэлементларнинг кучсиз (0,5% ли) эритмалари билан намланганда ва ўсимликлар барги орқали озиқлантирилганда уларнинг ҳосили 10—15% га ортган.

УРУҒНИ ЭКИШГА ТАЙЕРЛАШ

Сабзавотлардан мўл ҳосил олишда юқори сифатли уруғ экиш муҳим аҳамият касб этади. Уруғ биринчи навбатда пав жиҳатдан тоза бўлиши ва унда бошқа аралашмалар бўлмаслиги керак, акс ҳолда ҳосилдорлик кескин камайиб кетиши мумкин, чунки ҳар хил сабзавот экинларининг етилиши муддатлари, иссиққа, намликка ва бошқа факторларга бўлган муносабати жиҳатдан бир-биридан кескин фарқ қиласи, демак, уларнинг ҳар бири ўзига хос агротехникани талаб қиласи.

Уруғлар нав сифатига қараб уч категорияга — элита уруғлар, I ва II категорияга бўлинади. Уруғчилик хўжаликлари, колхоз ва совхозларнинг уруғлик участкаларига I категориядан паст бўлмаган, товар-сабзавот етиштирувчи участкаларга эса II категориядан паст бўлмаган уруғлар экишга рухсат этилади. Қарантин қилинган ўтлар уруғи аралашган сабзавот экинлари уругини экиш мутлақо ман қилинади.

Уруғлик сифати — унувчанлиги, униш энергияси, тозалиги, хўжалик жиҳатдан яроқлилиги (унувчанлик X тозалиги) ва

100

намлиги лабораторияда аниқланади. Сифатига қараб уруғлик I ва II классга бўлинади. Уруғ етиштириш учун, одатда, I класс; оддий, товар-сабзавотлар етиштириш учун эса I ва II класс уруғлар экиласи.

Уруғларнинг асосий сифат кўрсаткичи — унувчанлигидир, бу, кўпинча, уруғнинг ёшига боғлиқ. Соябонгулдошлар ва пиёзгулдошларнинг уруғи юқори унувчанлик хусусиятини атиги 2—3 йил, крестгулдошлар уруғи 4—5 йил, дуккакдошлар, қовоқ-

Уруғ абсолют оғирлигини Биринчи номер нав карам уруғининг унувчанлиги ва ҳосилдорлигига таъсири

(Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ маълумоти).

Уруғлар фракцияси	Абсолют оғирлиги, г	Униб чиқиши энергияси, %	Унувчанлиги, %	Ҳосили	
				га/ц	%
Оғир	3,6	84	94	520	120,7
Ўрта	2,5	79	88	439	102,8
Енгил	1,8	77	82	364	81,6
Сараланмаган (контроль)	2,4	78	85	430	100

дошлар ва кўпгина томатдошларпинг уруғи эса 5 йилгача сақлайди.

Уруғларнинг унувчанлигига уларни сақлаш шароити катта таъсир кўрсатади. Уруғлар яхши қуритилган, қуруқ, яхши шамоллатиладиган хоналарда сақланиши ва бу хоналарнинг температураси унинг ҳамма ерида бир хилда ($15--18^{\circ}$) бўлиши керак. Намлиги нормадан юқори бўлган уруғларда нафас олиш процесси кучаяди, бунда кўп миқдорда запас озиқ моддалар сарфланиши ва иссиқлик, намлик ҳамда карбонат ангирид ажралиши кузатилади, натижада уруғларнинг унувчанлиги пасяди, баъзан, улар ўз-ўзидан қизиз бетади.

Уруғларнинг етилганлиги уларнинг унувчанлигига жиддий таъсир этади. Етилмаган уруғларнинг унувчанлиги паст бўлади ва сақлаш вақтида бу хусусиятини тезда йўқотади. Шунинг учун сабзи, укроп каби етилиш вақти узоқ, аммо бир йўла йигиб олинадиган сабзавот экинлари уруғларининг унувчанлиги, одатда, паст бўлади.

Абсолют оғирлиги юқори, запас озиқ моддаларга бой йирик уруғлар ниҳоятда унувчанлиги ва серҳосиллиги билан ўртacha ҳамда майда уруғлардан кескин фарқ қиласди. Буни қуйидаги жадвалдан яққол кўриш мумкин (13- жадвал).

Бинобарин, калибрланган йирик, оғир уруғларни экин сабзавот экинлари ҳосилини оширишда муҳим омилдир. Шунингдек, уруғлик пиёз ва илдизмевалар тўғрисида ҳам худди шу фикрни айтиш керак.

Зараракунандаларнинг олдини олиш мақсадида сабзавотлар уруғи экиш олдидан 1 кг уруғга 3—4 г ҳисобидан гранозан (НИУИФ — 2) ёки 4—8 г ҳисобидан ТМТД препарати билан дориланади.

Уруғнинг униб чиқишини тезлаштириш мақсадида баъзан у сувда ивтилади. Соябонгулдошларнинг уруғи секин бўртади,

шунинг учун уларни 1—2 сутка, қовоқдошлар ва дуккакли экинларнинг уруғи 10—12 соат ивтилади. Иссиқсевар ўсимликлар уруғини ивтишда сув температураси камида 15—20°, совуққа чидамли ўсимликлар уруғини ивтишда эса 8—10° дан паст бўлмаслиги керак. Уруғлар оқар сувда ивтилади, агар бунинг иложи бўлмаса, идишларда ивтилади ва ҳар 8—10 соатда суви янгиланиб турилади. Уруғлар сочилиувчан бўлиши учун уларни экиш олдидан сиртнадаги нами кетгунча бир оз қуритилади, озгина қум ёки қуруқ тупроқ аралаштирилади.

Ивтилган уруғларни юқори (20—25°) температурада ундириб экиш янада яхши самара беради. Лекин ундирилган уруғларни фақат қўлда экиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу усулдан камдан-кам фойдаланилади.


Қовоқдошлар ва пиёз уруғларининг сифатини яхшилаш мақсадида баъзан улар экиш олдидан 40—60° температурада 2—4 соат қиздрилади.

Сабзавот экинларининг совуққа чидамлилигини ошириш учун экиш олдидан уруғлар паст (—1—5°) ёки ўзгарувчан температурада чиниқтирилади. Иссиқсевар сабзавот экинлар, қовоқдошлар ва томатдошларнинг ниш урган уруғларини 12—18 соат —1—5° температурада, ундан кейин эса 12—16 соат 15—25° температурада сақлаш керак. Шу хилдаги чиниқтириш 15—30 кун давом этади. Паст ва юқори температуранинг даврий равишда алмаштириб турилиши ўсимликларнинг фақат совуққа чидамлилигини оширмай, балки уларнинг ўсиб ривожланнишини тезлаштиради ва ҳосилдорлигини оширади.

И. В. Мичурин номидаги Тожикистон Боғдорчилик институти таклиф этган сабзи ва пиёз уруғларини ферментациялаш усули ҳам диққатга сазовордир. Бу усулнинг моҳияти шуки, пвтилган ва ниш ура бошлаган уруғлар секип-аста (1,5—2 сутка) дастлаб 20—25°, сўнгра эса 15—17° температурада қуритилади. Қуруқ ферментацияланган уруғлар тезда қийғос униб чиқади ва мўл ҳосил беради. Кейинги вақтларда уруғларни дражилаш (ғўлаклаш), яъни уруғлар сиртига органик ва минерал ўғитлар юқтириш усули кенг қўлланилмоқда. Бунда ивтилган уруғлар эланган чириндига аралаштирилади, кейин мол гўнги ва минерал ўғитлар қўшилади. Аралашма намланиб, уруғлар ва озиқ моддалар барабанли дражираторга солиб айлантирилади. Натижада чиринди уруғларга ёпишиб, майдада (2—4 мм), юмалоқ, донадор шаклни олади (24- расм).

Тайёр бўлган дражилар офтобда қуритилади ва сабзавот ёки дон-сабзавот сеялкасида экилади.

Тошкент Қишлоқ хўжалиги институти сабзавотчилик кафедрасининг тажрибалари шуни кўрсатади, дражиланган уруғларни экиш майсаларнинг қийғос униб чиқишини тезлаштиради ва майдада уруғли сабзавот экинлари (айниқса, уларни далага экилганда) ҳосилдорлигини оширади. Буни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин, *га/ц*,



24-расм. Дражиланган (чапда) ва дражиланмаган (ўнгда)
пиёз уруғлари.

Уриғлар	Сабзи		Карам		Помидор
	эртаги	кички	эртаги	кечки	
Дражиланмаган	145	148	152	146	461
Дражиланган	183	176	193	318	595

Сабзавот экинлари уруғи ва картошка тугунакларини минерал ҳамда органик ўғитлар (ҳайвонлар сийдиги, гўнг шалтоги), физиологик актив моддалар — гетероауксин, гидрохинон, қаҳрабо кислота, метилен кўки, салицил кислота, алоэ шираси, НРВ (нефтили ўстирувчи моддалар) ва бошқа препаратлар билан намлаш, уруғларнинг яхши униб чиқишига ва кўпчилик ҳолларда ҳосилдорликнинг бирмунча ошишига ёрдам беради.

Кейинги йилларда уруғларни экиш олдидан тайёрлашга доир ҳозирги замон физикаси эришган ютуқларга асослаиган баъзи таклифлар ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Сабзавот экинлари уруғига кичик дозада (30 сек дан 3 мин гача) 760 кг/ч частотали ультратовуш таъсир эттирилиши ҳам ижобий натижга берганилиги аниқланди. Сувда бўртгунча ивтилилган ва ультратовуш таъсир эттирилган пиёз, сабзи, рециклска ва бошқа сабзавот экинларининг уруғи тез униб чиқиб, мўл ҳосил берган.

Баъзи маълумотларга кўра, уруғлар қуввати 2—3,5 см/кв бўйлангандан эслектр майдони таъсирида қисқа муддат (5 сек) турса, уларнинг униб чиқиши тезлашади, ўсимликларининг ривожланиши ва мева тугишига фойдали таъсир этади.

Кейинги йилларда Козоистон ва Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтлари тажрибалари картошка тугунаклари ва сабзавот экинлари уруғларини экиш олдидан кўзгусимон акс эттиргичлар системаси вужудга келтирадиган концентрациялашган қуёш нури (ИКСС) импульсли нурлантириш ниҳоятда самарали бўлишини кўрсатди. Радиоактив нурларнинг кичик дозаси ҳам сабзавот экинлари уруғига ижобий таъсир этиши тўғрисида маълумотлар бор.

УРУФ ЭКИШ ВА КҮЧАТ ҮТҚАЗИШ

Үрта Осиёда совуқ кунларнинг кам бўлиши, иссиқлик ва ёруғликнинг кўплиги ҳамда экинларни суфориш бу ерларда сабзавот экинлари экишнинг энг қулай муддатини танлашга ва иилига икки марта ҳосил олишга имкон беради.

Үрта Осиё сабзавотчилиги практикасида уруф экиш ва кўчат үтқазиш муддатлари қўйидагича фарқланади.

Эрта баҳорда (февраль охири-март) экиладиган ўсимликлар ривожланишининг биринчи фазаси мўътадил температурада ўтади, яъни бунда ўсимликлар кўпинча совуқ тушгунча ва қиши билан ёқсан қор-ёмғир, шунингдек, кўкламда бўладиган ёғин-сочин ҳисобига тўпланган тупроқ намлиги эвазига ривожланади.

Ўсимликлар ривожланишининг кейинги фазалари ёғингарчилик деярли бўлмайдиган ва температура борган сари кўтариладиган, яъни Үрта Осиёда июнь-июлда температура 40—42° ва ундан ҳам юқори бўладиган даврга тўғри келади. Бундай температура карам, картошка каби иссиққа чидамсиз сабзавот экинларнинг ривожланиш ва мева туғишига салбий таъсир кўрсатади.

Совуқдан сақланиш мақсадида эрта баҳорда иссиқ талаб қулмайдиган, совуққа нисбатан чидамли сабзи, пиёз, картошка, карам каби экинлар уруғи экилади ёки кўчати үтқазилади.

Уруғни тупроқ намига ёки кўкламги ёғин сувлари ҳисобига ундириб олиш учун уларни иложи борича барвақт экиш лозим. Экиш муддати кечиктириб юборилса, уруғ қуруқ тупроққа тушиб, униб чиқиши қийшилашади. Бундан ташқари, уруғ ёки кўчатларни эрта баҳорда экиш кўпгина сабзавот экинлари генератив органларнинг ўсишига салбий таъсир қиладиган ёзги жазирама иссиқ кунлар бошлангунга қадар ҳосилнинг анча тез шаклланишини таъминлайди. Шунинг учун бевақт, яъни кечикиб (апрелда) экиш доимо ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади.

Кеч кузда экиш. Бу муддатда, баҳорда экиладиган пиёз, илдиз-мевалар, картошка ва икки йиллик сабзавотлар экилади. Бу муддатда экиш майсаларни баҳорда ундириб олишга мўлжалланган. Шунинг учун экинларни кеч кузда экишга доимий совуқ кунлар бошланishi билан, одатда, ноябрь-декабрнинг бошларида киришилади. Экинларни ҳаддан ташқари эрта экиш, уларнинг бевақт-куздаёт униб чиқишига ва ёш ниҳолларнинг совуқда нобуд бўлишига олиб келади. Кеч кузда экилган уруғлар баҳорда экилганига нисбатан бирмунча эрта униб чиқади, аммо ўсимликларнинг кейинги ўсиши ва ривожланиши баҳордагидек шароитларда боради.

Кеч кузда экиладиган сабзавотларни баҳорда секин етиладиган ва шу сабабли уларни ўз вақтида экишга имконият бўлмайдиган, жумладан, ўтлоқ-ботқоқ ёки торфли-ботқоқ ерларга

экиш тавсия қилинади. Бироқ кеч кузда экилган картошка ва икки йиллик сабзавот экинлари уругини совуқ уриши хавфи туғилади, қиши бекарор келган йилларда, яни совуқ ҳаво бирданың иссиқ ҳаво билан алмашинганды кузда экилган илдизмелваларнинг күпинча әркаклаб кетиш ҳоллари кузатилади. Шунинг учун кеч кузда экиладиган экинларни қиши қаттиқ келадиган ва қор қоплами қалин бўладиган тоғ олди районларида экиш ишончлироқ; практикада, күпинча, бунга амал қилинади.

Туркманистон ва Тожикистоннинг жанубида қишида — декабрь ва январь ойларида ҳам уруғ экиш ва кўчат ўтқазиш мумкин.

Кузда экиш. Совуққа чидамли ўсимликлар — пиёс, Урта Осиёнинг жанубида эса совуққа чидамли карам навлари ва бошқа экинларни кузда ёки кеч кузда экиб синаб кўрилмоқда. Кузда экилганда уруғлар куздаётк униб чиқади, уларнинг қишидан яхши чиқиши учун ёш ниҳоллар яхши илдиз отган ва илдиз системаси ривожланган бўлиши керак. Шунга кўра, кузги сабзавотлар экишини жуда кечиктирмасдан — август ёки сентябрнинг ўрталарида бошлаш керак. Шу муддатда экилган экинлар тез ўсади, яхши қишлиайди, баҳорда эса ўсиши барвақт бошланади ва ҳосили кўкламда экилган экинларникига нисбатан 1—1,5 ой эрта етилади.

Кеч кўкламда экиш апрель-май ойи бошланади, кунлар исиши билан бошланади. Бу муддатларда томатдошлар, полиз экинлари, бодринг ва бошқа иссиқсевар ўсимликлар экилади. Кўкламда экилган экинларнинг бутун ўсиш ва ривожланиш даври ёзинг айни жазирама иссиғига тўғри келади. Фақат кузда, яни ўсув даврининг охирида температура сезиларли даражада пасаяди. Ўсимликларнинг ўсув даври, одатда, октябрда — биринчи совуқ тушиши биланоқ тўхтайди.

Езда (июнь-июль) ўсув даври қисқа сабзавотлар — картошка, карам, бодринг ва бошқа экинлар экилади. Бу муддатда экилган экинларнинг ўсув даври ҳаво температураси бирмунча юқори ва намлиги кам бўлган даврларга тўғри келади. Шунинг учун ёзда экиладиган экинларга экиш вақтида сугоришдан ташқари ниҳолларнинг тутиб кетишига ёрдамлашадиган ёрдам суви бериш зарурати ҳам туғилади.

Ўсув даврининг иккинчи ярмида, мева туғиши ва етилиш даврида, температура пасаяди, октябрнинг иккинчи ярми — ноябрда эса, одатда, йигим-терим ишларига халал берувчи совуқ ва кетидан ёгингарчилик бошланади.

Эрта баҳор ва кеч кузда экиладиган экинлар уруги, одатда, текис ерга экилади ва майсалар кўрингандан кейин, сугориш эгатлари олинади. Лекин мақсад уруғларни мумкин қадар тезроқ ундириб олиш ва ҳосилни эртароқ етиштириш бўлса, бундай ҳолларда уларни пушта — эгатларга экилгани маъқул, чунки пушталар қўёшда яхши қизийди.

Кеч кўкламги, ёзги ва кузги сабзавотлар олдиндан тайёрлаб қўйилган ёки экиш билан бир йўла олинган эгатларга экиласди. Экиш олдидан ёки экиб бўлингандан кейин ер дарҳол суфорилади.

Кўчатлар пуштанинг бир ёки иккала томонига ўтқазилиши мумкин. Пушталарнинг бир томонига ўтқазилса, экинларни механизмлар ёрдамида ишлаш анча осон кўчади. Лекин пушталарнинг икки томонига ўтқазилганда гектарлардаги туп сони бир томонга экилгалига қараганда бирмунча кўп бўлади. Палак отиб ўсадиган полиз экинлари, бодринг ёки помидор (агар қозиқларга бойланмаса), одатда, пушталарнинг икки томонига экиласди.

Сабзавот экинлари турига, экиш муддатига, жойига ва бошқа шарт-шароитларга қараб ҳар хил усулда экиласди.

Сочма қилиб экиш парник ва кўчатхоналарда кўчат етиширишда, шунингдек, очиқ ерларда кўкат экинлар ўстиришда фойдаланилади.

Қаторлаб ёппасига экишда нўхат, кўк нўхат, ҳар хил кўкат экинлар уруғи дон, дон-сабзавот сеялкаларида қатор ораларини 13—15 ёки 26—30 см кенгликда (сошниклар оралатиб) қаторларга ёппасига экиласди.

Пиёз, сабзи ва бошқа паст бўйли, унчалик катта озиқланиш майдони талаб қилмайдиган ўсимликлар уруғи сабзавот сеялкаларида қатор ораларини 15—30 см қилиб, икки ён уч қатордан қилиб лента шаклида экиласди.

Ленталар оралиғи экин қатор ораларини механизмлар ёрдамида ишлашга қулай, яъни 50—70 см бўлиши керак. Лепталардаги қаторлар ораси мотига ёки кетмои билан юмшатилади. Лента усулида экишнинг қаторлаб экишдан афзаллиги шуки, бунда гектарлардаги ўсимлик туплари анча кўп бўлади ва уларни механизмлар ёрдамида ишлашга имкон туғилади. Икки-уч қатор лента шаклида экишнинг камчиликлари шундаки, бунда уруғлар лентада бир текисда тақсимланмайди, айрим қаторларда ўсимлик туплари зичлашиб кетади ва қаторлар орасидаги бўш ерлардан ўсимликлар фойдалана олмайди. Шунга кўра, кейинги пайтларда лента шаклида қаторлаб экиш лента шаклида ёппасига кенг қаторлаб экиш усули билан алмаштирилди. Бунда уруғлар лентанинг бутун эни бўйича текис сочилиб тақсимланади.

Экинларни шу тартибда экилганда кўчат сони анча ортади, ўсимликлар бир текис жойлашганлиги туфайли уларнинг ўсиб ривожланиши учун қулай шароит вужудга келади ва экинлар серҳосил бўлиб етилади. Шу билан бирга майсаларни яганалаш учун қилинадиган меҳнат сарфлари камаяди. Кўп йиллик сабзавотлар уруғини лента шаклида кенг қаторлаб сочма қилиб экиш учун маҳсус сошниклар билан жиҳозланган СОН-2,8А маркали оддий сабзавот сеялкаларидан фойдаланилади. Карам, картошка, томатдошлар ва бошқа кучли ўсадиган экинлар **кенг**

қаторлаб экилади. Бунда қатор оралари 60 ёки 70 см ва қатордаги туп ораси 20—40 см дан қилинади. Бу усул билан әкинлар қаторлаб (ёппасига) ёки уялаб әкилиши мүмкін.

Бироқ қатор оралари 60—70 см қилиб әкилган участкаларда әкин қатор ораларини ишлаш вақтида тракторнинг юриш тезлигинн соатига 5—7 км дан оширмаслик керак, акс ҳолда трактор гидираги ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг иш органлари ўсимликларга шикаст етказади. Тракторнинг катта тезлиқда (соатига 12 км гача) ишлаши учун әкин қатор ораларини 90 см гача кенгайтириш ва бир йўла уялар оралиғини бир-мунча қисқартириш керак.


Кенг қаторлаб (90 см) әкишнинг бошқа афзалликлари ҳам бор. Қишлоқ хўжалиги машиналарининг гидираклари тупроқни эзиб зичлаштириб кетадиган зона, ўсимлик тупларидан анча узоқлашади, бу эса илдиз системасининг яхши ривожланиши учун қулай шаронит туғдиради, ўсимликлар қаторларни кечроқ қоплаши қатор ораларини янада кўпроқ сифатли қилиб ишлаш ва юмшатиш имконини яратади. Бу ўз навбатида тупроқнинг сув, ҳаво ва температура режимини яхшилади, ерининг юмшоқ ҳамда бегона ўтлардан тоза ҳолда бўлишига ёрдам беради.

Кенг қаторлаб — 90 см қилиб экишга ўтилганда картошка ва сабзавот әкинлари ҳосилдорлиги мутлақо камаймайди, аксинча, ошади.

Икки қаторлаб уялаб экиши усули пояси ётиб ўсадиган (помидор) ёки ер бағирлаб ўсадиган (полиз әкинлари, бодринг) әкинлар учун қўлланилади. Бунда ўсимликлар кенг (1,5—4 м) пушталарнинг ҳар икки томонига экилади. Кенг қаторлаб әкишда пушта олишнинг икки хил усули бор. Биринчи ҳолатда, катта трактор окучниги ва канавокопателда 1,5—4 м оралиқда кенг (80—90 см) ва чуқур (40—45 см) эгатлар олиниб, буларнинг ҳар икки томонига әкин экилади. Экинларни механизмлар ёрдамида парвариш қилиш учун қулай бўлган иккинчи усул — бу уруғ ёки кўчатларни қўш эгатларга экишdir. Бунда битта чуқур эгат ўрнига бир-бирига яқин иккита тор ва саёз эгат олиниади, шунда ҳар иккала тор эгат орасида кичикроқ пушта ҳосил бўлади. Экишдан олдин улар сугорилади. Кўчат тутиб кетганидан ёки уруғлар тўла униб чиққандан сўнг қўш эгатлар ўрнига битта кенг ва чуқур эгат олиниади, кейинчалик әкинлар ана шу эгат орқали сугорилади (25-расм).

Экинлар қаторлаб ёки уялаб әкилганда ўсимлик туп оралари кетмон ёки мотигада чопиқ қилинади. Қаторларни чопиқ қилиш ниҳоятда сермеҳнат ва жуда маъсулнамали ишдир. Экин қатор оралари ўз вақтида чопиқ қилинмаса, далани бегона ўт босиб кетади, тупроқ зичлашиб қолиб, ҳосилдорлик кескин пасаяди.

Сабзавотларни квадрат-уялаб экиш парваришлаш ишлари ни тўлиқ механизациялаш имконини беради. Бу усулнинг ме-




25-расм. Күш згатлар силих схемасы (юңорида — экишгача, пастда — майсалар күрингандан кейин).

хияти шундаки, бунда ўсимликлар бир-бирига перпендикуляр бўлган қаторларда ҳосил бўлган квадрат бурчакларда жойлашади. Экинлар шу тартибда ҳар уяга 2—3 ёки ундан кўп жойлаштирилса, буни **квадрат-уялаб**, агар бир уяга бир тўн ўсимлик экилса, **квадратлаб** экиши деб аталади. Квадрат-уялаб ёки квадратлаб экишда қатор оралари ва қатордаги туплар ораси, одатда, 60 ёки 70 см қилинади.

Квадрат-уялаб экишнинг **тўғри бурчакли-уялаб** экиш вариантида ўсимлик тўғри бурчакниң бурчакларига экиласди. Ўсимликларни квадратлаб, квадрат-уялаб ва тўғри бурчакли — уялаб жойлаштириш қатор ораларини икки томонлама, яъни ҳам узунасига, ҳам кўндалашгига ишлашга имкон беради. Бу қатор ораларини ишлаш ҳамда чопиқ қилишда қўйл мөхнатидан фойдаланишини анча камайтиради, енгил тупроқли участкаларда эса экинларни мутлақо қўйл мөхнати ишлатмасдан парваришланаш учун шаронт яратади.

Квадрат-уялаб экилган далалар икки томонлама ишланиши натижасида, тупроқ ҳамиша юмшоқ ҳолда бўлади ва унда ҳаво алмашиниши яхшиланади, тупроқдаги микроорганизмлар фаолияти кучаяди, бунинг оқибатида ерга солинган ўғитлардан ўсимликлар яхши фойдаланади. Ниҳоят, квадрат-уялаб экиш экинларни экиш билан бир йўла уяларга ўғит солиб кетиш, ўғитларни тежаб-тергаб сарфлашга имкон беради.

Лекин квадратлаб ёки квадрат-уялаб экилганда ўсимликлар ерни унчалик сояламайди ва шунинг учун ҳам тупроқ қуёш нури таъсирида жуда қизиб кетади. Бу иссиққа чидамсиз баъзи ўсимликлар, масалан, картошкага салбий таъсир қиласди. Квадрат-уялаб экишнинг яна бир бошқа камчилиги шундаки, бунда уядаги ўсимликлар бир-бирини соялаб, нормал ўсишига халал беради. Зоро уядаги ўсимликлар бир-биридан узоқроқ (10—12 см) жойлаштирилиши лозим.



26-расм. СОН-2,8А маркали сабзавот сеялкаси.

урұғ әкилади ёки күчаттұқазилади.

Уруғ әкиш ва күчаттұқазышни механизациялаشتариш. Суғориб деңқончылық қилинадиган районларда сабзавот әкінлары уруғини әкиш, күчаттуни үтқазышда түрли сеялкалар ва күчаттұқадиган машиналардан фойдаланилади.

СОН-2,8А маркали сабзавот сеялкаси (26-расм) ДТ-20 ва Т-25 тракторига үрнатылади. Бу сеялканинг сошниклари дискли ёки чанасимон бўлиб, әкин қатор ораларини 45, 60, 90, 20+50, 50+90 см қилиб қаторлаб ва лента усулида әкиш учун тавсия этилади. Иш унуми соатига 1,1—1,3 га.

СКОСШ-2,8 маркали сабзавот сеялкаси Т-16М маркали ўзиюрар шассига осилади, сошниклари дискли ёки чанасимон. Қатор оралари 45, 60, 70, 95×45×95 ва 80×60×80 см дан қилиб әкиш ва бир йўла гранулланган минерал ўғитлар солиш учун мўлжалланган. Иш унуми соатига 1,8—2,1 га.

СКОН-4,2 маркали олти қаторли сабзавот сеялкаси Т-40, Т-40А ва «Беларусь» тракторининг барча модификациясига осилади. Сошниклари дискли ёки чанасимон. Сабзавот әкипларини қаторлаб, қатор ораларини 45, 60, 70 ва 5+90 см дан қилиб әкишга ва бир йўла гранулланган минерал ўғитлар солишга мўлжалланган. Иш унуми соатига 1,6—2,4 га.

СЧХ-4А-1 маркали осма чигит сеялкаси Т-28Х4 тракторига тиркалади ва қатор ораларини 20—30 см дан серуя қилиб әкиш учун мўлжалланган. Иш унуми соатига 2,2 га.

СТХ-4 А маркали осма чигит сеялкаси Т-28Х3 ва Т-28Х4 тракторларига тиркалади ва қатор оралари 60 см ва уяллар орасини 60, 50 ва 45 см дан қилиб калибрланган чигитларини квадрат-уялаб әкишга мўлжалланган. Шунингдек, полиз әкиплари, бодринг ва уруғи дражилланган сабзавотларини әкишда ҳам фойдаланиш мумкин. Иш унуми соатига 1,4 га.

Квадрат-уялаб әкиш махсус сеялкаларда ва күчаттұқазадиган машиналарда бажарилади. Бундай сеялка ва машиналар бўлмаган тақдирда әкинлар қаторлаб әкадиган оддий сеялка билан әкилади. Кейин қультиваторда күндалангига қирқиб майсаларни букетлаш мумкин. Қўл билан квадрат-уялаб әкишда дала-нинг узунасига ва күндалангига қаратиб нишон солинади ва нишон чизиқлари кесишган жойларга


С КН-6 маркали күчат ўтқазадиган машина «Беларусь» тракторининг барча модификацияларига, Т-74, Т-75, Т-38М ва ДТ-54А тракторларига тиркалади. Тувакчаларда ўстирилган күчатларнинг қатор ораси 50, 60, 70, 90, 50×90 см дан, қатордаги туп орасини 17,5 дан 210 см гача қилиб, қаторлаб ёки квадрат-уялаб экишга, шунингдек, бир йўла уяларга сув қуийш учун мўлжалланган. Иш унуми соатига 0,15—0,63 га.

СРДН-2 маркали күчат ўтқазадиган машина Т-25 ва ДТ-20А тракторига осилади. Күчатларни қаторлаб экиш ва бир йўла уяларга сув қуийб кетиш учун мўлжалланган. Бу машина күчатларни 50, 60, 70 см дан қилиб экади. Иш унуми соатига 0,05—0,21 га.


СКНД-4 маркали күчат ўтқазгич «Беларусь» ва ДТ-54А тракторига осилади. Чиринди тувакчаларда ва оддий усулда ўстирилган күчатларни қатор ораси 50, 60, 70, 80 ва 90 см дан экишга мўлжалланган. Иш унуми соатига 0,1—0,42 га.

Туп қалинлиги сабзавот экинлари ҳосилдорлигини аниқлайдигаи энг муҳим омиллардан биридир. Туп қалинлигига қараб озиқланиш майдони ҳам ўзгаради, яъни бир туп ўсимлик банд қилган жойи ва шунга яраша, ўсимликнинг озиқланиш шароити, сув ҳамда ёргулик билан таъминланиши ва ҳоказолар ҳам ўзгаради. Ўсимлик туплари сийрак бўлса, шунга кўра, озиқланниш майдони катта бўлади, ўсимликларнинг индивидуал ривожланиши учун қулай шароит туғилади ва уларнинг ҳосилдорлиги ошади. Бироқ, ҳосилдорлик маълум даражагача ошади, чунки ўсимлик жуда сийрак жойлаштирилса, у ўзига тегишли майдоннинг ҳаммасидан тўлиқ фойдалана олмайди.

Туп сони оширилганда айрим ўсимликларнинг ҳосилдорлиги камаяди, лекин гектарлардаги күчат сони кўпайиб, бунинг эвазига ҳар гектардан олинадиган ҳосил миқдори ортади. Лекин ўсимликлар ҳаддан ташқари қалин қилиб экилса, улар сиқилишиб қолиб, бир-бирипни эзади ва побуд қиласади, натижада ўсимликларнинг ривожланиши кечикади, ҳосили камаяди ва сифати кескин ёмонлашади, чунки бунда кўпгина мева ва туганклар майда бўлиб, карам бошлари етилмай қолади, бу эса сара маҳсулот миқдорининг камайишига сабаб бўлади (27-расм).



27-расм. Қатордаги туп оралари 8 см (чапда) ва 4 см даіп қилиб экилган сабзи илдизмевалари.



28-расм. Картoshкани зич экишнинг 10 см чуқурликтеги тупроқ температурасига (сентябрь) ва ҳосилига таъсири (Тошкент ҚҲИ Ўқув-тажриба хүжалигиги).

Туп қалинлиги тупроқ температураси ва ўсимликлар атродаги ҳаво режимига катта таъсир күрсатади. Туп қалинлиги ортиши билан уларнинг тупроқни соялаши ҳам ортади, бинобарин, тупроқ кам қизийди, температура пасаяди, ўсимликлар орасидаги ҳаво намлиги ортади (28-расм).

Жанубий районларда экинларни қалин экиш юқори температуранинг зарарли таъсирини юмшатувчи муҳим омилдир.

Помидор ўсимлигининг столбур касаллигига ва картoshканинг айнишига қарши курашда ҳам шу усульдан фойдаланилади.

Ўсимликларнинг оптималь туп қалинлигини белгилашда уларнинг биологик хусусиятлари ва ўсиш шароити ҳисобга олинади.

Паст бўйли ўсимликлар баланд бўлиб ўсадиган ўсимликларга қараганда кичикроқ озиқланиш майдони талаб қиласди. Сабзавот экинлари ва картoshканинг эртаги навларини, айниқса, уларни тўла пишиб етилмасдан йиғиштириб олиш мўлжалланса, кечпишар нав картoshkага қараганда қалинроқ экиласди. Помидорнинг тик ўсадиган навлари ётиб ўсадиган навларига нисбатан кичикроқ озиқланиш майдони талаб қиласди ва ҳоказо. Айниқса, ўсимликларнинг озиқланиш шароити ва сув билан таъмнланиши катта аҳамиятга эга. Шу нарса аниқланганки, ҳаётининг дастлабки йилида фақат шохсиз поя ва биттагина маҳсулдор орган (карам боши, пиёз боши ва бошқалар) ҳосил қиласдиган карам, илдизмевалар ва пиёзли экинларни озиқланиш шароити ва тупроқ намлиги яхши бўлганда иложи борича қалин экиш керак.

Бақувват, сершох бўлиб ўсадиган ва ҳосил бериш даври узоқ давом этадиган ўсимликлар (томатдошлар, қовоқдошлар) унумдор, нам билан яхши таъминланган ерларда сув ва озиқ моддалар билан етарлича таъминланмаган ерлардагига қараганда сийракроқ қилиб экилиши керак. Бу ҳол автор тажрибалирида (Балашев, 1953) картошка учун ҳам тасдиқлаинган.

Экиш схемалари, см

Ҳосилдорлик, га/ц	70Х50	70Х40	70Х30
Ўғитланмаган ерда	141	146	169
Ўғитланган ерда	311	325	317

Озиқланиш майдонининг энг яхши шакли — конфигурацияси қаторлар ва қаторлардаги туплар орасидаги масофа бир хил бўладиган квадратлардир. Озиқланиш майдони кичик ўсимликлар (илдизмевалар, пиёз ва бошқалар) учун квадрат шаклидаги озиқланиш майдони тўғри келмайди, чунки бу экши қатор ораларини машиналар билан ишлазни қийинлаштиради. Шунинг учун амалда озиқланиш майдони кўпинча тўғри тўртбурчак шаклида қилинади, бунда тўғри тўртбурчакниш узун томони қаторлар ораси, қисқа томони эса қатордаги туплар орасидаги масофа бўлади.

Ўсимликларни якка-якка жойлаштириш уяларда 2—3 та кўчат қолдирилгандағига қараганда яхши натижা беради, чунки бунда ўсимликлар бир-бирига унчалик халал бермайди. Лекин гектардаги туп сонини камайтирмасдан туриб экинларни механизмлар ёрдамида парвариши қилиш имкониятини яратиш мақсадида кўпинча улар уяларга икки-уч тупдан жойлаштирилади. Уялаб экишнинг салбий таъсирини камайтириш учун уядаги ўсимликларни бир-биридан иложи борича қочириб ўзиш керак.

Уруғ экши чуқурлиги унинг йирик-майдалигига ва униб чиқиш даврининг давомийлигига, тупроқ намлиги ва унинг хусусиятларига ҳамда об-ҳаво шароитларига боғлиқ. Уруғ қанчалик майда, униб чиқиш даври қисқа ва тупроқ сернам бўлса, бундай ҳолларда юза экши керак. Оғир, секин қурийдиган соз тупроқли ерларга енгил, тез қурийдиган қумоқ тупроқли ерлардагига қараганда ургуни юза экши лозим.

Кеч баҳорда, шунингдек, об-ҳаво қуруқ ва шамол бўлиб турган пайтларда, уруғ эрта баҳорда ёғингарчилик тез-тез бўлиб турадиган вақтлардагига нисбатан чуқурроқ кўмилади.

ЭКИНЛАРНИ СУФОРИШ

Сабзавот экинлари тупроқдаги намликка талабчан бўлади. Ўсимлик тўқималаридағи сувнинг кўплиги (95% гача), барглари сатҳининг катталиги туфайли уларда транспирация процес-

сининг интенсив ўтиши, тупроқ бетига яқин жойлашган илдиз системаси ва оғизчалар ўлчамининг катталиги билан характерлапади.

Сабзавот экинларининг намлика бўлган талаби ўсимликларнинг навига ва қўлланиладиган агротехника усуllibарига қарб ўзгаради.

Тез ўсиши ва интенсив равишда ҳосил тўплаши билан фарқ қиласидан тезпишар нав, секин ўсадиган кечпишар навларга нисбатан суфоришни кўпроқ талаб қиласи.

Кўчатдан етиширилган карам ёки помидор экинлари ҳам бевосита уруғдан ўтирилган ва илдизи тупроқнинг чуқур қатламига кириб борган ўсимликларга қараганда намлика бирмунча талабчан бўлади.

Сабзавот экинлари ўсов даврининг турли фазаларида тупроқдаги намлика бир хилда талабчан бўлмайди, барча сабзавот экинлари уруғнинг униб чиқиш даврида, тупроқнинг сернам бўлишини хоҳлайди, бунга сабаб кўпчилик сабзавот экинлари уруғнинг майдалиги ва уларнинг юза экилишидир. Шунинг учун майсаларнинг текис униб чиқиши учун тупроқнинг юқори қатламлари сернам бўлиши лозим.

Далага кўчат ўтқазилгандан кейин ҳам тупроқ сернам бўлиши керак, чунки кўчатларни кўчириб ўтқазиш пайтида илдизнинг бир қисми юлиниб кетади ва қолган қисми ўсимликни сув билан етарлича таъминлай олмайди.

Уруғ униб чиқиб, майсалар илдиз отганда, ассимиляция аппарати шакллангандан кейин ҳам намлик етарли бўлиши керак, чунки кўпинча бу ёш ўсимликларнинг физнологик қаришига олиб келади. Ўсимликлар қурғоқчиликка мослаша бориб, шаклини, барг ҳажмини, анатомик тузилишини ва бошқа органларини ўзгартиради, ксероморф ҳолатга ўтади. Бундай ўсимликлар қурғоқчилик бўлмаганда ҳам тез ўсиш хусусиятини йўқотади ва уларнинг ҳосили кескин камаяди.

Намликнинг гуллаш ҳамда мева туғиши даврида етишмаслиги ўсимлик гул ва тугунчаларининг тўкилишига, илдизмевалар ва картошка тугуцлари ўсишининг (29-расм), карам бошлари ўрашининг кечикишига ҳамда ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади. Курғоқчилик рўй берганда салат ва гулкарар барвақт эркаклаб кетади.



29-расм. Тупроқда нам етишмаслиги оқибатида редиска ўсимлиги вақтинча ўсишдан қолиб илдизмеваси тасбеҳсиз мон шаклга кирган.

Бироқ ўсимликларнинг етилиш даврида тупроқнинг сернам бўлиши сабзавот мевалари таркибидаги сув миқдорини оширади, бунинг оқибатида мевалар ёрилиб кетади, шираси, крахмали камаяди, сифати пасаяди ва ҳоказо. Шунингдек, сабзавотларнинг етилиш даврида тупроқ сернам бўлгандга мевалар узоқ сақлашга ярамай қолади, ундаги қуруқ модда ва углеводлар миқдори камайиб кетади. Суғоришни тақсимлашда фақат шу ўсимликларнинг намга бўлган талабини эмас, балки метеорологик шароитни ҳам ҳисобга олиш керак. Эрта кўкламда экилган сабзавотлар куз-қиши ойларида тўплланган баҳорги ёмғир сувларидан фойдаланади, шунга кўра эртаги сабзавотлар, одатда, уруғ униб чиққанидан кейин апрель ва майнинг дастлабки кунларидан бошлаб суғорилади.

Ўсимликларнинг кейинги ўсув даври температура боргаш сари кўтариладиган ва деярли ёғинсиз шароитда ўтади. Бу ўсув давришнинг иккинчи яримларидан бошлаб экинларни тез-тез суғориб туришни ва фақат ҳосил йиғим-терим олдидангина тўхта-тишни тақозо қиласди.

Ёзги муддатларда экилган сабзавотлар ва картошка ўсув даврининг дастлабки пайтларида температура жуда юқори ва ёғингарчиликлар сира бўлмайдиган шароитларда ривожланади, мевалари етилиш даврида температура бир оз пасаяди, ҳосилни йиғиб-териб олиш даврида эса температура кескин пасайиб кетади. Шунга кўра, кечки сабзавот экинлари ва картошка экиш олдидан ёки экилганидан кейин суғорилади, ундан кейин эса яна бир икки марта уруғ суви берилади.

Суғоришлар турлі хил вазифаларни ўтаси мумкин.

Яхоб суви қишида ёғин-сочин кам бўладиган районларда тупроқда запас нам тўплаш, яъни экинларни экиш вақтида тупроқда нам етарли бўлишини таъминлаш ва ўсимликларни ўсув даврида камроқ суғориш мақсадида берилади.

Механикавий таркиби енгил, сизот сувлари юза жойлашган участкаларда яхоб суви беришда гектарига $1000-1500\text{ m}^3$, оғир ва сув ўтказиш хусусияти кучли, айниқса, сизот сувлари чуқур жойлашган ерларга $2000-2500\text{ m}^3$ ҳисобидан сув қўйилса кинфоя қиласди.

Ҳайдаш олдидан суғориш. Кузги шудгорлаш ёки ёзги ҳайдаш олдидан тупроқни намиқтириш мақсадида сув берилини. Бунда гектарига $1000-1200\text{ m}^3$ ҳисобидан сув сарфланади.

Бегона ўт уруғларини ёппасига ундириши учун суғориш. Бахор-ёзда begona ўт босадиган далаларда ўт уруғлари униб чиқшини тезлаштириш мақсадида суғорилади ва қийғос униб чиққандан сўнг ерни юза юмшатиш ёки культивация қилиш йўли билан ўтлар йўқотилади.

Шўр ювиш. Шўрланган ерларда тупроқ шўрини ювиш учун экин майдонлари бостириб суғорилади. Бунда сув бериш нормаси тупроқнинг физикавий хоссаларига ва шўрланиш дара-

жасига қараб гектарига 1500—2000 м³ дан 6000 м³ атрофида ўзгариб туради.

Сувнинг ерга яхши шимилиши учун юқоридаги норма ҳар 3—6 кун оралатиб гектарига 1000—1500 м³ ҳисобидан бўлиб берилади. Тупроқ шўри, одатда, кеч кузда, қишининг совуқ бўлмаган кунларида ёки эрта баҳорда ювилади. Кейинги ҳолатда тупроқдаги намни йўқотмаслик ва унинг қайта шўрланмаслиги учун ерларга борона босилади.

Уруғ экиш ёки кўчат ўтқазиш олдидан сабзавот экинлари майдони нам тўплаш мақсадида гектарига 400—600 м³ ҳисобида эгатлар орқали суфорилади.

Уруғ суви сабзавот экинлари экилгандан кейин уруғнинг қийғос униб чиқиши, ўтқазилган кўчатларнинг яхши тутиб кетиши учун экинзорларга эгатлар орқали камроқ нормада — гектарига 400—500 м³ ҳисобидан сув берилади.


Ўсув давридаги сув экинларнинг ўсиш ва ривожланиш даврида ўсимликларнинг талабига қараб бериб борилади.

Ўсув даврида суфориш сони ва нормаси тупроқ-иқлим шароитига, ўсимликларнинг биологик хусусиятига, экиш муддатлари га ҳамда бошқа факторларга боғлиқ. Урта Осиёда сабзавот экинлари ўсув даврида асосан эгатлаб, камдан-кам ҳолларда ёмғирлатиб суфорилади.

Салқин бериш учун суфориш. Ёзинг айни жазирама иссиқ пайтларида тупроқ ва ҳаво температурасини пасайтириш, ўсимликлар атрофида ҳаво намлигини ошириш учун экинзорлар суфорилади. Бунга экинларни оз норма билан ҳар 3—4 кунда ёмғирлатиб ёки эгатлаб суфориш йўли билан эришилади. Салқин бериш учун эгатлаб суфорилганда картошка ўсимлиги атрофидаги ҳаво ва 10 см чуқурликдаги тупроқ температураси 3—5° га пасайиши мумкин. Ёзги жазирама иссиқни ёқтиромайдиган картошка, карам ва бошқа сабзавот экинларини салқин бериш мақсадида тез-тез суфориб туриш тавсия этилади (30- расм).

Картошка ва сабзавот экинларини ўстиришда қўлланиладиган асосий суфориши усувларидан бири, *чуқур эгатлар орқали жилдиратиб* сув тараш (инфильтрацион суфориш) дир. Нишаби 0,003—0,01 м ва ундан ҳам қияроқ участкаларда экинлар чуқур эгатларга жилдиратиб сув қўйиш йўли билан суфорилади. Бунда суфориш эгатларининг чуқурлиги ва узунлиги шу жойнинг қиялигига, тупроқнинг меканикавий таркибиغا ва сув ўтқазувчанлик хусусиятига боғлиқ. Нишаби катта ва ўртача (0,003—0,008 м) ҳамда сув ўтқазиш хусусияти суст бўлган участкаларда эгатлар саёз (12—16 см), лекин узун — 200—300 м гача олинади. Агар участкаларнинг нишаби 0,002 м дан кам ва сув ўтқазувчанлик хусусияти яхши бўлса, суфориш эгатларининг чуқурлиги 20 см гача ва ундан кўпроққа оширилади, узунлиги эса 80—100 м га келтирилади.

Салгина қияроқ ерларда қаторлар нишаб томонга қараб, шашби катта участкаларда эса суфориш эгатлариши юваб кети-



30-расм. Сугориш режимининг 10 см чукурлукда тупроқ температурасига таъсири (Тошкенг областъ Сирдарё районидиги Ленин номли колхоз):

1—тупроқ намлигини дала нам сиғимига нисбатан 60% сақлаб туриш учун камроқ суғорилганда; 2—тупроқ намлигини дала нам сиғимига нисбатан 80% сақлаб туриш учун тез-тез сугориш турилганда.

шининг олдини олиш мақсадида, энг катта нишаб томонига қартиб ёки горизонтал қилиб жойлаштирилади.

Эгатлардан сув секундига 0,1—1,2 л ва бундан юқори тезликда оқиб ўтади ва бу жойнинг нишаблиги, тупроқнииг сув ўтказувчаник хусусияти, эгатларнинг узунлиги билан аниқланади. Участканинг нишаби унча катта бўлмаса, лекин тупроқни сув ювиб кетиш хавфи туғилса, бундай ҳолларда эгатлардаги сув оқимини камайтириш, нишаби кичик ерларда эса бир оз кўпайтириш тавсия қилинади.

Енгил, юмшоқ, сувни яхши ўтказадиган ерларда эгатлардан оқадиган сув оқими оғир тупроқларга нисбатан каттароқ бўлиши керак, чунки бундай ерларда сув ташламаларга оқиб чиқиб нобуд бўлиши мумкин. Ўсимликларнинг дастлабки ўсув даврида, яъни ҳали тупроқ зичлашмаган пайтда эгатларга ўсув даврининг охиридагига нисбатан кўпроқ сув таралади.

Эгатларда сув оқими эгат бошига чим босиш билан тартибига солинади, лекин оқимнинг эгатлар бўйича бир текисда тақсимланиши учун учбурчак қилиб ўйилган тўсиқлар, найчалар ёки эгилувчан сифон-трубалардан фойдаланилади. Саноатда диаметри 20—50 мм гача бўлган полиэтилендан тайёрланган сифон-трубалар ишлаб чиқарилади.

Сугоришида найча ва эгилувчан сифон-трубалардан фойдаланиш эгатларга сувнинг бир текисда тақсимланишини ва оқимини деярли автоматик усулда тартибга солишини таъминлайди.

Бундан ташқари, әкинларни шу усулда сүфориш, одатдаги сүфоришга қараганда текис, ерларнинг бир меъерда намиқтириш ва сувни тежаб-тергаб сарфлашга имкон беради, шунингдек, сувчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширади. Узунлиги 35—40 см келадиган эгилувчан сифон-трубалардан фойдаланиш анча қулагай. Эгатларга кўпроқ сув қўйиладиган қияроқ ерларга нишаби катта участкаларга қараганда диаметри қаттароқ найча ва сифонлар ўрнатилади.

Диаметри 27—34 см ли кўчма трубопроводлардан фойдаланиш сүфоришнинг бирмунча такомиллашган усулидир. Трубопроводлар қаттиқ металлардан тайёрланиши, битум шимдирилган ип-газламадан тўқилиши ёки полизтилендан қилиниши мумкин. Эгатларга сув тараш учун трубопроводларнинг ҳар 60 ёки 70 см да тешикчалари бўлади (31-расм). Кўчма трубопроводлардан фойдаланилганда ўқариқларнинг бўлишига ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди, бу эса сүфоришга қилинадиган меҳнат сарфларини икки марта камайтиришга имкон беради.

Эгатлар орқали сүфоришнинг давомийлиги тупроқнинг намсифимига, сув ўтказувчанлик хусусиятига, сүфориш нормасига, жойнинг нишаблигига ва сув оқимининг ҳажмига қараб кескин даражада, яъни 5—6 соатдан 2 суткагача ўзгаради. Сүфоришнинг давомийлигига ўсимликларнинг ўсув даврида тупроқни секин-аста зичланиб бориши ҳам катта таъсир кўрсатади. Шунга кўра, биринчи сүфориш кейингиларига нисбатан қисқароқ муллат давом этади. Эгатлаб сүфоришда сувнинг карталардан



31-расм. Кўчма трубопроводлар ёрдамида эгатлаб сүфориш.

ташқарига оқиб чиқиб исроф бўлишини иложи борича камайтириш, бунинг учун эса сув эгатлар охирига етиши билан оқими бир оз камайтирилиши керак. Эгатлардан оқаётган сувнинг 10—15% и картадан ташқарига оқиб кетишига йўл қўйиш мумкин, лекин бу сувлардан кейинги участкаларни суғориша фойдаланиш зарур, албатта.

Ўсув даврининг бошларида, яъни тупроқ ҳали жуда зичлашиб кетмаган пайтда экинлар баъзида эгат оралатиб сугорилади. Бу тупроқнинг етарли даражада намланишини ва шу билан бир вақтда суғориш нормасини 25—30% камайтиришни таъминлайди.

Ўзбекистоннинг кўпгина сабзавотчилик хўжаликлари эгат оралатиб уруғ суви беришни амалда қўлланиб, яхши натижаларга эришмоқда.

Экинларни суғориша *вақтининг* аҳамияти катта. Экинлар куннинг иссиқ вақтларида суғорилганда баъзан тупроқнинг совиши ва шу туфайли сувнинг ўсимликларга секин ўтиши натижасида уларда вақтинчалик сўлиш ҳолати кузатилади. Бунда ўсимликлар илдизлари сўриб олаётган сув транспирацияга сарфланаётган сув миқдорини қопламайди, шу туфайли ўсимлик сўлиб, фотосинтез процесси тўхтайди. Тунгги соатларда, яъни транспирация процесси кескин пасайган вақтда, нисбатан совуқ сув билан суғорилганда ҳам ўсимликлар сўлимайди. Бундан ташқари, тунги суғориша буғланишга кўп сув сарф бўлмайди, шу боисдан тупроқ яхши намиқади ва ундан ўсимликлар тўлиқ фойдаланади. Бироқ, ҳамма вақт ҳам экинларни кечаси суғоришга имкон бўлавермайди, чунки кўпчилик ҳолларда бу ишни ташкил қилишга боғлиқ бўлиб қолади. Шунинг учун экинлар кечасию-кундузи суғорилиши керак, аммо уни ёзинг иссиқ пайтларида кечки салқин тушиши билан бошлаш лозим.

Ёмғирлатиб суғориш. Экинларни ёмғирлатиб суғориш эгатлаб суғоришга нисбатан бирмунча афзалликларга эга. Бунда майда суғориш шохобчалари олишга эҳтиёж қолмайди, суғоришга сарф бўладиган сув анчагина (20—40%га) тежалади, нишаби катта ва микрорельефи мураккаб участкаларни ҳам суғориш имконияти яратилади. Бундан ташқари, ёмғирлатиб суғориш фақат тупроқ ва ҳаво температурасини пасайтирибгина қолмай, балки ўсимликлар орасидаги ҳаво намлигини анча оширади.

Ёмғирлатиб суғориши ўсимликларнинг қасаллик ва заарар-кунандаларига қарши заҳарли химикатлар пуркаш ҳамда баргидан озиқлантириш билан бирга қўшиб ўtkазиш ҳам мумкин.

Ўзбекистонда ёмғирлатиб суғориш ёзинг жазирама иссиқ ойларида картошка тугунаклаётган ёки карам бош ўраётган пайтларда енгил-елли, яъни қўшимча суғориш тариқасида тавсия этилади. Суғориш нормаси уччалик катта эмас — гектарига 250—500 m^3 сув сарфланса кифоя.



32-расм. Икки консолли ДДА—100 МА маркали ёмғирлатиш агрегати.

Экинлар ёмғирлатиб маҳсус ёмғирлатувчи қурилмалар ёрдамида суфорилади. Сувни узоққа отишига кўра, ёмғир ёғдириш машиналари ҳар хил бўлади. Масалан, яқинга отар (КДУ) — бу қурилма сувни 10 м узоқликкача отади, ўртача отар (СДУ) — сувни 25—30 м га отади, узоққа отар (ДДУ) — сувни 70 м ма софагача ёмғирлатади.

Ўз конструкциясига кўра, ўмғир ёғдириш қурилмалари *стационар* (бир жойда туриб ишлайдиган) ва *кўчма* — тракторга тиркаб (ўрнатиб) ишлайдиган хилларга бўлинадич. Позицион қурилмалар сув босим билан келадиган трубопроводларга уланади ёки сувни бевосита очиқ сув шохобчаларидан олади. Кўчма қурилмалар эса тракторга тиркалиб суфориш участкаларидаги ариқ бўйлаб юриб ундан насос ёрдамида сув олади.

Мисол тариқасида ёмғирлатиш қурилмасининг икки хил тишига таъриф берамиз.

ДДН-70 маркали узоққа отар осма ёмғирлатиш қурилмаси. Бу агрегат сув оқимини 70 м гача ёмғирлатиб отадиган иккита айланувчи насадкалар билан таъминланган, ДТ-75 ва ДТ-74 тракторларига ўрнатилади. Ёмғир ёғдириш тезлиги 0,2 мм/мин.

ДДА-100 МА икки консолли ёмғир ёғдириш агрегати. Бу агрегат ДТ-75 тракторига ўрнатилган бўлиб, шакли катта самолёт қанотларининг кўринишини эслатадиган икки консолли қанот (ферма)ларни бошқарувчи гидравлик системадан ҳамда насос установкасидан иборат. Қанотсимон трубопроводларнинг узунлиги 55 м, унга яқинга отар учликлар ўрнатилган. Агрегатнинг иш унуми (суфориш нормаси гектарига 300 м³ бўлганда) соатига 0,85 га (32-расм).

ЭКИНЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Сабзавот экинларини парвариш қилиш йўллари ниҳоятда хилма-хил бўлиб, у ўсимликларнинг биологик хусусиятлари ва уларни етиштириш усулларига қараб белгиланади.


Қатқалоққа қарши курашиш. Сабзавотлар эрта баҳорда ёки кеч кузда экилганда ёғингарчиликдан кейин күпинча қатқалоқ ҳосил бўлади, буни вақтида юмшатилмаса, ерда ёриқчалар пайдо бўлиб, тупроқдаги нам шу ёриқчалар орқали бугланиб исроф бўлади. Кartoшка, маккажўхори, кўк нўхат каби уруғи чуқур экилган экинларни қатқалоқ босганда уни қаторларга кўндаланг қилиб сихли ёки БС-2, ёхуд БСО-4 тўрсимон бороналар босиб юмшатилади. Агар уруғлар униб чиқа бошлаётгани бўлса, бороналар ротацион мотига (юлдузча)лар билан алмаштирилгани маъқул, шунда майсалар камроқ шикастланади. Сабзи, пиёз каби майда уруғли ва уруғи юза экилган далалардаги қатқалоқ сугориш, уруғ униб чиққан пайкалларда эса қатор ораларини культивация қилиш, қаторлари ва туп атрофларни мотигалар билан юза юмшатиш йўли билан йўқотилади.

Қатқалоқ ҳосил бўлишининг олдини олиш учун экин экилгандан кейин қатор ва уялар устига гўнг ёки чиринди сочиб мульчалаш айниқса фойдалидир.

Ниҳоллар хато кўкарган ёки бутунлай нобуд бўлганда қайта уруғ ёки кўчат экилади. Уруғни тез ундириб олиш ва хато кўкарган жойга ўтқазилган кўчатни тез етилтириш мақсадида ундирилган уруғ ва чиринди-тувакчаларда ўстирилган кўчатлар экилади.

Яганалаш экинларни парвариш қилишдаги энг масъулиятли ишлардан биридир. Муддатидан кечиктириб яганалаш ўсимлик мевалари (пиёзи, илдизмевалари ва бошқалар) майда бўлиб қолишига, шаклининг ўзгаришига ва ҳосилнинг кескин камайишига сабаб бўлади (33-расм).

Сабзавот экинлари, одатда, иккι-уч марта ягана қилинади, биринчи навбатда нимжон, мажмагил ўсимликлар юлиб ташлацади. Экинлар кўпинча сугорилгандан кейин қўлда яганаланиб, ортиқча ниҳоллар илдизи билан сууриб олинади. Лекин бунда қолдирилган ўсимликларнинг майда илдизчалари доим шикастланади. Шунинг учун шикастланган илдизлари секинлик



33-расм. Ўз вақтида (ўнгода) ва кечиктириб яганалашнинг сабзи илдиз мевасига таъсири.

билин тикланадиган қовоқдошларга мансуб сабзавотларни ил-диз бүгээгэ якин жойидан чилпиш тавсия қилинади.

Яганалаш жуда сермеҳнат иш бўлиб, кўпинча, у жуда узок-қа чўзилади. Қўй мөҳнатини камайтириш мақсадида экинлар баъзан механизация ёрдамида, яъни кенг энламли от ёки трактор культиваторлари билан яганаланади (букетланади). Бунда культиваторлар қаторларга нисбатан кўндаланг қаратиб юргизилади. Культиваторнинг кесувчи панжалари фақат ўсимликларнинг бир қисмини қирқиб, маълум масофада бир тўда ўсимликларни қолдиради, булар кейин қўлда яганаланади.

Ўтоқ қилиш. Сабзавот экинлари агротехникасида ўтоқ қилиш муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Пиёз, илдизмевалар каби паст бўйли ва секин ўсадиган сабзавотлар бегона ўтлардан, айниқса, қийналади, агар экинлар бегона ўтлардан вақтида то-заланмаса, улар бутунлай нобуд бўлиши мумкин.

Экин қатор ораларидаги бегона ўтлар культивация вақтида ўйқотилади, пиёз ва илдизмевалар сингари қалин ўстириладиган экинлар орасидаги бегона ўтлар эса илдизи билан қўлда юлиб ташланади, картошка, карам каби сабзавотлар орасидаги ўтлар чопиқ вақтида ва эгатларни юмшатишда ўйқотилади.

Экинлар, одатда, сугорилгандан кейин ўтоқ қилинади ва бу ҳар 15—20 кун оралатиб, икки-уч марта такрорланади. Кўпинча, ўтоқ қилиш яганалаш билан қўшиб олиб борилади. Қўлда ўташ, айниқса, пиёз, илдизмеваларни ўташ кўп мөҳнат талаб қиласди, бунда гектарига 30—40 ва ундан ҳам кўпроқ киши куни сарфланади. Шунинг учун сабзавотчиликда экинларни гербицидлар ёрдамида — химиявий усул билан ўтоқ қилиш катта аҳамиятга моликдир.

Таъсир этиш хусусиятига кўра гербицидлар: контакт таъсир этувчи (теккан жойини куйдирадиган), системали, яъни астасекин таъсир этадиган гербицидларга бўлинади. Контакт гербицидлар бегона ўтларнинг теккан жойини куйдиради, системали таъсир этувчи гербицидлар эса ўсимлик тўқималарининг ичига кириб, ўсимлик шираси билан биргаликда тарқалади ва секин-аста таъсир этиб нобуд қиласди. Системали таъсир этувчи гербицидларнинг афзаллиги шундаки, бунда заҳарли препараторлар бегона ўтларнинг фақат ер устки қисмини нобуд қилмасдан, балки ернинг чуқур қатламига кириб борган илдиз ва илдизпояларига ҳам ҳалокатли таъсир этади.

Гербицидлар ўсимлик тўқималарига кириши билан унлаги моддалар алмашинуви ўзгаради ва дори таъсир қилган бегона ўтлар нобуд бўлади. Ўсимликларнинг ёшига, ташқи шароитларга (температура, тупроқ ва ҳаво намлиги, қуёш нурининг интенсивлиги, тупроқ таркиби ва бошқа факторларга) қараб, гербицидлар бегона ўтларга кучли ёки кучсиз таъсир қилиши мумкин.

Ёш ўсимликлар, айниқса, эндигина чиққан майсалар, бақувват, етук ўсимликларга нисбатан гербицидларга таъсирчан бў-

лади. Қўпчилик гербицидларни қўлланишда 15—30° температура энг қулай ҳисобланади. Қуёшли қуруқ ҳаво бевосита таъсир этувчи гербицидларнинг таъсирини кучайтиради; сернам ва яхши юмшатилган ерларда системали таъсир этувчи гербицидлар яхши самара беради.

Гербицидларнинг бегона ўтларга ҳалокатли таъсири ва зархарлиги 30—60 кун ёки бундан ҳам ортиқ давом этиши мумкин.

Бегона ўтларни йўқотиш учун сепиладиган гербицидлар нормаси, тупроқ метеорологик ва бошқа шароитларга, шунингдек, йилнинг фаслига, сабзавот экинларининг ўшига қараб ҳар хил бўлади. Зоро, гербицидлардан ёппасига фойдаланишдан олдин тавсия этилаётган нормани ҳар томонлама текшириб кўриб кейин белгилаш зарур.

Сабзавотчилика бегона ўтларни йўқотиш учун асосан истиқболи катта қўйидаги гербицидлар кўп тарқалган.

Трактор керосини — контакт таъсир этувчи гербицид, соябонгулдошлар оиласига мансуб ўсимликлар экилган далалярда гектарига 300—600 кг ҳисобидан уруғ униб чиқишидан олдин ёки кейин қўлланилади.

Кальций цианамид — контакт таъсир этувчи гербицид, картошка, пиёз ва лавлаги экилган далаларга гектарига 260—350 кг ҳисобидан чангтилади. Бу гербицид дурустгиша азотли ўғит (таркибида 20% азот бор) ва десикант (45—60 га/кг) хизматини ҳам ўтайди.

Хлор ИФК — суюқ препарат, таркибида 50% таъсир этувчи модда бор. Пиёз ва сабзи уруғлари униб чиққунча сепиладиган системали — секин таъсир этадиган гербицид, гектарига 10—15 кг ҳисобидан сепилади. Бу препарат тез учеб кетиш хусусиятига эга. Шунинг учун уни тупроқقا 2—3 см чукурликда кўмиш тавсия қилинади.

Дихлор ал мочевина — системали таъсир этувчи кукунсимон гербицид, таркибида 50% таъсир қиласиган модда бўлади. Гектарига 10—24 кг ҳисобидан уруғ экиш ёки кўчат ўтқазиш олдидан қўлланилади.

Натрий трихлорацетат (ТХА) — системали таъсир этувчи 87% ли суюқ препарат. Куздан бошлаб лавлаги, картошка ва карам экилган ерларга (гектарига 25—50 кг) сепилади.

Пропазин — кукунсимон препарат, таркибида 50% секипаста таъсир қиласиган модда бўлиб, гектарига 3—6 кг ҳисобидан соябонгулдошларга мансуб ўсимликлар экилган ерларга ишлатилади.

Прометрин — кукунсимон препарат, таркибида 50% таъсир этадиган модда бор. Бу препарат соябонгулдошлар ва дуккакдошларга мансуб экинлар уруғи униб чиқишига қадар гектарига 3—4 кг ҳисобидан сепилади.

Эптом — 76% ли системали таъсир этувчи суюқ гербицид. Баҳорда лавлаги экишга 15—20 кун қолганда 4,5—6 кг препа-

ратни 600—800 л сувда эритиб, бир гектар ерга пуркалади.

Гербицидлар сабзавот маҳсулотлари таъмини бузиши ва одамга заҳарли таъсир этиши мумкин. Шунинг учун улар маълум миқдорда ва белгиланган муддатларда барча хавфсизлик қоидаларига риоя қилинган ҳолда қўлланилиши лозим.

Гербицидлардан фойдаланилганда қўлда ўтоқ қилишга деярли эҳтиёж қолмайди, кўп ҳолларда сабзавот экинлари ҳосилдорлиги ошади.

Гербицидлар ҳар хил системадаги пуркагичлар ёки чанглагичлар ёрдамида экинлар сугорилгандан кейин ҳаво қуруқ ва шамолсиз пайтларда сепилади.

Гербицидларни АН 2, ЯК-2 самолётлари ёки Ми-1, Ми-2, Ка-15 вертолётларидан сепиш энг самарали усуllibардан ҳисобланади. Гербицидларни авиация ёрдамида сепиш трактор чанглагич-пуркагичларида ишлашдагига нисбатан бу муҳим тадбирни қисқа ва энг қулай муддатларда ўтказишга, меҳнат сарфларини бирмунча камайтиришга, шунингдек, тракторларнинг иш жараёнида экинларнинг нормал ўсишига заарли таъсир этадиган тупроқ зичланиши олдини олишга имкон беради.

Мульчалаш. Мульчалаш деб, тупроқ бетини гўнг, торф, похол, қоғоз ва бошқалар билан юпқа қилиб ёпишга айтилади. Мульчалаш бегона ўтларнинг ўсишига тўқсунлик қиласи, ерни қатқалоқланишдан сақлайди ва сувни кам буғлантиради ҳамда температура ўзгаришининг суткалик амплитудасини камайтиради. Қора мульча тупроқнинг яхши қизишига ёрдам беради; оч тусдаги мульча эса қуёш нурини қайтариб, аксинча, тупроқни ортиқча қизиб кетишдан асрайди. Мульчалаш натижасида тупроқнинг сув, ҳаво ва температура режими яхшиланади, тупроқ микроорганизмларининг фаолияти учун энг қулай шаронт туғилади.

Ерларни мульчалаш, ўтоқ қилиш ва ўсимликлар атрофидаги тупроқни юмшатишга қилинадиган харажатларни камайтириш билан бирга, кўп ҳолларда ҳосилдорликни сезиларли даражада оширади.

Ўрта Осиёда эртаги картошка, қуэги пиёз, очиқ ерга экилалигидан помидор каби қатқалоқдан қаттиқ шикастланадиган майда уруғли экинлар экилган ерларда мульча сифатида чалароқ чириган гўнг ёки чириндишлардан фойдаланилади.

Тупроқнинг қизиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида баъзан бошоқли экинлар похоли мульчалаш материални сифатида ишлатилади.

Тошкент Қишлоқ хўжалик институти сабзавотчилик кафедрасининг тажрибаларига қараганда похол билан мульчалаш тупроқ температурасини анча ($5-6^{\circ}$) га пасайтиради (34-расм). Лекин ер нам бўлгани (сугорилгани) учун похол заҳ ернишиб қолиб парчаланади ва тупроқда денитрификация процесси рўй беради, бу ҳол баъзан мульчаланган экинлар ҳосилдорлиги

камайишига олиб келади. Экинларни шоли қипиғи билан мульчалаш ҳам яхши натижка беради.


Мульча сифатида асфальтланган мульча қофоздан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Автор томонидан Ўзбекистонда ўтказилган тажриба натижалариға қараганда, мульча қофоз тупроқда нам сакланишига ёрдам беради, тупроқнинг кундузги қизишини анча кучайтириб, тунда эса жуда совиб кетишига тўскинлик қиласи ва картошкага ҳамда сабзавот экинлари ҳосилини сезиларли даражада оширади. Буни қуйидаги маълумотлардан яққол кўриш мумкин, га/ц:

Тажриба вариантлари	Помидор, га/ц %	Карам, га/ц %	Бэдринг, га/ц %	Картошка га/ц %
Контроль (мульчаланмаган)	317	228	186	113
Мульча қофоз билан мульчаланган	408+28,7	271+18,8	240+29,2	140+23,9

Шўр ерларда мульча қофоздан фойдаланиш энг самарали ҳисобланади. Ўзбекистон ССР Сирдарё районидаги Ленинномли колхозда ўтказилган тажриба натижалариға қараганда, тупроқни мульча қофоз билан мульчалаш тузларни тупроқнинг юза қаватига кўтарилишини сусайтиради ва картошкага ҳосилини бирмунча ошириш имконини беради.

Тажриба варианты	Вегетация даври охида тупроқнинг юза қатламида бўйланган туз микдори, %		Картошка га/ц	Ҳосили
	қаттиқ қолдиқ	хлор иони		
Контроль (мульчаланмаган)	0,600	0,009	137,7	102,1
Қора қофоз билан мульчаланган	0,328	0,005	175,7	127,6

Суфориладиган деҳқончилик районларида мульча қофоз билан фақат пушта усти беркитилиб суфориладиган эгатлар туп-



34-расм. Ерни похол билан мульчалашнинг 10 см чуқурликда тупроқ температурасига таъсири (Тошкент ҚХИ Ўқув-тажриба хўжалиги):

1 — ер мульчаланмаганди; 2 — ер похол билан мульчаланганда.

роғи чопиқ қиладиган механизмларнинг ишлаши учун очиқ қолдирилади.

Эртаги сабзавот ва картошкани ёруғлик ўтказувчи ялтироқ ёки қўқимтири полиэтилен (плёнка) билан мульчалаш яхши натижа бераяпти. Бунда тупроқнинг устки юза қаватида ($0-10\text{ m}$) температура $2-3^{\circ}$ га кўтарилиб, майсалар эрта қўкаради ва мўл ҳосилни эрта етилтириш имконияти вужудга келади (Тошкент ҚҲИ ўқув-тажриба хўжалиги, 1970 й.).

Картошка ҳосили, га/ц

	26/Vга	23VIга
Контроль (мульчаланмаган)	126	177
Ялтироқ плёнка билан мульчаланган	148	184
Кўқимтири плёнка билан мульчаланган	152	189

Бироқ ёзги муддатларда экиладиган картошкани плёнка билан мульчалаш салбий натижа беради, чунки тупроқнинг ҳаддан ташқари қизиб кетиши оқибатида тугунаклар чириб қолади, ниҳоллари хато қўкаради ва ҳосилдорлик пасаяди.

Мульча сифатида нефть саноати чиқиндилари — смолапарафиндан фойдаланиш мумкин бўлиб, унинг таркибида нефть смоласи (60%), парафинлар (30%) ва 10% инерт материаллар ҳамда сув бўлади. Тупроқ юзасига сепилган суюқ нефть мульчаси майсаларнинг тез ва қийғос униб чиқишини таъминлайди, ёмғир ва шамол таъсиридан парчаланиб кетмайди ҳамда озиқовқат сифатида ишлатиладиган экинлар — полиз, пиёз, илдизмевалар учун заарсиз ҳисобланади.

Сабзавот экинлари экилган ерлардаги тупроқ температураси ва экинлар ҳосилдорлигига тупроқ юзасини бўяш ҳам катта таъсир кўрсатади. Ағрофизика институти (АФИ) тажрибаларига қараганда, тупроқ юзаси рангини сунъий равишда ўзгартириш йўли билан унинг 50 см ли қатламидаги температурани кундузи 9° га кўтариш ёки 4° га тушириш, тунги соатларда эса 4° га кўтариш мумкин (Максимов, 1965).


Тошкент Қишлоқ хўжалик институти сабзавотчилик кафедраси томонидан олиб борилган кузатиш натижаларига қараганда, эртаги экинлар экиладиган ерларни тошкўмир кукуни билан қорайтириш самарали усул ҳисобланаб, тупроқнинг юза қатлами температурасини ошириш ва майсаларнинг эрта ундириб олиш имконини беради. Энда, аксинча, тупроқ юзасини бўр билан оқлаш кундузги соатларда тупроқ температурасини $4-5^{\circ}$ гача пасайтириш имконини беради (35-расм).

Сабзавот экинлари ўстиришда ўсимлик касалликлари ва зараркунандаларига қарши олдини олиш ва ёппасига қириш чораларини қўлланиш энг зарур тадбирлардан ҳисобланади. Олдини олиш чораларига ҳосилни йиғиб олгандан кейин далада қолган ўсимлик қолдиқлари (палак, карам ўзаги ва бошқалар) ни йиғиб олиш ва уларни даладан ташқарига чиқариб йўқотиш

(бу хилдаги қолдиқларда касаллик құзғатувчилар ва күпгина зааркунандалар сақланып қолған бўлади); ерни чуқур шудгорлаш (бунда ернинг юза қаватида қишилайдиган заарларни ҳашаротларнинг қуртлари ва гумбаклари, касаллик құзғатувчилар қисман нобуд бўлади ёки улар ноқулай шароитга тушиб қолади); касаллик құзғатувчилар ва зааркунандаларнинг макони бўлган уват-марзалар ва ариқ бўйларини чопиш, ўтини куйдириш, гербицидлар билан дорилаш ёки ўтларини йигиб олиб кейин куйдириш; алмашлаб экинда экинларнинг тўғри навбатланишига амал қилиш; уруғ ва қўчатларни гранозан, меркуран ёки ТМТД препаратлари билан дорилаш, шунингдек, 50° ли сувда 20 минут давомида қиздириш (термик ишлаш); даладаги бегона ўтларни ўз вақтида йўқотиш ҳамда соғлом ўсимликларни ўстиришга имкон берадиган юқори агротехникани қўлланиш ва бошқалар киради.

Сабзавот экинларида касаллик ва зааркунандаларга қарши курашишда амалга ошириладиган қириш чоралари жумласига ўсимликларга заҳарли моддалар пуркаш ва чанглаш, заҳарли тутунлардан (аэрозоллардан) ва заҳарли ҳўраклардан фойдаланиш киради. Ўсимликларга заҳарли дориворлар пуркаш ва чанглаш уларда касаллик ва зааркунандалар пайдо бўлиши билан бошланиб, бу тадбир бир неча марта тақорорланади. Лекин ўсимликлар гуллаётган пайтда чангланишга ёрдам берадиган фойдали ҳашаротларни заҳарлаб қўймаслик учун ўсимлик химиявий моддалар билан ишланмайди. Шунингдек, ўсимликларни химиявий дориворлар билан ишлashing, ҳосилни йигиб олишга 25—30 кун қолганда, карамда эса карам бош ўрай бошлаганда тўхтатилади. Ўсимликни дорилашиниг энг мувофиқ муддати эрталабки, кечки ва тунги соатлар ҳисобланади, чунки иссиқ пайтда заҳарли дориворлар ўсимлик органларини куйдириши мумкин. Бундан ташқари, шудринг тушганда чангланган дорилар ўсимлик органларига яхши ёпишади. Ўсимликларни химиявий дориворлар билан шамол пайтида ёки ёмғир ёғишидан олдин ишлаш ҳам мумкин эмас.

Пуркаладиган дорилар ишлатиш олдидангина тайёрланиши ва улар белгиланган концентрация ва дозаларда ишлатилиши керак.



35-расм. Картошка экилган ер бетини оқартиришнинг 10 см чуқурлиқда тупроқ температурасига таъсири:

1 — контроль; 2 — бор сепиб оқартирилганда.

Ўсимликларнинг кўпчилик зааркунанда ва касаллик қўзатувчилари баргларнинг орқа томонига жойлашиб олган бўлади. Шунинг учун ўсимлик тупини юқоридан пастга ва пастдан юқоринга қаратиб дорилаш керак.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши курашишнинг биологик методи ҳам катта аҳамият касб этади. Ўзбекистонда (Самарқанд областидаги «Боғизогон» совхози) Куйбишев номли Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институти томонидан ишлаб чиқилган сабзавот-полиэ экинларидағи шумғияга қарши курашишнинг биологик методи ўзини тўла равишда оқлай олди ва у ишлаб чиқаришда қўлланиш учун тавсия этилди. Бу хилдаги паразит ўсимликлар билан зааррланган участкалар баҳорда қишлоудан чиқсан омбор фитомиза пашшасининг ғумбаклари билан ишланади. Ғумбакдан чиқсан пашша шумғия гулига тухум қўяди, тухумдан чиқсан фитомиза личинкаси ўсимлик уруғини ва поясини зааррлайди, сўнг ўзини қуритади.

Карамнинг энг хавфли зааркунандаси ҳисобланган карам ширасига қарши курашишнинг биологик усули сирфид пашшасининг кўпайиши учун мувофиқ шароит яратишдан иборат бўлиб, унинг личинкаси карам шираси билан озиқланади.

Ширага қарши ишлатиладиган заҳарли химикатлар сирфид личинкалари учун ҳам заҳарли ҳисобланади. Шунга кўра, сирфид пашшасини сақлаб қолиш учун карамга участкада шира тарқала бошлаган пайтдагина дори пуркалади (Разумов, 1971 й.). Бунда ширанинг кейинги кўпайиши ва тушиши сирфид фаолияти таъсирида тўхтаб қолади.

Теплицаларда бодринг етиштиришда ўргимчакканага қарши биологик курашиш учун йиртқич каналардан бири фитосей-улюс мувваффақиятли равишда қўлланилмоқда. Уни маҳсус биноларда сунъий йўл билан кўпайтирилади. Бу ерда соя ўсимлигига фитосейулюснинг озиғи ҳисобланган ўргимчакканага урчилилади, сўнгра зарур бўлганда соя баргидаги фитосейулюс ўргимчакканага билан зааррланган теплица ичига киритиб қўйилади.

Карам капалаги ва карам куясига қарши курашишда энтеробактерин — З бактериал препарати ишлатилиб, капалаги бор ўсимлик тупи бу хилдаги препарат эритмаси билан ишланади. Карам ширасини қирадиган энтомофагларни жалб этиш учун карам экилган участка атрофига укроп сепилади.

Сабзавотчилика ўсимлик зааркунанда ва касалликларига ҳамда бегона ўтларга қарши курашиш ишларини механизацияштиришда қуйидаги машиналардан кенг фойдаланилади.

ОПХ-14 чангловчи мосламаси бўлган ОВХ-14 маркали пуркагиҷ, Т-28Х4 тракторига агрегатланади. Бу машина қатор ораси 60 ва 90 см бўлган экинларга ишлов бериш учун мўлжалланган. Машинанинг иш унуми: пуркагиҷчики соатига 4 га, чанглагичиники соатига 6,5 га.

ОН-10 маркали ўрнатма универсал пуркагиҷ. Т-25 тракторига ўрнатиб ишлатилади. Ўсимлик зааркунандала-

ри ва касалликларига ҳамда бегона ўтларга қарши қурашиш учун мўлжалланган. Машинанинг иш унуми соатига 5,3 га.

ОТН-8-16 маркали чанглагич-пуркагич. Т-28-4 тракторига ўрнатиб ишлатилади. 60 см ли қатор ораларини ишлаш учун мўлжалланган. Машинанинг иш унуми соатига 2—4,2 га.

ПГС-2,4А-11 маркали тупроққа гербицид сепувчи мослама. СТХ-4А ва СЧХ-4А маркали чигит сеялкаларига осиб ишлатилади. Тракторнинг қувват ажратиш валидан ҳаракатланади, гербицид сарфлаш нормаси гектарига 150—300 л.

ПАУ маркали универсал пуркагич-ўғитлагич. «Беларус» тракторининг ҳамма турларига ва ДТ-54, Т-74, ДТ-75, Т-40, Т-16М, Т-38М тракторларига ўрнатилади. Суюқ ўммиак ва гербицидларни ёппасига ва қаторлаб пуркаш учун мўлжалланган. Машинанинг иш унуми соатига 0,5—2,9 га.

Қатор ораларини ишлаш (культивация) қатқалоқни бузиш, бегона ўтларни йўқотиш, тупроқни чуқур юмшатиш, унинг аэрациясини яхшилаш ва тупроқ намини сақлаб қолиш мақсадида амалга оширилади.

Биринчи культивацияни, одатда, майсалар униб чиқпши ёки кўчатлар тутиб кетиши билан ўтказилиб, кейингилари ҳар галги суфоришдан кейин бажарнлади, ўсимлик қаторлари бир-бира-га тувашиб кетгунга қадар давом эттирилади. Кучли ўсуви картошка, помидор, карам ва бошқа экин қаторларининг тувашиши нисбатан интенсив боради. Шунинг учун картошканинг ёппасига тугунак ҳосил қилиш ёки карамнинг бош ўраши вақтига келиб культивация қилиш, одатда, тўхтатилади. Кучсиз ўсуви ўсимликлар (сабзи, пиёз ва бошқалар)да налаги ўсуви даври охирига қадар қатор ораларини қопламаганлиги учун қатор ораларини ишлаш узоқроқ давом этади. Қатор ораларини культивация қилишини қондага амал қилган ҳолда ҳар галги суфоришдан кейин ўтказиш тупроқ намлнгини ортиқча буғлантиришга ва ҳосилдорликпинг камайишига олиб келади. Масалац, Г. Нуровнинг Бухоро обlastida олиб борган икки йиллик тажрибасида сабзи ҳосили культивация ҳар бир суфоришдан кейин ўтказилган майдонда гектарига 167,6 ү, культивация ҳар икки суфоришдан кейин ўтказилганда гектарига 46,9 ү, культивация мутлақо ўтказилмагандан эса гектарига 13,0 ү ни ташкил қилди.

Илгаридан суфорилиб келинган типик бўз тупроқларда тупроқ намини яхши сақлаш ва оптимал сув-ҳаво шароитини вужудга келтириш учун ер 10—12 см чуқурликда ишланади. Оғир соғ тупроқларда механик таркиби енгил бўлган тупроқлардагига нисбатан қатор оралари чуқур (13—14 см ва ундан ҳам чуқур) ишланиши керак. Ёш майсаларни кўмиб юбормаслик ва уларни шикастламаслик мақсадида қатор ораларига биринчи марта ишлов бериш кейингиларига қараганда саёзроқ (5—6 см чу-

ўтказилади. Квадрат-уялаб экилган майдонларда қатор ораларини ишлаш икки томонлама, аввал сугориш йўналишига нисбатан кўндалангига, сўнг эса узунасига қаратиб ўтказилади.

Мотигалаш ва чопиқ қилиш. Бегона ўтларни йўқотиш ва ўсимликлар атрофидаги тупроқни юмшатиш мақсадида экин мотигаланади. Мотигалаш майсалар тўла кўкариб чиққандан ёки кўчатлар тўла тутиб олгандан кейиноқ бошланиб, бу тадбир 2—3 марта такрорланади ва қатор оралари ўсимликлар билан қопланиб, экиннинг ёппасига ҳосил тўплаш даврида тўхтатилади.

Тупроқни юмшатиш, кўпинча чопиқ қилиш, яъни ўсимлик атрофига тупроқ тортиб кетиш билан боғлаб олиб борилади. Чопиқ қилиш тупроқнинг ҳаво режимини яхшилайди, поянинг ер устки кўмилган қисмида қўшимча илдизлар чиқишига сабаб бўлади, бу эса ўз навбатида ўсимликнинг яхши озиқланишига ёрдам беради.

Чопиқ қилиш баъзи ҳолларда ўсимликнинг (маккажўхори, уруғлик учун ўстириладиган икки йиллик ўсимликларда) шамолдан ётиб қолмаслик кучини оширса, бошқа ҳолларда тупроқни (картошканинг тугунак ҳосил қилиш зонасида) ортиқча қизиб кетишдан сақлайди. Баъзан, чопиқ қилиш ўсимликнинг ёйиладиган органларини «оқартириш» мақсадида ўтказилади. Бунда уларга қўёш нури тушмаганлигидан ранги оқариб қолади ва нозик консистенцияси ҳамда таъмининг сифатини сақлайди.

Чопиқ қилиш ўсимликларни паст температура таъсиридан ҳимоя қилиш воситаси сифатида хизмат қиласди. Масалан, баҳорда қора совуқлар бўлиши кутилганда, помидор ва бошқа иссиқсевар ўсимликлар чопиқ қилинади. Баъзан сабзавот экинларининг касаллик ва зааркунаидаларига (карам пашшаси ёки қорапочага) қарши курашиб мақсадида ҳам экин чопиқ қилинади.

Ортиқча намиқсан заҳ ерларни чопиқ қилиш тупроқнинг яхши шамоллашига ва селгишига ёрдам беради. Лекин сугорилмайдиган қурғоқчилигидан кейин чопиқ қилиш тупроқнинг қуриб қолишига ва ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади.

Мотигалашдаги сингари, чопиқ қилишда ҳам тупроқ албатта нам бўлиши керак, яъни у ёмғир ёққандан ёки ер суғорилгандан кейин ўтказилади ва экинларнинг ёппасига ҳосил тўплаш даврида тўхтагилади.

Тупроғи етарлича юмшоқ ва бегона ўтлардан холи бўлган ерларни чопиқ қилишни ҳар хил типдаги оқучниклар ёрдамида механизациялаштирилади. Тупроғи оғир ва ўт босган ерларни механизация ёрдамида ишлашдан ташқари улар қўлда ҳам чопиқ қилинади.

Озиқлантириш. Экинлар, одатда, икки ёки уч марта, яъни майсалар униб чиққандан кейин, ҳосил тўплаш олдидан ва ёп-

жойлашади. Пилига икки марта ҳосил олишда тугунакларнинг химиявий таркиби қуруқ моддаларнинг бир оз кўпайиш томонига ўзгариди.

Ўсимликнинг ана шу биологик ҳусусиятига кўра, йилига икки марта ҳосил берадиган картошка агротехникаси бир марта ҳосил бералиган картошка агротехникасидан бирмунча фарқ қиласиди. Икки ҳосилли экининг муваффақиятини белгилайдиган энг муҳим шартлардан бири тугунакларни иложи борича эрта (фсверлнинг охири — мартининг бошларида) экишdir. Бунда тугунакларни экиш олдидан унувчанлигини кучайтириш ва ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирадиган бошқа усуллардан фойдаланиш керак. Тугунаклари камида 50—60 г га етганда палаги ҳали яшил тусини ўқотмаган (кўклик) вақтида ҳосилни йиғиб-териб олишга киришилади. Ковлаб олинган тугунаклар шу заҳотиёқ икки-уч бўлакка кесилади, тиомочевинанинг 2%ли эритмасида ёки тиомочевина билан гиббереллин (бир литрга 1—2 мг) аралашмасида дорilanади ва далага экилади.

Янги ковлаб олинган картошка озиқ-овқат мақсадлари учун экиладиган бўлса, тугунаклар июнь ойининг ўрталарида экилади, экиш муддати бундан кечиктирилса, ҳосилдорлик пасаяди. Лекин соғлом ва серҳосил уруғлик олиш учун картошка кечроқ — июль ойининг биринчи ярмида экилади. Юқорида айтилганнандек, янги ковлаб олинган тугунакларда кўзчаларнинг оз қисми ниш отган бўлиб, у экилгандан кейин атиги битта-иккита поя чиқаради. Шунга кўра, бу хилдаги картошка қалин — қатордаги тури орасини 20—25 см қилиб ҳар уяга иккитадан ярим паллали гүгунак ташлаб экилади. Янги ковланган тугунаклардан фойдаланилганда майсалар қийғос униб чиққунга қадар тупроқ доимо сернам бўлиб туриши шарт. Шунинг учун янги ковланган тугунаклар экилган участканни то картошка экини тўла униб чиққунча тез-тез, яъни тупроқнинг қуриб кетишига йўл қўймасдан сугориб турниш зарур. Экинлар тез-тез сугорилганда даладаги ёввойи ўтлар жадал ўсади, булар гербциллар сепиш ёки чопиқ қилиш йўли билан йўқотилади. Ўсимликнинг кейинги парвариши олатдагича давом эттирилади. Бу хилдаги картошкада палагининг тўла етилиши ҳамда унинг табиий равишда қуриб қолиши ҳоллари кузатилмайди. Шунинг учун кўпчнлик ҳолларда картошка ҳосили палакларни дастлабки қора совуқ уриб кетгандан кейин ковлаб олинади. Картошка баҳорда, шунингдек ёзда такроран экилганда ҳам уруғлик экинларни касалланган ва айниган ўсимликлардан тозалаш, шунингдек, уруғлик тугунакларни шаклига, рангига ва ҳажмига қараб танлаш шарт.

БОДРИНГ ВА САБЗАВОТ ҚОВОҚЧАЛАР

Б О Д Р И Н Г

АҲАМИЯТИ ВА ТАРҚАЛИШИ

Бодринг мевасида озиқ моддалар унчалик кўп эмас. Лекин унинг қимматли томони асосан овқатга лаззат киритувчи маҳсулот, овқатнинг ҳазм бўлишига ёрдам берувчи масаллиқ хизматини ўташидадир. Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институтининг маълумотларига кўра, бодринг меваси таркибида (узишга етилган даврида) 95, 96% сув, 0,86% азотли моддалар, 1,8—2,8% шакар (умумий шакар), 0,4% клетчатка бўлали. Булардан ташқари, меваларида А, В, ва С (8 мг% атрофида) витаминалар ҳам учрайди. Кулида кўп миқдорда калийли, кальцийли ва фосфорли тузлар бўлади. Ноқулай шаронтда (тупроқда ёки ҳавода нам етишмагандага) бодринг меваларида тахир модда (глюкозид)лар тўпланиб, бодрингга аччиқ таъм беради. Бодринг ўсимлигининг ватани Ҳиндистон ва Ҳинду-Хитойниң сернам тропик районлари ҳисобланади. У ерларда эрамизга қадар бодрингдан маданий экин сифатида фойдаланилгани ва кейинчалик бошқа мамлакатларга тарқалган. Россияда бодринг VIII—IX асрларда маълум бўлган бўлса, XVI асрда у Европа ва Америкада кенг тарқалган.

Бодринг жануб ўсимлиги бўлганлигидаи у иссиққа талабчан. Бироқ ўсув даври қисқа бўлганлиги учун у ниҳоятда кенг — то 63° шимолий кенглиkkача тарқалган. У совуқдан ҳимоя қилинган тупроқда Қутб доираси ортида ҳам ўстирилади. Бодринг Япония, Хитой, Ҳиндистон ва Осиёдаги бошқа мамлакатларда, шунингдек, АҚШда кўп, Европа мамлакатларida эса камроқ тарқалган. Совет Иттифоқида бодринг экиладиган майдон кейинги йилларда 200 минг гектардан ҳам ошиб кетди ва у сабзавот экинлари орасида карам ва помидордан кейин учинчи ўринда туради. Ўрта Осиёда қарийб 10 минг га ерга (бу миқдор иттифоқ бўйича 5% ни ташкил этади) бодринг экилади ва бу сабзавот экинлари майдонининг 8—15% или ташкил қиласади.

БОТАНИК ТАЪРИФИ

Бодринг қовоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлик. Поялари 4—5 та барг чиқарган даврда ерга ётади ва ерда ёйилиб палак отади ёки атрофидаги нарсаларга чирмашиб юқорига қараб ўсади. *Асосий пояси* навига ва ўсаётган жой-

нинг шароитига қараб 50—80 см дан 2 м га қадар етади, баъзан бундан ҳам ошиб кетади. Асосий поядаги барг қўлтиқларидан чиқадиган ён поядан иккинчи тартиб поялар ўсиб чиқади. Бир неча (7—10 та) барг чиқаргандан кейин пояда жингалаклар ҳосил бўлади.

Илдиз системаси асосан тупроқниң 20—25 см ли ҳайдалма қатламига таралиб ўсади. Ўқидиз ва айрим ён илдизлари ҳатто 1 м га қадар етиб бориши мумкин. Илдизларининг ён томонга тарқалиш радиуси 1,5 м га яқин. Ўсимликнинг асосий ва ён поялари нам тупроққа тегса, бўғимларидан қўшимча илдизлар чиқараверади.

Барглари навига қараб юраксимон, учли юраксимон ва юраксимон-панижасимон бўлиши мумкин.

Гуллари айрим жинсли, яъни эркак ва ургочи гуллардан иборат, рағги сариқ, эркак гуллар барг қўлтиқларида жойлашган бўлиб, қалқонсимон тўпгул ҳосил қиласди, ургочи гуллар барг қўлтиғида, кўпроқ ён пояларда биттадан, камдан-кам иккى-учтадаи жойлашади. Ургочи гулларниң тугунчаси пастда бўлиб, усти қалин тук билан қопланган (61-расм).

Меваси қовоқча. Етилмаган меваси янгилигига тузлаб ва сиркалас истеъмол қилинади. Ёшига қараб товар мева шомлари ўзгаради: икки-уч қуналлик тугунча «найча», шаклари етук ҳолатдаги, яъни техник етилгани «кўјк барра», тўла пишиб етилгани эса «урӯғлик» деб юритилади. Мевалари шарсимион шаклда, лекин асосан тухумсимон, дуксимон ёки цилиндриксимон бўлади.

Уруғлари чўзиқ-эллипссимон, рағги оқ ёки оч сариқ. 1000 дона уруғининг абсолют оғирлиги 16—40 г. У 5—6 йилгача пормал унувчалик хусусиятини сақлайди.

КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА НАВЛАРИ

А. И. Филатов таклиф қилган классификацияга кўра (бу классификация бодрингнинг морфологик белгилари, шунингдек, шаклланиш процессига таъсир кўрсатган экологик факторларни ҳам ҳисобга олади) бодринг (*Cucumis sativus L.*) еттига

ерларда фақат Ўрта Осиё навига мансуб, қисман Европа бодрицгига яқни турлар яхши ҳосил беради, лекин бу навлар истеъмол учун асосан янги узилган ҳолида ишлатилади, бироқ тузлашга унчалик ярамайди, чунки тузланганда эластиклигини йўқотиб, бўшашиб қолади. Нежин, Рябчик каби эски тузлама навлари Ўрта Осиё шароитида ёзда экилганда жуда кам ҳосил беради. Шунинг учун Ўрта Осиё республикаларида илмий-тадқиқот муассасаларида кейинги йилларда Ўрта Осиё дурагайлари ва Европа формасига мансуб бир қанча тузлама бодринг навлари яратилди.

Ўрта Осиё республикаларида асосан илмий-тадқиқот муассасалари томонидан яхшиланган маҳаллий нав бодринглар экилади;

Марғилон 822. Серҳосил, ўртапишар, мазасининг юқори сифатлиги билан ажралиб туради, лекин тузлашга унчалик ярамайди. Янги узилган барра меваси цилиндр шаклида, ранги тўқ яшил ва йирик. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозогистонда ўстирилади;

Марғилон 88. Ўртача эртаги, серҳосил, салатбоп нав, кўк барра меваси қисқа-цилипдр шаклида, ўртача йирик, ранги оқ ўйлли яшил тусда;

· *Ўзбекистон 740.* Серҳосил, ўртапишар салатбоп нав. Кўк барра меваси йирик цилиндрсизон, ранги тўқ яшил, учиди озгина оқиши йўли бор. Очиқ ерда (далада) ва теплицаларда, полиэтилен парда остида ўстириш учун яроқли.

Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтида тузламабон *Қўйлиқ 262 ва Ўзбекистон тўнгич навлари* яратилди. Бу навлар иссиққа чидамлилиги ва ёзда экилганда мўл ҳосил бериши, мевасининг тузлашга яроқлилиги билан фарқ қиласи.

Тожикистон Қашлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтида ҳам худди шу тибдаги *Гиссарский 22* нави яратилди.

Қозогистон ва Қирғизистонда *Астраханский 136* нави кенг тарқалган. Бу нав тезпишар, калтапалак, меваси майда, асосан янгилигига истеъмол қилиш учун мўлжалланган, тузлашга унчалик ярамайди.

Бодринг ҳосили гетерозис дурагай уруғ экиш йўли билан оширилади. Тожикистон Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, Марғилон 822 нав бодрингнинг она формасидан олингани дурагайлар ота формасидан олинганига қараганда, ота-оиласининг шакли, мевасининг силлиқлиги ва ҳажмини сақлаган ҳолда аичагниа қўшимча ҳосил беради. Марғилон 822×Рустем 96 навларини чатиштиришдан олингани дурагай ҳам бирмунча истиқболли ҳисобланади. Бу дурагай 47—87% га етказиб қўшимча ҳосил беради, шу билан бирга мевалари текис ва кўпчилигининг усти силлиқ бўлади. Бу дурагайнинг иккинчи бўғинидан дурустгина қўшимча ҳосил олиниди.

БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бодринг иссиқсевар ўсимлик. Уруғи 12—13° температурада униб чиқади. Температура бундан паст бўлса, уруғ бўртса-да, аммо ўсишга ҳаракат қилмайди ва чириб кетиши мумкин. Қулай, яъни 25—30° температурада уруғи 5—6 кунда, ивитилмасдан далага экилгандага эса 7—10 кунда униб чиқади.

Бодринг ўсимлигининг нормал ўсиб ривожланиши учун температура 25—32° атрофида бўлиши керак. Лекин 6—8° температурада ўсимликнинг ўсиши ва ҳаёт фаолияти тўхтайди, кейинчалик температуранинг ундан ҳам пасайиб кетиши ёки паст температуранинг узоқ муддат давом этиши, тузатиб бўлмайдиган ўзгаришларга сабаб бўлади. Бундай ҳолларда барглари сарғаяди найчалари тўклишиб кетади, истеъмолга ярамайдиган қингир-қийшиқ мевалар пайдо бўлади. Ёзда кечки муддатларда экилгандага ёки яхши иситилмайдиган теплицаларда кам ҳосил беришининг сабаби ҳам ана шунда. Температура 0° га тушганда, ўсимлик нобуд бўлади.

Юқори (40° ва ундан юқори) температура ҳам ўсимликка ҳалокатли таъсир этади. Лекин экинилар қонидриб сугорилса ва уларга ёруғлик яхши тушиб турса, ўсимликка кўпда зарар етмайди. Бодринг ўсимлиги юқори температуралари ва ҳавонинг намлиги паст бўлган шароитда ўстирилса, сувни айниқса кўп талаб қиласди. Ўрта Осиёда бодрингни тез-тез сугориб туришнинг боиси ҳам айа шунда.

Бодринг ёруғсевар қисқа кун ўсимлиги. У 10 соат давом этадиган ёруғ кунда яхши ривожланади.

Бодринг тупроқдан озиқ моддаларни унчалик кўп олмайди. Аммо илдиз системасининг юза жойлашганлиги ўсимликка фагат тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги озиқ моддалардан фойдаланишга имкон беради. Ўсув даврининг қисқа бўлишига қарамасдан, бу давр ичидаги ўсимликнинг кўплаб палак (барг ва поя) ҳосил қилишга ҳамда жадал суръатда мева тўплашга улгурининг сабаби тупроқдаги озиқ моддаларни жуда жадаллик билан ўзлаштиришидир. Шунинг учун бодрингдан мўл ҳосил

Бодринг ҳосили гетерозис дурагай уруғ экиш йўли билан оширилади. Тожикистон Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, Маргилон 822 нав бодрингнинг она формасидан олинган дурагайлар ота формасидан олинганига қараганда, ота-онасининг шакли, мевасининг силлиқлиги ва ҳажмини сақлаган ҳолда ачагина қўшимча ҳосил беради. Маргилон 822ХРустем 96 навларини чатиштиришдан олинган дурагай ҳам бирмунча истиқболли ҳисобланади. Бу дурагай 47—87% га етказиб қўшимча ҳосил беради, шу билан бирга мевалари текис ва кўпчилигининг усти силлпқ бўлади. Бу дурагайнинг иккинчи бўгинидан дурустгина қўшимча ҳосил олишди.

БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бодринг иссиқсевар ўсимлик. Уруғи 12—13° температурада униб чиқади. Температура бундан паст бўлса, уруғ бўртса-да, аммо ўсишга ҳаракат қилмайди ва чириб кетиши мумкин. Кулай, яъни 25—30° температурада уруғи 5—6 кунда, ивитилмасдан далага экилганда эса 7—10 кунда униб чиқади.

Бодринг ўсимлигининг нормал ўсиб ривожланиши учун температура 25—32° атрофида бўлиши керак Лекин 6—8° температурада ўсимликнинг ўсиши ва ҳаёт фаолияти тўхтайди, кейинчалик температуранинг ундан ҳам пасайиб кетиши ёки паст температуранинг узоқ муддат давом этиши, тузатиб бўлмайдиган ўзарашларга сабаб бўлади. Бундай ҳолларда барглари сарғаяди пайчалари тўкилиб кетади, истеъмолга ярамайдиган қинғир-қишиб мевалар пайдо бўлади. Ёзда кечки муддатларда экилганда ёки яхши иситилмайдиган төплициаларда кам ҳосил беришининг сабаби ҳам ана шунда. Температура 0° га тушганда, ўсимлик нобуд бўлади.

Юқори (40° ва ундан юқори) температура ҳам ўсимликка ҳалокатли таъсир этади. Лекин экинилар қонидириб сугорилса ва уларга ёруғлик яхши тушиб турса, ўсимликка кўпда зарар етмайди. Бодринг ўсимлиги юқори температурали ва ҳавонинг намлиги паст бўлган шароитда ўстирилса, сувни айниқса кўп талаб қиласди. Ўрта Осиёда бодрингни тез-тез суғориб туришнинг бонси ҳам ана шунда.

Бодринг ёруғсевар қисқа кун ўсимлиги. У 10 соат давом этадиган ёруғ кунда яхши ривожланади.

Бодринг тупроқдан озиқ моддаларни унчалик кўп олмайди. Аммо илдиз системасининг юза жойлашганилиги ўсимликка факат тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги озиқ моддалардан фойдаланишга имкон беради. Ўсув даврининг қисқа бўлишига қарамасдан, бу давр ичидаги ўсимликининг кўплаб палак (барг ва поя) ҳосил қилишга ҳамда жадал суръатда мева тўплашга улгуришининг сабаби тупроқдаги озиқ моддаларни жуда жадаллик билан ўзлаштиришидир. Шунингчандан бодрингдан мўл ҳосил

етиширишда тупроқ зарур миқдордаги озиқ моддалар билан таъмишланган бўлиши керак.

Қулай шароитда бодринг ўсимлигининг ўсиши қўйидаги тартибда боради. Ўниб чиққандан кейин 5—6 кун ўтгач биринчи чиң барғ чиқаради, майсалар кўринганидан 25—35 кун кейин ён поялари пайдо бўлади, булардан кейин эса тез орада иккинчи тартиб поялар ўсиб чиқади.

35—50 кундан кейин (навига қараб) бодринг гулга киради, бунда аввал асосий пояда жойлашган эркак гуллар очилади. Ургочи гуллар эса бирмуича кечроқ, орадан 1—3 ҳафта ўтгач пайдо бўлади. Ургочи гуллари ён пояларида кўпроқ, асосий пояди эса камроқ бўлади. Ургочи гуллари эркак гулларга нисбатан анча кам бўлади.

Кейинги вақтларда бодринг ўсимлигининг асосан ургочи гуллар пайдо қиласигап форма ва навлари кенг кўламда тарқалди. Лекин айрим ҳолларда фақат эркак гуллар пайдо бўлади — булар *пуч гул* дейилади. Пуч гул бўлишига ҳар хил сабабларни кўрсатиш мумкин, жумладан, бунга туп қалинлиги ҳам таъсир этади. Туплар зич жойлашганда ўсимлик яхши пояди қисилиб қолади, натижада ургочи гулларининг сони камаяди. Гулларнинг пуч бўлиб қолишига йўл қўймаслик учун асосий пояларининг учини чиллиб ташлаш керак, бу эса ургочи гулли ён поялар пайдо бўлишига имкон беради. Шунингдек, фосфорли ўғитлар солиш ҳам мева тугишини кучайтиради. Бодринг гули эрта тонгданоқ очилиб, кун қизий бошлаши билан юмилиб қолади ва атиги бир кун туради. Лекин, ургочи гул чангланмаган бўлса, эртасига ҳам очилиши мумкин. Бодринг гули ҳашаротлар (трипс, асалари ва чумолилар) ёрдамида чангланади. Гул чангланиши биланоқ, унинг тугунчаси (найчаси) ўса бошлайди ва 8—10 кундан кейин кўк барра меваси истеъмол қилишга ярайдиган даражада етилади.

Бодрингнинг уруғлашмасдан (партенокарпик йўл билан) кўпаядиган уруғсиз навлари (Телеграф) ҳам бор.

Бодринг ўсимлигининг уруғлик меваси майсалари кўринганидан кейин 90—115 кунда етилади.

САБЗАВОТ ҚОВОҚЧАЛАР

Сабзавот қовоқларига *кабачка* ва *патиссон* киради. Була нинг 2—4 кунилик ёш мева (тугунча)лари сиркалаш учун, етилмаган мевалари ошхоналарда ва консерва саноатида фойдаланилади, етилган — йирик мевалари чорва молларига озиқ сифатида берилади.

Кабачка ва патиссон ўсимлиги туплари ғуж бўлиб ўсади ва шунинг учун улар ҳашаки ҳамда хўраки қовоққа қараганда унчалик катта озиқланиши майдони талаб қилмайди. Бу экинлар жуда тезпишар, мевалари уруғи узиб чиққандан кейин 50—60 кунда техник жиҳатдан етилади. Полиз экинларига нисбатан

мумкин. Шунингдек, уялар устига гўнг ёки чиринди сепиб қўйиш ҳам фойдалидир.

Уруғ униб чиққандан кейин ягана қилинади ва хато чиққан жойларга қайта уруғ экилади. Биринчи яганалашда ҳар уядага 3—4 тадан ўсимлик қолдирилади, бирор сабабга кўра уруғ униб чиқмаган уяларга ундирилган уруғ экилади.

Ниҳоллар 2—3 та барг чиқарган пайтда биринчи чопиқ қилинади, эгатлар ва қатор оралари эса культиваторда юмшатилади.

Экинлар чопиқ қилинганда тупроқда ҳаво алмашиниши (аэрация шароити) яхшиланади ва ўсимлик поясининг пастки қисмидан қўшимча илдизлар чиқади. Биринчи чопиқ билан бир йўла иккинчи ягана ҳам ўтказилади, бунда ҳар уядага 1—2 тадан ўсимлик қолдирилади.

Биринчи чопиқдан кейин уч ҳафтача вақт ўтгач, экинлар иккинчи марта чопиқ қилинади. Ўсимлик илдиз системаси тупроқнинг юза қатламига тарағанлигини эътиборга олиб, бу даврда чуқур чопиқ қилиш тавсия этилмайди.

Бодринг ўсимлигининг бундан кейинги парваришилаш ишлари ҳар галги сугоришдан кейин қатор ораларини культиваторда юмшатишдан иборат бўлади.

Ишлаб чиқариш шароитида синаб кўриш мақсадида натрий трихлорацетат гербицидини (87% ли кукуни) қўлланиш тавсия этилади, бу препарат кузда гектарига 5—14 кг ҳисобида сепилади.

Юқорида айтилганидек, бодринг намга талабчан ўсимлик, шунинг учун ўсув даврида, айниқса, дастлабки кўк барраси етила бошлаган пайтда тез-тез сугориб туриш керак. Ҳар галги теримдан кейин, яъни 2—3 кун оралатиб оз норма билан сугориш яхши самара беради.

Ўзбекистонда механик таркиби ўртача ерларда ўстириладиган бодринг ўсимлиги учун қўйидаги сугориш режими тавсия қилинади (39-жадвал).

39- жадвал

Ўзбекистон шароитида бодрингни сугориш режими

Сизот сувларининг чукурлиги, м	Баҳорги экиш		Езги экиш	
	сугориш сони	жами сув нормаси, м ³	сугориш сони	жами сув нормаси, м ³
1 м гача	9	5900	9	5800
1 м дан 2 м гача	12	7800	11	7400
2 м дан ортиқ	15	9700	11	8700

Оғир соз тупроқли ерларда сугориш сони ва сув бериш нормаси бир оз камайтирилади, енгил тупроқларда эса бирмунча оширилади.

Сабзавот қовоқчалар сувга талабчан экинлардан ҳисоблады, бу экинларниң сугориши тартиби бодринг ўсимлигиникеңден деярлы фарқ қилмайды. Ёзинг айни иссиқ кунларида сабзавот қовоқчаларни ҳар 4—5 кунда сугориб туриш кифоя қиласы.

Урта Осиёда бодринг ва сабзавот қовоқчалар ҳам полиз экинларига тушадиган касаллик ҳамда зааркунандалардан зарарланады, лекин буларга ун-шудринг (кул тушиш), ўргимчак-кана ва полиз битлари айниқса катта зарар келтиради.

ПЛЁНКА ОСТИДА БОДРИНГ ЕТИШТИРИШ

Усти вақтингчалик полиэтилен плёнка билан ёпилган ерларда бодринг ўстириш бодрингни оддий шароитда ўстиришдагига қараганда ҳосилни 2—3 ҳафта әртә етилтириш ва 1,5—2 бара-вар күп ҳосил олиш имконини беради. Масалан, Қозғистон ССР, Олмаота областидаги «Луч Востока» колхозида 1969 йили плёнка остида ўстирилган бодрингдан гектарига 548 ц, усти ёпилмасдан очиқ далаларда ўстирилганидан эса гектарига 300 ц ҳосил олинган.

Усти плёнка билан вақтингча ёпиладиган жойлар қуриш учун анчагина ҳаржат қилинса ҳам, лекин бодрингни барвақт етиштириш ва ҳосилдорликнинг ортиши ҳисобига бу ҳаржаттар ортиги билан қопланиб кетади.

Шунинг учун кейинги йилларда иттифоқимизнинг сугорила-диган жанубий районларыда плёнка остида бодринг етиштириш кенг күламда тарқалмоқда.

Плёнка остида ўстириш учун бодрингнинг қуйидаги навлары тавсия қилинады: Дурагай 220, Успех 221, Урожайний 86, Озарбайжонда «маҳаллий Қировобод» (Камердзаде, 1971) на-ви, Узбекистонда Узбекистон 740, Марғилон 822 ва бошқа ма-ҳаллий навлар плёнка остида ўстириш учун ниҳоятда қулай эканлигини күрсатди.

Бодрингдан бирмунча әртә ҳосил олиш учун плёнка остига чиринді тувакчаларда ўстирилган 20—25 кунлик күчатлар әкилады. Одатда, бу даврда ўсимлик учтадан чинбарг чиқарған бўлади. Агар уруғ плёнка остига экиладиган бўлса, бундай ҳолда мева туғишини тезлаштириш мақсадида сараланган йирик уруғлар ивитиб экилиши керак. Бунинг учун яхсиси 0,01% ли ни-котин кислота, 0,05% ли гетероауксин эритмасидан ёки ўсишни тезлаштиришга ёрдам берадиган бошқа стимуляторлардан фойдаланиш тавсия этилади. Г. Т. Каплина маълумотига қараганда (1972), уруғни 3% ли калий бромид эритмасида ивитиш ва марказлаштирилган усуулда 55 минут давомида қуёш нури (ИКСС) таъсир эттириш ҳам яхши натижада беради.

Плёнка остида ўстириш учун мўлжалланган бодринг уруғи ёки кўчати далага экиш учун белгиланган муддатга қараганда 2—3 ҳафта олдин экилшиши керак. Урта Осиё шароитида бодрингни лента усулида қўш қаторлаб экиш тавсия қилинади,

бунда ленталар ораси 1,2 м, қаторлар ораси 0,6 м ва қатордаги туплар ораси 20 см дан қилинади (В. Д. Хрестенкова, 1973).

Кримда бодринг ўсимлигини $\frac{(120+40)}{2} \times 25$ см ли схемада ўстириш усули әнд күп тарқалған ва у амалда ўзини тұла оқладай олди. А. П. Зведенюк (1972) маълумотига кўра, Молдавия шароитида бодрингни кичик габаритли (пастак қилиб ишланған) плёнка остида ўстириш ва унинг атрофига тұсіқ сифатида маккажұхори әкиш яхши натижә бермоқда.

Плёнкаларни йиғиб олгунга қадар бодрингшинг парвариши плёнка остидаги температура 28—30° га етган пайтларда шамоллатиш ва уни меъёрнга келтиришдан иборатдир. Қунлар исиб, совуқ тушиш хавфи ўтиб кетгандан кейин плёнкалар йиғиб олинади. Экинининг бундан кейинги парвариши очиқ далада ўстриладиган бодрингнидан фарқ қылмайды.

Молдавия шароитида плёнкалардан мульча сифатида фойдаланиш ҳам яхши натижә беради. А. П. Зведенюк (1972) маълумотига қараганда, әкин плёнкалар билан мульчаланған (ер бетига плёнка ёпилған) да бодрингнинг ялпи ҳосили 1,5 баравар, биринчи терим ҳосили эса 2—2,5 баравар ошган.

Қыргызстанлык В. Д. Хрестенкова (1973) ҳам илгари ишлатылған әски плёнкалардан мульча сифатида фойдаланишни тавсия қиласиди.

ҲОСИЛНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ

Бодринг әкинида ҳосил тұплаш процесси жуда жадал боради. Яхши ўсиб ривожланған ўсимлик тупида 20—30 тағача ва ундан ҳам күпроқ мева ҳосил бўлади. Тугилған бодринг найчалари жуда тез катта бўлади, етилғанлари вақтида териб олинмаса ўтиб кетади, товар сифати йўқолади ва янги меваларнинг ҳосил бўлиши ҳамда уларнинг катталашиши кечикади. Шунинг учун бодринг меваси тез-тез ва мунтазам равишда камида 2—3 кунда бир марта териб олиниши лозим. Бодринг ҳосили мавсум давомида 20 марта ва ундан ҳам күпроқ терилади.

Қабачка ва патиссонларнинг ҳам кўк бодрингга ўхшаш етилмаган мевалари овқатга ишлатилади. Шунга кўра, буларнинг меваларини хийла катталашига йўл қўймай, кунига ёки кун оралаб териб олиш керак. Етилған кўк барра меваларини ўз вақтида териб олмаслик маҳсулот сифати ва ялпи ҳосилинг камайишига сабаб бўлади. Қабачка мевалари 7—10, патиссон мевалари 3—4 кунлигига, қовуриб олинадиган бўлса кечроқ, яъни уларнинг диаметри таҳминан 10—12 см га етганда пўстї қотмасдан териб олиниши керак.

Етилған меваларни теришда уларни палаги билан қўшиб узмасдан, бош бармоқ билан бандига салгина босиб, узиб олинади. Товар бодринг териш билан бир йўла етилмаган, касаллан-

гаи ва пишиб ўтиб кетган мевалари ҳам йиғиб олиниши лозим. Чунки буларни палакларда қолдириш ўсимликнинг ўсиши ва янги мева ҳосил қилишини кечикириди. Бу эса ҳосилдорлик нинг сезиларли даражада камайишига сабаб бўлади. Ҳосилни қўлда териш жуда сермеҳнат иш, бодринг етишириш учун қилинадиган барча сарф-харажатларнинг қарийб 50% и ва ундан ҳам кўпроғи бодринг теришга кетади. Бодринг ҳосили ПОИ-2, ПНСШ-12 ва бошқа платформаларда терилганда, ҳосилни теришга кетадиган харажатлар анча камаяди. Бодринг теришни нисбатан тўлиқ механизациялашга фақат бодринг терадиган маҳсус машина ёрдамида асосий ҳосилни бир марта териб олиш йўли билан эришиш мумкин, лекин шунда ҳам бодринг саралаш машиналарида сортларга ажратилади. Бодринг тераётганда палакларини ағдариб кўриш ярамайди, чунки бундай қилиш ўсимликларнинг ўсишини кечикириди. Терилган бодринг мевалари саватларга солинади, кейин сараланади ва шу куниёқ истеъмол қилишга тарқатиш учун жўнатилиди.

Урта Осиё республикаларида бодрингнинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 100—120 ц ни ташкил қиласди, илғор колхозларда эса бу миқдор 250—300 ц ва ундан ҳам кўпроқقا боради. Ерга катта нормада органик ва минерал ўғит солиш бодрингдан мўл ҳосил етиширишдаги муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Масалан, бодрингдан рекорд ҳосил етишириган «Москва» колхозида экиш олдидан гектарига 40 т гўнг ва биринчи озиқлантиришда гектарига 30 т чиринди, иккинчи озиқлантиришда гектарига 1,5 ц ҳисобида аммиакли селитра солинган.

Патиссон ва кабачка бошқа полиз экинларига нисбатан кам (одатда, гектаридан 60—120 ц) ҳосил беради, лекин айrim колхозларда, жумладан, Андижон обlastidagi Охунбобоев номли ва Самарқанд обlastidagi «Москва» колхозида ҳар гектар ердан 370—400 ц га етказиб кабачка ҳосили олинмоқда.

УРУГЧИЛИК

Бодринг ва сабзавот қовоқчаларини уруглик учун ўстириш усуллари уларни озиқ-овқат маҳсулотлари учун ўстиришдан фарқ қилмайди. Лекин уруглик меваларининг етилиши учун деярли тўрт ой вақт керак бўлади. Шунга кўра, ёзда экиладиган кечки экинлардан уруглик олиш қийин, чунки кечки экинларнинг мевасида нормал ривожланганлари жуда кам бўлади. Шунинг учун ҳам уруглик учун бу экинларни фақат эртаги қилиб экиш керак бўлади.

Уруглик учун экилган экинларни четдан чангланишига йўл кўймаслик мақсадида уларни очиқ ерларда бир-биридан 1000 м, атрофи ўралган ерларда 500 м оралиқда жойлаштирилади.

Дастлабки барра мевалар пайдо бўлган пайтда нав жиҳатдан тозалаш ўтказилади, бунда бошқа навга оид ўсимлик тұллари, касалланган ва нимжон ўсимликлар, шунингдек, жинссиз гулликка мойил экинлар олиб ташланади. Ҳар бир тупнинг илдиз бўғзига яқин жойидаги энг яхши ривожланган мевалардан 4—6 таси уруғлик учун қолдирилади. Бундан кейин тугилган барра мевалар озиқ-овқат мақсадлари учун узиб олинади. Уруғлик мева кўп қолдирилса, ўсимлик заифланиб, уруғликнинг сифати пасайиб кетади. Уруғликка қолдирилган бодринг меваларининг етилганлиги рангининг ўзгаришидан ва тўрланишидан, сабзавот қовоқчалари эса пўстининг қотгаңлигидан аниқланади. Барча ҳолларда ҳам ҳосил уруғлик учун йиғиб-териб олишга тайёрлигига, мевалари ичидаги уруғнинг пишғанлигига қараб текширилади. Уруғнинг пишиб ўтиб кетишига йўл қўй-маслик зарур. Етилган уруғлик териб олинади ва уларни бир сидра кўздан кечириб, касалланган ҳамда шу навга хос бўлмаганлари ажратилади. Уруғлик мевалар териб олингандан кейин 4—6 кунгача бир ерга тўплаб қўйилади, шунда улар батамом етилади ва юмшайди. Шундан кейин уруғни ажратишга ва уни бошқа хил аралашмалардан тозалашга киришилади.

Уруғлар СОМ-2 уруғ саралаш машинасида сараланади. Бу машинанинг иш унуми соатига 2,5 т, унда 5—7 киши ишлайди, электродвигателнинг қуввати 4,5 квт. Машина тракторнинг қувват олиш валидан ҳам ҳаракатланиши мумкин.

Уруғни қўлда ажратиш учун уруғлик бодрингни тиккасига ёриб, ичидаги уруғлари устидаги шилиғи билан қошиқда бочкага солинади. Бу масса устига озгина сув солиб, 1—2 кун ачи, тиб қўйилади. Шилиқ осонгина ажраладиган бўлгач, уруғлар ғалвирга солиб ювилади. Ювилган уруғларни бочкага солиб, устидан 5—8 ҳисса сув қўйилади, шунда нимжон уруғлар сув бетига қалқиб чиқади, тагида қолган тўқ ва тоза уруғлар соя жойда юпқа қилиб ёйиб қуритилади. Қуриган уруғлар салгини ишқаланади ва нимжон уруғлар, шилиқ қолдиқлари ва бошқа аралашмалардан тозалаш учун еллиб шопирилади.

Кабачка ва патиссон мевалари кесилиб, ичидаги уруғлари қўлда ёки қошиқда олинади. Буларнинг уруғлари ҳам соя жойга юпқа қилиб ёйиб қуритилади, кейин эса бодринг уруғига ўхшаб ишлов берилади.

Бир тонна уруғлик бодрингдан 12—15 кг ёки бир гектар ердан 1—2 қ ва ундан ҳам кўпроқ уруғ олинади. Масалан, Сармарқанд районидаги «Ленинобод» колхозида 1960 йили 4 га ернинг ҳар гектаридан 3,25 қ уруғ олинди. Кабачка ва патиссонларнинг ҳар гектаридан 0,6—0,8 қ уруғ олиш мумкин.

ТОМАТДОШ САБЗАВОТЛАР

Бу группага томатдошларга мансуб хўраки йирик мевалари учун экиладиган сабзавот ўсимликлари киради. Буларнинг ичидаги энг кўп тарқалгани ва аҳамиятлиси помидор ҳисобланади. Бақлажон ва қалампирлар камроқ аҳамиятга эга, энг кам аҳамиятлиси пақ-пақ (физалис) ўсимлигидир.

Томатдошларга мансуб сабзавотларнинг ҳаммаси иссиққа, намликка ва тупроқдаги озиқ моддаларга ниҳоятда талабчанилиги билан фарқ қиласи ҳамда ўсов даврининг узоқ давом этиши билан характерланади. Шунинг учун ҳам томатдошларга мансуб сабзавотлар, асосан, Совет Иттилоғининг жанубий районларида, шу жумладан, Ўрта Осиё республикаларида кўпроқ экилади.

П О М И Д О Р

АҲАМИЯТИ ВА ИШЛАТИЛИШИ

Помидор (томат) энг муҳим ва қимматли сабзавот экинларидан ҳисобланади. Унинг меваси ниҳоятда лаззатлилиги билан ажralиб туради. Помидор таркибида витаминалар, минерал тузлар, органик кислоталар ва углеводлар кўп бўлади. Б. А. Рубинининг маълумотларига қараганда, помидор таркибида ўрта ҳисобда қуйидаги моддалар бўлади (хом мевасига нисбатан %):

Қуруқ модда — 6,58	Целлюлоза — 0,84
Оксиген ($N + 6,25$) — 0,95	Кул — 0,61
Углеводлар (целлюлозасиз) — 3,99	1 кг да — 215 калория
Ёнслар — 0,19	

Пишган меваси таркибидаги 0,5% атрофида органик (олма ва лимон) кислоталар бўлади.

Таркибидаги витаминлар миқдори қўйидалагича (мг %):

Аскорбин кислота (витамин С) — 19 — 35
Каротин (провитамин А) — 0,2 — 2
Тиамин (B_1) — 0,3 — 1,6
Рибофлавин (B_2) — 1,5 — 6

Помидорнинг химиявий таркиби доимий эмас ва у ўсимлик навига, меваларнинг етилиш вақтига, ҳосилни йиғиб олиш муддатларига, парваришлаши шароитига ва бошқа факторларга қараб ўзгариб туради. Ўрта Осиё шароитида ўтирилган помидор меваси таркибидаги қуруқ модда, шакар ва витамин С (50 мг% гача) шимолда етиштирилган помидорнинг қараганда, лалми ерларда етиштирилган помидор меваларидагиси эса сугорнлаган ерлардагига қараганда кўп бўлади (40- жадвал).

Ўсиш жойининг помидор мевасининг химиявий таркибига таъсири

Химиявий моддалар	Ўстириш жэйи ва шароити			
	Свердловск	Майкоп	Тошкент	
			сугорила- диган ерлар	лалмикор ерлар
Қуруқ модда, %	6,0	6,9	7,8	9,0
Шакарлар, %	2,0	2,8	3,5	3,9
Кислоталилиги (олма кислотасига нисбатан), %	0,60	0,37	0,46	0,51
Шакарнинг кислотага нисбати, %	3,7	7,8	7,5	7,7
Витамин С, мг %	11,3	29,9	25,7	27,8

Тупида туриб етилган помидор таркибида олдинроқ узиб қўйиб кейин етилтирилган помидордагига қараганда шакар ва витаминлар кўп бўлади, шунингдек, бу моддалар далада ўстирилган помидор меваларида теплицаларда етиштирилганига қараганда кўпроқдир. Буни қўйидаги маълумотлардан кўриш мумкин.

Таркибидаги витаминлар, мг%

	C	A	B ₁	B ₂
Далада етиштирилган меваларда	30	1,4	0,10	0,04
Теплицаларда етиштирилган меваларда	17	1,2	0,08	0,02

Помидор янгилигига, тузланган ва мариновка қилинган ҳолда овқатга ишлатилади. Ў консерва саноати учун ҳам муҳим хомашё ҳисобланади. Янги терилган помидордан фойдаланиш айниқса фойдалидир. Чунки бунда таркибидаги витаминлар деярли тўла сақланиб қолади. Помидор меваларининг териб олингандан кейин пишиб етилиш хусусияти ва узоқ сақлашга чидамлилиги уларни янгилигига истеъмол қилиши муддатини ҳосили пишиб олингандан кейин ҳам яна 1—1,5 ойга узайтириш имконини беради. Зоро помидор мевалари тупида пишиб улгурга олмайдиган шимолий районларда ҳам уни экиб ўстириш мақсадга мувофиқ келади.

Помидор шарбатини обдон қайнатиш йўли билан тайёрлашадиган томат-шюре ва томат пастаси, айниқса стерилизация

қилингандын янги томат шарбати (соки) құмматли озиқ-овқат маҳ-
сулотларидан ҳисобланады, бундай томат шарбатида янги по-
мидор мевасидаги ҳамма витаминалар деярли тұла сақланиб қо-
лады. Жанубий районларда помидор күпинча құритилиб, қоқи
қилинады.

Помидорлардан тұмат-пюре ва томат шарбати тайёрлашда
пүстіңінде уруғлардан иборат жуда күп чиқынды чиқады. Таркиби-
да 17—29% гача мойның бүлгін уруғлар истеъмол қилишга яроқ-
ли бүлгін томат мойның олиш учун ишлатылады, кунжарасидан
еса мол озиғи ва ўғит сифатида фойдаланылады.

КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ТАРҚАЛИШИ

Помидор аслида Жанубий Америкадан келиб чиққан. Евро-
пага XVI асрнинг ўрталарыда келтирилген бүлса-да, узоқ вақтта
қадар уни манзаралы әки дөривор ўсимлик сифатида ўстириб
келинганды. XVIII асрнинг охирларыда помидор озиқ-овқат экини
сифатида ўстирила бошланды, XIX асрнинг ўрталарыда эса
Россия Европа құсманинг жанубий районларыда ҳам кенг миқ-
еңда тарқалды. Ўтган асрнинг охирларыдан зерттеулерден поми-
дор ўсимлигі Ўрта Осиёда ҳам экила бошланды.

Совет ҳокимияти тузилганидан кейин помидор экиладиган
майдонлар 1913 йылдагы 4—6 минг га дан 1969 йилга келиб,
326 минг га га кенгайди. Экин майдонларининг кенгайиши
билан бир вақтда помидор экини мамлакатнинг шимолий ва шар-
қи-шимолий районларига қараб тезда тарқала бошлады. Поми-
дорнинг янги, тезишар навларини яратған совет селекционер-
ларининг (А. В. Алпатьев, Д. Д. Брежнев ва бошқалар) му-
ваффақиятлари бунга күп жиҳатдан ердам берди.

Хозирги вақтда СССРда помидор экини 65° шимолий кенг-
лилекке қадар тарқалған. Архангельск, Пермь, Омск, Красноярск
областларыда, Якутия АССРда помидор мұваффақиятли равиши-
да ўстирилмоқда. Бутуниттифоқ ўсимликшүнослик институти-
нинг Қутб станциясыда помидор ҳосилдорлиги гектар бошига
180 ц га етади.

Помидор экини, асосан, РСФСР ва Украина нынг жанубий
областлари, Закавказье ва Ўрта Осиё республикаларыда экила-
ди. Бу ерларда помидор фақат ички әхтнәйжалар учунгина эмас,
балки мамлакатнинг анча шимолий районларига юбориш учун
ҳам ўстирилади.

Ўрта Осиёда мамлакатнинг шимолий районларини таъмин-
лаш учун очиқ ерда күчат етиштириш амалий жиҳатдан катта
аҳамияттаға эга.

Помидор күчатлари апрель-май ойларыда арзимаган меҳ-
нат ва маблағ сарфлаган ҳолда очиқ ерда етиштирилади. Күчатель-
лар самолёттега юқлаш ва тушириш ҳамда жойларға етказиб бе-
ришда деярли уринмайды ва ўтқазилгандан кейин яхши тутиб
кетади.

Күп йиллик тажриба ва амалий ишлар шуни кўрсатадики, Тошкентда очиқ ерда етиширилган помидор кўчатлари Фарбий Сибирь ва Уралга олиб бориб экилганда, ҳосилдорлик ўша жойлардаги парникларда етиширилган кўчатларнидан қолишмаган, айrim ҳолларда эса ҳатто юқори бўлган. Тошкентда етиширилган помидор кўчатининг таннахии жойида етиширилган кўчатларга нисбатан бир ярим-икки баравар арzonга тушган.

Олмаотада тайёрланган кўчатлар тажриба тариқасида Қозғистоннинг шимоли-фарбий районларига олиб бориб экилганда ҳам ижобий натижа берган.

БОТАНИК ТАЪРИФИ

Тропик иқлимли зоналарда помидор кўп йиллик ўсимлик ҳисобланади. Меваларини кўтара олмай ерга ётиб қолувчи ҳосил поялари нам тупроққа тегиб, илдиз ота бошлайди ва янги поялар чиқаради, улар ўсимликнинг қариган, аста-секин қуриб йўқ бўладиган қисмларининг ўрнини босади. Бироқ, вегетатив кўпайиш билан бир вақтда, уруғлар орқали — жинсий йўл билан кўпайиш ҳам содир бўлади.


Мўътадил иқлимли кенгликларда помидор бир йиллик ўсимлик. Кузда дастлабки совук тушиши биланоқ ўсимликнинг ўсув даври тугайди.

Илдиз системаси. Илдиз системаси ниҳоятда сершоҳ бўлиб, тупроқнинг чуқур қатламларига таралади. Еш ўсимликларда ўқ илдиз яқол ажралиб туради, лекин кейинчалик ёш илдизлар ҳам тез ўсиб, унга етиб олади.

Асосий илдизлардан ташқари, уруғ палла ости тугунагидан ҳамда поянинг ер устки қисмларидан (агар улар тупроққа тегиб қолса) қўшнумча илдизлар ўсиб чиқади. Илдиз системасининг ривожланиши ўсимликий парваришлаш шароитига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ерда уруғдан экиб ўстирилган ўсимликларнинг илдиз системаси тупроқнинг анча чуқур қаватига (150 см гача) кириб боради ва атрофга тармоқланиб ўсади. Кўчат қилиб ўстирилган помидорнинг илдизлари бирмунча юзароқ ўсади ва асосан тупроқнинг 20—50 см ли юзи қаватига таралади. Шу туфайли улар уругдан экилган помидорларга қараганда намликини ва тупроқнинг унумдор бўлишини талаб қиласди (64-расм).

Помидорнинг поясни ўтсимон, ерга ётиб ёки тик ўсувчи бўлиб, жуда сершохдир. Ен бачки поялари барг қўлтиғидан ўсиб чиқади ва булар ҳам ўз навбатида шохлайди.


Барглари кетма-кет жойлашган, йирик, чети қирқилган тоқ патсимон шаклда. Поя ва баргларининг сирти туклар билан қопланган бўлиб, ўткир ҳидли смолосимон суюқлик ишлаб чиқаради, бу суюқлик ҳимоялаш аҳамиятига эга.



64-расм. Помидориниг иядыс системасы:

1 — уругдан сүфорилгани; 2 — уругдан ўстириб, тупроқ намылттын даалам сиғимига шебаги 70—80% га етгүңчү сүфорилгани; 3 — күнат қылаб экинб, тупроқ намылттын даалам сиғимига шебаги 70—80—70% га етгүңчү сүфорилгани (С. Д. Лисогоров міндеттесе).

Гуллари барг құлтунгидан ташқарыдаға ғажак деб аталувчи гул тұдасини ҳосил қиласады (65-расм). Гуллари иккى жишелі, майда, сарық рангда, одатда 5—7 та гултожибарғы бүлады. Чанғчилары (оталиқлары) 5—6 та, конуссимоң шаклда жойлашған. Үшінші ичіда уругчиси (оналиник) жойлашған. Помидориниг түрі ва навларынға қараб, уругчилариниг оғизчаси чанғчилардан тоқоры ёки настда бўлиши мумкин. Уругчилары наст жойлашған навлар, одатда, ўзидан чанғланади. Уругчилариниг



65-расм. Помидориниг түптули.

оғизчаси чангдонлар билан баравар ёки улардан юқори жойлашган навлар четдан — ҳашаротлар (асосан, триплар) ёрдамида чангланиши мүмкін. Четдан чангланиш күпроқ қуруқ ва иссиқ иқлимли жанубий районларда, масалан, Урта Осиёда күзатилади.

Меваси икки-уч ёки күп хонали, серсув, резавор. Уруги юматоқ-ясси шаклда, сарғыш-кул ранг тусда, сирти қалин туклар билан қопланган. Уруги унұвчанлигини 4—6 йилгача сақтайды.

КЛАССИФИКАЦИЯ ВА НАВЛАРИ

Д. Д. Брежневнинг классификацияси бўйича (1964), *Lycopersicon* туркумига кирувчи помидор (томат)лар уч турга бўлинади.

1. Перувиан помидор (*L. peruvianum* Mill.) — күп йиллик, майда мевали, ётиб ўсуви ёввойи ўсимлик.


2. Тукли помидор (*L. hirsutum* Humb. & Bonpl.) — пояси сертук, меваси майда ва тахир, бир йиллик ёки күп йиллик ёввойи ўсимлик.

3. Оддий помидор (*L. esculentum* Mill.), бу тур ҳам ўз навбатида учта кенжা турга бўлинади:

1) «ёввойи помидор» — бунга сершох, ётиб ўсадиган, майда мевали ва мевасининг таркибида күп миқдор қуруқ модда (8—10%) ҳамда шакар сақлайдиган смородинасимон помидор киради.

2) «тўла маданийлашмаган помидор» — пояси ётиб ёки тик ўсади, меваси майда (20—30 г). Ярим маданий помидор меваларининг йириклиги ва шаклига қараб бир-биридан фарқ қиладиган олчасимон, ноксимон, олхўрисимон, узуичоқ ва күп уяли хилларга бўлинади (66-расм).

Ярим маданий помидорнинг кўпгина ботаник формалари нинг яхши хусусияти шундаки, улар иқлим ва тупроқ шароитига унчалик талабчан эмас, юқори температурага, қурғоқчилик-



66-расм. Тўла маданийлаштирилмаган помидорлар (Д. Д. Брежнев мълумоти):

1 — олхўрисимон; 2 — олчасимон; 3 — ноксимон; 4 — узуичоқ; 5 — кўп уяли.

ка ва баъзи замбуруғ қасалликларига чидамли. Мевалари тар-
кибидаги қуруқ моддаларнинг кўплиги ва пўстининг нисбатан
қаттиқлиги, яъни салга ёрилиб кетмаслиги унинг характерли
белгисидир. У ўзининг шу хусусиятлари ва меваларининг майди-
налиги туфайли бутунлигича консерва қилиш (мариновка қи-
лиш, тузлаш ва бошқалар) учун жуда қулай. Шунинг учун
консерва қилишга ва узоқ жойларга юборишга мўлжалланган
селекцион навларни етиширишда ярим маданий помидорнинг
турли хилларидан кенг фойдаланилади. Бунга Урта Осиёда
бирмунча кўп тарқалган Гумберт нави мисол бўла олади;

3) *маданий помидор* навлари ниҳоятда хилма-хил шаклда
бўлиши билан характерлидир. Улар морфологик белгилари ва
биологик хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиласди. Ма-
даний помидор уч хилга бўлинади:

а) оддий хили (бутасимон), пояси ётиб ўсади, қайчи баргли.
Маданий помидор навларининг кўпчилиги шу хилга киради;

б) тик ўсувчи хили—поялари унчалик баланд эмас, жуда
ҳам бурмадор, ўртача катталикда;

в) йирик баргли хили—пояси тик ёки ётиб ўсади, барглари
йирик, картошкага барги каби яхлит—четлари қирқилмаган.

Маданий помидор навлари бир қатор морфологик, биологик
ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган белгилари билан бир-биридан
фарқ қиласди. Улардан энг муҳимлари қўйидагилардир:

ўсу в даврининг узунлиги. Шу белгисига кўра поми-
дор навлари тезпишар (кўчат ўтқазилгандан то биринчи ҳосил
тернлугунча 48—53 кун ўтади), ўртапишар (60—65 кун) ва кеч-
пишар (68—72 кун) ёки бундан ҳам кечроқ пишадиган хиллар-
га бўлинади;

пояси навига қараб, ётиб ўсадиган ёки тик ўсадиган бў-
лиши мумкин. Пояси тик ўсадиган навлар озиқланиш майдони-
нинг катта бўлишини талаб қиласди. Уларни механизация ёр-
дамида парваришлаш ҳам осон. Навига қараб, поясининг ба-
ланслиги ҳам ўзгариши мумкин. Баланд бўйли помидор навла-
ри аксари ҳолларда кечпишар бўлади ва мева шохларининг
сийрак —2—3 та баргдан кейин жойланиши билан фарқ қилас-
ди. Шу сабабли баланд бўйли навларнинг ҳосил бериш даври
жуда чўзилб кетади. Паст бўйли навлар тўпгулининг ғуж
жойлашганлиги (1—2 та баргдан кейин), ўта тезпишарлиги ва
ёппасига мева туғиши, қийгос етилиши билан характерлидир,
Баъзи паст бўйли навлар ўсимлик поясининг учи мева шодаси
билан тугалланади. Паст бўйли бундай навлар *детерминант* нав-
лар деб аталади;

барги ўсимликнинг навига қараб, турлича кесимли, шакли
ва сатҳи (шапалоги)нинг тузилиши ҳам ҳар хил (силлиқ ёки
ғадир-будур) бўлиши мумкин;

мевасининг йириклиги. Мевасининг оғирлиги 70 г

гача бўлғанлари — майда мевали, 70—100 г гача бўлғанлари ўртача, 100 г дан юқорилари йирик мевали навлар ҳисобланади. Фақат янгилигига истеъмол қилинадиган навларнинг мевалари анча йирик бўлгани маъқул. Консерва қилинадиган навлар меваси йирик бўлишининг унчалик аҳамияти йўқ. Тузлаш ва консервалаш учун эса меваси майда помидор навлари маъқул кўрилади;

меванинг шакли ўсимликнинг навига қараб юмaloқ-ялпоқ, юмaloқ, олхўрисимон ёки ноксимон бўлиши мумкин;

меванинг сирти силлиқ, билинар-билинмас ёки аниқ билиниб турадиган қиррали бўлади. Меванинг қиррали бўлиши навнинг номақбул белгисидир, чунки бунда меванинг пўчоққа чиқадиган проценти ошиб кетади;

меванинг ранги пўстининг ва у орқали кўриниб турадиган этининг рангига боғлиқ. Ранги қизил, пушти ёки ана шу рангларнинг турлича туслари аралашган сарғиш бўлиши мумкин. Қизил мевали навлар витамин А (каротин)га бой бўлади. Пушти ва айниқса сариқ мевали навларда бу витамин деярли бўлмайди;

меванинг хоналарга бўлинганилиги, яъни уруғлар жойлашган уяларнинг сони, шунингдек, уларнинг катталиги, шакли ва жойланиши ҳар хил навларда турличадир. Хоналар қанчалик кичик ва уларнинг деворлари қанчалик қалиш бўлса, мева шунчалик серэт бўлади. Ҳар бир хонадаги ва бутун мевадаги уруғларнинг сони, помидорнинг навига қараб турлича бўлиши мумкин. Шунингдек, камуруф ва серуруф навлар ҳам учрайди;

меваларнинг мазалилиги уларнинг химиявий таркибиغا, жумладан, шакар ва кислоталарнинг миқдорига қараб белгиланади;

узоқ жойларга жўнатиш учун чидамлилиги (транспортабеллиги) мева эти ва пўстининг қалинлигига ҳамда каттиқлигига боғлиқ. Бутунлигнча консерваланадиган навларнинг пўсти ҳам қаттиқ бўлиши керак.

Помидор навларининг юқорида кўрсатиб ўтилган ва бошқа белгилари ўсиш шароитига қараб ўзгариши мумкин. Масалан, щимолдан жанубга борган сари меваларнинг ичидаги хоналари ва устидаги қовурғалари камайиб, таркибидаги шакар орта боради. Унумдорлиги кам бўлган ерларда сувга қондирмасдан етилтирилган ўсимлик мевалари майда, шакли юмaloқ ва ичнадаги хоналари кам бўлади.

Уруғли экинларни апробация қилиш ва тозалаш вақтида шу навга хос бўлган белгиларнинг ўзгаришини ҳам ҳисобга олиш керак.

Урта Осиёда, асосан, помидорнинг қуйидаги навлари тарқалган:

Маяк 12/20-4. Тезпишар, серхосил, бир оз ётиб ўсадиган детерминант бўлиб, мевалари юмaloқ, силлиқ, ранги қизил, ўртача йирик ҳамда чиройли бўлиб, янгилигида ва консерва саноатида ишлатилади.

✓ **Майкоп урожайний 2090.** Серхосил, тезпишар, ўрта бўйли хўраки нав, меваси йирик ва юмaloқ, ранги қизил, мазаси яхши (V рангли таблица).

✓ **Первенец 90.** Тезпишар, серхосил детерминант нав, туплари ўрта бўйли, сербарг. Мевалари юмaloқ, силлиқ, ранги сарғиш-қизил, ўртача катталикда.

✓ **Темно-красный 2077.** Тезпишар, серхосил, детерминант нав, туплари гуж бўлиб ўсади, ўртача сербарг. Мевалари юмалоқ-ясси, силлиқ, ранги сарғиш-қизил, ўртача катталикда (V рангли таблица).

✓ **Талалихин 186** — тезпишар, серхосил, детерминант нав, пояларининг сербарглиги ўртача. Мевалари юмaloқ-ясси, силлиқ, йирик, ранги сарғиш-қизил.

✓ **Волгоград 5/95.** Серхосил, ўртача тезпишар, узоққа жўнаташибга чидамли, консервабоп нав. Туплари тик ўсади, ўрта бўйли, сербарглиги ўртача. Мевалари юмaloқ, йирик, ранги оч қизил. Столбур касаллигига нисбатан чидамли (V рангли таблица).

Южанин 1644 — ўртапишар, серхосил нав, сербарг, туплари ётиб ўсади, мевалари йирик, сарғиш-қизил, юмaloқ, усти силлиқ, мевасининг мазаси жуда яхшилиги билан фарқ қиласи, лекин узоққа олиб боришга ва сақлашга унчалик ярамайди.

Будённовка — ўртапишар, серхосил нав, сербарг, туплари ерга ётиб ниҳоятда кучли ўсади. Мевалари юмaloқ, учли, йирик, серэт, ранги сарғиш-қизил, жуда мазали.

Чудо ринка 670 — кечпишар, серхосил нав, туплари кучли, ерга ётиб ўсади, сербарг. Мевалари йирик, юмaloқ-ясси, ранги қип-қизил, жуда мазали.

Плавневий А-80 — кечпишар, серхосил нав, туплари бақувват, ерга ётиб ўсади. Мевалари юмaloқ-ясси, силлиқ, ўртача катталикда, ранги қип-қизил. Овқатга ишлатиш, консервалаш (томат-пюре тайёrlаш) ва тузлаш учун тавсия қилинади.


Марглоб 101 — ўртапишар, серхосил нав, меваси жуда мазали. Туплари бақувват, ярим ётиб ўсади. Мевалари йирик, серэт, шакли юмaloқ, ранги сарғиш-қизил. Бу навнинг камчилиги шундаки, мевалари узоқ жойларга жўнатаиш учун ярамайди.

✓ **Подарок** — ўртапишар, серхосил нав, мевалари қуруқ моддаларга жуда бой, шу хусусияти билан консерва саноати учун ниҳоятда қимматлидир. Мевалари юмaloқ, ўртачадан йирик, усти силлиқ, чучук.

✓ **Юсупов нав** — ўртача кеч пишар, серхосил, салатбоп нав, мевалари ниҳоятда мазали ва жуда йирик, юмaloқ-ясси, бир оз қиррали, ранги қизил. Мевалари сақлашга ва узоқ жойлар-

га жүннатиш учун ўртача яроқли. Туплари бақувват, сербарг, ерга ётиб үсади (67-расм).

Дурагай 88 — серхосил, ўртача кечки нав. Мевалари жуда мазали, узоқ жойларга жүннатиш учун яроқли, ўртача катталыкда, юмалоқ-ясси, сирти силлиқ, ранги қизил. Туплари баланд бўйли ва жуда сербарг.



67-расм. Юсупов нав помидор.

Бутунлигича консервалаш учун Гумберт 23, Сан-Марцано ва бошқа майда мевали навлар ўстирилади. Бутунлигича консервалаш учун помидорнинг янги яратилган «Юбилейний 50» навидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу нав ўртапишар, серхосил, вирус касалликлариға чидамли. Туплари паст бўйли (60—65 см) детерминант, мевалари майда (50 г), шакли узунчоқ, эти тифиз, меваси узоққа жүннатиш учун яроқли. Ҳосили машинада териб олиниши мумкин.

Теплица ва плёнка остида ўстириш учун қуйидаги навлар тавсия қилиниади: Уральский многоплодный — мевалари майда, ясси-юмалоқ, бир оз қиррали, ранги қизил, мазаси яхши; Пере-мога 165 — тезпишар, серхосил, узоққа жүннатиш учун яроқли нав, мевалари йирик, ранги қизил. Товар сифати ва мазаси яхши.

Дурагай уруғлар. Навлараро чатиштириш йўли билан олиниган дурагай уруғлар экилса, помидор ҳосилдорлиги анча (20—50% гача) ошади. Помидорнинг дурагай уруғларидан гетерозис ўсимликлар ҳосил бўлади. Гетерозис ўсимликларнинг характерли хусусияти шундаки, улар ниҳоятда жадал үсади, жуда маҳ-

**Назлараро чатиштиришнинг биринчи бўрин дурагайлари
вегетация даврининг узунлигига ва ҳосилдорлигига
таъсирি**

Назлараро чатиштириш	Майсалар униб чиққандан ҳо сили етилгунгача ўтган кунлар				Ҳосили, га/ц	
	чангчи	уругчи	дурагай	чангчи ўсимлик	уругчи ўсимлик	дурагай
Ролгоград × Талалихин	122	106	115	453	472	723
Талалихин × Волгоград	103	122	112	472	453	516
Волгоград × Патриот	122	110	106	453	449	792

сулдор, тезпишар, мевалари йирик ва таркиби қуруқ моддаларга ҳамда витамин С га бой бўлади (41-жадвал).

Ўзбекистонда Волгоград 5/95 навини Талалихин ва Патриот навлари билан ва Қозоғистоннинг жанубий районларида Волгоград 5/95 ни Бизон нави, Лучший навини Бизон нави билан чатиштиришдан олинган дурагайлар энг яхши бўлиб чиқди.

Дурагайлар биринчи бўғинда яхши ривожланган, ташки кўриниши жиҳатдан бир хил ва серҳосил ўсимликлар ҳосил қиласиди. Иккинчи бўғин дурагайлар, одатда, сифат кўрсаткичлари паст ва камҳосил бўлади.

Чатиштириш учун танлаб олинган помидор навлари маҳсус участкага — чатиштириш кўчатзорига экилади.

Дурагай уруғлар етиштириш учун қуйидаги учта операция бажарилади:

1) уруғчи ўсимлик гулларининг фунчалаш фазасида чангдонларини олиб ташлаш;

2) чангчи ўсимликтаги янги очилган гуллардан чанг йиғиш (чангдонлар узиб олинади, қуритилади ва улардан чанг силкитиб туширилади);

3) чангдонлари олиб ташланган уруғчи ўсимлик гулларни чанглаш (чанг уруғчи ўсимлик гулининг оғизчасига туширилади).

Энг қимматли навларнинг чангларини аралаштириб чанглаш самарали ҳисобланиб, бу чанг билан хоҳлаган навни уруғлантириш мумкин.

Дурагай уруғ етиштиришга қилинган қўшимча меҳнат харражатлари бу хилдаги уруғларни экишдан олинган қўшимча ҳосил ҳисобига ортиғи билан қопланиб кетади. Шунинг учун помидор экиниларини дурагай уруғлардан экишни деҳқончиликка имкони борича кенгроқ татбиқ қилиш зарур.

лажон, шунингдек гўза экинидан кейин экмаслик керак, чунки помидор ўсимлиги ҳам гўза сингари кўсак қурти билан зарарланади. Бактериал рак ва вирусли касалликлар тарқалишининг олдини олиш учун бир йил помидор экилган ерга камида уч йилдан кейин яна помидор экиш мумкин.

Ўғитлаш. Помидор унумдор ерларни танлайди ва ўғитга ниҳоятда талабчан ўсимлик ҳисобланади. У тупроқдаги озиқ моддаларни сарфлаши (ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши ва ҳ. к.) жиҳатдан сабзавот экинлари орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллади. Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институти маълумотларига кўра, гектаридан 580—700 қг помидор етишириш учун 160—230 қг азот ва 70—90 қг фосфор сарфланади. Шунинг учун помидор ўсимлигини ўғитлаш шарт, албатта.

Лекин турли хил озиқ элементлари помидор ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига турлича таъсир этади. Масалан, тупроқда азот етишмаса поялар ва ассимиляция органлари (барглар)нинг ўсиб ривожланиши сусаяди, бу эса ҳосилнинг кескин камайишига сабаб бўлади. Аммо азотнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши ҳам экин учун зарарлидир, бунда меваларнинг етилиши кечикади, ўсимликнинг касалликларга ва паст температурага чидамлилиги пасаяди, шунингдек мевасидаги қуруқ моддалар ҳамда шакар миқдори камаяди.

Фосфор меваларнинг тез етилишига ёрдам беради ва улардаги шакар миқдорини оширади. Помидорнинг илдиз системаси фосфорни жуда суст ўзлаштиради. Шунга кўра, помидор фосфорли ўғитларга (азотга нисбатан камроқ бўлса-да) анчагина талабчан бўлади.

Калийли ўғитлар помидор меваларидаги қуруқ модда миқдорининг ортишига ва унинг яхши сақланишига ёрдам беради. Ўрта Осиё тупроқларига калийли ўғитларнинг ёлғиз ўзини солиш помидор экинларига унчалик таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун уларни азотли, фосфорли ўғитларга қўшиб солиш мақсадга мувофиқ келади. Ўрта Осиёнинг текис бўз тупроқ ерларида турли хил озиқ элементларининг помидор ҳосилдорлигига таъсирини мазкур китоб муаллифларидан бири Н. Н. Балашев томонидан Тошкент яқинидаги акад. Шредер номли Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтидаги ўтказилган тажрибадан ҳам кўриш мумкин (ўғитлаш нормаси гектарига 60 қг);

Ўғитлар	РК	NK	NP	NPK	Ўғитланмаганда
Ҳосилли, ға/ц	184	232	245	278	159

Ўрта Осиёда помидорга минерал ва органик ўғитлар (гўнг, комбостлар) солинади. Бу ўғитлар бирга қўшиб солингандага ай-

пиқса яхши самара беради. Бунда гектарига 20—30 т органик ўғит ва 3—4 ң суперфосфат кузги шудғорлаш вақтида солинади, ўсув даврида эса ўсимлик аммиакли селитра ва суперфосфат билан қўшимча равишда озиқлантирилади. Помидор мавсумда икки-тўрт марта озиқлантирилади: биринчи озиқ фунчалаш даврида, яхшиси кўчатлар ўтқазилгандан кейин, ўсимликлар ўзини тутиб олгандан сўнг, иккинчиси, ёппасига мева туга бошлаган даврда берилади. Кечпишар нав помидор етиштиришда agar ўғитлаш нормаси катта бўлса, экинларни учинчи, ҳатто тўртинги марта озиқлантириш мумкин, бунда учинчиси мевалар ёппасига етила бошлаган даврда ва охиргиси ўсимликда гуллаш ва мева тугиши жараёни тўхтагандан кейин берилади. Ҳар қайси озиқлантиришда гектарига 1—1,5 ң аммиакли селитра ва 1,5—2 ң суперфосфат солинади. Ўсув даврининг иккинчи ярмида экинларни 5% ли суперфосфат эритмаси билан баргидан озиқлантиришнинг ҳам фойдаси катта.

Кўчат экиш. I класс помидор уруғларининг тозалиги 98%, униб чиқиши қобилияти эса камида 85% бўлиши керак. Уруғни барвақт ва қийғос ундириб олиш учун уларни баъзан ивитиб ёки ундириб экилади. Мева тугишини тезлаштириш ва майсаларнинг совуққа чидамлилигини ошириш мақсадида уруғлар ўзгарувчан температурада чиниқтирилади. Экиш олдидан уруғларни ТМТД препарати (1 кг уруққа 8 г препарат) билан дори-лаш мажбурий тадбирлардан ҳисобланади.

Помидор экини, асосан кўчат қилиб, камдан-кам ҳолларда уруги бевосита далага экилади. Кўчат етиштириш учун уруғлар илиқ парникларга февралда сепилади ва майсалигида илиқроқ ёки совуқ парникларга пикировка (кўчат) қилинади ёхуд чиринди стаканчаларга ўтқазилади.

Оддий усулда етиштирилган кўчатлар 6—8 та барг чиқарганида, чиринди тувакчаларда ўстирилганлари эса 8—10 та барг чиқарганда, яъни фунчалай бошлаганда далага экилади.

Помидор экиладиган ерлар кузда чуқур (27—30 см) қилиб шудгорланади, эрта баҳорда ҳайдалган ерлар бороналанади, қиши билан тупроқ зичлашиб ўтириб қолган ҳолларда экиш олдидан отвалсиз плуг билан юза юмшатилади ва бир йўла борона бостирилади.

Ўзбекистон ССР, Тоҷикистон ССР, Туркманистон ССРнинг кўпчилик районларида ва Қозогистоннинг жанубий зонасида помидор апрель ойида, яъни баҳорги совуқлар ўтгандан кейин экилади. Шу муддатдан кечиктириб — май ойида экилса, ҳосилдорлик сезиларли даражада камайиб кетади. Буни Тошкент область Янгийўлдаги сабзавотчилик совхози тажрибала-ридан кўриш мумкин.

	Экиш муддати			
	15/IV	20/IV	30/IV	10/V
Хосили, га/ц шу жумладан дастлабки теримда	199 82	185 69	163 58	151 29


Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳамда Тожикистоннинг тоғ олди районларида помидор күчтатлари апрель охири — майнинг ярмиларида экилади. Тезпишар нав помидор күчтатларини ҳамма ерда май ойининг бошларида экиш мумкин.

Помидор күчтатлари, одатда, кенг пуштали эгатларга иккى қатор қилиб ётиқроқ экилади. Суст ўсадиган, паст бўйли навлар пушталари 140—160 см кенгликда олинган эгатларга туп орасини 25—30 см, нисбатан баланд ўсадиган навлар эса 180—200 см кенгликда олинган эгатларга туп орасини 40 см қилиб экилади. Унчалик кўп шохламайдиган паст бўйли помидор күчтатларини 70×70 см ли схемада квадрат-уялаб экиш бирмунча смарали бўлиб, бунда ҳар бир уяга иккى тупдан кўчат экилади. Туплари бақувват, ер бағирлаб ўсадиган навларнинг уялар орасини 60—70 см ва ҳар бир уяда иккитадан кўчатни қўш қаторли қилиб тўғри бурчак шаклида жойлаштириш тавсия қилинади. Бегона ўт кам босадиган ерларда помидорни шу тартибда жойлаштириш экин парваришини бутунлай механизациялаштиришга ва помидор етиширишга қилинадиган меҳнат харажатларини кескин камайтиришга имкон яратади. Помидор ер бағирлаб ўсанда палаклари кўп жойни эгаллайди, мевалари эса нам тупроққа тегиб чириб кетиши мумкин. Шунинг учун ётиб ўсадиган помидор навларини баъзан қозиқларга боғлаб ёки нарвончаларга кўтариб ўстирилади. Қозиқларга боғлаб ўстиришда қатор ораларини 70 см дан қилиб ҳар уяга биттадан кўчат экилади. Бу эса ҳар гектар ердаги ўсимлик сонини бирмунча кўпайтиришга имкон беради. Помидорни қозиқларга боғлаб ўстиришда бачки пояларини олиб ташлаш ва уларнинг учун чилпиш осон бўлади, натижада помидор мевалари йирик бўлиб ёрта етилади. Бундан ташқари ёғочга олганда помидор мевалари камдан-кам чирийди, барглари билан яхши тўсилгани учун меваларини офтоб кам уради. Ёғочга боғлаб ўстирилган помидорларнинг ҳосилдорлиги ётиб ўсадиган помидорникига нисбатан юқори бўлади. Бироқ, қозиқларга боғлаб ўстириш қўшимча равишда пул ва меҳнат сарфлашни талаб қиласи, шу туфайли бу усул Урта Осиёда камдан-кам қўлланилади (68-расм).

Помидор күчтатлари экиш олдидан сугорилган ерларга экилади, экиша кўчат илдизларининг юқорига букилиб қолишига эҳтиёт бўлиш лозим (69-расм). Кўчатларнинг яхши тутиб кетиши учун экин бир-икки марта сугорилади, зарур бўлса, хато жойларига кўчат экилади.



68-расм. Тошкент обласъ «Ўзбекистон 50 йиллиги» колхозида қўш қатор қилиб (лента шаклида) экилган помидор плантацияси.



69-расм. Помидор кўчатлари ўтказни:
1 — тўғри экилган; 2 — иштаган.

ўстирилади. Плёнкалар далага кўчат ўтказилиши биланоқ ўрнатилади ва баҳорги илиқ кунлар бошланиши билан, тахминан апрель ойининг иккиси чи ярмиларида йигиб олинади.

Эртаги помидорни барвақт етиштириш учун кўчатлар ишком ёки арк тишида ёпилган шаффофф плёнкалар остида ўстирилади. Плёнка остида помидор етиштириш кўчатларни мартининг иккичи ярми — апрелнинг бошларидаёқ ўтқазиш, шунингдек мўл ва бирмуича эрта ҳосил олиши имконини беради. Плёнка осигида, одатда, ўртacha эртаги ёки тезнишар нав помидор — Майкопский урожайный, Маяк 12/20—4, Волгоград 5/95 ва бошқалар

Парваришлаш. Бегона ўтлар ва қатқалоқни йўқотиш учун экин қатор оралари культивация қилинади, ерга ётиб ўсадиган помидорлар эса культивациядан ташқари, қатор оралари биринки марта юмшатилади ва қаторлар (пушталар)даги бегона ўтлар йўқотилади.

Бегона ўтларни йўқотиш мақсадида ерга гербицид сифатида прометрин, (гектарига 2 кг) ва ТХА (гектарига 15 кг) препаратларини кўчат ўтқазишга 5—7 кун қолганда солиш тавсия қилинади. Помидорнинг ўсув даврида бегона ўтларни йўқотишда солан (гектарига 3—10 кг) препаратидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Уруғларни униб чиқишига қадар тажриба тариқасида 25% ли амибен концентратидан (гектарига 16—24 кг), дифенамиднинг 80% ли намлапувчи порошогидан (гектарига 5—10 кг) ва трефлап (гектарига 4—8 кг) препаратидан фойдаланиш тавсия қилинади. Ўсимлик туплари атрофидаги тупроқ қўлда (кетмонда) юмшатилади ва поянинг ер усти қисмларидан қўшимча илдизлар чиқиши учун бир ўла чопиқ қилинади. Биринчи чопиқ кўчат ўтқазилгандан икки ҳафта кейин, ёш майсалар яхши илдиз отиб ўса бошлаган вақтда ўтказилади. Орадан 3—4 ҳафта ўгач, қатор оралари иккинчи марта юмшатилади. Ўсимликларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш биринчи ва учинчи культивация билан бир вақтда ёки уларнинг кетидан ўтказилади. Помидор тупроқнинг сернам бўлишига талабчан ўсимлик ва тупроқда нам етишмаслиги ҳосилдорликнинг кескин камайишига олиб келади. Масалан, Тожикистон Қишлоқ хўжалик илмий-техшириш институтида уч йил давомида (1967—1969) Ҳисор водийсида ўтказилган тажрибаларда (Воҳидов, 1970) Плавневый А -- 80 нав помидор ҳосили тупроқ намига қараб қўйилганча бўлган:

Тупроқ намиги, дала нам сифатига нисбатан %

	65	70	75	80	85
Ҳосили, га/ц	375	408	444	501	454

Помидор ўсимлигининг ривожланиши ва мева тугишига суғоришининг қандай таъсир этишини авторнинг Шредер номли Узбекистон Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-техшириш институтининг Тошкент яқинидаги бўз тупроқли ерларида ўтказган тажриба натижаларидан яққол кўриш мумкин (42- жадвал).

Суғориш сони оша борган сари меваларнинг етилиши бирмунча тезлашади, гул ва тугунчаларнинг тўкилиши камаяди, мевалар йирик бўлади ва ҳосили ошади.

Помидорнинг ривожланиши ва ҳосил тугишига суфоришнинг таъсири

Суфориш сони		Ўсимликнинг баландлиги, см	Ҳосил, г/ц
Ўсув даврида суфориш (суфориш нормаси гектарига 700 м ²)	Кўчат экилгандан то ёппасига стилгунча ўтган кун		
12	85	89	385
15	84	90	463
18	80	93	518

Лекин тупроқ ҳаддан ташқари сернам бўлса, айниқса, ўсув даврининг иккинчи ярмида, помидор меваларидаги қуруқ моддалар камайиб, кислоталилиги бир оз ошади. Буни Тожикистон Қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институти (Воҳидов, 1970) маълумотларидан кўриш мумкин:

Тупроқ намлиги, дала нам сифумига нисбатан %

Куруқ моддалар, %	70	75	80
Шакар, %	5,38	5,04	5,0
Кислоталилиги, %	4,0	3,9	2,8

Етилиш даврида экинни кўп суфориш меваларнинг кўплаб ёрилишига сабаб бўлади.

Сизот сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда помидор экинлари мавсумда 18—20 марта суфорилади. Сув ўтказувчаник хусусияти юқори ва сизот сувлари юза жойлашган ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда экинлар камроқ суфорилади. Ўзбекистон шароитида сизот сувларнинг жойланиш чуқурлигига қараб помидор ўсимлигипи қўйнадаги режим асосида суфориш тавсия қилинади:

Сизот сувларнинг чуқурлиги

1 м гача	1 м дан	2 м	2 м дан ортиқ гача
----------	---------	-----	--------------------

Ўсув давридаги суфориш сони Мавсумдаги суфориш нормаси, м ²	12	15	18
	7800	9600	11500

Ўсув даврида бериладиган сув бир меъёрда тақсимланмайди. Сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда мевалар етила бошлагунча ўсимлик одатда 8—12 кунда, ёппасига мева тугаётган ва мевалари етилаётган даврда эса ҳар 5—7 кунда суфорилади. Ўсув даврининг охирига келиб, кузги салқин бошланиши билан экинлар яна тез-тез суфориб турилади.

Помидор барглари тўқ яшил тусга кириб, кун қизиган пайтларда сўлий бошлаши ўсимликнинг сувга бўлган талабининг объектив белгисидир. Бунда экинлар нисбатан катта норма билан сугорилади. Масалан, бўз тупроқли ерларда гектарига 600—700 м³ ва нам сиғими юқори бўлган ўтлоқ-ботқоқ ерларда гектарига 800—900 м³ ҳисобидан сув берилади.

Ўсув даври қисқа бўлиб, помидор мевалари яхши етилмай қоладиган районларда асосий поянинг учини чилпиш (чеканка қилиш) ва бачки пояларини олиб ташлаш амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Шундай қилинганда асосий пояда ҳамда пастки ён пояларда қолган мевалар яхшироқ озиқланиб, тезроқ етилади ва пишиб улгуради.

Ёз-кузда помидор ўстириш. Ёз-кузда помидор етиштириш усули Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг сабзавотчилик кафедраси илмий ходимлари томонидан ишлаб чиқилган. Бу усулнинг моҳияти шундаки, помидор эртаги сабзавотлардан бўшаган ерларга такорий экин сифатида экилади. Бунда помидор кўчатлари очиқ ерларда жуда кам меҳнат сарфлаб етиштирилади ва унинг таннархи 8—10 баравар арzonлашади. Кўчатлар далага июнь ойининг ўрталарида туп ораларини зичроқ (15—20 см) қилиб ўтқазилади. Кечки бўлишига қарамасдан помидордан дурустгина — гектарига 300—350 ү гача ҳосил олинади (43- жадвал).

43- жадвал

**Эртаги сабзавотлар ўринига экилган ёз-кузги помидор ҳосили
(Тошкент область хўжаликлари тажрибасидан, 1970 й)**

Хўжаликлар	Экин маёддона, га	Виринчи экин, га	Биринчи екинн ҳосили, га/ц	Ёзда экилган помидор		
				шу жумладан		
				ялпи товар мева ҳосил, га/ц	етилган меваси, га/ц	куйк меваси, га/ц
«Корасув» совхози . .	2	Карам	215	183	156	27
Ленин номли колхоз	2	Карам	170	262	213	49
Куйбишев номли колхоз «Қўзил Ўзбекистон» колхози	1	Картошка	90	198	158	40
	1	Карам	184	351	294	57

Ёзги муддатларда экилган помидорнинг баҳорда экилганларидан афзаллиги шундаки, кечки қилиб ўстирилганда ўсимллик замбуруғ ва вирусли касалликларга камроқ ҷалинади.

Ёз-кузда ўстирилган помидорларнинг мева туғиш даври кузойларнга, яъни баҳорда экилган ўсимликларники тугаллапган даврга тўғри келади. Демак, баҳорги экиш билан ёзги экинни бир-бирига қўшиб олиб бориш истеъмолчиларни кети узилмасдан — бир меъёрда помидор билан таъминлашга имкон беради.

Тұғри, кечки қилиб әкілганды хом-күк помидор күплаб чиқади, лекин буларни махсус жойларда бир оз етилтириб (қизартириб), кейин совуқхоналарда сақланса, улардан кеч кузгача, ҳатто қышда ҳам фойдаланиш мүмкін. Шу тартибда етилтирилген помидорларга нисбатан бирмунча арzonга тушади.

Әртаги сабзавотлар үрнігін такрорий әкін сифатыда помидор әкиш бүйіча үтказылған уч йиллик тажриба якунлари шу мақсад учун Темнокрасний, Молдавский ранний ёки Волгоград нау помидорларни әкишни тавспя қилишга имкон беради. Үруг со-вуқ парникларға майнинг дастлабки күнларыда сепилади, майсалар 2—3 та чинбарғ чиқарғанлар кейин ҳар 5—6 см да биттадан ниҳол қолдиріб яғана қилинади. Майсалар 5—6 тадан чинбарғ чиқарғанда, яғни июннінг бириңчи ярміларыда әртаги картошка, карам ёки бошқа сабзавотлар ҳосили йиғиб-териб олингандан кейин үрнігін әкілади. Далага үтқазылған күчательнінг парвариши одатдагисидан фарқ қымайди, лекин бунда үсув даври қисқа бұлғанлиғи туфайли әкінні суғориш, қатор ораларини ишлаш ва үғитлаш сони баҳорда әкілганды помидор-никига қараганда камроқ бўлади.

Зараркунанда ва қасаллукларға қарши кураш. Үрта Осиёда помидор үсимлигининг вирусли қасаллуклары, айниқса, күп тарқалған: *столбур* гул ва баргларнінг шаклини үзгартириб мева тұқымаларининг айрим жойларини қотыриб қўяди; *стрік* — бу қасаллукка чалинган үсимлік баргларіңда аввал штрихлар (узуқ-узуқ йўллар) пайдо бўлиб, кейин қурийди, айрим ҳолларда эса мевалар чирийди: *мозаика* — үсимлік барглары рангнінг мозаика тусиға кириши ва уларнінг шаклини үзгариши бу қасаллукнінг асосий белгилари ҳисобланади.

Вирусли қасаллукларға қарши кураш чоралари; уругни фақат соғлом үсимліклардан олиш; уругларни 10% ли калий перманганат эритмасида дезинфекция қилиш ёки әкиш олдидан термик ишлаш. Шира, саратон чирилдоқлары ва бошқа вирус юқтирувчи (ташувчы) ҳашаротлар ҳамда вирусларнінг макони ҳисобланған бегона үтларни йўқотиш. Қарантин объект ҳисобланған, бактериал ракка (БРТ) қарши уругларни ТМТД препарати билан (1 кг урукқа 6—8 г ҳисобидан) дорилаш ва қасалланған үсимлікларни юлиб олиб даладан ташқарига чиқарыб ташлаш зарур.

Баргнинг қўнғир доғланышига қарши парник ва теплицалар дезинфекция қилинади, уруглар гранозан билан (1 кг урукқа 3—4 г ҳисобидан) дорилашади, олдини олиш тадбирлари сифатыда үсимлікларға фунгицидлар — динитророданбензолнінг олтингугурт коллоиди (0,5—1% ли) ёки олтингугурт коллоиднінг 1% ли суспензияси ва бошқа препаратлар пуркалади.

Помидор үсимлигини бир меъерда суғориш йўли билан тупроқ намлиги оптималь шароитда сақлаб турилса, учидан чириш қасаллиги бирмунча камаяди.

қизил бўлиб, тўла етилган вақтида териб олинади. Яқин (3—4 кунлик) жойларга жўнатиш ва тузлаш мақсадлари учун сарғиши-кўнгир тусга кирганда мевалари терилади. Помидор териш июндан бошланиб октябргача давом этади. Мевалари етилган сари пешма-пеш 3—5 кун оралатиб терила беради. Териш кечиктирплганда мевалари таркибидаги витаминлар йўқолади, ириб-чирийди, оқибат натижада ҳосили камаяди. Мевалар банди билан бирга узилиб, челак ёки саватларга солинади. Териш вақтида меваларни шикастлантпремаслик керак, акс ҳолда ёрилган жойидан ичига ҳаво кириб, витамин С нинг парчаланишига сабаб бўлади. Бутун мева таркибида 45,2 мг%, ёрилганида 25, эзилганида эса 12,4 мг% витамин С бўлади (Менкович, 1960).

Терилган меваларни даладан ташиб чиқишида прицепли тележка ва бошқа транспорт воситаларидан фойдаланилади.

Терилган помидор мевалари сифати ва йириклигига қараб сараланади ва яшикларга жойланниб, тегишли жойларга жўнатилади. Узоқ жойларга юборишга мўлжалланган мевалар 6—8 кг помидор сифадиган стандарт яшикларга ёнламасига зич қилиб териб чиқилади.

Дастлабки кузги қора совуқлар тушишидан олдин етилган ва хом помидорларнинг ҳаммаси териб олинади, чунки совуқ урган мевалар сақлаш ва тузлаш учун ярамайди. Териб олинган помидор меваларининг пишганлари ҳамда димлаб етилтиришга ва тузлашга ярайдиганлари сараланиб ажратилади, брак қилинган (майда, касал теккан)лари молларга берилади. Агар барча меваларни қора совуқ тушгунча териб олишнинг иложи бўлмаса, у ҳолда помидорнинг мевали туплари суғуриб олинниб, даланинг ўзида уч томонини ичкарига қаратиб уюб қўйилади. Бундай уюмнинг усти помидор палаклари билан ёпилиб, устига бир оз тупроқ ташланади. Қора совуқ ўтгандан кейин уюмни очиб, мевалар туилардан териб олинади ва йириклиги ҳамда етилганлигига қараб сортларга ажратилади.

Помидор меваларининг териб олингандан кейин ҳам етила олиш қобилияти уларнинг энг яхши хусусиятидир. Думбул ёки шаклланган кўк помидорларни димлаб қизартириш мумкин. 20—25° температура ва ҳавонинг нисбий намлиги 80—85% бўлиши димлаб қизартириш учун энг қулай шароит ҳисобланади. Помидорларни қоронғи жойда ҳам қизартпраш мумкин, лекин ёруғ жойда бу процесс тез боради ва меваларнинг ранги тоза (қип-қизил) бўлади.

Димлаб қизартиришининг бир неча усуллари мавжуд: дала-да тути билан уюлган ҳолда етилтирилади ёки меваларни эни 1 м, баландлиги 50 см қилиб уюб қўйиб қизартирилади. Уюмларнинг устига бордон, хашак ёки похол ёпиб қўйилади, вақт-вақти билан (ҳар 2—3 кунда бир марта) очиб, чиригандари алоҳида ва етилганлари алоҳида қилиб ажратилади. Помидор меваларини қизартиришда кўпинча парник ва теплицалардан ёки

сўкчакли иситиладиган бинолардан фойдаланилади, бунда сўкчакларга помидор 2—3 қатор қилиб терилади.

Помидор мевалари этиленли муҳитда сақланса, уларнинг қизарishi табиий шароитдагига нисбатан икки баравар тезлашади.

Пишгап помидор мевалари тезда бузиладиган бўлади. Ёзги юқори температура таъсирида улар интенсив равишда нафас олади. Мевалар таркибидағи озиқ моддалар, айниқса, витамин С парчаланиб кетади ва озиқлик қимматини йўқотади. Шунинг учун ёзда пишган помидорлар терилган куниёқ ёки эртасига истеъмолчиларга етказиб берилиши керак. Териб олишган помидор мевалари сунъий совитиладиган совуқхоналарда (2—5°) сақланганда таркибидағи қуруқ моддалар ва витамин С нинг парчаланиш жараёни ниҳоятда секин боради.

Етилгап помидор меваларини сақлаш учун температура 1—2° ва ҳавонинг нисбий намлиги 80—90% бўлиши керак. Қўнғир рангли мевалар сақланадиган хонанинг температураси 3—4° ва ҳавонинг нисбий намлиги 80—90%, оқ-яшил ва яшил мевалар сақланадиган хонанинг температураси эса 20—25°, ҳавонинг нисбий намлиги 80—85% бўлиши лозим (Княгиничев, 1971). Катта-кичиклигига ва етилганлигига қараб ажратилган мевалар сўкчакларга ёки сифими 8—12 қг ли яшикларга жойланади ва ҳар бир қаторнинг орасига қипик солинади. Бундай шароитда помидор 1—2 ойгача туради.

Ҳосилдорлиги. Закавказье, Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистоннинг жанубий районларида совуқсиз даврнинг узоқ давом этиши ва экинларни сунъий усулда сугориш помидорнинг хилма-хил навларини экиб мўл ҳосил олиш имконини беради. Шимолдан (Қирғизистон) жанубга борган сари ҳосилдорлик ҳам оша боради ва Ўрта Осиё республикаларининг энг жанубида жойлашган Туркманистонда ҳосилдорлик энг юқори нуқтага етади. Ўрта Осиё республикаларида помидор ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда гектарига 200 қ атрофида, илғор хўжаликларда эса 300—400 қ га етади. Масалан, Тоҷикистон ССР Оржоникидзеобод районидаги «Оржоникидзеобод» совхозида 1972 йилда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 340 қ, Файзобад районидаги «Коммунизм» колхозида эса 45 ға майдоннинг ҳар гектаридан 504 қ га етказиб ҳосил олинган. Узбекистон ССР, Сармарқанд қишлоқ районидаги Энгельс номли колхоз 1974 йили 420 ға ерга помидор экиб, ҳар гектар ердан 525 қ, шу райондаги «Москва» колхози 360 ға ерцинг ҳар гектаридан 450 қ, Тошкент обlastидаги «Бўйсув» совхози эса 60 ға майдоннинг ҳар гектаридан 510 қ дан помидор ҳосили етиштирди. Қирғизистон ССР Сукулук районидаги «Победа», «Рассвет» ва Шапапов номли колхозларнинг илғор бригадаларида 1974 йили ҳар гектар ердан 400—500 қ атрофида ҳосил олинди.

Ашхобод районидаги «Совет Туркманистони», Ленин номли, шунингдек, Қўктепа районидаги «Большевик», «Комсомол ном-

ли ва Туркманистаннинг кўлгина илфор сабзавотчилик хўжаликларида помидор ҳосилдорлиги гектар бошига 300—400 ц, айрим ҳолларда эса 600—700 ц ни ва ҳатто 928 ц ни ташкил этади (Уразмуродов, 1969). Қозоғистон ССР Олмаота областидаги «Луч Востока», Мичурин номли ва бошқа хўжаликларда ҳам гектарига 350—400 ц га етказиб ҳосил олинмоқда.

Ҳосили машинада териб олинидиган помидор ўсимлигининг парваришлаш хусусиятлари. Помидор ўсимлигини ўстиришга қилинган жами харажатларнинг 50% и меваларни териб олишга кетади. Шунинг учун ҳам помидор меваларини механизация ёрдамида териб олиш масаласи амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Помидор теришда ҳар хил типдаги тиркалма (ТТ-12, ПОУ-2) ёки ўрнатма (ПИСШ-12) платформалардан, шунингдек, УПКС-10 маркали ўзи туширадиган универсал платформа, Т-16 ёки ДВСШ-16 ва бошқа ўзи юрар шассилардан фойдаланиш ҳосилни йиғиб-териб олишни қисман механизациялаштириш имконини берди.

Помидор теришда терим платформаларидан фойдаланиш меҳнат унумдорлигини 1,5—2 баравар оширади. Бироқ, помидор терадиган комбайнлардан фойдаланиб, теримни тўла механизациялаштириш мумкин, лекин бу териш технологиясини тубдан ўзгартириши, яъни ҳосилни бир марта териб олишга ўтишини талаб қиласди. Совет Иттифоқида икки хил технологик схемада ишлайдиган КТН-2 ёки СКТ-2 маркали помидор терадиган комбайнлардан фойдаланиб ҳосилни бир марта териб олиш амалга оширилмоқда. Бунда помидор меваларни бевосита комбайннинг ўзида ёки СПТ-15 маркали саралаш пунктида сортларга ажратилади. Помидор меваларини комбайнда териш тартиби қуидагича. Бунда дискали пичноқлар ўсимликни туши билан кесиб, уларни мева ажраткичга узатади, бу ерда силкитилади ёки саралаш столига узатилади ва шу ерда мевалари қўл билан ёки транспортёр ёрдамида СПТ-15 саралаш пунктига узатилниб ўша ерда сараланади. Саралаш пунктида мевалар ювилиб етилганлигига қараб сортларга ажратилади ва бир йўла хас-чўплардан ҳамда касалланган мевалардан тозаланади.

Ҳосилни бир марта териб оладиган машиналар комплексига помидор терадиган комбайндан ташқари, мева ташидиган ПТ-3,5 маркали платформа, АВН-0,5 маркали юклигичга агрегатлаиган КОН-0,5 контейнер-улоқтиргич ва СПТ-15 маркали саралаш пункти ҳам киради. Помидор ҳосилини комбайнларда териш қўл меҳнатини минимум даражага камайтиради, лекин унинг бир қанча камчиликлари бор, булардан энг муҳими, териш вақтида меваларнинг кўплаб нобуд бўлиши ва бир марта териб олишга мосланган маҳсус помидор навлари яратиш кераклигидир.

Бундай навлар серҳосил бўлнишидан ташқари қуидаги талабларга жавоб бериши шарт: мевалари ёппасига ва эрта ети-

лиши; туплари детерминант формада ва ғуж бўлиб ўсиши; мевалари бандидан осон ажралиши ва бандсиз ажралиши (ўртача узишлиш кучи 09—2,0 кг); етилган помидор тупларида узоқ — 15—20 кунгача туриши ва шу муддат ичидаги меваларда унчалик ўзгариш бўлмаслиги, яъни унинг пўсти ва эти бўшашиб қолмаслиги; мевалари овал, юмaloқ ёки ноксимон (лекин ясси эмас) шаклда, текис-силлиқ, қиррасиз (чизиқсиз), ҳажмига нисбатан текис бўлиши; меваларнинг йириклиги консервабоп навлар учун 40—80 г, янгилигига истеъмол қилишга мўлжалланган навлар учун 80—120 г бўлиши; пўсти ялтироқ, эластик ва эти тигиз, салга ёрилиб кетмайдиган бўлиши керак.

Меваларнинг узоқ жойларга юборишга ва қасалликларга чидамлилиги ҳосили машинада теришга мўлжалланган помидор навларининг муҳим белгиларидан ҳисобланади, шунингдек, консервабоп нав помидорлар таркибида камидаги 6% қуруқ модда ва шакар, 30 мг% витамин С бўлиши лозим (Авдеев, Руденко, Дрокин, 1974).

Хозирги вақтда Машинний 1, Оригинальний 266, Новинка Преднестровья, Кросс 525 ва бошқа консервабоп помидор навларининг ҳосилини машиналар ёрдамида териб олишга яроқли деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳосили машинада териладиган помидорлар кўчатидан ва бевосита уруғидан экиб ўстирилади. Лекин ҳосили машинада териладиган помидор агротехникасининг ўзига хос хусусиятлари бор. Даланинг рельефи ва микрорельефи бўйича текислиги, участкаларда бегона ўтларнинг кам бўлиши, шунингдек, экин қаторларининг бир хил кенгликда ва тўғри бўлиши помидор терадиган комбайнларнинг яхши ишлаши учун муҳим шартлардан ҳисобланади.

Уруғларнинг дала шароитида униб чиқиши қобилияти ва майсаларнинг ёппасига қийғос униб чиқиши помидорни уруғидан ўстиришда ҳамда ҳосилини бир марта териб олишда муҳим аҳамият касб этади. Уруғларнинг бундай хусусиятга эга бўлиши ўз навбатида меваларнинг ҳам бир вақтда қийғос етилишига имкон беради. Молдавияда ўтказилган тажрибаларда Машинний 1, Оригинальний 266, К — Юбилейний, К-600 нав помидор уруғларининг униб чиқиши қобилияти нисбатан юқори эканлиги маълум бўлди. Уруғни 3—4 см чуқурликка экиш майсаларнинг қийғос униб чиқишини таъминлайди (Ершова, Лебедева, 1974).

Л.А. Жидов (1974) Крим шароитида помидор урганини бевосита далага икки-тўрт муддатда экиши тавсия қиласди, бунда янги етилган меваларни истеъмолчиларга етказиб бериш муддати бирмунча узаяди. Бунда уруғ $\frac{(120+40)}{2}$ см схемада лента шаклида экилади. Ягана қилингандан кейин қатордаги ўсимликлар орасини 17—20 см қолдирилади, шунда гектарига 65 минг туп кўчат жойлашади. Ўсимликларни оптималь сугориш режими мева туккунгача дала нам

сифимига нисбатан 70—100%, меваларнинг шаклланиши ва етилиш даврида 80—100% бўлиши керак. Тупроқ намини шу даражагача етказиш учун ўсув даврининг дастлабки пайтларида экинни ҳар 12—13 кунда ва мевалаш даврида эса 8—9 кунда суюриш керак. Ҳосилни теришга 25 кун қолганда суюриш тўхтатилади.

Бироқ, Молдавия Сугориладиган деҳқончилик ва сабзавотчилик илмий-текшириш институти тажривалари помидорни уруғдан экиб ўстиришда ва юқори норма билан ўғитланганда Машинний 1 нав помидорни зич, яъни гектарида 100—110 минг туп кўчат қолдириш яхши натижа беришини кўрсатди. Агар бу нав помидор кўчатидан ўстирилдиган бўлса, у ҳолда кўчат қалинлигини гектар бошига 50 минг тупдан оширмаслик керак. Поясининг тик ўсиши ва уруғининг қийғос униб чиқиши билан бошқалардан фарқ қиласидиган Дурагай 82-69 нав помидор кўчатларини гектар бошига бемалол 71 минг тупгача қолдириш мумкин (Ершова, Белобородова, Фучеджи, Висотский, Гонтарева 1974).

УРУҒЧИЛИК

Жанубда уруғлик учун экилган помидорларнинг четдан чангланишига йўл қўймаслик учун бир участка билан иккинчи участка оралиғида очиқ жойларда камидা 300 м, атрофи ўралган ерларда эса 100 м гача масофа бўлиши керак. Уруғлик экинлар юқори агротехника асосида парвариш қилиниши лозим, кўчат ўтқазиш ва парваришлаш ишлари одатдагича ўтказилаверади. Уруғлик учун экилган помидор ўсимликлари ўсув даврида нав сифатини яхшилаш мақсадида тозаланади, бунда шу навга хос бўлмаган, касалланган ва кам ҳосил ўсимлик туплари юлиб, даладан чиқариб ташланади.

Мевалари тўла етилган пайтда териб олинади. Йирик, соғлом, текис, шу навга хос шакл ва рангдаги мевалар уруғлик учун ажратилади. Етилмаган мевалар уруғининг абсолют оғирлиги кам, униш энергияси ва униб чиқиш қобилияти паст бўлади (45- жадвал).

45- жадвал

Помидор етилишининг уруғнинг унувчанлигига, униб чиқиш энергиясига ва абсолют оғирлигига таъсири
(А. В. Алпатьев, 1958)

Помидор мевалари	Унувчанлиги, %	Униш энергияси, %	Абсолют оғирлиги, г
Яшил-пушти рангли помидор . . .	90	80	3,42
Қўнғир тусли помидор	93	82	3,56
Тупида қизарган помидор	94	84	3,62

Күплаб уруғ етиштиришда меваларни эзиб бочкаларда ачи-тилади, сүнгра сувда ювиб уруғлар эти ва пўстидан ажрати-лади.

Уруғларни механизациялаштирилган усулда ажратиб олиш учун ВСТ-1,5 томат эзгич машинадан фойдаланилади. Бу ма-шина 2,8 квт қувватга эга бўлган электродвигателдан ҳаракат-га келади, у уруғни помидор помидорни эзиб уруғини ажратади. Иш унуми: соатига 1 т помидорни эзиб уруғини ажратади. Ма-шинага 4 киши хизмат қиласди.

ВСТ-1,5 помидор ювадиган МПП-1,5 маркали машина га агрегатланади. Бу машина ҳам 2,8 квт қувватга эга бўлган электродвигателдан ҳаракатга келади, иш унуми ВСТ-1,5 машинанинг иш унумига (соатига 1—1,5 т) тенг кела-ди. Машинада ажратилган уруғлар сувда ювилади ва қурити-лади, шарбатидан эса томат-пюре ва бошқа маҳсулотлар тайёр-ланади.

Ўрта Осиё шароитида уруғ, одатда, очиқ ҳавода қуритила-ди. А. С. Бенкlevский (1963) маълумотига қараганда, офтобда қуритилган уруғнинг унувчанлиги ва униб чиқиш энергияси соя жойда қуритилган уруғниги нисбатан бирмунча юқори бў-лади.

Уруғлар қуритилгандан кейин солиширима оғирлигига қараб ажратилади. Бунинг учун улар ош тузининг 5% ли эритмасига солинади, шунда тўқ, соғлом, оғир вазнли уруғлар идиш тагига чўқади, пуч, енгиллари эса эритма бетига қалқиб чиқади. Экиш учун идиш тагига чўқкан уруғлардан фойдаланилади. Уруғ солиширима оғирлигининг униб чиққан экин ҳосилига таъсири-ни 46- жадвал маълумотларидан яққол кўриш мумкин.

46- жадвал

Турли хил помидор навларидага уруғ солиширима оғирлигининг ҳосилдорликка таъсири (В.Д.Луговкина маълумоти)

Уруғ	Ҳосилдорлик, га/ц		
	Маяк	Краснодарец	Малютка 101
Сортларга ажратилмаган уруғлар . . .	431	472	331
Оғир (5 % ли ош тузи эритмасига солинганда идиш тагига чўқкан уруғ-лар)	469	652	458
Енгил (ош тузи эритмасига солин-гандага юзага қалқиб чиққан) уруғлар .	317	458	283

Помидордан олинадиган уруғлик миқдори (вазнига нисбатан) экиннинг навига қараб кескин даражада ўзгаради. Ўрта Осиёда тарқалган кўп хона (камера) ли йирик мевали навлардан 0,2—0,4%, кам хопали навлардан эса 0,5—0,6% атрофида уруғ чиқади. Бир гектар ерга экилган помидордан 0,5—0,8 ц ва ун-

дан ҳам кўпроқ урур олинади. Масалан, Тошкент обласидаги «Бозсу» совхозида 1968 йили бир гектар ердан 1 ц помидор уруғи олинган.

ҚАЛАМПИРЛАР

АҲАМИЯТИ ВА ИШЛАТИЛИШИ

Қалампир (*Capsicum annuum L.*) навлари икки: аччиқ ёки чучук қалампир группасига бўлинади. Аччиқ қалампирлар таркибида кўп миқдорда аччиқ модда — капсаицин ($C_{18}H_{28}O_3$) бўлиши, пўстининг юпқа, меваларининг майдалиги билан фарқ қиласди. Аччиқ қалампир қуруқ янчилган ҳолда овқатга ишлатилади, шунингдек, сабзавотларни сиркалашда, тузлашда ва консервалашда доривор сифатида фойдаланилади. Чучук (болгар ёки сабзавот) қалампирларнинг мевалари йирик, серэт, таркибида жуда кам миқдорда капсаицин моддаси бор, мазаси кўпинча чучук бўлади. Чучук қалампирлар овқатга янгилигига ишлатилади, шунингдек ундан турли хил консервалар тайёрлашда фойдаланилади. Чучук қалампирларнинг химиявий таркиби тахминан қўйидагича: сув 85,56%, азотли моддалар 1,49%, ёғлар 0,95%, кул 0, 69%, клетчатка 1,8% ва азотсиз экстрактив моддалар 5,44%. Таркибидаги витамин С нинг миқдорига кўра қалампирлар сабзавот экинлари орасида биринчи ўринда туради. Бу витамин етилган меваларда айниқса кўп бўлади (47-жадвал).

47- жадвал

Етилиш фазаларига қараб қалампир меваларининг химиявий таркиби, янгилигидаги вазнига нисбатан, %

Қалампир нави	Етилиш фазаси	Қуруқ моддалар	Шакар	Кислоталар (олма кислотаси бўйича)	Витамин С, мг %
Болгар чучук қалампирини Марғилон аччиқ қалампирини	Физиологик етилганда . . . Техник етилганда	6,0 9,5	2,68 5,70	0,11 0,33	64,5 289,4
	Техник етилганда Физиологик етилганда . . .	8,2 15,5	1,99 5,45	0,13 0,30	64,5 234,7

Ўзбекистон шароити (Тошкент) да етиширилган чучук болгар қалампирининг техник етилиш фазасида 54—118 мг%, тўла етилиш фазасида эса 368—535 мг% витамин С бўлади (Балашев, Менькович, 1961).

Қалампирларнинг ватани — Жанубий Америка. Шу ердан у Европага, Африка ва Жанубий Осиёга тарқалган. Чучук қалампир асосан Украинада ва РСФСРнинг жанубида, Ўрта Осиё,

шунингдек Марказий Европа мамлакатларида ва қисман Америкада экилади. Аччиқ қалампир Жанубий ва Шарқи-Жанубий Осиё, Африка, Жанубий Америка, Марказий ва Жанубий Европа мамлакатларининг ҳаммасида ўстирилади. СССРда аччиқ қалампир айниқса Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларида кенг тарқалган.

БОТАНИК ТАЪРИФИ

Қалампирнинг пояси ўтсимон, тик ўсади. Бўйи 25—30 см дан 70—80 см гача, жуда сершоҳ. *Барглари* бандли, усти силлиқ ёки тукли, узунчоқ шаклда; аччиқ қалампирники майда ва ингичка, чучук қалампирники эса йирик ва энлироқ. *Гуллари* икки жинсли, майда, оқ сариқ ёки оч бинафша ранг бўлиб, тўқ-қизта тожибарги бор. Экилгандан 80—90 кун ўтгач, июнь ёки июль ойида гуллай бошлайди ва кузги совуқ тушгунча давом этаверади. Қалампир ўзидан чангланадиган ўсимлик, баъзан, айниқса, аччиқ қалампирда, четдан чангланиш ҳоллари ҳам учрайди. Четдан чангланишда чумолилар, триплар ва қисман асаларилар чанг ташувчи хизматини ўтайди.

Меваси 2—4—6 хонали, кўп уруғли, резавор. Аччиқ қалампирларнинг меваси унчалик йирик эмас, шакли чўзиқ (шохсимон, хартумсимон, бигизсимон ва ҳ. к.) бўлиб, пўсти юпқа этили. Чучук қалампирларнинг мевалари нисбатан йприк, серэт, цилиндрисимон, квадратсимон ёки юмалоқ шаклда. Етилган меваларининг ранги қизил, тўқ сариқ ёки сариқ бўлади. *Уруғлари* оч сариқ, ясси-юмалоқ, абсолют вазни 4—8 г атрофида. Биринчи класс уруғларнинг унувчанлиги 70%.

Илдиз системаси юза жойлашган, унинг асоспий қисми 20—30 см чуқурликка таралади.

КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА НАВЛАРИ

Қалампирларнинг ҳозирги маданий навлари ниҳоятда майдада (1—2 см), аччиқ, серэт мевалари билан характерланадиган ёввойи тропик қалампирлардан келиб чиқсан. Маданийлаштириш жарабёнинда қалампир мевалари йириклишиб, таркибидаги капсаициннинг миқдори озая борган ва шунга кўра, унпиг аччиқлиги ҳам камайган. Шимолга қараб тарқала борган сари мўътадил температура ва ҳавонинг нисбий намлиги ошиб янги хил қалампирлар пайдо бўлган. Булардан эса йирик, серэт, кўп жинсли ҳозирги чучук қалампирлар келиб чиқсан. Жанубий районларда қалампирларни маданийлаштириш натижасида мевалари йириклиша борди, лекин улар эти юпқалигича ва таркибидаги капсаицин моддаси юқорилигича қолаверди. Қалампирларнинг жанубий формасидан ҳозирги аччиқ қалампирлар келиб чиқди.

Қалампирларнинг навлари морфологик белгиларидан ташқари тезпишарлиги, серҳосиллиги, хуштаъмлиги, таркибидаги шакар ва витаминаларнинг миқдори жиҳатдан ҳам фарқ қиласи. Урта Осиёда қалампирларнинг қўйидаги навлари тарқалган:

Новочеркасский 35. Чучук қалампирлар группасига киради. Уртапишар, серҳосил нав. Туплари паст бўйли, унчалик ғуж эмас. Мевасининг учи тўмтоқ, юқорига қараган, ўртача йирик, ранги қизил.

Болгарский 84. Уртапишар, серҳосил нав. Тупи ғуж бўлиб ўсади, мевалари пирамидасимон, салгина қиррали, етилганда ранги қизаради.

Болгарский 79. Морфологик ва биологик белгилари жиҳатидан Болгарский 84 навига яқин келади.

Слоновыи хобот (фил хартуми) — ним аччиқ, ўртача кечки, серҳосил нав. Тупи ўртача пояли, мевалари пастга осилиб турди, узунчоқ-конуссимон шаклда, ранги қизил.

Марғилон 330 — аччиқ қалампирлар группасига киради. Маҳаллий марғилон қалампиридан яратилган серҳосил, ўртапишар нав. Паст бўйли, меваси қизил, чўэнқ конуссимон.

Астраханский 628 — морфологик ва биологик белгилари жиҳатидан Марғилон 330 навига яқин туради.

БАҚЛАЖОН

АҲАМИЯТИ ВА ИШЛАТИЛИШИ

Бақлажон (*Solanum melongena* L.) таркибида озиқ моддалар ва витаминалар унчалик кўп эмас. Мевасининг таркибида 6—11% қуруқ моддалар, 2,5—4% шакар, 0,6—1,4% оқсил ва 0,2—0,4% ёғлар бўлади. Ундаги витамин С нинг миқдори 1,5—7 мг% атрофида ўзгариб турди. Бақлажон меваси ниҳоятда мазалилиги учун Ўрта Осиё, Закавказье, Украинанинг жанубида, шимолий Кавказда кенг кўламда тарқалган. Шунингдек, у Фарбий Европанинг жанубий қисмида, АҚШда, Узоқ Шарқда ва Яқин Шарқ мамлакатларида ҳам кўп тарқалган. Бақлажоннинг ватани Хиндистон деб ҳисоблайдилар.

Бақлажоннинг барра (етилмагали) меваси овқатга ишлатилиди ва консерва саноатида кенг миқёсда фойдаланилади. Етилган меваларида соланин *M* (мелонген) деб аталувчи тахир модда тўпланади ва улар истеъмол қилишга яроқсиз бўлиб қолади.

БОТАНИК ТАЪРИФИ

Пояси баланд бўйли (100 см ва ундан ҳам баланд), тик ва сершох. *Барглари* йирик, овал ёки овал-чўзиқ, тук билан қопланган, яшил ёки бинафша ранг. *Гуллари* якка-якка ёки тўпгул бўлиб, 4—8 тадан гултожибарги бор, икки жинсли, йирик, оч

ёки тўқ бинафша тусда. Гуллари ҳашаротлар ёрдамида четдан ҳамда ўзидан чангланиши мумкин.

Меваси йирик (0,5 кг гача), ҳар хил шаклда, тўқ бинафша ранг, етилганда қўнғир-сарғиши ёки кул ранг-яшил тусга киради. Унинг оқ, қизил ва сариқ рангдаги ботаник формалари ҳам учрайди.

Уруғи япалоқ, кул ранг-сариқ, туксиз, абсолют оғирлиги 4—5 г. 1-клас уруғнинг унувчанилиги 85%, 3—5 йилгача униб чиқиши қобилиятини сақлайди. Лекин 1—2 йил сақланган уруғнинг унувчанилиги яхши бўлади.

Илдиз системаси ниҳоятда сертармоқ бўлиб, асосан ернинг 40—50 см қатламига таралиб ўсади.

НАВЛАРИ

Бақлажон навлари экологик ва географик жиҳатдан икки группага — шарқий ва гарбий группага бўлинади.

Шарқий группага мансуб навларнинг тури паст бўйли, сершох бўлиб ўсиши, барглари майда, четлари қесиксиз, тўқ яшилиги, барг банди ва томирларининг тўқ бинафша тусли бўлиши билан фарқ қиласи. Меваси майда, ўртача йирик, ноксимон, шарсимон, тўқ бинафша рангли, эти оқ, тифиз, тахир эмас. Шарқий группадаги навларнинг кўпчилиги тезпишар бўлади.

Гарбий группага кирадиган навларнинг кўпчилиги баланд бўйлп, кам шох, барглари йирик, яшил; барг томирлари яшил ёки оч қўнғир тусли; мевалари ҳар хил шаклда ва йириклида, ранги тўқ жигар ранг ёки кул ранг яшил; ўртапишар ёки кечпишар бўлади.


Бақлажон навлари тупининг шакли ва бўйи; баргларининг йириклиги, шакли, ранги ва сертуклиги, гули ва мевасининг жойланиши, йириклиги ва турага ҳамда этининг қалинлиги, ранги ва мазасига қараб бир-биридан фарқ қиласи. Бақлажон ўсув даврининг узунлигига қараб тезпишар, ўртапишар ва кечпишар навларга бўлинади. Майсалари кўрингандан кейин; тезпишар навлар 110—120 кунда; ўртапишар навлар 120—140 кунда ва кечпишар навлар 140 кун ва ундан ҳам кўпроқ вақт ичиди етилади. Ҳосилдорлигига, қурғоқчиликка, замбуруғ касалликларига ва паст температурага чидамлилигига қараб ҳам бақлажон навлари бир-биридан фарқ қиласи.

Ўрта Осиёда бақлажоннинг асосан қуйидаги навлари кенг тарқалган.

Болгарский 87. Серҳоспл, ўртапишар ва паст бўйли нав. Меваси йирик, цилиндриксимон, тўқ бинафша рангли. Эти оқ, юмшоқ, хўраки ва консервалашга яроқли навлардан ҳисобланади.

Беломясий 365. Ўртача кечпишар, серҳосил нав. Меваси шарсимон, ушалик йирик эмас; эти оқ, тифиз ва уруғи кам бўлади. Ўсимлиги ўртача баландликда (50—60 см), кам шох.

Донский 14 — ўртапишар, серҳосил, узоқ сақланади; тури



70-расм. Бақлажон мевалари:

1 — Гант ВИР нави; 2 — Болгарский 79 нави.

ўртача баландликда, меваси узуичоқ — ноксимон, йирик, бинафша рангли.

Длинний фиолетовий 239 — ўртапишар, серҳосил нав; тупик ўсади, баланд бўйли; мевалари йирик, цилиндрисимон, бинафша ранг. Консервалаш учун мўлжалланган.

Қипчоқ нав — баланд бўйли, ўртапишар ва ўртача серҳосил пав. Мевалари чўзиқ ва ингичка, бинафша рангли.

Консерва саноати учун Ереванский З ва Гигант ВИР эртапишар навлар ниҳоятда истиқболли ҳисобланади. Бу навлар туплари баланд бўйли бўлиб ўсиши ва меваларининг йириклиги, чўзиқлиги, кам уруглилиги билан характерлидир (70-расм).

ҚАЛАМПИР ВА БАҚЛАЖОННИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Тропик зоналарда қалампирлар кўп йиллик, мўътадил ва субтропик зоналарда бир йиллик ўсимлик. Улар жуда иссиқсевар бўлиб, ўсув даври — майсалар кўрингандан мевалари етилгунча — 120—160 кун. Кундузги температура 25° ва тунгиси $15-18^{\circ}$ бўлганда ўсимлик яхши ўсиб ривожланади. Температура $11-13^{\circ}$ бўлганда ўсимликлар ўсишдан тўхтайди ва $-0,5-1^{\circ}$ совуқда побуд бўлади. Гребовский сабзавот селекцияси станицасида баъзи бир чучук қалампир навлари 8° температурада ўса бошлаб, қисқа муддатли $2-3^{\circ}$ совуқга бемалол чидайди. 30° дан юқори температура ва буннинг устига ҳаво ва тупроқ

намлигининг етишмаслиги ўсимликларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, бунинг оқибатида кўп гуллари тўкилиб кетади. Аччиқ қалампир чучугига нисбатан иссиқсевар ва иссиққа чидамли бўлади.

Ўруғлари жуда секин, яъни экилгандан 8—12 кун ўтгач униб чиқади. Қалампир — ёруғликсевар ўсимлик. Ёруғликнинг етишмаслиги кам мева тузишига ва ҳосилдорликнинг кескин пасайишига сабаб бўлади.

Бақлажон қалампир ва помидорга қараганда иссиқни кўпроқ талаб қиласди, унинг ўсув даври бирмунча узун. Уруғи 13—14° температурада уна бошлайди. Уруғнинг униб чиқиши, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун энг қулай температура 20—30° ҳисобланади. Температура 20° дан паст бўлгацда гулларнинг уруғланиши ва меваларининг ўсиши тўхтаб қолади, 15° дан паст температурада эса гул ва тугунчалари ёппасига тўкилиб кетади. Температура 1° га яқинлашганда ўсимликлар ногуд бўлади.

АГРОТЕХНИКАСИ

Бақлажон ва қалампир агротехникиси кўп жиҳатдан бирбирига ўхшайди. Алмашлаб экишда, одатда, улар илдизмевалилар, пиёс, полиз экинлари ёки карамдан кейин помидор билан бир далага жойлаштирилади. Бир участкага сурункасига бақлажон ва қалампир экилаверса ёки улар фақат помидор билан навбатлаб экилса, бундай ҳолларда сўлиш касаллиги авж олади. Бақлажон ва қалампирлар (айниқса, чучук қалампир) унумдор ерга талабчан. Бу экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун ерга органик ва минерал ўғитлар солиб туриш зарур. Узбекистонда кузги шудгорлаш пайтида ҳар гектар ерга 20—30 т гўнг, 3—4 ц суперфосфат солиш, ўсув даврида эса гектарига 80—100 кг ҳисобидан аммиакли селитра билан экинларни 1—2 марта озиқлантириш тавсия этилади.

Қалампир ва бақлажон, одатда, парникларда ўстирилган кўчватлардан етиштирилади. Уруғлари февраль ойининг ўрталари — мартнинг бошларида парникка сепилади. Қалампирларнинг кечпишар навларини кечроқ, яъни мартнинг ўрталарида, ҳатто охирроғида ҳам экиш мумкин.

Қалампир ва бақлажондан бирмунча мўл ва эртаги ҳосил олиш учун уларнинг кўчватлари диаметри 5—6 см келадиган чиринди-тувакчаларда етиштирилади.

Майсалар 5—6 та барг чиқарганда — апрель ойининг бошлари (жанубий районларда) ёки иккинчи ярмида кўчватлари далага ўтқазилади. Аччиқ қалампирларни, айниқса тезпишар навларини, май ойининг биринчи ўн кунлигига ҳам экиш мумкин.

Қалампир кўчватлари қатор оралари 60—70 см ва туп орала-ри 20—30 см дан қилиб қаторлаб ёки 70×70 см схемада квад-

рат-уялаб әкилади ва ҳар уяды иккитадан күчат қолдириллади. Бақлажон 40—50 см оралық билан қаторлаб ёки 70×70 см схемада квадрат-уялаб әкилади. Қалампирлар ва айниңса бақлажон намга талабчан экин. Бу әкинлар учун тупроқ намлиги дала нам сифимига нисбатан 80% атрофида бўлиши керак. Тупроқда нам етишмаса тугунчалари тўкилиб кетади, ҳосилдорлиги ва меваларининг сифати пасайди. Ер ости суви чукур жойлашган бўз тупроқли ерларда чучук қалампир ва бақлажон ўсув даврида 15—16 марта, аччиқ қалампирлар эса 12—13 марта сугорилади. Мевалари етилаётган ва ёппасига териб олиш олдидан уларни, айниңса, тез-тез сугориб турниш зарур. Кўчатлари далага ўтқазилгандан кейин майсалари ўзини тутиб олгач, қатор оралари биринчи марта юмшатилади (чопиқ қилинади), орадан бир ой ўтгач, экин қатор ораларига иккичи марта ишлов берилади.

Чучук қалампир, одатда, мева туккандан кейин 35—45 кунда техник жиҳатдан етилади. Меваларининг нормал йириклинида ва яшил рангда бўлиши унинг техник жиҳатдан етилаётган белгисидир. Бу даврда у хушбўй ҳид ва ўзига хос чучук мазага эга бўлади.

Овқатга тўла пишган (қип-қизил) меваларни ҳам ишлатилади, лекин бу даврда мазаси нордоп-ширип бўлиб, пўстни дағаллашиб қолади. Ҳосили ҳар 4—5 кунда териб олинади. Етилган мевалари тез-тез териб турнилса, тугунчалари кам тўкилиб, ҳосилдорлиги ошади.

Аччиқ қалампирлар, олатда меваси (уруги) тўла пишган даврда 2—3 марта териб олинади. Сўнгги теришда, яъни совуқ тушиши олдидан пишиб етилмаган қалампирлар ҳам териб олинида ва булар қуритиш пайтида етилади.

Қалампир мевалари банди билан узиб олинади. Чучук қалампирларни узоқ сақлаб бўлмайди, улар терилгандан сўнг тезда тарқатилади. Аччиқ қалампир терилгандан кейин очиқ ҳавода ёки бўш теплицаларда 5—6 кун қуритилади. Буниг учун қалампир мевалари 10 см қалинликда ёйилиб ёки бандидан бақувват ил билан боғлаб шода қилиб осиб қуритилади. Қуритилган қалампирларнинг намлиги 14% дан ошмаслиги керак.

Бақлажон техник жиҳатдан етилганда бирмунча йириклишади, пўстни тўқ бинафша рангга кприб, усти ялтираб туради. Айни шу вақтда мевасининг эти позик, тахирсиз ва уруғи қотмаган бўлади. Пишиб кетган бақлажоннинг ранги оқара бошлайди. Бақлажон ҳосили 5—7 кун оралатиб банди билан узиб олиниади. Совуқ тушиши олдидан ҳосилшинг ҳаммаси, жумладан, тузлашга кетадиган майдо, пишиб етилмаганлари ҳам йиғиб олинади. Бақлажонни узоқ сақлаб бўлмайди, иссиқда у айниңса тез бузилади. Шунинг учун меваси узилгандан кейин 2—3 кун ичига тарқатиб бўлинishi керак.

Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг тажрибаларига қараганда, бақлажонни полиэтилен идишларга солиб холо-

дильникларда (2—5° да) 15—20 кун ва ундан ҳам күпроқ вақтгача сақлаш мумкин.

Бақлажон ҳар гектар ердан 200—250 ң, чучук қалампир 100—120 ң, аччиқ қалампир эса 20—30 ң дан (қуритилган) ҳосил беради. Тошкент обlastидаги «Янги йўл» совхозида бақлажондан йил сайин мўл ҳосил етиштирилади. Масалан, 1968 йили шу совхозда 7 га ернинг ҳар гектаридан 398 ң, 1969 йили 410 ң ва 1966 йили 3 га майдоннинг ҳар гектаридан 760 ң ҳосил олинган. Наманган обlastидаги Тельман номли колхозда аччиқ қалампирдан йил сайин гектарига 35—40 ң ҳосил етиштирилмоқда.

Чучук қалампир ёзги иссиқ пайтларда сақлагандан 15—20 куниёқ товар сифатини ва озиқлик қимматини бутунлай йўқотади, бунинг оқибатида витамин С парчаланиб кетади. Холодильникларда фойдали паст температурада сақланганда қалампир таркибидаги витамин С жуда секинлик билан парчаланди ва уларни 60—70 кунгача, баъзан бундан ҳам күпроқ сақлаш мумкин. Сақлаш шароитининг қалампир таркибидаги витамин С миқдорига таъсирини Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг сабзавотчилик кафедраси маълумотларидан ҳам яққол кўриш мумкин:

Сақлаш усули	Сақлаш давомийлигига қараб қалампир таркибидаги витамин С миқдорининг ўзгариши, мг %						
	12 соат	24 соат	2 сутка	4 сутка	8 сутка	15 сутка	20 сутка
Совитилмайдиган омборларда сақланганда	175	160	130	126	100	80	60
Холодильнике 3—5° С да сақланганда	200	190	170	160	150	120	100

Шунинг учун чучук қалампирни териб олингандан кейин 2—3 кундан кечиқтирасдан истеъмолчиларга жўнатиш ёки холодильникларда наст температура (2—3°) да сақлаш керак. Қалампирни оғзи болганимаган полиэтилен қопларда сақлаш ҳам яхши патижга беради.

Яхши қуритилган аччиқ қалампир оддий омборхоналарда сақланади.

ҚАЛАМПИР ВА БАҚЛАЖОН УРУГЧИЛИГИ

Ургулек бақлажон ва қалампир агротехникаси озиқ-овқат мақсадлари учун ўстириладиган бақлажон ва қалампир агротехникасидан фарқ қилмайди. Бироқ, ургулек участкаларни бир-биридан атрофи иҳоталашган жойларда 500 м, очиқ жойларда эса 1000 м парида бўлиши керак.

Экинлар ҳосили етилиш олдидан апробация қилинади ва нав жиҳатдан тозалаш ўтказилади, бунда касалланган, кам ҳосил, шу навга хос бўлмаган ўсимликларнинг ҳаммаси юлиб ташланади. Уруғлик қалампир ва бақлажон мевалари тўла етилгандагина, яъни мавжуд нав ўзига хос тусга киргана йиғиб олилади. Бунда тўла етилган, яхши ривожланган ҳамда шу навнинг ўзига мансуб тўғри, типик шакл ва раңгдагилари териб олнади.

Бақлажон, одатда бир марта гина, сентябрнинг охирида йиғиб олинади. Йиғиб олинган мевалар тўла етилиши ва юмшаши учун бир неча кун уюмларда сақланади. Шундан кейин улар корнерезка (илдизкескич) ва дробилкадан ўтказилиб, бочкага солинади ҳамда унга бир оз сув қўшиб 2—3 кун давомида ачи-тилади. Сўнгра, уруғлар қирғич-машинада турпидан ажратиласди, ювилади ва қўритилади. 1 т ҳўл мевадан 2—3 кг уруғ чиқади. 1 га дан 1—1,5 ц, Тошкент областидаги илғор хўжаликларда эса («Янги йўл» совхози, «Қизил Узбекистон» колхози ва бошқа хўжаликларда) 2—2,5 ц уруғ олинмоқда.

— Уруғлик чучук қалампир етилишига қараб август — сентябрь ойларида 2—3 марта йиғиштириб олинади. Биринчи теримдаги мевалардан чиққан уруғлар энг яхши ҳисобланади. Уруғлик қалампирнинг бир йўла ҳаммаси териб олинадиган бўлса, пишнб ўтиб кетган мевалардан олинган уруғ унувчалигини йўқотади. Уруғни механизмлар ёрдамида ажратиш учун қалампир мевалари силосорезка ёки корнерезкадан ўтказилади ҳамда майдалangan масса эланади. Шундан кейин уруғлар ювиб-тозалаб қўритилади. Уруғ қўлда ажратилганда қалампирнинг банд ости айланасига кесилади ва банди билан уруғлар суғуриб олинади, кейин қўритилади ҳамда уқаланиб уруғлари ажратилади. Уруғи қўл билан ажратилган қалампирларнинг пўсти бутун қолади ва улар овқатга ҳамда консервалаш учун ишлатилади.

Аччиқ қалампир уруғлиги одатда бир марта йиғиштирилади. Унинг уруғлари ҳам чучук қалампирники сингари ажратиб олинади.

1 т чучук қалампирдан 4—8 кг, аччиқ қалампирдан эса 10—18 кг уруғ чиқади. Гектаридан олинадиган уруғ ҳосили 2 ц гача боради.

ФИЗАЛИС

Физалис бизда янги резавор сабзавот ўсимлигидир. У Марказий Америкадан келиб чиққан. Физалиснинг уч тури экилиб келаётганлиги маълум.

Перу физалиси (*Physalis peruviana* L.) — жуда кечпишар ўсимлик бўлиб, ўсув даври қарийб 150 кун давом этади. Пояси тик ўсади, сертуқ, меваси майда, оч сариқ раңгли, мазаси нор-доп-чучук.

Ертұтсимон физалис (*Physalis pulegens L.* ѿ) — бирмунча тез-пишар үсимлик, майсалари күрингандан то ҳосили етилгүнча 100—110 кун үтади. Пояси унчалық баланд әмас, ер бағырлаб үсады, жуда сертуқ, гуллари сариқ, үз-үзидан чангланади. Меваси майда бўлиб, кичикроқ конуссимон косачага жойлашган. Мазаси нордон-чучук, ертут мазасини беради.

Мексика физалиси (*Physalis ixocarpa Brot.*) — гулли ва мева-сининг йириклиги ҳамда сиртининг ёпишқоқлиги билан ха-рактерлидир. Совуққа нисбатан чидамли,—2° гача совуққа бар-дош бера олади. Бу экин Тошкент шароитида гектаридан 300 кг ҳосил беради.

Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг ўқув-тажриба хў-жалигида етиштирилган ертұтсимон ва мексика физалислари химиявий анализ қилинганда уларнинг таркибида кўплаб вита-мин ва органик кислоталар борлиги маълум бўлди. Буни қўйи-даги маълумотлардан кўриш мумкин, % ҳисобида:

<i>Физалис турлари</i>	<i>Куруқ модда</i>	<i>Шакар</i>	<i>Кислотали-лчи (олма кислотаси бўйича)</i>	<i>Витамин С, мг%</i>
Ертұтсимон физалиси	14,8	4,3	1,0	60
Мексика физалиси	6,2	2,3	0,46	18

Перу физалиси билан ертұтсимон физалис янгилигига ва қуритилган ҳолда истеъмол қилинади, улардан мураббо ва қиём тайёрланади. Мексика физалиси эса тузлаш, ҳар хил салатлар ва маринадлар, шунингдек кондитер маҳсулотлари тайёрлаш учун ишлатилади.

Физалис иссиқсевар үсимлик бўлиб, намлик ва ернинг унумдорлигига талабчан бўлади. Агротехникаси помидорнига ўхшаш.

Физалиспининг уруғи, одатда, парникка экилади, апрелда ва май ойининг бошларида 70×70 см схема бўйича кўчатлари да-лага ўтқазилади.

Мевалари етилишига қараб йигиб олинади. Териш вақтида косачаси олиб ташланади, акс ҳолда ундаги тахир модда — глю-козид-физалин мевага ўтиб унинг мазасини бузади.

нави поясининг ривожлапмаганлиги ва баъзан уича қаттиқ бўлмаган карам бош ҳосил қиласидиган нозик барглардан тузилган тупбарги (розеткаси) билан бошқа навлардан фарқ қиласди. У турли корейс ва хитой миллый таомларп тайёрлашда ишлатилади.

Карамнинг хўжалик жиҳатдан энг аҳамиятлиси ва энг кўп тарқалган тури оддий карам бўлиб, у карам экилган жами май-доннинг 99% ини ташкил қиласди.

ОДДИЙ КАРАМ

БОТАНИК ТАЪРИФИ

Оддий карам (*Brassica capitata* Lizg.) ҳаётининг биринчи йили пастбўйли (15—30 см), ўйон ва сербарг поя (ўзак) ҳосил қиласди, ўзакнинг учидаги карам бош ўралади. *Барглари* йирик, бандли (тупбаргнинг пастки қисмида) ёки бандсиз, турли шаклда ва яшил рангда бўлиб, усти зангори рангдаги мум фубор билан қопланган.

Карам боши жуда катта учки куртак бўлиб, унда келгуси йили гулпоя ва мева органлари ҳосил қилишда сарф бўладиган запас озиқ моддалар тўпланади.


Карам бошининг ўралиши қуидаги тартибда боради. 10—20 та эркин барг пайдо бўлгандан кейин, яъни карам экилганидан 2,5—3 ой ўтгач, янги пайдо бўлаётган барглари ярим букилган ҳолича қолаверади. Бу ҳол карамнинг бош ўрай бошлиши пайти деб аталади.

Карам бошининг сўнгги ўсиши ички томонидан янги барглар чиқиши ҳисобига боради. Ички барглар ташқи баргларни атрофга итариши натижасида карам боши тобора зичлаша боради.

Карам бошининг зичлашиши унинг техник жиҳатдан етилганлигидан дарак беради. Баъзан, ичкаридан пайдо бўлган баргларнинг кучли итариши туфайли капам бошлари ёланни тутади. Оддий карам таркибида озиқ моддалар ва витаминлар нисбатан кам бўлади. Гулкарам ва айниқса брюссель карами таркибида азотли моддалар ва витаминларнинг анча кўплиги билан бошқа карамлардан фарқ қиласди. Колъраби карам шакарга бой, бу унга ширин маза бераб туради.

Оддий карам овқатга тузланган ҳолда ва янгилигича ишлатилади. Қизилбош карам эса узоқ вақт сақланиши билан бошқа карамлардан фарқ қилганлигидан, кўпинча ундан янгилигига салат тайёрлашда фойдаланилади. Гулкарам серэт «бош» (етилмаган тўпгул) ҳосил қиласди. Овқатга қайнатилган, қовурилган ва баъзан сиркалган ҳолда ишлатилади. Гулкарам ажойиб парҳез маҳсулот.

Колъраби шарсимон поя-мева ҳосил қиласди. У янгилигича, қайнатилган ва димлаб пиширилган ҳолда истеъмол қилинади. Таркибида витаминларнинг кўплиги ва эрта пишарлиги туфай-



72- расм. Карам илдизлари.

1 — кўчатдан ўстирилган; 2 — уруғи бевосита далага экиб ўстирилган.

ди. Уруғ олиш учун иккинчи йили ўстирилган ўсимлик **уруглик** деб аталади.

Карамнинг гули шингилсизмон тўпгулдир. Гули сариқ, тўртта гултожибаргдан иборат, қўш жинсли. Ўсимликнинг гуллаш даври навига қараб 20—50 кун давом этади. Битта гулининг гуллаш даври тахминан уч кунга боради.

Карам четдан чангланадиган ўсимлик. Унинг чанги ҳашаротлар, асосан, асаларилар, қисман эса шамол ёрдамида бир гулдан иккинчи гулга ўтиб туради. Уруғи уруғлик карам ўтқазилгандан сўнг 3—3,5 ой ўтгач пишиб етилади.

Карамнинг меваси — 20—26 та уруғли кузоқ, пишганда ўз-ўзидан чатнаб кетади. Уруғи бир оз қиррали, думалоқ, ранги ҳар хил — оч қўнғирдан тўқ қўнғиргача товланади, абсолют оғирлиги тахминан 4 г. Унувчанилиги 3—5 йилгacha 85—95% сақларади. Уруғи намланганда шилиқланмайди.

Карамнинг илдизлари дастлаб ўқилдиз тарзида ривожланниб, ундан ён илдизлар таралади. Сўнгра поянинг ер остки қисмида қўшимча попук илдизчалар чиқиб, тез ўсади ва ўқ илдиз ҳамда унинг ён шохларидан ўзиб кетади. Попук илдизлар ернинг устки қаватида бир-бирига чатишиб кетган фуж илдизлар ҳосил қиласди. Карам бевосита уруғдан ўстирилганда ил-

дизи ерга 1 м ва ундан күп, күчат қилинганды эса 70—80 см гача чуқурлукка кириб боради (72- расм).

Қарам поясининг ерга яқин қисмидан илдиз чиқариш хусусиятига эга. Шунинг учун чопиқ қилинганды уни чуқурроқ күмганды маъқул, чунки қарамнинг ерга кўмилган қисмидан янги қўшимча илдизлар ўсиб чиқади. Натижада илдизларниң умумий кўлами ортади. Қарамнинг илдизи шинкастлангандада тикланади, шунинг учун ҳам кўчати ўтқазилгандада яхши тутиб кетади.

КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА НАВЛАРИ

Оддий қарам учта кенжада турга бўлинади:

1) *шарқ қарами*, бу ўсимлик йириклиги, поясининг пастлиги ва баргларининг катталиги ҳамда ерга ёпишиб ўсиши, усти қуюқ мум губор билан қоплаиганлиги билан таърифланади. Бу кенжада турга иссиққа чидамли, ўрта ва кечпишар (Ликуришка, Судья ва бошқа) навлар киради;

2) *ўрта денгиз қарами*, қисқа кун, юқори температура талаб қиласиди. Шу сабабли мўътадил иқлимда жуда эркаклаб кетади. СССРда экилмайди;

3) *европа қарами*, ҳар хил муддатда етиладиган, морфологик белгилари турлича бўлгап навларни ўз ичига олади ҳамда соvuққа чидамлилиги, иссиқни унча кўп талаб қилмаслиги, узоқ кунда яхши ўсиши билан бошқалардан фарқ қиласиди. Бу кенжада турга РСФСР ва Ўрта Осиёда тарқалган Слава, Биринчи номер, эртаги Дитмар, шунингдек, қизилбош қарамдан — Тошбош (Каменная головка) ва бошқалар киради.

✓ Қарамнинг энг муҳим нав белгилари:

сиртқи ўзагининг узунилиги: ўзакнинг энг қисқаси (16 см гача), ўртаси (16—20 см) ва узуни (20 см дан ортиқ) бўлади;

ту п баргининг катталиги ва баргининг ер бетига нисбатан қандай жойлашиш (горизонтал, бир оз тик ва ҳоказо) ҳолати;

ту п баргдаги баргининг шакли, катта-кичиклиги, ранги ва мум губорнинг кўп-озлилиги;

қарам бошининг шакли, катта-кичиклиги, қаттиқлиги ҳамда ички ўзагининг узунилиги.

Қарам навлари тез етилишига қараб бир-биридан кескин фарқ қиласиди: эртаги навлар кўчати ўтқазилгандан кейин 2—2,5 ой ўтгач, ўртаги навлар 3 ой ва кечки навлар тахминан 4 ойда етилади, бундан ташқари оралиқ, яъни ўртаги-эртаги ҳамда ўртага-кечки навлар ҳам бор.

Қарам навларининг муҳим биологик ва хўжалик белгиларига — етилганда қарам бошининг ёрилиб кетиш-кетмаслиги, мазаси, узоқ-қисқаси ва қаттиқлиги, яъни қишида сақлашиш хусусияти киради. Қарам боши зич ўраладиган навлар, одатда, узоқ сақланади.

Үрта Осиё республикалари ва Қозогистоннинг жанубида районлаштирилган қўйидаги навлар энг кўп тарқалган. >

Биринчи номер грибовский 147. Эрта экиладиган, тезпишар, серҳосил нав, узоқ жойларга юборишга ўртacha чидамли. Кўчати далага ўтқазилгандан кейин 60—65 кунда етилади. Тупбарглари унчалик фуж эмас, ўзаги ингичка ва қисқа ҳамда карам боши кичикроқ (0,7—1 кг), думалоқ, ўртacha қаттиқ, шунингдек, пишганда ёрилиб кетади (VI рангли таблица).

Дин — зо — сн — эрта муддатларда экиш учун тавсия этилган тезпишар, серҳосил нав. Кўчати далага ўтқазилгандан кейин 55—62 кун ўтгач етилади. Тупбарги кичикроқ, карам боши йирикроқ, аммо боши Биринчи номерга қараганда бўшроқ бўлади.

Слава грибовская 231 ва *Слава 1305* — бир-бирига жуда ўхаш ўртапишар, серҳосил навлар бўлиб, кўчати эрта ва ўрта муддатларда экиш учун тавсия этилади. Бу навлар баргларининг ярим тик ўсиши, тупбаргининг ғужлиги, сиртқи ўзагининг паст бўйли ва ички ўзагининг калта бўлиши, карам бошининг ўртacha қаттиқлиги, пишганда ёрилиб кетиши билан бошқа навлардан фарқ қиласди. Карам бошининг оғирлиги 1,5—2 кг, мазаси яхши, сақланиши ўртacha. Кўчати далага ўтқазилгандан 75—80 кун ўтгач етилади. Уруғи бевосита далага экилганида карам тахминан 100 кунда етилади (VI рангли таблица).

Ликуришка 498/15 ва *Ўзбекистон Ликуришкаси 133* — бир-бирига ўхаш нав. Бу навлар кечпишар (кўчати далага ўтқазилгандан сўнг 110—120 кунда ёки уруғдан экилган бўлса, 140—150 кун ўтгач етила бошлийди), серҳосил, узоқ жойларга юборишга ва иссиққа чидамли. Ёзда экиш учун тавсия этилади. Тупбарги ўртacha катталиқда, барглари горизонтал ҳолатда жойлашган. Сиртқи ўзаги қисқа, карам боши анча йирик (2—3 кг), яssi — думалоқ, қаттиқ, узоқ сақланади, мазаси яхши.

Ўзбекистон Судъяси маҳаллий Судъя навидан танлаш йўли билан яратилган. Ликуришка навига жуда ўхшайди, лекин ундан ўн кун олдин пишади. Бу нав серҳосиллиги, иссиққа чидамлилиги, яхши сақланиши ва узоққа юборишга яроқлнлиги билан фарқ қиласди. Мазаси жуда яхши (VI рангли таблица). Тоҷикистонда юқорида тасвирланган навга яқин турган *Душанба кечпишари*, Қозогистоннинг жанубида эса *Судъя 146* нави экилади.

Бу кенг тарқалган навлардан ташқари, *Ўзбекистонда Ликуришка навидан яратилган ўртапишар Тошкент 10* нави ҳам районлаштирилган. Бу нав иссиққа ўта чидамли, серҳосил, карамбош ўрами жуда яхши ва бирданига етилади, кўчати далага ўтқазилгандан кейин 90—110 кунида пишиб етилади.

Тоҷикистонда ва *Ўзбекистоннинг жанубий районларидан* кузги ва эрта кўкламги қилиб, асосан, *Дербент қарами* экилади. Бу нав ўта тезпишарлиги ва эркакламаслиги, совуққа чидамлилиги билан бошқа навлардан фарқ қиласди, лекин узоқ жойлар-

га юборишига ва сақлашга унчалик ярамайды. Карам боши кичик, бўш, конуссимон шаклда (73-расм) ва ранги сариқяшил. Ҳосилдорлиги, мазаси ўртacha. Озарбайжонда Дербент карамидан *Кусарчайская ва Ражабли* 104 навлари етиштирилган. Термиз давлат нав синаш участкаси маълумотларнiga кўра ҳосилдорлиги юқори.

Қозогистоннинг жанубий районларида *Багирская, Завадовская, Бузовка* 147 иссиққа чидамли ва кеч етиладигап карам навлари экилади. Қозогистонда қизилбош карам навлари ҳам ўстириллади: булардан *Тошибош* 447 — ўртапишар, узоқ сақланадиган нав. Карам боши унча йирик эмас, думалоқ, қаттпқ. *Гако* 741 — ўртacha кечпишар, сақлашга жуда чидамли; карам боши думалоқ тўйк рангли, ўртacha катталика (VI рангли таблица).

Дурагай уруғлар экилганда карам ҳосилдорлиги бирмунча ошади. Бундай уруғлар олиш учун, одатда, эркин ҳолда қайта чанглаш усули қўлланилади. Чатиштиришга мўлжалланган уруғлик карам навбат билан қаторлаб экилади. Агар унинг биттаси кеч, иккинчиси барвақт гуллайдиган бўлса, кеч гуллайдигани кейингисига қараганда эртароқ экилиши керак. Ҳар бир қайта чанглатилган навнинг уруғи алоҳида-алоҳида йиғилади. Икки навни чатиштириш йўли билан олинган дурагай уруғларнинг фақат биринчи бўғинлари экилади, чунки иккинчи ва ундан кейинги бўғинлар экилса, ўсимлиги хўжалик белгилари жиҳатдан анча нобоп бўлиб чиқади.



73- расм. Дербент карам нави.

БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Оқбош карам совуққа чидамли икки йиллик ўсимлик. Уруғи 4—5° температурада уна бошлайди, температура 15—20° бўлганда эса экилгандан сўнг 3—4 кунда майса чиқаради. Лекин температура юқори ва ёруғлик кам (парникларда) бўлганда карам майсалари бўйига ўсиб кетади. Шу сабабли майса чиққан даврда 6—8° иссиқлик энг қулай температура ҳисобланади. Ўсимликнинг карамбуш ўраши учун энг қулай температура 15—17°дир, лекин бирмунча паст (5—10°) температурада ҳам карамбуш ўсиши ва шаклланиши мумкин.

Паст температураларда чиниқтирилган, яхши илдиз отган карам кўчатлари — 5—6° гача чидай олади, кузги Дербент нав

карам күчтәләри эса температура ҳатто — 10—12° гача пасай-
гандың заарланмайды. Карам ўсимлигининг күпчилик нав-
лары вояга етганды 6—8° совуққа, қисқа муддатта эса ундан
ҳам паст температурага бемалол бардош беради. Далага ўтқа-
зилган уруғлик карамлар 5—7° гача бўлган совуқдан заарлан-
майды.

Ҳаддан ташқари юқори температура карамнинг ўсиши ва
ривожланишига салбий таъсир этади. Суткалик ўртача темпе-
ратура 25° дан ортиб, кундузги температура 30—35° гача бор-
ганды, ўсимликда қуруқ модданинг тўпланиши ва карамбош
ўраши секинлашадп, баъзи навларда эса бутунлай тўхтаб қо-
лади.

Суткалик ўртача температура юқори (25° дан ортиқ) бўл-
ганды уруғлик карам ғовлаб кетади, яъни кўплаб қўшимча ве-
гетатив новдалар чиқаради, баъзан тугин ва гуллари айниб май-
да барг пластинкаларга айланиб қолади. Бунинг натижасида
карамнинг уруғ ҳосили кескин камаяди ёки уруғ бутунлай ҳо-
сил бўлмайды. Биринчи номер типидаги тезпишар карам навла-
рининг гуллайдиган уруғларлари учун юқори температура ай-
ниқса ноқулайдир.

Ўрта Осиё ва Озарбайжоннинг текислик районларида иссиқ-
қа чидамли (Ликуришка, Судья ва бошқа) навлар муваффақи-
ятли ўстиришмоқда. Мазкур павларнинг иссиққа чидамлилиги
анатомик хусусиятлари (эпидермиснинг майда ҳужайралилиги),
офизча тешикчаларининг катталиги, баргларнинг яхши сувлан-
ганилиги ва кечки-салқин соатларда нам тўплашни тиклаш қо-
билияти билан боғлиқ. Иссиққа чидамли навлар куннинг иссиқ
соатларида кучаядиган бирмунча интенсив транспирация билан
ҳам фарқ қиласи (Лизгунова, 1965).

Оқбуш карам унумдор, нам ерларда яхши ўсади. Ўсимликт
намга ниҳоятда талабчанлиги, бир томондан ўсимлик ил-
дизлари юза жойлашганлиги, иккинчи томондан эса сув бу-
флантирувчи барг пластинкасининг катталиги билан боғлиқ.
Аммо ўсимлик ортиқча серсувларни ҳам хоҳламайды. Тупроқ-
нинг ҳаддан ташқари сернам бўлиши ва у билан боғлиқ бўлган
ердаги аэрациянинг ёмонлиги уларнинг ўсишини тўхтатиб қўя-
ди, баргларида антоциан (кўк-бинафша) ранг пайдо бўлади,
карамбошлар бўш ўралади ва ҳосил кескин камайиб кетади.

Оқбуш карам — узун кун ўсимлик. Узун кун шароитида кў-
чатнинг ўсиши ва карамбошлар ҳосил бўлиши, иккинчи йилги
ўсимликларда эса гуллаш ҳамда уруғларнинг етилиши (пиши-
ши) тезлашади.

Карам — ёруғсевар ўсимлик. Ёруғлик кўчат учун айниқса
зарур. Ёруғлик етишмаса кўчат ғовлаб кетади, барглари ва
карамбошлар бўш шаклланади.

Карамбошларнинг шаклланиши барг аппарати — барглар
тупбарги ҳосил бўлгандан кейин бошланади.

Карамбошлар жуда тез ўсади. Тезпишар навларда кўчат

далага экилгандан кейин 100—120 кун ўтгач тўлиқ шаклланади ва етилади. Урта Осиёда СССР ўрта миңтақасидагига қараганда унча қаттиқ бўлмаган ва камроқ вақт сақланадиган қарамбошлар ҳосил бўлади. Тупроқ ҳаддан ташқари сернам бўлса ва ўсимлик азот билан ортиқча озиқлантирилса қарамбош бўшуралади.

АГРОТЕХНИКАСИ

Ер танлаш. Урта Осиёда қарам дарёларнинг қуий террасаларидағи органик моддаларга бой, салқин, сув сифими яхши, торфли-боткоқ ёки қорамтири ўтлоқ ерларда яхши ўсади. Енгил бўз қумоқ тупроқ ва органик моддалари кам қумлоқ ерларга экилган қарам унча яхши ривожланмайди. Шўрланган, боткоқланган ва нордон ерлар қарам экишга унчалик ярамайди.

Алмашлаб экишдаги ўрни. Узбекистонда картошка, бодринг, полиз экинлари ва дон-дуккакли ўсимликлар қарамдан олдин экиладиган энг яхши экин ҳисобланади. Қозоғистоннинг жаңубида олдин экиладиган экин сифатида пиёз, кўк нўхат ва сабзи тавсия этилган (Романов, 1968).

Қарамни қарам ёки крестгулдошларга мансуб илдиз мевалар ўрнига экиш ярамайди, қарам экилган ерга орадан камида З йил ўтгандан кейин яна қарам экиш мумкин.

Кечки қарамни эртаги картошка, сабзи, бодринг, кўк нўхат, ош лавлагидан бўшаган ерларга такрорий экин сифатида экиб, бемалол ҳосил олиш мумкин.

Ўғитлаш. Қарам ердан озиқ моддалар олиш ва ўғитга талаб-чанлиги жиҳатидан сабзавот экинлари орасида биринчи ўринда туради. В. И. Эдельштейннинг маълумотига кўра (1953), қарам гектаридан 500 қг ҳосил берганда ердан 150 кг азот, 50 кг фосфор ва жуда кўп (222 кг) калий олади. Урта Осиё тупроғи қалий билан нисбатан яхши таъминланган, шунинг учун бу ерда қарам учун биринчи навбатда азотли ва фосфорли ўғитлар аҳамиятлидир (49- жадвал).

49 - жадвал

Ўғитларнинг қарам ҳосилига таъсири, га/ц

Тажриба ўтказилган жой	Тупроғи	Ўғит со-линимаганда	N	NP	NPK
Шредер номидаги Боефорчиллик, узумчилик институти Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошка-чилик ИТИ	Типик бўз тупроқ Қорамтири ўтлоқ тупроқ	353 — 192	— 339	531 447	541 424

Минерал ўғитлар аралашмасида азот кўп бўлиши керак. Бу авторнинг Тошкент яқинидаги типик бўз тупроқли ерларда ўтказган тажрибасида яхши ифодаланган. Тажрибада фосфор ва калий фонида (гектарига 100—120 кг) азотни ҳар хил нормада солиб, ўғитлашнинг карам ҳосилига таъсири ўрганилганда натижа қуйидагича бўлди.

Азот нормаси, га/кг	Ўғит солинмаганда	60	120	180
Карам ҳосили, га/ц	375	431	463	476

Карам ўғитларга, айниқса, янги гўнгга талабчан ўсимлик, шунинг учун ҳам гўнг билан ўғитлаш кенг миқёсда расм бўлган. Карамнинг ердан жуда кўп миқдорда озиқ моддалар олиши ва унинг ўғитга анча талабчанлигини ҳисобга олиб, карам эквидиган ерга органик ва минерал ўғитлар катта нормада солинади.

Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ ҳар гектар ерга 5—6 ц дан аммиакли селитра, 7—8 ц дан суперфосфат ва 1,5—2 ц дан калий тузи солишини тавсия қиласди. Органик ўғитлар минерал ўғитлар билан аралаштириб, яъни ҳар гектарга 20—25 т гўнг ёки компост, 3—4 ц дан аммиакли селитра ва суперфосфат солингани майқул. Гўнг, калий ҳамда фосфорли ўғитларнинг асосий қисми (2)(3) ерни ҳайдаш олдидац, азотли ўғитларнинг бир қисми экиш олдидац ва бир қисми ўсув даврида қўшимча озиқ тариқасида берилади. Биринчи озиқлантириша азотли ва фосфорли ўғитлар, кейингиларида эса фақат азотли ўғитлар солинади. Эртаги карам бир-икки марта, кечки карам эса икки-уч марта озиқлантирилади.

Қўчат ўтқазиш. Карам, одатда, далага қўчат қилиб ўтқазилиди, камдан-кам ҳолларда бевосита уруғи экиласди. Эртаги карам қўчатлари иссиқ ва илиқ парникларда етиштирилади. Бунинг учун уруғ декабрь ёки январь ойларида сепилади, лекин, ҳосилини эртароқ етиштириш учун қўчатлар чиринди-тувакчаларда етиштирилади.

Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИнинг кўп йиллик тажрибаларига кўра, чиринди-тувакчаларда ўстирилган қўчатлардан етиштирилган карам ҳосили одатдагига қараганда 2—3 ҳафта олдинроқ етилади ва нисбатан мўл ҳосил беради.

Эртаги карам қўчатларини етиштириш учун уруғ март-апрелнинг бошида совуқ парникларга сепилади ва қўчатхоналарга пикировка (расад) қилинади.

Езги муддатларда экишга мўлжалланган кечки карам қўчатлари, кечки карам экшиладиган участка яқинидаги қўчатхоналарда, кичик поллар ёки эгатларда ўстириллади. Бунда уруғ май ойининг ўрталаридан то июннинг ўрталаригача экиласди (пикировка қилинмайди). Одатдагига етиштирилган қўчатлар 4—5 та,

тұвакчада ўстирилғанлари эса 5—7 та чинбарг чиқарганида далаға ўтқазилади.

Ез бошида карам ҳосили олиш учун күчат февраль охири — март ойида далага ўтқазилади. Үрта Осиёнинг жанубида эса кузда — ноябрь ойида ҳам экиш мумкин. Эрта баҳорда экиш учун энг әртапишар навлардан, масалан, Биринчи номер, кузда экиш учун эса Дербент навидан фойдаланилади.

Плёнка остида ўстирилған әртаги карам ҳам яхши натижалар беради. Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистон хўжаликлари-нинг тажрибаси плёнка остида етиширилған әртаги карам күчатларини февраль бошларида, одатдаги муддатдан 2—3 ҳафта олдин экиш билан анча эрта ҳосил олибгина қолмай, балки бирмунча юқори ҳосил олиннишини ҳам кўрсатди (50- жадвал).

50 - жадвал

Плёнка остида етиширилған карам ҳосилдорлиги
(Қозоғистон ССР, Чимкент область, Ленин номли совхоз,
Б. Гажиев маълумоти, 1969).

Кўрсаткичлар	Ўстириш усуслари	1966 й.	1967 й.	1969 й.
Ҳосилни йигиб олиш даври	Очиқ ер (дала) да	27. V—20. VI	1—25.VI	25.V—20. VI
—,,—	Плёнка остида	11—30. V	16.V—I.VI	12—25.V
Ҳосили, га/ц	Очиқ ерда	129,4	168,8	125,8
—,,—	Плёнка остида	320,0	208,0	243,9

Тошкент обласидаги «Қорасув» совхози ва бошқа хўжаликлар кузда ўтқазилған карам кўчати устини ёпиш учун ёруғликни яхши ўтқазадиган шаффофф плёнкалардан муваффақиятли фойдаланмоқда.

Үртаги карам кўчатлари апрель-май ойининг бошларида далаға ўтқазилади. Бу муддатлarda экиш учун Слава 1305, Тошкент 10, шунингдек, Багирская ва Ликуришка навлардан фойдаланиш тавсия этилади. Үрта муддатлarda экилған карамларга шира тушади, ўсимлик юқори температура таъсирида уринади, шунингдек учун ҳам карам бошлари яхши ўралмайди ва ҳосили ҳам нисбатан кам бўлади.

Кечки карам кўчатлари июнь ойининг охири — июлда ўтқазилади. Ёзда экиш учун Ликуришка, Судъя, Қозоғистоннинг жанубида эса Завадовская ва Багирская нав карамлар тавсия этилади.

Әртаги карам, одатда, сугорилған участкаларга экилади, баъзан сугормай, ёмғирдан кейин ҳам ўтқазилади.

Карам кўчати кеч кўкламда ва ёзги муддатлarda экилганда, дала кўчат ўтқазишдан олдин ҳам, кейин ҳам сугорилади, кў-

чатлар ўзини тутиб, ўса бошлагунча яна икки-уч марта сув берилади.

Карам бошлары майды, тезпишар пав карам күчати қатор ораларини 70 ёки 60 см ва туп ораларини 25—30 см, карам бошлари йирик, кечпишар павлар күчати қатор орасини ҳам, туп орасини ҳам 70 см дан қилиб экилади. Күчат ўтқазишида ўсимликнинг учки куртаги («юракчаси») тупроққа кўмилиб қолмаслигига эҳтиёт бўлиш керак (74- расм).



74- расм. Тўғри (б) ва нотўғри ўтқазилган карам кўчатлари: ҳаддан ташкари чуқур (а) ва жуда юза (б) экилган.

Кечки карам кўчат қилингандан бир неча кун (5—7 кун) ўғач, хато жойлар бўлса, ўрнига янгидан кўчат ўтқазилади. Ўртаги ва айниқса, эртаги карам кўчатлари, одатда, яхши тутиб кетади, шунинг учун қайта экишга эҳтиёж қолмайди.

Экинни парвариш қилиш. Карамдан мўл ҳосил етишириш учун карам экилган ернинг нами дала нам сифимига нисбатан 80% дан кам бўлмаслиги керак. Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ ининг ўтқазган тажрибаларида, кечки карам ҳосили карам бош ўрай бошлагунча ва ўрай бошлагандан кейин тупроқ намлигига қараб қўйидагича бўлган, га/ц:

Тупроқ намлиги, дала нам сифимига нисбатан, %	ѓртма- ча	Агро- фон юқори
70—70	367	437
70—80	428	484
80—80	464	517

Академик Р. Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ИТИда автор томонидан ўтқазилган тажрибаларда бўз тупроққа экилган кечки карам ўсув даврида 12 марта суғорилганда (мавсумий суғориш нормаси 9300 м^3) энг юқори ҳосил олинди.

Сугориш сони

	6	9	12	15
Хосил, га/ц Карам бошининг ўртача оғирлиги, кг	396 3,3	463 3,8	559 4,5	473 3,9

Шу тажрибада ўсимлик сувга қондирилмаганда карам бошлар яхши ўралмаган, ундаги чиқинди — кўк барглари ва карам бош ўрамаганлари кўп бўлган. Сувга қонмаган карамининг сифати ҳам анча паст: карам боши бўш, таркибида шакар ва витаминалар кам бўлади. Бироқ, юқорида айтилганидек, тупроқнинг ҳаддан ташқари сернамлиги ҳам карамга ёмон таъсир қелади: карамбош ёрилиб узоқ сақланмайди, ҳосили камайиб кетади. Карам ўсимлигини неча марта сугориш ва сугориш муддати кўчат ўтқазилган вақт ҳамда тупроқ шароитига, жумладан, ер ости сувларининг қандай чуқурликда жойлашганига қараб белгиланади (51- жадвал).

51 - жадвал

Ўзбекистоннинг марказий районлари учун тавсия этилган сугориш режими

Карамлар	Ер ости сувининг жойлашни чуқурлиги	Сугориш сони	Сугориш нормаси, га/н ²	Максумий сугориш нормаси, га/м ²
Эртаги	1 м гача	5	600	3000
	1—2 м	7	600	4200
	2 м дан чуқур	9	700	6300
Ўртаги	1 м гача	6	600	3600
	1—2 м	8	650	5200
Кечки	2 м дан чуқур	11	650	7150
	1 м гача	7	700	4900
	1—2 м	9	700	6300
	2 м дан чуқур	13	700	9100

Туркманистоннинг жанубий районларида (Ашхобод, Кўкте-па воҳалари) эртаги карамни 14 марта, ўртагисини 18—19 марта ва кечкисини 16 марта сугориш тавсия этилади. Бунда ҳар галги сугоришда гектарига — 700 м³ ҳисобидан сув берилади. Қозогистоннинг жанубида эртаги карам 6—7 марта, кечкиси 12—13 марта сугорилади.

Карам ўсимлиги кўчат ўтқазиш, илдиз ва карам бош ўраш вақтида сувни, айниқса, кўп талаб қилади. Лекин эртаги карам ўсув даврининг биринчи ярми баҳорнинг салқин ҳамда тез-тез ёғингарчилик бўлиб турадиган даврига тўғри келганлиги учун сугориш, одатда, апрель ойининг иккинчи ярмидан бошланади.

Карам бошлари шаклланыптаётган ва ишиш даврида экинни тез-тез, ҳар 6—8 кунда сугориб туриш лозим.

Кечки карамни сугориш күчтөрүп шаклланыптаётганда барлык бошлар нади. Ер ости суви чуқур жойлашгандай бўз тупроқли ерларга экинни тез-тез, ҳар 6—8 кунда сугориб туриш лозим.

Температура юқори бўлган пайтларда, ҳавони салқинлатиш учун экинларни сунъий ёмғирлатиб сугориш катта аҳамиятга эга. Ёмғирлатиб сугориш йўли билан ўсимлик атрофидаги температурани пасайтириш, ҳаво шамлигини ошириш ўсимликнинг ассимиляция шароитини яхшилади, карам бошлар шаклланишини тезлаштиради ва ҳосилдорликни сезиларли даражада оширади. Тошкент областидаги илфор хўжаликлар тажрибаси ҳам шундан далолат беради. Масалан, Тошкент область Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхозда 1967 йилда оддий усулда сугорилган участкаларнинг ҳар гектаридан 221 ц. қўшимча равишда ёмғирлатиб сугорилган далалардан эса 333 ц карам, 100 мондаги иштиреке оширган. Тоҷикистондаги И. В. Мичурин номли боғдорчилик институтида ўтказилган тажрибаларда ҳам ёмғирлатиб сугориш ижобий натижалар берди (Земан ва Ярмолинский, 1960). Шунинг учун эртаги карамни эгатлаб сугоришдан ташқари ёзнинг иссиқ пайтларида қўшимча равишда бир — уч марта ёмғирлатиб сугориш тавсия этилади.

Экинга дастлабки ишлов беришда экин қатор оралари культиваторлар билан 5—6 см чуқурликда юмшатилади. Кейинги ишлов беришда эса юмшатиш чуқурлиги аста-секин оширилиб 10—12 см га етказилади. Карамбошлари шаклланана бошлаб, ўсимлик барглари ўсиб кетиб, культиватор ўтишига халақит бера бошлаганда ишлов тўхтатилади. Экин қатор ораларини юмшатиш кўшишча чопиқ қилиш ва озиқлантиниши билан бир вақтда олиб борилади.

Қатор ораларини юмшатиш, ўсимликнинг ер устки қисмларидаги кўшишча илдизлар ҳосил бўлнишига ундаиди ва у жуда бақувват бўлади. Эртаги карам кўчатларни илдиз олгандан кейин бир марта, кечкинин эса икки-уч марта чопиқ қилинади. Бегона ўтларга босган ва тупроғи жуда зинчлашиб кетган участкаларда экин қатор ораларини механизация ёрдамишда юмшатишга кўшимча қилишиб кетмоша чопиқ ҳам қилинади.

Бегона ўтларга қарши рамрод препаратининг 65% ли намланувчи порошоги (гектарига 7—10 кг) сепиш тавсия этилади. Бу препарат бир йиллик begona ўтларга қарши кўчат ўтқаз-

гунча сепилади. Семерон — 25% ли намланадиган порошок, күчтөрдөн үтқазилғандан кейин 1—2 ҳафта үтгач, гектарига 1,6—2,5 кг ҳисобидан ерга солинади. Иккى паллали бегона үтларга қарши сепиш яхши самара беради. Натрий трихлор ацетат — 78% ли сувда эрийдиган порошок, күзде гектарига 23—28 кг ҳисобидан сепилади. Тажрибада ишлаб чиқаришда құлланыш учун 80% ли намланадиган дифенамид порошоги тавсия этилади. Буни майсалар күрингүнга қадар гербицид сифатда бир йиллик бегона үтларга қарши гектарига 5—10 кг ҳисобидан құлланылади. Трефлан — 25% ли эмульсиялы концептрат (гектарига 4—8 кг) күчтөрдөн үтқазгунга қадар солинади, лекин тупроққа күмніш шарт, албатта.

Касаллуклар ва зааркунандалар. Парникларда карам күчтегінде күпинча қора соң билан касалланади, бу касаллукның құзғовчиси тупроқда ривожланувчи замбуруғ ҳисобланади. Касаллук белгилари — поянинг қуи қисми қораяди ва ингичкалашади. Қураш чоралари — ТМТД нинг 50% ли препаратини ($50 \text{ г}/\text{м}^2$ ҳисобидан) парник тупроғига солиши ва уругларни ТМТД (1 кг ига 8 г) ёки гранозан (1 кг урукқа 3 г) билан дориланади.

Сохта үн-шудринг касаллиги — етук ўсимликтерни ва сақланыётган карамбошни заарлайдын замбуруғ касаллиги. Пастки қисмінде оқиши губор пайдо бўлади, сўнгра эса барглар сарғайиб, қуриб қолади. Сохта үн-шудринг касаллигига қарши намланган уруғни $48—50^\circ$ температурада 20 минут давомида қиздирилади, карам күчтари 50% ли ТМТД ёки олтингугуртчи оҳак аралашмаси билан ишланади ва уруғликлар 10% ли бордо суюқлигига клейстер ($0,5—1\%$) қўшиб пуркалади.

Томирли бактериоз — бактериал касаллук, ундан барглар сарғаяди ва нобуд бўлади. Далада, айниқса, ўрта муддатларда экилган участкаларда, баъзан эса парникларда экинларни кучли даражада заарлантитрадиган бу касаллукка қарши уруғлар (1 кг ига 4 г) гранозан билан дориланади ёки $48—50^\circ$ гача иситилган сувда 20—30 минут сақланади.

Зааркунандалардан *шира (бит)*, *карам пашиаси*, *куя*, *карам капалаги* ва крестгулдошлар бургалари карам ўсимлигига, айниқса, катта заар етказади. Ширага қарши ўсимликка антимоний-сульфатга (гектарига 0,9—1 кг) совун қўшпб пуркалади. Карам куяси, капалаги, карам хасваси ва карам пашиасига қарши ўсимликка хлорофоснинг 2% ли эритмаси сепилади. Хосилни йигиб-териб олишга 20 кун қолгаңда дорилаш тўхтатилиади. Крестгулдошлар бургалари ва карам пашишларига қарши парниклардаги ва даладаги күчтатлар (үтқазилғандан кейин 20 кун үтгач) гектарига 10—25 кг ҳисобида ГХЦГ нинг 12% ли дустрий билан чангланади.

Кузги карам ўсимлигининг хусусиятлари. Сўнгги йилларда одатдаги баҳорда экишга қараганда 2—3 ҳафтада илгари ҳосил олишга имкот берадиган кузги карам экиш

тобора кенг тарқалмоқда. Кузги экиннинг афзалиги яна шундаки, бунда кўчат тайёрлаш учун иссиқ парниклар талаб қилинмайди, чунки кўчатлар совуқ кўчатхоналарда етиширилади. Кузги карам Озарбайжонда ва Қримнинг Жанубий қирғоғида, жанубий районларда, айниқса кўп экилмоқда. Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг аспиранти И. Тўхтаназаровнинг (1973) Тошкент облассы «Қизил Ўзбекистон» колхозида 1972—74 йилларда олиб борган тажрибалари, Дербент, Амагер сингари совуқга чидамли ва кам эркаклайдиган баъзи бир навларни Ўзбекистоннинг марказий районларида қишида очиқ ерда ҳам ўстириш мумкинлигини кўрсатади. Бироқ, плёнка остида ўстирилган карамдан анча эртаги ва бирмунча юқори ҳосил олиниади, бундан ташқари қишида қор кам ёқсан пайтда бўладиган қора совуқ таъсирида майсаларни совуқ урмайди. Буни қуийдаги маълумотлардан кўриш мумкин.

Кузда экилган карам навларидан олинган ҳосил, г/ц:

	<i>Дербент</i>	<i>Амагер</i>	<i>Судъя</i>
Плёнка ёпилмаганда	180,3	242,2	Ёппасига эркаклаб кетган
Плёнка ёпилганда	204,0	280,3	330,1

Плёнка остида карамнинг жуда эрта етилиши ва эртаги маҳсулотга реализация баҳолари анча юқори бўлиши, плёнкалардан фойдаланган ҳолда кеч кузда карам экиси иқтисодий жиҳатдан ўзини тўлиқ оқлайди ва ҳозир Ўзбекистонда, шунингдек, Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари ҳамда Озарбайжонда ишлаб чиқаришга муваффақият билан жорий этилмоқда.

Кеч кузда экиш учун совуқга чидамли, кам эркаклайдиган навлардан фойдаланилади. Ўзбекистон ва Тожикистанда — Дербент ва Кусарчай; Озарбайжонда — Ражабий 104, Подарок, Зимняя грибовская 2176, Заводская 257/2663, маҳаллий Апшерон, Дербент, Кусарчай (Бадаев, 1970, Алиасқар-Зода, Алиризаев, 1973); Қримда Бычье сердце (Хўқиз юраги), Дербент, Капорка, Одесская К — 2023 навлар тавсия этилган.

Кузги карам кўчатлари очиқ ердаги эгатларда ёки совуқ кўчатхоналарда ўстирилади. Кўчатларниң эркаклаб кетиш эҳтимолини ва қиши давомида ўсимлик бир қисмининг нобуд бўлишини ҳисобга олиб, баҳорда экиш учун мўлжалдагидан 25—30% ортиқроқ кўчат тайёрланади. Кўчатхоналарга уруғ сентябрнинг иккинчи ўн кунлигига-октябрь бошларида экилади. Кўчатлар 4—5 та барг чиқарганда — октябрь охири-ноябрнинг биринчи ярмида далага экилади. Кўчат ўтқазиш учун енгил, аммо унумдор тупроқли, совуқ шамоллардан ҳимояланган участкалар танланади. И. Г. Капелев (1965) Қримнинг жанубий қирғоғи шароитида кузги карам ўстириш учун ҳосил берадиган токзорлар қатор ораларидан фойдаланишини тавсия этади.

Кузги карам етиширишда, ўсимликнинг совуққа чидамлигини бирмунча ошириш мақсадида кузги шудгорлаш олдидан гектарига 20—30 т органик ўғитлар, 1,5—2 ң фосфор ва 1 ң калий солинади. Кеч кузда экиладиган карамларга азотли ўғитлар солиш тавсия қилинмайди.

Карам кўчатлари қатор ораларини 60—70 см ва қаторлардаги туплар орасини 25—30 см дан қилиб ўтқазилади.

Кузда карам ўсимлиги 2—3 марта сугорилади, совуқ кунлар бошланиши олдидан эса чопиқ қилинади, бу ўсимликларни музлаб қолишдан маълум даражада сақлайди.

Дастлаб экинлар азотли ва азот-фосфорли ўғитлар билан эрта баҳорда (февраль-мартда), орадай бир ой ўтгандан кейин эса иккинчи марта озиқлантирилади. Карамнинг бундан кейинги парвариши ерии юмшатиш, бегона ўтларни йўқ қилиш, сугориш ва эркаклётган ўсимликларни олиб ташлашдан иборат. Қатор оралари юза — 6 см гача чуқурликда юмшатилиши лозим, чунки кеч кузги карамнинг илдизлари юза жойлашган бўлади.

Кишда плёнка остида карам етиширишда, температура 22—25° дан ошиб кетса, тоннелларни очиб шамоллатилади. Эрта баҳорда қаттиқ совуқ бўлиш хавфи ўтгандан кейин плёнкалар олинади.

Кузги карамни кўчат қилмасдан, сентябрь охиринда уругини бевосита далага экиб ўстирса ҳам бўлади. П. Д. Алиасқар-Зода (1974) маълумотига кўра, Озарбайжонда кузги карамни кўчатсиз ўстнриш бирмунча эрта ва юқори ҳосил олишга имкон беради ва кўчат қилиб ўстиришга қараганда меҳнат сарфини кам талаб этади.

КАРАМНИ УРУГДАН ЎСТИРИШ

Карамни уруғдан экишда кўчат етишириладиган жой бўшайди, уруғ бегона ўтлардан тоза ерларга экилганда эса меҳнат сарфи анча тежалади ва маҳсулот таннархи арzonлашади. Бевосита уруғдан ўслан карамнинг илдизи бақувват бўлади, ерга чуқур киради, бу эса ўсимликнинг озиқ ва сув билан таъминланшини яхшилайди.

Тупбаргдан чиққан дағал, қаттиқ барглар ўсимликни карам шираси, карам куяси, гармсел ва қора совуқларга чидамили қиласиди. Кўчат қилмай, уруғдан ўстирилган карамнинг шилиқ бактериоз касаллиги билан кам оғриши ҳам аниқланган. Бевосита уруғдан ўстирилган ўртаги карам ҳосили кўчат қилинган карамникидан қолишмайди, аксинча кўп ҳолларда мўл бўлади. Масалан, Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг сабзавотчилик кафедрасида Биринчи номер эртаги карам нави билан Тожикистон Қишлоқ хўжалик институтининг кечпишар учта навлар билан ўтказгани тажрибаларида карам ҳосилдорлиги қўйидагича бўлган, га/ң:

<i>Биринчи номер</i>	<i>Душанба</i>	<i>Ликуришка</i>	<i>Багирская</i>
Кўчат килиб экилганда Уруғдан экил- ганда	221	274	256
	238	300	265

Туркманистандаги Тошовуз тажриба станцияснда ўтказилган тажрибаларда ҳам кўчат қилиб ўстирилган карамга қарангандар уруғи бевосита далага экилиб ўстирилган карамдан бирмунча юқори ҳосил олинган. Бевосита уруғдан ўстиришинг камчилиги шуки, бунда карам далани узоқ вақт банд қиласди, натижада барвақт ҳосил олиш ва карам экилган ерларга такрорий экин экиш имконияти бўлмай қолади. Бундан ташқари, уруғдан ўстиришда ёш майсалар бирмунча суст ўсади. Шунинг учун ҳам у қатқалоқ ва бегона ўтлардан анча қийиалади.

Урта Осиёда ўртаги карам етишириш учун уруғни бевосита далага экиш тавсия этилади, чунки кўчатидан ўстирилганида карам ширадан ҳамда юқори температурадан заарланади ва кам ҳосил беради. Уруғдан экиш учун ўртапишар (Слава, Тошкент 10) ёки ўртаги-кечишишар — Ликуришка ва бошқа павлардан фойдаланилади.

Экиш учун бегона ўтлардан тоза, яхшилаб текисланган участкалар танланади. Карам уруғи мартнинг иккичи ярми ёки апрелда сугорилган эгатларга қўлда хашжуворларга ёхуд сеялкалар билан экилади ва бир йўла эгат олиб сув гаралади, кўчат экиб бўлингандан кейин эса яна сув қуйилади. Майсаларни тез ва бир текисда қийғос ундириб олиш ҳамда ёш ўсимликлар яхши озиқланиши учун уруғларни дражилаш ёки уларни чиринди билан аралаштириш тавсия этилади (52-жадвал).

52-жадвал

Уруғларни экишга тайёрлаш усулларининг карам ҳосилдорлигига таъсири

(Тожикистон Қишлоқ хўжалик институти маълумоти), га/ц

Нав	Уруғлар			
	Одатдаги (контрол)	Чиринди билан аралаштирил- ган	Дрежиланган	Олатдаги, туп- роқ чиринди билим мулчина- ланган
Тошкент 20	182	232	243	208
Душанба кечкиси . .	152	188	193	172

Экиш нормаси — сеялка билан экилганда ҳар гектар ерга 1,8—2 кг гача уруғ сарфланади. Қозогистон ССРда ишлаб чиқариш шароитида олиб борилган тажрибаларнинг кўрсатпшича, агар уруғлар гранулланган суперфосфат билан 1:5 нисбаси

батда аралаштирилса, экин нормасини 1 кг гача камайтириш мумкин. Уруғ 1,5—2 см чуқурликка күмилади.

Бевосита уруғдан ўстирилаётган карам тунларининг қалинлиги кўчат қилинган карамниги билан бирдек бўлиши лозим.

Туркманистанда (Багир тажриба станциясида) ўртаги карам ораларига иҳота сифатида (кулис) маккажӯхори экилгандага яхши натижаларга эришилди.

Уруғ экилгандан сўнг, то кўкариб чиққуинча, бир-икки марта уруғ суви берилади, дастлабки чинбарг чиқарганда эса биринчи марта ягааланади. Бунда ҳар уяда 3—4 тадан соглом бақувват ўсимлик қолдирилади, каторлаб экилган карамлар букетировка — кўндалашгига культивация қилинади. Букетлардаги ўсимликлар қўлда ягааланади. Ягана қилинда юлиб олинган ўсимликларни уруғи униб чиқмай қолган ерларга ҳам, бошқа жойларга ҳам ўтказиш мумкин.

Майсалар 3—4 чинбарг чиқарганда иккинчи, яъни охириги марта ягана қилиниб, бунда ҳар уяда биттадан ўсимлик қолдирилади.

Бевосита уруғдан ўстирилган карам экипидаги бегона ўтларни ўйқотиш учун майсалар чиқмасдан ер бетига дихлоралььмочевина сепишиг яхши натижка беради. Экин кейинчалик одатдагича парвариш қилинади.

КАРАМНИ ЙИГИБ-ТЕРИБ ОЛИШ

Карамбошларининг зичлашиши ва қаттиқлашиши уларнинг етилганлик белгисидир. Пишиб ўтиб кетган карамбошлари ёрилиб, сифатини йўқотади, сақлаш учун яроқсиз бўлиб қолади. Тезпишар нав карамбошлар айниқса кўп ёрилади, бунинг устига улар баравар етилмаганлигидан йигиб-териш ҳам жуда чўзилиб кетади. Шунинг учун тезпишар ва ўртапишар карамлар етилишига қараб уч-тўрт марта узилади. Ўрта Осиёда эртаги карам ҳосилини йигиштириш, одатда, майнинг ўртаси ёки охирида бошланиб июль ойида тугалланади.

Кечиншар карам навлари кам ёрилади. Шунинг учун улар, одатда, октябрнинг охири-ноябрда бир-икки марта йигиб олиниади. Карамбоши пичноқ билан бандидан кесиб ёки кетмон билан илдизидан чопиб олинади, сўнгра баргларидан тозаланади. Карамбоши шикастланмаслиги учун тозалаш вақтида сиртида икки-уч кўк барги қолдирилади.

Карам чиқиндилари (яшил барглар, пишиб етилмаган карам бошлар) янгилигича ёки силосланган ҳолда молларга берилади.

Ўрта Осиёда эртаги карам ҳосилдорлиги гектаридан 150—200 ц, кечкисиники эса 250—280 ц. Лекин илфор сабзвавоткор хўжаликлар анча юқори ҳосил етиштиromoқдалар. Масалан, 1970 йилда «ЎзССР 50 йиллиги» колхозида ўрта ҳисобда гектаридан 268 ц, илфор бригада ва звеноларда 379 ц карам ҳоси-

ли етиштирилди. 1971 йилда Тошкент обласидаги «Янгийўл» совхозида эса ҳар гектардан 480 ү гача ҳосил олинди. Туркманистан республикасидаги «ТССР 40 йиллиги» ва «Совет Туркманистони» колхозларида 1970 йили эртаги карамнинпг ўртача ҳосили гектар бошига 316,7 ва 366 ү га тўғри келди. Қозогистон ССР, Олмаота обласидаги Мичурин номли колхозда 1970 йилда эртаги карам ҳосили айрим участкаларда гектаридан 477 ва 642 ү га етди.

Карам ҳосилдорлигини ошириш учун, илфор сабзавоткорлар комплекс агротехника тадбирларини қўлламоқдалар, уларда кўчат тайёрлаш, кўчат ўтқазиш қалинлиги ва ўғитлаш ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Олмаота обласидаги Мичурин номли колхозда эртаги карам кўчати чиринди-тувакчаларда етиштирилади, кўчат қалин экилади (гектарига 50—60 минг туп) ва органик-минерал ўғитлар катта нормада солинади.

Эртаги карам асосий ҳосилдан ташқари иккинчи ҳосил бериши ҳам мумкин. Бунинг учун биринчи ҳосилни йиғишида карам бошлари пичноқ билан кесиб олинади, ерда қолган ўзагининг туви юмшатилади ҳамда сугорилади. Натижада, ўзакда қолган барг қўлтиқларидан майдароқ, юмшоқроқ карам бошлари пайдо бўлади. Улардан энг бақувватлари (2—3 таси) қолдирилиб, қолганлари пайдо бўлиши биланоқ кесиб туриласди. Карамнинг иккинчи ҳосили, одатда, гектаридан 30—40 ү дан ошмайди.

Карам, айниқса, уининг кечпишар, сақлашга чидамли навлари бутун қиши давомида яхши сақланади. Урта Осиёда карамлар маҳсус сабзавот омборларида тахланиб ёки тахта плантакалардан ясалган яшик, яшик-катақларда сақланади. Сақлаш учун +1° температура ва 95—96% ҳаво намлиги энг қулай ҳисобланади.

Эртаги карамни йиғишириб олиш ва сақлаш ёэги энг юқори температурага тўғри келгани учун уни сақлаш анча қийин бўлади. Ер устига қурилган ёки сабзавотлар сақланадиган омборхоналарда уининг сақлаш муддати, одатда, 15—20 кундан ошмайди. Шунинг учун эртаги карамни узоқ вақт сунъий совутиладиган сабзавот омборларида пасайтирилган (2—3°C) температурада сақлаш мумкин. «Совуқ» ҳолда сақлагандан одатдаги сақлангандагига қараганда витамин С ва углеводларнинг ўқолиши икки-уч марта секинлашади, вазнининг ўқолиши ва чириб нобуд бўлиши анча камаяди. Сунъий совутиладиган сабзавот омборларида июнда йиғишириб олинган эртаги карамни сентябргача, яъни кеч ёэги муддатларда экилган карам ҳосили узишга етила бошлаган вақтгача сақлаш мумкин.

КАРАМ УРУГЧИЛИГИ

Карамнинг уруғини олиш учун икки йил керак бўлади. Биринчи йили уруғлик — она ўсимликлар етиштирилади. Улар келаси йил гуллаб, уруғ ҳосил қиласди. Карамнинг ўртапишар

ва кечпишар навлари уруғлигини етиштириш агретехникаст озиқ-овқат мақсадлари учун ўстириладиган кечки карам агротехникасидан фарқ қылмайды. Уруғлик участкаларда карам ялпі етилиш пайтида апробация қилинади, сүнгра уруғлик ўсимликлар танланади. Уруғлик учун фақат соғлом, шикастланмаган, карам боши катта ва етук ҳамда нав белгилари анық күрініп турған карамлар танлаб олинади. Танлаб олишган ўсимликлар илдизи билан ковлаб олинади ва яшил барглары 3—4 см узунлукда барг бандини қолдириб кесіп ташланади. Уруғлик карамлар қаттық совуқ тушишига қадар йиғиширилиши зарур, чунки совуқ урган уруғликлар қышда (сақлаш даврида) тез чирийди.


Уруғлик карамлар кеч күзда ёки эрта баҳорда әкілади. Карам кеч күзда, ноябрь ойларыда, совуқ тушишидан олдин ўтқазылади. Жуда эрта (октябрда) әкілған уруғликлар күзда күкапа бошлайды ва қишки совуқдан тез нобуд бўлади. Уруғлик карамни күзда әкишнинг афзаллиги шуки, уларни қишда сақлаш ва шу билан боғлиқ бўлган харажат ҳамда нобудгарчиликдан холи бўлишга имкон беради. Бироқ, Ўрта Осиёнинг шимолий районларида қор кам бўлган қаттық совуқда уруғликларни совуқ урниши ҳам мумкин.

Баҳорда ўтқазилган уруғлик карамлар сабзавот сақланадиган омборларга қурилган панжарали сўқчакларда, мумкин қадар паст температурада ёки упча чуқур бўлмаган тор траншеяларда сақланади. Траншеяларда уруғликлар бир қатор қилиб тик, яъни илдизини пастга қаратиб териллади ва тупроқ билан кўмилади. Баҳорда әкиш олдидан уруғликлар чириган барглардан синчилаб тозаланади.

Уруғликлар баҳорда мумкин қадар барвақт — февралнинг иккинчи ярми-мартиңнинг бошларида ўтқазилиши керак. Экиш муддати кечикириб юборилса, уруғликлар омборда кўп туриб қолиб кўкариб әкиш вақтида ўсимталари синиб кетиши мумкин. Бундан ташқари, уруғлик кечикиб ўтқазилса, иссиқ кунларга қолиб, ўсимликларнинг ер устки қисми илдизига қаранганды тез ўсади, илдизи унга сув етказиб бера олмайди. Бу эса уруғликларнинг побуд бўлишига, қолган ўсимликларнинг ҳосилдорлиги камайиб кетишига сабаб бўлади.

Уруғлик карам әкиш учун ушумдор, бир оз баландроқ очиқ ерлар ажратилади. Уруғлик участкалар атрофи ўров жойларда бир-биридан 600 м, очиқ жойларда эса камида 2000 м нарида бўлиши керак. Уруғлик карамга чириган гўнг (гектарига 40—50 т) ёки минерал ўғитлар солинади. Лекин органик ва минерал ўғитлар аралаштириб солинса, янада яхши натижада. Органик-минерал ўғитлар бевосита уяларга солинса, ундан ҳам самарали бўлади.

Уруғлик карамнинг бутун боши ёки кўпинча барглари кесиб ташланиб, конус шаклида қолдирилган ўзаклари ўтқазилади (75-расм). Карам ўзаклари күзда ёки баҳорда уларни ўтқа-



75 -расм. Уруғлика ўтқазиш учун тайёрлөнгөн карам.

Шунинг учун ҳам, одатда, карамнинг барглари кесилиб, ўзаклари экилади. Баъзи бир майда карам бошли навларгина карам боши билан кўчириб ўтқазилади. Уруғлик учун карамнинг сиртқи ўзагини ҳам экиш мумкин. Бунда карам боши бутунлай кесиб олинниб фақат сиртқи ўзаги ўтқазилади. Аммо бунда уруғ ҳосили кескин камайиб кетади.

Уруғлик карамлар навига қараб қатор оралари 70—90 см, қатордаги туп оралари 60—80 см дан қилиб экилади. Ўзаклар мазкур нав карам бошларига қараганда қалинроқ ўтқазилади. Уруғликни экишдан олдин даланинг узунасига ва кўндалангига қараб маркер билан нишон солинади ва шу нишон чизиги изидан кўндалангига қаратиб чуқур (30 см гача) эгатлар олинади. Уруғликлар эгатларнинг кўндаланг чизик билан кесишган жойида тик ўрнатилиб, илдиэига, ташқи ўзагига тупроқ тортилади ва атрофи қаттиқ босиб зичланади. Уруғликларни плуг билан кўмиб ўтқазиш ҳам мумкин. Бунда карамнинг сиртқи ўзаги тупроқ билан тўла кўмилиши керак.

Кеч кузда ўтқазилган уруғликлар, музлаб қолмаслиги учун устига 8—10 см қалинликда тупроқ тортилади. Баҳорда, қаттиқ совуқлар ўтиб кетгандан кейин, карамбоши билан ўтқазилган уруғликлар устидаги тупроқ олинади, ўзак ҳолатида экилганинг устида эса 1—2 см қалинликда тупроқ қолдирилади.

Карам бошлари баҳорда ўтқазилганида уларнинг тепаси бутга ўхшатиб бир оз кесилади. Бу учки куртакларни ўсиб чиқишини осонлаштиради.

Уруғликларни парвариш қилиш совуқ урган баргларни олиб ташлаш, қатор ораларини культивация қилиш, ўсимлик атрофидаги тупроқни юмшатиш, чопиқ қилиш ва суфоришдан иборат. Ўзбекистоннинг марказий районларидағи сизот сувини

чукур жойлашган бўз тупроқли ерларда уруғлик карамлар бешетти марта, Қирғизистонда эса уч-тўрт марта сугорилади. Карамни ўсув даврининг иккинчи ярмида сугориш айниқса муҳим. Уруғлик карам ўсув даврида бир-икки марта, яъни кўкариш пайтида ҳамда гуллаш олдидан озиқлантирилади. Озиқлантиришда ҳар гектарга 20—30 кг дан соф азот ва фосфор ҳисобидан минерал ўғитлар солинади.

Шамол қаттиқ бўладиган районларда уруғлик карамларни қозиқ ёки шпалерларга тортиб, боғлаб қўйиш тавсия этилади.

Уруғлар июнь-июль ойларида, яъни уруғлик ўтқазилгандан 3,5—4 ой ўтгач пиша бошлайди. Бир туннинг ўзидағи уруғлар турли муддатларда етилади, етилган қўзоқлар ёрилиб, уруғлари тўкилади. Шунинг учун ҳам уруғлар думбуллигида, яъни қўзоқларнинг тўла қуришини кутмасдан, сарғайши биланоқ йиғиб олинади. Уруғлар бир-икки марта йиғиширилади. Бунда уруғпоялар тубидан кесиб олинади ҳамда кичкина-кичкина боғ қилиб боғланади. Аммо уруғи пишиб етилган туп ва шохлари танлаб-танлаб йиғиб олинса, уруғ ҳосили кўп ва сифатли бўлади. Бунда уруғ уч-тўрт марта йиғиширилади. Уриб олинган карам поялари қуритиш ҳамда уруғларини тўла етилтириш учун хирмонга ташиб келтирилади. Уруғликлар бир-бир ярим ҳафта қуритилгандан кейин улар от-улов ёки оддий молотилка билан янчилади. Молотилка билан янчишда барабаннинг айланиш тезлиги минутига 600—700 мартагача камайтирилади. Янчилган уруғлар совурувчи веялка — саралаш машиналарида совурилади.

Ҳосилдорлиги. Ўртacha кечпишар карам навларидан гектарига 4—7 қ дан ҳосил олинади, илфор колхозлар эса 10—12 қ гача ҳосил олмоқдалар.

Тезпишар карам навлари (масалац, Биринчи номер ва бошқаларнинг) уругчилигига Ўрта Осиёда катта қийинчиликларга дуч келинади. Ёзги муддатларда ўтқазилган карамнинг бош ўраши ёзинг айни жазирама иссиғига тўғри келади. Шунинг учун улар бўш, узоқ сақлашга ва ўтқазишга яроқсиз карам бош ўрайди ёки бутунлай ўрамайди.

Шунингдек, иккинчи йилги ўсимликлари ҳам ёзги юқори температурадан жуда қийналиб ўсади, яъни яхши гулламайди ва мева тугмайди. Шу туфайли Ўрта Осиёнинг водий районларида тезпишар карам навларининг уруғ ҳосили жуда кам бўлади.

Эртаги нав карамдан уруғ олиш учун уларни Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг тоғли районларида етиштириш яхши натижада беради, чунки бу жойларнинг температура шароити карамнинг ривожланиши учун анча қулайдир. Масалан, Г. Т. Қаплина ўтказган тажрибаларда Олмаота обlastининг тоғларида Биринчи номер нав карам уруғининг ҳосилдорлиги гектаридан 4,9 қ га етган.


Гулкарам (*Brassica caerulea* Lizg.) — бир йиллик ўсимлиқ. Барглари шакллангандан кейин, қисқа, йўғон, сершоҳ ва серэт поялардан иборат карам бош ҳосил қиласи (76-расм). Кейин, бир қисм шохлар узайиб, ўса бошлайди ва рўваксимон тўпгул, гул ҳамда уруғ ҳосил қилувчи гуллояларга айланади.

Гулкарам уруғи 5—6° температурада упа бошлайди. Унинг униб чиқиши учун эш қулай температура 18—20° ҳисобланади. Карам боши паст температурада (8—12°) анча тез шохлайди, лекин карам бош ўрайдиган шохларнинг ўсиши эса сусайди. Натижада карам бошлар жуда суст шаклланади ва карам бошлари майда, аммо қаттиқ бўлади. Температура 15—18° бўлганда карам бошлари йирик, лекин бўш бўлади. Температура бундан ҳам юқори (18—20°) бўлганда карам боши жуда тез шаклланади, лекин у катта бўлиб, тезда сочилиб кетади. Температура 35—40° гача кўтарилигапда эса ўсимлик мутлақо карам бош ўрамайди.

Ўзбекистонда гулкарамни ўрта муддатларда, ёз бошларидаги ўтқазилганда, унинг ўсув даври ёзги юқори температурага тўғри келиб, карам бош ҳосил қилмасдан ўсади, шу билан бирга, пояси кучли ўсиб, бўйи 40—50 см га етади (77-раем). Карам бошчаларининг шаклланиши фақат куэзи совуқ тушганда бошланади.

Гуллаши ва уруғнипг етилиши учун температура 18—20° бўлиши керак. Суткалик ўртача температура 25° дан ошганда гул фунчлари ҳосил бўлмайди, гул чанги эса уруғлентириш хусусиятини йўқотади. Шунинг учун ҳам жанубий районларда гулкарам уруғи етиштириш анча қийин.

Гулкарам 2—3°, чиниқан кўчатлари эса ҳатто 5° гача соvuққа ҳам чидайди.



76-расм. Гулкарам бошининг кесиб кўрсатилгани.

Тез ўсадиган эртапишар навларда илдизмеванинг ёрилиб кетиши кўп кузатилади.

Сабзи навлари таркибидаги қуруқ моддалар, шакар ва витаминларнинг миқдорига қараб ҳам бир-биридан жуда катта фарқ қиласди. Сабзи ҳашаки навларининг таркиби қуруқ модда ва целлюлозага жуда бой. Каротин сабзининг тўқ сариқ-қизил навлари таркибидаги кўп, сариқ, айниқса, оқ сабзи навларида каротин кам бўлади. Урта Осиё республикаларида районлаштирилган асосий сабзи навларининг химиявий таркиби қўйидагичча (54-жадвал).

54 - жадвал

**Хўраки сабзи навлари илдизмевасининг химиявий таркиби
(Қўйилиқ давлат нав синаш участкаси маълумотларига кўра)**

Навлари	Қуруқ модда-лар, %	Умумий шакар %	Каротин, ме %
Эртагилари			
Мушак 195	12,36	6,46	0,23
Мушаки сурх	13,29	6,98	7,35
Нантская 4	11,83	5,94	5,77
Кечкилари			
Қизил мирзои	11,38	6,07	6,47
Сариқ мирзои	10,86	6,03	0,66
Шантенэ 2461	10,94	5,82	6,22

Урта Осиёда Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ да яхшиланган маҳаллий навлар кўп тарқалган.

Мушак сабзи 195 — тезпишар, ўртача ҳосилли нав бўлиб, қисқа цилиндрический ёки қисқа конуссимон шаклли. Ранги сариқ, ўзаги кичкипа (20—30%), эти позик, серсув, ширин бўлиб, униб чиққандан кейин 80—90 кунда етилади. Сақланиши ўртача. Эркаклаб кетишига мойил.

Кўпинча эртаги қилиб экилади (VII рангли таблица).

Тожикистанда сарғиш-қизил рангли эртаги *мушаки сурх* нав сабзи экилади. Бу сабзи таркибидаги каротиннинг кўплиги (9,8 ме %) билан бошқалардан фарқ қиласди.

Қизил мирзои 228 — жуда серҳосил маҳаллий нав, униб чиққандан кейин 110—120 кунда етилади. Илдизмеваси йирик, учи ўтқир ёки тўмтоқ конуссимон, сарғиш-қизил рангли. Ўзаги диаметрининг деярли ярмини ташкил этади. Яхши сақланади. Асосан ёзги муддатларда экилади. Урта Осиёнинг барча республикаларида ва Қозоғистон ССРДа ўстирилади (VII рангли таблица).

Сариқ мирзои 304 — юқори ҳосилли узоқ сақланадиган бу нав йириклиги, рангининг сариқлиги, ўзагининг камлиги (20—

30%) ва бирмунча эртапишарлиги билан Қизил мирзои навидан фарқ қиласи (VII рангли таблица).

Европадан келиб чиқкан навлардан қуийдагиларни күрсатиб ўтиш лозим:

Нантская 4 — ўртача эртаги (экилгандан етилгунча 90—120 кун ўтади) серҳосил нав. Илдизмеваси цилиндрсімөн, ранги сарғыш-қизил, үзаги кам, мазаси яхши. Сақланыши ўртача. Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистан ва Туркманистан республикаларыда эртаги ва кечки муддатларда әкілади (VII рангли таблица).

Шантенэ 2461 — ўртапишар (экилгандан етилгунча 120—125 кун ўтади), серҳосил, яхши сақланадиган нав. Шакли чүзиқ-конуссимон, илдизмеваси қизил-сариқ рангда. Қозоғистон, Тожикистан ҳамда Ўзбекистон республикаларыда әкілади.

ЛАВЛАГИ

Лавлаги (*Beta vulgaris* L., шўрадошларга киради) — энг қадимги әкіндир. У тўрт тур хилга бўлинади: 1) қанд лавлаги, барги оч-яшил тусда ва илдизмеваси оқ, чўзиқ-конуссимон бўлади; 2) ҳашаки лавлаги, бунинг ҳам барги оч-яшил, илдизмеваси йирик бўлиб, шакли ва ранги турлича; 3) қизилча (ёки қизил лавлаги) ва 4) баргини истеъмол қилиш учун етиштириладиган барг лавлаги (ёки мангольд).

Қизилча (қизил лавлаги) ўсишининг биринчи йили узун бандли барглари бўлган тупбарг ҳосил қиласи. Баргининг ранги тўқ яшил ёки қизил, илдизмеваси қизил, шакли ясси, думалоқ ёки тўмтоқ-конуссимон бўлади. Илдизмевасининг эти қизил бўлиб, ундана бўёқ модда антоциан пигментининг миқдорига қараб оч қизилдан тўқ қизилгача товланиб туради.

Лавлагининг илдизмеваси юқориги қисмидаги уруғпалла тирсагининг ва илдизининг ривожланиши ҳисобига шаклланади. Илдизмева томир-толали боғламлар ораларига жойлашган. Ҳужайраларнинг бўлинishi туфайли концентрик доира ҳосил қилиб ривожланади. Шунинг учун ҳам лавлагини кўндалангига кесиб қаралганда бирин-кетин келадиган тўқ рангли паренхима тўқималари билан оч рангли томир-толали боғламлардан ҳосил бўлган ҳалқаларни кўрамиз. Этанинг ҳалқалари кам, тўқ қизил рангли бўлиши қизилчанинг табиий белгилари ҳисобланади.

Лавлаги иккинчи йилда кучли шохлайдиган гул новдалари чиқаради. Гули бешталик типда, майда, икки жинсли, яшилроқ бўлиб, четдан (шамол ёрдамида) чангланади. Уруғлик лавлаги ерга ўтқазилгандан сўнг 50—60 кунда гуллайди, гуллаш даври 30—40 кунгача давом этади. Аввал биринчи, кейин иккинчи, учинчи ва ҳоказо тартиб шохлардаги гуллар гуллайди. Лавлагининг гули тўп-тўп бўлиб, зич жойлашади. Гул уруғлангандан кейин бирбирига яқин турган мевақати қўшилиб ўсади ҳамда «тугунча»—тўпмева ҳосил қиласи.


қараб, 2—7 та бир уруғли мевачалар бўлади. Лавлаги тугунчаси уруғлик ҳисобланади. Ҳар бир мевачадан бир нечта (2—7) дан ўсимлик униб чиқади ва улар ўсиб, тез кунда бир-бирининг нормал ўсишига ҳалал беради, бинобарин, экинни тезда яганалаш зарур бўлади. Шу муносабат билан лавлагининг якка уруғ тугадиган мевачали, яъни экилганда битта ўсимта берадиган иавларини топиш устида иш олиб борилиши қатта аҳамиятга эга. Лавлаги уруғи уруғлик ўтқазилгандан кейин 115—125 кунда пишади. Қизил лавлаги уругининг (тугунчаларнинг) абсолют оғирлиги 15—22 г келади. 1- класс уруғларнинг унувчанлиги 80% дан кам бўлмаслиги лозим. Нормал шароитда унувчанлиги беш йилгача сақланади.

Лавлагининг илдизи ўқилдиз бўлиб, юмшоқ ерларда 2,5 м гача чуқурликка кириб, 50 см атрофга таралади.

Ош лавлагининг навлари тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, мазаси, сақланиши, илдизмевасининг тупроқда кўмилиш даражаси, шакли ва ранги, ҳалқалилиги (оқ ҳалқаларпинг кўп-озлиги) ва бошқа морфологик ҳамда биологик белгиларига қараб бир-биридан фарқ қиласи. Урта Осиёда асосан қўйидаги нав лавлагилар экилади.

Миср япалоқ лавлагиси. Бу нав тезпишар бўлиб, экилганидан кейин 90—100 кунда етилади. Илдизмевасининг шакли япалоқ, эти бииафша-қизил тусда. Мазаси яхши, сақланиши ўртача. У, асосан, эрта муддатларда экилади.

Бордо 237. Бу нав лавлаги ўртапишар (110—120 кунда етилади), серҳосил, узоқ сақланади. Илдизмевасининг шакли думалоқ, эти тўқ-қизил рангда (80- расм). Қўйлиқ давлат пав синаш учади.



80-расм. Ош лавлаги:
1 — Миср япалоғи; 2 — Бордо 237.

сткаси (ЎзССР) химия лабораториясининг маълумотига кўра, мазкур нав лавлагиинг илдизмемалари таркибида: 14,2% қуруқ модда, 8,56% умумий шакар, 0,86% целлюлоза бўлади. Кеч кузда, баҳорда ва ёзда экиш учун фойдаланилади. Кеч кузда экиш учун Подзимния А-474 нав лавлагининг ҳам истиқболи катта.

Барг лавлаги (мангольд) ҳам маданий экин сифатида бир-мунча аҳамиятга эга. Унинг барглари йирик, барг банди узун, илдиз-меваси шохлаб кетади, ёғочсимон, овқатга ишлатиб бўлмайди.


▼ ТУРП

Турп (*Raphanus sativus L.*, крестгулдошларга киради), ўшининг биринчи йили кесикли, тукли барглардан иборат, тупбарг ҳамда турли шакл ва рангдаги катта-кичик ҳар хил илдизмева ҳосил қиласди, иккинчи йили эса гул новдалар чиқаради. Уруғлик турп экилгандан кейин 35—40 кунда гуллайди, гуллаши бир ойча давом этади.

Турпнинг гули тўрт тожибаргли, икки жинсли, оқ, пушти, бинафша ёки оч сариқ рангли бўлиб, тўпгулда шингилга йигилган. Гули четдан — ҳашаротлар, асосан, асаларилар ёрдамида чангланади. Маданий турп редиска ва ёввойи турп билан жуда осон чатишади, буни уруғли экинларни жойлаштиришда назарда тутиш керак.

Turp urugyi экилгандан кейин 100—110 кунда пишади. Меваси юмшоқ, очилмайдиган урчуқ ёки цилиндсизмон қўзоқдан иборат. Уруғи думалоқ-овал шаклли, оч ёки тўқ жигар ранг бўлиб, уни редиска уруғидан фарқ қилинш жуда қийин. Уруғнинг абсолют оғирлиги 9—14 г келади. 1- класс уруғнинг унувчалиги 85%, унувчалиги 4—5 йилгача сақланади.

Ўрта Осиё республикаларида, хусусан, Узбекистонда Маргилон турпи, Қирғизистонда — Түнгован турпи деб аталадиган маҳаллий навлар экилади (81-расм). Бу нав турп анча тезшишар экилгандан кейин 90 кунда етилади, серҳосил, узоқ сақланади, мазаси жуда яхши, таркибида 30—40 мг% атрофида витамин



81-расм. Маргилон турпи.

С бўлади. Илдизмеваси цилиндрсимон (узунлиги 20—25 см гача боради) ёки думалоқ, ранги оқ, тубининг кўп қисми яшил бўлади. Ерга чуқур ботиб турмайди. Бу турп, асосан ёзда экилади. Баҳорда экилганлари эркаклаб кетади.

Қора думалоқ қишики турп — Қозогистон ва Қирғизистонда тарқалган, серҳосил, яхши сақланадиган, ўртапишар нав, экилгандан кейин 100—110 кунда етилади. Сирти қора, эти оқ, серсув, мазаси унча аччиқ эмас. Асосан ёзда экилади.

Ашхобод I турпи — Туркманистон дәхқончилик илмий тикишириш институтида маҳаллий популяциядан яратилган, ўта тезпичарлиги ва серҳосиллиги билан фарқ қиласиди. Илдизмеваси йирик, пушти рангли, цилиндрсимон, мазаси жуда яхши.

ШОЛФОМ

Шолфом (*Brassica campestris* L., крестгулдошларга киради), тупбарги кичик, барглари ер бағирлаб ўсади, патсимон (бъзи навларни бутун), илдизмеваси япалоқ ёки думалоқ-япалоқ шаклда, ранги оқ, сариқ, қизил ёки бинафша тусда, эти сариқ ёки оқ бўлади. Иккинчи йили гулновда чиқаради.

Гули тўрт гултожибаргли, четдан чангланади, тўпгул — шингилга тўплланган. Шолфом турнепс (хашаки шолфом), брюква ва сурепка билан осон чатишади.

Меваси — қўзоқ. *Уруғи* уруғлик шолфом ўтқазилгандан кеъни 60—70 кунда етилади. Уруғи майда, думалоқ, оч ёки тўқ қўнғир рағни. Уруғининг абсолют оғирлиги 1—4 г келади. 1-клас уруғининг унувчанлиги 95%, унувчанлиги 4—5 йилгача сақланади.

Ўрта Осиёда шакли япалоқ, пўсти, эти оқ *Наманган* шолфоми, шунингдек, унга яқинроқ бўлган *Самарқанд* қизил шолфоми экилади. Қозогистонда ўртача эртапишар *Петровский* шолфоми кенг тарқалган. Бу нав шолфом илдизмеваси ясси, сариқ, серҳосил, узоқ сақланиши ҳамда мазаси яхшилиги билан ажralиб туради.

Ўзининг морфологик ҳамда биологик белгилари жиҳатидан брюква (*Brassica pars* L.) ўсимлиги шолфомга жуда ўхшайди. У СССРнинг шимолий районларида кенг тарқалган.

ПЕТРУШКА

Петрушка (*Petroselinum hortens* Hoffm., соябонгулдошларга мансуб икки йиллик ўсимлик, емишбоп, барги ёки илдизмеваси учун етиштирилади. Илдизли петрушканинг илдизи йўғонлашиб, конуссимон илдизмева ҳосил қиласиди. Баргли петрушканинг илдизи йўғонлашмайди, овқатга фақат барги ишлатилади. Баргига да 240 мг% гача витамин С бўлади.

Уруғдан экилган петрушка биринчийли учталик патсимон тупбарг, четлари тишли *барг ҳамда илдизмева* ҳосил қиласиди. Петрушка экилгандан кейин 120—150 кунда етилади. Илдизлари



82-расм. Петрушка навлари:

1 — Сахарная (ширин) петрушка, 2 — Бордовик петрушка; 3 — Барг петрушка.

Илдизли петрушканинг асосан қўйидаги навлари кўп тарқалган.

Сахарная (ширин) петрушка — тезпишар, серҳосил нав бўлиб, чўзиқ-конуссимон илдизмева ҳосил қиласди. Илдизмеваси кул ранг-оқиши тусда, узоқ сақлашга ярамайди. *Бордовик* петрушка — кеччишар, чўзиқ, цилиндрсимон, оқ илдизмева ҳосил қиласди. Яхши сақланади (82-расм).

Баргли навлар: *оддий баргли петрушка* жуда кўп (50 та ва ундан ўзак ортиқ) баргли йирик тупбарг ва сершоҳ, ёғочсимон, еб бўлмайдиган илдиз ҳосил қиласди. Бу нав тезпишар, серҳосил. *Жингалак петрушка* — тезпишар нав бўлиб, барглари жуда ўйик, бурмали.

СЕЛЬДЕРЕЙ

Сельдерей (*Apium graveolens L.*) соябонгулдошлар оиласига киради. Сельдерейнинг учта тур хили: *илдизи*, *барг банди* ва *барги* учун етиштириладиган хиллари бор. *Илдизи* учун экиладиган сельдерей ҳаётининг биринчи йилида ейишга яроқли, думалоқ илдизмева ва тупбарг ҳосил қиласди. *Барг банди* учун экиладиган сельдерейнинг ўғонроқ барг банди овқатга ишлатилади. *Барги* учун ўстирилалиган ёки юлма сельдерей емишбоп барра барглар ҳосил қиласди. (83-расм).

СССРда асосан, илдизи учун экиладиган сельдерей етиштирилади. Ўсув даври узуллиги билан (150—200 кун) характерлидир.

ерда қишлиайди ёки сабзавот омборларида сақланиб, баҳорда далаға ўтқазилади. Ерга ўтқазилган илдизлари гулновда, гул ва уруғлар ҳосил қиласди.

Гули соябон тўпгулга йиғилган, икки жинсли, майдада бешта сариқ гултожибарги бўлади. Усимлик четдан ҳашаротлар ёрдамида чангланади.

Меваси қўш уруғдан иборат. Уруғи овалсимон, майдада, қиррали, кул ранг-ящил, абсолют оғирлиги 1,2—1,8 г. 1-клас уруғининг унувчанлиги 70%, унувчанлиги 3—4 йилгача сақланади.



83-расм. Бандли сельдерей.



84-расм. Илдизли сельдерей.

қисмидан шохлайдиган, бўйи 100—130 см га етадиган узун гул новдалар ҳосил қиласи. Тўпгули — мураккаб соябон. Гули майда, сариқ, икки жинсли бўлиб, четдан ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Уруғи (мевачаси) ясси-овал шаклда, чети қаюотсимон, қиррални, уруғининг абсолют оғирлиги 3—4 г. Унувчанилиги 70% бўлиб, тўрт йилгача сақланади.

Пастернакнинг қуйидаги навларини қайд қилиб ўтиш керак:
Эртаги думалоқ нағ — ўсув даври қисқа (100—110 кун), илдизмеваси думалоқ, кул рангроқ — оқ бўлиб, серҳосиллиги билан

Сельдерей уруғи жуда майда бўлиб, секин (15—20 кунда) униб чиқади ва майсалари ҳам секин ўсади. Шунинг учун уни, одатда, парникларда ўстирилган кўчатлардан кўпайтирилади.

Сельдерей ҳаётининг иккинчи йили уруғпоя ҳосил қиласи. Гули икки жинсли, мураккаб соябон тўпгулага йигилган, четдан — ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Уруганинг абсолют оғирлиги 0,35—0,5 г. 1-класс ургунинг унувчанилиги 75%.


Сельдерей — совуқча чидамли ўсимлик, унумдор ерларда яхши ўсади.

Илдизли сельдерей навлари орасида ўртапишар «яблочний» нави энг кўп экилади. Унинг илдизмеваси думалоқ, кул ранг-оқ, ўртacha вазни 150—200 г (84-расм).

ПАСТЕРНАК

Пастернак (*Pastinaca sativa L.*) соябонгулдошлар оиласига киради. Илдизмеваси нисбатан йирик, думалоқ — чўзиқ ёки чўзиқ конуссимон, ранги сариқ-оқ. Барги кесикли, бўлинган патсимон. Ўсув даври (экилгандан илдизмевалар етилгунча) 100—125 кун давом этади. Иккинчи йили юқори

қисмидан шохлайдиган, бўйи 100—130 см га етадиган узун гул новдалар ҳосил қиласи. Тўпгули — мураккаб соябон. Гули майда, сариқ, икки жинсли бўлиб, четдан ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Уруғи (мевачаси) ясси-овал шаклда, чети қаюотсимон, қиррални, уруғининг абсолют оғирлиги 3—4 г. Унувчанилиги 70% бўлиб, тўрт йилгача сақланади.




85-расм. Пастернак навлари:

1 — Думалоқ; 2 — Студент.

ажралиб туради; *студент нави* — ўртача кечпишар, экилганидан кейин 120—125 кунда етилади. Илдизмеваси йирик, чўзинчоқ (узунлиги 25 см гача етади). Бу нав серҳосил, яхши сақланади (85-раем).

ИЛДИЗМЕВАЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Илдиз ва поянинг йўғонлашган қисми илдизпоя деб аталади. Үсимлиқда битта-иккита барг лайдо бўлган вақтда илдизмева ҳосил бўла бошлайди. Бунда ўқилдиз бирламчи пўсти ёрилади ва қурийди.



86-расм. Йўғон илдизмевасининг тузилиши (В. И. Эдельштейн):

*а*в — боши; *вс* — бўйни; *сд* — илдизи.

Илдизмевалар учта қисмга бўлинади: *бошчаси*, *бўйни* ва *ҳақиқий илдизи*. *Бошчаси* аслида қисқа поя бўлиб, у ҳам барча поялар каби барг чиқаради. Барг қўлтиқларида куртаклари бўлади, улар қулай шароитда ўсиб гулновдалар ҳосил қиласади. *Бўйни* уруғбарг ости тирсагидан ўсиб чиқади ҳамда илдизмевасиг бошчаси билан ҳақиқий илдизни бирлаштириб туради. *Бўйнида* ҳеч қандай барг ва илдизчалар бўлмайди. Қўпинча, у тупроқдан ташқари чиқиб туради ва яшил рангга киради. *Ҳақиқий илдиз* илдизмева-

нинг пастки қисми бўлиб, у илдизнинг ўсиб йўғонлашиши ҳисобига ҳосил бўлади, жуда кўп туксимиён ён илдизчалар чиқарди (86- расм).

Илдизмеванинг шакли унинг ҳосил бўлишида ёш ўсимликнинг қайси органи иштирок этганлигига боғлиқ. Япалоқ ва думалоқ-япалоқ шаклдаги илдизмевалар, асосан, уруғбарг усти (поя) ва уруғбарг ости тирсакларининг ривожланиши ҳисобига ҳосил бўлади, бинобарин, у асосан бош ва бўйиндан ташкил топади. Чўзиқ-конуссимон илдизмеваларнинг ҳосил бўлишида илдизнилг ҳам иштироки катта.

Илдизмеваларнинг шакли уларнинг баъзи биологик ва хўжалик белгиларига ҳам боғлиқ. Япалоқ ва думалоқ-япалоқ шаклли илдизмева навлари, одатда, тезпишарлиги, эти нозик тузилганлиги, лаззатлилиги билан фарқ қиласди, лекин чўзинчоқ илдизмеваларга қараганда улар яхши сақланмайди. Думалоқ-япалоқ илдизмевалар тупроққа унча чуқур кирмайди, шунинг учун ҳам уларни механизация ёрдамида йиғиб-териб олиш осон.

Чўзинчоқ, конуссимон илдизмевалар деярли кечпишар, таркибida қуруқ модда кўп бўлади ва шунинг учун яхши сақланади. Лекин булар думалоқ ёки думалоқ-япалоқ шаклли илдизмеваларга нисбатан ернинг бирмунча чуқурроқ ишланишини талаб қиласди, бундан ташқари, ҳосиллни механизация ёрдамида йиғиб-териб олиш ҳам анча қийин.

Паст температурада (0° дан $5-8^{\circ}$ гача) сақланган илдизмевалар, ҳаётининг иккинчи йилида гул пояси (стрелкаси)ни ташлаб юборади ва мева беради. Юқори температурада сақланган илдизмевалар иккинчи йили ўсишини давом эттиради, лекин «ўжарлик» қилиб на гул ва на уруглар ҳосил қиласди. Илдизмеваларнинг сақлаш пайтида сўлиб қолиши, шунингдек, уларни қуруқ тупроққа экилиши ҳам ўжар ўсимликларнинг пайдо бўлпшига сабаб бўлади (87- расм).

Агар ниш урган ёки ўсимта чиқарган уруққа узоқ вақт паст температура ($0-5^{\circ}$) таъсир эттирилса, бунда гул ва уруглар биринчи йилиёқ ҳосил бўлади. Бундай ҳодиса гуллаб ёки эркаклаб кетиш деб аталади. Эркаклаб кетган ўсимлик кичкина, ёғоченмон, истеъмол қилишга яроқсиз илдизмева ҳосил қиласди. Илдизмеваларнинг эркаклаб кетиш ҳолларни кеч кузги ёки эрта баҳорги экиниларда қиши ва баҳор беқарор, яъни иссиқ ҳамда совуқ ҳаво тез-тез алмашиниб турадиган йилларда юз беради.

Айниқса, шолғом эркаклашга жуда мойил ўсимлик. Лавлаги, петрушка ва сабзи кам эркаклайди. Эркаклаб кетган ўсимликлар биринчи йилиёқ уруғ ҳосил қиласди ва бундай уруглар экилганда улардан нормал, иккни йил ҳаёт кечирадиган ўсимликлар униб чиқади. Эркаклаган ўсимликтан олинган уруғ системали равишда экилаверса, беш авлод ўтгандан кейин бу уруглар ҳаётини бир йилда ёки тугаллайдиган ўсимликлар ҳосил қиласди ва серэт илдизмева туғиши хусусиятини йўқотади (Агадов, 1957).

Икки йиллик илдизмевалар — узун кун талаб қиласдиган ўсим-



87-расм. Қишида паст (*йнега*) ва юқори температурада сақланған ош лавлаги ҳаётининг иккинчи йилидә.

ликлардир. Куннинг узун бўлиши илдизмеваларнинг гуллаши ва ҳосил тугишини тезлатади, аксинча, кун қисқа бўлса, уларнинг ривожланишини сусайтиради. Шунинг учун баҳорда паст температура билан узун куннинг баравар келганлигидан жуда эрта экилган экинлар орасида одатда, эркаклайдиган ўсимликлар сони кўпайиб кетади. Илдизмевалар ёзда экилганда уларнинг ривожланиши юқори температура ва бирмунча қисқа кун шароитида ўтади, бундай ҳолларда ўсимликларда эркаклаб кетиш кузатилмайди.

Аммо келиб чиқиши турлича бўлган илдизмева навлари кун узунлигидан турлича таъсирланади. Иқлим шароити мўътадил бўлган жойларда ёки шимолда яратилган экин навлари жанубдан келиб чиқсан навларга нисбатан бирмунча узун кун талаб қиласди.

Илдизмеваларнинг ҳаммаси ҳам иссиққа унча талабчан эмас. Уларнинг уруғи $4-5^{\circ}$ температурада униб чиқса бошлайди, лекин уруғининг униб чиқиши учун оптималь температура $20-25^{\circ}$ ҳисобланади. Бундай температурада крестгулдошларга мансуб илдизмевалар (турп, шолгом, брюква) уруғи экилгандан кейин 3—6 кунда, лавлаги 5—10 кунда, сабзи ва бошқа соябонгулдошлар 12—20 кунда униб чиқади. Кўпчилик илдизмеваларнинг (шолгом, турп, брюква, пастернак, сельдерей) нормал ўсиши ва ривожланиши учун энг қулай температура $15-18^{\circ}$ ҳисобланади. Сабзи, айниқса, лавлаги иссиққа бирмунча талабчан бўлади.

Уларнинг ўсиши учун 20—25° температура оптимал ҳисобланади.

Илдизмеваларнинг деярли ҳаммаси совуққа бирмунча чидамили. Лавлаги 2—3° гача, сабзи ва бошқа илдизмевалар 4—5° гача бўлган совуқдан унча заараланмайди.

Илдизмевалар, айниқса, лавлаги ва сабзининг жанубий навлари юқори температурани яхши ўtkазади ва улар Урта Осиёнинг иссиқ иқлим шароитида нам билан етарли даражада таъминланганда яхши ҳосил беради. Турп, шолғом, айниқса, брюква иссиқни унчалик хоҳламайди. Бу экинлар юқори температурада тез пишиб ўтиб кетади. пўк, панг бўлиб, мазаси бузилади, ҳосили ҳам пасаяди.

Илдизмевалар, айниқса, сабзи ва сельдерей жуда ёруғсевар ўсимлик ҳисобланади. Уларнинг ердан чиқиши ва умуман кейинги ўсув даврида сояланиб қолиши ҳосилнинг кескин камайиб кетишига сабаб бўлади.

Айниқса, лавлаги, сабзи, пастернак сингари илдизмева ўсимликлар илдизи бақувват бўлганлигидан қурғоқчиликка маълум даражада чидайди. Крестгулдошларга мансуб ўсимликлар (шолғом, турп) ҳаво ва тупроқ намлиги етишмаслигига чидамсиз бўлади. Бундай ҳолларда уларнинг ўзаги ўсиб кетади, натижада илдизмеваси дағаллашиб, истеъмол қилишга бирмунча яроқсиз бўлиб қолади.

АГРОТЕХНИКАСИ

Ер танлаш. Илдизмевалар органик моддаларга бой ўтлоқ тупроқли ҳамда ўғитланган қumoқ ёки енгил соз бўз тупроқли ерларда яхши ўсади. Ботқоқ ва шўр ерларни кўпчилик илдизмева ўсимликлар унчалик ёқтирамайди. Лекин лавлаги оғир соз тупроқли ерларда бошқа экинларга қараганда яхшироқ ўсади. Лавлагини бир оз шўрланган ерларга экиб ҳам дурустгина ҳосил олса бўлади. Пастернак эса енгил тупроқли ерларга қараганда заррачалари зич бўлган ерларда яхши ўсади.

Алмашлаб экишдаги ўрни. Барча илдизмевалар, айниқса, сабзи ва бошқа соябонгулдошларга мансуб ўсимликлар ўсув даврининг дастлабки пайтларида жуда секин ўсади ва бегона ўтлар босиб кетади. Шу сабабли алмашлаб экишда шундай экинларни танлаш керакки, улардан кейин дала бегона ўтлардан тоза бўласин. Картошка, бодринг, карам ва помидор ана шундай экин жумласига киради.

Илдизмеваларни илдизмевалардан, полиз экинларидан, пиёздан кейин ҳамда биринчи иили ҳайдалган бедапояларга экиб бўлмайди, чунки бу экинлардан бўшаган ерларда бегона ўтлар жуда кўп бўлади.

Урта Осиёда илдизмеваларни ёзда эртаги сабзавот экинлардан бўшаган ерларга экиш мақсадга мувофиқдир.

Үғитлаш. Илдизмевалар кўпчилик сабзавот экинларга қарашанда ернинг унумдорлигига унчалик талабчан эмас. Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институтининг маълумотига қараганда, сабзи ҳар 100 ц ҳосили учун ердан 25—30 кг азот ва 11—14 кг фосфор олади. Бундан қатъи назар, илдизмевалардан мўл ҳосил олиш учун ерга ўғит солиниши шарт.

Ўрта Осиёда илдизмевалар азот ҳамда фосфорли ўғитларга жуда талабчан бўлади. Масалан, Шредер номидаги Мевачилик, узумчилик ва виночилик институтида автор томонидан ўтказилган тажрибада типик бўз тупроқли ерга экилган сабзига ҳар хил ўғит солинганда (бир гектарга 60 кг элемент ҳисобида) ундан қўйидагича ҳосил олинган, га/ц.

Ўғитланма- ганда	N 99,1 86,1	P 95,0	NP 122,0	Гектарига 40 т гўнг солинганда 143,0
---------------------	-------------------	-----------	-------------	---

Азот билан фосфорли ўғитларни бирга қўшиб солиш яхши натижа беради. Ёлғиз азотли ўғитнинг ўзи солинганида илдизмевалар ёрилиб ёки шохлаб кетиши, доимо фосфорли ўғитлар солинганда эса етиштирилган ҳосилдаги йирик илдизмеваларнинг салмоғи камайиб кетиши мумкин.

Органик ўғитлар (гўнг, фекалий) солиш ҳам илдизмевалар ҳосилини оширади, лекин уларни чиримаган ҳолда солиш илдизмевалар кўп қисмининг айнишига, натижада товар маҳсулотнинг камайишига сабаб бўлади. Шунинг учун гўнг илдизмевалардан олдинги экинларга солингани маъқул. Бевосита илдизмеваларга эса фақат минерал ўғитлар бериш мумкин.

Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институти илдизмеваларни қўйидаги норма билан ўғитлашни тавсия этади, га/ц:

	Аммиакли селитра	Суперфосфат	Калий тизи
Сабзи Лавлаги	2—2,7 2—2,7	3,5—4 3,5—4	— 0,5

Калийли ва фосфорли ўғитлар ер ҳайдаш вақтида солинади. Ўсимликни дастлабки вақтда фосфор билан таъминлаш учун экиш вақтида қаторларга бир оз (гектарига 1—1,2 ц) суперфосфат солиш фойдали. Азотли ўғитларнинг ярмиси экиш олдидаи, қолган қисми эса ўсув даврида 2—3 барг чиқарганда ва илдизмевалар шакллана бошлаганда қўшимча озиқ тариқасида берилади. Ҳар галги озиқлантиришда гектарига 1—1,5 ц аммиакли селитра ва 0,5—1 ц суперфосфат солинади.

Экиш. Илдизмевалар уруфи, одатда, ивитилмай экилади. Баъзан баҳорда экиш кечикканда уруғлар 1—2 кун ивитилса фойдали бўлади. Ивитилган уруғларни сочилиувчан қилиш учун бир оз қуритилади.

Сабзавот хўжалиги илмий-текшириш институти соябонгулдош илдизмевалар уругини тезроқ ундириб олиш мақсадида уларни 1—2 соат ивитилганда кейин ҳўллигича, хона температурасида ниш ургунча (2—3 кун), сўнгра эса экишга қадар музхонада 0—3° температурада сақлашни тавсия этади. Уругни қумга қумлаш (стратификация қилиш) ҳам яхши натижা беради. Уругларни экишга тайёрлашнинг энг самарали усусларидан бири дражилашdir. Бу усул экиши нормасини икки марта камайтиришга, ўтоқ қилпш ҳаракатларини қисқартиришга ва ҳосилдорликни анча оширишга имкон беради. Тошкент атрофида жойлашган баъзи колхозлар 1962—1963 йилларда ўтказган тажрибаларида сабзи уругини дражилаб экиб ҳосилдорликни бирмунча оширишга эришилган:

	<i>Коҳлоҳзлар ЎзССР 50 йиллиги</i>	<i>Кубишиев номли</i>	<i>Калинин номли</i>
Дражиланмаган	148,2	125,5	8,4
Дражиланган	175,5	178,2	114,1

Дражиланган чиринди, суперфосфат (1 кг чириндига 30—40 г) ва мол гўнги аралашмасидан тайёрланади. Дражиланган сабзи уругининг диаметри 3—4 мм бўлиши керак.

Илдизмеваларнинг уруғи жуда майдада бўлади ва улар экилганида унча чуқур кўмилмайди. Шунинг учун илдизмевалар экиладиган ерларни экиш олдидан пухта ишлаш — майнин ҳолга келтириш ва бунинг учун тупроқни сифатли қилиб бороналаш ва ишлаш лозим.

Илдизмевалар, одатда, бевосита далага экилади. Уларнинг ичидаги фақат сельдерей аввал парникка экилиб, кейин кўчати ўтказилади. Шимолий районларда брюква, лавлаги ҳам кўчат қилиб ўстирилади.

Ўрта Осиё ва Жанубий Қозогистонда лавлаги билан сабзи иккни муддатда — баҳор ва ёзда экилади. Шолгом ва турп баҳорда экилса ҳаддан ташқарн эркаклаб кетади, ҳосили ёмон бўлади. Шунинг учуп улар фақат ёзда экилади. Петрушка ва пастериак баҳорда экилади.

Баҳорги илдизмеваларни имкони борича эртароқ, февраль ойининг охири ва мартда экиш керак. Шунда уругни қиши билан тўпланган нам ва кўкламги ёғин-сочин суви ҳисобига қийғос ундириб олиш имконияти яратилади, майсалар соглом ҳамда бақувват бўлиб ўсади. Экин кеч, апрель ойида экилганида уругни бехазто ундириб олиш қийин бўлади. Бундан ташқари, апрелда экилгандага илдизмеванинг ҳосил бўлиши ёзнинг айни иссиқ кунларига тўғри келади, бу эса ҳосилнинг камайиб кетишига сабаб бўлади.

Илдизмеваларни эрта баҳорда экиш билан бирга уни кеч кузда (ноябрда), Ўрта Осиёнинг жанубида эса петрушка билан сабзини ҳатто кузда — сентябрь ойида ҳам экиш мумкин. Бу муддатларда экишнинг афзаллиги шундаки, бунда экинлар анча эртаги



88-расм. Кеч кузда (чапдай) та баҳорги (май бошларида) муддатларда экилган ош лавлаги.

ва серҳосил бўлиб етилади (88-расм). Тошкент область Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхозда 1969 йили баҳорда ва кеч кузда Нант 7 нав сабзи экиб қуидагича ҳосил олинган, га/ц:

	4-брегада	6-брегада	7-брегада
Баҳорда экилганда	108,5	116	118
Кеч кузда экилганда	114,0	126	128

Узбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжоннинг жанубий районларида кузда (ёзги-кузги) сабзи экиб, февраль ойининг охири — марта нинг бошларида ёқ ҳосил олиши мумкин. Х. М. Мирфаёзов тажрибаларидан (1973) маълум бўлишича, августнинг иккинчи ярми кузги сабзи экиш учун энг қулай муддат хисобланади. Шу муддатда экилган сабзи қишидан яхши чиқади, деярли эркаклаб кетмайди ва февраль охирига бориб, ундан бирмуича юқори ҳосил олинади.

Кеч кузда ва кузда экилган илдизмеваларнинг кўплаб эркаклаб кетиши ҳоллари ҳам бўлиб туради. Шунга кўра, кеч кузда илдизмеваларнинг фақат эркаклаб кетишига мойил бўлмаган навларни экиш мумкин.

Илдизмеваларни ёзда шундай вақтда экиш керакки, уларнинг ҳосили кузги салқин пайтларга бориб етилсиз. Сабзи нюннинг

иккинчи ярмидан июлнинг биринчи ярмигача, Урта Осиёнинг жанубий районларида эса ҳатто июлнинг охиригача экилади. Лавлагининг ўсув даври бирмунча узун бўлганидан экилаётган районига қараб, июнда — июлнинг бошида экилади. Шолғом ва турп уруғи аксинча, бирмунча кечроқ — июлнинг иккинчи ярмидан августнинг бошларигача сепилади. Илдизмевалар қатор оралари 45—60 см дан қилиб қаторлаб ёки лента шаклида ёхуд қатор оралари 60—70 см лента шаклида қўшқаторлаб экилади, бунда лентадаги қўшқаторлар ораси 15—20 см бўлади. Сабзи, петрушка, пастернак, шолғомлар лента шаклида, илдизмеваси йирик ўсимликлар — лавлаги, турп қаторлаб экилади. Илдизмевалар уруғи сабзавот, дон-сабзавот ёки сабзавот экишга мослаштирилган чигит сеялкаси билан экилади.

Эрта баҳорда уруғлар, одатда, текис ерга экилади ва биринчи сув бериш олдидан, яъни ўсимлик ёппасига униб чиққандан кейин эгатлар олинади. Ёзги муддатларда эса сугорини эгатлари экиш билан бир йўла олинади. Уруғ экилгандан кейин эгатлар орқали уруғ суви берилади.

Илдизмеваларни экишда уруғнинг белгиланган чуқурликда текис кўмилиши катта аҳамиятга эга. Юза кўмилган уруғлар тупроқнинг устки қавати қуриб қолиши натижасида нам етишмай қолиб, кўпинча униб чиқмайди. Ҳаддан ташқари чуқур экилган уруғлар ўсимтаси тупроқнинг қалин қатламини ёриб чиқишга кучи етмай қолиб нобуд бўлади. Лавлаги уруғи 2—4 см, сабзи ва бошқа илдизмевалар уруғи 1—2 см ва енгил қумоқ тупроқли ерларда 3 см гача чуқурликда кўмилади.

Уруғ экиш нормаси уруғнинг унувчанлиги ва йирик-майдалигига қараб белгиланади. Ўрта Осиёда уруғни қўйидаги нормада экиш тавсия этилади, кг:

Лавлаги	15—20	Пастернак	6
Сабзи	6	Турп	5—6
Петрушка	8	Шолғом	2

Агар асосий ҳосил этилгунча барра кўкатидан ора-чора фойдаланиш ҳам кўзда тутилган бўлса, бундай ҳолларда экиш нормаси кўпайтирилади, яъни сабзи уруғидан гектарига 8 кг, лавлаги уруғи эса 25 кг гача экилади.

Баҳорда текис ерларга экишда, қаторларни тезроқ белгилаб олиш учун илдизмеваларга салат, редиска, гречиха, сули каби ўсимликлар уруғини қўшиб экиш фойдалидир. Бу ўсимликлар уруғи асосий экин уруғига 3—4 % миқдорда қўшилади.

Сельдерей кўчатдан кўпайтирилади. Унинг уруғи январь охри — февраль ойларида, гектарига 800 г ҳисобида ярим иситила диган парникларга сепилади. Кўчатлар биринчи чинбарг чиқарганида пикировка қилинади, яъни қатор оралари 5 см, туп ораларини эса 3—4 см дан қилиб парник ёки кўчатхоналарга ўтказилади. 40—45 кундан кейин, мартда — апрелнинг бошларida

күчатлар далага, қүшқатор лента шаклида ўтқазилади. Бунда қүшқаторлар ораси 15—20 см, туп оралари 12—15 см дан қилишади.

Экинни парвариш қилиш. Баҳор ва кеч күзде әкілған илдиз-мевалар ёмғирдан кейин ҳосил бўлган қатқалоқдан қаттиқ қийналади. Қатқалоқнинг олдини олиш учун мульчалаш, яъни әкілғандан кейин устига 1—1,5 см қалинликда чиринди сочиб чиқиш яхши самара беради.

Қатқалоқ ротацион мотига ёки енгил бороналар ёрдамида юмшатилади, бунда трактор, экин қаторлари а нисбатан кўндаланг қаратиб юргизилади. Бироқ борона экинга анча зарар етказиши мумкин. Шунинг учун ундан жуда зарур бўлган ҳолларда ва уруғ қалин сепилган жойлардагина фойдаланиш мумкин.

Экинларга узоқ вақт жилдиратиб сув қўйиш (тупроқни ювиб кетишга йўл қўймасдан) ҳам қатқалоққа қарши курашда муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Илдизмеваларни парвариш қилишда бегона ўтларни йўқотиш ниҳоятда мураккаб ва сермеҳнат ишдир. Қатор ораларидаги бегона ўтлар культивация қилиш, ленталар ораларидагиси эса ўтоқ қилиш йўли билан йўқотилади. Майсалар кўриниши билан ўтоқ қилишга киришилади, бу иш бегона ўтнинг қайта ўсиб чиқишига қараб икки-уч марта тақрорланади. Ўтоқ қилиш кечик-тириб юборилса, кейин жуда кўп (гектарига 100) киши-куни ва ундан кўп меҳнат сарфлашга тўғри келади, бунинг устига ҳосилдорлик кескин даражада камайиб кетади. Бегона ўтларни ўқотишда химиявий восьиталардан фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда. Сабзи экинидаги бегона ўтларга қарши (майсалари кўрингунга қадар) гектарига 3—5 кг прометрии препарати; пропазин (3—6 га/кг), трактор керосини (200—400 га/л ҳисобида, майсалар пайдо бўлгандан кейин) сепил тавсия қилилади, линурон (4—6 га/кг, майсалар пайдо бўлгунча ва пайдо бўлгандан кейин) қўлланилади. Тажрибашлаб чиқаришда қўлланиш учун тероран (6—12 га/кг) тавсия этилади, бу сабзи майсалари униб чиққунга қадар сепилади. Сабзига керосин, линурон ва прометрии сепилганда маҳсулотини гербицид билан дориланганидан 4 ой ўтгач, реализация қилишга рухсат этилади.

Ош лавлаги (қизилча) әкілган далаларга уруғ ушиб чиққунга қадар гербицид сифатида натрий трихлорацетат (23—50 га/кг) солинади. Эптам (2,6—8 га/кг)—экиш олдидан иш вақтида ва экишдан кейин пуркалади. Лекин бу препарат тупроққа кўмилини шарт; бета нал (6—8 га/кг)—майсалар пайдо бўлгандан кейин солинади.

Экинларни ўз вақтида яганалаш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Уруғ камроқ нормада әкілганда ва майсалар текис, аммо сийрак кўкариб чиқсан ерларда, ўсимлик 3—4 та барг чиқарган пайтда бир марта яганалаш билан қаноатланиш мумкин. Бироқ, экинлар кўпинча икки ва баъзан уч марта ҳам ягана қилилади.


Сабзи ва бошқа соябонгул дошларга мансуб экинлар дастлаб майсалар күрингандан кейин 12—15 кун ўтгач, яъни 1—2 та чинбарг чиқарганда ягана қилпиди (89-расм). Бунда туп ораларда 2—3 см дан жой қолдирилади. Лавлаги түпмеваси блан экинлари, шунииг учун у қалин ўсиб чиқади. Шунга кўра, лавлаги майсалари уруғи униб чиққандан кейин 8—10 кун ўтгач, биринчидан чинбарг пайдо бўлганда ягана қилинади. Шолғом ва турп майсалари, одатда, 3—4 та чинбарг чиқарган пайтда яганаланади. Илдизмевалар экинларининг дастлабки яганасини қисман механизациялаштириш мумкин. Бунда культиваторга ясси панжалар ўрнатилиб, трактор қаторларнинг кўндалангига қараб юргизилади. Культиватор кесгандан кейин ҳосил бўлган уялардаги ўсимликлар кўл билан букетлаб чиқилади.

2—4 ҳафтадан кейин илдизмева ҳосил бўлаётган (йўғонлаша бошлаган) пайтда майсалар иккинчи марта ягана қилинади. Бунда илдизи билан олинган ўсимликларни сийрак чиқсан жойларга ва бошқа участкаларга ўтқазиш мумкин. 4—5 тадан чинбарг чиқарган майсалар яхши тутиб кетади.

Иккинчи, яъни охирги яганалашда туплар белгиланган орлиқда қолдирилади, бу оралиқ экиннинг тури, нави ва турроқ унумдорлигига қараб белгиланади. Ягана қилишда кучли ўсадиган, меваси йирик, кеччишар навларда туп оралари тезпишар, кучсизроқ ўсадиган навларниги қараганда кенгроқ қолдирилади; унумдор, яхши ўғитланган участкаларда камунум ерлардагига нисбатан кўчватлар бирмунча қалин бўлиши мумкин.

Урта Осиё шароитида қаторлардаги ўсимлик туп оралари тахминан қуйидагича бўлиши тавсия этилади, см:

Сабзи	5—7	Шолғом	8—12
Лавлаги	8—12	Илдизи учун экиладиган петрушка	5—8
Турп	10—15	Пастериак	5—8



89-расм. Сағэи ўсимликлари биринчи (1) ва иккинчи (2) яганаланган даврда.

Иккинчи яганалаш вақтида юлиб олинган сабзи ва лавлагидан товар маҳсулоти сифатида фойдаланса бўлади, яъни уларни боғ-боғ қилиб реализация қилиш мумкин. Агар этиштириладиган маҳсулотнинг асосий қисмини боғлаб сотиш мўлжалланса, бундай ҳолларда уруғни қалинроқ сепиб бир неча марта ягана қилиш тавсия этилади.

Одатда, яганалаш бегона ўтларни ўтоқ қилиш билан бир вақтда ўтказилади.

Уруг ёппасига кўкариб чиққанидан кейин қатор оралари юмшатилади ва бу иш, одатда, 4—5 марта такрорланади. Қатор ораларига ишлов беришда ясси кесувчи панжалар ёки юмшатувчи поральник билан жиҳозланган трактор культиваторларидан фойдаланилади.

Фаргоналик деҳқонлар Марғилон турпи таъмини яхшилаш мақсадида кўпинча унга «яшил тус» бериш усулини қўллайдилар, яъни илдизмевани соялайдиган пастки баргларни олиб ташлайдилар.

Суғориш. Илдизмевалар, айниқса сабзи ва лавлаги илдизларининг бақувватлиги, ерга чуқур кириши ҳамда сув буғлантирувчи барг сатҳининг кичиклиги билан бошқалардан фарқ қиласди. Шунинг учун улар тупроқнинг пастки қаватларидаги намдан яхши баҳра олади ҳамда уни нисбатан тежаб сарфлайди. Илдизмеваларнинг сувга унчалик талабчан эмаслигининг сабаби ҳам шу. Лекин Урта Осиё шароитида илдизмеваларни суғориб туриш шарт, чунки улар сувга қонмаса, ҳосилдорлиги кескин камаяди, озиқ-овқатлик сифати пасаяди.

Илдизмевалар етиштиришда ернинг оптимал намлиги дала сув сифимиға нисбатан 60—75% бўлиши лозим. Лекин илдизмевалар ҳәётининг турли даврларида сувни турлича миқдорда талаб қиласди. Уруг бўртаётган ва унаётган даврда, ўсимлик зўр бериб барг чиқариш ва илдизмева ҳосил қилиш даврида тупроқ сернам бўлиши керак. Етилаётган пайтда экиннинг сувга талаби камаяди. Бу вақтда ернинг сернам бўлиши ҳатто заарлидир, чунки бу кўпчилик ҳолларда илдизмеваларнинг ёрилиб кетишига ва сақланиш хусусиятининг пасайиб кетишига сабаб бўлади.

Ер ости сувлари чуқур жойлашган, бўёз тупроқли ерларда эрта баҳорда экилган илдизмевалар ёппасига кўкариб чиққандан кейин, одатда, апрель ойининг иккинчи ярмидан бошлаб суғорилади ва бу 12—15 кунда бир марта такрорланиб турилади. Илдизмеваларнинг ҳосил бўлиши тезлашган пайтда — май ойининг ўрталаридан бошлаб, экинлар ҳар 7—10 кунда суғорилади.

Ёзда экилган экинлар майсалари ёппасига кўрингунга қадар тез-тез ҳар 3—4 кунда бир марта уруг суви бериб турилади. Майсалар текис кўкарғандан кейин суғоришлар ораси 8—10, ҳосил етилиш даврида эса 12—15 кунгача узайтирилади. Кечки илдизмевалар ҳосилни йиғиб-теришига 2—3 ҳафта қолганда сугориш тўхтатилади.

Умуман илдизмева экинларни мавсумда печа марта суғориш, мавсумий ва ҳар галги сугориш нормалари доимий эмас, улар экин турига, навига, тупроқ ва иқлим шароитига қараб ўзгариб туради.

Ўзбекистон ССРда экипларни экиш муддатига ва ер ости сувларининг жойлашниш чуқурлигига қараб илдизмеваларни суғориш сопи қўйидагича бўлиши тавсия қилинади:

	1 м гача	1—2 м	2 м даң ортиқ
Әртаги	24	6	8
Кечки	5	8	11

Сувга талабчанлиги бүйича крестгулдошларга мансуб илдиз-мевалар биринчи, соябонгулдошлар ва лавлаги иккинчи ўрнада туради. Жадал ўсадиган, лекин илдиз системаси яхши тараққий этмаган тезпишар навлар кепшишар навларга қараганда тез-тез сүфориб турилади.

Илдизмеваларни сүфориш нормаси әкиннинг тури ҳамда түп-роқ шароитига қараб гектарига 500—600 дан 800—900 м³ таңа белгиланади. Сабзі әнг кам (500—600 м³) норма билан сүфори-лади, чунки у түпроқ орасида җаво айланыб туришини күпроқ та-лаб этади. Қолган илдизмевалар, айниқса, лавлаги ва пастернак-ни катта норма билан сүфориш мүмкін.

Касаллук ва заараркунандалари. *Үн-шүдринг касаллиги.* Бу касаллук билан күпроқ сабзи ва лавлаги ўсимлиги касалланади. Касаллукка чалинган әкинларнинг баргларида, поялари ва гул-ларида ёзда унсимон оқ губор (спорад ташуучи замбуруғ), күзда эса жуда күп қора нүкталар (замбуруғ меватанаси) пайдо бў-лади. Ўсимликнинг заарарланган органлари қуриб қолади. К у-раш чоралари — олтингугурт кукуни билан оҳакни 1 : 1 (гектарига 15—20 кг) нисбатда аралаштириб чангланади ёки коллоид олтингугуртнинг 1 % ли суспензияси пуркалади.

Оқ чириш касаллиги сабзи илдизмеваларни сақлаш вақтида, уруғли ўсимликларни заарарлантиради. Касаллук илдизмевалар юзасида оқ губор (замбуруғ илдизи) ҳолида пайдо бўлади. К у-раш чоралари — озиқ-овқатга ишлатиладиган илдизмевалар бор билан, уруғли илдизмевалар эса ТМТД (1 т уруғликка 5—7 кг) препарати билан чангланади ва уруғлар ТМТД препарати билан (1 кг урукқа 6—8 г) дориланади.

Илдизмева әкинларида заараркунандалардан бургачалар, ай-ниқса кўп учрайди, үнга қарши ўсимликка 5 % анабадуст ёки ни-кодуст (гектарига 25—30 кг) пуркалади. Лавлаги узунбурунуга қарши ўсимликка натрий кремнефторид (1 л сувга 7 г), лавлаги ширасига қарши эса анатазин-сульфат ёки никотин-сульфат пуркалади. Илдизмеваларни, кўпгина бошқа сабзавот әкинлари сингари, кўпинча ёш ўсимликлар илдиз ва пояларини кемирувчи бузоқбоши заарлайди. К ураш чоралари — рух фосфид билан заҳарланган дон-хўраклар сочилади. Бундан ташқари, ил-дизмевалар орасига дон әкинлари экиб, уларни эрта баҳорда 60 % ли гептахлор эмульсияси билан ишлаш ҳам яхши натижка беради.

ҲОСИЛНИ ЙИГИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ВА САҚЛАШ

Баҳорда экилган илдизмеваларни реализация қилиш учун товар маҳсулот олиш мўлжалланган бўлса, майсалар кўрингандан 50—60 кун ўтга, яъни сабзи илдизмевасининг диаметри 1,5—2 см, лавлагиники эса 3—3,5 см га етгандан бошлаб ҳосилини йигиб-териб олишга киришилади. Қавлаб олинган ўсимлик барглари кесилмасдан боғ-боғ қилиб, шу куннинг ўзидаёқ ёки иккинчи куни реализация қилинади.

Баҳорги илдизмеваларнинг асосий ҳосили июнь-июль ойларida, илдизмеваси шу навнинг ўзига хос катталликка етганида йигиб-териб олинади. Ёзда экилганларининг ҳосили ноябрь ойларида ёғингарчилик бошланмасдан, қаттиқ совуқ тушмасдан олдин йиғишириб олинади. Совуққа чалинган илдизмевалар мазасини йўқотади ва узоқ сақланмайди.

Дастлаб совуққа чидамсиз, илдизмеваси тупроққа чуқур кирмайдиган экинларнинг ҳосили йигиб олинади. Одатда, олдин лавлаги, кейин шолғом, турп, сабзи, петрушка в сельдерей ҳосилини йигиб олишга киришилади. Пастернак ниҳоятда совуққа чидамли бўлганидан уни куздагина эмас, қишида кун илиган пайтларда, ҳатто баҳорда ҳам йигиб олиш мумкин.

Илдизмеваларни йигиб-териб олишда элеватор типидаги лавлаги ва картошка ковлагичлардан фойдаланилади. Отга қўшиб ишлатиладиган қуроллардан ковладиган панжалар ва отвали илиб қўйилган плуглар қўлланилади.

Қазиб олинган илдизмеванинг барги ўзак доираси тўғрисидан шу куниёқ пичноқ билан кесиб ташланади, чунки барги билан туриб қолса илдизмеванинг суви қочади, сўлийди ва кейинчалик уччалик яхши сақланмайди. Баргларидан тозаланади, кейин уларни йирик майдалигига қараб сараланади ва айни вақтда қинида сақлашга яроқсиз, яъни етилмаган, ёрилган, шикастланган илдизмевалар ажратиб олинади.

Ҳосилни йигиш, саралаш ва ташиш вақтида илдизмеваларни уринтирумасликка, шикастлантирумасликка (кесмаслик, пўстини цилмаслик ва ҳоказога) ҳаракат қилиш керак, чунки зарарланган илдизмевалар яхши сақланмайди.

Илдизмеваларнинг ҳосилдорлиги экиннинг навига, парваришлилар агротехникасига, айниқса, экиш муддатига қараб кескин даражада ўзгаради. Масалан, эртаги сабзининг гектаридан 120—130 қ, кечкисидан 130—150 қ, лавлагининг эртагисидан 130—140, кечкисидан 150—180 қ; шолғомдан 110—130, турпдан 120—150 қ ва петрушканинг ҳар гектаридан 80—100 қ атрофида ҳосил лиҳмоқда.

Илгор сабзавотчилик хўжаликларида илдизмевалардан анча юқори — гектаридан 250—300 қ ва ундан ортиқ ҳосил етиширилмоқда. 1970 йилда Тошкент область Тошкент районидаги «Ўзбекистон 50 йиллигиги» колхозидаги айрим бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 200—280 қ га, шу областнинг Калинин

районидаги «Ленин йўли» колхозида эса 382 ҳа тўғри келди. Айрим илдизмеваларнинг оғирлиги 400—450 ҳа етга (Мирфаёзов, Носиров, Боймуҳамедов, 1973).

Қирғизистон ССР Туп районидаги «Победа» колхози 1970 йили 10 ҳа ерга сабзи экиб, гектаридаи 520 ҳа ҳосил олгани.

Олмаотадаги айрим хўжаликлар: «Оқсой» совхози, Мичурин номли колхоз ва бошқа хўжаликларда юқори агротехника асосида парвариш қилинган участкаларнинг ҳар гектаридан 200—260 ҳа сабзи; «Луч Востока» ва Мичурин номли колхозларда эса ош лавлагининг ҳар гектаридан 400 ҳа ҳосил етиширилган.

Илдизмевалар температура 0 дани 2° гача, ҳавонинг нисбий намлиги 85—95% бўлгани подвал типида қурилган сабзавот омборлари ёки траншеяларда яхши сақланади. Шолгом, сабзи ва бошқа соябонгулошлар илдизмевасини сақлаш учун эни 50—60 см ва чуқурлиги 70—80 см; лавлаги ва турплар учун эса сиғими каттароқ; эни ҳамда чуқурлиги 70—80 см келадиган траншеялар қилинади. Илдизмевалар траншеяларда апремлашса сақланади, баҳорда эса уларни сабзавот омборларига олинади.

Лавлаги, шолгом ва турп 1,5 м гача қалинликда уюлиб, сабзавот омборларига сақланади. Сабзи бошқа илдизмеваларга қараганда унчалик яхши сақланмайди, шу сабабли унинг қатламлари орасига тоза, нам қум солиб, эши ва бўйи 1 м бўлгани штабелларга жойланади. Сабзи ва бошқа илдизмеваларни яшикларда ва контейнерларда сақлаш юклаш ва бўшатиш ишларини механизациялашга имкон беради. Бироқ, сўнгги йиллардаги текширишлардан маълум бўлишича, сабзини очиқ полиэтилен қопларда сақлаш энг яхши усул ҳисобланади. Илдизмевалар нафас олиши натижасида қоп ичида юқори даражада намлик шаронти вужудга келади ва карбонат анигидрид (3—5% гача) тўпланади. Полиэтилен қопларда сақланганда илдизмеваларнинг чириши, вазнининг табиий камайиши, шакар ва витамин С шунг йўқолиши анча камаяди.

УРУҒЧИЛИК

Уруғлик етишириш. Илдизмевалардан уруғ икки мавсумда (редискадан ташқари) олинади. Дастребаки мавсумда она илдизмева (уруглик) етиширилиб, иккинчи йили ундан уруғ олилади. Она илдизмевалар уруғи ёзда, одатдаги озиқ-овқат учун экиздиған илдизмевалар билан бир вақтда экиласади.

Она илдизмевалар етишириш агротехникасининг баъзи бир хусусиятлари бор. Уруғлик ўсимликлар ўстиришда азотли ўғитларни катта нормада бериш ярамайди, акс ҳолда илдизмевалар ҳаддан ташқари йирик бўлади ва бундай уруғликлар яхши сақланмайди. Уруғлик участкаларда экинларни, айниқса пухта ягана налаш зарур. Бир хил катталиктаги (жуда ҳам йирик, жуда ҳам майда бўлмасин) илдизмевалар олиш учун ўсимлик туп оралари

бир хил кенглика қолдирилиши лозим, лекин ҳаддан ташқари кенг бўлмаслиги керак.

Уруғлик экинлар орасидан товар маҳсулот сифатида фойдаланиш учун юлиб олиш мумкин эмас, бу мақсадда ягана қилишда, албатта, бирмунча йирик ва соғлом ўсимликлар реализацияга кетади.

Уруғликлар ноябринг биринчи ярмида, қаттиқ совуқ тушмасдан олдин йигиб олиниши зарур, чунки совуқ урган илдизмевалар яхши сақланмайди.

Уруғлик илдизмевалар қазиб олингандан кейин банди 1—2 см узунликда қолдирилиб, барги кесиб ташланади. Сўнгра илдизмевалар хилланади, бунда ўртача йирик ва ўртачадан каттароқлари шакли, ранги ва шу навга хос бўлганлари уругликка ажратилади. Уруғлик сабзининг ўртача вазни, уларнинг навига қараб 90—120 г; лавлаги билан турпники 250—300 г; шолғомни 120 г; пастернак, петрушка ва сельдерейники эса 70—100 г бўлиши керак. Майда, ёрилган, заҳаланган ҳамда чириган илдизмевалар уруғлик учун ярамайди. Уруғлик илдизмеваларни кўплаб нам йўқотишидан сақлаш керак, акс ҳолда «ўжар» ўсимликлар кўплаб пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун уруғликлар йигиб олингандан кейин улар тезда сараланиши ва траншея ёки сабзавот омборларига жойланиши керак. Она илдизмевалар ҳам озиқ-овқат илдизмевалариники сингари шароитда сақланади. Петрушка, сельдерей ва пастернак қишига ниҳоятда чидамли бўлганлигидан, қишини экилган жойида ҳам яхши ўтказади. Уларни баҳорда бевосита уруғликлар ўтказиш олдидан қазиб олиш мумкин.

Бир гектардан олинган она сабзи (илдизмеваси) 3—5 га; лавлаги 1,5—2 га; турп 2—3 га; шолғом 3—4 га ерга ўтқазиш учун етади.

Уруғ олиш. Иккинчи йили уруғлик учун қолдирилган, илдизмевалар биринчи йилдаги ўсимликларга қараганда ер шароити ва озиққа кўпроқ талабчан бўлади. Шунга кўра уруғлик участкалар унумдор ерларда бўлиши, лекин тупрогида азотли моддалар кўп бўлмаслиги керак. Уруғлик илдизмевалар баҳорда мумкин қадар барвақт, февралда — мартнинг бошларида ўтқазилиади. Шунинг учун уруғлик илдизмеваларни секин селгийдиган қайир ерларга экиб бўлмайди.

Илдизмеваларнинг ҳаммаси четдан чангланади, шуиси ҳам борки, бир тур ўсимлик ўзишинг ҳар хил навлари билангишина эмас, балки маданий ва ёввойи формалари билан ҳамда ҳар хил кенжа турлар билап ҳам чанглана беради. Шунинг учун ҳам уруғлик участкалари бир-биридан узоқ масофада — атрофи иҳоталанган жойларда 600 м, очиқ жойларда эса 2000 м нарида бўлиши керак.

Ёввойи ҳолда ўсуви сабзи, лавлаги ва пастернак уруғлик экинлар экилган участкалар атрофидан 300 м радиусда йўқотилиши керак.

Уруғлуклар әкиладиган ерлар кузда чуқур (27—28 см) шудгор қилинади ва эрта баҳорда бороналанади. Уруғлик участкаларга органик ва минерал ўғитлар, айниқса, фосфорлы ўғитлар кўпроқ солиниши керак. Чунки фосфор уруғ ҳосил бўлиши ва тез етилишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Сабзавот-полиз әкинлари ва картошкачилик ИТИ уруғлик илдизмева әкиладиган ерларга кузги шудгор олдидан гектарига 40 т гўнг ва 3—3,5 ц суперфосфат аралаштириб, ўсув даврида эса 1,5—2 ц дан суперфосфат ва 1—1,5 ц аммиакли селитра солишни тавсия қиласи. Чириган гўнгга суперфосфат аралаштириб, уруғлукларни ўтқазиш олдидан уяларга солиш ҳам яхши натижа беради.

Баҳорда ўтқазиш олдидан уруғлуклар кўздан кечирилади, сўлигац, совуқ ургани ва чириганлари брак қилинади. Сабзи ва лавлагини, бундан ташқари, этининг рангига қараб танлаш ҳам фойдалидир. Бунинг учун ўртача катталикдаги лавлаги ёнидан, йириклари эса бўйламасига ўртасидан кесилиб, икки паллага ажратилади. Бунда экиш учун ҳалқалари унча аниқ бўлмаган, этининг ранги тўқ қизиллари олинади. Сабзи этининг рангини аниқлаш учун илдизмеванинг дум қисми кесиб кўрилади. Ўзаги кичик ва эти тиниқ бўялган сабзилар экиш учун танлаб олинади.

Илдизмевалар бутунлигича ўтқазилади, фақат йирик лавлагилар икига бўлиб әкилади. Иккига бўлиб әкилган илдизмевалардан бутунлигича әкилган илдизмеваларга қараганда уруғ ҳосили кўпроқ олинади.

Урта Осиёнинг марказий ва жапубий районларида уруғлик илдизмевалар кўпинча кеч кузда, ноябрь ойида әкилади. Кеч кузда әкилганда уруғлукларни қишида сақлашга зарурат бўлмайди ва анча юқори ҳосил беради. Сабзи ва лавлаги уруғлукларини турли муддатларда экишнинг уруғ ҳосилига таъсири Туркманистондаги Багир тажриба станциясининг тажрибасидан яққол кўриниб турибди, га/ц:

<i>Экинлар</i>	<i>Кўкламда әкилганда</i>	<i>Кеч кузда әкилганда</i>
1 Сабзи Лавлаги	2 5,7 11,3	3 11,9 16,9

Қозогистон ҚХИ маълумотларига қараганда уруғлик илдизмеваларни тоғли районларда (таксминан 1500 м баландликда) кеч кузда экиш яхши натижа беради, чунки бундай жойларда қалин қор қоплами уруғлик илдизмеваларни совуқ уришдан сақтайди. Лекин Урта Осиёнинг водий районларида кеч кузда әкилган уруғлик илдизмеваларни совуқ уриш эҳтимоли бор, шунинг учун уруғлуклар айрим ҳоллардагина кеч кузда әкилади.

Баҳорда илдизмевалар февралнинг охри — март ойларида әкилади. Экиш бир оз кечиктирилган (апрель)да уруғ ҳосили


кескин камайиб кетади. Бунинг сабаби шуки, кеч экилганда илдизмевалар сақланытган жойларида күкариб кетади ва ўсимтаплари салга синади. Бундан ташқари, кеч ўтқазилган уруғликлар-пшіг илдиши ер устки қисмінде аңча секин ўсади. Натижада илдизлар ўсимликнинг ер устки қисмини озиқ моддалар ҳамда намлик билан етарли таъминлашга улгурға олмайди, ўсимлик секин ўсади ва ҳосили камаяди.

Лавлагилар, одатда, 70×70 ёки 70×60 см схемада квадрат усулида экилади. Улар иккиге бўлиб экилганда қатордаги туплар оралиги $30-35$ см гача қисқартирилади. Сабзи ва бошқа илдизмевалар 60×60 см схемада квадрат усулида ёки 70×70 см схемада квадрат-уялаб ўтқазилади. Бунда туп орасини 20 см дан қилиб ҳар уяди иккитадан ўсимлик қолдирилади. Сабзи ва бошқа соябонгулдош ҳамда крестгулдошларга мансуб илдизмевалар қаторлаб экилганда қатор оралари 70 см, қатордаги туплар оралиги $35-40$ см бўлади.

Илдизмеваларни квадрат ёки квадрат-уялаб экишда дала кўндалангига 60 ёки 70 см кенглика нишон солинади, сўнгра узунасига $12-15$ см чуқурликда эгат олинади. Уруғликлар эгат билан нишон чизигининг кесишган жойига, уч томонини юқорига қаратиб эгат ёнбошига суюб кетилади ва кетма-кет трактор ёки от окучники ёрдамида $4-5$ см қалинликда тупроққа кўмилади. Кузда эса $12-15$ см чуқурликка ўтқазилади. Экиш вақтида ҳосил бўлган эгат пушталари баҳорда борона билан сурилади, натижада илдизмевалар устидаги тупроқ қатлами $5-6$ см гача юпқалашади (90- расм).

Уруғликларни ўтқазилгандан кейинги парвариши $5-7$ марта суориш, қатор ораларини уч-тўрт марта культивация қилиш ҳамда бир-икки марта чопиқ қилиш (мотигалаш)дан иборат. Бегона ўтлар, айниқса, зарпечакнинг уруғлашига ва уларнинг уруғи илдизмевалар уруғлари билан аралашишига йўл қўймаслик уруғчиликдаги энг муҳим агротехника тадбирларидан ҳисобланади.

Илдизмевалар уруғи тугунчаси қўнғир тусга, крестгулдошлар мевачаси ҳамда сабзи ва бошқа соябонгулдошлар етилгани-



90- расм. Уруғлик лавлаги илдизмеваларини экиш чуқурлиги:
1 — нормал; 2 — юза; 3 — чуқур.

1 — нормал; 2 — юза; 3 — чуқур.

да соябони оч сариқ ёки оч жигар ранг тусга киради. Туридан ташқари ҳамма илдизмевалар уруғи пишганида тўкилиб кетади, зеро, бу экинлар уруғи тўла пишиб етилмасдан йигиб олиниши керак. Лавлаги тугунчасининг 20—25% и, сабзи ва бошқа соябонгулдошлар соябонининг учдан бир қисми, шолғом қўзогининг ярми, турп уруғининг эса ҳаммаси пишиб етилган пайтда йигиб-териб олишга киришилади.


Уруғлик ўсимликлар тури билан кесиб ёки илдизи билан суғуриб олинади. Таажрибалардан шу нарса маълумки, тури билан кесиб (ўриб) олишга қараганда илдизи билан суғуриб олинган ўсимлиқда уруғлар яхши етилади. Кичкина майдондаги уруғликлар соябончалари ёки пояларини етилишига қараб, танлаб-танлаб уч-тўрт марта кесиб олинади. Кесиб олинган уруғликлар қуритиш учун хирмонга ташиб келтирилади, уларнинг кўпчилиги шу ерда пишиб етилади. Уруғликларни қуритиш ва етилтириш 1—1,5 ҳафта давом этади.

Уруғликлар МО-700 ёки МС-1100 молотилкаларда янчилади, кейин СУ-0,1 ёхуд ОС-4,5А уруғ ажратгич машиналарида ва «Триумф» тозалагичида тозаланади. Лавлаги уруғи ОСГ-0,5 маркали, шолғом ва турп уруғи —«Змейка», соябонгулдошлар уруғи эса ССП-1,5 пневматик сараловчи машиналарда охирги марта тозаланади.

Илдизмеваларнинг уруғ ҳосили экин турига қараб турлича бўлади. Буни қуйидаги маълумотлардан ҳам билиш мумкин, га/ц:

Сабзи	3—5	Петрушка	4—5
Лавлаги	8—10	Пастернак	4—5
Турп	5—6	Сельдерей	1,5—2
Шолғом	3—4		

Илдизмевалар уруғи қуруқ, яхши шамоллатиб туриладиган хоналарда қопларда сақланади.



ПИЁЗЛАР

АҲАМИЯТИ ВА ИШЛАТИЛИШИ

Пиёзлар группасига пиёзгулдошлар оиласи (*Liliaceae*) дан *Allium* авлодига мансуб барча сабзавот ўсимликлари киради. Улардан энг муҳими *оддий* (бош) пиёз билан саримсоқдир. Порей пиёз, ботун пиёз ва бошқа турдаги пиёзлар унча аҳамиятга эга эмас.

Пиёз таркибидаги жуда кўп азотли моддалар (1,7—2,5%) шакар ва витаминлар бўлади. Эфир мойлари уларга ўзига хос ҳид ҳамда ўткир маза бериб туради.

Оддий пиёзнинг Хоразм воҳасида етиширилган Ўрта Осиё навлари таркибидаги: 14—16,5% қуруқ модда; 7,8—11,1% шакар, шу жумладан, 4,8—8,2% сахароза ва 1,37—6,9 мг% гача витамин С бор. Тошкент яқинида етиширилган пиёзнинг яшил баргидаги 19—57 мг% гача витамин С борлиги аниқланган. Пиёз А, В₁, В₂ витаминларга ҳам бой.

Оддий пиёз таркибидаги эфир мойларининг миқдорига қараб уч группага, яъни аччиқ (таркибидаги эфир мойи жуда кўп), ярим аччиқ ва чучук пиёзларга бўлинади. Пиёз таркибидаги миқдорда лимон ва олма кислоталари, сиртқи қуруқ пўстларида эса квэрцетин деган сариқ бўёқ моддаси бўлади.

Саримсоқ таркибидаги озиқ моддаларнинг кўплиги жиҳатидан фақат оддий пиёздангина эмас, балки бошқа барча сабзавотлардан ҳам анча устун туради. Унинг таркибидаги (ўртача) 64—66% сув; 6,7% азотли моддалар; 0,06% ёғлар; 26,3% азотсиз экстрактив моддалар; 0,77% клетчатка; 1,44% кул ҳамда 10—12 мг% витамин С бўлади. Саримсоқ таркибидаги учувчалик эфир мойлари унга ўзига хос маза ва ҳид беради.

Пиёз ўсимликлари бир неча минг йиллардан бери овқатга ишлатилиб келинади. Улар таомларга зирашор сифатида ишлатилиди ва янгилигича истеъмол қилинади ёхуд колбасаси тайёрлашда (саримсоқ) фойдаланилади. Бу экинларнинг фитонцидлик хоссаси юқори даражада бўлганлиги ва организмда йигилиб қолган оҳакни эритиш қобилиятига эга бўлганлиги учун пиёз, айниқса, саримсоқ ҳамда улардан тайёрланган препаратлар медицинада ошқозон касалликлари, нафас олиш органлари, юрак-қон томир системасини даволашда ишлатилади. Пиёз қобиги чиқин-диларидан тайёрланган шира баъзан бўёқ сифатида фойдаланилади.

Кўпчилик авторлар оддий пиёз ва саримсоқнинг ватани Ўрта Осиё ва Афғонистоннинг тоғли районлари деб ҳисоблайдилар. Бу ерда пиёзниң маҳаллий халқлар томонидан истеъмол қилинаётган жуда кўп ёввойи формалари ҳозир ҳам бор; батун пиёз ва бошқа кўп йиллик пиёзлар афтидан Шарқий Сибирнинг жанубий қисмларидан ва унинг Хитой ҳамда Монголияга яқин жойларидан келиб чиққан. Ўрта дengиз соҳилларини порей пиёзниң ватани деб ҳисоблайдилар.

Пиёзлардан оддий пиёз энг кўп экилади, у мамлакатимизда энг муҳим сабзавот экинларидан бири ҳисоблапади. СССРнинг жаҳарабий қисмларида, шу жумладан, Ўрта Осиё республикаларида кичик майдонларда порей пиёз етиштирилади. СССРнинг, айниқса, шимолий ва шимоли-шарқий районларида совуққа чидамлилиги билан ажralиб турувчи батун пиёз ва бошқа кўп йиллик пиёзлар барра лиёз учун экилади.

Саримсоқ СССРнинг шимолий районларидан ташқари ҳамма жойда, лекин кичикроқ майдонларда етиштирилади.

1969 йили СССРда тахминан 125 минг га ерга пиёз ва саримсоқ экилган, бу эса бутун сабзавот майдонининг қарийб 8,8% ини ташкил этади. Ўрта Осиё республикаларида сабзавот экинлари орасида пиёзга айниқса катта ўрин (20% дан кўпроқ) берилган. Шунингдек, Қозоғистонда ҳам кўп (10,8%) экилади.


ОДДИЙ ПИЁЗ

БОТАНИК ТАЪРИФИ

Пиёз ўсимлигининг (*Allium sera L.*) пиёзбоши қисқа поядан (тубдан) иборат, унда битта ёки бир қанча генератив ва вегетатив куртаклар жойлашади. Генератив куртаклардан мұхит шароитига қараб гулпоя (стрелка) ривожланади. Гулпоядан гул ва уруг, вегетатив органларидан эса пиёзбош ривожланади. Бошланғич куртаклар серэт қобиқлар билан қопланган. Бу шакли ўзарган барглардир. Ичи серэт, ширали қобиқлар, запас озиқ моддалар түпланадиган жой бўлиб хизмат қиласади. Улардан баъзи бир (очиқ)лари пиёзбошдан яшил наисимон барглар, ҳолида чиқади. Сиртқи қобиқсизмон барглари қуриди ва қотиб, қуруқ, қалин пўстга айланади. Улар «кўйлак» деб аталиб, пиёзбоши қурпб қолишдан, механик шикастланишдан сақлайди. Пиёзбошнинг баргларга ўтадиган жойи сохта поя ёки бўйин деб аталади. Пиёз пишганда сўлийди ҳамда қуриб қолади (91- расм).


Пиёзбошнинг туби оддий, битта пиёзбошли ёки шохлайдиган, икки ёки бир неча пиёзбошли бўлади.

Пиёзбошнинг битта умумий тубдан бир нечта пиёзбош ҳосил қилиш қобилияти унинг болалashi деб аталади. Бир, икки, уч ёки кўп болалайдиган пиёзлар бўлади (92- расм). Кўп болалайдиган пиёзлар кам болалайдиганларига нисбатан, одатда, анча серҳосил бўлади.



91-расм. Пиёзбошнинг тузилиши:

1, 2 — очик қобиги; 3 — ёпиқ қобиги; 4, 8 — бошланғич муртаклари; 5 — бўйни; 6 — туби; 7 — учи (товори).



92-расм. Пиёзниң болалаши:

1 — бир уяли; 2 — икки уяли; 3 — уч уяли; 4 — кўп уяли.

Пиёзниң пиёз тубида турли миқдорда бошланғич муртак ҳосил қилиш хусусияти сермуртаклик дейилади. Бошланғич муртакнинг миқдорига қараб бир, икки ёки кўп бошланғич муртакли пиёзлар бўлади.

Пиёз тубининг пастки қисмидаги тўқималар аста-секин нобуд бўлади ва қотиб қолади. Пиёз тубининг бу қисми т о в о н деб аталади.

Тузилиши баён этилган пиёз фақат бошпиёз учун характерли бўлибгина қолмай, балки пиёзниң бошқа баъзи турлари, шунингдек, саримсоқ учун ҳам характерли бўлиб, ҳақиқий пиёз деб аталади ва М. В. Алексеева таърифи бўйича (1960), тиним даврдаги ўсимлик ҳисобланади. Чунончи, пиёзбошда ёпиқ қобиқлар кўп бўлиб, очиқлари кам бўлса пиёзбошнинг тиним даври шунча узоқ бўлади.

Баъзи пиёз турлари фақат очиқ қобиқлардан иборат, баргга айланувчи пиёзбошлар ҳосил қилади. Бундай пиёзбош соҳта пиёз деб аталади. Бу пиёз тинимсиз ўсувчи новда, яшил баргарлар, йўғонлашган асослардан иборат.


Пиёзнинг баъзи тур хилларида майдада пиёзчалар поядар, тўпгулларда ҳосил бўлиши мумкин. Уларнинг ички тузилиши ҳам, худди ер остидаги сингари бўлиб, ҳаво пиёзчалири деб аталади.

Пиёзнинг илдизи попук илдиз типиди бўлиб, бирмунча суст ривожланади, кўпинча ернинг юза (50 см гача) қаватига таралади. Илдизлари жуда кам шохлайди, шунинг учун ҳам уларнинг сўриш кучи унчалик кучли эмас.

Пиёз ҳаётининг иккичи ёки учинчи йиллари пиёзбошнинг бошлангич муртакларидан туб қисми шишган (йўғон) битта ёки бир нечта ичи ғовак гулпоя (стрелка) лар ҳосил бўлади. Гулпоялардан йпринк шарсимон тўпгул чиқади. Гўпгули юпқа парда (филоф) билан ўралган бўлиб, гуллари очилганда филоф ёрилади. Гули икки жиисли бўлиб, олтига оқ ёки яшилроқ оқиши гултожи-барглар, олтига чаңгчи ва устки тугунчадан иборат. Тўпгулдаги гулларнинг ҳаммаси бир вақтда очилмайди, шунинг учун гуллаши ва уругининг етилиши анча вақт давом этади. Жанубий районлар шароитида битта тўпгулиниг гуллаши 10—20 кун ва ундан ҳам кўпроқ давом этади (93-расм).

Бошпиёз — четдан чангланувчи ўсимлик, чангни ҳашаротлар, асосан асаларилар ташийди.

Меваси — уч қиррали, пишганди ёрилиб кетадиган кўсакчадан иборат. Унда олтита (тўла чангланганда) уч қирра ва усти ғадир-будур қора уруғлар бўлади. Уруғининг абсолют оғирлиги 2,5—4 г. Нормал унувчанилиги 95—98%, унувчанилиги 2—3 йилгача сақланади.



93-расм. Пиёз тўпгули.

КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА НАВЛАРИ

Бутуниттифоқ ўсимликишунослиқ институтининг (Қазакова, 1970) классификациясига кўра, оддий пиёз (*Allium serotinum* L.) учта кенжатурга бўлинади:

Жанубий кенжатурга турга Европанинг жанубида, Афғонистонда, Эронда, Ироқда, Ўрта Осиё ва Қавказда ўстири-

ладиган навлар киради. Бу пиёзлар йириклиги, мазаси, чучуклигі ёки ўртата аччиқлиги билан фарқ қиласы. Жанубий кенжек тур иккита экологик группага: *Үрта денгиз ва Осиё груп* пасига бўлинади.

Үрта денгиз пиёзлари ўсув даври узоқ давом этиши (160—200 кун), бир ёки икки бошлангич муртакли, йирик пиёзли, шакли ва ранги ҳар хиллиги, ғовак жойлашган қалин ички (серсув) қобиқлари бўлиши, мазаси ширин ва яхши сақланмаслиги билан фарқ қиласы. *Үрта денгиз* экологик группаси ўз навбатида Испания, Италияни, Майдер ва Ялта типларига бўлинади.

Осиё пиёзлари— ўсув даври нисбатан қисқалиги (130—170 кун) билан фарқ қиласы, пиёзбошлари бирмунча майдароқ, бошлангич муртаги кам, шакли ва ранги ҳар хил, серсув қобиқлари ўртата қалнилиқда, мазаси ширин ёки ўртата аччиқ бўлади. Бош пиёзларнинг сақланиши ўртата ёки ёмон. Осиё экологик группаси учта: Афғон, Кавказ, ва *Үрта Осиё* нав типини ўз ичига олади.

Фарбий кенжек тур. Бунга ўсув даври 120—160 кун, бошлангич муртаги битта, ўртата ва бош пиёзлари ўртата йирик, турли шаклдаги, сариқ ёки қизил гунафша рангли, таъми аччиқ ёки ярим аччиқ, ўртата ёки яхши сақланадиган навлар киради. *Фарбий* кенжек тур ўз навбатида учта экологик группага: *Үрта европа* (нав типлари: Каба, Брауншвейг ва Днестр), *Үрта рус* (нав типлари: Ростов, Данилов, Стригунов), *Шимолий америка* (нав типлари; данвер ва Эбенезер) группасига бўлинади.

Шарқий кенжек тур (уруғдан ўстирилганда ўсув даври 120—150 кун, вегетатив йўл билан кўпайтирилганда 80—120 кун), майда бошлангич муртаги кўп, кўп уяли, турли рангдаги думалоқ-ялпоқ пиёз, аччиқ ва ярим аччиқлиги ва яхши сақланиши билан фарқ қиласы. *Шарқий* кенжек тур, ўз навбатида *Шимолий* ва *Жануби-шарқий* экологик группага бўлинади.

Шимолий экологик группага кирувчи навлар, кўп ҳолларда жинсий йўл билан кўпайишга бўлган қобилиятини бутунлай ёки деярли йўқотган бўлади ва вегетатив йўл билан кўпаяди. Улар бошлангич муртакларнинг кўплиги (15 гача) ва уядаги пиёзчаларининг кўп (10—25) лиги билан фарқ қиласы. Пиёзбошлар жуда тифиз ва яхши сақланади, мазаси аччиқ. Ўсув даври 80—100 кун. СССРнинг шимолида, Узоқ Шарқ ўлкасида, *Фарбий Европа* шимолида ва Америкада ўстирилади.

Жануби-шарқий экологик группага мансуб навлар Афғонистонда, Покистонда, Кавказда, Украина ва Қозогистонда тарқалган уруглардан кўпайтирилади ва икки йиллик экин сифатида ўстирилади. Ўсув даври 130—150 кун. Пиёзбошлари майда, думалоқ-ялпоқ бўлади. Пиёз бошлангич муртакларнинг сони ўртата (2—4), мазаси ўртата аччиқ ёки бир оз аччиқ ва ширин, қуруқ қобиқларининг ранги қизгиш-бинафша ва сариқ бўлади.

Кўпгина авторлар (Алексеева, 1960) мустақил тур хил сифатида *шалот-пиёзни ажратадилар*. Мазкур тур хилига жанубий тез-пишар, ўртата аччиқ ва аччиқ пиёзлар киради. Пиёзбоши унча

йирик бўлмай, думалоқ, кўп уяли ва бошлангич муртаклари кўп, тиним даври қисқа; яхши сақланиши, аммо тез ўсиб кетиши ва паст (-4° , -5°) температурага чидамлилиги билан бошқалардан ажралиб туради. Гулпояси қисқа, деярли йўғонлашмайди, барги ингичка, нозик. Шалот-пиёз СССР Европа қисмининг жанубида, Фарбий Европа мамлакатларида ва АҚШда экилади. Эртаги ҳосил етиштириш учун Ўрта Осиёда экиш ҳам истиқболлидир.

Жанубий кенжা тур ва қисман Фарбий кенжা тур Ўрта Европа группасидаги пиёзлар, Осиё экологик группасига кирадиган маҳаллий пиёзлар, айниқса, Ўрта Осиёда ва Қозоғистоннинг жанубида кенг тарқалган.

Бошпиёзнинг маданий навлари бир қатор морфологик ва биологик белгиларига кўра фарқ қиласди. Улардан энг муҳимлари: баргининг сони, йириклиги, ранги ва уларда мум губор бор-йўқлиги;

пиёзнинг шакли, серуялилиги, бошлангич муртаклилиги — бошлангич муртаклар сони кам ($1-2$), ўртача ($2-3$) ва кўп (3 дан ортиқ) бўлиши мумкин;

пиёзбошнинг йириклиги: майдада (60 гача), ўртача ($60-120$ г) ва йирик (120 г дан ортиқ) бўлади;

буш пиёзнинг этли ва қопловчи (қурӯқ) қобиқларининг ранги оқ, сариқ, жигар ранг, бинафша ранг;

пиёзбошнинг тифизлиги ва мазаси чучук, ярим аччиқ ва аччиқ бўлиши;

ҳаётнинг иккинчи йилида шохлашни: кам шохлайдиган ($1-3$ гулпоюли), ўртача шохлайдиган ($3-5$ гулпоюли) ва кўп шохлайдиган (5 гулпоядан ортиқ) бўлади;

гулпоясининг бўйи: паст (50 см гача), ўртача ($50-100$ см) ва баланд (100 см дан ортиқ) бўлади.

Пиёз павлари ҳосилдорлиги ва етилиш муддатларига қараб бир-биридан кескин фарқ қиласди. Ўрта Осиёда, асосан ўсув даври $140-180$ кун (униб чиққандан то ёппасига барги ётгуича) бўлган ўртапишар ва кечпишар навлар кенг тарқалган. Булардан энг муҳимлари қуйидагилар:

Андижон оқ пиёзи. Пиёзбоши тифиз, бирмунча йирик, ранги оқ, шакли думалоқлиги билан таърифланади. Мазаси чучук ёки ярим аччиқ. Сақлашга чидамлилиги ва ҳосилдорлиги яхши. Кечпишар пав.

Ленинобод пиёзи (кулча пиёз) ҳам ўзининг морфологик ва биологик белгиларига кўра Андижон пиёзига жуда яқин туради. Бу пиёз Тожикистон ССРнинг Ленинобод обlastida кенг тарқалган.

Самарқанд қизил пиёзи 172. Пиёзбоши йирик, думалоқ-ялпоқ шакли ва бинафша рангли, кечпишар пав. Мазаси ярим аччиқ. Бу пав яхши сақланиши, серҳосиллиги билан бошқаларидан фарқ қиласди (VIII рангли таблица).

Узининг морфологик ва биологик белгиларига, шўрга чидамлилигига кўра Туркманистон Қаҳқин нав пиёзи Самарқанд пиёзига яқин туради.

Марғилон пиёзи (тухум пиёз). Бу нав кечпишар, пиёзбоши ўртача йирик, узунчоқ, оқ. Мазаси чучук. Анча серҳосил, сақланиши ўртача. Кўпроқ Фарғона водийсида экиласди.

Коратол нав пиёз — ўртапишар, ярим аччиқ, серҳосил, пиёзбоши думалоқ, ранги тилла ранг-сарғиши, яхши сақланади. Жонсон навидан етиштирилган.

Фароб 167 нави — кечпишар, пиёзбоши жуда йирик, оқ, думалоқ-ялпок. Серҳосил, яхши сақланади. Мазаси ярим аччиқ. Шўрерларга нисбатан чидамли (VIII рангли таблица).

Каба пиёзи — ўртача кечпишар, серҳосил нав, пиёзбоши йирик, шакли думалоқ, ялпоқ ёки учли думалоқ, жигар рангсариқ тусли. Мазаси бир оз аччиқ. Пўсти пиёзбошга яхши ёпишмаган, ҳосилни йиғиш вақтида ўз-ўзидан кўчиб кетади. Узбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ шу нав устида селекция ишлари олиб бориб уни яхшилади, яъни пиёзбоши думалоқ шаклга кириб сақланадиган ва пўсти яхши ёпишиб турадиган бўлди. Яхшиланган Каба 132 нав пиёз Узбекистон ССРда районластирилган (VIII рангли таблица).

Тунгон 156 нави. Кечпишар, серҳосил, сақланиши ўртача нав бўлиб, пиёзбоши йирик, тўқ бинафша рангли, шакли думалоқ-ялпок, мазаси ярим аччиқ.

Испан 13 нави. Кечпишар, серҳосил нав. Чучук пиёзлар группасига киради. Пиёзбоши бир уяли, бошлангич муртаги кам (1—2), думалоқ шаклда. Этли қобиқлари оқ, устки қуруқ қобиқлари — оч сариқ бўлади. Бухоро Давлат нав синаш участкаси маълумотларига кўра, шўрга чидамлилиги билан ажralиб турди (VIII рангли таблица).

Ўрта Осиё ва, асосан, Қозоғистонда экилаётган Шалот пиёз навларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. *Олмаота шалоти* — пиёзбоши майда, ранги сариқ ва маҳаллий бинафша ранг пиёз — рус бинафша ранг пиёзига яқин туриши ва бинафша рангли майда, ялпоқ ҳамда мазаси бир оз аччиқ пиёзбоши ҳосил қилиши билан характерланади.

Маринад ва консерва тайёрлаш учун етиштириладиган пиёз нинг консервабол навларига *Барлетта пиёзи* киради. Бу пиёз энг тезпишар навлардан бўлиб, пиёзбоши майда, бир уяли, мазаси чучук бўлади.

БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бош пиёз навига, экилаётган районнига, парваришлаш усулига қараб, икки, уч ёки кўп йиллик ўсимлик бўлиши мумкин.

Ўрта Осиёда уругдан экилган пиёз биринчи йилиёқ йирик пиёзбош ҳосил қилиб, келгуси йилда гулновда чиқариб гуллайди ва уруғ ҳосил қиласди. Қозоғистоннинг шимолида ва СССРнинг

Үрта миңтақасыда бу пиәз биринчи йили йирик пиәзбоши ҳосил қилишга улгурмайды. Шунинг учун бу ерда уч йиллик ўсимлик сифатыда әкилади. Пиәз уруги жуда қалып әкилади. Натижада у тез етилади ва нүш деб аталадиган майда (диаметри 0,5—2,5 см) пиәзбошлар ҳосил қиласы. Нүш пиәз кейинги йили әкилгаңда йирик, озиқ-овқатта ишлатиладиган пиәзбош ҳосил қиласы. Йирик пиәзлар ерга әкилгаңда гулпоја чиқаради ва уруг беради.

Пиәз уруги пишиб улгурмайдын СССРнинг шимолий районларида вегетатив йўл билан кўпайтирилади. Бунда экиш учун ҳар йили ўртача йирик пиәзлар танлаб олиниб, нўш қилинади.

Пиәз совуққа чидамли ўсимлик. 3—5° температурада уруги унади ва пиәзбоши ўсади, аммо пиәз учун оптималь температура 18—20° ҳисобланади. Майсалари 2—3° гача бўлган паст температурага бардош беради, етилган пиәзбошлари эса 10—12° гача бўлган қисқа муддатли совуққа ҳам чидайди. Яхлаган ва астасекин яхдан тушган пиәзлар ҳаётчанлигини йўқотмайди. Пиәзнинг барги 6—7° гача совуққа бардош бера олади.

Пиәзнинг уруги қаттиқ пўст билан ўралган ва таркибида эфир мойи бор. Шунинг учун улар секин бўртади ва унади. Баҳорда әкилган пиәз уруги 15—18 кунда майса чиқаради.

Ургунинг униш процессида илдизча, уруғбарг ости тирсаги ва битта уруғбарг ҳосил бўлиб, у дастлабки вақтларда уруг ичида туради. Шунинг учун уруғбарг ости тирсаги ўсиб ер бетига *сиртмоқча* шаклида чиқади. Уруғбарг ости тирсаги ўсишини давом эттириб, аста-секин ердан уруғбаргни тортиб, уруғ пўсти билан ер бетига олиб чиқади ва тикланади. Лекин уруғ жуда чуқур әкилган, ер қаттиқ бўлса, ердан уруғбарг эмас, илдизчалар ҳам қўшилиб чиқади ва майса нобуд бўлади.

Сиртмоқча чиқариш даврига келиб уруғпалла ичида куртак ҳосил бўлади ва ундан дастлабки чинбарг ривожланади. Барг, одатда, уруғ унгандан 12—15 кун кейин, уруғпалла баргининг маҳсус тешикласидан ташқарига чиқади. Биринчисидан кейин 8—10 кун ўтгач, унинг ичидан иккинчи чинбарг ўсиб чиқади. Учинчи ва ундан кейинги барглар ҳар 4—6 кунда, аввалги баргнинг ичидан ўсиб чиқа беради. Натижада соҳта поя ҳосил бўлади, булар бир-бирининг ичига ўралган найсимон барг қинларидан иборат.

Пиәз майсалари дастлаб жуда секин ўсади. Шунинг учун ҳам уларни бегона ўтлар босиб нормал ўсишига халал беради, улар қатқалоқдан, намнинг етишмаслиги ва бошқа ноқулай шароитдан қаттиқ қийиалади. Шу сабабли пиәзни ўсув даврининг босида яхши парвариш қилиш талаб этилади.

Ассимиляция аппарати (барглари) чиққандан кейин пиәзбош шакллана бошлайди. Баргларда синтезланадиган углеводлар ўсимликинг қўйи қисмига тушиб, у ерда запас бўлиб тўпланади. Бунда баргининг асоси йўғонлашиб, серэт қобиққа айланади ва пиәзбоши ҳосил қиласы. Шу билан бир вақтда этли туташ қобиқ ҳам ҳосил бўлади. Бу қобиқнинг ассимиляция қилувчи пластинкаси бўлмайди. У озиқ моддалар тўпланиши учун хизмат қиласы.

Үрта Осиё маҳаллий пиёзларининг ўсув даври уруғдан экилганида 130 кундан 160—180 кунгача давом этади. Уруғлик пиёзбош ўтқазилгандан то уруғ пишгунча 110—130 кун ўтади.

Пиёзбошнинг шаклланиши учун энг қулай температура 20—30°. Температура бундан пастроқ бўлса, пиёзбош суст ўсади; температура юқори бўлса, таркибидаги пластик моддаларнинг нафас олишга сарфланиши туфайли пиёзбош майдада бўлиб қолади.

Шимолий нав пиёзларнинг ўсиши учун 15—18 соатлик узун кун қулай ҳисобланади. Ўзун кун шароитида пиёзбош тез шакллапади, барвақт етилади ва анча йирик бўлади. Қисқа кунда эса пиёзбошларнинг шаклланиши ва етилиши кечикади. Жанубий пиёз навлари учун, аксинча, қисқа кун керак. Бу пиёзлар шимолда экилса, узун кун шароитида пишмай қолади.

Ўсимлик ҳаётининг турли даврларида ёруғлик интенсивлигига талаби бир хилда бўлмайди. Улар ўсув даври бошларида, барг аппарати ўсиб чиққанда уччалик катта бўлмайди, лекин пиёзбошлар шаклланаётган вақтда бирдан катталашади. Шунинг учун барба пиёз ўстираётганда ўсимликни бир оз соялатиш жуда муҳим. Ўсимлик йирик бош пиёз учун ўстирилганда соялатиш пиёзбошлар шаклланишини кечикириди ва ҳосилни камайтиради.

Пиёзбошнинг шаклланиши ва етилиши озиқ шароитига ва ўсимликнинг сув билан қанчалик таъминланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Уруғ қанча қалип экилса, ўсимлик озиқ моддалар ва сув билан қанчалик кам таъминланса, пиёзбош шунчалик тез шаклланади ва майдада бўлади.

Қозогистоннинг шимолида ва СССРнинг марказий минтақасида пиёз қалин экилса, яъни ҳар гектарда 3—7 млн ўсимлик бўлса, жуда майдада — нўш бўлиб қолади. Агар ҳар гектар ерда 200—400 минг ўсимлик ўстирилса ва озиқланиш шароити яхши бўлса, йирик — овқатга ишлатишга яроқли пиёзбош етилади.

Жанубда биринчи йилиёқ йирик пиёзбош ҳосил бўлади, шунинг учун пиёз экиш кечикса, уругни қалинроқ сепиш тавсия этилади. Чунки қалин экилган пиёздан майдада, лекин яхши етилган ҳосил олинади.

Пиёзбош шаклланаётган вақтда пиёз тубидаги серэт пардалар орасида бошланғич муртак, булардан эса келаси йили гулпоялар ёки майдада ёш пиёзбошлар ҳосил бўлади.

Куртакдан янги пиёзбош ҳосил бўлиши ёки гулпоя чиқиши турли сабабларга, биринчи навбатда пиёзбошнинг сақланиш температурасига боғлиқ.

Паст температура (2—10°) шароитда узоқ сақланса, пиёздағи куртаклардан гул новдалар ҳосил бўлади. Бундан юқори (18—20°) ёки, аксинча, паст (0° дан паст) температурада сақланганда куртакдан янги ёш пиёзбош ҳосил бўлади. Пиёзнинг ана шу биологик хусусиятини назарга олиб, пиёзбош юқори (18—20° дан ортиқ) ёки аксинча, паст (0° дан паст) температурада сақланади. Шунда пиёз эркаклаб кетмайди. Уруғлик учун мўлжалланган

пиёзбошни эса, аксинча, 2 дан 10° гача температурада сақлаш тавсия қилинади.

Уруғлик пиёзларининг эркаклаб кетишига уларни экиш муддати, пиёзбошларни ерга ўтқазгандан кейинги температура, тупроқ намлиги ҳам таъсир қиласи. Баҳор яхши, иссиқ келганда ва ерда нам кам бўлганда пиёзнинг эркаклаб кетиши камаяди, гулпоя (стрелка) чиқармайдиган ўсимликларда «ўжарлик» хусусияти пайдо бўлишига олиб келади. Аксинча, пиёз эрта экилса ва баҳоргидан салқин ҳаво анча чўзилса, гулпоя чиқариш кучаяди.

Бошпиёз айрим гулинииг гуллаши 3—4 кун давом этади. Жанубда тўпгулнинг гуллаши 15—20 кун, ўрта минтақада эса 48 кунгача давом этади (Қазакова, 1970). Шимол ва ўрта минтақа шарфитида тўпгуллардаги гулларнииг максимум очилиши тушки соатларга тўғри келади. Жануб (Тошкент)да куннинг энг иссиқ соатларида гуллаш интенсивлиги пасаяди ва бунинг ҳисобига гулларнииг бприн-кетин очилиши икки баравар ошиб кетади.

АГРОТЕХНИКАСИ

Ер танлаш. Пиёз уяумдор, енгил, лойқа ўтирган ерларда, шунингдек, соз тупроқли ва яхши ўғитланган қумлоқ тупроқли ерларда яхши ўсади. Оғир соз тупроқли ерлар пиёз экиш учун унчалик ярамайди. Шўрланган ёки ботқоқлапган ерларда пиёз мутлақо ўスマайди. Ўрта Осиёда механик таркиби жиҳатидан енгил бўз тупроқли ерларда пиёздан мўл ҳосил олинади. Пиёз экиш учун кучли шўрланган участкаларни ажратиш тавсия қилинмайди.

Алмашлаб экишдаги ўрни. Пиёзнииг алмашлаб экишдаги ўрни ва ўғитлаш системаси унинг ердаги озиқ моддаларга ва бегона ўтларга бўлгани муносабатига қараб белгиланади. Пиёз ўсимлларни ўсув даврида ердаги озиқ моддаларни унчалик кўп сарфламайди. Ерда азотнииг, айниқса ўсув даврининг иккинчи ярмida, кўп бўлиши пиёзга ҳатто зарар етказади, чунику бу ҳолда пиёзнииг етилиши кечикади ва яхши сақланмайди. Пиёзнииг бошқа бир биологик хусусияти шуки, секин ўсади ва ер бетини тез соялай олмай уни бегона ўтлар жуда сиқиб қўяди. Шу сабабли пиёз агротехникасининг энг муҳим масалаларидаи бири бегона ўтларга қарши қурашдир. Алмашлаб экишда далани ўтдан тозалаш имконини берадиган қарам, картошка ва бодринг ўсимликлари пиёз учун энг яхши ўтмишдош экин ҳисобланади.

Ўғитлаш. Ўзбекистоннинг бўз тупроқли ерларида (Балашев, 1969) ва Қозоғистоннинг жануби-шарқидаги оч каштан тупроқли ерларда пиёз минерал ўғитлар солинишига жуда талабчани ва азот, фосфор, калий биргаликда солинганда айниқса мўл ҳосил беради.

Буни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин, га/ц:

Тупроклар:	0	РК	NK	NP	NрK
Типик бўз тупроқ	93	93	96	103	104
Оч каштан тупроқ	208	254	271	284	314

Пиёз органик ўғитлар — гўнг, компост солишга ҳам жуда талбчан экин. Қозогистондаги тажрибаларнинг кўрсатишича, минерал ва органик ўғитлар биргаликда солингандада яхши натижалар беради (Хватов, Хохлов, 1970):

	0	РК	гектарига 10 т гўнг	NPK+гектарига 10 т гўнг
Ҳосили, га/ц	157	203	204	228

Аммо пиёз экилган ерга янги гўнг солинса, пиёз кеч стилади ва кўпинча ер бегона ўтларнинг уруғлари билан ифлосланади. Шунинг учун янги гўнг шу ерга пиёздан олдин экиладиган экинларга солиниб, пиёзга эса чиринди ёки тупроқ-фекалий компости солинади. Уғит фақат экиш олдидангина эмас, балки ўсув даврида ҳам экинлар қўшимча равишда озиқлантириб турилиши керак. Экинни пиёзбош шакллана бошлаганда ўғитлаш айниқса муҳимдир, чунки бу вақтда ўсимликнинг озиқ моддаларга талашиб кескин ошади.

Ўзбекистонда ер ҳайдаш вақтида гектарига 20—25 т яхши чириган гўнг, 1 ц аммиак селитраси ва калий тузи ҳамда 2—2,5 ц суперфосфат; ўсув даврида эса қўшимча озиқ сифатида гектарига 1,5—2 ц селитра ва 2—2,5 ц суперфосфат солиш тавсия этилади. Қўшимча озиқ биринчи чинбарг пайдо бўлганда ва пиёз шакллана бошлаганда берилади.

Жанубий Қозогистоннинг сугориладиган бўз ерларида гектарига 30—40 т органик ўғит (гўнг ёки компост), 1,5—2 ц аммиакли селитра, 2—3 ц суперфосфат ва 0—0,5 ц калий тузи солиш тавсия этилади.

Жануби-шарқий Қозогистонда ўтказилган тажрибалар, пиёз микроўғитларга, айниқса, борга жуда талабчанлигини кўрсатди (Хватов, Хохлов, 1970):

	0	Mo	Mn	B
Ҳосили, га/ц	148,2	175,0	181,0	186,3

Микроўғит солишнинг иқтисодий жиҳатдан энг самарали усули экиш олдидан уруғларни упалашдир.

Пиёз экиш. Урта Осиёда пиёз уч муддатда: эрта баҳорда, ёз-кузда ва кеч кузда экилади. Пиёз асосан эрта баҳорда экилади, бунда пиёзни қиши билан тўплangan нам ва баҳорги ёғин-сочин суви ҳисобига ундириб олиш мўлжалланади. Эрта баҳорда пиёз экиш жойининг географик кенглиги ва об-ҳаво шароитига қараб, февралнинг охири ва март ойларida экилади. Кеч (апрелда) экилса ҳосил камаяди, бунинг сабаби қисман шуки, температура юқори бўлганда пиёзнинг ер усти қисми илдизига қараганда тез ўсади, илдизи эса унга ердан озиқ етказиб беришга улгура олмайди. Шунинг учун пиёз кечикиб экилганда у секин ўсади ва ривожланади. Бундан ташқари, ап-

релда экилганда баҳорги ёғингарчилик анча камаяди ва температура кўтарила бошлайди. Шунинг учун апрель ойида экилган пиёзни ундириб олиш қийин бўлади.

1967 йилда Бухоро тажриба станциясида олиб борилган тажрибаларда экиш муддатларига қараб пиёз ҳосили қўйидагича бўлди: га/ц


Экиш муддатлари Ҳосили, га/ц	20.11 158	3.III 130	20.III 115	5.IV 85
---------------------------------	--------------	--------------	---------------	------------

Пиёзни ноябрь охири — декабрь бошларида — кеч кузда экиш ҳам самаралидир. Шу муддатларда экилганда пиёз эрта чиқади (кўклимда) ва баҳорда экилгандагига қараганда анча эртаги ҳамда юқори ҳосил беради. Бироқ кеч кузда экилганда қишики илиқ кунларда пиёз ўса бошлаб, сўнгра уни совуқ уриши мумкин (94-расм).

Кеч кузда экилган пиёз август охиринда, баҳордагиси эса сентябрда пишади ва қишида сақлаш учун фойдаланилади.

Ёз-кузги қилиб пиёз уруғи августда — сентябрь бошларида сепилади. Бу вақтда пиёз тез кўкариб чиқади ва бутун сентябрь — октябрь ичи, Урта Осиёнинг жанубида эса ноябрда ҳам ўсоверади. Қишигача унинг бўйи 10—15 см га етади, бақувват илдизлар ҳосил қиласи ҳамда қишини яхши ўтказади. Бундан бирмунча кеч, сентябрь ойида экилган пиёзни яхши илдиз отмайди ва шунинг учун ҳам қишики совуқдан қийналади. Пиёз ёз-кузги қилиб экилганда июлда — августнинг биринчи ярмида, баҳорда экилган пиёзга қараганда бир ой илгари етилади, пиёзбошлари йирик бўлади. У трипсадан кам зарарланади. Лекин ёз-кузги қилиб экилган пиёзлар кўплаб эркаклаб кетади ва қишида яхши сақланмайди. Масалан, Узбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ ида Қабанав пиёз қишида беш ой сақланганда оғирлигини қўйидагича йўқотган (% ҳисобида):

Пиёзбошлар:	Қуриб камайшидан	Кўкариб кетшидан	Чиришидан	Жами йўқолгани
кеч кузда экилган баҳорда экилгай	6,8 7,1	6,7 8,5	4,1 5,7	17,6 21,3
августда экилган	9,3	17,5	15,7	42,5



94-расм. Экиш муддатларининг апрель охирларида пиёз ривожланишишга таъсири:

1 — августда экилган; 2 — октябрь охирларида — кеч кузги қилиб экилган; 3 — март бошларида — баҳорги қилиб экилган.

Колхоз ва совхозлар практикасида ёз-куэги пиёзни экиш қандай бўлса, баҳоргилари ҳам шундай бўлади. Биринчиси кузда истеъмол қилиш учун, иккинчиси эса қишида сақлаш учун маҳсулот беради.

Пиёзни эрта баҳорда кўкартириб олиш учун уруғи кеч кузда — ноябрь охири — декабрь ойларида сочилади. Аммо анча эрта (ноябрь бошларида) экилган уруғлар қишипинг илиқ кунларида униб чиқиши ва кейин уларни совуқ уриши мумкин Шунинг учун қиши илиб-совуб турадиган районларда кеч кузда экилган пиёзга унча ишонч бўлмайди. Шу туфайли Ўрта Осиёда пиёз камдан-кам ҳолларда кеч кузда экилади.

Эрта баҳорда пиёз кузда шудгор қилиниб, баҳорда боропаланган текис далага экилади. Пиёз кўкариб чиққандан кейин, яъни биринчи сугориш олдидан эгат олинади. Аммо тупроғи секин селгийдиган торфли-ботқоқ ерларга пиёз кузда олинган эгатларга экилгани маъқул.

Ёзда пиёз эртаги сабзавотлардан бўшаган ерларга экилади. У пушталарга ёки текис ерга экилиб, айни вақтда сугориш эгатлари ҳам олинади. Экиш билан кетма-кет уруғ суви берилади.

Пиёз уруғи сабзавот сеялкаларида лента шаклида қўшқаторлаб ёки уч қатор қилиб экилади. Бунда ленталар ораси 50—70 см ва лентадаги қаторлар ораси 15—20 см бўлиши керак. Пиёзни ёппасига сочма қилиб экиш ҳам яхши натижалар беради. Енгил, бегона ўтлар босмаган ва шўрланишга мойил ерларда пиёз кичикроқ полларга экилиб, бостириб сугорилади.

Пиёз уруғи, одатда, ивитилмасдан экилади. Лекин уни тез ундириб олиш учун (экиш кечиккан вақтларда), бальзан бир оз вақт (1,5 сутка давомида) ивителидади ёки қумга кўмилади. Бунинг учун экиладиган уруғлар ўз вазнининг ярмича келадиган сувда ивителидади ва нишлай бошлаганда 12—15 кун давомида 0°, -1° температурада ушланади. Ивителиган уруғлар экиш олдидан, сочиувчан бўлсин учун уни бир оз шамоллатилади.

Дражиланган уруғлар экиш ва экин қаторларини чириндилилар билан мульчалаш пиёз ҳосилини анча оширади. Пиёз августда ва кеч кузда экилганда мульчалаш, айниқса зарур, чунки бу пиёзни қишида совуқ урушидан ва баҳорда ернинг қатқалоқланишидан маълум даражада сақлайди. Бу усул пиёзни полларга, шунингдек, шўрланишга мойил ерларга экишда тавсия этилади. СоюзНИХИЙ Бухоро тажриба станциясида шўрлганган ерларга пиёз экиб: мульчаланмаганда гектаридан 122 ц, чиринди билан мульчаланганда эса 162 ц ҳосил олинган.

Пиёз уруғи оғир тупроқли ерларда 1—2 см, енгил тупроқли ерларда эса 2—3 см чуқурликда СОН-2,8 сеялкаси билан экилади. Уруғ экиш нормаси августда ва кеч кузда экишда гектарига 12—14 кг, баҳорда эса 10—12 кг.

Пиёзни парвариш қилиш. Август ойида экилган пиёзлар парвариши уруғ суви беришдан бошланади ва майсалар қийғос кўкариб чиққунича, ҳар 3—4 кунда сугориб турилади.

Баҳорда экилган пиёзлар қишида түппланган нам ҳисобига униб чиқади, лекин ёмғирдан кейин ҳосил бўлган қатқалоқ уларга ёмон таъсир этади. Қатқалоқ уруг суви бериш йўли билан юмшатилади.

Баҳорда экилган пиёз уруғлари 2—3 ҳафтадан, ёзда экилгандарни эса 7—10 кундан кейин униб чиқади. Пиёз чиққандан кейин ўтоқ ва ягана қилишга киришилади. Бу жуда сермеҳнат иш бўлиб, пиёз етиштириш учун қилинадиган барча меҳнат сарфининг ярмидан кўпроғи шунга кетади. Пиёз бегона ўтларнинг чиқишига қараб, одатда, уч-тўрт марта ўтоқ қилинади. Августда экилган пиёзлар ўтоғи куздан бошланади. Экин ўз вақтида ўтоқ қилинмаса кейин ўтдан тозалаш учун кўп меҳнат сарфлашга тўғри келади ва ҳосили анча камаяди. Тошкент яқинидаги ўтказилган тажрибалардан бирида биринчи ўтоқ қилиш муддатига қараб пиёз ҳосили қўйидагича бўлган: экилгандан 60 кун ўтгач ўтоқ қилинганда гектаридан 135,1 қ и ва 80 кундан кейин ўтоқ қилинганида эса 42,5 қ ҳосил олинган.

Бегона ўтларга қарши кураш. Майсалар униб чиққунча хлор ИФК гербицидлари (1 гектарга 4% концентрат эмульсиясининг 10—15 кг препарати) кенг қўлланилади; ўсимликнинг бўйи 6—8 см га етганда кальций цианамид (гектарига 260—350 кг) сепилади. Кальций цианамид билан ишланган участкалардаги кўк пиёзни овқатга ишлатиш мумкин эмас. Дактал (50% ли намланадиган порошок) бир йиллик, бир ва икки паллали бегона ўтларга қарши гектарига 16—24 кг ҳисобида уруг униб чиққунча ишлатиладиган гербицид. Рамрод (65% ли намланадиган порошок), гектарига 7—10 кг ҳисобидан уруг униб чиққунга қадар сепилади. Тажриба-ишлаб чиқариш учун натрий трихлорацетат қўлланиш тавсия этилади. Бу препарат гектарига 25—50 кг ҳисобидан кузда солинади. Тоҷикистонда гектарига 4 кг миқдорида (Халилов, 1973) паромин (60% ли намланувчи порошок) сепиш ҳам яхши натижалар берган. Булардан ташқари, бегона ўтларга қарши (гектарига 300—450 кг) трактор керосини ва дизель ёнилгисидан ҳам фойдаланилади.

Пиёз икки-уч марта ягана қилинади, одатда, бу иш ўтоқ қилиш билан биргаликда бажарилади. Баҳорда экилган пиёзлар апрелда — май ойининг бошида, ўсимликнинг бўйи 7—8 см га етганда биринчи марта ягана қилинади. Бунда ўсимлик ораларида 3—5 см дан масофа қолдирилади. Августда экилган пиёз эрта баҳорда ягана қилинади. Биринчи яганадан бир ой кейин, ўсимлик бўйи 15—20 см етганда иккинчи марта яганаланади. Иккинчи, охирги яганалашда ўсимликлар орасида 7—8 см масофа қолдирилади. Бунда юлинган пиёзлар товар маҳсулот бўла олганлигидан уларни боғлаб истеъмолчиларга тарқатилади. Кузда экилган пиёзларнинг биринчи, иккинчи ягана қилишда юлингандари ҳам озиқ-овқатга ишлатилади.

Иккинчи яганалашда юлинган пиёзлар қайта экилганда ҳам

яхши тутиб кетади. Шунинг учун уларни сийрак жойларга ёки алоҳида участкаларга кўчат қилиб ўтқазса бўлади. Сув буғла-нишини камайтириш учун кўчат қилингган пиёзларнинг энг паст-ки — 1—2- barglарини олиб ташлаш лозим. Кўчатларни суғорил-ган ерга экиш ва экиб бўлган заҳоти эгатларни тўлдириб суғо-риш зарур.

Пиёз экини ўсув даврида 4—5 марта культивация қилинади ва ўсимлик атрофидаги ҳамда қаторлар орасидаги тупроқни юм-шатиш учун 1—2 марта чопиқ қилинади. Пиёз илдизлари юза жойлашганлигидан улар кесилиб кетмаслиги учун культивация ва чопиқ юза қилинади. Майсаларни тупроқ босиб қолмаслиги керак, чунки бу ҳосилнинг етилишини кечиктиради.

Суғориш. Пиёз баргининг сатҳи кичик бўлганлиги учун сувни кам буғлантиради. Пиёз, айниқса, уруғининг униш ва пиёзбоши шаклланиш вақтида намни кўп талаб қиласи. Усув даври-нинг охири, етилиш вақтида унинг сувга талабчанлиги кескин ка-маяди. Бу вақтда нам кўп бўлса, пиёзбошнинг етилиши кечикади ва у яхши сақланмайди.

Августда экилган пиёз куздаёқ, кеч кузда ва баҳорда экил-ганлари эса апрель ойидан бошлаб, баҳорги ёғингарчилик тўхта-гандан кейин суғорилади.

Ер ости сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда пи-ёз май — июль ойларида ҳар 8—10 кунда бир марта суғорилади. Сўнгра пиёзбош ўсишдан тўхтаганида ҳар 12—15 кунда бир марта суғорилиб, пишишига бир ой қолганда эса суғориш тўхта-тилади. Ер ости суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ер-ларга экилган пиёз, тахминан 12—13 марта, ер ости суви 1—2 ж чуқурликда жойлашган участкаларда 7—9 марта суғори-лади.

Августда экилган пиёзларнинг бир қисми, одатда, гулпоя чи-кариб эркаклаб кетади, буларни ўз вақтида олиб ташланмаса, пиёзбоши майда бўлиб, ҳосил камаяди.

Касаллик ва зааркунандалар. Соҳта ун-шудринг *касаллиги* (переноспороз) — сариқ ғубор пайдо бўлниб, барг ва гулпоялар сарғайиб сўлиб қолиши билан ифодаланадиган касаллик. Қасал-лик қўзғатувчиси — замбуруғ. Кураш чоралари — ўсимлик-ка 1% ли бордо суюқлиги, цинеб (0,7—1%) ёки капитан (0,5—0,7%) пуркалади.

Бўйин чириш касаллиги — замбуруғ касаллиги, пиёзни сақлаш вақтида заарлантиради. Бунда пиёзбош бўйни юмшаб қолади, сўнгра эса чирийди. Кураш чоралари: пиёзбошлар 10—12 соат давомида 35—40° да ҳавода (иссиқда) қуритилади.

Пиёз занг касаллигига қарши кураш тадбирлари сифатида 1% ли бордо суюқлиги пуркаш тавсия этилади.

Усув даврида пиёзга тамаки трипсси катта зарар етказади, та-маки трипсига қарши ўсимликка метафос (гектарига 0,8 кг), шунингдек, анабазин-сульфатга (гектарига 1,5—2 кг) совун қў-шиб сепилади.



95-расм. Етилган (үнгәдә) ва етилмаган пиёз.

Пиёз пашасига қарши уруг экиш олдидан 10% ли гептахлор дусти билан дориланади, ўсимликка намланадиган 30% ли хлорофос порошогининг 0,1—0,2% ли суспензияси туркалади.

ХОСИЛНИ ЙИГИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ВА САҚЛАШ

Баҳорда ва кеч кузда экилган пиёзлар сентябрда — октябрь бошларида, августда экилганлари эса июль — август бошларида йигиб-териб олинади. Пиёз пишганда пиёзбош юмшаб, кейин бүйни қурийди, барглари сўлиб ерга ётиб қолади (95-расм). Пиёз барглари тұла қуригунча кутиб туриш ярамайди, чунки кечикиб

йигиштириб олинган пиёз яхши сақланмайды.

Пиёз ҳосили от қўшиб ишлатиладиган ковлагич, пиёз қўпоргич ёки ЛКГ-1,4 маркали машина билан қазиб олинади. Қазиб олинган пиёзлар бир неча кун хирмонга ёки далага юпқа ёйилиб, қўёшда қуритилади. Қуритиш вақтида пиёзлар бир оз намни йўқотади, барглари сўлийди, пиёзбош эса 3—4 қуруқ пўстларга, яъни уларни келгусида қуриб қолишдан сақлайдиган қаттиқ пўстларга ўралади.

Қуриган пиёз барглари кесилади ва пиёз майда-йириклигига, етилиш дарајасига қараб сортларга ажратилади. Баргларни пиёзбош учидан 3—4 см қолдириб кесиш керак. Агар барглар пастдан кесилса, пиёзбошнинг ичига турли бактерия киради ҳамда сақлаш вақтида пиёзнинг кўпи чиқитга чиқиб кетади.

Пиёзбошлар уч группага ажратилиб сараланади: 1) товар маҳсулоти учун (Йирик ва ўртачалари) ажратилади, улар яхши етилади ва қишида сақлашга яроқли бўлади; 2) бу ҳам товар маҳсулот учун ажратилади, лекин булар тўла етилмаган (бўйни йўғон), шунингдек, шикастланган, кейинчалик сақлашга яроқсиз пиёзбошлар бўлади; 3) майда (нўш) пиёзлар, булар товар маҳсулот бўлмайди, келгуси йили қайта экилиб, улардан кўк пиёз ёки пиёзбош етиширилади.

Пиёзни механизмлар ёрдамида саралашда (пиёзбош диаметри бўйича) СЛС-7 маркали стационар пиёз саралагичдан фойдаланилади. Бу машина қуввати 2,8 квт электр двигателидап ёки ДТ-20 трактор валидан ҳаракатга келтирилади. Иш унуми — соатига 7—8 т пиёзни саралайди.

Пиёз ЛКГ-1,4 маркали пиёз йигиштирадиган машинада йигиб олинганда унда, пиёздан ташқари, тупроқ ва турли хил енгил

аралашмалар уюми ҳосил бўлади. Пиёзи ана шу аралашмалардан, шунингдек, барглардан тозалаш ва саралаш учун ЛПС-6 маркали пиёз ажратгич хизмат қиласди. Агрегатнинг иш унуми — соатига 2,5—8 т йирик пиёз ажратади.

Баъзан пиёз барглари кесилмайди, балки бир-бирига қўшиб ўриб ёки дасталаб боғ қилинб қўйилади. Шундай қилинганда пиёз яхши сақланади. Лекин уни бу усулда тайёрлаш учун кўплаб қўшимча меҳнат сарфланади, шу сабабли барги билан боғлаб сақлаш кам қўллациллади.

Урта Осиё республикаларида ҳар гектар пиёздан ўртача 90—100 қ дан ҳосил олинади. Илгор сабзавотчилик колхоз ва совхозларида пиёздан бирмунча юқори ҳосил етиштирилмоқда.

Масалан, Тожикистон ССР Оржоникидзеобод районидаги «Коммунизм» колхози 1974 йилда 45 га майдонга пиёз экиб гектаридан ўрта ҳисобда 504 қ, шу жумладан 3 га ердан эса 818 қ дан ҳосил олди.

Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида сўнгги йилларда (1970—1974) пиёз ҳосилдорлиги айрим участкаларда гектаридан 600—700 ва 800 қ гача етди. Қирғизистон ССР Алимедин районидаги «Ола-Арча» совхозида 1974 йилда 60 га ернинг ҳар гектаридан 441 қ, шу жумладан 17 га дан 520 қ дан пиёз ҳосили олинган.

Қозогистондаги сугориладиган ерларда ҳам пиёздан мўл ҳосил олинмоқда. Масалан, Олмаота область, Қаратол районидаги «Правда», «Абай» номли колхозларнинг илгор бригадалари системали равишда гектаридан 400—500 қ гача, «Уштобин» совхозида эса Қаратол пав пиёз ҳосили илгор бригада ва звеноларда 700—800, ҳатто 900 қ га етмоқда (Бобришев, 1969). Орол яқинида чала чўллардаги қумлоқ ерларни сугориб гектаридан 150—300 қ ҳосил олинмоқда.

А. Б. Баҳромов (1966) тажрибаларидан маълум бўлишича, Урта Осиё пиёзларидан Марғилон оқ пиёзи, Қаратол, Самарқанд қизил пиёзи навлари яхши сақланиши билан ажралиб туради. Буларни қишида сақлашга қўйиш тавсия этилади. Каба ва Андикон тип навлар узоқ сақланмагани туфайли кузда истеъмол қилиш ёки қисқа муддат сақлаш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Пиёз қуруқ, яхши шамоллатиб туриладиган хоналарда стеллажларда, 20—40 см қалинликда ёйилган ҳолда ёки сифими 10—15 кг ли яшикларга солинган ҳолда сақланади. Катта яшикларда, қопларда эса пиёз яхши сақланмайди. Барглари ўрилиб, дасталанган пиёзлар дор ёғочларга осиб қўйилади, боғлам қилинган пиёзлар эса бошлари ташқарига қилиб, 70—80 см баландликда тахлаб қўйилади.

Озиқ-овқатга ишлатиладиган пиёзларни сақлаш учун оптималь температура +0,5, +1°, ҳавонинг нисбий намлиги эса 75—80% ҳисобланади.

Одатдаги, сунъий усулда советилмайдиган сабзавот омбор-

ларида кузги-қишки-баҳорги даврда (октябрдан-апрелгача) сақлашда вазни камайишидан 7—10% гача, шунингдек, чириш ва ҳаддан ташқари ўсиб кетишидан, сақлаш режимига ва сақлаш олдидан пиёзлар ҳолатига қараб, 3—4% дан то 20% гача ва ундан ҳам кўпроғи нобуд бўлади. Бундан ташқари, қуруқ қобиқ ҳолидаги чиқиндилар (0,05—2—2—5%) ҳам чиқиши мумкин.

Сунъий усулда совитиладиган совуқ хоналарда, доимий паст тэмпературада ($1-2^{\circ}$) сақланганда пиёзларнинг чириши ва ўсиб кетиш ҳоллари бўлмайди, табиий йўқолиш, шакар ва витаминларнинг парчаланиши кескин камаяди.

Қишки сақлаш учун қўйиладиган пиёзларни йиғиб-териб олишдан икки ҳафта илгари экинларга малеин кислота гидразиди (ГМК) нинг 0,2—0,25% концентрацияли эритмасини пуркаш ўсиб кетишини маълум даражада тўхтатади.

ПИЁЗ ЭКИШ ВА ЕТИШТИРИШНИНГ БОШҚА УСУЛЛАРИ

Нўшдан пиёз етиштириш. Баъзан кузда, октябрь-ноябрь ойларида ёки эрта баҳорда майда шўш пиёз экилади. Нўш пиёз кузда экилгани маъқул, чунки майда пиёзларни қишида сақлашда кўпи чиқитга чиқиб кетади. Нўш пиёз пушталарга ёки текис далаларга (маркер изи бўйича) бўйнигача ботириб икки қаторлаб — лента шаклида экилади. Бунда ленталар ораси 50—60 см ва қатордаги пиёзлар ораси 10 см дан қилинади. Туп орасининг кенглигига қараб нўш пиёз ҳосили қўйидагича бўлиши мумкин:

Қаторлардаги туплар ораси, см	7,5	10	12,5	15
Соф ҳосили (экилган нўшдан ташқари) га/ц	87	90	85	72

Нўшдан бошпиёз етиштириш учун ўсув даврида гулпояларини мунтазам равишда кесиб туриш керак. Нўшдан экилган пиёз уруғдан етиштирилган пиёзга қараганда бегона ўтдан кам қийналади ва яганаланмайди, бошқа парвариш ишлари одатдагича.

Нўшдан экилган пиёзлар уруғдан экилган пиёзларга қарандага анча эрта етилади ва мўл ҳосил беради. Ҳосили, одатла, июль ойида — августнинг биринчи ярмида йиғишириб олинади. Лекин нўш пиёздан етиштирилган пиёзлар яхши сақланмайди, шунинг учун ҳам улар кўпинча ёз-куз даврида истеъмол қилиш учун ишлатилади.

Пиёзни кўчат қилиб етиштириш. Қозоғистон, Қирғизистоннинг шимолий областлари, СССРнинг Ёвропа қисмида пиёзиниң кеччишар навлари, баъзан кўчатдан етиштирилади. Бунинг учун пиёз уруғи кўчат қилишдан бир ярим-икки ой илгари ярим иссиқ парникларга ёки кўчатхоналарга, ҳар бир ром остига 30—40 г ҳисобидан ивтилган ҳамда нишлатилган ҳолда экилади. Майсалар парник температурасини кундузи $20-25^{\circ}$ ва кечаси $8-10^{\circ}$ қилиб туриш ҳамда ягана қилиш ва суғориш йўли билан парвариш қилинади.

Күчтөр 2—3 та барг чиқарғанда далага ўтқазишига тайёр бўлади. Пиёз кўчатлари далага худди уруғдан ўстирилганда гидек ўша муддатда ва қалинликда ўтқазилади, кейин қондириб суғорилади.

Кўчат қилинган пиёзлар юқори ҳосил беради, аммо кўп меҳнат талаб қилганидан, бу усул нисбатан кам қўлланилади.

Майда пиёзлардан пиёз етиштириш. Шимолий ва марказий Қозогистонда, СССРнинг Европа қисмида ва Сибирда, одатда, майда пиёзбошлар экилади. Майда пиёз олиш учун уруғ 5—10 қаторли лента қилиб, дон-сабзавот ёки сабзавот сеялкаларида экилади. Бунда қаторлар ораси 8—10 см бўлиб, ҳар гектар ерга 60—80 кг уруғ сочилади.

Пиёз парвариши бегона ўтларни йўқотиш, қатор ораларини культивация қилиш, Қозогистоннинг қурғоқчилик районларида эса сугоришдан иборат. Августда, ёғингарчилик бошланмасдан, пиёзлар лавлаги ковлагичлар билан йигиб олинади, кейин қутилади, барглари кесилиб, катта-кичиклигига қараб сараланади. Майда пиёзлар $18-20^{\circ}$ температура ва 65—70% ҳаво намлиги шароитида сақланади. Келгуси йили баҳорда — майда пиёз (СЛН-8) сеялкада қатор оралари 45 см дан қилиб экилади. Экиш қалинлиги ва пиёзнинг йирик-майдалигига қараб ҳар бир метр ерга 15—25 тадан пиёзча экилади, шунда гектарига 5—6 ц дан 10—12 ц гача майда пиёз экилади. Пиёзни ўсув давридаги парвариши, бегона ўтларни йўқотиш, қатор әраларини юмшатиш, озиқлантириш, сугориш ва гулпояларни юлиб туришдан иборат.

Барра пиёз етиштириш. Барра пиёз — сервитамин маҳсулот. Шунинг учун ҳам эрта баҳорда, ҳали янги сабзавотлар йўқ вактда аҳолини барра пиёз билан таъминлашнинг аҳамияти катта.

Барра пиёз далага уруғ ёки нўш пиёз экиш йўли билан етиштирилади.

Барра пиёз уруғдан етиштирилганда уруғ август ойида, нўшдан етиштирилганда эса сентябрнинг охири — октябрда экилади. Пиёз кузда кўкариб чиқади, қишлиайди, апрель ойида эса ҳосили йигиб олинади.

Пиёзлар пушталарга, 30—40 см кенгликдаги ленталарга экилади. Лента орасига уруғ ёки майда пиёз сочилади ва тупроқ ёки чиринди билан кўмилади. Йирикроқ пиёзбошлар тупроққа ботириб ўтказилади. Катта майдонларда пиёз дон-сабзавот сеялкасида 35—40 см кенгликдаги ленталарга экилади. Бунда сеялка сошниклари бир-бирига яқинроқ (7—8 см) ўрнатилади. Ҳар гектар ерга 25—30 кг уруғ ёки 2—4 т майда пиёзбош экилади.

Пиёзлар кузда бир неча марта сугорилади. Қишки совуқлар бошланишидан олдин эса пушталарнинг устига чириган гўнг сочиди қўйилади, бу қишида пиёзни совуқ уришдан сақлайди, баҳорда эса ёш ўсимликларга озиқ манбай бўлади.

Барра пиёз илдизи билан суғуриб йиғиширилади. Яхши парвариш қилинганда ҳар гектар ердан 350—400 ц ва ундан кўп ҳосил олинади.

УРУГЧИЛИК

Үрта Осиёда ва СССРнинг бошқа жанубий районларида пиёз уруғи етиштириш учун икки йил керак. Пиёз экилган йили уруғлик бosh пиёз етишади, уни иккинчи йили экиб уруғ олинади.

Уруғлик пиёзниң биринчи йилги агротехникаси, одатдагича, озиқ-овқат учун экилган пиёзникидан фарқ қилмайди. Лекин уруғлик пиёзниң уруғини баҳорда сочиш керак, чунки ёз-кузда экилгандан ундан олинган бosh пиёз яхши сақланмайди.

Уруғлик учун яхши етилган, йириклиги ўртача ва ундан катта, шакли ҳамда туси айнан шу навга хос бўлган бosh пиёзлар танланади. Уруғлик пиёзлар ерга кузда ўтқазилади ёки яхши шамоллатиладиган хоналарда сўкчакларга 25—30 см қалинликда ёйиб сақланади. Сифими 20—25 кг гача бўлган яшикларда ҳам пиёз яхши сақланади.

Уруғлик пиёз температура 2—6° ва ҳаво намлиги 70—80% бўлган қоронғи жойларда жуда яхши сақланади.

Уруғлик пиёз экиладиган участканинг ери унумдор ҳамда бегона ўтлардан тоза бўлиши керак. Уруғлик пиёзга чириган гўнг (гектарига 20—30 т) ёки белгиланган минерал ўғитларнинг ҳаммаси, яъни гектарига 1—1,5 қ ҳисобида аммиакли селитра, 3—5 қ дан суперфосфат ҳамда 2—3 қ дан калий тузи солиб ўғитланади. Агар гўнг билан минерал ўғитлар бирга солинадиган бўлса, уларнинг миқдори шунга мувофиқ равишда камайтирилади.

Гўнг, фосфорли ва калийли ўғитларнинг учдан икки қисми кузги шудгорлашда, азот ҳамда фосфор билан калийнинг қолган қисми эса уруғлик пиёзни экиш олдидан бороналаш вақтида солинади.

Уруғлик пиёзни кузда, кеч кузда ёки эрта баҳорда экиш мумкин. Уруғчилик практикаси ва Ўзбекистонда ўтказилган маҳсус тажрибалардан маълум бўлишича (Ражабов, 1970), уруғликлар кузда, сентябрь ойи бошларида экилгандан уруғдан юқори ҳосил олинган. Бундай пиёз кузги совуқ бошлангунга қадар униб чиқади ва илдиз олади, баҳорда эса барвақт авжга кириб баҳорги экилгандагига қараганда, 15—20 кун илгари етилади ҳамда бир-мунча юқори ҳосил беради:

Уруғлик экилган муддатлар	6.IX	16.XI	1.X	15.X	9.XI	6.III
Уруғ ҳосили, га/ц	16,6	15,4	13,1	11,2	4,2	6,4

Аммо пиёз кузда экилгандан, уни сақланишга яроқлилиги жиҳатидан танлаб олиш имкони бўлмайди. Шунинг учун ҳам селекция ишларида ва элита уруғлик етиштиришда уруғ ҳосилининг камайишига қарамай, бошпиёзларни эрта баҳорда, февраль ойида — мартнинг бошларида экиш тавсия этилади.

Уруғлик пиёз экиш олдидан пухта сараланади, бунда уларнинг қўкариб қолган ва чириганлари ажратиб олинади. Пиёз-

бошнинг тезроқ кўкариб чиқиши учун бандини, этли қобиғининг устки қисмидан бир оз қўшиб кесиб ташлаш тавсия этилади. Бу кесиши пайтида пиёзда бўйин (банд) чириш касаллиги бор-йўқлигини аниқлашга ва пиёзни брак қилишга имкон беради.

Пиёз ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Шунинг учун уруғлик участкалар бошқа навларнидан: очиқ ерларда камидан 2000 м, атрофи ўров ерларда эса 600 м нарида бўлиши керак.

Уруғлик пиёзлар қатор оралари 60—70 см, туп оралари 20—30 см қилиб қаторлаб ёки 60×60 ёки 70×70 см схемада квадрат-уялаб экилади. Кейинги ҳолда ҳар уяга 2—3 тадан пиёзбош экилиб, уларнинг ораси 10 см дан қилинади.

Пиёз дум томони пастга қилиб экилади. Ёни билан айниқса, дум томони юқорига қаратиб экилган пиёзлар, жуда кам уруғ беради. Шунинг учун уруғлик пиёзни маркер ёки окучниклар ёрдамида олинган саёз эгатларга қўлда экилади. Бунинг учун кўчкат ўтқазгич машиналардан фойдаланиш ҳам мумкин. Ҳар гектар ерга пиёзнинг майда-йириклигига қараб 4—6 т уруғлик сарфланади. Пиёз апрель-май ойларидан бошлаб сугорилади ва уруғлар етила бошлагунча давом этади. Узбекистоннинг ер ости сувлари чуқур жойлашган участкаларида уруғлик пиёзлар олти-саккиз марта, Қирғизистонда ва Қозоғистоннинг жанубий районларида эса уч-олти марта гача сугорилади.

Уруғлик пиёз ўсимликлари шамолдан, қишида эса совуқ уришидан заарланади. Шунинг учун уларни чопиқ қилиб туриш керак. Уруғликлар кўкариб чиққандан кейин биринчи марта механизация ёрдамида қатор оралари юмшатилади, орадан 20—25 кун ўтгандан сўнг экинга иккинчи марта ишлов берилади. Поялар шамолдан йиқилмаслиги ёки ётиб қолмаслиги учун баъзан ёндош ўсимликларнинг икки -учтасини каноп ёки чипта билан бир-бирига боғлаб қўйилади.

Уруғлик пиёз экилган ер юмшоқ ва бегона ўтлардан тозалашиб турилиши керак. Бегона ўтларни уруғланишига йўл қўймаслик лозим, чунки кўпчилигининг уруғини пиёздан ажратиб олиш қийин бўлади.

Уруғлик пиёз дастлаб барғ чиқарганда минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Кейинги озиқ эса гулпоялар чиқарганда берилади. Ҳар галги озиқлантиришда гектарига 80—100 кг ҳисобида аммиакли селитра ва 120—150 кг ҳисобидан суперфосфат солинади.

Уруғлик пиёзларга соҳта ун-шудринг касаллиги катта зиёғ етказади. Бу касаллик пайдо бўлганда ўсимликларга бордо суюқлигининг 1% ли эритмаси ёкн цинеб, цирам, купрозан ёки мис хлориднинг 0,5% ли суспензияси пуркалади.

Пиёз уруғи июннинг охири — июль бошларида бирин-кетин этилади. Шунинг учун уруғлик пиёзлар икки-уч марта йиғилади. Уруғлик етилганда кўсакчалари ёрила бошлайди, уруғлари эса қотиб, қораяди, айни шу пайтда ҳосилни йигиб-теришга киришилади.

Пишган уруғлик бошлар гулпоянинг юқори қисмидан 20—30 см узунликда қўшиб кесиб ёки уруғни яхши етилтириб пишириш учун гулпоя пиёзбошиси билан суғириб олинади. Кесиб олинган уругликлар цементланган хирмонга ёзилган брезент устидаги юпқа қилиб ёйилиб ёки ҳар бирида 12—15 та гулпоядан иборат кичкина-кичкина боф-боғ қилиб, қуёшда қуритилади.

Мехнат сарфини тежаш мақсадида уруглик ўсимликлар баъзан мум етилиш фазасида бир йўла ҳаммаси йигиб олинади, кеийинчалик, сояда, бостирмалар тагида қуритилади. Соядекин қуритилганда гулпоянинг кесиб олинган қисмидан келадиган пластик моддалар ҳисобига уруғлар етилиб пишади.

Пиёз уруғи барабанли молотилкаларда ёки комбайнларда янчилади. Янчилмай қолган уруғлик кўсакчалар беда ёки сабзи уруғи тозалайдиган машинадан ўтказилади. Пиёз уруғи ОПВ-20 типидаги веялкаларда ёхуд бошқа машиналарда тозаланади ёки совурилади, сўнгра эса пневматик колонкали «Петкус-супер» машинасидан ўтказилади. Уруғларни сувга солиш йўли билан ҳам тозалаш мумкин. Бунда оғир, тўқ уруғлар сувда чўқади, хас-чўп ва пуч уруғлар сув бетида қолади. Уруғлар бўртмаслиги учун тез (10—15 минут ичида) ювиш керак. Ювилган уруғлар шу куннинг ўзида офтобга ёйилиб ёки шамол яхши ўтиб турадиган хоналарда қуритилади.

Пиёз уруғи 0°C дан юқори температурада сақланади, сақланадиган уруғнинг намлиги 10% дан юқори бўлмаслиги керак.

Ҳар гектар пиёздан ўртача 5—6 қ дан уруғ олинади. Лекин илғор уруғчилик хўжаликлар гектаридан 9—10 қ гача ва ундан ҳам кўпроқ уруғ олмоқдалар. Масалан, Қозоғистон ССР, Чимкент область Сайрам районидаги Киров номли колхознинг илғор бригадалари 1970 йилда гектаридан 11 қ дан пиёз уруғи етиштирдилар. Шу обласгининг Тулкибос районидаги Куйбишев номли колхоз 40 га майдондан 1970 йилда гектаридан 7,63 қ, шу жумладан, 16 га майдоннинг ҳар гектаридан 10,65 қ пиёз уруғи олди. Фарғона обlastидаги «Совет» колхозида пиёз уруғининг ўртача ҳосили 1970 йилда гектаридан 6,4 қ ни ташкил этган.

Уруғли участкаларда, пиёз уруғидан ташқари, гектаридан 3—4 т товар пиёз ҳам йигиб олинади.

Пиёз ўсимликлари уруғи етилгандан кейин нобуд бўлмайди. Шунинг учун, агар пиёзларни йиғишириб олмасдан, далада қолдирилса, келгуси йили уруғ иккинчи ҳосил беради. Бироқ, бир қисм ўсимликлар чиқмаслиги ва жуда сийрак бўлиб қолганларни натижасида, иккинчи йили фойдаланиладиган пиёз уруғ ҳосили биринчи йилдагига қараганда анча кам бўлади.

Пиёз уч йиллик қилиб экилганда биринчи йили нўш пиёз, иккинчи йили бош пиёз, учинчи йили эса уруғ ҳосили беради.

ПОРЕЙ ПИЁЗ

Порей пиёз (*Allium sativum L.*) биринчи йили майды, чүэинчоқ, ўғонлашган сохта пояга туташиб кетган, бош пиёз ва узун ясси барглар ҳосил қиласы. Иккінчи йили пиёздан гулпоя ўсиб чиқиб, йирик тұпгұл билан тугалланади.

Порей пиёз химиявий таркиби жиҳатдан оддий пиёзга ўхшаб кетади, лекин мазаси ва ўзига хос ҳиди билан ундан фарқ қиласы. Еш ўсимликларини овқатга бутунлигича ишлатылади, етил-гандарининг фақат сохта пояси истеъмол қилинади.

Порей пиёзниң тиним даври бўлмайди, барглари кеч кузга-ча ўсаверади ҳамда ўсимлик кўклигича йиғиб олинади. Порей пиёз жуда яхши сақланади.

Порей пиёзниң навлари икки группага: *болгар ва европа* пиёзларига бўлинади. Болгар группасига мансуб навларнинг бўйи 150 см, сохта поясининг узунлиги 50—70 см га боради. Бу навлар қурғоқчиликка чидамлилиги, совуққа эса бирмунча чидамсизлиги, серҳосиллиги, барглари майин ва чучук бўлиши билан характерланади. Европа группасига мансуб навларнинг пояси қисқа (15—25 см), сохта пояси йўғон, барги энли чизиқли, дагал, тўқ яшил барглари ва мазаси аччиқлиги билан фарқ қиласы (масалан, Қарантан нави).

Порей пиёз унумдор ерларда яхши ўсади. Шунинг учун порей пиёз экиладиган участка органик ва минерал ўғитлар билан яхши ўғитланган бўлиши керак. Порей пиёз кузда, август-сентябрь ойларида ёки баҳорда экилади. Уруғи қатор ораларини 50—60 см дан қилиб, сабзавот сеялкаларида экилади; ҳар гектарга 6—8 кг ҳисобида уруғ сепилади. Пиёзни парвариш қилиш, оқ, нозик «сохта поя» олиш учун ўсимликни оқартыриш мақсадида униб чиққанларини яганалаш, қатор ораларини юмшатиш, суғориш ва чопиқ қилишдан иборат.

Пиёз уч-тўрт марта чопиқ қилиниб, пояси барглар ёйилган қисмигача кўмилади.

Порей пиёзи плуг ёрдамида ковлаб олинади. Сақлаш жойига қўйиш олдидан баргларининг юқори қисми кесиб ташланади. Порей пиёз подвалларда нам қумга кўмиб сақланади. Ҳар гектардан 150—200 ц дан то 500 ц гача ҳосил беради.

Порей пиёз уруғини олиш учун кузда узун, йўғон пояли ўсимликларини танлаб, ковлаб олинади. Уруғлик пиёзлар кузда ёки келгуси йили эрта баҳорда экилади. Уруғликларни ковлаб олмай, сенда қишлоғатиш ҳам мумкун. Бундай уруғликлар, қазиб ўтқазилгандарига нисбатан яхши ўсади ва мўл ҳосил беради. Лекин бу усулда уруғлик ўсимликларнинг сифатига баҳо бериш ва танлаш шилари қийинлашади.

САРИМСОҚ

Саримсоқ (*Allium sativum L.*) пиёзсимон ўсимлик бўлиб, қисқарған поя — туб ва паллалардан иборат мураккаб пиёзбош

ҳосил қиласы. Барғи ясси, чизиқли, асоси думалоқ — найсимон. Үлар асослари билан бир-бирларига қаттың әпишиб, сохта поя ҳосил қиласы. Сохта поя марказидан уруғлаётган саримсоқнинг гулпояси (карнайи) ўтади. Саримсоқнинг палласи қалин, зич эт билан қопланган битта ёки бир нечта ўсиш нүқтаси бўлган куртакдир. Паллалар саримсоқ тубига бирикади ва умумий қуруқ пўстга ўралади.

Тез ўсадиган саримсоқ навларининг дастлабки энг қариси паллалари қулай шароитда қўшимча паллалар ҳосил қиласы. Бунда пиёзбошнинг умумий пўсти йиртилиб алоҳида паллалар ҳосил қиласы. Саримсоқнинг пиёзбошда бир неча ўнлаб палла ҳосил қиласидаган навлари *кўп паллалилар* деб аталади.

Саримсоқнинг секин ўсадиган навлари кам миқдорда (8—20 та), умумий пўстга ўралган йиртик паллали пиёзбош ҳосил қиласы. Паллалар нави ва озиқланиш шароитига қараб 0,5—10 г бўлади.

Гуллар орасида тўпгулда ҳаво пиёзчалари ҳосил бўлади. Улар ҳам худди паллалилар сингари морфологик тузилишга эга, лекин думалоқ — узунчоқ шаклда ва кичпклиги билан фарқ қиласи (вазни 0,03—0,3 г).

Саримсоқнинг гули майда, қўш чаноқли қўнғироқсимон типда, ранги оқиши ёки бинафша ранг, шарсимон тўпгулга йигилган, бу гул новда билан тугалланади. Меваси икки уяли, қуруқ кўсакча, уруғи майда, қора, қиррали бўлади. Лекин саримсоқнинг фақат бальзи бир навлариди, асосан тоғларда, яъни жинсий ҳужайраларининг яхши ривожланиши ва етилиши учун температура ва ҳаво намлиги қулай бўлган жойларда ўсадиган навларигина уруғ ҳосил қиласы.

Кўпчилик навларининг гуллари, қисишлиб тез ўсадиган ҳаво пиёзчалари бўлиб, уруғланмаёқ нобуд бўлади ва уруғ ҳосил қимайди. Шунинг учун ҳаво пиёзчаларини улар шакллангандан кейин тезда олиб ташлаш уруғларнинг нормал ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Саримсоқ илдизлари торсимон бўлиб, бир оз тармоқланган, ерга 50—60 см гача чуқурликда киради, аммо уларнинг асосий массаси ернинг юқори қисмида жойлашади.

Саримсоқнинг гулпоя ҳосил қилувчи навлари билан бир қаторда гулпоя ҳосил қилмайдиганлари ҳам бўлади.

Узун кун генератив органлар ривожланишини тўхтатиб, вегетатив органларнинг ривожланишига ёрдам беради. Шунинг учун шимолдан келиб чиққан саримсоқлар, одатда, гулпоя чиқармайди. Жанубий қисқа кун ва, аксинча, генератив орган (гулпоя)ларининг ривожланишига ёрдам беради. Аммо гулпоялар ҳосил қилишга бўлган қобилият қатъий, доимий эмас ва ўстириш шароити (иқлим, экиш муддатлари ва бошқалар) таъсирида ўзгариши мумкин. Масалан, А. В. Кузнецов гулпоя чиқарадиган Пятигорский навидан гулпоя чиқармайдиган Широколистний 220 нав саримсоқ етиштирган (Казаков, 1970).

Паллалар билан пиёзлар саримсоқнинг вегетатив кўпайиши органларидир. Паллалар ўтқазилганда йирик, кўп паллали пиёзчалар; пиёзчалар (ва майда паллалар) ўтқазилганда эса анча майда, думалоқ, оддий бир паллали пиёзбош (нўш), келгуси йили ўтқазилганида ундан кўп паллали йирик пиёзбош ҳосил бўлади.

Саримсоқ жуда кам ҳолларда, фақат селекция мақсадида уруғдан кўпайтирилади. Уруғдан экилган саримсоқ биринчи йили нўхатдай келадиган майда, иккинчи йили оддийгина йирик пиёзбош тугади ва учинчи йили эса кўп паллали пиёзбош ҳосил қиласди.

Саримсоқ турли иқлим шароитига жуда тез ва яхши мослашадиган ўсимлик. У қуруқ континентал иқлими зонада ҳам, субтропикнинг намли шароитида ҳам ва иттифоқимизнинг Европа қисмидаги мўътадил иқлими миintaқада ҳам ўса беради. Лекин турли иқлим зоналарида саримсоқнинг шу иқлимга мослашадиган маҳаллий навларини экиш керак. Бошқа жойлардан келтирилган навларнинг, айниқса, дастлабки йилларда ҳосили, одатда, жуда камайиб кетади.

Саримсоқ — совуққа чидамли ўсимлик. У 3—5° температуратрада кўкариб чиқа олади ҳамда —7,—8° гача температурага бардош беради. Саримсоқнинг ўсиши учун оптималь температура ривожланишининг биринчи даврида 5—10°, паллалар ҳосил қиласдиётганда 15—20° ва етилаётганда 20—25° бўлиши керак. 20° дан юқори температура илдизларнинг ўсишини тўхтатиб қўяди (Алексеева, 1960). Лекин саримсоқнинг жанубий (қурғоқчилик) районларда етиширилган навлари иссиққа чидамлилиги билан ажралиб туради.

Саримсоқнинг нормал ривожланиши учун кўпчилик навларини кузда ёки кеч кузда ўтқазиш талаб этилади (кузги формалар). Кузги формалар билан бир қаторда, бирмунча юқори температура шароитида, баҳорда экилганда яхши ривожланадиган баҳоргилари ҳам бор.

Кузда ва кеч кузда экиб ўстириладиган навлар, яхши сақланмаслиги, лекин баҳоргиларига қараганда бирмунча серҳосиллиги билан ажралиб туради. Уларнинг илдизлари яхши ривожланмаган, шу туфайли баҳоргиларига қараганда намга анча талабчан бўлади. Ўрта Осиёда кузда ёки кеч кузда экиб ўстириладиган, гулпоја ҳосил қиласдиган маҳаллий навлар тарқалган.

Ўзбекистон бинафша ранг саримсоғи. Бу нав 5—12 палладан иборат, ялпоқ-думалоқ шаклли, пиёзбоши йирик. Тезпишар, серҳосил, сақланиши ўртacha нав (96-расм).

Андижон саримсоғи. Пиёзбоши ўртacha катталикда, бўш, думалоқ ёки думалоқ-ялпоқ шаклли, бинафша рангли, 4—8 та палладан иборат. Жуда кўп гул чиқаради. Тўпгулида кўп миқдор ҳаво лиёзчалар ҳосил қиласди. Тезпишар, ҳосили ҳамда сақланиши ўртacha.

Тунгон саримсоғи. Пиёзбоши йирик, думалоқ-ялпоқ шаклли, қобиғи бинафша ранг, пишиқ. Паллалари йирик, бир бош саримсоқда 5—10 та палла бўлади. Гулпоясишиг бўйи баланд бўлиб, жуда кўп гул ва пиёзчалар ҳосил қиласиди. Тезпишар, серҳосил нав, сақланиши ўртача. Мазаси аччиқ. Қасалликларга чидамли. Тунгон саримсоғи Қозоғистоннинг жашубий областларида экилади.

Саримсоқнинг Ўрта Осиёда ўсадиган баъзи бир ёввойи формалари ҳам овқатга ишлатилмоқда. Масалан, Қозоғистон Фанлар академиясининг Ботаника институти *Чоқпар* ёввойи саримсоғини (қоратовдан) маданий экинга киритишни тавсия қиласиди. Бу саримсоқ морфологик белгилари жиҳатидан *Тунгон саримсоғига* яқин, лекин яхши сақланиши билан ажралиб туради.

Алмашлаб экишда, саримсоқ бодринг, карам ва картошка экилган ерларга экилгани маъқул, чунки бу экинлардан кейин дала бегона ўтлардан тозаланади. Саримсоқ экиладиган ерлар гектарига 20—30 т чириган гўнг, 1—2 ц аммиакли селитра ва 2—3 ц суперфосфат солинади. Саримсоқ экиладиган ерга янги гўнг солиши ярамайди, чунки бу ҳосилнинг етилишини кечикиради ва яхши сақланмайди.


Саримсоқ кузда, сентябрда — октябрнинг бошларида экилади. Бундан кечикириб экилса, кузда яхши илдиз олишга улгурга олмайди. Шунинг учун ҳам қишики паст температурадан ва турли қасалликлардан заарланади.

Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ маълумотларига кўра экиш муддати саримсоқ ҳосилига қўйидагича таъсир этади:

Экиш муддати Ҳосили, га/ц	20.VIII	I.IX	15.IX	1.X	15.X
	95,2	101,2	90,3	86,7	78,5

Бундан ташқари, саримсоқ эрта баҳорги муддатлар (сентябрь) да экилганда, октябр ёки мартда экилгандагига қараганда оғирлигини кам йўқотади ва кам чирийди.

Саримсоқнинг ўртача ёки ундан йирикроқ паллалари йирикмайдалигига қараб гектарига 10—15 ц ҳисобидан экилади, шуни-



96-расм. Ўзбекистон бинафша ранг саримсоқ.

си ҳам борки, қанча йирик паллалар экилса, ҳосил шунча юқори бўлади (Богатиренко, 1969).

Паллаларининг йириклиги

сарапланмаган (2—9 г)	йирик (6—9 г)	ўртчаҳа (4—9 г)	майда (2—3 г)
хосил, га/ц 36,2	90,4	65,2	48,3

Саримсоқ паллалари йирик ва экиш нормаси ортиши билан ҳосилдорлик ҳам юқори бўлади.

Икки-уч қатор қилиб экилганда, ленталар ораси 50—60 см, ленталардаги қаторлар ораси 10—15 см, паллаларнинг йирик-майдалигига қараб қатордаги ўсимликлар ораси 6—8 см бўлади. Бульбочкалар паллаларга қараганда қалинроқ экилади, бунда қаторлардаги ўсимликлар ораси 2—3 см ва чуқурлиги 3—4 см қилинади. Шу тартибда экилганда гектарига 50 кг дан 80—100 кг гача уруғлик сарфланади. Саримсоқ паллалари йирик ва экиш нормаси ортиши билан ҳосилдорлик ҳам юқори бўлади. Саримсоқ режа тортиб олинган эгатларга тупроқнинг ҳолатига ва экиладиган материалнинг йириклигига қараб паллаларни 5—6 см дан 8—10 см гача чуқурликка экилади.

Саримсоқни механизация ёрдамида экиш учун СЛН-8 маркали қайта ускуналанган пиёс сеялкасидан фойдаланилади.

Саримсоқ кузда, совуқ тушгунча бир-икки марта суғорилади.

Саримсоқни эрта баҳорда — февраль охири — март ойларида ҳам экиш мумкин. Лекин қишида сақлаш пайтида анчагина қисми чиқитга чиқиб кетади. Бундан ташқари, кўкламда экилган саримсоқ, одатда, кузда экилганига қараганда кам ҳосил беради.

Саримсоқни кўклам-ёзда парвариш қилиш, 5—6 марта суғориш ва ҳар галги суғорищдан кейин қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтларни ўйқотиш, гулпоя ҳосил бўла бошлагандаги чопиқ ҳилишдан иборат. Баҳорда, биринчи ўтоқдан кейин экинни минерал ўғитлар билан озиқлантириш жуда фойдалидир. Саримсоқнинг гулпояларини синдириб ташлаш ва чиринди билан муъльчашлаш ҳосилни анча оширади.

Саримсоқ пишганда гулпояси сарғаяди, гулпоя чиқармайдиган формаларида эса сохта пояси сўлийди. Бунда саримсоқ бoshининг сиртқи пўсти юпқалашади ва қурийди.

Саримсоқнинг пишиш даврида ер ортиқча нам бўлса, узоқ сақланмайдиган бўлиб қолади. Шунинг учун саримсоқни йиғишириб олишга 20—30 кун қолганда суғоришини тўхтатиш керак.

Ҳосилни ўз вақтида йиғишириб олиш керак, акс ҳолда паллалари ажралиб кетади, бу эса ҳосилнинг даладаёқ нобуд бўлишига, товарлик сифати ҳамда қишида сақлаш учун яроқлилик қобилиятишини насайишига олиб келади. Саримсоқ ҳосили июнь-июль ойларида картошка ковлагич ёки от қўшиб ишлатиладиган қазигич билан қўпорилиб, кейин қўл билан териб олинади, сўнг яхшилаб қуритилади, барги ва гулпояси бўғиздан 3—5 см қолдириб кесиб ташланади ҳамда йириклигига қараб сараланади.

Саримсоқни йиғаётган ва саралаётган вақтда шикастланишдан (чақаланиш, кесилишдан) сақлаш керак, чунки чақаланған саримсоқ товарлық сифатини йүқтөтеди (чақаланған жойи қорайиб, қуриб қолади) ҳамда яхши сақланмайды.

Палладан экилған саримсоқнинг гектаридан 60—70 ү ва ундан ортиқ, пиёэча (бульбочка)лардан экилғанда эса 15—20 ү гача ҳосил олинади, ҳаво пиёэчаларининг ҳосилдорлиги эса гектаридан 3—5 ү га боради.

Саримсоқ панжарасимон сўкчакларда 20—25 см қалинликда ёйиб ёхуд сифими 10—12 кг келадиган сават ёки яшикларда сақланади. Саримсоқ температура 1—3° ва ҳаво намлиги 75—80% бўлғандага яхши сақланади. Саримсоқни бундан юқори температурада (16—20°) ҳам сақлаш мумкин, лекин бунда ҳаво намлиги 60—70% дан ошмаслиги лозим.

ҚҰКАТ САБЗАВОТЛАР, ДУКҚАҚЛИ ҲАМДА КАМ ТАРҚАЛГАН ЭҚИНЛАР

ҚҰКАТ САБЗАВОТЛАР

Кұкат сабзавотлар емишбоп күк барғи учун етишириладиган сабзавот үсимликлари дидир. Үсимликларнинг бу группасыга редиска ҳам киради, чунки у ейиладиган илдизмева ҳосил қылса ҳам ўзининг аҳамияти, ишлатилиши ва етиштириш усуулларига күра қўқатларга ўхшайди.

Қўкат сабзавотлар овқатга хомлигича (салат, редиска), пиширилган ёки консерваланган ҳолда (исмалоқ, шовул) ишлатилади, овқатларга зиравор сифатида (укроп, петрушка) ёки бодринг тузлаганда зиравор сифатида (укроп) фойдаланилади.

Озиқ-овқат бўлиш жиҳатидан исмалоқ жуда қимматлиди, чунки унинг таркибида кўп миқдорда фосфор тузлари, темир ва кальций, витамин С (64 мг% гача), В, А ва бошқалар ҳамда оқсил (2—2,5%) бўлади. Шовул таркибидаги озиқ моддалар ва витаминларнинг миқдорига кўра исмалоқдан деярли қолишмайди, бироқ унинг камчилиги — таркибида одам организми учун зарарли бўлган шавел кислотанинг кўплигидир. Салат таркибидаги фосфор тузлари, темир, шунингдек, А, В ва витамин С ларнинг (4,7 дан 50,5 мг% гача) кўплиги билан қадрланади. Укроп таркибида витамин С жуда кўп (43—135 мг%). Эфир мойн ўзига хос ёқимли ҳид бериб туради. Тошкент яқинида етиштирилган редиска таркибида эса 21—55 мг% витамин С борлиги аниқланган.

Барча қўкат эқинлар серҳосиллиги, тезпишарлиги ва иссиққа учналиқ талабчамаслиги билан характерланади. Одатда, улар экилгандан кейин 30—40 кунда йиғиб олинадиган даражада етилади. Бу ҳам уларни очиқ ерга экиб, эрта баҳордан (март-апрелдан), бутун ёз ва куз давомида сабзавот олиб туриш имконип беради. Қўкат сабзавотлар барғи учун ўстирилади, шу сабабли улар анча қалин экилади. Қўкатлар қалин экилганлиги, илдизлари юза жойлашганлиги туфайли ерда нам ва озиқ моддаларнинг кўп бўлишини талаб этади.

Қўкат сабзавотлар юқори температурадан кўпроқ қийналади. Иссиқ ортиқча ва ҳаво намлиги паст бўлса, үсимлик барвақт гулпоя чиқаради, барглари суст ўсади, ҳосили камаяди, барг сифати пасаяди, шираси кам, ўзи дағал бўлиб қолади. Шу сабабли жанубда қўкат етиштириш учун энг яхши давр баҳор ва куз фас-

ли ҳисобланади. Кўкат ўсимликлар, одатда, яхши гўнгланган, парниклар яқинидаги унумдор ерларда, қишида эса парник ёки теплицаларда ўстирилади.

Кўкат сабзавотлар тез бузиладиган маҳсулотdir. Ёзда иккичини куниёқ намни кўп йўқотиши ва сўлиши натижасида товаржик қимматини ва таркибидаги витамин С нинг учдан икки қисмини йўқотади.

Тошкент Қишлоқ хўжалик институти сабзавотчилик кафедраси томонидан олиб борилган тажрибаларнинг кўрсатишича, кўкат сабзавот паст температура шароитида полиэтилен халтачаларида янги ҳолда яхши сақланади, 8—10 кун ва ундан ортиқ вақтда ҳам таркибидаги витамин С деярли йўқолмайди. Шунинг учун кўкат сабзавотларни ёз ойларида полиэтилен халталарда сақлаш ва реализация қилинш лозим.

САЛАТ

Салат (*Lactuca sativa L.*, мураккабгулдошлар оиласига киради) бир йиллик ўсимлик. У аввал бандсиз, йирик барглардан иборат паст тупбарг ёки салат боши ҳосил қилади, кейинроқ эса сершох гулпоја чиқаради. Гули қўш жинсли, четдан чангланади, сариқ-яшил рангли бўлиб, тўпгулга — саватчага йигилган. Үргу майда, чўзиқ, оқ-кумуш ёки жигар ранг бўлиб, учмаси бор. Салатнинг илдизи ўқ илдиз типида, сершох, тупроқнинг устки қаватида таралиб ўсади.

Салатнинг тўрт хил тури бор:

1) *баргли салат* — тупбарг ҳосил қилади ва бирмунча тез пишиши билан характерланади (эккапдан то барги узилгунча 30—40 кун ўтади). Барг салатнинг парникда ўстириладиган Москва нави кенг тарқалган;

2) *пояли юлма салат* — баланд бўйли (40—80 см) поя ҳосил қилади, поядан йирик, дағаллашмайдиган барглар чиқаради, барглари ўсиб чиқсан сари бирин-кетин юлиб олинади;

3) *бош ўрайдиган салат* — тупбарг чиқаради ва кичик бош ўрайди. Ўсув даври (экилгандан то узилгунча) навига қараб 40—100 кун давом этади. Бош ўрайдиган салатнинг қуийдаги навлари энг кўп тарқалган:

Сариқ тошбош салат — тезпишар нав, очиқ ва ёпиқ жойларда ўстирилади.

Майский — ўртача эртапишар майда бошли нав бўлиб, парник ва очиқ жойларда ўстирилади.

Берлинский желтий 201 — ўртапишар, серҳосил, кам эркак-лайдиган нав, йирик (100—150 г гача) бош ўрайди. Асосан очиқ жойларга экилади;

4) *Ромен салат* — тупбарги йирик, тик ўсади. Чўзинчоқ барглардан иборат вертикаль жойлашган йирик тупбарги ичидаги бўш салатбош ҳосил бўлади. Ўсув даври 70—100

кун. Ромен салат навларидан, кечпишар Парижский зелен на-
вииң күрсатиш мүмкін.

Салат союққа чидамли ўсимлик. Баргларининг ўсиши ва бош
ўраши учун оптимал температура кундузи $15-20^{\circ}$ ва кечаси
 $12-15^{\circ}$ бўлиши керак. Унинг ўсиши учун физиологик минимум
 5° ҳисобланади.

Багрли ва бош ўрайдиган салатлар эрта баҳорда (февраль-
марта) ёки кузда (сентябрь-октябрда) очиқ ерларга экилади.
Уруги чуқур олинган полларга ёки лента усулида икки-уч қатор
қилиб сепилади. Бунда ленталар ораси $45-60\text{ см}$, лентадаги қа-
торлар ораси 15 см қилинади. Ҳар гектар ерга салат уруғидан
 $4-5\text{ кг}$, бош ўрайдиган салатницидан эса $3-4\text{ кг}$ сепилади. Ёш
ниҳоллари майсалар униб чиққандан $10-12$ кун ўтгач биринчи
марта, икки-уч ҳафта ўтгач иккинчи — охирги марта ягана қили-
нади. Яганалашда барг салат тупларининг орасида $8-10\text{ см}$,
бош ўрайдиган салат энини орасида эса $12-15\text{ см}$ масофа қол-
дирилади.

Салат экинини парвариш қилиш — ўташ, қатор ораларини
юмшатиш, сугориш ва азотли ўғитлар билан озиқлантиришдан
иборат.

Баргли салат экилгандан $35-45$ кун кейин ҳосили бир йўла
йифишириб олинади. Бош ўрайдиган салат эса экилгандан ке-
йин $40-50$ кундан бошлаб бирин-кетин узилади. Салат кунду-
зи, баргидан шудринг кўтарилиган вақтда узилади. Баргли салат-
нинг ҳар гектаридан $50-60\text{ ц}$, бош ўрайдиган салатницидан эса
 $80-100\text{ ц}$ дан ҳосил олинади. Йигиб олинган салат тезда тарқа-
тилади.

Ромен салат, одатда, кузда, қишида ишлатиш учун етиштири-
лади. Бу салат кўчатдан ёки бевосита уруғдан ўстириллади. Ро-
мен салат ноябрь ойида, илдизи билан кўчириб олинади. Унинг
йирик бошлари истеъмолчиларга кузда тарқатилади. Қолганлари
эса тўла етилтириш ва қишида ишлатиш учун ертўла, парник ёки
теплицаларга кўмилади. Тўла етилтирилган салатнинг ҳар 1 м^2
дан $8-10\text{ кг}$ гача ҳосил олинади.

Уруг олиш учун экилган салатдан ҳар 1 м масофада тўрт туп-
дан ўсимлик қолдирилади ёки алоҳида уруғлик участка ажра-
тиб, кенг қаторлаб (қатор орасини $50-60\text{ см}$ қилиб) экилади.
Бунда ҳар гектар ерга 2 кг дан уруғ экилади. Уруғлик участка-
лар очиқ далаларда бир-биридан 300 м , пхоталанган далаларда
 100 м нарида бўлиши керак. Салат ўсув даврининг би-
ринчи ярмида, кўк масса тўплай бошлагандга азот билан, гул-
поя чиқара бошлагандга эса фосфор билан озиқлантириллади.
Ўсув даври (салат экилгандан уруғлари етилгунча) $110-180$ кун
давом этади. Уруғлар бир пайтда етилмаганилигидан пишганлари
тўқилиб кетади. Шунинг учун кичик участкаларда уруғининг
пишишига қараб ҳосил олдинма-кейин йигиб олинади, катта
участкаларда эса бир йўла эрталаб барвақт ёки кечқурун ўриб
олинади. Ўрилган уруғлик боғ-боғ қилиб боғланади, хирмонда

қуритилади ва янчилади. Ҳар гектардан 2—4 ү дан уруғ олиниади.

Уруғнинг унувчанлиги ўрилгандан кейин тўла етилиш процессида аста-секин оша боради. Уруғнинг нормал унувчанлиги 80% бўлиб, у 3—4 йилгача сақланади.

ИСМАЛОҚ

Исмалоқ (*Spinaeia oleaceae* L., шўрадошлар оиласига киради) бир йиллик ўсимлик бўлиб, илдиз бўғзидан 8—10 та баргдан иборат тупбарг ва ўтсимон тик поя чиқаради. Исмалоқ икки уйли, шамол ёрдамида чангланадиган ўсимлик. Майдагачи гуллари поя учидаги рўваксимон тўпгулга тўпланган, уругчи гуллари эса барг қўлтиқларидаги ҳосил бўлади. Исмалоқнинг меваси бир ёки қўш уруғли ёнгоқчадир, унинг усти силлиқ ёки тикали бўлади.

Исмалоқ совуққа чидамли ўсимликлар қаторига киради. Уруғи 3° температурада кўкариб чиқади. Ёш ўсимликлари 6—8° гача совуққа бардош беради. Температура кўтарилса-ю, ҳаво намалиги пасайиб кетса, исмалоқ майдагачи барглар ҳосил қилади ва гулпояларини барвақт тўкиб юборади.

Исмалоқ ҳосили уруғлари экилгандан 30—40 кун ўтгач йифиб олинади. Уруғи 90—100 кунда пишиб етилади.

Исмалоқнинг қуйидаги навлари энг кўп тарқалган.

Ростовский — парникларда етиширилайдиган тезпишар нав. Униб чиққандан 25—30 кун ўтгач, фойдаланиш учун етилади.

Голландский — ўртача тезпишар нав, узиб олинадиган бўлиб, пишгунча 35—40 кун ўтади. Парникка ва очиқ жойларга экилади.

Виктория — кечлишар нав, барги юмалоқ, тўқ яшил, пулфаксимон қавариқли. Очиқ жойларда етиширилади (97-расм).

Исмалоқ кеч кузда, эрта баҳорда ёки кузда сабзавот сеялкасида экилади. Бунда лепталар орасини 50—60 см ва қаторлар орасини 15—20 см дан қилиб, қўш қаторлаб экилади. Уруғлик экишдан олдин бир сутка ивитилади. Ҳар гектар ерга 15—20 кг уруғ экилади. Уруғ 2—3 см чуқурликда кўмилади. Парвариш қилиши ишлари экинни суғориш, қатор ораларини юмшатиш ва бегона ўтларни ўташдан иборат. Озиқ-овқатга мўлжалланган исмалоқ ягана қилинмайди. Исмалоқ беш-ол-



97-расм. Виктория нав исмалоқ.

тига барг чиқаргандан бошлаб кесилиб ёки юлиниб ҳосили бир неча марта йиғиширилди. Гулпоялар чиқариш пайтига келиб, ҳосилни йиғиш тұхтатилади, чунки бу даврда барглар дағаллашиб озиқлик сифатини йүқотади. Исмалоқнинг ҳосилдорлиги гектарига 100—150 ң. Уруғлик учун ўстирилганда участкалар бир-биридан 2000 м нарида бўлиши шарт. Уруғлик исмалоқ қаторда 10—15 см масофа қолдириб, икки марта ягана қилинади. Уруғлик экин гуллаб бўлгандан кейин чангчи гуллар ҳамда қалланган ва нимжон ўсимликлар олиб ташланади.

Уруғлик ўсимликлар барглари сарғая бошлаб, пастки тўпмевалари қорая бошлиши билан ўриб олинади. Исмалоқ уруғлари бир вақтда етилмайди ва тезда тўклилиб кетади. Шунинг учун уруғлик эрталаб барвақт, шудринг кўтарилгунга қадар ёки кечқурун йиғиб олиниши керак. Исмалоқдан гектарига 6—8 ң уруғ олинади. Уруғнинг унувчанилиги 70% бўлиб, у бу хусусиятини 3—4 йилгача сақладайди.

ШОВУЛ

Шовул (*Rumex acetosa* L., торонгулдошлар оиласига киради)— илдизи кўп йиллик ва бир йиллик, пояси ҳар йили ўсиб чиқадиган ўсимлик. Шовул экилган йили илдиз бўғзидан тупбарг чиқаради, иккинчи ва ундан кейинги йилларда эса гулпоясини ташлайди. Шовул гули қўш жинсли бўлиб тўпгулга — рўвакка йиғилган. Четдан чангланади.

Шовул навларидан: серҳосил, лекин совуққа чидамсиз, аммо мазаси яхши *Лион* шовулини ҳамда совуққа чидамлироқ *Майкоп* шовулини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шовул сояда ҳам ўsavерадиган, совуққа чидамли ўсимлик, 7—10° гача совуққа бардош беради. Уруғи 2—3° да кўкариб чиқади.

Шовул уруғдан ва илдиз бўлакчаларидан кўпайтирилди. Унинг уруғи кеч кузда ёки эрта баҳорда, лента усулида қўш қатор ёки уч қатор қилиб сабзавот сеялкасида экилади. Ҳар гектар ерга 3 кг уруғ сарфланади. Шовул ҳосилини йиғиш даврида ҳар 8—10 кунда, ҳосилни йиғиб олингандан кейин, яъни ёзинг иккинчи ярмида ҳар 12—15 кунда сугориб турилади. Шовул барглари ҳар йили уч-тўрт марта қирқиб, йиғиб олинади. Гулпоя чиқара бошлиши билан ҳосилни йиғиш тұхтатилади. Гулпоялар ўсиб чиқишига қараб ўриб турилади. Ҳар гектар шовулдан 120—150 ң гача ҳосил олинади. Бир-икки йиллик шовулнинг дастлабки йиғилган баргларининг сифати яхши бўлади. Кейинчалик барглар дағаллашиб, жуда нордон бўлиб қолади, ҳосили ҳам камайди. Шунинг учун шовул бир далада уч-тўрт йилдан ортиқ ўстирилмайди. Шовулиниг четдан чангланишини чеклаш учун униғ турли нав уруғлик экинлари бир-биридан 500—1000 м оралиқда экилади ҳамда улар атрофидаги отқулоқ, ёввойи қўзиқулоқлар юлиб турилади. Уруғлик шовул ораларида 10—12 см ма-

жингалаклари билан дуч келган нарсаларга ўралиб олиб, поясини тутиб туради. Кўк нўхатнинг тик ўсадиган навлари ҳам бор. Тик ўсадиган навларининг бўғим оралиқлари калта, гули гуж жойлашган ва пояси йўғон. Бу навлар қўйгос гуллайди ва дони ёппасига пишади, ерга ётиб қолмайди. Шунга кўра бу хил экин қатор ораларини машина билан ишлаш ва ҳосилини йигиб олиш қулай бўлади.

Кўк нўхат ўзидан чангланадиган ўсимлик. Лекин ёзи қуруқ ҳамда иссиқ бўладиган жануби-шарқий районларда у четдан — ҳашарот (асалари, чумоли, трипс ва бошқа)лар ёрдамида ҳам чангланиши мумкин.

Меваси дуккак бўлиб, ичидаги беш-саккизта уруг бўлади. Кўк нўхатнинг икки группа навлари фарқ қилинади; донининг пўсти осон арчиладиган навлар — бу навларда дуккагининг икки томони қалин, қаттиқ пергамент қават билан қопланган. Ширин навларида пергамент қават бўлмайди. Пергамент қавати юпқа бўлган оралиқ навлар нимширин навлар дейилади. Нимширин, ширин навлар кўк дуккаги ва дон учун экилади. Пўсти осон арчиладиган навларнинг дуккагини еб бўлмайди, шунинг учун улар фақат дон учун етиштирилади.

Кўк нўхатнинг дони навига қараб, силлиқ ёки бужмайган (миясимон) бўлиши мумкин. Бужмайган донли навлар ширин бўлади ва дони кўклигига ишлатилади.

Кўк нўхатнинг химиявий таркиби (қуруқ моддасига нисбатан, % ҳисобида):

	Углеводлар	Шу жумла- дан шакар	Оксиллар	Клетчат- ка
Кўк дуккагида	11,0	4,2	6,5	1,0
Кўк донида	13,3	5,0	5,0	1,0

Кўк нўхатнинг ўсув даври қисқа (майса чиқаргандан то дони пишунча 60—120 кун ўтади).

Кўк нўхат совуқса чидамли ўсимлик. Уруғи 1—2° температура ҳам униб чиқади. Усиши ва ривожланиши учун энг муовифиқ температура 17—20° ҳисобланади. Кўк нўхатнинг кўпчилик навлари 4—6° гача бўлган совуқса бардош беради. Нўхатнинг гуллаш, мева ҳосил қилиш даврида температура юқори бўлиб, ҳаво қуруқ келса, гулининг чангланиши қўйинлашади ва ҳосилини кескин камайтириб юборади. Кўк нўхат қурғоқчиликка чидамли ўсимликларга киради. Лекин Урта Осиё шароитида ундан юқори ҳосил олиш учун экин сугориб туриласди. Кўк нўхатнинг ширин навларидан қўйидагилар энг кўп тарқалган:

Сахарний мозговой 6 — баланд пояли (150 см гача), ўртача кечпишар (50—60 кун), серҳосил нав, дуккак ва донлари йирик, бужмайган, сарғиш пушти рангда.

Жегалова Г-112 — баланд пояли (180 см гача), кечпишар (55—70 кун), серҳосил нав, дони йирик, бужмайган, ранги зангори-яшил.

Дүккаги арчиладиган навлардан (күк нұхати учун) — қуидагилар экиласы:

Ранний зелений јыл — бўйи ўртacha (80 см гача), серҳосил, тез-пишар нав, кўк нўхати 45—50 кунда териб олинади. Уруги майда, силлиқ.

Победитель Г-33— бўйи ўртача, ўртапишар нав, ҳосили 65—70 кунда техник жиҳатдан етилади, уруғи миясимон, оч-яшил.

Күк нұхат ҳам дукакли үсімлік сифатида бириңчи навбатда фосфорлы үғитларни талаб қылади. Шунинг учун кузги шудгорлаш вақтида ҳар ға ерга 3—5 қ дан суперфосфат солиши керак. Күк нұхат янги үзлаштирилған, шолипоядан бұшаган ва илгари нұхат экилмаган ерларға экилса, әкиш олдидан уруғлар нитрагин билан ишланади. Күк нұхат — февраль охири — мартнинг бошларыда дон ёки сабзавот сеялкалари билан экилади. Тик пояли күк нұхат қатор ораларини 25—30 см қилиб, ерга ётиб үсадыған, пояси узун бұладыған навлар күк дуккагини құл билан теріб олиш учун кенг қаторларға ёки пушталарға экилади. Бунда пушталар ораси 45—60 см қилинади. Дони майда күк нұхаттар ҳар гектарига 80—140 қе, дони йириклари әса 170—200 қг нормада экилади. Уруғ майда-йириклигига қараб, 4—7 см чукурликда күмилади.

Күк нүхатнинг ашаддий зааркунандаси нўхат донхўрагига қарши курашиш учун ўсимлик гуллаётган даврда гектарига 0,5—0,25 кг ҳисобида гаммоизомер ГХЦГ (намланадиган порошок) билан ишланади. Усув даврида кўк нўхат қатор оралари иккиччарта юмшатилади, уч-тўрт марта сугорилади.

Бегона ўтларга қарши курашиб учун ўсимликлар униб чиқ-
кунча ерга симазин ($0,5$ — 1 кг препаратни 500 — 600 л сувга қў-
шиб) пуркалади.

Үртапишар ва кечпишар кўк нўхат кўк дуккаги учун навига, кўк донининг етилишига (диаметри 6—7 мм га етганда) қараб мавсумда 4—8 марта йиғиб олинади. Ёппасига гуллаб ва ҳосил тугадиган тезпишар навлар ҳосили кўпчилик дуккаклилари теришга яроқли бўлганда бир йўла ўроқ машинада ўриб олинади, дуккаклари эса қўлда терилади.

Хар гектар ердан 50—70 ү ва ундан ортиқ күк дуккак ҳосили олинади. Күк дуккаклар узоқ турмайды, шунинг учун улар йиғилган куниёқ, эртасига қолдирилмай реализация қилинади.

Дүккаги арчиладиган күк нұхат ҳосили дони чала думбуллигіда, силлиқ дониллары донининг диаметри 5—6 мм га етганаң, бужмайған донилларының эса донининг диаметри 7—8 мм га етганаңда йиғиштириләди. Улар бир неча марта құлда терилади ёки бир йұла үроқ машинада йиғиб олинади. Күк нұхаттар маҳсус машиналарда арчилади. Үриб қүйилған күк нұхаттарын йиғиб олиш ва япчыш учун КБК-1 маркалы комбайндан фойдаланилади. Бұл комбайн бир соатда 0,2—0,4 га ердаги нұхаттың йиғиб олади ваянчады.

Дуккаги билан ҳисобланганда ҳар гектар ердан 20—25 ү ва ундан ортиқ ёки арчилган донини ҳисоблаганды эса 10—15 ү дан ҳосил олинади.

Уруғлик нўхатни бошқа нав нўхатлардан тахминан 100 м нарироқда бўлишига риоя қилинади ва уларда нав жиҳатдан тозалаш ўтказилади.

Уруғлик кўк нўхат пастки дуккаклари сарғая бошлагаида олдин ўриб, кейин йигиф олинади. Ширин кўк нўхатнинг дуккаги салга тўклилади, арчиладиган навлариники эса чатнаб кетади. Урилган кўк нўхат роса қуригандан кейин маҳсус нўхат молотилкасида ёки оддий молотилкада янчилади. Янчишда дон майдаланиб кетмаслиги учун барабанларнинг айланиш тезлиги минутига 500—600 гача камайтирилади.

Янчилган ва сараланган нўхатлар намлиги 12—14% га келгунча қуритилади.

Ҳар гектар ширин кўк нўхатдан 8—20 ү, дони бужмайған, арчиладиган кўк нўхатлардан эса 10—30 ү гача уруғ олинади. Уруғнинг унувчанлиги (90%) 5—7 йилгача сақланади.

ЛОВИЯ

Ловия (*Phaseolus vulgaris* L.) мазалилиги ва озиқ-овқатлик қиммати жиҳатидан бошқа дуккакли дон экинлардан устун турди. Тошкент шароитида ётиштирилган ловиянинг қуруқ дони таркибидаги оқсил навига қараб 17,3 дан 23,4% гача бўлади. Ширин ловиянинг кўк дуккагида ҳам кўп миқдорда оқсил (6% гача) ва углеводлар, шунингдек, А ҳамда С витаминлар бўлади.

Ловия — бир йиллик ўтчил ўсимлик, поянинг асосидан шохлайди. Барги уч қўшалоқ бўлиб, банди узун (98-расм). Ловиянинг тик ўсадиган (бўйи 25—50 см), ярим чирмашувчи (бўйи 1,5 м гача) ва чирмашувчи (бўйи 2—3 м бўлиб, қозикқа олинадиган) навлари бор.

Ловия — ўзидан чанглападиган ўсимлик. Аммо Ўрта Осиё ва бошқа жанубий районларда ҳашаротлар ёрдамида четдан чангланиши мумкин.

Дуккагининг тузилишига қараб ловиянинг қуидаги навлари фарқ қилинади:

Ширин (ёки сарсабилсизмон) ловия, пергамент қавати бўлмайди. Ним ширин ловия, пергамент қавати кеч етилади, дуккагининг чокида толалари бўлади. Пўсти арчиладиган ловия, пергамент қавати барвақт етилиб, яққол кўриниб туради ҳамда дуккагининг чокида дағал толалар бўлади.

Ловия дони йирик-майдалиги, шакли, ранги ва навига қараб ҳар хил, лекин донининг сирти ҳамма навларида ҳам ялтироқ бўлади.

Ловиянинг илдизи кучли ривожланган, ўқ илдиэ типига оид, ер остига бир метр чуқурликгача кириб боради. Илдизларда жуда кўп тугунакчалар ҳосил қиласиди.



98- расм. Ловия ўсимлиги.

Ловия — иссиқсевар ўсимлиқ, ўсув даври 80—90 кундан 120—130 кунгача боради.

Ўсимликнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун суткалик ўртacha температура 10° дан кам бўлмаслиги керак. Температура бундан паст бўлса, ловиянинг ўсиши сусаяди ва у замбуруғ қасалликларига кўпроқ чалинади.— $1-2^{\circ}$ температурада ловияни совуқ уради. Ҳавонинг жуда исиб кетиши ва иссиқ гармсель, айниқса, ловия гуллаётган даврда катта зарар келтиради, чунки бунда ловия гуллари ва ёш дуккакларини тўкиб юборади.

Ловия унумдор ер талаб қилади. У шўрлангац, ботқоқ ва кислотали ерларда яхши ўсмайди.

Ўрта Осиёда ловиянинг қуйидаги навларини тавсия этиш мумкин:

Шедрага — тезпишар, паст бўйли ($25-40\text{ см}$) нав, дуккаклари ним ширин, кул ранг-сариқ тусда; уруғ униб чиққандан то кўк дуккаги етилгунча $40-45$ кун ўтади.

Триумф сахарний 764 — ўртапишар, серҳосил нав, унча баланд ўсмайди ($30-40\text{ см}$), тури тик ва дуккаклари йирик, ширин. Урги йирик, сариқ рангда. Антракноз қасаллигига бирмунча чидамли.

Туксиз сакса 615 — сершоҳ, тури кучсиз ўсади, ширин, жуда тезпишар нав, гули оч пуштии рангли ва уруғи сариқ кул ранг.

Лимская ёки ойспмон (*Ph. lunatus L.*) навини Ўрта Осиёда этиштириш анча эътиборга сазовор, чунки бу ловия шўрга чидамли ва жуда ҳам мазалидир. Лима ловиясининг гули майда, сариқ-яшил рангли, дуккаги ялпоқ, энли, уруғи йирик, ясси ҳар хил рангда бўлади. Бу ловиянинг сершоҳ ва баланд бўйлилари ҳам учрайди. Сершоҳ оқ уруғли ловиянинг *Майда уруғли сершоҳ* 35 ва *Арманистон 2* (99- раэм) турлари энг кўп тарқалган.

Ўзбекистонда вигна оддий ловияга қараганда икки-уч бара-
вар кўп ҳосил беради, ҳосилдорлиги гектарига 200 ц ва ундан
ҳам кўпроқ.

Сарсабил вигна атмосфера қурғоқчилигига ва юқори температурага чидамли; тупроқ шароитига ва ўғитларга ловияга қараганда кам талабчан.

Сарсабил вигнанинг агротехникаси ҳам ловияницидан фарқ қилмайди. Уни апрелнинг иккинчи ярми, май бошларида дон, сабж хот ёки чигит сеялкаларида қатор оралари 60—70 см ва қадаги ўсимлик ораси 10—12 см қилиб экилади. Экиш нораси гектарига 35—40 кг. Ўсув давридаги парвариш ишлари сугориш (ҳар 10—15 кунда бир марта), қатор ораларини культивация қилиш ва бегона ўтларга қарши курашишдан иборат. Ҳосили июль ойидан бошлаб ҳар уч-тўрт кунда терилади ва биринчи совуқ тушгунга қадар давом эттирилади.

Сарсабил вигна дуккакли ўсимлик сифатида алмашлаб экишда қимматли ўтмишдош экинлардан ҳисобланади. Шунга кўра уни Ўрта Осиёда ва СССРнинг сугориладиган бошқа жанубий районларида экиш шубҳасиз истиқболлидир.

МУНДАРИЖА

<i>Кириши</i>	3	<i>V боб. Очиқ ерда сабзавот етиштириш</i>	113
<i>I боб. Үрта Осиёда сабзавотчиликнинг аҳорли</i>	7	Экинларни жойлаштириш	113
<i>II боб. Сабзавотнинг аҳамияти ва ишлатилиши</i>	17	Алмашлаб экиш	114
Сабзавотларни группаларга ажратиш	17	Ерни экниша тайёрлани	122
Сабзавотларнинг химиявий таркиби ва овқатлик аҳамияти	18	Ўтгитлаш	124
<i>III боб. Ўсимликларнинг ташқи мұхит шароитига талабчанлығы</i>	26	Ургани экнига тайёрланы	131
<i>IV боб. Парник-теплица хўжалиги</i>	45	Уруғ экиш ва кўчат ўтқазиш	133
Парник-теплица хўжалиги ҳақида тушунча ва унинг аҳамияти	45	Экинларни сугориш	135
Парник-теплица инноватларнинг тузилиши	46	Экинларни парварини килиш	137
Иситиладиган ер	48	Хосилни йиғиб олиш ва саклаш	166
Парниклар	53	<i>VI боб. Картошка</i>	176
Теплицалар	58	Аҳамияти ва ишлагтиши	176
Парник ва теплицаларни иситиш усуслари	64	Келиб чиқиши ва тарқалиши	177
Парник-теплицалардаги ўсимликларнинг озиқланиши	77	Ботаник таърифи	178
Гидропоника	80	Навлари	182
Парник-теплицаларда намлик ва газ режими	82	Биологик хусусиятлари	186
Парник ва теплицаларда сабзавот кўчатлари етиштириш	85	Картошканинг айниши	188
Кўчат етиштириш усулининг аҳамияти	85	Агротехникаси	193
Бевосита парникларда кўчат етиштириш	86	Хосилни йиғиб олиш ва саклаш	219
Тувакча ва кубикларда кўчат ўтириши хусусиятлари	91	Тугунаксиз кўпайтириш	221
Ерда ўтирилган жануб кўчати	93	Картошка уруғчилиги	230
Парник-теплицаларда сабзавот ўтириши	95	Картошкадан икки марта ҳосил олиш	243
Плёнка тагида эртаги сабзавот етиштириш	95	<i>VII боб. Бодринг ва сабзавот қовоқчалар</i>	248
Парникларда сабзавот етиштириш	96	Бодринг	248
Бодринг	97	Аҳамияти ва тарқалиши	248
Помидор	98	Ботаник таърифи	248
Гулкарар	99	Классификацияси ва навлари	249
Кўкат сабзавотлар	101	Биологик хусусиятлари	251
Сабзавотни асрар етилтириш	102	Сабзавот қовоқчалар	252
Теплицаларда сабзавот етиштириш	102	Бодринг ва сабзавот қовоқчалар агротехникаси	253
Бодринг	106	Плёнка остида бодринг етиштириш	258
Помидор	111	Хосилни йиғиб-териб олиш	259
Парник олди участкалари		Уруғчилик	260
		<i>VIII боб. Томатдош сабзавотлар</i>	263
		Помидор	263
		Аҳамияти ва ишлатиши	263
		Келиб чиқиши ва тарқалиши	264
		Ботаник таърифи	265
		Классификацияси ва навлари	267
		Биологик хусусиятлари	273
		Агротехникаси	274
		Помидорни уруғдан ўтириш	283
		Хосилни йиғиб-териб олиш	284
		Уруғчилик	289
		Қалампирлар	291
		Аҳамияти ва ишлатиши	291

Ботаник таърифи	292	Пастернак	339
Классификацияси ва навлари	292	Илдизмеваларининг биологик	
Бақлајон	293	хусусиятлари	340
Аҳамияти ва ишлатилиши	293	Агротехникаси	343
Ботаник таърифи	293	Хосилли йигиб-териб олиш ва	
Навлари	294	сақлаш	352
Балампир ва бақлајоннинг		Уругчилик	353
Биологик хусусиятлари . . .	295	XI боб Пиёзлар	358
Агротехникаси	296	Аҳамияти ва ишлатилиши	358
Балампир ва бақлајон уругчилиги	298	Бош пиёз	359
Мизалис	299	Ботаник таърифи	359
IX боб. Қарам ўсимликлари	301	Классификацияси ва навлари	361
Аҳамияти ва ишлатилиши	301	Биологик хусусиятлари	364
Оддий қарам	303	Агротехникаси	367
Ботаник таърифи	303	Хосилли йигиб-териб олиш ва	
Классификацияси ва навлари	305	сақлаш	373
Биологик хусусиятлари	307	Пиёз экиш ва етиштиришининг	
Агротехникаси	309	бошқа усуулари	375
Қарамни уруғдан ўстириш	317	Уругчилик	377
Қарамни йигиб-териб олиш	319	Порейц пиёз	380
Қарам уругчилиги	320	Саримсоқ	380
Гулкарар	324	XII боб. Кўқат сабзавотлар, дуккакли ҳамда кам тарқалган экинлар	386
Кольраби қарами	328	Кўқат сабзавотлар	386
X боб. Илдизмева сабзавотлар	330	Салат	387
Аҳамияти ва ишлатилиши	330	Исмайлоқ	389
Келиб чиқиши ва тарқалиши	331	Шовул	390
Ботаник таърифи ва навлари	331	Укроп	391
Сабзи	331	Редиска	392
Лавлаги	334	Дуккакли сабзавотлар	394
Турп	336	Кўқ пўхат	394
Шолғом	337	Ловния	397
Петрушка	337	Вигна	400
Сельдерей	338		

На узбекском языке

**БАЛАШЕВ НИКОЛАЙ НИКОЛАЕВИЧ
ЗЕМАН ГЕОРГИЙ ОТТОВИЧ**

ОВОЩЕВОДСТВО

учебник для студентов сельскохозяйственных ВУЗов

Издательство «Ўқитувчи» — Ташкент — 1977

Таржимонлар *А. Абдуллаев, А. Абдурасулов,*
А. Иброрхимов.

Редакторлар *А. Абдурасулов, Р. Авазов.*

Мукова рассоми *В. Воробьев.*

Бадний редактор *Х. Ахмаджонов.*

Техредактор *О. Гришикова.*

Корректор *В. Абдулабиева*

Теришга берилди 23/XII-1976 й. Босишга рухсат этилди 20/VII-1977 й. Көрс. №3. 60×90^{1/16}.
Физ. б. л. 25,25+0,05 ранги вкл. Нашр. л. 24,52+0,6 ранги вкл. Тиражи 7 000.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент. Навонӣ кӯчаси. 30. Шартнома 233-76. Баҳоси 76 т.
Муқоваси 36 т.

Набрано на Ташполиграфкомбинате Государственного Комитета Совета Министров УзССР
по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Отпечатано в типографии № 1.
Ташкент, Хамза, 21. 1977 г. Зак. 334